

*Ойлик,  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-  
сиёсий журнал*

# Шарк қолағузи

---

*Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи*

---



*50-йил чиқishi*

---

*Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти*

Л. И. Брежнев

# ЭСДАЛИКЛАР

## Завод гудогига ҳамоҳанги ҳаёт

### 1

**М**ЕН ишчи оиласида<sup>1</sup>, каттагина ишчи посёлкасида ту-гилиб, камол топиб, меҳнатда чиниқиш бахтига му-яссар бўлганман. Болаликдан қолган энг ёрқин, илк таассуротлардан бири — завод гудоги бўлди. Эсимда: тонг отар-отмас отам коржомасини кийиб олган, онам эса даҳлизда уни кузатаёт-ган бўларди. Йўғон гудок ўкирар, гўё унинг овози бутун ер юзига эшитилаётгандай туюларди менга.

Радио йўқ эди, ишчилар соат тақмасди, заводнинг ўзи уларни ишга чорларди. Дастлабки огоҳлантириш гудоги эрта билан беш яримда чалинар, кейин соат олтида сменага чақирарди, кечқурун беш яримда огоҳлантириш гудоги чалиниб, яна соат олтида ишга чорлар-ди. У пайтларда Каменск, бўлғуси Днепродзержинск ишчилар шаҳри-да йигирма беш минг аҳоли яшар, бутун вақт, турмуш тарзи, урф-одатлар, хулқ-атвор, кишиларнинг меҳнати — хуллас, бутун ҳаёт гу-докка ҳамоҳанг эди:

Мен тезда кийиниб, овқатланмасдан ялангоёқлигимча отамнинг орқасидан югуриб қолардим. Шундай пайтларда отам қўлимдан уш-лаб олса борми, қаранглар, қандай катта бола бўлиб қолганман, за-водга кетаётиман дегандай, теварак-атрофга мағрур қараб қўярдим. Ҳолбуки, ўшанда энди беш ёшга кираётган эдим. Қўшни уйлардан, рў-парадаги йўлқалар ва боши берк кўчалардан бошқа ишчилар ҳам ишга чиқиб, бизга қўшилар, одамлар борган сари кўпайиб, уларнинг деярли ҳаммаси кийинлавериб уриниб кетган куртка ҳамда «китайка» де-ган дағал матодан тикилган шим кийиб олишарди. Улар билан бара-вар одим ташлаб юришни ниҳоятда ёқтирганим ҳали-ҳали эсимда.

<sup>1</sup> «Новый мир» журнаlining 1981 йил, 11-сонидан олиб босилмоқда.



## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ,  
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ,  
СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ УРТОҚ

**Леонид Ильич Брежневни**

ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ  
«ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ишида Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги жуда катта хизматлари, Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага, урушдан кейинги даврда СССР халқ хўжалигини қайта тиклаш ва янада ривожлантиришга шахсан қўшган катта ҳиссаси, тинчлик йўлида курашдаги тинимсиз фаолияти учун, коммунистик қурилишга самарали раҳбарлик қилаётгани учун ва туғилган кунига етмиш беш йил тулиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси, Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ **Леонид Ильич БРЕЖНЕВ** Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари

**В. КУЗНЕЦОВ.**

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

**М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль.

1981 йил, 18 декабрь



Минг-минглаб халойиқ пастликка, Днепр томон, Бозор қиялиги-га ошиқарди. Шу ерга келганда отам мени қолдириб, ишга равона бўлар, орадан кўп ўтмай, унинг шапкаси кўплаб бош кийимлар ораси-да кўринмай кетарди, заводга кирадиган қоп-қора туйнук одамларни қаърига олаётганини узоқ-узоқлардан кузатардим. Чамаси, етти ёш-ларда менинг ўзим ҳам илк бор шу дарвозага кирдим. Қўлимда ов-қат солинган идишни ушлаганимча, отамга овқат таширдим.

Завод икки сменада ишлар, ҳар бир смена ўн икки соатдан давом этар, шундай кунлар ҳам бўлардики, сменалар бузилиб, ишчилар кор-хонада ўн саккиз соатлаб қолиб кетишарди. Ошхона йўқ, овқатла-нишга танаффус ҳам берилмасди. Ишчилар уйларидан олиб келган нарсаларини тамадди қилишарди. Баъзи ишчиларга хотинлари, қиз-лари, сингиллари тугунчаларда овқат олиб келишарди. Кейинроқ бил-сам, отам билан онам сайрда, шаҳар боғида, меҳмондорчилик ё клуб-да эмас, балки шу ернинг ўзида, Днепр заводининг темир-прокат це-хида топишишган экан. Айтмоқчи, у пайтларда клуб деган нарсанинг ўзи йўқ эди.

Отам вальцовщик ёрдамчиси эди. Иситиш печида кекса ишчи Де-нис Мазалов эритувчилик қиларкан. Мен у кишини яхши эслайман: чайирдан келган, камсўз, ҳақиқий рус мастеровойи эди. Ўзи Енакиевод-дан бўлиб, олдин Никополда ишлаган, бир этак болали бўлганидан кейин заводимизга ўтиб ишлай бошлаган. Кўпинча унга овқатни бўйи етиб қолган қизи Наталия олиб келаркан. Худди шу ерда, иситиш пе-чи ёнида, «280» стани олдида ёшлар бир-бирлари билан танишиб: ора-дан бир йил ўтганидан кейин турмуш қуришган. Ушанда отам йигир-ма саккиз ёшда, онам йигирма ёшда экан.

Келиб чиқишим ҳақида яна нима дейишим мумкин? Маълумки, ишчилар ўз оилаларининг шажарасини ёзиб юришмаган. Отам Илья Яковлевич Брежнев 1900 йилда заводга ишга кирганини биламан. Бу ерларга Курск губерниясидан, Стрелецк уездининг Брежнево қиш-лоғидан келиб қолган. Чамаси бизнинг фамилиямиз каби қишлоқнинг номи ҳам унинг қирғоқ ёқасида жойлашганлигидан, балки «авайлаш», «асраш» деган тушунчалардан келиб чиққан бўлса керак. Негаки, деҳқонлар ризқ-рўз тимсоли бўлган заминни авайлаб асрашган. Улар ерни жуда қадрлаганлар, қўриқлаганлар, асрлар бўйи унда тер тўкиб, қон тўкиб, авайлаб асраганлар. Лекин фақирлик асрлар бўйи уларга йўлдош бўлган, акс ҳолда отам киндик қони тўкилган жойларни таш-лаб, бир тишлам нон топгани бошқа ёқларга кетиб қолмаган бўларди.

Айтгандай, кейинчалик биз билан бир уйда Аркадий тоға ҳам яшаган эди. Унинг фамилияси ҳам Брежнев бўлгани билан отамга қон-қардошлиги йўқ бўлиб, шунчаки ҳамқишлоғи эди. Бошқа ҳамма кишилар қатори у ҳам тирикчилик мақсадида бу ерларга келиб қол-ган, отам уни уйига таклиф этганди. У киши металлургликни касб қилиб олди, шундан кейин онамнинг сингисига уйланиб, бизга қарин-дош бўлди, менга эса почча бўлиб қолди. Чамаси, рус қишлоқларида одамлар ўша қишлоқнинг номини фамилия қилиб олганидан фамилия-дошларимиз оз эмасди.

Шундай қилиб, миллатим бўйича русман, ижтимоий келиб чиқи-шим — туб пролетар, металлург авлодиданман. Шажарамиз ҳақида билганим мана шу.

Шу муносабат билан Россия ишчилар синфининг шажарасини эслаш ўринлидир. XIX-XX аср марраларида ишчилар синфи гуркираб ўсган давр бўлди. Худди шу йиллари улкан ҳалқ оммаси шаҳарга кўчиб, миллион-миллион кишилар ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Айрим олганда, улардан ҳар бирининг тақдири тасодифий бўлиб туюлиши мумкин. Аммо, уларнинг муштарак тақдири мамлакатда юз берган саноат революцияси билан тарихан ҳал қилиб қўйилган эди. Ота-онамнинг худди шу Екатеринослав (ҳозирги Днепрпетровск об-ласти)га келиб қолиши ҳам тасодифий бўлмай, худди Россиянинг жанубида ўрнашиб қолишига мажбур этганди.

Бу ўлкада Донбасс кўмири билан Кривой-Рог рудаси ёнма-ён жойлашганди, темир йўл уларни бирлаштириб турарди. Днепрнинг сув магистралли тайёр металлни Бежица, Брянск машинасозларига юборишга имконият яратарди. Буларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, шунингдек арзон ишчи кучини жалб қилишнинг ҳад-ҳисобсиз имкониятлари бу ерга Россия корхона эгаларинигина эмас, балки чет эл капиталистларини ҳам бамисоли чорларди: Чунончи, Днепр заводи Бельгия, Польша ва француз капитали (капитал сўзини жамғариш маъносида русчага «копить» тушунчасидан келиб чиқиб, «копиталь» дейишарди) ҳисобига ишларди. Завод ниҳоятда тез юксалди: Каминскда аҳоли сони 1887 йилдан 1896 йилга қадар 2 минг кишидан 18 минг кишига етди.

Бу рақамлар В. И. Лениннинг «Россияда капитализмнинг тараққийси» китобида келтирилган. «Бундан илгари асрлар давомида вужудга келган нарса,— деб ёзган эди у,— ҳозир атиги ўнлаб йил ичида рўёбга чиқарилаётир». Анча йиллар ўтгач, студентлигимда бу классик асарни ўқиганимда Владимир Ильич Жануб металлургиясининг ўсишини нақадар пухта ва чуқур тадқиқ этганлигига эътибор бердим. Жаҳон пролетариатининг буюк доҳийси бутун мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таҳлил этар экан, бутун Россияга нигоҳ ташларкан, бизнинг ўлкамизни, шу жумладан собиқ Каменск қишлоғини ҳам назаридан қочирмай, унинг ўтмишини ўрганганини, ҳозирги турмушини билганлигини, истиқболини кўра олганлигини ҳис этганлигим менинг учун айниқса муҳим эди.

Утган асрнинг 80-йилларида техника билан жиҳозланиш бўйича Санкт-Петербург губернаси, Москва, Киев, Пермь, Владимир губерналари етакчи бўлган, 90-йилларда эса эски саноат марказларидан ўтиб, пойтахтдан кейин Екатеринбург губернаси етакчи бўлиб олган эди. Ўн йил ичида Уралда «буғ кучи миқдори» икки ярим баравар ўсган бўлса, худди шу давр мобайнида Жанубда қарийб олти баравар юксалди. Бунинг устига, жанубдаги заводлар Уралдагидан фарқли ўлароқ ёғочни эмас, кўмир ишлатишарди, чўянни совуқ ҳаво бериш йўли билан эритишдан, крич усули деб аталадиган темир ажратиш усулидан воз кечишганди.

«Урал нақадар эски бўлса,— деб хулоса чиқарганди В. И. Ленин,— ва Уралда ҳукм сурган тартиблар «асрлар бўйи сақланиб» келган бўлса, Жануб шу қадар ёш бўлиб, ўзининг шаклланиш даврини кечирмоқда. Бунда сўнгги ўн йиллар мобайнида вужудга келган соф капиталистик саноат традициялар, табақалар, миллатлар нима эканлигини, муайян бир аҳолининг биқик ҳолда яшаши нима эканлигини билмайди».

Такрор айтманки, буларнинг ҳаммасини мен кейинчалик, студентлик йилларимда ўқиб мағзини чаққанман. Лекин Ленин ёзган нарсаларни эса болалик йилларимдаёқ кўриб, эслаб қолганман. Ҳар турли лаҳжадаги сўзлашувлар, турли губерналардан бизларга келиб қолган ва ҳар нарсадан ҳадиксировчи мужиклар тўдаси, энгил-елпи қурилган бараклар, домналар, мартенлар, қудратли прокат станлари қурилиши — ҳамма-ҳаммасини майда-чуйда тафсилотларигача эсламан. Уша вақтлари Жанубдаги гоят йирик ҳисобланган завод посёлкамизда қад кўтарди. Унинг қандайдир жозибаси ўзига тортарди, мен ҳам ишчиларнинг бошқа фарзандлари каби отамнинг изидан заводга келиб, ўзимни ёнаётган оловга уришим лозимлигини билардим. Посёлкада бошқача қисматни ҳатто ўйлашмасди ҳам. Завод ўзини эслатиб, йўғон овоз билан гудок берар, бу эса менинг тақдирим эканлигини билиб турардим.

Уша пайтга кўра завод яхши жиҳозланган деб ҳисобланарди. Лекин цехда на рольганг, на кўтарма столлар бор эди, албатта. Вагондаги юкни белкуракларда бўшатиб олишар, кўмирни ўтхонага белкуракда ташлашар, ҳолдан тойган от қора қуймаларни ўтхонага таширди. Денис поччам шу печь ёнида ишлар эди. Шу ердан ҳар бири

нақ ярим тонна келадиган қизиганидан оппоқ ҳолга келган баҳайбат тўсинларни илмоқлар билан станга қўйишар, кейин қўлда бир калибрдан иккинчисига ўтказишар, сўнги манзилда ҳамон қизиб турган, лекин энди тобланиб ингичка тортган лентани югура-югура плита устига тортишарди. Металл бу ерда совутилари.

Новчадан келган, елкадор, жомакор ва чипта ковуш кийган ишчи дастгоҳи ёнида дамба-дам қотиб қоларди (дастгоҳни бизда «сиртмоқ» дейишарди). Мен уни яхши кўриб турардим: У доим ҳушёр ҳолда омбирни тахт қилиб турарди. Чўғдек қизиган, вишиллаб турган ва илондек билтонглаган лента чиқиши биланоқ элчиллик билан суғуриб оларди-да, қулочкашлаб нарига улоқтирарди. Шундай кезларда инсон менинг назаримда эртақлардаги паҳлавонларга, бамисоли алп кишиларга ўхшаб кетарди. Бу одам эса менинг отам эди.

Отамнинг кўзи менга тушиши биланоқ, Аркадий амакини ёки қўшнимиз Лукани, ёхуд ишчилардан кимнидир чақириб, ўзининг ўрнига қўяр, юз-қўлини ювиб, ташқарига чиқар, қуёшга кўзларини қисганча нигоҳ ташлаб қўяр, қуриб қолган ўтли ерга ўтириб, тушлик қиларди. Товуш чиқармай овқатланарди. Баъзи-баъзида қадоқ қўллари билан бошимни силаб, уйда нима гаплигини, онамнинг нима юмуш билан бандлигини суриштирарди. Тушлик ҳаминча бир хилда тугарди, отам: «Бориб ўйнай қол», деб қоларди. Мен бўлсам отам дўзахи меҳнат азобини яна қанчалар тортишини ҳис этмай дўстларим билан бирга тутун чиқаётган трубалар томон югуриб кетардим. Завод худди шу ерда тамом бўларди.

Заводнинг чеккасида бутазор бўлиб, биз шу ердан Днепрга ўтиб олардик. Бу ерда дарё соҳили жуда баланд ва тик эди. Биз тепадан қараганимизда уфқ кўринмасди, Пастликда сув кўм-кўк бўлиб кўринарди. Буталар ўсган яшил орол кўзга чалинарди, нариги ёғи эса нуқул сув, ўтлоқ, дарёнинг нарёғидаги Николаевка ва Куриловка қишлоқлари ястаниб ётарди. Бу қишлоқлар биз учун бамисоли дунёнинг нариги чеккаси эди.

Болаликнинг ўзига хос гашти бўлади. Днепрда биз учун ҳамма нарса қувончбахш эди: жарликлар бўйлаб югурардик, оролдан-оролга ўтиб чўмилардик. Аммо фақат баҳорда эмас. Сув тошган кезлари оролдаги дарахтлар ҳам сувнинг тагида қолар, узоқдаги қирғоқ бизга аранг кўринарди. Ҳозир Гоголнинг «камдан-кам қуш Днепрнинг ўрталаригача учиб бора олади...» деган сўзларини эсларканман, бу образ унда болаликдан пайдо бўлган деб ўйлайман.

Болалик хотиралари ҳаминча ёқимли бўлади. Аммо мен авторлар кўпинча хотираномалар ёзганда йўл қўядиган хатоликлардан қочмоқчиман: ўтмиш уларга жуда ажиб туюлади, чунки улар ўзлари у пайтларда ёш бўлишган-да.

## 2

**О** ИЛАМИЗ шаҳар атрофидаги ишчилар яшайдиган «Нижняя колония» қишлоғида, Аксёнов кўчасида турарди. Мен худди шу ерда, 1906 йил 19 декабрда туғилдим. Иним Яков билан синглим Вера ҳам худди шу хонада дунёга келишган.

Каменск посёлкасида иккита проваслав черкови, католиклар костели, лютеранлар кирхи ва яҳудийлар синагоги бўлиб, аҳолининг маънавий эҳтиёжи шулар билан қопланарди. Қолган «маданият ўчоқлари» шундоққина завод йўлагидан бошланарди. Улар ҳам Стригулин трактири, Смирнов трактири ҳамда кўпдан-кўп бошқа трактирлар, давлатга қарашли вино дўконларидан иборат эди.

Посёлканинг жанубий-ғарб томонида, «Верхняя колония»да эса бутунлай бошқача дунё ҳукм суради: икки қаватли кенг, обод уй-жойлар завод маъмуриятига қарашли эди. Ҳатто баланд ва паст,

думалоқ ва саккиз қиррали кўпдан-кўп трубалардан буралиб-буралиб чиқадиган тутун ҳам ўз йўлини бу посёлкадан четга буриб, ишчилар яшайдиган қишлоққа бурқситарди. Кейин билсам, бу ерда Приднепровье шамолининг йўналиши ҳам ҳисобга олинган экан. Шу боисдан ҳам болалигим осмони тим қора бўлиб, тутун дуди уйларимизни қоплаб олганди.

«Верхняя колония» территориясига ишчиларнинг қадам босиши ман этилганди. У ерда кечқурунлари электр чироғи порлаб, дам берилган шиналарга ўрнатилган тўрт ғилдиракли аравачалар келиб, димоғдор хоним ва жаноблар кибр-ҳаво билан тушишарди. Булар одамларнинг қандайдир бошқача тоифаси бўлиб, ҳар доим қорни тўқ, хомсемиз, димоғдор кишилар эди. Формали фуражка, духоба ёқали пальто кийган инженер ишчиларга сираям қўл узатмасди. Ишчилар бўлса инженер ё мастернинг ҳузурига келганида, албатта, бош кийимни қўлига олиши шарт эди. Биз, ишчи болалари узоқ-узоқдан, шаҳар боғининг панжарасидан духавой оркестр оҳангида йўрғалаётган бекорчи-хўжаларни томоша қилардик.

Ҳозирги кунларни тушуниш ва унинг қадрига етиш учун инсон ўтмишни яхши билиши керак.

«Каменск заводидаги сингари сургун шарт-шароити бошқа бирор жойда бўлмаса керак,— деб далолат беради посёлкамизда тарқатилган большевистик варақалардан бири.— Йил бўйи бирон бир байрам кунисиз ишлаб, сурункасига ўн икки соатлаб меҳнат қилиш, баъзан эса ҳатто нонушта ва тушлик учун танаффус қилиш ҳуқуқисиз ўн саккиз соатлаб ишлаш шароити яна қаерда борикин? Ишчилардан бино ремонт, машина ва ускуналарни тузатиш учун кетадиган маблағни ундириб олишлик қаердан келиб чиққан ўзи? Қонимизни зулукдек сўраётганларга меҳнатимиздан олаётган жарақ-жарақ фойда камлик қиляпти шекилли. Улар ҳар бир ҳодисага ёпишиб олиб, бизга жарима солишгани-солишгани... Умр бўйи ифлос кулбаларда яшаб хўжайинларимиз ҳамёни тўлсин, қорнимиз эса сурнай чалсин деб ўйлабимиз».

Россия жанубидаги ишчиларнинг революцион тарихи маълум. Дастлабки социал-демократик тўғарақлар бу ерда 1885 йилдаёқ пайдо бўлганлигини эслатиб ўтаман. Каменскда ҳам худди шундай тўғарақ бўларди. Бу ўлкага кейинчалик ленинча «Искра» ҳам мунтазам келтириб туриларди. Бу ўлкада турли йилларда В. И. Лениннинг топшириғига биноан И. Х. Лалаянц, В. П. Ногин, В. А. Шелгунов, М. Г. Цхакая, Р. С. Землячка, В. В. Воровский, П. Н. Лепешинский, Г. К. Оржоникидзе каби доҳийнинг шоғирдлари ва сафдошлари актив иш олиб боришган. Революцион кураш йўлига онгли равишда ўтган дастлабки ишчилар пледасиянинг аъзолари бўлган уч нафар большевик ҳақида алоҳида айтиб ўтишни истардим.

Екатеринославдаги «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»ни Иван Васильевич Бабушкин 1897 йилда ташкил этган эди. Маълумки, В. И. Ленин уни партиянинг ифтихори, халқ қаҳрамони деб атаган эди. «Бундай кишиларсиз,— деб ёзганди Ленин,— рус халқи ҳамини қуллаб халқи, ялангоёқлар халқи бўлиб қолаверарди. Рус халқи шундай одамлар туфайли ҳар қандай эксплуатациядан тўла озод бўлиш ҳуқуқини қўлига киритмоқда».

Бабушкин тўғарагида Григорий Иванович Петровский революцион ҳаракатга жалб этилди. Кейинчалик партиямизнинг таниқли арбобларидан бири бўлиб етишган бу ишчи революционернинг номи у токарь бўлиб ишлаган заводга берилган. Унинг хизматлари хотираси сифатида Екатеринослав шаҳрига Днепропетровск номи берилган.

Мен эсламоқчи бўлган кишиларнинг учинчиси Никифор Ефремович Вилонов бўлади; у бошқаларга нисбатан унча машҳур эмас, ҳолбуки, бу киши ҳам озодлик курашининг қаҳрамони ва заҳматкаши бўлган. Россиянинг бутун жанубини стачка тўлқини қамраб олган 1903 йил ёзида у Екатеринославда РСДРП искрачи комитетининг аъзоси бўлган. Унга Михаил Заводской деган партиявий тахаллус бе-



рилганди. Аслида ўзи ҳам чинакам завод кишиси, малакали слесарь руҳиятига кўра ҳақиқий ишчи эди!

РСДРП II съездида ажралиш юз берганлиги ҳақидаги хабар бу жойларга ҳам етиб келганида Вилонов дарҳол ўзини большевиклар сафига қўшди. У В. И. Ленинга каттагина хат ёзди, аммо жавобини ололмади, чунки орадан кўп ўтмай, қамоққа олиниб, Сибирга сургун қилинган эди. Ҳолбуки, Владимир Ильич унга жавоб ёзган эди. Бу мактублар неча ўн йиллардан кейин КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-Ленинизм институти архивидан топилди. Ленин жавоб ёзган хатда Н. К. Крупская қўли билан битилган ушбу сўзларни ўқиймиз: «Хат Миша Заводскойга 22 XIIда жўнатилди».

Бугина эмас. Партиямиз асосчиси ўзининг «Ташкилий вазифаларимиз тўғрисида ўртоққа хат» брошюрасида «...ва шаҳридаги завод ишчиси» фикрини тўлиқ келтирган. Вилонов билан учрашув эса олти йилдан кейин, Парижда бўлиб ўтган. Ушанда Крупская Екатеринославдан бир вақтлари Миша Заводской қизиқ-қизиқ хатлар ёзиб турарди, деб эслаганида Вилонов кулимсираб: «Уша хат ёзган мен эдим-да», деб айтганди. Заводскойнинг Вилонов эканлиги ана ўшанда маълум бўлганди.

Вилонов революционернинг одатдаги йўлини босиб ўтди — неча марталаб қамалди, турманинг бир кишилик хонасида яшади, қочди, яна қамалди, неча бор сургун қилинди. Жандармлар уни зах карцерларга ташлаб, ўпкасини туширишди, ёшлигидан сил касалига мубтало қилишди. Шунга қарамай, у партиянинг таниқли ташкилотчилари ва пропагандистларидан бири бўлиб камол топди, 1905 йил революциясида эса Самарада ишчи депутатлари Советининг раиси бўлди. Уша пайтда у эндигина йигирма икки ёшда эди.

Оғир хасталикка чалинганда муҳожирликка тушиб қолди. Каприда яшади. Бу ер фракциячилик курашининг маркази бўлиб қолди. Оғир вақтлар эди. Реакция йиллари бошланиб, ғоявий айнишлар юз берди, «отзовистлар», «худо ясовчилар», «эмпириомонистлар» ва бошқа-бошқа оқимлар пайдо бўлди. Революционер ишчи буларнинг ҳаммасини идрок қилиши осон эмасди. Аммо у сираям хато қилмай тўғри йўл танлади — Ленин изидан борди. Владимир Ильичнинг А. М. Горькийга ёзган мактуби маълум. Доҳий бу хатда Михаил Заводской билан узоқ суҳбат қурганини ҳикоя қилиб, ишчилар синфи ўз партиясини яратади, деб чуқур ишонганини айтади. «...баъзан лаънати муҳожирлик аҳволи нуқтаи назаридан тахмин қилинганидан кўра ҳийла тезроқ тузиб олади, баъзи ташқи кўринишлар ва айрим воқеалар нуқтаи назаридан тасаввур қилиш мумкин бўлганидан ҳам тўғрироқ тузиб олади. Михаил каби кишилар бунинг далилидир».

Ҳа, Бабушкин, Петровский, Вилонов сингари минг-минглаб кишилар бунинг ёрқин далили эди. Россия ишчилар синфи В. И. Ленин изидан, большевиклар изидан, коммунистларнинг улуғ партияси изидан нима боисдан борганлигини яхшироқ билиб олишлари учун мана шу содиқ жангчилар ҳақида ёзаётirman. 1905 йил революциясида днепролик ишчилар ғоят актив иштирок этдилар. Иваново-Вознесенск, Петербург, Москва, Киев, Екатеринослав, Луганск ва бошқа йирик шаҳарларда ташкил этилган ишчи депутатлари Советидан кейин Каменск посёлкасида ҳам шундай Совет тузилди. Аввал бошданок большевиклар унинг ишини яхши изга солиб юбордилар. Совет раислигига завод электриги большевик И. М. Беседов сайланганди. Кейинчалик у билан учрашганман: Гражданлар урушидан кейин у шаҳар Советининг раиси, сўнгра эса завод директори бўлиб ишлаганди.

Биринчи рус революциясининг мағлубиятидан кейин ҳам кураш давом этди. Оммавий қамоққа олишларга, ғоявий тойинишларга қарамай, меньшевиклар ва эсерлар бу ерда ҳеч қачон кучли позицияни эгаллай олмадилар. Кураш кенгайиб, яширин тўғараклар иш олиб борди, стачкалар бўлди, маёвқалар ўтказилди. Масалан, «Правда» газетаси 1912 йил 4 июлда қуйидагиларни ёзганди: «Кеча Каменск

заводида полиция сиёсий митинг ўтказишда айблаб, 22 кишини қамоққа олди». Газетанинг навбатдаги сонларидан бирида «Каменск заводида 32 киши қамоққа олинди», деб хабар қилинди. Аммо ишчилар синфининг жанговар руҳиятини енгиб бўлмасди.

«Барча ўлкаларда ялпи қуроли қўзғолон кўтарибгина Николай II нинг чирик истибдодини узил-кезил бузиб ташлаб ва унинг вайронларини ўрнида демократик республика тузгандагина, — деб даъват қилган эди 1916 йилда заводимизда чиқарилган варақа, — инсон қирғини даҳшатларини такрорлашдан ўзимизни сақлай оламиз... Бизнинг курашимиз ягона, ялпи кураш бўлиши керак. Зотан кучимиз — бирликдадир!».

Албатта, мен у вақтларда бу варақаларни ўқимаганман, биз болаларни маёвқаларга олиб боришмасди, умуман ҳамма нарсага ҳам ақлимиз етиб, тушунавермасдик. Аммо мен мана шундай муҳитда ўсиб, ишчиларнинг орзу ва интилишлари аввал бошданоқ менга яқин эди, катталарнинг суҳбатларини эшитиб, уларнинг забастовка кунларидаги машаққатли кунларини кўриб, улар билан ҳамдард бўлдим. Ишчи инсоннинг энг яхши фазилатлари болалик кезларимдан оқиб менга ойдин бўлган эди, деб айта оламан.

Ишчи буюк меҳнаткаш, унинг чидами битмас-туганмас, у ўз ишини пухта биледи ва уни яхши бажаришга одатланган. Ҳатто чоризм даврида ҳам, ҳатто эксплуатация шароитларида ҳам у ёмон ишлашдан нафратланарди, зотан у ҳамини маҳоратли кадрлар, ўз меҳнатини ардоқларди. Инсоният яратган бойликларнинг деярли ҳаммаси ишчининг пайли қўллари билан бунёд этилган, аммо унинг ўзи мулкчиликка боғланиб қолмаган, унинг қалбини ғаразли ҳисоб-китоб ва мўлжаллар кемирмаган, унинг қалби саховат, бағри кенглик, адолатга умрбод интилиш билан тўлиб-тошган. У топқир, моҳир, зўр ақл ва ҳазил-мутойибага мойил инсон. У қатъиятли, дадил, дўстликка садоқатли, ҳар қандай пайтда ўртоғига ёрдамга келишга шай турувчи инсон. Завод гудоги ҳаммани бараварига сменага чорларди, ишчиларни жипслаштирган ҳам шу гудокнинг ўзи бўлди. Натижада бирлашиш, манфаатларнинг умумийлиги, турли ёш, тажриба, урф-одат, миллатга мансуб миллион-миллион кишиларнинг пролетар бирдамлигини вужудга келтириб, қудратли, монолит чинакам революцион синфга айлантирди.

Мен туғилибоқ шу синфга мансуб бўлдим, шу синфда тарбияландим, бу синф билан бир умр боғланиб қолдим, дейишим мумкин. Отам умрининг сўнгги кунларигача ишчи бўлиб қолди. Бувам, тоғаларим ишчи бўлишган, вақт келиб мен ҳам ишчи бўлдим. Заводга кирдим, укам, синглим, куёвим ҳам менинг изимдан боришди. Брежневлар оиласи кадрдон заводга ўзининг неча ўн йиллаб умрини бахшида этишди. Бизнинг фамилиямизни бугунги кунда ҳам заводларнинг рўйхатларидан топишингиз мумкин.

### 3

**О** ИЛАМ тўғрисида батафсилроқ сўзлаб бермоқчиман. Чунки худди шу оилада инсон табиатининг манбаи, унинг ҳаётга муносабати ётади. Ота-оналарим чоризм зулмининг барча машаққатларини ўз гарданларида синаб кўришган, улар ҳаётининг кўп қисми қийинчиликлар билан ўтган, аммо шунга қарамай, уйимизда ҳамини тотувлик ҳукмрон эди. Бирон бир баҳс бўлган бўлиши мумкин. Лекин биз болалар буни сира билмасдик, ҳатто баланд овозда гапиришганини ҳам эшитмаганмиз.

Отам босиқ, қаттиққўл киши эди. Бизни эркалатмасди, аммо жа-

золаганини ҳам эслолмайман. Чамаси, бунга эҳтиёж ҳам йўқ эди шекилли: биз ота-оналаримизга ҳурмат-эҳтиром руҳида ўсганмиз. Отам бўйчан, нозикдан келган, кўпчилик прокатчилар каби жисмоний бақувват эди. Нуроний, одамларга меҳрибон нигоҳ билан боқарди. Ҳамиша саранжом-саришта юрар, уйда соқол-мўйловини тоза олиб юрар, саришта кийинар, ҳамма ишда батартибликни ёқтирарди. Чамаси, унинг мана шу одатлари бизга ҳам ўтганди. Узининг кадр-қимматини ўрнига қўйиб юрар, муғомбирликни билмас, тўғри сўз, қатъиятли эди. Уртоқлари уни ҳурмат қилишарди. Бу ҳол унинг фарзандлари бўлган бизга ёқимли туюларди.

— Бировга ваъда бердингми, албатта, сўзингнинг устидан чиқ,— дерди менга отам.— Шубҳалансанг, тўғриси айт, қўрқсанг, қўл урма, лекин бир ишга қўл урдингми, қўрқма. Агар ҳақ эканлигинга ишончинг комил бўлса, охиригача туриб бер.

Отамнинг ўзи ҳам худди шундай йўл тутар, сўзи билан ичти бир жойдан чиқарди.

Каменск посёлкасидаги аҳоли қурама эди. Завод маъмурияти французлар, бельгияликлар, поляклардан иборат эди. Ишчилар орасида ҳам поляклар оз эмасди, аммо уларнинг кўпчилиги шу ерлик кишилардан — украинлар, кўплаб елецлик, курслик, орёллик, калугалик мужиклардан иборат эди. Отам меҳнатчиларни тоифа-тоифага ажратиб ўтирмасди. Ҳозирги ибора билан айтганда, одамларни миллатига қараб эмас, синфий келиб чиқишига қараб ажратарди. Ушанда ҳозир ҳам эслайманки, юзбоши ёки бадавлат савдогарнинг ўғиллари, гарчи улар руслар бўлса ҳам, менга бегона туюларди, ишчиларнинг фарзандлари гарчи улар поляк бўлса ҳам ўзимизникилардай эди.

Революциядан кейин, завод саккиз соатлик иш кунига ўтказилганида учинчи сменага одамлар комплектлаш зарур бўлиб қолганида отамни фабрикатор этиб тайинлашди. Узоқ йиллар мобайнида вальцовкачи бўлиб ишлаб, қўли гул уста ҳисобланарди. Шундай бўлса ҳам, унинг янги бурчи тажрибанигина эмас, балки катта билимни ҳам талаб этарди. Фабрикатор мартен цехига буюртма беради, керакли профилларни қайси балванкалардан олиш кераклигини, қайси марказидаги пўлатни танлаш лозимлиги, иссиқликнинг исроф бўлишини камайтириш учун термик ишловни қандай олиб бориш кераклигини ва бошқа-бошқа юмушларни белгилаб бериши керак. Аслида бу ишда инженерлик ҳисоб-китобини юритиш талаб этилар, отам эса узоқ йиллик амалиёт ҳамда табиий ақл-идроки билан буларнинг ҳаммасига ақли етарди.

Советлар замонасига келиб, биз Пелин кўчасида завод учун қурилган янги уйга кўчиб ўтдик. Биринчи қаватдан икки хонали квартира беришди. Отам хонанинг биттасини почтамнинг оиласига берди. Биз аҳил, хушқақчақ яшардик, уйимиздан меҳмон аримасди, қўшиқлар тинмасди, суҳбатлар ярим тунгача давом этарди. Онам эса келганларни меҳмон қилмагунча қўйиб юбормасди. Уйимиз ўша вақтда шаҳар чеккаси ҳисобланмиш Тритузная станцияси яқинида бўлиб, унинг орқа томонида ям-яшил ҳовли бўлиб, акация барқ уриб ўсар, ҳар тонгни қушлар нағмаси билан кутиб олардик.

Отам зарбдорларча ишлаб, 30-йилларда стахановчи бўлди, обрў эътибор қозонди, болаларини оёққа турғизди, бу вақтга келиб, ҳаммамиз ишлаб, оиламизга ёрдамлашардик, отам ҳаёт гаштини суриб, энди бемалол оёқ узатиб юрса бўлаверарди. Афсуски, тўсатдан оғриб, ҳали олтмиш ёшга ҳам кирмасдан вафот этди.

Отам сўнги нафасигача завод ташвишлари билан яшади. У ҳаммиша мамлакатда, жаҳонда юз бераётган ҳамма нарасага фоят қизиқиш қарарди. Унинг бир суҳбати ёдимда қолган. Кейинчалик бу суҳбатни тез-тез эслаб юрдим. Мана энди шуни сизларга ҳавола этмоқчиман. Уша кун сменадан қайтиб, одатдагидек заводдаги ишлар ҳақида отамга сўзлаб бера бошладим. Аммо унинг хаёли бошқа нарасада эди. Сўзимни бўлиб, бундай деди:

— Менга айт-чи, Леня, жаҳонда энг баланд тоғ қайсиниси?

— Эверест.

— Унинг баландлиги қанча?

Нимага мени имтиҳон қияпти, деб шошилиб қолдим.

— Аниқ эслолмайман,— жавоб қайтардим мен.— Чамаси ўн минг метр чиқса кераг-ов... Нимаиди?

— Эйфель минорасининг баландлиги-чи?

— Менимча, 300 метр келса керак.

Отам узоқ жим қолди, ўзинча алланималарни ҳисоб-китоб қилди-да; бундай деди:

— Биласанми, Леня, агар бизга қолса, бундан ҳам баландроқ қилиб ясардик. Прокат беришса бўлди эди. Олти юз метр қилиб кўтарардик.

— Нега энди, дада?

— Уша миноранинг учига тўсин ташлаб, Гитлерни осардик. Тушуняпсанми? Кимда-ким уруш чиқаришни ўйласа, ҳоли қандай бўлишини одамлар узоқдан кўриб турган бўлишарди. Балки бу дунёда Гитлер якка-ёлғиз эмасдир, яна унга ўхшаган кимсалар бўлиши мумкин. Бошқаларга ҳам жой топилган бўларди. Сен нима деб ўйлайсан?

Умр бўйи ишчи бўлган одамнинг қалласини чулғаб олган доно фикрни қаранг. Бу гапни тагин қачон айтди денг? Урушдан анча олдин, Ғалабамиздан анча илгари, гитлерчилар тўдаси бошлиқларини шармандаи шармисор қилган Нюренберг процесси ўтказилишидан қанча йиллар олдин айтганди. У марксча назарияни ўрганмаганди, аммо ишимизнинг буюк ҳақиқатини қалб-қалбидан ҳис этган, фашизмнинг хавф-хатарини олдиндан кўриб, ишчилар синфининг, барча меҳнатқашларнинг уруш хавфига муносабатини жуда тўғри ифодалаб берганди.

Онам Наталия Денисовна отамга қараганда анча узоқ умр кўрди. Бизда айтганларидек, қатъиятни, сабр-қаноатни, бир ишга киришгандан кейин уни охиригача етказиш одатини отамдан сингдирган бўлсам, дилкашлик, одамларга самимият билан муносабатда бўлиш, машаққатларни ҳазил-мутойиба билан енгиш фазилатлари менга онамдан қолган. Онам умр бўйи ишлади, бизни вояга етказди, оқ ювиб, оқ таради, касалга чалинганимизда бошимизда парвона бўлди, мен мана шуларнинг ҳаммасини ёдимда сақлаган ҳолда аёлларнинг, оналарнинг оғир, тинимсиз, олижаноб меҳнатини қадрлашга одатланганман.

Кейинчалик Запорожье, Днепропетровск, Молдавия, Қозоғистонда ишлаган пайтларимда қулай фурсат топдим дегунча онам билан дийдор кўришишни қанда қилмадим, ҳамиша унга чуқур фарзандлик эҳтироми билан муносабатда бўлдим. Шугина эмас, ўзига ҳаёт берган, боқиб тарбиялаган онани севмайдиган кимса шахсан менга шубҳали туюлади. Халқимизда она-Ватан деб бежиз айтишмайди: онасини ташлаб, унутишга қодир бўлган кимса Ватанига ҳам яхши ўғлон бўлолмайди.

Мен энди Москвада ишлардим, онам бўлса бизникига кўчиб келишга сира кўнмас, ҳамон ўша Пелин кўчасидаги уйнинг тор квартирасида синглиси ва куёви билан яшарди. Куёви билимдон инженер бўлиб, заводимизнинг цех бошлиғи даражасига кўтарилди. Кейинчалик менга шундай воқеани айтиб беришди. Уни менга қон-қариндошларим эмас, бошқалар айтиб беришди. Қариндошларим бу ҳақда менга сираям ёзишмаган. Маҳаллий маъмурлар КПСС Марказий Комитети секретарининг онаси мана шундай тор квартирада яшаши ноқулай деб, унга барча қулайликлари бўлган кенг, шинам квартирани тавсия қилишибди. Бу вақтга келиб, Днепродзержинскда уй-жой қурилиши кенг авж олдириб юборилган эди. Онамни қанчалик кўндирмоқчи бўлишмасин кўчиб ўтишга ҳеч кўнмаган, эски уйимизда яшайверган. Ҳамёнчасини кўтариб магазинга борганида одамлар унга ўз навбатларини беришмоқчи бўлганларида жаҳли чиқиб кетар, аввалгидек уй-рўзгор ишларини ўзи бажарар, меҳмон кутишни жуда-жуда ёқти-

рарди. Онамнинг хонаки угра ошини ҳамон эслайман: ҳеч қачон бунақа мазали овқат емаганман. Кечқурунлари бўлса кампирона кофтасини кийиб олганича одми рўмолини бошига илиб кўчага чиқар, дарвоза ёнидаги скамейкада ўтириб, ҳамсоёлари билан суҳбат қуради.

Шундай кишилар ҳам бўлардики, улар Брежневнинг онаси билан танишликларини ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга интилиб, унинг қўлига турли «идоралар»га бериш учун бўлар-бўлмас шикоят ва аризаларни тутқазмоқчи бўлишарди. Онамнинг оқилалиги, хушмуомалалиги, ўзини жуда ҳам камтар тутганлигига қойил қоламан. Онам менга бирор марта ҳам бу ҳақда оғиз очмасди, буни четдан, бошқалардан эшитардим. Менинг ишларимга аралашишга ҳаққи йўқ деб ҳисобларди. Онамни қанчалар ҳурмат-эҳтиром қилишим ва севишимни у биларди. Аммо онамнинг илтимосига биноан кимгадир, масалан, уй-жой масаласида ёрдамлашадиган бўлсам, буни бошқа кимларнингдир, яъни илтимос билан боришни ёқтирмайдиган ёки шундай қилишга ор қиладиган кишилар ҳисобига қилинишини биларди. Балки бу кишилар бошқалардан кўра кўпроқ ёрдамга муҳтождир. Онам тахминан шундай ўйларди. Жавобини эса жуда содда қилиб тушунтирарди:

— Мана, менинг қўлларим,— озғин, ишлайвериб толган, қариб қолган қўлларини кўтарарди.— Шу қўлларимдан келганини беришим мумкин. Аммо ўғлимга буюришни, бу ишни қандай қилишни унга айт-толмайман. Шунинг учун мени кечирасан.

1966 йили онам бизникига, Москвага кўчиб келди. Эваралар кўрди, тинч-осойишта яшади, виждонига зид иш қилмади, уни билганларнинг меҳр-муҳаббатини қозонди, партия ва халқ тўнғич ўғлига билдирган ишончдан фахр-ифтихор билан юрди. Ҳамма ишларни битириб бўлиб, онам билан ёнма-ён ўтириб, унинг азиз нафасини эшитиш, сўзларини тинглаш, меҳрибон, нурли кўзларига боқиш мен учун буюк бахт эди.

## 4

**Я**НА бир нарсани айтмабман, отамгина саводли бўлиб қолмай, онам ҳам ўқиш ва ёзишни биларди, ҳолбуки, унинг даврида ишчи қишлоғида бу нарса жуда кам учрайдиган ҳодиса эди. Улғайганимдан кейингина бизга, болаларга ҳақиқий билим бериш оналаримизга қанчалик қимматга тушганини тушуниб етдим. Улар бизларнинг ўқимишли бўлишимизни исташарди ва шунга эришдилар ҳам: тўққиз ёшимда Каменскдаги эрлар классик гимназиясининг тай-ёрлов курсига қабул қилиндим. Мени қабул қилишганига онам сира ишонмагани ёдимда, умуман кўчамиздагиларнинг ҳаммаси ҳам бунга ақллари бовар қилмаганди.

Чунки қадимда ишчиларнинг фарзандларини умуман гимназияга йўлатишмасди. Бизга эса эшикларини ланг очиб қўйишгани йўқ, атиги сал қия очиб қўйишди. Чамаси, бир томондан бу тез ўсиб бораётган ишлаб чиқариш эҳтиёжи билан боғланган бўлса, иккинчи томондан Россиядаги революцион воқеалар таъсири остида юз берган бўлиши керак. Шунга қарамай, бизга алоҳида конкурс тайинлаб, энг қобилиятлиларини, тахминан ўн беш кишидан биттасини танлаб олишарди. Уша йили атиги 7 нафар ишчи фарзандини қабул қилишди. Бошқа гимназиячиларнинг ҳаммаси «Верхняя колония»дан келган бўлиб, улар чиновниклар, бой-савдогарлар, завод бошлиқларининг болалари эди.

Бизни «давлат стипендиатлари», дейишарди. Бундан бизга стипендия тўлашарди, деган маъно келиб чиқмайди, балки аъло ютуқларга эришган тақдирдагина ўқиш ҳақидан озод қилишарди. Уқиш ҳақи эса ҳаддан ташқари катта эди — олтин билан 64 сўм тўлаш керак бў-

ларди. Ҳатто энг малакали ишчи ҳам шундай ҳақ ололмасди. Отам минг хоҳлагани билан бундай пулни тўлашга қурби етмасди.

Бошқа дўстларим қатори мен ҳам яхши ўқидим. Авваламбор янги нарсаларни билиб олишга қизиқардим, иккинчидан эса отам ўқишимни қаттиқ кузатиб борарди, учинчидан эса ёмон ўқишнинг ўзи асло мумкин эмасди — ёмон ўқийдиган бўлсак, гимназиядан қувиб чиқаришарди.

Биз, ишчиларнинг фарзандларига «Верхняя колония» дан келган гимназиячиларга қараганда бошқачароқ муносабатда бўлишарди. Бу ҳол бизни жаҳл отига миндирар, биз фанларни ўрганишга қобилиятимиз борлигини, бой хонадонларнинг эркатойларига нисбатан донороқ эканлигимизни қандай қилиб бўлса ҳам исботлашга интилардик. Бой-боёнларнинг фарзандлари нима иш қилсалар ҳам кечириб юборилаверарди.

Тарихчи Ковалевич биз жуда ёқтирган ўқитувчи эди. У ўз фанини жуда зўр билар, подшолар ҳақидагина эмас, Разин ҳақида, Пугачев ҳақида сўзлаб берар, декабристлар қўзғолонини ҳам илк бор ундан билиб олганман, Чернишевский, Герцен номларини эшитганман. У бизни жамият тараққиётининг қонуниятларини тушуниш, ўйлашга ўргатарди. Кейинчалик билсам, расмий программадан четга чиқиб дарс бераркан, дарҳақиқат, биз энг зўр ўқитувчиларимиздан бири бўлган бу кишининг большевик, яширин иш олиб боровучи киши эканлигига ақлимиз етмаганди. Деникинчилар уни отиб ташлаганидан кейин биз буни билиб қолдик. Ҳозир Днепродзержинск шаҳрида Ковалевич кўчаси бор. Балки ҳамма ёшлар ҳам кўча кимнинг номига қўйилганини билишмас. Шу ҳақда сўзлаб берганимдан хурсандман.

Ун еттинчи йилнинг феввали Каменск қишлоғига ҳам момақалди роқ чақмоғидай етиб келди. Самодержавие қулади. Аммо уруш ҳамон давом этар, нонга навбат кутиш сира камаймаган, ерга ҳамон помешчиклар эгалик қилар, фабрикантлар ҳамон заводларга хўжайинлик қиларди. Бизда ҳам «Верхняя колония» дагилар ҳамон калонди-моғлик билан «Нижняя колония» одамларига нафратланиб қарашарди. Ҳар ҳолда энди улар биз томонга кўрқа-писа қарашарди. Хўжайинлар хўжайинлигича, ишчилар ишчилигича қолганди.

Октябрнинг улуғ кунлари хотирамда умрбод бошқача муҳрланиб қолган.

Тўсатдан завод гудоги бевақт ўкириб қолди. Вақт бамисоли бўлиниб, иккига бўлинган, янги даврга янги ҳисоб очилгандай бўлди. Бу бизга жудаям ғайри-табиий бўлиб туюлди, отамнинг кетидан заводга равона бўлдик. Бутун шаҳар аҳли заводга ошиқар, одамлар цехлардан ёғилиб чиқар, одамлар товуши даҳшатли гувиллар, майдонда чексиз одамлар денгизи чайқаларди. Фронтдан қайтиб келган ярадор солдатларнинг телпакалари кўзга чалинар, унда-бунда аёлларнинг рўмоли илганар, лекин металлург ишчилар ҳаммадан сероб эди. Ялпи кўтаринкилик, ҳақиқий тантана ҳиссиёти эсимда сақланиб қолган.

Митинг бошланиб, унда Каменск большевикларининг биринчи раҳбари М. И. Арсеничев нутқ сўзлади. У заводимизнинг қозон цехида ишларди, революцион курашга жуда эрта киришиб, варақалар босар ва тарқатарди. Кейин уни кузатиб, изига тушдилар. У Петроградга жўнаб кетди, яширин иш олиб боришнинг шонли йўлини босиб ўтди, Сибирь сурғунига мубтало бўлди, В. И. Ленинни Финляндия вокзалида кутиб олиб, машҳур нутқини эшитганлар орасида бўлди. Лениннинг бу нутқи «Яшасин социалистик революция!» даъвати билан тугаган эди. Кейинчалик Арсеничевни Гражданлар уруши йилларида оқлар отиб ташлади, мен Михаил Арсеничев номидаги металлургия институтида ўқишга муяссар бўлганман.

Ушандаги митингда Арсеничев пролетариатнинг буюк ғалабаси ҳақида гапириб, Советларнинг Бутунроссия II съезди тўғрисида сўзлаб берди, жаҳонда биринчи марта ишчи-деҳқон ҳукумати тузилганини, бу ҳукумат бошида Владимир Ильич Ульянов — Ленин турганлиги-

ни айтди. Халқ ҳаракатга келиб, «Ур-ра» садолари янгради. Яна шу нарса ҳам эсимда борки, кузги ҳаво фонида қизил алвон ҳилпираб турганини дамимни ютиб, бошимни баланд кўтарганча томоша қилганман.

Шуни қўшимча қилиб айтмоқчиманки, ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлоддан олган меросга бир нима қўшишни, унгача қозонилган, эришилган, қурилган, амалга оширилган нарсаларни давом эттириб, олға боргиси — ўз йўлини янги юксакликда давом эттиришни, тарихий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилишни истайди. Баъзан ёшларга барча асосий ишлар орқада қолиб кетгандек туюлади. Революция орқада қолди, Гражданлар уруши жанглари орқада қолиб кетди, улкан мамлакатни социалистик қайта қуриш йиллари, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонликлари орқада қолиб кетди... Йигит ва қизлар шундай деб ўйлашади. Аммо уларнинг даври ҳам келади, боболари ва оталарининг эстафетаси уларнинг қўлига ўтади ва шунда ўзларининг зиммаларига ҳам озмунча имтиҳон ва буюк ишлар тушгани маълум бўлади.

Революцион курашчиларнинг, дастлабки беш йилликлар бунёдкорларининг, Улуғ Ватан уруши жангчиларининг авлодларига муносиб авлод етишиб чиқаётганлиги фикри бугунги кунда менга ҳузур бағишлайди. Илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган миқёсдаги вазифаларни биз комсомолга, Советлар мамлакатининг ёшларига топшира оламиз, она заминимизда юз бераётган барча нарсаларга шахсий масъулиятни ҳис этишдек олижаноб туйғуга эга бўлган бу ёшлар ҳар қандай ишга ўзларининг романтик эҳтиросларини, айтишим мумкинки, ёшлик шижоатларини бахш этмоқдалар. Ёшлар коммунистик эътиқодли, партия ишига, улуғ Ленин ишига беҳад содиқ, Октябрь идеалларига садоқатли бўлиб камол топмоқда.

Изғирин куз осмони фонида ҳилпираб турган қизил байроқни эсларканман, мана шулар ҳақида ўйлайман. Ишчи посёлкамизга Улуғ Октябрнинг кириб келиши хотирамдан сира кўтарилмайди. Байроқ жуда баланд, биринчи номерли домна печи трубасининг тепасига ўрнатилган эди.



Ёшлик йилларимдаги, эски давр ўтиб, янги давр бошланишдаги социал турмуш бағоят мураккаб эди. У пайтлари Днепрликларга осон бўлмаган: Марказий Рада ҳокимияти ўрнига немис қўшинлари келди. Улардан кейин Петлюра пайдо бўлди, 1919 йил январда Қизил Армия суворийлари уни Каменскдан суриб чиқаришди, аммо орадан ярим йил ўтиши билан оқлар кириб келди, кейин эса маҳночилар, григорьевчилар денг. Турли тоифадаги газандалар юзага чиқиб, йигинларда украин «самостийник»лари, меньшевиклар, кадетлар, эсерлар, анархистлар ғимирлаб қолди. Уша йилларда биз жуда кўрғазмали сиёсий тарбия олиб, кун сайин эмас, балки соат сайин куч-қувватга тўлардик.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтгим келади: шаҳримиз ишчилар шаҳри бўлиб, аҳолисининг кўпчилигини ишчилар ташкил этар ва шу боисдан пролетар революциясини бизда ҳаминша ўзларининг революцияси, большевиклар партиясини ўз партиялари, Советлар ҳокимиятлари деб ҳисоблардилар! Яъни кимлар билан бирга бориш, қайси томонга ўтиш проблемаси Днепрлик ишчиларда бўлмаган. Менинг отам партияда, аниқроғи ҳеч қанақа партияда бўлмаган. Аммо революциянинг дастлабки йиллариданоқ большевикларни актив қўллаб-қувватлаган, кейинчалик комсомолга кирганимда, сўнгра эса Коммунистик партия аъзоси бўлганимда ота-онам буни катта ва қувочли воқеа сифатида кутиб олишди.

Революциядан кейинги дастлабки машаққатли йилларда, Гражданлар урушининг отишмалари тугар-туғамас, заводимизнинг қуюв цехида айтиш мумкинки, ғоят ноёб ёдгорлик чўяндан қуйилди. Бу ёдгорлик ҳозирги кунда Днепродзержинскнинг гўзал майдонларидан

бирида турибди. Афсонавий улкан Прометей баланд устунга кўтарилиб олган, ундаги кишанлар парчаланган, қўлида оловли машъала, оёғининг остида асрлар бўйи уни азоблаган мағлуб бургут. Бу рамзий маъно касб этиб, йигитлик чоғларимда ҳаммага тушунарли эди. Икки бошли чор бургути қандай мағлуб бўлганлигини билардик, ҳаётбахш аланга эса ҳамиша металлурглар қўлида эди. Улар худолардан олов ўғирлаб, уни одамларга умрбод совға қилган кишига металлдан гимн ясадилар. Прометейга қўйилган бу ёдгорлик айни пайтда ишчилар синфига ўрнатилган монумент эди.

Менинг ҳаётимдаги шонли кун келди. Ун беш ёшимда ишчи бўлдим. Каменск шаҳридаги Биринчи меҳнат мактабига айлантирилган гимназиядан ўқишни битирганлигим ҳақидаги гувоҳнома олдим. Ишлаб, оилага ёрдам бериш лозим эди. Мени завод коچهгарлигига қабул қилишди, кейин слесарликка ўтказишди. Бу касбларни тездагина ўзлаштириб олдим. Зотан, завод менга азалдан таниш бўлиб қолган, цехдаги тўс-тўполон, қиздирилган металл ҳиди, буларнинг ҳаммаси жисмимга сингиб кетганди.

Ниҳоят завод гудоги мен учун ҳам чалинган, орзиқиб кутилган кун келди. Отам билан бирга сменага чиқиб, бошқалар қатори меҳнат қила бошладим. Билакларим бамисоли сингудек зирқирар, тер қуйилавериб, кўзларимни очишга имкон бермас, аммо мен чинакам бахтиёр эдим. Кейин қувонч чулғаб олди: уйга қайтиб қоп-қорайиб кетган фуфайкани елкамдан олиб ташларканман, онам худди отамга сув қуйгандек менинг қўлимга ҳам муздек сув қуйди, юз-қўлимни ювиб олдим. Бошимни кўтариб, онамга нигоҳ ташлаганимда унинг мунис кўзларида ёш кўрдим.

— Сизга нима бўлди, онажон?

— Қувонганимдан, Лентя, қувонганимдан. Мана, сен ҳам улғайиб оила боқадиган бўлиб қолдинг.

Бу ҳақда бир гап гапиргандим, яна такрорламоқчиман: Днепрдаги заводда бирга ишлаган мураббийларимни, ўзимдан катта ўртоқларимни ҳамиша эслаб юраман. Улар менга дастлабки касб-корни ўргатишди. Ҳаётнинг мураккаб илмидан дарс беришди, меҳнат кишининг буюк кучи ва маънавий гўзаллиги қандай бўлишини кўрсатишди.

Бундай университетлар сира нутилмайдди.

## Ватан туйғуси

### 1

**Х**АММАМИЗДА ҳам Ватан туйғуси жуда кучли. Ажойиб туйғу! Бу туйғу заминимизнинг гўзаллигини ҳис этиш билангина туғилмайди, албатта. Донолар айтганидек, бу заминга вужуд-вужуднинг билан сингиб кетишинг керак. Инсон заминда обдан тер тўкиб, меҳнат қилиб, ғалла ўстиради, шаҳар бино қилади, янги йўл қуради ёки шу заминни ҳимоя қила туриб, унда окоплар қазийди, ана шундагина у Ватан нималигини мағзи-мағзигача тушуниб етади.

Бу ҳақда шу боисдан сўз юритмоқдаманки, 20-йилнинг бошларида менинг жонажон мамлакатимни ўрганиш даврим бошланди. Поездарда, дарё кемаларида, баъзан эса отда юрганларимда, кўпинча пиёда юрганларимда минглаб километр масофани «ҳисоблаб чиқиш»га тўғри келди. Ҳаммаси отам туғилиб ўсган ўлкага боришдан бошланди. Курск диёрида деҳқон ҳаёти қандайлигини тушуниб етдим, ғаллакор меҳнатида баҳраманд бўлдим.



Ҳаётимдаги бундай кескин бурилиш нима боисдан юз берганлигини сўзлаб бермоқчиман. Гражданлар урушидан кейинги вайронагарчилик Поволжьедаги даҳшатли қурғоқчиликка тўғри келиб қолди. Ушанда 1921-1922 йилларда қурғоқчилик ва очлик Украинага ҳам ёпирилганди. Бутун Екатеринославда экинлар куйиб, жизғанак бўлди. Ҳар бир ишчига кунига ярим қадоқдан нон бериларди. Баъзан шу ҳам бўлмасди. Аммо печларда ўт ёниб турган, трубалар нафас олиб турган, завод ишлаб турган паллада биз ҳам ишладик. Кейин эса Днепр металлургия заводини тўхтатишга тўғри келган қора кун келди.

Цехлар сукунатга чўмди, ҳаммаёқ бўм-бўш, пўлат из ётқизилган шохобча йўллар супурги билан қопланиб қоларди. Супурги эса қуруқ ерда ҳам ўсаверади. Одамлар чекка-чекка қишлоқларга жўнаб кетишди, бор-шудларини озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштириб бўлишди. Баъзи кишилар заводдаги тасма-тасма темирларни олиб кета бошлади. Қишлоқдаги бадавлат кишилар уни гардиш учун сотиб ола бошладилар. Бизнинг оиламиз бундай ишнинг уддасидан чиқолмасди. Кейин маълум бўлишича, алмашинадиган бирорта нарсанинг ўзини ҳам ғамлаб қўймаган эканмиз. Отам билан мен оила бошлиғидан боқимандаларга айланиб қолдик.

Каменскдаги ҳаёт моҳият-мазмунини бутунлай йўқотди. Ишсизлар учун биржа очилди. Лекин бу билан юмуш кўпайиб қолмади. Касалликлар бошланиб, очлик авжига минди, ҳар куни қўшни уйларда кимдир ўлиб турарди. Шаҳар бўм-бўш бўлиб қолди, биз ҳам кўчиб кетишга мажбур бўлдик. Кетар чоғимиз сўнги бор орқага ўгирилиб қараб, завод билан видолашганим, завод трубаларида, эстакадаларда, цехларнинг томларида қора қарғалар ин қурганини кўрганим эсимда. Таассурот ниҳоят оғир эди: тепангда қузғунлар айланиб учиб юрибди, ерда ҳувиллаб қолган завод қўққайиб турибди.

Шундай қилиб, заминга қайтишимизни муҳтожлик тақозо қилди. Аммо ёш бўлганимдан қутилмаган саёҳат мени қувонтиради. Ҳаётимда илк бор саёҳатга чиқиб, отамнинг юртида бўлишга азалдан иштиёқманд эдим. Ўзимни қишлоқдаги меҳнатда синаб кўрмоқчи эдим. Бу меҳнат халқ учун нақадар муҳимлигини, мамлакат учун зарурлигини энди мен яхши тушунардим. Мамлакат ғалланинг ҳақиқий баҳосини яхши билиб олганди. Днепр заводи яна ишга туширилиб, ота-онам ёш болалари билан уйга қайтишганида жонажон цех мени қанчалик ўзига тортмасин, бу ерда қолишни бурчим деб билдим ва яна кўп йиллар қишлоқ хўжалигида — Курск ерларида, Белоруссияда, Уралда ишлаб қолдим.

Мана, ўша палладан бошлаб менда иккита жозиба кучи вужудга келдики, энди шулар ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Қишлоқ хўжалиги меҳнатига эҳтиром менга болалиқдан — ота-онамдан, Каменск ва унинг атрофидаги бутун шарт-шароитдан сингиб кетган. Посёлқамиз алоҳида ўрин тутарди. Каменскнинг тенг ярми қишлоқлигича қолган эди. Ҳолбуки, у ерда ҳақиқий, завод тобланишини олган пролетариат яшарди. Пролетарларнинг қалбида эса кечаги деҳқоннинг руҳи яшарди. Отам кўпинча унинг ўзи ҳам «деҳқончилик юритганини» сўзлаб берарди. Бу ҳаётнинг мақтагулик жойи йўқ эди, лекин отам қишлоқи эркинлиги, ер ҳайдаш, пичан ўриш, дон янчиш, ўз қўли билан дон яратиш шавқ-завқ ҳақида ички бир қайғу ва айни пайтда шавқ-завқ билан сўзлаб қоларди. Оиламизнинг ғаллага бўлган беқийс муносабати, эъзози бежиз бўлмаган, овқатланаётганимизда онамнинг қувноқ жоврашлари бир умр эсимда қолган: «Қани, болалар, овқатланиб бўлдиларингизми, энди ҳар бир ушоғини капаланглар!» Халқнинг бу доно сўзлари етишмовчилик ёки пишиқликдан эмас, балки болаларда нонга нисбатан авайлаб, айтишим мумкинки, муқаддас муносабатда бўлишни тарбиялаш боисда айтиларди.

Нонга ризқ-рўз сифатида мана шундай муносабатда бўлмай туриб, муносиб, тўла маънодаги ахлоқли кишини тарбиялаб бўлмайди деб ҳисоблайман. Ҳозир ошхоналарда, кафеларда ва нон дўконларида нонни



эҳтиёт қилишга даъват этувчи чиройли шиорлар осиб қўядиган бўлиб қолишди. Бу фойдали, албатта. Аммо шундай даъватлар керак бўлиб қолганлиги ачинарлидир. Тежамлилик болаларга гўдаклигидан, биринчи навбатда оилада ота-оналар томонидан сингдирилиши лозим.

Бу ўринда бир воқеани эслатиб ўтиш жоиздир. 1918 йили Халқ Комиссарлари Советининг Ишлар мудирини В. Д. Бонч-Бруевич: «Владимир Ильич, биз ҳозир курашаётган нарсани бир сўз билан ифода қилиш мумкинми?», деб сўраб қолди. Шунда В. И. Ленин бир дақиқа ҳам ўйламасдан туриб: «Нон» деб жавоб берган эди. У ўша йилларда, галла учун кураш социализм учун курашдир, деб ёзган эди.

Ёшлик йилларимга фикран қайтарканман, ҳозир, шунга имон келтираман: қишлоқда ишлаш давлат учун жуда зарур ва муҳим эди. Бу ерда мен кўп нарсаларни ўргандим ва кўп нарсаларга тушуниб олдим. Кейинчалик Днепродзержинскага қайтиб, заводга кирдим, инженер-металлург бўлдим. Аммо даврнинг ўзи қишлоқдаги ишлардан тўлиқ четлашишга йўл қўймади. Булар завод ҳаётида орттирилган тажриба билан қўшилиб, бир-бирини тўлдирди. Шундан кейинги бутун ҳаётим мобайнида ҳар икки иш билан барабар даражада шуғулланишимга тўғри келди. Иккала иштиёқ бир бутун бўлиб қўшилиб кетди. Тақдир менга деҳқон даласида ҳам, завод ичкарасида ҳам ҳаёт дарс берганлигидан миннатдорман.

Аммо мен анча илдамлаб кетдим, ўшанда эса энг қийин дамлардаги қишлоқ ҳаётини билиб, ер ҳайдашда ҳам, экин экишда ҳам, галлани ўришда ҳам ишлаб, ерга чинакамга боғланиб қолдим. 1923 йили Курскдаги ер тузиш техникумига кирдим. Конкурс имтиҳонларини топшириб, ундан яхши ўтдим — менга оширилган давлат стипендияси берилди.

Техникум яхши ўқув базасига эга бўлган, қадимий прогрессив аъналарга эга кекса ўқув юрти эди. (Дарвоқе, унда В. Д. Бонч-Бруевич ҳам таҳсил олганди). Тўрт-йиллик ўқиш мобайнида математика, физи-

ка, химиядан яхшигина билим олдик. Геодезия, умумий геология, тупроқшунослик, география, қишлоқ хўжалик статистикаси фанларини институт даражасида ўрганардик. Биз Ленин асарларини ўқирдик, бу асарлар энди одатдаги Асарлар тўплами томларида эмас, балки ҳали босмахона бўёгининг ҳиди келиб турган юпқа брошюраларда босиларди. Биз совет қурилишини, СССР давлат ҳуқуқини ўрганардик. Шчигров уездида ўтказилган дастлабки практикадаёқ бу билимлар ер тузувчига назарий жиҳатдангина эмас, амалий жиҳатдан ҳам жуда зарурлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ун етти ёшимда мени комсомолга қабул қилишди, шундан кейин эса мен барча жамоатчилик ишларида иштирок этишни ўзим учун мажбурий деб ҳисобладим. Бундай ишлар эса озмунча эмасди. Биз қизил шанбаликларга чиқардик, «Йўқолсин саводсизлик!», «қаровсизларга ёрдам» деган оммавий кампаниялар ўтказардик, қишлоқларда қироатхоналар очардик, деворий газеталар чиқарардик, спектакллар қўярдик, қишлоқ йиғинлари ўтказиб, батрақларга уларнинг ҳуқуқларини тушунтириб берардик, буларнинг ҳаммасига вақт топа билардик, ҳаммасига ўзимизни дахлдор деб билардик.

## 2

**Ў**ША пайтда яна бир ҳақиқатни ўзлаштириб олдим: вақт масофадангина иборат бўлмай, ҳажмга ҳам эга экан. Кунлар ва соатларни бемақсад совуриб беҳуда ўтказиш ҳам мумкин, бу кунларни ва соатларни сиқиб тигизлаш имкони борича банд қилиш ҳам мумкин. Ана ўшанда жуда кўп нарсаларни қилиб улгураркансан, киши.

Херсон кўчасидаги ётоқхонада гоҳ очликда, гоҳ совуқ қотиб яшардик. Кийим-бошимиз ҳам бир аҳволда эди: сатиндан тикилган кўйлак, ёғи чиқиб кетган шапка, телпак, буденовка киярдик. У вақтларда галстук тақишни рад қилардик. Аммо 20-йилларнинг комсомоллари ёрқин ва қизиқарли ҳаёт кечирарди. Мамлакат қийинчиликларини ўзимизнинг қийинчиликлар деб тушунардик; бутун инсоният учун порлоқ истиқболни орзу қилардик, шовқин-сурон қилардик, баҳслашардик, севиб-севиладик, шеърлар ўқирдик, ўзимиз ҳам шеър ёзардик.

Ўзимизни поэзиянинг билимдонлари деб ҳисобламасдик, шеърларнинг ақтуаллигини, сиёсий йўналишини ҳаммадан аъло кўрардик. Ўзимизнинг комсомол шоирларимиз ҳам бўларди.

Бир куни темир-йўлда кетаётгандим, мен тушган вагонда мен билан тенгқур студент қиз ҳам борди. Суҳбатлашиб кетдик. Қиз менга одатда альбомга тўпланадиган шеър дафтарини кўрсатди. Шуниси характерлики, дафтарга мен ҳали сира ҳам ўқимаган шеърлар ёзилганди. «Воровскийнинг ўлимига» дейилади бу шеър. Биз ўшанда элчимизнинг ўлимидан қаттиқ қайғуга тушгандик, бу шеър мени жуда тўлқинлантириб юборди, шу заҳоти уни ёдлаб олдим. Шеърни «Бу Лозаннада бўлган эди» деган биринчи сатрларидан қуйидаги сўнги тўртлигигача ёдлаб олдим.

Эрталаб «Астория» меҳмонхонасида,  
Машвум қотил элчимизни ўлдирди.  
Тарих китобининг саҳифасини,  
Яна бир шахиднинг номи тўлдирди.

Маяковскийнинг Курскка келгани эсимда. Биз комсомоллар темир йўл клубига ёпирилиб бордик. Кеча шу ерда ўтказилаётганди. Олифта кийинган тўда-шоирни қаҳр-ғазаб билан кутиб олди. «Мана сиз ўзингизни коллективчи деб ҳисоблайсиз,— деб чинқиришди залдан.— Нега энди ўзингиз ҳадеб «мен, мен, мен» деб ёзасиз?» Шоир дарҳол жавоб қилди: «Сизнингча подшо коллективчимиди? Ахир у ҳамisha «Биз, Николай иккинчи» деб ёзарди-ку». Тўс-тўполон, кулги қарсақлар. Ёки мана бу эпизод. Энг охири қатордан икки киши кўтарилди, чамаси

улар Маяковскийни эшитганданкўра ёлғиз бўлишни афзал кўришган. Улар чўзилиб, қаторма-қатор ўтиб кетаётганида шоирнинг қудратли овози янгради. Маяковский қўлини ҳалигиларга бигиз қилиб бундай деди: «Ўртоқлар! Мана бу калтадумларга эътибор беринг». Яна зал кулгидан ларзага келади, қарсақлар янгради.

Маяковский «Владимир Ильич Ленин» поэмасидан парчалар ўқиди. Уни нафас олмай тингладик. Ильичнинг ўлими умумхалқ қайғусига айланган, ҳар биримизнинг қалбимизни тилка-пора қилиб ташлаган эди.

Ульяновнинг умри  
узун эмас.  
ва бизга  
маълумдир  
то сўнги нафас.  
Аммо ўртоқ Лениннинг  
поёнсиз умрин  
ҳали ёзиш,  
ёзиш  
тасвирлаш керак.

Бу сўзлар бениҳоя куч билан янграб кетди. Маяковский босиқ гапирарди, бамисоли овозини чиқариб, фикр юритарди, аммо унинг овози сўнги қаторларгача етиб борди. Дарҳақиқат, у биз учун жуда юксак тушунчаларни яна қайтадан нурланишга мажбур этди.

Партия ва Ленин  
қондош эгизак,—  
Она тарих учун  
қай бири қиммат!  
Ленинни  
англаймиз  
партия десак,  
Ленин деганимиз партия демек.

Бу қуйма сатрлар ҳар биримизнинг қалбимиз ва юрагимизга жо бўлиб, ўз-ўзидан дилда ёд бўлиб қолаверди.

Маяковский кечада «Илк рудани қазиган Курск ишчиларига» шеърини ўқиди. Бу шеър мени заводни — домна печларини, мартенларни эслашга мажбур этди. Яна уйимга қайтгим келиб қолди. Аммо худди ўша пайтда, 1927 йилда мен ўқишни битириб, ер тузувчи бўлган ва Курск областидаги уездлардан бирида иш бошлаб юборгандим. Кейинги дала мавсумини Белоруссияда, Орша яқинида ўтказдим, сўнгра янги ишга тайинланиб, энди бир ўзим эмас, балки рафиқам билан Уралга, олдинига Михайловскийга, сўнгра эса Бисерт районига жўнаб кетдим. Бўлажақ рафиқам билан комсомол кечаларидан бирида танишиб қолгандим. У ҳам худди менга ўхшаб ишчи оиласида ўсиб-улғайган, у ҳам менга ўхшаб ўқигани Курскка Белгороддан келганди. Шундан буён Виктория Петровна мен учун ҳамиша фақат рафиқа ва болаларимнинг онасигина эмс, балки чинакамига қадрдон ва меҳрибон дўст бўлиб қолди.

У ерда узоқ қолиб кетишга тўғри келди. Урал заминидан мен кўп чақиримлаб йўл босдим, кўп ишладим, бу ўлкани, унинг одамларини ва ажойиб табиатини бир умрга севиб қолдим.

У вақтлар эскилик вайрон этилиб, янгилик куртаклари энди илдиз отаётган мураккаб дамлар эди. Янгилик куртакларини қатъият билан излаб топиб, қўллаб-қувватлаш, парвариш қилиш лозим эди. 1927 йил декабрь ойида бўлиб ўтган ВКП(б) XV съезди мамлакатда социализм қурилишининг бундан буёнги программасини тасдиқлаб берди. Съезд ленинча кооператив планини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йўлини тутди. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида қишлоқда ғоят чуқур ўзгартиришларни амалга оширди, қишлоқни социалистик изга буриб юборди. Айни ўша тўрт йил мобайнида — 1927 йилдан 1931 йилгача мен қишлоқда ишлаб, колхозлар туздим, қишлоқдаги ғоят буюк социал революция воқеаларининг гирдобидан бўлишимга тўғри келди.

Илгари менинг ихтисосимдаги мутахассисларни кўпинча ер ўлчовчилар деб юритишарди. Энди бу ном ўзгариб, биз сўзнинг тўғри маъносидаги ер тузувчилар бўлиб қолдик. Одамлар қишлоқ хўжалик артелини тузиб, ер, мол, хўжалик қурилишлари, асбоб-ускуналарни бирлаштиришди. Энди биз, ер тузувчилар яккам-дуккам ер бўлаklarини бир коллективга бирлаштириб, шунчаки марзаларни текислаб кетиш эмас, балки бу ишларни янги социал, илмий, иқтисодий ва техника асосида амалга оширишимиз, ҳозирги замон агротехникасига ва келгусида ишларни кенг механизациялашга мўлжалланган йирик социалистик хўжаликлар манфаатини кўзлаб иш юритишимиз лозим.

Биз колхозларда ердан уюшган ҳолда, илмий фойдаланишга асосланган янги карталар яратдик. Бизнинг карталаримиз колхозларга узоқ йиллар хизмат қилди, ундан урушдан кейин ҳам агрономлар фойдаланишди. Ер тузишдаги дастлабки коллектив хўжаликлар бунёд этишда орттирилган тажриба эса Шимолий Қозоғистонда, қўриқда юзлаб янги совхозларни ташкил этилган пайтда менга яхши асқотди.

Ер тузувчи бўлиб ишлаган йилларда мен юзлаб одамлар кўз ўнгида ўзимнинг совет ҳокимиятининг мухтор вакили эканлигимни илқ дафъа ҳис этдим. Нивелир ва ўлчагич рейка қандай қўйилгани, трасса қаердан ўтказилгани, қулоқлар билан тўқнашувда ўзини қандай тутганига қараб деҳқонлар партия сибсати ҳақида ҳукм қилишарди: худди шу ерда, айни далада ким совет ҳокимияти томонида-ю, ким унга қарши эканлиги аниқ маълум бўлиб қоларди.

Бисерт темир йўлчилари деҳқонларга совға қилган биринчи тракторни яхши эслайман. Мўъжазгина, кучсиз «форзон» трактори одамларда Ернинг биринчи йўлдоши уйғотгандан ҳам кўра кўпроқ завқу шавқ уйғотганди. Машина шунчаки далага чиқиб қолмади. Бу — қишлоқни социал қайта қуриш қуроли, колхоз қурилишининг пропагандисти ва агитатори эди. Маҳаллий қулоқлар ва уларнинг гумашталари «темир от» юриб ўтган ер ҳосил бермайди, деган миш-мишларни тарқатишди, аммо ғалла шундай бўлиб бердики, асти қўяверасиз. Шунда ғанимлар кечаси омборни ёндириб юборишди. Бисерт колхозчиларининг қахрамонлиги туфайлигина донни сақлаб қолишга муваффақ бўлинди.

Буларнинг ҳаммаси кинода, китобларда эмас, балки ўзимизнинг ҳаётимизда содир бўлди. Бошқа комсомоллар қатори далаларда қулоқларга дуч келдим, қишлоқлардаги йиғинларда улар билан баҳс юритдим. Бизга қозиқлар, паншахалар билан дағдаға қилишарди, ғазабнок хатлар юборишарди, деразаларимизга тошлар отишарди. Бир куни газеталардан қўшни Тюмень областида қулоқлар ёвуз жиноят қилганликлари — оммавий коллективлаштириш даврида бутун мамлакатга ошкор бўлган бир жиноятга қўл уришганини ўқидик. Улар кабинада ухлаб ётган тракторчи Петр Дьяковнинг устига керосин қуйиб, ёқиб юборишди. Биз номаълум, аммо дарҳол жондош сафдошимиз ва ўртоғимиз бўлиб қолган йигитнинг ўлимидан чексиз қайғурдик. Лаънати қулоқларга қарши янада қатъий, дадил ҳужум бошладик.

Орадан кўп ўтмай, ўша тракторчи ҳақида қўшиқ пайдо бўлди. Биз бу қўшиқни ёқтириб қолдик, уни сира оғиздан қўймасдик, коллективлаштириш қахрамони хотираси учун кўпинча тик туриб айтардик.

**Нотекис сўқмоқлар, равон йўлларда,  
Ҳамроҳимиз, йўл бошла, қани биродар!  
Петрушка, тракторинг ўтсин чўллардан,  
Боравер, баҳодир! Ғовларни ағдар.**

Умуман, майин, лирик, дилбар қўшиқни, қаҳр-ғазаб билан ниҳоясига етказиб, ундаги сўзларни ўзимизга қаратдик.

**Дейдилар: Ит хураб, ўтади карвон,  
Ҳосил мўл... Уларга тордир кенг олам.  
Қулоқлар йўлингда бўлса ҳам доvon,  
Комсомол, азизим, бардам бўл!**

**Бардам!**

Орадан анча йиллар ўтиб кетгандан кейингина, ўттиз йилдан сўнг Петр Дьяковнинг ажиб бир мўъжиза билан тирик қолганини, ҳатто бутун уруш йилларида жанг қилганини билиб олдим. Хуллас, у номи тилларда дoston бўлган инсон эди.

Ушанда эса тарихга социалистик қурилишнинг бутун гигант fronti бўйлаб буюк бурилиш йили сифатида кирган 1929 йил эди. Экономиканинг етакчи тармоғи бўлган йирик йирик санoат ривожланиши билан бир қаторда мамлакатда йирик, механизациялашган қишлоқ хўжалигини бунёд этишга киришилган дамлар эди.

Яқинда КПСС Свердловск обкомидаги ўртоқлар ўша йилларга оид баъзи ҳужжатларни менга юборишди.

ВКП(б) Бисерт район комитетининг 1929 йил 5 декабрдаги пленуми протоколидан олинган мана бу ёзувларга эътибор беринг:

«Ўртоқ Брежнев: Кўкламги экиш кампаниясини ўтказиш бўйича бизда белгиланган план жуда катта қийинчиликлар билан боғлиқдир. Бизга зарур бўлган қишлоқ хўжалик инвентари йўқ, бинобарин, қишлоқ хўжалик машиналарини ишлатиш қийин муаммо бўлиб қолади. Баъзи қишлоқ советларини кўп далали алмашлаб экишга ўтказилиши муносабати билан бизда кузги ва баҳорги экин майдонлари қисқаради. Ўтказилган ер тузилиши энг яхши ерларни аҳолининг камбағал ва ўрта қисмига олиб берди, шу муносабат билан биз бу ерларга экин экилишини таъминлаш учун бутун куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз керак. Бу ерда қулоқларнинг зараркунандалик қилиши турган гап. Бинобарин, деҳқонларнинг камбағал ва ўрта қисмига берилган имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш лозим. Камбағал қатламларга кредит тақсимлашга алоҳида эътибор бериш керак. Шундай группалар ташкил этилиб бўлинган. Бу ишда планнинг йўқлиги коллективлаштиришдаги катта камчиликлардан деб ҳисоблайман, қишлоқ советлари бу ишни планли олиб боришмади. Қишлоқларга борувчи оталиқ раҳбарлари коллективлаштириш масалаларини ўтқир қилиб қўйишмади...»

Ушбу ҳужжатда ўша нотинч ва қийин даврнинг ҳақиқий манзараси акс этган. Қишлоқдаги ишлар бутун куч-ғайратни сарфлашни талаб қиларди. Мен куч-ғайратимни сира аямадим, мени меҳнаткашлар депутатлари Бисерт район Совети депутати этиб сайлашларини одамларнинг менга билдирилган ишончи деб қабул қилдим. Кейин район ер ишлари бўлими мудирини этиб тайинладим, сўнгра райишроком раисининг ўринбосари этиб сайлашди. 1931 йил бошларида эса Свердловскка янги ишга тайинлашди. Урал округи ер бошқармаси бошлигининг ўринбосари этиб тайинлашди. Рафиқам билан Свердловскка кўчиб бордик, аммо бир оз вақт ўтиши билан жонажон заводимга қайтиб, слесарь бўлиб ишлаш ва айни пайтда институтда ўқишга қарор қилдим.

### 3

Воқеа мана бундай бўлган эди. Шунча йиллардан буён қариндошларимнинг хатлари, газеталардан заводимиздаги воқеаларни кузатиб бордим. Днепрлик ишчиларнинг ўзлари заводни тиклашни талаб қилишди, уларнинг делегацияси Москвага бориб, ўша вақтда Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Кенгашининг Раиси бўлиб ишлаётган Ф. Э. Держинскийнинг қабулида бўлиб, унинг ёрдамини олишди. 1925 йили матбуотда унинг РКП(б) XIV конференциясида сўзлаган нутқи босилиб чиқди. «Шуни айтишим керакки, ўз вақтида жанубда, ишлаб турган улкан корхоналарнинг биттаси йилига 20 миллион пуддан кўпроқ маҳсулот берган. Днепр заводи, деб аталувчи бу улкан корхона кеча, 28 апрелдан бошлаб соат иккида очилди ва унда дастлабки домна ишга туширилди».

Ўз-ўзидан равшанки, бу хабарлар мени ҳаяжонга солар, қалбимда тугённи жўш урдирарди. Заводимиз куч-қувватга тўлиб, ўсаётганлиги, Уралда ҳам далалар ва ўтлоқларнинг ҳидига эскидан таниш бўлган индустрия ҳиди кўшилиб, димоғни чоғ қиларди. Қаерга борманг, ҳамма жойда кўз олдингизда фабрика трубалари ва улардан чиқаётган тутун намоён бўларди. Бисертнинг ўзида, унинг ён атрофида кўҳна Демидов заводлари — Нижнесергиленск, Михайловский, Ревдинский корхоналари бўлгувчи эди. Свердловск тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади: айни ўша пайтларда бу ерда қурилиш миқёси жиҳатдан мисли кўрилмаган «заводлар заводи» Уралмаш қурилиши авж олдириб юборилган эди.

Мен шундай фикрга келдим: коллективлаштиришда қайтариб бўлмайдиган бурилиш юз бериб бўлди (1931 йилнинг ўрталарида мамлакатдаги якка хўжаликларнинг ярмидан кўпроғи колхозларга бирлашганди), индустрия эса энди куч тўплаяпти. Бугунги кунда социализм учун курашнинг олдинги марраси индустриал фронтдир. Саноатсиз, электр энергиясиз, машина-трактор станцияларининг кенг тармоғисиз қишлоқ хўжалигини кўтариб бўлмайди. Мамлакатга металл зарур эди. Жанубдаги заводлар чўяннинг учдан икки қисмини етказиб берар, Днепр заводи улар орасида энг йириги эди. Бу заводга Ф. Э. Дзержинский номи берилган эди. Демак, менинг ўрним — ўша ерда.

Киндик қоним тўкилган ерларга мана шу таҳлитда қайтиб бордим. Яна ишчи коржомасида сменага чиқиш, устига устак кечқурунлари институтда ўқиш осон эмасди, албатта. Аммо бунга куч-қувватим бор эди, қатъиятим этарди.

1931 йили жонажон заводда мени партиёга қабул қилишди. Ҳозиргидек эсимда, ўшанда 24 октябрь куни эди. Чўнтагимдаги кандидатлик карточкаси ўрнини 1713187 номерли партбилети эгаллади. Партбилет менга имтиёзлар бермаслигини, балки янги муражаб мажбуриятлар юклашини билардим. Аммо биз — коммунистларнинг ҳар биридан бундан бошқа йўлни танлармидинг? деб сўрашса, йўқ, деб қатъий жавоб беришди деб ўйлайман. Чунки, бизнинг йўлимиз — халққа, партиёга фидокорона хизмат қилиш йўлидир.

Вақт мен учун янада тигизлашди. Цехларда реконструкция борар, бу ишга заводимизнинг бош инженери, бўлғуси академик И. П. Бардин раҳбарлик қиларди. Янги-янги агрегатлар қўйилар, механизация жорий қилинар — хуллас, иш етиб ортарди. Институтда, ҳам қизиқарли ҳаёт қайнарди. Билимга биз ҳамиша зўр иштиёқ билан талпинардик. Бунинг устига, факультет группа партиё ташкилотчиси, сўнгра касаба союз комитети раиси ва ниҳоят бутун институт парткомининг секретари этиб сайлангандим. Бу дўстларимнинг катта ишончи эди. Бу ишонч менга қувонч бахш этарди, албатта. Ўзим ҳам табиатан одамлар орасида бўлишни, ўзини ишга тўлиқ беришни ёқтирадиган кишилар дофасидан эдим.

30-йилларда кадрларни, аввало илмий-техника зиёлиларини ўқитиш, тарбиялаш, ғоявий чиниқтириш масаласи кескин бўлиб турарди. Шу боисдан 1933 йилда менга масъулиятли ишни таклиф этишганида уни бутун масъулият билан қабул қилдим: учинчи курс студенти эканлигимда рабфак раҳбари этиб, сўнгра эса Днепродзержинск металлургия техникумининг директори этиб тайинландим. Бутун вужудим билан ишладим. Ўртоқларим учун мумкин қадар кўпроқ иш қилгим келарди. Уша йиллардаги буйруқлар дафтари сақланиб қолган. Эски, эндиликда содда бўлиб туюладиган буйруқларни ўқиганимда мийғимда кулиб қўяман. Аммо у вақтларда бу нарса сиёсат эди. Ҳар бир студент учун курашишни ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблардик, заводдаги йиғитларни ўқишга кўндирардик, уларга касаба союз ташкилотлари йўли билан қарз берардик, баъзан эса ошхонамизда боқардик. Бир куни машҳур металлург олим, домна жараёни назариясининг ижодкори академик М. А. Павлов келиб қолди. Шунда мен уни рабфакчилар олдида сўзга чиқишга кўндирдим. Тенқурларим академикнинг сўзларини

нақадар берилиб тинглаётганлигини кузатиб қувондим. Мана шу йигитлардан кейинчалик ишлаб чиқаришнинг ажойиб командирлари етишиб чиқди — улар эски тоифадаги «мутахассислар» бўлмай, балки ташаббускор, новатор, коммунизм идеалларига садоқатли кишилар эди.

Техникумдаги иш, партия топшириқлари ва жамоат ишлари мени ўқишдан асло озод қилмаган эди. Курс лойиҳаларини чизардим, имтиҳонлар топширардим. Сира ҳам ҳафсаласизлик қилмадим. Мавқеим бошқаларга намуна бўлишга мажбур этарди — ўзим ҳафсаласизлик билан ўқисам, бошқалардан ўзлаштириш ва қунт билан ўқишни талаб қила олармидим? Яна бир ҳужжатни — Давлат квалификация комиссиясининг 1935 йил 28 январдаги мажлиси протоколидан кўчирма келтираман:

**«Эшитилди:** иссиқ кучланишли бўлимнинг V курс студенти Л. И. Брежневнинг «Ф. Э. Дзержинский номидаги завод шароитида домна газини электр статик йўл билан тозалаш лойиҳаси» мавзuidaги диплом иши лойиҳасининг ҳимояси. Кафедра илмий ишни: назарий қисм бўйича — аъло, лойиҳа бўйича — аъло баҳолади.

Газ тозалаш вазифасини ҳал этишга ўйлаб ёндашилганлиги ва лойиҳа ёзувларидаги ҳисоб-китоблар лойиҳа авторининг инженерлик тайёргарлиги жуда ҳам яхшилигидан далолат беради.

Уртоқ Брежнев барча саволларга батафсил жавоб берди.

**Қарор қилинди:** диплом иши аъло даражада бажарилган. Уртоқ Л. И. Брежневга иссиқ кучланишли ускуналар инженери унвони берилсин».

Кучланишли цех сменафи бошлиғи бўлиб ишлаган янги ишим ҳақида қисқа қилиб шуни айтаманки, қизғин меҳнат, оптимал ишлаб чиқариш режимларини излаш, баҳслашувлар, зарбдор вахталар, муқобил планлар, тунги чақириб келишлар, баъзан эса ўпирилишлар билан тўлиб-тошган йил бўлган эди.

Ўша йилнинг ўзида янги тубли бурилиш ҳам юз берди: мени Қизил Армияга чақиришди.

Эрталаб повестка билан ҳарбий комиссариатга келиб, кечаги студентимиз Аркадий Куценкони учратиб қолдим. Икковимизнинг билими-мизни ҳисобга олиб, бизни Читага, танк мактабига юборишаётган экан. У вақтда бу мактаб Забайкалье бронетанк академияси деб аталарди. Яна завод билан, дўстлар, қариндош-уруғлар билан хайрлашиб, узоқ ўлкаларга жўнаб кетимиз лозим эди.

— Ҳарбий бўлмоқчимисан? — сўради Куценко.

— Қайдан билай, — дедим мен. — Бизнинг ҳаётимизда бу ҳам асқотиб қолса керак...

## 4

**Х**АРБИЙ эшелонимиз шарққа қараб қирқ кечаю қирқ кундуз йўл босди. Москва орқали кетаётгандик. Мен Қизил майдонда бўлиб Кремлни кўриш, Ленин мавзолейида туришни орзу қилгандим. Аммо бунга фақат қайтишдагина муяссар бўлдим.

Орқангда ҳаётнинг қандайдир бир босқичи қолаётганида ҳаммиша аллақандай ғамгин бўласан. Айни пайтда олдинда бизни бошқача, ҳали номаълум ҳаёт кутаётгани, шоирнинг сўзлари билан айтганда, узоқ-узоқ манзиллар чорлаётганини ҳис этганингда қувонасан ҳам...

Табиатим ўзи шунақа шекилли: қаерда ишламайин, ўша жойларнинг ҳаммасини ҳозир ҳам севаман, она юртим деб биламан. Бугдойзорлар орасидаги украин оқ-яшил қишлоқлари ҳам, кўзга ташланмайдиган, аммо қалбингни ром этувчи белорус манзараларининг гўзаллиги ҳам, Молдавиянинг гуллаб турган саховатли боғ-роғлари ҳам, Қозоғистоннинг айниқса баҳорда ёппасига лола ва лолақизгалдоқлар билан гиламдек тўшалган ҳадсиз чўллари ҳам менга бирдай ёқади. Ўша



қирқ кечаю қирқ кундуз мобайнида эса бутун мамлакат кўз олдидан ўтиб, унинг кенгликларидан беҳад завқланардим.

Биз келган ҳарбий лагерь Читадан унча узоқ бўлмаган Песчанка станциясидаги районда жойлашганди. Сарғимтир заминда японлар қуриб кетган узундан-узун ерга ёпишган бараклар турарди. Уртада майдон, теварак-атроф одам оёғи етмаган бийдек қияликлар. Бочкада сув ташиётган мудроқ туя ёдимда қолган. Бу ерда сувни узоқдан ташиб келтиришарди, ҳаммомда ҳам (ҳаммом — солдат учун энг муҳим нарса) ҳар бир кишига икки тоғорадан сув норма қилиб бериларди.

Бизни кийинтириб, роталарга бўлишди. Мен танк батальонининг биринчи ротасига тушдим. Хизматни бошлаб юбордик.

— Подъём! Ўқдек учиб чиқинглар!

Жазирамадами, қирчиллама совуқдами, ёмғир ва шамолдами — ҳаммиша биз бирдай белимизгача яланг ҳолда зарядкага югуриб чиқар, сўнгра нонуштага бориш учун саф тортар, кейин устав бўйича машғулотлар ўтказар, узоқ соатлар мобайнида сафда юриш тайёргарлигини кўрар, старшина Фалилеевнинг панд-насихатларини эшитардик. Старшина бизга жуда қаттиқ турарди:

— Бу ер сизларга институт эмас, бу ерда каллани ишлатиш керак. Смир-р-но!

Сафда қўшиқ айтиб юрардик. У вақтлари «Бизни дўппосламоқчи, дўппосламоқчи бўлишганди» қўшиғини оғиздан қўймасдик. Қўшиқни ҳуштак жўрлигида аҳил куйлаб, текис қадам ташлаб юрардик. Мен бу ҳаётга тезда кўникиб кетдим.

Яқинда Сибирь ва Узоқ Шарққа қилган сафаримда Песчанкада бўлишимга тўғри келди. Гарчи бугунги кунда ҳам у ерда ўқув-ҳарбий қисми жойлашган бўлса-да, бугунлай бошқа посёлка тусини олган. Ҳарбий шон-шуҳрат музейи бўлиб, у ерда ўша йиллари танкчи шлёмида тушган портретимни ҳам кўрдим. Солдатлар Улуғ Ватан урушига доир фотосуратларни, материалларни, Кичик ерликларнинг ҳужжатларини меҳр билан тўплашибди. Кейин ёш жангчилар ўзлари яшаётган уйни келиб кўришга таклиф этишди. Бу уйлар биз хизмат қилгандаги каби баракларга сираям ўхшамайди. Замонавий бинолар, ойнавандли хоналар, койкалар дид билан тузатилган, пол ялтираб турибди. Илгариги пайтда эса уй-жой фонди амалда йўқ эди, танклар эса траншеяларда турар, ниҳоят устига брезент ёпиқлик турарди.

Биз учун энг муҳими ҳарбий хизмат эди. Ҳамиша армияда бўлганидек, спортга — турникда машқ қилиш, волейбол ўйнаш, қишда эса чанғида походга чиқишга кўп эътибор бериларди. Бир ўзим чанғида жуда узоқ масофани босиб ўтишимга тўғри келгани эсимда. Ўттиз-қирқ километр юргандим. Қўмондонлик рапортини разъездга олиб боргандим.

Танкчилар пиёда юришни ҳам ўрнига қўйишлари керак, деб кўпинча бизга айтишарди. Бўйинча шаклида ўралган шинелни елкага осиб, пойабзални пишиқ кийиб олиб, «Олға қараб марш!» командаси бериларди. Узоқ йўл босишга тўғри келарди. Олдинга оёқларимиз қавариб, пайтава ўрашни ҳам билмасдик. Шундай ҳоллар ҳам бўлган. Бир куни баҳорда шундай марш юришларининг бирида шу жойдаги анҳор тошиб кетди. Биз қўшиқ айтиб, марш билан қайтаётгандик, ҳамма нарса кўнгилдагидек туюлаётганди. Бирданига йўлимизни сув тўсиб қўйди. Командирнинг «Нега тўхтаб қолдинглар?» деган овозини эшитдик. Ҳамма жим: кўриб турибсиз-ку, сувдан ўтиб бўлармиди, дегимиз келади. Устига устак, баданни жунжитадиган қор шамоли эсиб қолди. Бу жойларда илк баҳор ҳадеганда иссиқ келавермасди. Қарасак, командир гимнастёркасини ечиб, шахсий қуролини унга ўради-да, боши узра кўтариб, «Менинг орқамдан!» деб команда берди. Сув ниҳоятда совуқ, анҳордан ўтиб олдик — тишимиз бир-бирига тегмай тақиллайди. Шу пайт янги команда эшитилди: «Олға қараб югуринглар!» Йўқ, ҳеч қандай кориҳол бўлмади. Шу тахлитда характер, совет солдатининг характери шакллана борди. Кейин энг қизиқарлиси бошланди: тактикадан машғулотлар бўла бошлади, танкларнинг материал қисмларини

Ўргандик, танк ҳайдашни билиб олдик. Уша пайтлари биз «Т—26», «БТ—4» деган ўрта танкларни ўргандик. Бу танклар ҳозиргиларидан анча кучсиз, албатта. Аммо ўшанда бу танклар бизга даҳшатли қурол бўлиб туюларди. Биз жойимиздан туриб, юриб кетаётганимизда ҳаракатдаги нишонга қараб отардик, батальон командири Копцовнинг ўзи отишларимизни аъло баҳолаган пайтларда, айниқса, хурсанд бўлиб кетардик.

Бу талабчан командир ва дилкаш инсонни ҳали-ҳали зўр мамнуният билан эслаб юраман. У командир, мен эсам курсант бўлганлигимдан биз у билан дўст эдик, деб айтолмайман, аммо комбат менга ҳайрихоҳлик билдирарди, мен ҳам унга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлардим. Кечқурунлари кўпинча армия хизмати тўғрисида, урушнинг бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида сўзлашардик. Кейинчалик Василий Алексеевич Копцов Халхин-Голдаги жангларда қатнашиб, Совет-Иттифоқи Қаҳрамони бўлди, Улуғ Ватан урушига генерал бўлиб кириб, фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Мен билиб олган кишилардан у дастлабки кўзи пишган офицерлардан эди: одатда, бундай кишилар ҳақида суяк-суягигача ҳарбий одам, дейишади. Табиатига кўра, камсухан, иродали, ҳамиша саришта, бардам юарди, мен учун исталган пайтда Улуғ Ватанимизни ҳимоя қилишга шай турадиган, бутун ҳаётини совет солдатларини тарбиялашга бағишлаган мураббий ва чинакам командир намунаси эди.

Шундай эпизодни эслайман: биз жойлашган қисмнинг яқинидан Читинка дарёси ўтарди. Биз унинг қирғоғига боришни ёқтирардик: мусаффо тиниқ сув, кўп жойларда тубигача шундоқ кўриниб турарди. Бир кун Копцов бундай деб қолди:

— Бу ерда ҳамма инженерлар тўплангансиз. Мана бу масалани ечишга бир уриниб кўринглар-а. Сизлар ўз танкларингиз билан текисликда кетяпсиз, тўсиқларни улоқтириб ташлаяпсиз, машинани тепаликлар ёнига қўясиз, аммо танкда дарёнинг тагидан ўтишни ҳеч бирингиз ўйлаб кўрганмисизлар?

Биз бу иш билан шуғулландик, агар билсангиз. Олдинига нима қилиш мумкинлигини хомчўт қилдик. Ниҳоят бу вазифани ҳал этдик.

Бу нимадан далолат берарди? Ўзига хос довюракликни тарбиялашми? Асло, биз комбатнинг буйруғини шу тахлитда тушундикки, у бизни танк экипажи ўқув машқида эмас, балки ҳарбий ҳаракатлар гирдобига тушиб қолганида ҳар қандай мураккабликларга тайёрлапти, деб ҳис этдик. Ўшанда полигондагидан, машқ майдонидагидан кўра мураккаброқ вазифаларни ҳал этишга тўғри келади. Копцов бизларни ана шунга тайёрлаган эди. Кўлларимиз бунинг учун ундан миннатдор эдик. Батальонимиздан чиққан танкчилар Улуғ Ватан урушида ўзларини чиниққан командирлар сифатида кўрсатишди. Шу ўринда Суворовнинг «Машқда оғир кўчса — жангда енгил бўлади», деган сўзларини эсланинг келади. Тўғри, жангда ҳеч қачон енгил бўлмайди.

Песчанкада мен биринчилардан бўлиб взвод командири, кейин эса иккинчи ротанинг командирлигига тайинландим. Бу вазифалар мен учун фахрли бўлиб, буни қўмондонликнинг ўзимга бўлган ишончи деб билдим.

Кейин қисм сиёсий бўлимининг бошлиғи бўлдим. Ишлар бошимиздан ошиб-тошиб ётарди. Ҳарбий хизматга ҳам, жанговар варақалар чиқаришга ҳам, сиёсий ахборот соати ўтказишга ҳам, тарбиявий ишлару солдатлар билан суҳбат ўтказишларга ҳам вақт топа билиш керак. Инсон-инсон-да, уларнинг барчасида ўз ташвишлари, ўз қувончлари бўлади. Аммо мен иш билан нечоғли машғул бўлмайин, ҳамиша фурсат топиб, уйимга хат юборардим. Бир кун ҳатто уйимдагиларга суратимни юбордим. Эшик ёнида турсам, Копцов келиб қолди, кимдир фотоаппаратини шақиллатиб қолди. Емон сурат чиқмабди. Уни уйимга юборишга аҳд қилдим. Ота-онам учун мактуб билан бирга ўз фарзандининг сиймосини кўриб қўйиш ҳам ҳамиша ёқимли бўлса керак деб ўйладим.

**Й**ИЛЛАР ўтди. Мана энди ўша кўч-кўчларнинг, янги-янги вазифаларга тайинланишларнинг, янги-янги учрашувлар ва шуғулланишга тўғри келган янги ишларнинг қанчалик фойдали бўлганлигини яхши кўриб турибман.

Инженерлик дипломини ёқлаганимда келажакда «Запорожсталь»ни тиклаш билан шуғулланишга, область ва ҳатто бутун мамлакатнинг мудофаа саноатига раҳбарлик қилишимга тўғри келишини ўйламагандим, албатта. Ер тузувчи бўлиб ишларканман, миллион-миллион қўриқ гектарларни ўртоқларим билан қайта тузишимга тўғри келади, деб ўйламагандим. Ҳарбий ишда тобланганимда ғоят машаққатли урушда қўл келишини тўла-тўқис тасаввур этмагандим. Буларнинг ҳаммаси бирга қўшиб олинганида бир бутун бўлиб, одамлар оммаси билан доимий мулоқотда бўлганимда тажриба, кўникма, билим қотишмасига айланишини ҳам хаёлимга келтирмагандим. Ана шу қотишма иккитагина оддий сўз билан: партиявий иш деб аталади. Йиллар ўтиши билан мен шуни тушуна бошладимки, минг-минглаб бошқа кишилар қатори мени ҳам ҳақиқатан онгли равишда бўлғуси катта ишларга тайёрлашган экан. Бу тайёргарлик ишларини Коммунистик партия олиб борди.

Армиядан қайтганимдан кейин кўп ўтмай мени Днепродзержинск шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарлигига сайлашди. Ушанда партиянинг кекса аъзоси, балтикалик денгизчи, Октябрь революциясининг иштирокчиси, Дзержинкамизнинг ишчиси Афанасий Ильич Трофимов ижроком ранси эди. Саводи унчалик яхши эмасди, шу боисдан инженерлик тайёргарлигим борлигидан жуда қувониб кетиб, дарҳол ижрокомдаги қурилиш ва шаҳар хўжалиги вазифаларини бошқаришни таклиф этди.

Советнинг тиним билмас, кенг қамровли, халқ эҳтиёжларига бутунлай қаратилган ишига чуқур кириб боришга тўғри келди. Бу иш мен учун янгилик эмасди. Бисерт районидаёқ бу ишга бош қўшгандим, аммо бари бир кўп нарсаларни қайтадан идрок қилишимга тўғри келди. Бу тажриба 1960 йили СССР Олий Совети Президиумининг Раислигига сайланганимда қўл келди, бугунги кунда партия ва халқ КПСС Марказий Комитети Бош секретари вазифаси билан бирга бу юксак, фахрли, аммо тинимсиз меҳнатни талаб қилувчи ғоят масъулиятли лавозимни менга яна ишониб топширганида ҳам қўл келмоқда.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, депутатларнинг ҳуқуқларини кенгайтирувчи қонулар ишлаб чиқиб қабул қилишдан ишни бошладим, маҳаллий Советларнинг ролини кучайтириш, уларнинг обрўсини ошириш, бутун давлат аппарати фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги масалаларни қўйдим.

Кўз ўнгимда замонавий Днепродзержинск шаҳрига айланиб кетган Каменскда ишлаган вақтимни ҳамиша миннатдорчилик билан эслаб юраман. Давр ғопт мароқли эди. Айни ўша даврда биз Шимолий қутбни забт этган папанинчи тўрт азаматга қарсак чалган, Чкаловнинг учишларини қалбларимиз қалқиган ҳолда кузатган, Магнитка, Кузнецк комбинати ва бошқа янги қурилишлардан олинган хабарлардан қувонгандик. Уша йилларда Днепр заводи ҳам айни ривожланаётган палла эди: кўз ўнгимда саккизинчи домна печини ишга туширишди, аглофабрикани, учинчи мартен цехини ишга солишди. Пулат қуювчимиз Яков Чайковскийнинг стахановчилик рекорди бутун Иттифоққа донг таратди. Оғир саноат халқ комиссари Серго Оржоникидзе мамлакат пулат қуювчиларини унинг тажрибасини эгаллашга даъват этди.

Завод билан бирга, тўғрироғи, кейинчалик пайдо бўлган заводлар билан бирга шаҳримиз ҳам юксалди, Тритузное, Романково қишлоқлари ҳам шаҳар чегарасига кириб кетди. Энди янги-янги проблемалар

пайдо бўлди — мактаб, поликлиника, болалар боғчалари етишмасди, уй-жой танқис эди, водопровод, канализация, транспортни янгилаш лозим эди. Ижрокомда мен мана шу масалалар билан шуғулландим. Директорлар «хуторларни» ўз корхоналари яқинида қуришга интилишарди, бу борада улар билан баҳслашишни ўрганишим, идоравий кайфиятларга барҳам бериб, куч ва маблағларни ягона қўлга жамлашга ўрганишим лозим эди. Мен гарчи катта бўлмасам ҳам, аммо одамларга шу қадар зарур бўлган дастлабки муваффақиятларимизни яхши эслайман.

Оғир саноат халқ комиссарлигидан маблағ ундиришга муваффақ бўлдим. Бағлейдан Ленин майдонигача трамвай изи ётқиздик. Қизил вагонлар бутун шаҳар бўйлаб юрганида ҳақиқий тантана бўлиб кетган эди. Бугунги кунда ҳам Пионерлар саройи жойлашган шинам бинони (олтмиш икки кун ичида) қурганимиз ёдимда, комсомоллар қандай қилиб стадион қурганлигини ҳам биламан, бизда ҳам тўрт қаватли, балконли, ойнавандли «баланд» бинолар қурилганини эслайман. Гарчи қурилиш миқёслари бугунги кундагидан анча орқада бўлса ҳам, аммо юзлаб оилалар ҳовли тўйлари ўтказишди. Шаҳар кўчаларига тош ётқизирилиб, хиёбонлар бунёд этилди, магазинларда моллар кўпайиб қолди, халқ яхши кийинадиган бўлди, ҳаёт яхшилана борди — Днепро-дзержинскда ишлаган даврим мана шулар билан ҳам хотирамда қолган.

Днепродзержинск шаҳар Советида мен бир йилдан кўп вақт ишладим, сўнгра мени партия ишига кўтаришди. Олдинига Украина Коммунистик (большевиклар) партиясининг Днепропетровск область комитети пропаганда бўлимини бошқардим, сўнгра эса 1939 йил февраль ойида обкомнинг пропаганда бўйича секретари этиб сайландим. Область партия ташкилотининг штаби бўлган обкомнинг мураккаб ва кўп қиррали иши тўғрисида «Тикланиш» китобида батафсил сўзлаб берган эдим. Уша вақтлари Семён Борисович Задюченко обкомнинг биринчи секретари эди. Тажрибали, ақли, кучли бу одамдан кўп нарсани ўргансам бўларди. У билан амалий, ўртоқларча муносабатда эдик. Мен партиявий ишнинг энг муҳим соҳаларидан бирига — идеология соҳасидаги ишга масъул эдим. Вазифаларим доираси кескин ортиб, иш миқёслари кенгайиб кетди, энди мен шаҳар ва қишлоқларга тез-тез борадиган, юзлаб одамлар билан учрашадиган бўлиб қолдим.

Бу мактабни ўтаганимни жуда муҳим ҳол деб ҳисоблайман. Маълумки, партиявий раҳбарликнинг сиёсий, идеологик, ташкилий жиҳатдан учта асосий йўналиши мавжуд. Шулардан қайси бирининг муҳимлиги ҳақида гап-сўз бўлишининг ўзи мумкин эмас — бу ишларнинг ҳаммаси партияга зарур, ҳаммаси бир хил даражада муҳимдир. Партиявий фаолиятнинг ҳамма жиҳатларини биргаликда кўшиб олиб бориш маҳорати бамисоли бир санъат бўлиб, бу санъатни умр бўйи ўрганиш лозим.

Идеология иши Коммунистик партиянинг ҳамиша биринчи даражали вазифалари бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бу иш кўп қиррали, у жамиятда юз бераётган жараёнларни илмий таҳлил қилишни, шу муносабат билан вужудга келадиган проблемаларни муттасил ҳал этиб боришни талаб қилади.

Давлат ва жамоат ҳаётининг ғоявий асоси ҳақида андак, ҳатто унинг айрим участкаларини унутиш, ғоявий хатоликлар билан мураса қилиш ғоят хавфлидир. Шунчаки қараганда, айтайлик, техник хатоликлар унчалик сезиларли бўлиб туюлмайдди. Қандайдир бир агрегат нотўғри лойиҳалаштирилган бўлса, бу агрегат қутилган қувватни бермайди, ёки умуман ишламайди — бу нарса дарҳол кўриниб қолади, келтирилган зарарни осонлик билан ҳисоблаб чиқиш мумкин. Аммо идеологияда йўл қўйилган хато одатда яшарин, чиройли сўзлар либосига ниқобланган, лекин оқибати ёмон бўлади, зотан бу хатолик дарҳол сезилиб, уни вақтида бартараф этилмасам, жуда катта зарар етказиши мумкин. Ҳозирги дунёда вакуум деган бўшлиқнинг ўзи йўқ: биз хотиржамликка йўл қўйган жойда ғоявий мухолифларимиз иш кўра бош-

лайди. «Шу сабабли, — деб уқтиради В. И. Ленин, — социалистик идеологияни ҳар қандай камситиш, ундан ҳар қандай четланиш буржуа идеологиясининг кучайишини билдиради».

Мен ҳақоқ юригаётган ўша йилларда буни алоҳида ўткирлиги билан ҳис этганман: Фарбада иккинчи жаҳон уруши бошланиб, бизнинг чегараларимизга яқинлашиб қолган эди, икки системанинг ғоявий-сиёсий қарама-қаршилиги ўзининг энг сўнгги формасида — очикдан-очик ҳарбий тўқнашувга келиб қолган эди. Шундай вазиятда кадрларни ғоявий-сиёсий тарбиялашга, партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга бўлган талаблар кучайди. Актив, жанговар пропаганда иши олиб бориш, душман идеологиясига ўз вақтида зарба бериш, совет кишиларида юксак сиёсий онглиликни мустаҳкамлаш, уларни социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализм руҳида, коммунизм идеалларига садоқат руҳида тарбиялаш лозим эди.

Ҳар бир раҳбарда, ҳар бир коммунистда буларнинг ҳаммасига ҳавас уйғотиш, ғоят оддий, аммо ҳамиша куч-ғайрат сарфлашни талаб қилувчи вазифа — ҳазирги босқичда партиямиз Марказий Комитети конкрет нималарга эришмоқчи эканлигини халққа етказиш, ўз олди-мизга қандай вазифалар қўйганлигимизни айтиш туйғусини сингдириш лозим эди. Бошқача қилиб айтганда, турли аудиторияларда сўзга чиқиш, одамлар билан учрашиш лозим эди. Ушанда Днепропетровск областида мен илк бор шундай зарурият билан тўқнаш келдим, шу муносабат билан ўша йиллари менда ҳосил бўлган баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Жўшқин партиявий сўз партиянинг қудратли қуроли бўлган эди ва шундай бўлиб қолғавради, бу сўзга жуда жиддий муносабатда бўлмоқ керак.

Совет кишилари партиянинг сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар, маъқулламоқдалар. Шунга қарамай, биз идеология ишига ҳамиша катта эътибор бериб келдик ва эътибор бераверамиз. Бу ишда энг муҳим қурол ҳақиқатдир. Ютуқларимиз тўғрисида ҳам, муваффақиятсизлик тўғрисида ҳам ҳалол гапириш керак, деб ҳисоблаймиз. Очикчасига айтилган гапни одамлар ҳамиша тушунишади. Социализмнинг кучи омманинг онглилигидадир, деб таъкидларди В. И. Ленин.

Адрессиз, аудиториянинг манфаатларидан, куннинг эҳтиёжларидан узилиб қолган пропагандадан кўра ҳам самарасиз нарса йўқ. Агар нотик ўткир масалаларга жавоб беришдан қочса, у одамларда ишончсизлик туғдиради. Агар лектор минбарга чиқиб олиб чайналаверса, ҳаммага маълум нарсаларни такрорлайверса, бунинг бир чақалик фойдаси йўқ, шунинг ўзи бўлса кошқи эди, бундай нотик одамларни умуман лекция тинглашдан бездириб қўяди. Бу ишда расмиятчилик кетмайди, унга, албатта, ижодий ёндашиш лозим. Муваффақиятнинг сири буржуа сиёсати абжирларининг устомонлик нутқларида эмас, жўшқинликка бор овозни қўйишда эмас эканлигини таъкидламоқчиман. Маълумки, В. И. Лениннинг овози унақа баланд пардали эмасди, лекин унинг нутқини бутун мамлакат тингларди ахир. Бутун мамлакат, бутун инсоният тингларди. Унинг нутқи маъзини чақиб турганликлари учун ҳам тинглардилар. Унинг нутқларида оммага яқин, тушунарли бўлган ғоялар ва фикрлар бўлгани, бу ғояларни ҳимоя этиш учун рад этиб бўлмайдиган далиллар топа билгани, мантиқли бўлгани, чуқур илмий, дадил хулосалар ясагани, ҳамиша конкрет ва муҳим вазифалар қўйгани учун ҳам уни тинглашарди...

Урушгача бўлган Днепропетровскдаги йилларни ғоят шиддатли ишлар даври сифатида эслаймман. Ташқаридан қараганда ҳамма нарса сокиндек туюларди... «Волга, Волга» ва «Ойдин йўл» комедиялари киноларда намойиш қилинарди, шаҳар ва қишлоқларда одатдаги меҳнат жараёни борарди, далаларда ҳосил пишиб етилаётганди. Аммо бизларнинг ҳаммамиз уруш хавфи ортиб бораётганини ҳис этардик. 1940 йили Днепропетровск область партия комитети ВКП(б) Марказий Комитетининг масъулиятли топшириғини — областдаги корхоналар-

нинг бир қисмини ҳарбий техника ишлаб чиқаришга кўчириш топширигини олди. Москвадан келган шифрланган хатда мудофаа саноати бўйича обком секретари лавозимини таъсис этиш таклиф этилганди. Обкомнинг бюро мажлисини Задионченко ўтказди. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси бу ишнинг алоҳида муҳимлигига қанчалик катта аҳамият бераётганлигини ҳисобга олиб, бу лавозимга техника жиҳатидан тайёргарлиги бўлган, металлургияни биладиган мутахассиснигина эмас, балки одамлар билан ишлаш оладиган моҳир ташкилотчини сайлаш керак, деб айтди. У тахминан шу гапларни айтиб, менинг номзодимни таклиф этди. Бир овоздан сайлашди.

Биз урушнинг реал хавфини ҳисобга олганмидик, шунга тайёргарлик кўрганмидик? Сўзсиз ҳисобга олгандик, тайёргарлик кўргандик. Уруш хавфи кучайиб бораётгани, фашизм — асосий душманамиз эканлигига шубҳа йўқ эди.

Мамлакат металлга катта муҳтожлик сезарди. 1940 йил июнь ойида СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети «Чўян, пўлат эритиш ва прокат ишлаб чиқариш бўйича белгиланган планнинг бажарилишини таъминлайдиган тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Агрегатлар қувватидан энг яхши фойдаланиш учун металлургиянинг Бутуниттифоқ мусобақаси авж олиб кетди, менинг ҳамюртларим ҳам бу мусобақада сезиларли ютуқларга эришдилар. Нуқул тинчлик мақсадида маҳсулот тайёрлаб келган корхоналар эндиликда армия учун ишлаш бошлади: Артем номли завод ҳарбий самолётларга деталлар ишлаб чиқара бошлади. Коминтерн номли завод миномётлар, Дзержинский номли Днепр металлургия заводи артиллерия снарядлари ишлаб чиқара бошлади...

Обкомдаги иш столимга мени қувонтирадиган сводкалар келиб тўша бошлади. Гарчи эндиликда юзлаб корхоналар учун масъул бўлсам-да, қадрдон заводимдан келган хушхабарларни айниқса, қалбимга яқин олганимни яширмайман. 1941 йили Ф. Э. Дзержинский номли Днепр заводида «Совет Иттифоқининг энг яхши металлургия заводи» унвони берилиб, Қора металлургия Халқ Комиссарлиги билан металлургия касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи тақдим этилди.

□

Ватан туйғуси ҳар биримизда ёшлик хотирасидан, ўз уйимиз, ўз кўчамиз, ўз шаҳримиз ёки қишлоғимиз хотирасидан бошланади. Айни пайтда улуғвор, буюк Ватанимиз туйғуси жонланади. Буюк Ватанимиз хавф-хатар кунларида ҳам, катта имтиҳонлар кунларида ҳам у бошидан бу бошигача бирданига қалбимизга жудаям яқин ва азиз бўлиб қолади.

Жонажон мамлакатимизнинг кенгликларини ўз кўзим билан кўриш бахтига муяссар бўлдим, жуда кўп ватандошларим билан яқиндан танишдим ва мен шуни билардимки, халқнинг режалари, ўй-орзулари, ниятлари биз яшаш насиб этган заминга муносибдир. Бу заминни биз оталаримиздан мерос қилиб олганмиз ва уни болаларимизга янада бой ва гуллаб-яшнаган ҳолда қолдиришимиз лозим.

Биз буни дастлабки беш йилликлардаги буюк зафарларимиз билан исботладик.

Лекин халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган машаққатли, аччиқ, айни пайтда юксак ишонч ва мислсиз қаҳрамонликка тўлиб-тошган давр бошланиб қолди. Улуғ Ватан уруши бошланди. Социализмнинг буюк зафарларини ҳимоя қилиш, амалга оширган ва қурган нарсаларимизнинг ҳаммасини ҳимоя қилиш, азиз диёримиз учун кўкракни қалқон қилиш пайти келди. Мен ҳам миллион-миллион совет солдат ва офицерлари билан биргаликда урушнинг бошидан охиригача — биринчи кундан порлоқ Галаба кунигача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтдим.

Аммо бу давр ҳақидаги ҳикоя алоҳида бўлади.



Эркин Воҳидов

## Ўзбекистон коммунистлари

**Э**й сиз, қуёш меҳр қўйган сахий ўлкамнинг  
Қуёш юзли, юлдуз кўзли ўғил қизлари  
Ватанимнинг — олам ичра нузли оламнинг  
Фахру кўрки, Ўзбекистон коммунистлари!

Ун еттинчи йилнинг эди баҳори нави,  
Олам қутлуғ арафада қалқиб турган дам,  
Эрк тилаган юракларнинг бўлди устави  
Қора мойли деполарда ичилган қасам.

Унлар эди, юзлар бўлди, юзлардан минглар,  
Алангали Октябрнинг чақмоқ лашкари.  
Тонг тангриси — Авроранинг садосин тинглаб  
Бош кўтарди Ўзбекистон коммунистлари.

Эрк қўшини парчалади зулм қалъасин,  
Кўтарди дол қоматини ғамдийда деҳқон.  
Уч ярим минг чақирим оша Ленин нафасин  
Шундоқ сезиб турар'эди кўҳна Туркистон.

Бўронларга қанот ёзди шарқлик шунқорлар,  
Кўкрак ёзди сукунатсиз марралар сари.  
Минг йилларнинг орзусидан битди шиорлар  
Байроқларга Ўзбекистон коммунистлари.

Уша байроқ бошимизда, бу алвон аро  
Фидоларнинг бағир қони, ўчмас ёди бор.  
Коммунистик қалбимизда қутлуғ муддао —  
Марказкомнинг байналминал эътиқоди бор.

Шавқни ҳунар, шижоатни касб қилган авлод,  
Етган ерда гул ундирган нек бахт излари.  
Қай жабҳада мушкул эса, шунда умрбод  
Камарбаста Ўзбекистон коммунистлари.

Даврон ўзбек деҳқонининг ҳаққига битди  
Пахта деган юмшоқ сўзнинг қаттиқ меҳнатин.  
Она халқим, шонли халқим насиби этди  
Оқ тоғларнинг заҳматин ҳам шону шуҳратин.

Пахта — иссиқ манглай тердан унгувчи гавҳар.  
Пахта — Ватан хазинасин бебаҳо зар.

Гар пахтазор жанг майдони, бу жангда сарвар  
Яловбардор Ўзбекистон коммунистлари.

Букун бизга қучоқ очар янги манзиллар,  
Юксак нурли чўққиларга қараймиз дадил.  
Йироқ эмас тўқсонинчи файзиёб йиллар,  
Уша кунлар ишқи билан оловланар дил.

Не таажжуб сатрлардан тошса бу айём  
Тўлқинланган юрагимнинг ёниқ ҳислари.  
Шоир қалбга илҳом берган ларзали илҳом,  
Фидойи саф — Ўзбекистон коммунистлари.

## Сирдарё ўлани

Осмон ўпар Тиёншоннинг қорисан,  
Кўҳна Жайхун йўлдошисан, ёрисан,  
Она водий ҳаётисан, борисан,  
Қувончисан, аламисан, зорисан,  
Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон.

Туман аср кечмишидан дараксан,  
Юртим учун ҳам томир, ҳам юраксан,  
Нега букун бемадорсан, ҳалаксан?  
Сен бизларга ҳали кўп йил кераксан,  
Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон.

Сен борсанки, кенг воҳада ҳаёт бор,  
Демак, юртнинг лабида бол, набот бор,  
Сенда элим саботидек сабот бор,  
Собит бўлгин, она сойдан нажот бор,  
Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон.

Сен пахтасан, олма, анор ва нурсан,  
Ўзбек учун сурурсан ҳам ғурурсан,  
Ўзни ерга томчи-томчи берурсан,  
Дарё эмас, халқ тимсоли эурсан,  
Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон.

Мен болангман, нидо бўлай сен учун,  
Бир жилғадек даво бўлай сен учун,  
Керак бўлса фидо бўлай сен учун,  
Майлига, мен адо бўлай сен учун,  
Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон.

## Шоирлик

*Устоз Миртемирни эслаб*

Шоирлик — бу ширин жондан кечмакдир,  
Лиммо-лим фидолик майин ичмакдир.  
Шоирлик — жигарни минг пора этмак,  
Бағир қони билан сатрлар битмак.  
Ўзни томчи-томчи, зарра ва зарра  
Элга қурбон қилиб, энг сўнги қарра



Армон билан демак: «Эй она юртим,  
Кечир, хизматингни қилолмай ўтдим».  
Шундоқ яшар асли соҳиби ижод,  
Шундоқ яшаб ўтди Миртемир устод.

## Тўй оқшоми

Икки ошиқ ўшар юлдузлар аро  
Учиб юрган ёндош сайёраларга.  
Севги фазосида улар бор танҳо,  
Не парво ердаги овораларга.

Улар биздан олис қилмоқда  
парвоз,  
Сомон юлдузлари бахмал пояндоз.  
Сиз эса, янгалар, таванда шоввоз,  
Чучвара уясиз тоғораларга.

Уларнинг қалбида илоҳий туйғу,  
Қудрати олийга турар рўбарў.  
Сиз эса, нотиклар, не адолат бу,  
Ҳадеб панд ўқийсиз бечораларга.

Севги — япроқларнинг  
шитирлашидир,

Севги — юлдузларнинг  
шивирлашидир.

Севгида самовий сукут яхшидир,  
Сиз карнай улайсиз ноғораларга.

Ошиқлар ғизоси бу оқшом висол,  
Ташналик давоси лабдаги зилол.  
Ичсинлар оташин шароби иқбол,  
Қўйинг, олов ёқманг мохораларга.

Интизор жонларга беринг ал амон,  
Муҳаббат аршида урсинлар  
жавлон,

Эй сен гўзал синглим, ошиқ  
укажон,  
Оқ йўл саодатли ситораларга.

## Кўча четидаги аёл

(«Канада туркуми»дан)

Бу дунёда  
ҳамма нарса  
сотилади,  
Мартаба ҳам,  
истеъдод ҳам,  
эътиқод ҳам.  
Ҳаёт ўзи  
ҳар бир мулкни  
нарх қилади,  
Менинг мулким —  
қизил юзим,  
оппоқ танам.  
Хусним борки,  
оламда мен  
бўлмасман хор,  
Мен эмасман  
шўрлик, бахтсиз  
ё девона.  
Ўзгаларнинг  
ҳунаридек  
ҳунарим бор,  
Меҳнатим — айш,

хизмат жойим —  
ишратхона.  
Уйлаб кўрса  
эзгулик не  
ахлоқ надир?  
Тўғрилиқ не,  
поклик надир  
бу жаҳонда?  
Улар бари  
асли нисбий  
тушунчадир,  
Ўзгачадир  
ҳар инсонда,  
ҳар замонда.  
Аждодларинг  
кўрмаган бу  
томошалар,  
Бу китоблар,  
бу санъат,  
бу давру даврон...  
Сен уларнинг  
кўзи билан  
боқсанг агар

Маҳкумадир  
бугун ҳар бир  
қизу жувон.  
Шафқат билан  
боқма,  
шафқат тиламасман,  
Қисматимдан  
йўқдир асло  
шикоятим.  
Нафрат билан  
боқма,  
ўзга иламасман,  
Хуфя эмас,  
ошкорадир  
иноятим.  
Қонунийдир,  
касбимнинг йўқ,  
уят, ори,  
Озод юртда мени таъқиб  
қилолур ким?

Аслин олсанг,  
бу ўлкада  
энг юқори  
Курсиларда  
ўлтирибди  
ҳамкасбларим.  
Бойваччалар  
уларга пул  
сарф қилади,  
У жаноблар  
олдида мен  
пок бир санам...  
Бу дунёда  
ҳамма нарса  
сотилади,  
Менинг молим  
қизил юзим,  
оппоқ танам.

## Кўҳинор

Қай маконда, қай замонда  
Бино бўлдинг, Кўҳинор?  
Қай бахтсиз кун Ҳиндистонда  
Пайдо бўлдинг, Кўҳинор?

Сенмасмидинг кезиб юрган  
Аждар илон бошида?  
Сенмасмидинг порлаб турган  
Тутанхамон тожида?

Қадимликда ким муқаддас,  
Оламми ё сенмидинг?  
Азимликда ким муаззам,  
Одамми ё сенмидинг?

Қай кун сенга тенгсиз жило  
Сеҳрин берди табиат,  
Одамзодга молу дунё  
Меҳрин берди табиат.

Боғландилар то инсонлар  
Жавоҳирга жон билан —  
Ҳазиналар ва имонлар  
Олуд бўлди қон билан.

Бунча жозиб, бунча соҳир,  
Якто бўлдинг, Кўҳинор?  
Соҳибингга аввал-охир  
Бало бўлдинг, Кўҳинор.

Сенинг учун жангга кирди  
Фуқаролар, хожалар.  
Бир-бирига қилич урди  
Махоражу рожалар.

Туман янглиғ, булут янглиғ  
Тутди еру самони,  
Қўлга олиб қасдингда тиғ,  
Фил сурганлар тўзони.

Жигар жигар кўзин ўйди,  
Дўст қасд дўсти жонига,  
Фарзанд қўлин бўяб қўйди  
Ўз падари қонига.

Инсоф деган сўздан тонди  
Тиллар, динлар, мазҳаблар.  
Нуринг билан ўтда ёнди  
Хочлар, будлар, мусҳаблар.

Қай бир мулкка ошно бўлдинг,  
Ғорат бўлдинг, Кўҳинор.  
Қай бир юртда пайдо бўлдинг,  
Офат бўлдинг, Кўҳинор.

Одам насли жондан кечиб,  
Нега бўлди сенга ром?  
Улар чоғи сени ичиб,  
Нажот топмас ташнаком.

Ҳеч ким сени лабга босиб,  
Даво топмас очликка.  
Умри битган сени осиб,  
Қайта олмас ёшликка.

Сени асраб кўкракларда  
Зар тожларга тақдилар.  
Ғазналарда, чўнтакларда  
Сени пулга чақдилар.

Асли сени қилса ҳады  
Бир оч ҳинди гадога,  
Менга тошмас, нон бер дея  
Нола қилар худога.

Қиёси йўқ бу жаҳонда  
Олмосмидинг, Кўҳинор?  
Бир тош эсанг Ҳиндистонда  
Қолмасмидинг, Кўҳинор?

Қўшин тортиб Ҳиндистонга  
Ғолиб кетди Нодиршоҳ.  
Сени ҳаққи «ал амонга»  
Олиб кетди Нодиршоҳ.

Мулки ҳиндга қайта келдинг,  
Қайта келдинг Ажамга.  
Ошно этиб ҳар гал элнинг  
Қисматини аламга.

Шимол ёққа бординг алхол  
Мағлуб Ҳинднинг божида.  
Оловландинг хотин қирол  
Виктория тожида.

У ҳам сени тарошлатди,  
Ўз дидига қилди мос.  
Мисли ғарбга қуёш ботди,  
Парвин қолди кўзда ёш...

Сунъи қудрат инъом қилган  
Бениёзсан, Кўҳинор.  
Ҳатто ярим ҳуснинг билан  
Беқиёссан, Кўҳинор.

Фиръавнлар, Шаҳаншоҳлар  
Кетдилар ҳам йўқ бўлиб.  
Нигоҳларни то бу чоқлар  
Ёндирасан чўғ бўлиб.

Чанг бўлдилар кўк баробар  
Чанг кўтарган лашкарлар.

Қайхисравлар ва Доролар,  
Искандардек сарварлар.

Сен деб туман жонни тиккан  
Қаттол соҳибқиронлар,  
Сен деб ота қонин тўккан  
Ул валиаҳд ўғлонлар.

Нодиршоҳдек юртни талаб  
Сени элтган Ажамга...  
Кетди неча дунё талаб  
Бу дунёдан адамга.

Адам сари кетди бари,  
Сен омонсан, Кўҳинор.  
Мен деганга вақт сингари  
Беомонсан, Кўҳинор.

Бунча зўр деб ишқи зарнинг  
Балки ҳайрон бўларсан.  
Сенга меҳр қўйганларнинг  
Аҳволидан куларсан.

Сен куларсан, о, яна ким  
Бўлар менга эга, деб.  
Одамзодга қонли йўлим  
Сабоқ бўлмас нега, деб.

Сен куларсан, кулгуликдир  
Сенга бизнинг тилаклар.  
Чиндан ҳайрон бўлгуликдир,  
Биз ишонган эртақлар.

Асли бу чарх гоҳ ўнг қолиб,  
Терс айланар гардундир.  
Кимлар эса бугун ғолиб,  
Эрта бир кун забундир.

Сен забунлар саноғини  
Ўйлармисан, Кўҳинор?  
Минг йилларнинг сабоғини  
Сўйлармисан, Кўҳинор?



Йўлдош Шамшаров

# Визитон алми

(Каррара тоғлари)

## ҚИССА

У панжарага суялиб атрофга разм ташларди... Катта кўчанинг иккала ёқасида икки қаватли уйлар тизилиб кетган. Ҳаммасининг олди боғча: кўчанинг бир ёқасидаги уйларнинг боғчалари денгизга оёқ узатади. Ҳамма боғчаларда лимон, апельсин, ток, баланд ўсган анжирларнинг шох-бутоқларида мевалари шодалаб қўйилгандай. Тоғларнинг ранги бошқача: оқ, қизғиш, қора... Кун тиғида ялтирайди. Бизнинг шаҳарлардан қайси бири шунга ўхшайди? Ҳа, Кавказдаги Гагра. Унинг ҳам битта кўчаси бор — бир ёғи тоғ, бир ёғи денгиз. Ҳамма қатнов шу кўчада...

Уларни бу ёққа — Италиядаги немис офицерларига хизмат қилдиришга олиб келишган. Ҳовлиси катта, хоналари кўп уйга туширишди. Уйнинг эгаси бошқа мамлакатга қочиб кетганмиш. Немис солдатлари ертўлалардан бочкаларни кўтариб чиқиб, кечаси билан вино ичишгани ичишган. Ҳаммаси маст — тонг отгунча бир-бирига суяниб бўкиришади, кун ёйилгунча чўқадай хуррак тортиб ётишади.

Фақат бугун мушук ҳали бет ювмасдан кўзларини йириб-йиртиб туришди, нимагадир у ёқдан-бу ёққа лўкиллаб қолишди. Ҳовлини ёғ тушса ялагудай қилиб тозалатишди-да, ҳамма асирларни хоналарга қамашди. Аҳмаджон қия очик эшикдан қараб турди: нима бўларкин?

Лейтенант солдатларни кўприк олдига саф қилди. Кўприк устида қўш от қўшилган извош пайдо бўлди. Лейтенант қўлини чакагига тираб қотиб турди. Извош ҳовлида тўхтади. Ундан новча, мағрур, юзини сепкил босган майор тушди. Қўлида ярқираган таёқча, учини этигининг соғисига уриб-уриб, кўзини қисиб турди. У лейтенантга эмас, оёғига қарарди.

Лейтенант майорнинг рўпарасига келиб рапорт берди:

— Фюрер офицерларининг хизматига асирлар олиб келганмиз, майор жанобларининг буйруқларига маҳталмиз, эҳтимол, жанобларининг ўзлари олдин танлаб оларлар...

Майор кўзини унга энди қадади:

— Яхши, олиб чиқ уларни!

Солдатлар тапир-тупир югуришиб, уйлардан асирларни қувиб чиқдилар-да, ҳовли ўртасига саф қилдилар. Майор сафнинг бошидан охиригача ҳар бир асирга кўзини бир-бир қадаб, гоҳ афтини буриштириб, гоҳ таёқчасининг учи билан унинг бетига уриб-уриб юрди. Ахири, ерга қараганча ботинкасининг тумшугига тикилиб турган Аҳмаджоннинг рўпарасида тўхтади. Комендант таёқчасининг учини унинг кифтига тиради. Аҳмаджон бошини кўтарди. Майор кўзини қисганча унга тикилиб турди, олдинга чиқ дегандай имо қилди. У икки қадам олдинга чиқди. Майор таёқча учи билан унинг иягини кўтарди-да, қўлқопли бармоғи билан унинг жағини йириб, тишига тикилди. Кейин қўлқопини ечиб улоқтирди-да, лейтенантга ўгирилди:

— Мана буни менга қолдир,— деди.— Менинг қулим бўлади. Аммо олдин қул хизматини бажо келтиришга ўргатиш керак.

У Аҳмаджонга тикилганча туриб қолди: қаердадир кўргандек буни, аммо қаерда? Аҳмаджон яна ерга қараб олди. Шульц таёқчасининг учи билан унинг иягини яна кўтариб қўйди. Унинг кўзига яна синчков тикилди. Эслаёлмади. Аҳмаджон ботинкасининг учидан чиқиб турган бош бармоғига қаради. Шульц бўлса ўз хотиротини титкиларди: «Қаерда кўрган эдим бу итваччани?! Эҳ-е, лагерь бошлиғи бўлганимда қўлимдан қанча асир ўтмадию, қанчасининг терисини шилдирмадим!.. Аммо биттаси қочиб қолувди... Мана бу ўшанга жуда ўхшайди. Бу нимага доим ерга қарайди, кўзини яширади? У букчайиб юрарди. Қаерда эди?..»

Аҳмаджон уни яхши таниди. Мазовецда ва Қумлагерда бошлиқ эди. Одамни азоблаб ўлдиришдан роҳат топарди у...

Майор лейтенантга буюрди.

— Ановиларни олиб кет!

Лейтенант бошқа асирларни ҳайдаб бориб хоналарга қамади. Шу аснода извошдан ўрта бўйли, тўлароқ бошқа бир майор кулимсираб тушди:

— Топган эрмагингни қараю,— деди у.— Мен гўзал хонимчалар истиқболига олиб борасан деб ўйлабман...

— Бу борада омисан, Ганс. Менинг оз-моз роҳат қилгим бор. Отам от олсанг тишини кўр, дердилар. У киши от ўйнатиб ҳузур қилардилар. Мен мана бу махлуқнинг тишини кўрдим. Суяк чайнайоладими?. Қул нишхўрд қолдирмаслиги керак. — Кейин Аҳмаджонга қаради.— Хурсанд бўлавер, иркит, менинг қулим бўлиш шарафига муяссарсан.— У таёқчасини қўлида ўйнаб турди-да, қовоғини уйди. — Аммо билиб қўй, ёт десам ётасан, тур десам турасан, югур деганимда қушдай учасан. Тушундингми?— У Аҳмаджонга яна кўз қадади. Унда ҳеч қандай сесканиш, қўрқиш белгисини кўрмади. Майорнинг мийғига масхаромуз кулги югурди:— Ёт!..— Бақирди у.

Аҳмаджон чўккалади. Майор узун оёғини унинг елкасига тираб босди. Аҳмаджон ерни кучоқлади. Майор қулдорларга хос роҳат билан шеригига қаради:

— Сен ҳузур фақат аёллар кучоғида деб юрибсан. Йўқ, азизим, чинакам роҳат мана буларни афтингга бош кўтариб қараёлмайдиган қилишда.— У Аҳмаджоннинг белига этигининг товони билан тепди:

— Тур!

Аҳмаджон аранг турди. Майор яна ўшқирди:

— Югур!

Аҳмаджон жон ҳолатда ирғишлаб югурди.

— Қайт!— яна бақирди Шульц.

У хиёл энгашиб, чопиб келди-да, майорнинг рўпарасида тўхтади. Майор таёғининг учи билан этигини кўрсатди:

— Яла буни!

Аҳмаджон чўккалаб, бошини унинг оёғига қўйди. Майор, мана буни кўр, дегандек шеригига қаради:

— Буни этикни тили билан ялаб тозалашга ўргатиш керак бўлади, Ганс.

Ганс бош чайқади:

— От жаллобдек тишига назар солдингу, чамамда, ҳеч нимани кўрмадинг, Шульц. Кўзларингни ёғ босганга ўхшайди. Билгинг келса, асов от бу. Қўрқаманки, Каррара тоғларининг доволаридан бирида сени устидан иргитиб ташламаса деб.

Шульц қовоқ уйди, яноқлари уча бошлади. Кейин асабий ҳолда хохолаб кулди.

— Биласанми, нима қиламан буни?— у ёнидан тўппончасини олди, ўқларини текшириб кўриб, отишга шайлади-да, Аҳмаджоннинг пешонасига тиради.— У ҳолда мана бундаги ўқлар устма-уст учади, миясининг қатигини чиқаради. Ерга қараб турган Аҳмаджоннинг иягини тўппонча сумбаси билан кўтариб қўйди, унга кўз тикканича жим қолди. Қаердадир кўрганман буни. Аммо қайси лагерда?

Аҳмаджоннинг юраги шувиллаб кетди. Бу батолнинг жазавасини билганидан, ҳозир бир кор-ҳол бўлмаса эди, деб қўрқди, бош кўтармади. Назарида, Шульц уни таниб қоладигандай эди... Турғун билан Бурҳон касалхонага жойлаштириб жонини ундан сақлаб қолган эдилар.

Ганс кулиб юборди:

— Ким кимнинг миясининг қатигини чиқаради, бу ҳали жумбоқ азизим.

— Қўрқаяпсанми дейман, Ганс? — У Аҳмаджонни ҳовлида яна югуртира бошлади.

— Йўқ, беғамлик қилма, деяпман холос.

— Фронтларда ўлим кўравериб ваҳмак бўлиб қолибсан, дўстим,— деди у. Кейин Гансга имо қилди. — Унинг чопишини қара. Шундан ҳайиқаяпсанми? Шундай ювош қул бўлсинки...

— Эҳтиёт бўл, қўлингни тишлаб олмасин тагин.

— Йўқ, дўстим, бу чиройли тишларни битта қолдирмай суғуриб ташлайман.— У Аҳмаджоннинг жағига таёқчаси билан уриб-уриб қўйди.— Кейин тишсиз, энг мўмин қул бўлади.

Ганс яна бошини чайқади:

— Биз немислар,— деди жиддий тус олиб,— орқа-олдини ўйламай гапирадиган бўлиб қолдик, Шульц. Урушдаги ғалабалар бизни мақтанчоқ қилиб қўйдими ёки ўзимиз аслида шундаймизми, ҳар қалай, санамасдан саккиз деяпмиз... Менимча, реалист бўлишнинг вақти келганга ўхшайди.

Комендант чимирилди:

— Кимдан эшитяпман бу гапларни, Гитлер армиясининг буюк Германияга содиқ офицеридан, бунинг устига, партия аъзосиданми, ё большевикларнинг ташвиқотчисиданми? — у асабий ва аллақандай заҳарханда кулди.

— Босиқлик ва меъёрни билиш менга дадамдан ўтган экан. Бувим раҳматлик шундай дердилар. Биласанми, у киши уруш балоларини бошдан кўп кечирганлар, ғалаба кайфини, мағлубият нималигини яхши билганлар. Ҳокимликми, асирни ўз хизматингга ўргатиш усулими, бари бир, меъёридан ошса хатар туғдиради, дердилар, Биласанми, Шарқий фронтда ҳолимиз яхши эмас... Биз ўз ҳақимизда бундан дуруст хулоса чиқараётганимиз йўқ,— деди Ганс. Дўстининг кайфига бир қараб қўйди-да давом этди:— Биласанми, Шульц, биз бу ерда юртимиздан олисдамиз, меҳмон ёки саёҳатчи эмасмиз... Бу ерда кўксингга бош қўйиб, эркаланиб ётган аёл ҳам илож топса сени чақиб ўлдиради. Италиянлар бизни эмас, мана бу асирларни — большевикларни асрашади. Сен буларнинг олдига нишхўрд ташласанг, итальянлар ярим тунда, ҳамма ухлаганда буларга нон, банкаларда консерва-

лар келтириб боришади. Буларнинг ҳаммасини кўриш учун очиқ кўз керак, биродар.

— Ахир, садоқатли солдатлар буларни қамоқда сақлайдилар-ку! Ганс мийғида кулди:

— Кечаси сен маишат қилаётганингда садоқатли солдатларинг ҳам маишат қилади. Қизлар топиб келишади, ўлгудек ичишади, маст бўлиб ётишади. Бўғизлаб кетсанг ҳам, ҳеч нимани сезишмайди. Асирлардан қанчаси қочиб кетди, садоқатли солдатларинг буни айтармиди сенга?

— Гапинг тўғридир балки,— деди Шульц. — Насиҳат эшитиш ёшидан ўтган бўлсам ҳам тан оламан. Аммо кўнглингни тўқ тут: тепкини олдин босишга улгураман.— У тўппончасини иргитиб ўйнаганча извошга бурилди.— Ҳа, айтмоқчи, бунинг делосини олиб чиқ, кечмишини ҳам кўздан кечирай.

Лейтенант югурганича ётоқхонасига бориб, кулранг бир делони кўтариб чиқди. Комендант извошга ташла, деб имо қилди. Кейин сўзига яқун ясади:

— Машқ бугунга ётади. Эртага тонгда давом эттирамиз. — У Аҳмаджонга ўғирилди. — Мана бу тўриқ қашқа билан саманни боқасан. Оғзидан ем-хашакни узмайсан. Ювиб-қашлайсан.— Майор чўнтагидан оппоқ рўmolча олиб кўрсатди. — Мана бу билан отларни артаман, кир юқса, тилинг билан ялаб тозалайсан. Уқдингми?

У шеригига такаббуруна илжайди-да, уни извошга таклиф қилди.

## II

Извош кўприкдан ўтиб ғойиб бўлди.

Саф бузилди. Немис солдатлари ўз маишатларига кетишди. Асирлар ҳовлига чиқдилар: бировлар аста юриб оёқларининг чигилини ёзар, биров панжарага суяниб, шаҳар манзарасини ҳушсиз кузатарди.

Аҳмаджон «машқдан» сўнг ўзини зўрға ўнглаб олган, якка ўзи ҳовлининг бир бурчида панжарага кўкрагини тираб, ўз бошига тушган бу янги кўргулик азобини тортиб турарди. Панжара кўприкнинг учига туташган. Бу жойда йўл икки қават бўлиб, пастда трамвай, аравалар; икки ёндаги йўлчалардан пиёдалар; устидаги йўлдан эса машиналар юрарди.

Кўприкнинг бурчидан пастга зиналар қилинган. Аҳмаджон беихтиёр шу зиналарга битта-битта оёқ қўйиб кўча йўлкасига тушди. Бирпас у ёқ-бу ёққа аланглаб турди. Юраги дукиллаб уриб кетди. Йўлка ҳали анча соявир эди. У ўзини четроққа тортиб бир оз букчайиб турди. «Таваккал,— деди ичида.— Бундай қулай фурсат келадими, йўқми тагин!..» Эртага ҳам «машқ». Ўзини ўша жаллод қўлига топширгандан кўра... Аммо қаёққа боради? Унга бари бир эмасми? Омади ёр бўлиб, тутқинликдан қутулса, шунинг ўзи бас эмасми? У ҳозир у ёғини ўйлаб, чамалаб туролмасди. Таваккал, оёқ етаклаган томонга бораверади.

Энди у йўловчилар орасида. Юрак уриши пича тинди. Деразаларга қараб-қараб бораётиб, катта бир уй олдида беихтиёр тўхтаб қолди. Деразаси ланг очиқ. Дераза олдида қўйилган стол теваарагида уч киши кулишиб, суҳбатлашиб ўтирибди. Аҳмаджон йўлка четига тўхтаб, букчайган ҳолда уларга илтижолик билан қаради. Утирганлар, бу киши ё тиланчи ё қочоқ, деб ўйлашдими, ҳар қалай, улардан бири новча, қотма киши ўрнидан турди-да, Аҳмаджонга қараб мулойим жилмайди. Кейин дарвоза орқали бу ёққа кир, дегандай қўлини айлантириб кўрсатди.

Аҳмаджон ишорани тушунди. У уйга кирдию, эшик олдида кўзлари жовдираганча тўхтаб қолди.

Улфатлар унинг ҳолини сўзсиз тушундилар. Қотма киши столнинг бир томонидаги бўш стулни кўрсатиб, ўтир, деб ишора қилди.

Столда тўрт тарелкада қовурилган макарон, стаканларда вино

турибди. Учаси ярим ичилган. Макаронлардан ҳам оз-оз ейилган. Бир стакандаги винога ҳам, макаронга ҳам тегилмаган. Аҳмаджонга ол, деб ишора қилишди. Унинг кўзи столда, бироқ хавотир, бегонасираш қўл узатишга йўл қўймади. Улфатлар унга жилмайиб қараб қўйишди.

Новча киши рус тилида унга:

— Хавотирланма йигит, — деди. — Бемалол ичиб, еявер.

Ҳайрат ва севинчдан Аҳмаджон энтиқди. Унинг юраги бежо тепар, кўзлари жовдирарди. Бирон нима дейин деса, гўё тили оғзига сиғмасди.

— Вино ич, овқатни е,— деди новча киши яна.— Кейин бемалол гаплашамиз.

Аҳмаджон винони ичди, макаронни еб олди. У энди ўзини анча тутиб олган, юрак уришлари пасайган эди. У мезбонларга таъзим қилди.

Шу орада жавон ёнидаги эшик очилиб, усти-бошини гард босган чорпахил киши кириб келди. Аҳмаджон безовталанди: демак, у тегирмончининг тегишини ебди.

— Бу жой тегирмон,— деб уқтирди оқ-сариқдан келган новча киши. — Дўстимиз бугунги урни партизанларга тортяпти.— У тегирмончига қаради:— Сенинг тегишингга меҳмон кутдик, Андротте.

Тегирмончи Аҳмаджонга қараб жилмайиб, бош ирғитиб қўйди. У қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдирди.

— Исм-фамилиянг нима?— сўради новча киши ундан

— Мамажонов, Аҳмаджон.

Новча киши бармоқларини қирсиллатиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Бошқалар жим, вино хўплашиб ўтирардилар. Хийладан кейин у Аҳмаджоннинг ёнига келиб сўради:

— Қаердансан?

— Ўзбекистондан.

— Қайси область?

— Андижондан.

— Урушгача нима иш қилардинг?

— Муаллимлик.

У киши Аҳмаджонга қараб, бошини сарак-сарак қилди.

— Жуда ёшсан-ку. Институтни битирганмисан?

Аҳмаджон бош чайқади.

— Йўқ. Техникумни.

— Қаерда асирга тушгансан?

— Калач даштида.

— Кўп бўлдимми?

— Бир йилдан ошди.

У киши хонани яна аста қадамлай бошлади. Аҳмаджоннинг олди-га-келиб, унга хомуш тикилиб қолди. Аҳмаджон юрак ютиб сўрагиси келди:

— Амаки, сиздан битта гап сўрасам майлими?

— Майли, сўра.

— Мени ўз юртимизга ўтказиб юборолмайсизми? Фашистда қасдим кўп. Бехато уриш машқини энди олган эдим, армонда қолдим...

У киши индамади. Яна секин юра бошлади. У чакагини эзгилар, қадамини жуда ҳам секин босар, Аҳмаджоннинг кўзи эса унда эди. Ахири тўхтади, унинг кўзига жиддий тикилди:

— Фашистдан шу ерда ҳам қасд олиш мумкин. Партизанлар қаторида жанг қилишни хоҳлайсанми?

Аҳмаджоннинг фикрлари алғов-далғов бўлиб кетди. Боягина, тутқинликдан қутулсам бас, оёқларим қаёққа элтса бари бир эмасми, деб ўйлаганди. Қарангки, фашистдан ўч олиш имконияти ҳам туғияпти. Ниҳоят, кўнглини муттасил тирнаб келган орзу бу ерда, ўз юртидан олисда, бунгача номини фақат хариталардан билган мамлакат одамлари орасида ушалса... У энтикиб жавоб берди:



— Жуда хоҳлайман. Олишадими?

— Олишади. Борганингда кўрасан: у ерда сендан бошқа совет кишилари ҳам бор. Бу ерда отрядни формация дейишади. Сени ватан-парварлар қаторига мана бу киши қўшиб келади,— деди-да, қорачадан келган, юзи чўзиқроқ, қуш бурун кишини кўрсатди.— Бу кишининг кетида, йигирма метрча орқада борасан. Одамлар орасида кўздан қочирмасанг бўлди.

— Хўп, бўлади, раҳмат.— Аҳмаджон ҳаяжонланиб унга қаради.— Яна бир гап сўрасам майлими, амаки?

— Майли.

— Ўзингиз кимсиз?

— Темир йўлчи.

— Русмисиз?

У киши унга жилмайиб қаради. Аҳмаджоннинг кўнгли ёришиб кетди.

— Бу ерда асирлар кўпми?

— Юз кишидан кўп эди. Бир нечаси йўқолиб қолди.

— Омон бўл ўртоқ. Яна кўришгунча хайр!

— Боло апдоче!<sup>1</sup>— дейишди бошқалар.

Йўл бошловчи бурчакка борди-да, тескари қараб тўппончасини ўқлади, қўлини костюмининг чўнтагига солиб ташқарига чиқди. Аҳмаджон унга эргашиди.

Осмон тиниқ, ҳаво илиқ, денгиз томондан ёқимли, намхуш шаббода эсади.

Аҳмаджон ҳамроҳига эргашиб бораяпти. Йўлка тиқилинч. Йўловчиларнинг бири у ёққа, бири бу ёққа шошиб одимлайди. Кўча ўртасидан трамвайлар қатнаб турибди. Бошларида каска, мотоциклларини тариллатиб, ҳамма ёққа шовқин солиб немис солдатлари ўтишади. Аҳмаджоннинг юрагини ваҳм босди: буларни у ёқдан-бу ёққа югуртираётган Шульц эмасмикин?! Ахир у эрталаб унинг делосини олиб кетган эди, таниб қолган бўлса-я!..

Йўл бошловчи на орқасига, на ёнига қарайди: қўли чўнтагида, бамайлихотир кетяпти. Тавба, кўрмаган-билмаган жойи, адашиб кетади ҳам демайди.

Улар кўприкка яқинлашдилар. Аҳмаджоннинг вужудини қамрай бошлаган ваҳм баттар кучайди. У ерга қараб, букчайиб юра бошлади.

Шу пайт тепадан, кўприк устидан аллаким унинг отини айтиб чақирди. У яна ҳам букчайиб олди. «И-е, ё тавба, анави, ўзимзининг Аҳмаджон эмасми? Мен уйда беланги бўлиб ётибди, десам... уни қаранглар-а!» Аҳмаджон уни овозидан таниди: Ҳайдар. У йўлакай, қўлини елкаси оша кўтариб, кўрсаткич бармоғи билан кетимдан юр-вер дегандай ишора қилди.

У бир мўлжал юргандан кейин ўгирилиб қараса, орқада Павел, Анвар, Мирзажонлар ҳам қўшилиб келаётибди. Аҳмаджоннинг кўнгли ўсди. Эндигина озодлик йўлида бораётган битта ўзи эди, бешта бўлди!

Йўл бошловчи ҳамон ён-верига қарамай, бир зайилда кетаётибди. Орқасига қайрилиб қараса-ку, бир киши эмас, ўзига беш киши эргашиб бораётганини кўради, суюнади-я!

У киши, ниҳоят, йўлакай, қўли билан трамвайни кўрсатди. Улар чиқиб олдилар. Улар трамвайда, бир эмас, бешовлон эканликларини кўриб, унинг чеҳраси очилиб кетди. Йигитлар бир-бирига суяниб ўтиришибди. Йўлбошловчи уларга разм солганча тик турибди: Гитлер бошлаган бу уруш одамларни ҳар ёққа сочиб юборди. Мана бу йигитлар шу ерда ҳам бардам, умидлари сўнмайди. Неча ажалнинг оғзидан бутун чиқдийкин булар. Ҳозир яна ажалнинг оғзига — фашизмга қарши жангга бораётибдилар...

— Биласизларми, дўстларим, қаёққа кетяпмиз,— деди Аҳмаджон шерикларига шивирлаб. Улар елка қисишди. Аҳмаджон давом этди:

<sup>1</sup> Боло апдоче — хайр (итальянча).

— Партизанларга қўшилгани. Жамийки фашистга қарши қўлга қурол олгани!..

Павел Аҳмаджоннинг белидан маҳкам қучиб, елкасига қоқди.

Улар трамвайдан тушиб, жилга ичига кириб кетишди. Мармар заводига борганларида йўл бошловчи юқорига, тоғ устига тортилган йўғон симни уч бор силкиган эди, вагонетка шувиллаб тушиб келди. Ҳаммалари чиқиб, Карраранинг ҳаво йўлида чўққига кўтарилдилар.

### III

Улар янги йилни Оқ тоғда, улкан чўққи ёнидаги сайхонликда кутиб олдилар. Давра катта. Ўртада гулхан ловуллайти. Ҳамма жим. Теварак-атрофда сукунат ҳукмрон.

Даврага икки қиз кириб келди. Қизларнинг қўлларида патнис. Улар стакан тўла винони партизанларга узатиб, мулойим табассум қилиб янги йил билан табриклай бошладилар. Қизил кўйлақ устидан оқ халат кийган қиз Аҳмаджоннинг рўпарасига келиб, унга стакан тутди, у шошиб ўрнидан турди, қўл чўзганча қизга бир нафас тикилиб қолди. Қиз жилмайиб, уни кириб келаётган янги йил билан табрик-лади. Аҳмаджон анграйганча тик турди. Турғун дўстининг этагидан тортиб ўтқазди.

Ҳамманинг қўлида қадаҳ, аммо нимагадир илҳақ ўтиришарди. Шу аснода бўйи салкам икки метр, норғил киши ўртада пайдо бўлди. Бу киши Апуана вилоят-партизанлари бригадасининг бошлиғи Мемо эди. У соатига бир қараб олди-да:

— Азиз дўстлар!— дея хитоб қилди.— Ҳаёт бизни мана шу тоғда жамланишга, янги —1944 йилни уйимизда, оила аъзоларимиз даврасида эмас, шу овлоқда, қўлимизда қурол билан кутишга ундади. Шу дамда бутун Италия ватанпарварлари тоғларда, шаҳар ва қишлоқлар, дала-тузда ватаннинг юрак уришига қулоқ солиб турибди. Бурчимиз фашизмни йўқ қилиш, фашист гитлерчими, муссолиничими — бари бир гўр,— оқ ит қора ит бари бир ит — таслим бўлмаса қириб ташлаш керак. Ватан бизни шунга ундайди!

У тин олди. Кўзлари даврада. Аста юриб, итальян партизанларига қўшилган совет кишилари рўпарасида тўхтади. Қаторда Аҳмаджон ва Павеллар турарди.

— Бу ерда совет гражданлари сизлар билан елкама-елка туришибди. Гитлерчилар буларни қул ўрнида ишлатиш учун бу ерга ҳайдаб келган эдилар. Аммо булар энди фашистларга тутқун эмас, озод партизанлардир. Сизлар билан бир сафда туриб, бирга жанг қиладилар. Сизларга суюнчли хабар айтиб қўяй: ҳозир Шарқий фронтда совет қўшинлари ўз чегараларини ёвуз душмандан тозалаб бўлдилар, энди гитлерчиларни қўшнилариинг ерларидан гала-гала қилиб ҳайдаб бормоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, яқин орада баттолларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади. Улуғ ғалабага яқин қолди. Ана шу ғалаба учун бизлар қаттиқ жанг қилишимиз керак. Битта ҳам фашист бу ердан оёғини судраб кетолмасин, Каррара тоғлари фашизмнинг қабристонига айлансин! Улуғ ғалаба учун!..

Мемо қўлидаги қадаҳни баланд кўтарди. Қадаҳлар жаранги эшитилди. Юзлаб мушт баландга кўтарилди. Ҳамма: Рот-фронт! Рот-фронт!— дея ҳайқирди. Уйин-кулги бошланди. Партизанлардан Жино, Божи ва ака-ука Брунолар партизанлар қўшиғини бошладилар.

Ўроқ-болга тамғамиз,  
Партия йўлбошчимиз,  
Фашистларни янчамиз,  
Бўлмайди энди мулкдор-текинхўр!..

Бир-бирини кифтлаб олган шу улкан давра тебранади. «Бизлар партизанлармиз» садолари гулдурос солиб, мижжа қоқаётган юлдузларга кўтарилади.

Аҳмаджоннинг қувончи чексиз. У Мирзажон билан Турғуннинг ўртасида елкама-елка ўтирар, қўшиқ қудратли тўлқиндек юксалиб, тоғлар кўксига урилиб қайтарди. У Турғуннинг елкасидан маҳкам қучди:

— Ноумид бўлмадик, озодлигимизни қайтариб олдик...

— Ҳа, озодлик, ука!— хитоб қилди у.— Аммо бошқа армон этимни еяпти, ука. Бу эркинликни ашоғда қўлга киритиб, ҳозир ашоғда, ўзимизнинг аскарлар сафида душманни қувганимизда... Биласанми, ука, кечалари бошимга муштлайман.

— Энди мана бу чўққидан туриб фашистнинг бошига қўрғошин ёғдирасиз, ака. Ахир таърифи кетган мергансиз-ку!.. Ё қўлингиз чиқиб қолдими?

— Эсан чиқмайди. Аммо у ёғда, ўзимизнинг юртда ҳисобга ўтармикан? Шатда-ку, урамиз-а, эсон бўлсак.

У бир кунда саккиз немисни ер тишлатганини эслади. «Тухуми тошлоққа ёйилган эканми, бу, ит эмганларни, шунча ўлдирсанг ҳам ёпирилиб келаверади-я!» деган эди у Мирзажонга. Уша куни Харьков бўсағасида қуршовда қолганларида беҳуш аҳволда душман қўлига тушганди... Ҳали-ҳали ўзига алам қилади.

— Ҳисобга ўтади, ака. Кўнгилни бузманг...

Турғун яна нимадир демоқчи эди, бироқ комиссар уларни чақириб қолди:

— Александро Михайло, Туран Михайло, сизлар отряд командирининг ҳузурига киришлар!

— Ўртоқ формация командир, буйруғингизга биноан партизан Александро билан партизан Туран етиб келди. — Улар честь беришди.

— Вольно.

Туннелдаги бу қароргоҳда шамлар липиллаб ёнар, командир Марчелло ўйчан ҳолда у ёқдан, бу ёққа аста юрарди. Икки партизан — Жино ва унинг ёнидаги қорачадан келган, кўзлари йирик, новча йигит деворга суяниб турарди. Йигит буларга бош эгиб салом берди. У Аҳмаджонга жуда ёқимли, ўтдай кўринди. Лекин ҳозир уларнинг эътибори командирда эди.

Марчелло йигитларга бир-бир қараб, кўздан кечирди. Кейин юзи ёришиб, гўё маслаҳат сөлгандай:

— Фашистларнинг битта бронемашинаси Каррара билан Масса оралиғида алоқачиларимизни ва йўловчи фуқарони отиб ўлдирыпти. Бу менинг гашимни келтиряпти. Сизларни-чи?— сўради у.

— Ҳа, уни бир нима қилиш керакка ўхшайди,— деди Жино кулимсираб.

Гапга новча йигит аралашди:

— Яқинроққа пулемётдан, олисга тўпдан отади. Кеча Массадан келаётганимда кўрдим: йўловчиларни ўққа тутиб, немисларнинг ўзлари ҳузур қилиб кулишди.

Аҳмаджон унга тикилиб қолди. У ҳали жуда ёш, мактабни энди-гина битирган йигитча...

— Бу ёққа йўламайдиган қилиб қўйишнинг иложи йўқми?— сўради Марчелло Аҳмаджонга қараб.

— Йўлини топса бўлади,— деди у.

— Қани, бўлмаса, тўртталангиз йўлини топинглар.

— Бугун янги йил,— деди комиссар йигитларга.— Улар бизни безовта қилишлари турган гап. Унинг нафасини ўчириш керак!— у Аҳмаджон билан Турғунга ўғирилди.— Эшитганмиз, сизлар ёқилғи солинган шишалар билан ҳам гитлерчиларнинг танкларини портлатгансизлар. Бир маълумотни айтиб қўйишим мумкин сизларга, бу бронемашинанинг заиф жойи қорнида...



Улар тўрт киши бўлиб йўлга чиқдилар.

Осмон тўла юлдуз. Аҳмаджон ёруғ юлдузга тикилиб хиёл тўхта-

ди, гўё юлдуз кўз қисиб имлайди. «Бу ернинг ҳам осмони баланд... Ҳозир бизнинг томонларда қиш. Бу ерда қор ёғмайди. Ҳаво доим илиқ. Кузу қишни дарахтлар барг ташлаганидан биласан...»

Жино Аҳмаджоннинг елкасига қўл ташлади. Ойдинда тиниқ кўзларини Аҳмаджонга тикиди. Аҳмаджон ҳам унга илжайиб қараб қўйди. Иккаласининг биринчи бор операцияга бирга чиқиши. Бундай қалтис ва масъулиятли топшириқларни адо этишда жангчиларнинг бир-бирига яқин бўлишини ҳаётнинг ўзи талаб қилади. Жино буни қандай туяди, аммо Аҳмаджон бу яқинликнинг қадри нималигини яхши билади. Ахир, тақдир унинг бошига не кунларни солмади: Дўзах қозонига ташлаб қайнатди, неча-неча сотқинга рўпара келтирди. Аммо ажалхоналарда инсонга шафқат улашувчи, унинг жонига оро қирувчи кишилар оз бўлмади. Юролмай қолган вақтларида асирлар уни ўртага олиб гоҳ етаклаб, гоҳ кўтариб юрдилар. Соқчи фашистлар кўзига уни кўрсатмадилар. Акс ҳолда фашист соқчилар уни тирик қолдирмасдилар. Улар шундай, асир касалми, оёғи синганми, лат еганми,— юролмаса бас, дарров автоматни тариллатадилар, асир ер тишлаб қолаверди, улар хохолаб кулишади, қани, қонига ботиб — жон талашиб ётган одамни кўрганда этлари жунжиса, йўқ, аксинча, роҳат қиладилар.

Ровнодаги лагерда асирлар орасидаги бир хирург унинг лат еган умуртқасини даволади...

Бу ерда ҳам яна ажал оғзидан қайтди. «Мияннинг қатиғини чиқараман»— у беихтиёр бош чайқади. Агар ўша Шульцнинг кули бўлиб қолганида миясининг қатиғи чиқарди, қочиб қутулмаганидами, мана бу йигит билан бу масъулиятли топшириқни бажаришга бориш унга насиб бўлмасди.

Жино уни аста туртди. У сесканиб қаради. Бронемашина ўтадиган йўлга етиб келишибди.

— Шундай бир жой топиш керакки,— деди Аҳмаджон йўл ўртасига тушиб олиб,— бронемашина ёнига бурилолмасин, тепага кўтарилолмасин.

Жино уни нарига бошлади: муюлиш, икки ёни чангалзор тепалик, қоялар унда-бунда чўнқайишиб ётибди.

— Бу йигитнинг калласи яхши ишлайди...— Турғун Жинонинг елкасига қокди.— Иш мана бундай,— деди у йигитларга қараб.— Ажалнинг уруғини уч қатор кўмиш керак. Машинанинг олди, қорни ва орқасида бирин-кетин портласин. Қани ишга!..

Улар иккитадан бўлиб, йўлнинг икки томонидаги чангалзор тепаликка, қоялар орқасига жойлашиб олдилар. Жино Аҳмаджондан хиёл нарида қулоғини ерга тутганча ётиб олди. Бир маҳал у қўлини Каррара томонга узатиб, эшит, келаётибди, дея ишора қилди. Аҳмаджон қулоқ қўйди. Ҳа, бронемашинанинг бўғиқ овози эшитиларди. Иккаласи ҳам гранаталарни, автоматларни шайлаб ерга қапишиб олишди.

Шаҳар доирасидан чиқиб, тоғ йўлига ўтиш билан бронемашина икки томонга ўқтин-ўқтин ўқ ёғдириб келарди. Пулемёт ўқлари тошларга урилиб, чарсиллар, новдаларни чирт-чирт узиб чийилларди. Ниҳоят, муюлишга яқинлашди. Энди улар ўт сочиб келаётган бу аждаҳо вулқон ичида қолишини бор вужудлари билан кутардилар.

Бундай дамларда вақт жуда имиллайди, ҳатто тўхтаб қолгандай туюлади. Аҳмаджон асабийлашарди. Шу пайтда бронемашина тагида ер қаттиқ портлади. Унинг назарида, шундай катта машина одам бўйи кўтарилиб тушди, аланга ловиллади. Жино билан Аҳмаджон яна гранаталар улоқтиришди. Кейин автоматларнинг тепкисини босишга шайланиб жим ётдилар. Портлаш ва ёнғин аста пасайди. Чанг-тўзон ичида яланг кўйлак, ялангбош, немислар қўлларини баланд кўтариб, буталар орасида югуриб юрарди. Жино билан Аҳмаджон: Хендихох!— деб автоматларини рўпара қилишди. Улар қочишмади. Айтишларича,

кийим-бошлари машина ичида ёниб кетганмиш. Чиндан ҳам кўйлакларининг этаги, шимларининг почалари куйган эди.

Шу орада Турғун қонга беланган жасадни кўтариб келди. Бояги новча йигитча: гранатани яқиндан ташлайман деганми, ҳар қалай, тажрибасиз, умрида бунақанги ҳолга биринчи бор дуч келган...

Улар марҳумнинг жасадини кўтариб, асирларни ҳайдаб, қароргоҳга кириб бордилар.

Тун аллақачон ярмидан оғиб кетган эди.

Марчелло йигитларни бағрига босиб, уларга отряд номидан раҳмат айтди. Мурдани ҳарбий одатга биноан дафн этишни буюрди. Аҳмаджоннинг кўнгли гаш, ҳиқиллаб йиғлаётган аёллардан ҳам, суҳбат қуриб ўтирган йигитлардан ҳам ўзини нари тортиб кетгиси келарди. Эндигина кўмилган йигит жасади кўз олдидан кетмас, дили тобора хира тортарди. Ким эди у, ким бўлмоқчи эди? Ёнидагилардан ҳеч бири буни билмади. Мана энди унга билишларининг керағи йўқ. Аммо у бир кўришда севиб қоладиган йигит ҳамдир. Ҳа, мўйлови энди сабаза урган эди, ўзига жуда ярашарди. Ким билади, у мактабида бирон қизни яхши кўриб қолган, унга севги изҳор қилгану биринчи бор қиз дудоғидан бўса олишга ҳам улгурмагандир... Уни яхши кўрган қиз фигон тортиб йиғлайди. Ким йиғламайди бундай йигитга? Лекин қиз унинг ўлимидан хабар топмагани, уни кутгани, ҳижрон дардини тортгани маъқулми? Ҳа, балки хабар топмас ҳам...

Ўзи-чи? Йигирма учга энди кирди. Хўш, бу оламда у нимани кўрди? Техникумда ўқиди. Ўқитувчи бўлди. Фронтга жўнади. Мақтанадиган даражада жанг ҳам қила олмади. Фашистлар Сталинградга бостириб келаётган ўша кунларда дашти биёбондаги тасира-тусур, гумбурлаш... У қиёмат ичида қолди. Ҳамма ёқда тўзон кўтарилган, қий-чув... Снарядлар устма-уст тушарди. Кимнинг қўли узилган, кимнинг боши йўқ, ким оёғидан ажраган... Унинг қулоғи карахт, белини кўтаролмас, снаряд ўйиб кетган воронка ичида ётарди. Кейин аждаҳодай ўрмалаб келаётган танкларни, улар кетида автомат ўқталган немисларни кўрди. Қулоғига ҳеч қандай шовқин-сурон кирмасди. Унинг устидан ўтиб кетди, у чуқур тагига қапишиб олди. Кейин ҳеч нимани сезмади... Тонг ёришарди шекилли. Елкасига автомат сумбаси тиралди... Кейин бир томонда Павел, бир ёғида Маҳмуджон, уни қўлтиқлаб юришди...

## IV

У дўнгликдаги ясси қояга ёнбошлаб, оёқларини чўзиб ётибди. Туннелга киргиси йўқ. Биринчидан, туннел дим, иккинчидан, биров хуррак тортиб ухлайди, бошқалари шивирлашиб гаплашиб ётади. Аҳмаджон соф ҳавода, мана шу очиқликда теварак-атрофга разм ташлаб, якка ётишни хоҳлайди. Ҳа, якка хаёл суришни... Хаёл учини ўз майлига қўйиб беради. Масалан, у: «Кейинги кунларда кўпроқ, шу бепоён ер бетида инини йўқотган чумолидай жонсарак югуриб ўтаманми ёки ўз маконимга, ўз инимга етиб, ерга оёқ қўя оламанми? Сабаби кун ўтказиш, елка қисиб, ерга қараб юриш учун эмас, одамлар орасида чалишмасдан юриш...» деган хаёлда. Дадасининг гапи эсига тушди:

— Мен тандирчиман,— дерди у, жун қориштирилган лойни тепиб пишитар экан. — Тандир ясаб сотаман. Биласанми, сингиб пишган нонни ҳузур қилиб чайнаганда одамлар мени эшлашади.

Аҳмаджон дадасининг бу сўзларида қандайдир ғурур сезарди. «Ҳаётнинг паст-баланд довлари кўп,— дерди дадаси.— Мен бу довлардан лой тепиб ошаман».

«Дадам тандир ясаб доvon ошади. Хўш, мен-чи, мен нима қилиб доvon ошаман? Фашистни ўлдириб... Қанча кўп ўлдирсам шунча тез доvon ошаман».

У қаддини кўтарди, аламли кулимсираб, тебраниб ўтирди.

...Ҳеч урушда, ҳеч бир замонда асирлар бу қадар хўрланмаган, бу қадар кўп қирилмаган. Ноехаммерни эслаб эти сесканиб кетди. Ўша лагерда эди шекилли. Қаҳратон қиш, лагерь ҳовлиси тийгончиқ, муз. Асирларнинг эгни жулдур, яланг оёқларида ёғоч кавуш, дилдираб, қўнишиб, тойиб-йиқилиб юришарди.

Аҳмаджонни совуқ олди. Ўпкаси икки томонлама шамоллади. Гапирса товуши бурнидан чиқади.

Уларни ҳовлига ҳайдаб чиқишди, Аҳмаджон тийганиб йиқилди, ёғоч кавуш оёғидан отилиб кетди. Бир асир уни тургаза бошлаган эди, немис соқчиси елкасига автомат кўндоғи билан туширди: ёрдам кўрсатиш мана бунақа бўлади!

У муз устида қанча ётди билмайди, ҳушига келиб кўзини очганда, ўзини касалхонада кўрди. Касалхона деганлари «соғ»лар ётадиган барак. Похол тўшак. Ишга ҳайдашмайди, фарқи шу.

Иситмаси қайтмай, бир неча кун беҳуш ётди. Ғалати: ўша кунларда у бирон ери оғриганини сезмади, лат еган, эти узилган жойлари. бутун вужуди гўё музлаб қолган эди. Иситма қайтганда ҳам бошини кўтаришга мажоли келмади. Оғриқни ана шундан кейин сезди: вужуди қақшар, ҳатто тишларини бир-бирига босолмасди. Неча кун шу ҳолат давом этди, ҳозир эслаёлмайди... Бу дардни охири енгди шекилли, оғриқ босилгандай бўлди. Кўзи очилиб, бошини кўтарди. Тепасида ётган бемор унга:

— Шуники енгдинг, энди ўлмайсан йигит,— деди. Рост, у ўлмади. Кунлар ўтди, оёғини зўрға босиб, мункиб-мункиб бир-икки қадам қўйди.

— Мана, оёққа ҳам кирдинг,— деди тепасидаги бемор.

Кунлардан бир кун ошхонада ишлайдиган немис бурдаланган уч буханка қора нонни кўтариб келди-да, барак ўртасидаги йўлакка ирғитиб ташлади. Барак тўс-тўполон бўлиб кетди. Урнидан туролган касаллар йўлакда нон талашар эди. Аҳмаджон эгилолмади, бели жизиллаб оғриди, тик туриб қолди. Немислар бу манзарани мириқиб томоша қилишар, хохолаб суратга олишарди.

Шу топда биров ердан бир бурда нон олиб Аҳмаджонга узатди. Аҳмаджон нонни чайнаб унга қаради, немисча ҳарбий форма кийган лейтенант, юзлари жиддий... У нонни еб бўлгунча лейтенант қарамай турди, кейин:

— Бу ерда ишончли ўртоқлар бор. Сизни уларга айтаман, — деди-ю, чиқиб кетди.

Дард, қийноқ, очлик чангалида Аҳмаджоннинг кўзи хиралашган эди, шекилли, бу меҳрибон йигитни эслашга қанча уринмасин, таниёлмади.

Ровнодаги лагерда эди шекилли, асирларни ҳайдаб чиқиб бўйсира қилишди. Бир капитан ваъз айтди:

— Москвани эгалладик, Гитлер эрта-индин руслар пойтахтида немис қўшинларининг парадини қабул қилади. Яқин кунларда большевикларни ҳамма жойда тамомлаймиз,— у саф бўлиб турган асирларга жим қараб турди-да, сўзини улади: — Кимки юртимга бориб катта амалдор бўламан, деса икки қадам олға чиқсин.

Ҳамма жим, ҳеч ким қўзғалмади. Капитан сўзини яна қайтарди. Асирлар яна қўзғалишмади. У ваъдасини учинчи бор қайтарган эди, икки асир олдинга чиқди. Аҳмаджон, сафга раҳна тушди, деб фикринди. Капитан сўзини яна такрорлади. Аҳмаджоннинг шериги Маҳмуджон ҳам чиқди. Аҳмаджоннинг биқини узилгандай бўлди. Наҳот жони ширинлик қилди! Ахир, Павел бир ёнида, шу йигит бир ёнида Аҳмаджонни қўлтиқлаб юрган, булар билан бирга лагердан қочишга, курашни давом эттиришга чоғланган эди-ку! Наҳот шу Маҳмуджон фашистлар қаторига ўтиб, ўз юртига қарши милтиқ кўтариб борса!.. У Маҳмуджондаги ўзгариш боисини билишга уринган, унга ачинган

эди. Нима бўляпти бу одамларга? Наҳотки эътиқодлари шунчалик бепанд!..

Яна бир кун соқчи касалхона эшиги олдига келиб уни чақирди:  
— МамажонOFF... Бу ёққа чиқ!

Соқчи уни ташқарига бошлади. У ҳали касалдан ўнгланиб кетмаган эди, ёғоч кавушини аранг судраб эргашди. Бу ерда, заранг дарахти тагида бир майор турибди. Аҳмаджон уни таниб, тўхтаб қолди, ҳамшаҳари — Холдорбек.

«Нима бўляпти ўзи, мени жуда йўқлаб қолишди...»

«Е тавба, роса тўлишибди, фашистча форма тирсиллаб турибди. Мўйловлар ҳам бўлакча: қўнғиз нусха, тақлид қилдимикан?»

У судралиб етиб борди. Холдорбек унга бирпас тикилиб турди-да, сўз қотди:

— Мана бу скамейкага ўтириб, буни еб олинг, кейин гаплашамиз.

У қалин оқ қоғозга ўралган бир нимани узатди. Аҳмаджон қоғоз ўрамини очди. Икки кесим оппоқ нон орасига солинган товуқ гўшти. У кўз узолмай, қўллари қалтираганча тикилиб қолди. Ахир, бундай таомни кўрмаганига, емаганига қанча вақтлар бўлди. Хўрлиги келди. Кейин ҳушини йиғиб олди. Холдорбекнинг кўзи унда эди:

— Шошилмай еяверинг, фурсат бор.

Аҳмаджон нондан оз-оз тишлаб, товуқ гўштирага қўшиб ея бошлади. Бек кийимининг энгига қўнган чанглари чертиб-чертиб турар, гўё унга қарамасди. Аҳмаджон у айтганидай шошилмай, майда чайнаб ер, Холдорбек тўқ кучукдай унга қараб-қараб кўярди. Аҳмаджон товуқнинг мўрт суяқларини қарсиллатиб чайнаганида у ичида қаноат ҳосил қиларди: «Силласи қуриб бўлибди. Гаҳ дейишга маҳтал!» Аҳмаджон овқатланиб бўлди. Оғиз-қўллари қоғозга артиб, Бекка миннатдорчилик билдирди.

Бек қўнғиз нусха мўйловини силаб кулиб қўйди:

— Суягингиз қопти холос, ҳамшаҳар. Касалингиз қаттиқлигини эшитиб бир неча бор келишга чоғландиму, маврид топмадим. Ўзингиз биласиз, иш кўп, бутун фронт бўйлаб ҳужум боряпти, кечаю кундуз олға боряпмиз...

Аҳмаджон яна миннатдорчилик билдиришга оғиз чоғлаган эди, Холдорбек қўймади:

— Э, — деди у, Аҳмаджоннинг эгнига, яланг оёғидаги ёғоч қовушига қараб:— Бу ҳали хамир учидан патир. Сизни бу ифлосхонада қолдирмайман, энг яхши касалхонага жойлаб қўяман. Уст-бошингизни янгилаб, тагингизга оқ чойшаблар тўшайдилар, энг яхши мутахассислар атрофингизда парвона бўладилар, тезда тузалиб бояги-бояги бўлиб кетасиз...

Аҳмаджон унинг оғзига қараб ағрайиб қолди.

— Нимага ҳайрон бўляпсиз, ишонмаяпсизми?— ўради бек унинг кўзига тикилиб.

Унинг боши ғувиллаб кетган эди, тутилинқираб деди:

— Нимага энди. Тушунаман, қўлингиз ҳамма ёққа етади. Илоҳо қайтариш менга...

— Қўйсангиз-чи, бу беҳуда гапларни,— деди бек аллақандай парвоз қилувчи шахд билан. — Хаёлдан чиқариб ташланг, арзимаган яримта товуғу, бир бурда нон! Кўчадаги итга ҳам берворардим-да... Шунга ҳам қайтариш-қайтариш дейсиз...

— Қиёмат қарз эсдан чиқмайди, Бек. Ким билади дейсиз, шу ердами, юртга қайтганимиздами, ишқилиб, қаерда насиб бўлса...

— Э, ҳали ҳам шу умид билан ашаяпсизми? Хаёлпарастликни ташланг, унинг ўрнига...

Аҳмаджон унинг сўзини яна бўлди:

— Шу умид, шу хаёл бўлмаса, Холдорбек, мен аллақачон гўримдан кўкариб чиқардим.

Холдорбек қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Ана хаёлпарасту мана хаёлпараст! Шунинг учун ҳолийгиз

шу-да... Суғуриб ташланг каллангиздан буни... Отангиз кўкнори эмас-ку. Бунинг ўрнига мана бунақанги кийиниб юринг, — у ўз уст-бошини кўрсатди.— Еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда. Ахир, одам дунёга бир марта келади.— Унинг юз-кўзи кулди, сўзидан ўзи маза қилиб кўзлари қисилди. — Ҳар жонон қизлар борки, кўрсангиз кўнглингиз яйрайди. Йигитга, аввало, маишат, роҳат керак!

— Эсингиздами, Бек, техникумда охирги курсда эдингиз, биз иккинчи курсда эдик. Боғда дарс тайёрлардик,— эслади Аҳмаджон.— Чинорлар тагида, майсага ястаниб ётиб дам олардик. Дарвоқе, ўшанда ҳам сиз эпчил эдингиз.

— Сиз хаёлпараст эдингиз, битта чўпни тишлаб, қумурсқаларга раҳмингиз келиб ётардингиз.

— Сиз қизларни кўп эргаштирардингиз, уларга конфетлар улашардингиз...

— Сиз ношуд эдингиз. Эҳтимол, ўша дўндиқ қизчани ҳам ўпмагандирсиз.

— Тўғри айтдингиз, Бек, ўпмаганман. Аёл зотини ўпиш ҳали ҳам насиб бўлгани йўқ.

Холдорбек бош чайқади:

— Эсиз йигитлик. Дунёга келдию ҳеч нима кўрмай, ҳеч лаззат тотмай, сўппайиб ўтди-кетди. Ё гапим чаккими, ҳамшаҳар?

Аҳмаджон елкасини қисди:

— Ким билади, Бек ака. Умид билан кун ўтказаяпман. Муаллимлик қилиб юрган чоғлар эсимга тушади. Қизиқ, жуда ёш эдим уқувчи болаларни бир тўда қилиб институт даргоҳига олиб боришни ўйлардим. Ҳозирги кунларда, оғир дамларда шуни ўйласам, умид маҳкамланади, улғаяди. Биласизми, Бек ака,— Аҳмаджон ҳозир кимнинг рўпарасида ўтирганини ҳам унутди, — биласизми, ўша дамларга етишадиганга ўхшайман...

Холдорбек масҳараомуз кулди:

— Эсиз одам,— сўз унинг тишлари орасидан чиқди.— Неча ёшга кирдингиз?

— Келгуси йил кирса, йигирма уч тўлади.

— Йигирма уч!— такрорлади Бек. — Умрнинг шунчасини яшаб-сизу ҳеч нима кўрмабсиз.

— Кўрдим, Бек ака, кўрдим.

— Нимани кўрдингиз?

— Узимнинг ана шу туршимни, шу ҳолимни кўрдим. Бу озми?

Бек яна заҳарханда кулди:

— Қўкнорисиз дедим-ку!.. Большевиклар хаёли билан яшаб сиз шунга етишдингиз. Масалан, мана мен бундай яшаяпман... Кўрдингиз, мана шу дўзах алангаси ичида ҳам ўз йўлимни топдим. Сизга ўхшаб чайнагани суяк тополмай юрганим йўқ. Таъна қияпти, деб ўйламанг. Йўқ, шунчаки эсингизни йиғиб олинг, бу бевафо дунёдан ҳеч вақо кўрмай армонда кетманг, демоқчиман, холос.

У Аҳмаджонга такаббуруна кўз қисиб қаради. Аҳмаджон унга:

— Раҳмат, Бек ака,— деди.

Бек яна жиддий оҳангда давом этди:

— Хоҳлайсизми, энг гўзал қиз қўйнингизда бўлади, ҳозир ҳамма нарсани муҳайё қилдирайми?

Аҳмаджон энди ўзини анча эркин сезди:

— Илгариям жуда нотик эдингиз. Комсомол мажлисларида ҳам-мани оғзингизга қаратардингиз.

Бек ногоҳ чимирилди, ҳатто турган ўрнида қўл силтади:

— Бе, шуниям эсга олиб юрибсизми? Комсомолга шунчаки фойдаси тегармикин деб қизиққан эдим-да. Аллақачон унутиб юборганман.

— Сизни билмайману, мен унутолмайман.

— Биламан, соғингансиз,— деди Холдорбек оғзи қулоғига етиб,— Қарашлари жуда ўтли эди-а! Агар битта-яримта комсомол аъзосига



тегиб олмаган бўлса... — у истеҳзоли жилмайиб давом этди. — Ҳеч-қиси йўқ. Унақаларнинг уруғи сероб. Бу ердаги қизларни кўрганнинг-издан кейин ўша тўпорининг сурати кўз олдингиздан йўқолади. Олдин тузалволинг, кейин кўрасиз бу дунёнинг лаззатини.

— Раҳмат.

— Раҳматни ўшанда айтасиз,— Бек бир нималарни ўйлагандай туриб қолди, кейин юзи бирдан очилиб деди:— Хоҳлайсизми, юртга юбортираман? Бир йўла чол-кампирларни ҳам кўриб қайтасиз.

— Ростданми?— Аҳмаджон ўз қулоғига ишонмасди. Сўнг бирдан сергакланди:— Эвазига хизмати бордир, албатта. Ё ҳеч нима талаб қилинмайдими?

— Талаб,— деди Бек,— кўрган-билганларингиз етади.

— Жосусликка борасан денг?

— Жосуслиги нимаси, совет тугаб қолдию...

— Асирлик балосига гирифторм бўлганимда айтишувди: тугайди, деб. Янглишмасам, ҳозир қирқ учинчи йил тугаяпти-а?

— Ишонмайсизми?— Бекнинг товушида дўқ оҳанги сезилди.

— Ўзингиз ишонасизми, шу гапларга, ростингизни айтинг?

— Балшевойлар патарат топди. Сталин Москвадан қочди. Москвани буюк Германиянинг ғолиб солдатлари эгаллади. Хўш, яна нима қолди? Бу ёғи энди ўзини ўзи еб битиради. Юртга тантана билан қайтиш қолди. Хоҳласангиз, жиндек хизмат кўшсангиз, шаҳар маорифига катта бўласиз...

«Лагерда гитлерчи офицер ҳам худди шу гапни айтувди: юртингда катта амал олсан, девди. Шунга учиб Маҳмуджон сафдан чиқиб кетган эди. Ўшанда қирқ иккинчи йилнинг кузи эди. Мана энди бу ҳам шу гапни айтаяпти».

— Ё тавба,— деди Аҳмаджон ёқасини ушлаб.— Қиёмат-қойим бўлди денг! Шундай катта мамлакат таслим бўлдими? Инсон кўнглига энди кирганда ер юзини титратган шундай улугъ эътиқод эндиликда, камол топганда, илдизлари инсоният қалбидан теран жой олганда бирданига узилиб чиқди-кетдими?

— Йўқ бўлди-ку, тағин нимаси қолди?

— Мен коммунист эмасман, Бек. Буни сиз яхши биласиз. Партияга кириш учун ариза беришга ҳайиққанман. Партия шундай улугъки, илмим кам, унинг вазифаларини бажаришга кучим етмайди, деб билардим. Мен ўз кучимга ишонмай юрган ўша кунларда бирдан уруш бошланиб кетди. Эътиқодимизни сақлаб қолиш учун юришга чиққанлар сафига қўшилдим.

Холдорбек уни масхаралагандай кулимсиради:

— Балшевойларга садоқатлилар эшелонига денг?

— Ҳа, қирқ иккинчи йилда. Ёз кирган, оқ ўрик энди пишган эди. Повестка қўлимга текканда бозордан кўпгина оқ ўрик сотиб олувдим. Онамлар оқ ўрикни жуда яхши кўрардилар... Ҳа, сиз бир йил олдин жўновдингиз. Қирқ биринчи йил кузда эди шекилли. Эсингиздами, ўшанда шаҳар комсомоли биноси олдида фронтга жўновчи ёшлар кўп эди. Сиз нутқ сўзловдингиз. Комсомол билетим юрагим устида туради, девдингиз. Ҳамма эшитган эди: юртга қайтганингизда ўша гувоҳларга нима дейсиз? Ёлғон гапирувдим дейсизми?

— Биттаси сизми?— Бек масхаралаб кулди.— Улик гувоҳлар денг?!

— Дадангиз кўзларида севинч ёши, сизга фахр билан тикилган, кейин бўйнингиздан қучоқлаб, бетингиздан ўпган эдилар. У киши тиррик. Хўш, дадангизга нима дейсиз?

Холдорбек титраб кетди.

— Аммо, мянгиж жийиб кетган экан,— деди ғазаб билан.— Бир мусулмоннинг якка ўғли деб ўлимдан асрабман-а, уни. Тавба, одам ҳам шунчалик фаҳмсиз бўладими! Ҳушсиз ётганингизда шу касалхонага олдириб келган, дори-дармон билан таъминлаган ҳам мен эдим...

— Бунинг учун минг раҳмат. Очдан ўлай деб турганимда қўлим-га оқ нон тутдингиз, қуш гўшти едирдингиз.

Холдорбек юмшади:

— Ишонмаганингизда ҳам жон бор. Сиз бўлган лагерда советларнинг тугагани ҳақидаги хабарни шамол олиб кирармиди?

— Хабар кириб туради у ёқларга, Бек. Шундай хабарлар киради, шундай ишлар бўладики, буларни Гитлер эшитса юраги ёрилиб ўлади.

— Аммо, мен аҳмоқ эканман. Сизни ўлдириш ўрнига ўлимдан асрабман-а! Ҳа, ўлдириб ташлаш керак сенларни!

— Майли, — деди Аҳмаджон. — Душман қавмида эмас, ўз эътиқодим билан кетаман-ку.

— Қанақа эътиқод?! Уни миянгдан суғуриб ташлаш керак.

— Йўқ, — деди Аҳмаджон яна ҳам хотиржам ҳолда. — Сут билан кирган бу эътиқод.

— Сут?

— Ҳа, сут, онамнинг оппоқ сути. Айтишларича, кўксиларига тумшугимни ботириб эмган эканман. Киндик қоним томган ерга меҳримни шу сут боғлаган. Эътиқодим деганим шу, Бек ака. Бу фақат жон билан бирга чиқади. Наҳот сизни ҳеч талпинтирмаса?!

— Тилингни суғуриб олиш керак экан, аммо!

— Майли дедим-ку. Шошманг, бир-икки оғиз сўзим бор тагин: Ҳозир она тупроққа зорлигингизни сезмай юрибсиз. Имоним комилки, зориқасиз. Халқимизнинг: бошинг тошга текканда биласан, деган гапи бор. Биласизми, бир шеър ўқиган эдим; қачон, қаерда, эсимда йўқ:

Айланиб кўп ерни кўрдим,  
Кўрмадим боғ сен каби.

Унутиб бўладими, ўша боғни, майсазорни?!

Бек ғалати кулимсиради. Унинг ранги оқариб кетган эди.

— Эътиқод эмиш, — деди у. — Лақма. Бу эътиқод билан ҳали кўп балоларга гирифторм бўласан. Шу эътиқодга қорнингни тўйгазиб юрар. Оёғингни зўрга босаяпсану, юртга боришни ўйлайсан.

— Ноумид шайтон, бегим.

— Юртга бизни шуҳрат кўтариб боради. Катта мансаб, катта бойлик эгаси бўламиз. Эътиқод деб мана шуни айтадилар.

Энди Аҳмаджон истеҳзоли кулди.

— Фараз қилайлик, — деди Аҳмаджон, — борингки юртда мансаб, бойлик эгаси ҳам бўлдингиз. Шу эътиқодингиз рўёбга чиқди дейлик. Аммо дадангиз, аянгиз сизнинг эътиқодингизга унамасалар, ўзимизнинг қони-қонимизга сингиб кетган эътиқодимиз бор, меҳнат — подишолигимиз бор, буни оламдаги бошқа ҳеч бир эътиқодга алмаштирмаймиз, десалар, хўш, нима қиласиз? Чол билан кампирни дорга остирасизми?

Холдорбек бирданига хохолаб кулиб юборди ва дарров тинди. Унинг ранги докадек оқариб кетган, ёноқлари учарди:

— Сени жиннихонага ташлаш ўрнига мен тентак гаплашиб ўтирибман-а!

У шахд билан бурилиб, югурганча чиқиб кетди. Аҳмаджон унинг кетидан қараб қолди: эсиз одам, маст-аласт, кўзига ҳеч нима кўринмайди.

## V

Улар бугун чўққи пойидаги сайҳонда узоқ суҳбатлашдилар. Гоҳ чўзинчоқ ясси қояга ёнма-ён ўтириб, гоҳ ерга қараганларича аста юриб, ер бетидаги яккам-дуккам шағални ботинкалари тумшуги билан тепиб юбориб, гоҳ бир-бирига қараганича тик туриб гаплашишди.

Улар бугун топшириқдан дархон эдилар. Ҳаво илиқ, намхуш ел эсарди. Улар баъзан хушчақчақ, баъзан ўйчан, иккаласи ҳам сўз ахтарарди. Бундай дамларда Александро қизариб кетади, қўл сил-тайди, қизга ўгирилади:

— Нима эди, тилимни учида турибди-я, дардисар, айтиб юбора қолинг, Нелли?— ёлборади у.

Нелли қаҳ-қаҳ отиб кулади:

— Айтдим-ку, ахир, осонмас. Шундаям зеҳнингиз ўткир экан...

— Йўқ, тасалли берманг!..

Аҳмаджон эринмай ёдлайди. Кейин талаффузни машқ қилади. Отинчаси ёдлашга берган сўзларни қунт билан пиштади ва унга ўзбекча сўзларни ўргатади.

Унинг бу ҳолати қизга жуда ёқади. Нелли, айтиб вақтда, унга тасалли беради:

— Вой, бунча куйинмасангиз. Жуда ғалатисиз-а, Сандро. Тағинам зеҳнингиз ўткир экан, дурустгина гаплашадиган, ёзадиган бўлиб қолдингиз-ку.

Сандро бошини сарак-сарак қилади:

— Йўқ, Нелли, мени юпатманг, дедим-ку. Зеҳн деган нарса қолмабди, фашистлар тепавериб бошимни пўла қовун қилиб юборган шекилли, ҳеч сўз ўрнашмаяпти.

Нелли энди унинг гапларига кулди:

— Чиндан ҳам ғалатисиз, Сандро. Ўзингиздан сира кўнглингиз тўлмайди. Туранни қаранг, тўртта-бешта сўз ўрганиб олганига осмонга сакраб юрибди-ю, сиз бўлсангиз...

Александро қизнинг тиниқ юзига, ёниқ кўзларига тикилди. Қиз қизариб жим қолди.

Шу майдон, шу ясси қоя — улар топшириқлардан ҳориб-чарчаб қайтгач дам оладиган, холи ўтиришиб тил ўрганадиган жой.

Нелли бу сафарги махсус топшириқдан тез қайтмади, шаҳарда узоқ қолиб кетди. Аҳмаджон оқшом ва тунни кўпинча шу жойда ўтказди.

Нелли келди. Ниҳоят!.. У Аҳмаджонни «ўз майдони»да кўриб, муштини баланд кўтарди-да, хитоб қилди:

— Салют, Сандро!

Аҳмаджонга у ҳар сафаргидан шод кўринди. Командир қароргоҳидан қайтиб чиққач, ҳамма билан хушнуд сўрашиб, майдон сари юрди. У йўлақай ҳар кунгидай италянча эмас, машҳур рус кинофильмидаги «Волга-Волга» қўшиғини хиргойи қилиб келарди. Аҳмаджон қулоқ солиб турди-да, ҳайрон бўлди. Қаердан билди бунини? Неллининг рус сўзларини бунчалик тиниқ талаффуз қилишини билмасди.

— Ҳайрон бўлма,— деди Нелли, уни биринчи марта «сен»лаб,— бу қўшиқни билмаган, яхши кўриб айтмайдиган йигит-қиз кам бу ерда, русчани эса, оз-моз ўрганганман. Талеимга сен келдинг, ўргатяпсан.

— Жуда хурсандсиз...

— Нима, ёмонми?

— Йўқ, аксинча, яхши.

— О, синьор, сиз...— у тутулиб қолди.— Ўзбекчага қийналаман.

Аҳмаджон ёрдамга оғиз жуфтлаган эди, Нелли икки бармоғини ўз лабига қўйиб, гўё жим деди. Ахири, топди: —...сиз нимага хапа кўринган кўзимга?— у гапира олдим-ку дегандай, ўзи чапак чалиб кулди, Аҳмаджонга тикилиб сўради:— Ҳа, топдим, менинг ўқувчим зериккан, ростми?

— Рост,— деди Аҳмаджон унинг ёрқин кўзига тикилиб.

— Ни-ма-га?— сўзни чўзиб сўради қиз.

— Биринчидан, мени муаллимам ташлаб кетдилар, иккинчидан, биласанми, азизам,— деди у ҳам биринчи бор «сен»лаб,— мени муҳим операцияга юбормаяптилар.

— Хўп галати одамсан-да, Сандро. Юборишмаса нима қипти, дам оласан. Мана, мен қайтиб келдим, дарсни давом эттирамиз, зерикмайсан.

Аҳмаджон бош чайқади:

— Баттолни тирик ушлаб келишда мен қатнашим керак. Яхши биласан-ку, врач оиласини мени деб йўқ қилди улар. Илтимос, командир олдига сен ҳам кир. Жино иккалангиз илтимосимни айтинглари унга.

Фашистлар партизанлар врачини қўлга туширишган, уни Аҳмад Мамажонов деган «қочоқ асир»га алмаштиришни талаб қилишган, партизанлар отряди қўмондонлиги бу талабни рад қилган эди. Кейин фашистлар врачни дорга осиб, хотин-болалари билан уйини ёндириб юбордилар.

Шаҳарда, разведкада юрган Нелли билан Элвира врачнинг ўн беш ёшлардаги ўғли Робертинони кўчада кўриб қолиб, отрядга олиб келишган эди.

Нелли ҳозир шу воқеани кўз олдидан ўтказди-да, Аҳмаджоннинг илтимосини ҳақ билди.

— Тўғри, Сандро, — деди у жиддий тусда, — сен боришинг керак. Аммо мен бошлиқларни кўндиролармидим. Ҳар қалай, сени ёқлаб кўраман.

— Сендай сўзамол сулув қиз кўндиролмасан... битта чолни... — бир томонини ҳазилга бурди Аҳмаджон.

— Сўзамолликни сендан ўрганяпман, — деди қиз командир ҳузурга кетаётган. Кейин унга жилмайиб ўгирилди-да, бармоғини бигиз қилди: — Аммо, жуда шўх бўлиб кетяпсан...

Нелли командир олдига акаси Жино билан Турғунни бошлаб кирди.

— Мен ҳам орага тушгани кирдим, — деди қиз жиддий тусда. — Чунки ўша ваҳшийликка ўзим гувоҳ эдим, акам билан у бориши керак.

— Неллининг гапи тўғри, — деди Жино.

Командир Марчелло мийиғида кулиб:

— Майли, сенинг айтганинг бўла қолсин, — деди.

— Қизиқ, — деди комиссар, — қизлар йигитларини топшириқдан олиб қолишга жон фидо қилардилар, сен бўлсанг, шу борсин, деб турибсан. — У Неллига зимдан қаради.

Нелли қип-қизариб кетди:

— Йигитим... Тил ўргат деб сиз топширдингиз-ку, энди... энди бўлса... — у тутилиб қолди.

— Майли, ўзини чақир, — деди Марчелло. — Аммо шундай йигити бор қиз гердайиб юрса арзийди, — деб қўйди қиз кетиб ўлгурмай.

Аҳмаджон кирди.

— Жуда катта делегация юборибсан, — деди Марчелло енгил кулиб. — Тўғри, ўша жаллодни тирик олиб келиш сенинг ҳаққинг. Аммо қизиққонлик қилиб отиб қўйма. Унинг устидан бу ерда отряд ҳукм чиқаради. Энди боринглари. Омад ёр бўлсин.

Штаб — туннель эшиги ёнида Аҳмаджонни Нелли чақирди:

— Бир минутга, Сандро.

Аҳмаджон бурилиб қизнинг рўпарасида пайдо бўлди. У туннельга орқасини суяб турарди. Аҳмаджонга иккала қўлини узатди, йигит Неллининг иссиқ қўлларини маҳкам ушлади. Қиз:

— Кўзимга тикил, сеҳри бор, — деди пичирлаб. Аҳмаджон жим тикилиб турди. Қизнинг кўзлари қоронғида ялтиллаб, йигит қалбини алангалатарди. У қиз қўлини маҳкам тутиб, ловуллаб турган икки ёноғидан ўпиб олди. Бу Аҳмаджон ҳаётида ҳам, Нелли ҳаётида ҳам дастлабки талпиниш, биринчи бўса эди.

Йигит бошини даст кўтарди-да, Жино кетидан юрди. У кўкраги кўтарилиб, шерланиб қадам ташларди: «Эҳ, фалак, — деб хитоб қилди йўл-йўлакай, — гоҳ дўзахга отасан, гоҳ пари пайкар кўксига!»

Орқасида Неллининг товуши эшитилди:

— Бопо андоре!

— Хайр!

Катта йўлдан ажралиб, денгиз бўйига олиб тушадиган кичикроқ кўчада икки киши орқама-орқа борарди. Олдингиси новча, қотмароқ, жуббасимон узун қора камзули уни орқасидагидан тағин ҳам баландроқ кўрсатарди, қуюқ қора сочлари елкасига тушган, чинақам руҳонийга ўхшарди. Унга эргашган йигит юпун, жулдур кийинган, йўгон ўралган махорка тутатиб борарди.

— Келдик. Қоровул-соқчи гапга тутса, сен оғиз очма, — деди Жино.

Боғчаси денгиз ёқасига тушадиган икки қаватли баҳайбат уй эшиги олдида соқчи ер тепиниб турибди. У келаётганларни кўриб, пиллапоядан тушди-да, фонарчасини ёқди ва кўзларини ишқалай-ишқалай яқин келди. Кўнглидаги шубҳа ёзилди шекилли:

— Йўл бўлсин, отахон? — деди.

— Шу ёққа, муридларникига.

— Чекишдан борми, отахон?

Отахон чўнтагидан кумуш сигарета қутисини олди-да, сигареталардан энг узун, энг сарасини олиб унга узатди.

— Отахон, энг зўри-ку, бу, — деди суюниб соқчи.

— Зўри, бўтам, сизга ҳадя, — деди руҳоний.

— Раҳмат, — деди соқчи сигаретани тутатиш учун ёнидан гугурт олаётиб. Кейин руҳонийнинг кетида оёғини судраб бораётган жулдур кийимли йигитга қараб деди:

— Бу сиз биланми?

— Ҳа, мен билан, бўтам.

Руҳоний ҳам соқчидан сўради:

— Хўжайин йўқмилар дейман, уйларида?

— Шу ердалар. У киши бўлмасалар биз анча бемалол бўлардик-ку

Немисларнинг бу ердаги тўраларидан икки-учтаси у кишини йўқлаб келган эди. Улгудай ичишди. Ҳозиргина узатдим. Хўжайин ҳам роса маст бўлдилар. Меҳмонларнинг кетишганини сезмадилар. Немислар беканинг қўлларини итдай ялаб-ялаб кетишди.

— Соз, бўтам, соз, — деди руҳоний. — Худонинг хоҳиши, бўтам, бировларни ичиради, бировларга қўлни ялатади...

Лигурия денгизи тинч, қирғоққа беҳол, шилт-шилт урилади. Бетиним заҳматдан чарчаб ухлаб ётгандай. Ойсиз, қоронғи тун, денгизнинг ҳад-ҳудуди йўқ, сирти бепоен саҳродай, сокин. Бағрида аллақандай сирли дунёни яшириб ётгандай. Баҳайбат, сипо, улуғвор!

Жино унинг жунбушга келган, тўлқинлари тоғ-тоғ мингашиб, ҳайқириғи шаҳарни бошига кўтариб ташлагудек бўлган дамларини кўп кўрган. Ахир, у, мана шу соҳилдаги уйлардан бирида, сувоқчи Круделлилар оиласида туғилган, шу денгизда балиқдай сакраб катта бўлган. Болалигида боғчадаги анжир дарахти устига чиқиб, сершира анжирни оғзига солиб денгизга қараганча ўйларди:» Бу томонда қуруқлик йўқ, борлиғи сув. Денгизнинг жаҳли чиқса, кўтарилиб-кўтарилиб, кейин ўрнига тушади, чайқалиб-чайқалиб тиниб қолади. Жуда мулойим бўп кетади. ...Мана бу томон тоғ. Тоғлар биридан иккинчиси баландлаб кетаверади-кетаверади. Энг кейинги тоғнинг боши осмонга тегади. У ёғи берк...

Унинг ота-онаси унга интиқ. Тиқ этса эшикка қарашади: жигарбандлари кириб келаётгандай бўлади. Жино ҳозир югуриб боргиси, уларнинг қуруқшоқ бағирларига ташлангиси, қайноқ юрак тағтинни уларга ўтказгиси келадию, тақдирнинг ўйини қарангки, у ҳозирча уйларига боролмайди. На чора, чол-кампир тақдирга тан беришган,

уни дуо қиладилар, худодан ўғилларига омонлик тилайдилар. Агар юртбузарлар Жинони кўриб қолсалар, уни дарҳол ушлаб турмага ташлайдилар, дорга осадилар. Буларни ўйлаганда чолнинг эти сесканиб, уйқуси қочади. Ҳозир уни соч-соқолли руҳоний қиёфасида кўрсалар таниёлмайдилар. Бу «руҳоний» эса, ўз халқи учун, ўртоқлари учун фашистлардан хун олиш пайида юрибди. У денгизга қараб ўйларди: унинг ёнида ўтирган йигитни тақдир олисдан келтириб ташлади бу ерга. Буюк бир куч — ният бирлиги, фашизмни йўқ қилиш мақсади буларни ака-укадек яқин, иноқ қилиб юборди, бу йигит италянларга чин дўст. Аммо ҳозир уйда хуррак тортиб ётган киши ўз мақсади, фикр-ҳаракатлари билан италянларнинг, ҳамма халқларнинг ёвуз душмани. У ўлимга маҳкум!

Фашизмга нафрат Жинонинг кўнглида болаликдан уйғонди. Ушанда у дадасининг сувоқ-бўёқ ишларига боқишиб юрарди. Кекса сувоқчилар Муссолинининг ҳам, шаҳар ва қишлоқларда жуда авж олган Доловаро — ишдан кейинги вақтихушлик деб аталган ташкилотларини ҳам «бузғунчилик, палидлик» деб очиқдан-очиқ сўкардилар. Ёш-қари қовоқхоналарга тўпланиб ичишар, қўшиқ айтиб, ўйин-кулги қилишарди. Жинонинг назарида, бу ташкилотга кирган ёшлар такаббур, қўпол, бузуқи эди. Ҳа, ҳозир ўзи қўлига кишан солиб олиб кетмоқчи бўлаётган фашист ишбошининг ўғли ўша кезларда ёш йигитча эди, форма кийиб, кўчада гердайиб юрганида Жино унинг ҳўппа-семиз лунжига туширгиси келарди. Шу семиз йигитчада жирканчлик, ёвузлик ҳиди анқиб келаётгандай. Сувоқчилар орасида адолатпарвар, жуда ҳақғўй бир киши бўлиб, ишчилар ҳақини доимо ҳимоя қилар, уларни ҳақ талаб қилишда дадил бўлишга ундарди. Ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, фашистлар уни олиб кетишди, орадан икки-уч кун ўтгач, унинг жасадини Қизил тоғ жилгасидан топиб келишди. Дафн маросимидан кейин, кечқурун, уйда, Жино дадасидан сўради:

— Ким эди у, дада?

— Фашистларнинг душмани, халқнинг дўсти — коммунист эди, ўғлим.

Жинонинг кўнглидаги фашистга нафрат — эътиқодга, қасоскор кучга айланди. У коммунист ёшлар сафига кирди.

Уша кунларнинг бирида Каррарага коммунист ёшлар Марказий Комитетининг секретари келди. У шаҳар ёшларини йиғиб суҳбатлашди. Фашизмга қарши курашнинг амалий тадбирлари ҳақида гапириб, Доловаро ташкилотига кириш, душманнинг ичидан емиришга ҳаракат қилиш зарурлигини айтди. Шунда Жино ўрнидан туриб луқма ташлади:

— Доловаророгая?! Зинҳор унга яқин йўламаймиз, ундан ҳазар қиламиз.

Секретарь мийғида кулиб, аста деди:

— Бу хато. Дарвоқе, бу хатода сиз якка эмассиз. Бунинг хатолигини тушунтириш учун сизларга йўлбошчимиз Пальмеро Тольяттининг сўзларини баён қилиб берай. «Агар кекса ишчиларга, — дейди у, — Доловаророга кининглар, десангиз, уларнинг тепа сочлари тикка бўлади. Йўқ, асло мумкин эмас, дейди улар. Гуноҳга ботайликми, фашистлар қаторида юриб, аҳлоқсизлик йўлига кирайликми? Бу эътиқоддан қайтиш бўлади-ку! Йўқ, ўртоқлар, — дейди Тольятти. — Душманнинг ичида бўлинглар, энг эътиборли, энг машҳур коммунистларимиз бу ташкилотларда қатнашинлар. Акс ҳолда, бизлар орға кириб олиб коммунизмга сажда қилиб ётадиган тарки дунёчи авлиёларга ўхшаб қоламиз...»

Секретарь тин олиб, зални кўздан кечирди. Ўтирганлар ўзаро шивирлашар, энгил кулги зални жонлантирган эди.

Жинонинг кўз олдида отаси билан бирга ишлаган ўша ишчилар, фашистлар қийнаб ўлдирган ўша коммунист гавдаланди. Наҳот, доим одамлар ғамида юрган ўша меҳрибон киши ўз хатосининг қурбони бўлиб кетган бўлса?

Жино хатоликни кейин, ҳаётда кўпни кўриб, кўп нарсаларни бил-  
гач тушунди. У ҳамон денгиздан кўз узмас, зирқираб оғриётган  
бошини уқаларди.

— Бу дунёнинг ишлари шунақа, оғайни,— деди у, ўзига ўзи  
гапиргандай ва Аҳмаджонга ўғирилди:— Кейин Тольяттининг ўзини  
кўрдим, гаплашдим. Ажойиб инсон. У киши тўғрисида ҳеч нима  
эшитганмисан?

— Ҳа, Коминтерн Ижроия Комитетининг секретарларидан бири  
эди шекилли.

— Ҳа, шундай эди. Ҳозир Италияда, қайтиб келган, мамлакат-  
даги воқеалар ривожининг бошида турибди. Биласанми, у Италия  
коммунистларини, хусусан, биз ёшларни нималарга ўргатмоқда?

Аҳмаджон унга синчков тикилиб қолди.

— Аввало, интернационалчиликни сингдирмоқда. Қулоқ сол: —  
Горький ва Толстой асарларини оммага жуда кенг тарқатинглар,  
тдки бу асарлар халқ дилига жо бўлсин, бугунги Италия шароитида  
инқилобий курашга ундасин, шунда бу асарларга замин бўлган  
ғоялар фашизм ғоялари билан тик олишади,— дейди у.

Жино Аҳмаджоннинг елкасига қўл ташлаб, давом этди:

— Биласанми, у яна нима дейди? Худди Россиядагидек инқилоб  
қилиш керак, деб уқтиради... Бизлар, жаҳон коммунистлари, Ленин  
билан фахрланамиз...

Энди қайтиб борсак бўлади. Дурустроқ тортган бўлса, соқчи  
оёғини узатгандир.

«Уйларига кирармикан Жино,— деб ўйларди Аҳмаджон.— Кир-  
маса керак, хатарли. Дунёнинг ишларига қарангки, бир шаҳарда  
туриб ота-она болаларини кўришга интиқ, болалар ота-онани кўриш-  
га зор... Дунёнинг ишлари... Нелли ҳам шу уйда туғилиб ўсган. «Ти-  
кил, кўзимнинг сеҳри бор...» Аҳмаджон денгизга қараб қолди. Нелли  
бир қўлини эшкак қилиб, сувни шалоплатганча, гўё ёнлаб сузиб бо-  
рар, етиб ол-чи, деб куларди. «Тавба, нимага бунақа бўляпти? Жасур  
қиз. Шундоқ эпчилки... Тургунни партизанлар сафига олиб кетишда  
Нелли бирга келган эди. Фашистлар шаҳарни роса тинтишди. Қиди-  
рув тингунча уни товуқхонага яшириб қўйишди. Кейин тунда, ҳамма  
ухлаганда отрядга етиб боришди...»

— Соқчи оёғини чўзибди, Сандро,— шивирлади Жино.— Нима  
бало, ўз қобилингга бурканиб қолдинг, дам урсангчи...

У эшикни тақиллатди, ҳеч ким садо бермади. Қаттиқроқ тақил-  
латди. Ахийри аёл киши эснаб, дарғазаб ҳолда эшик олдига келди:

— Нима жин урди сени, ирkit... Уйқу берасанми-йўқми? Теги-  
шингни томоғингдан ўтказдинг-ку. Тағин нима керак?

Жино товушини соқчининг товушига ўхшатиб гапирди:

— Авф этинг, бекам, овқат учун раҳмат. Жуда ташна бўлиб  
кетдим, бир кружка чой бериб юборинг...

— Чанқамай ўл!

Бека бир қўлида кружка, бир қўли билан эшикни қия очиб,  
кружкани узатди. Эшик олдида погга ўхшаган одамни кўриб, «Вой!»  
дедию қочиб қолди, Жино кружкадаги қайноқ чойни дарҳол бека-  
нинг афтига сочиб юборди-да, ўзи ичкарига отилди, кетидан тўппонча  
ўқталиб Аҳмаджон кирди.

Муссолиничи фашист ичкари уйда донг қотиб ухлаб ётарди.

Аҳмаджон тез бориб, унинг бошидаги ёстиқ тагидан тўранинг тўп-  
пончасини, деворда осиглиқ турган милтиқ ва қиличини олди-да, кара-  
вотда чўзилиб ётган фашистнинг биқинига тепди:

— Тур, жаллод!

Жино фашистнинг қўлини кишанлади. У ҳамон кўзини яхши  
очолмас, алланималар деб сўкинарди. Шу аснода Жино унинг бўйнига  
залварли мушт туширди. У ҳушига келди. Қўрқиб кетган, рангида қон  
қолмаган эди.

— Тур, жаллод!— Аҳмаджон уни яна тепди.

Семиз, барваста бу киши ич кийимда ҳарсиллаб борарди. Партизанлар тоғларда югуриб юравериб одатланиб кетишган, аммо доим машинада юрган бу хомсемизнинг вужудидан тер қуйилиб, нафаси тикила бошлади. Бир-икки жойда ерга ётиб олган эди, тепки еди, жон ширин экан, лўкиллаб юришга мажбур бўлди.

Мармар заводига етиб келганларида у тамом ҳолдан кетиб, чўзилиб қолди. Нафасини ростлаб олгунча булар ҳам жим туришди. Фашист хийладан сўнг кўзини очиб сўради:

— Мени қаёққа олиб борасизлар?

Жино кулиб, осмонни кўрсатди:

— Худонинг олдига. Сен ўлдирган ҳамма қасоскорларнинг руҳи ўша ерда, сени кутиб туришибди...

— Марчеллонинг олдигами?

— Билар экансан-ку, қаёққа кетаётганингни? Ҳа, партизанлар қароргоҳига.

— Шу ерда отиб ташланглар мени.

— Йўқ. Биз қонуний иш тутамиз. Сенларга ўхшаб, рўпара келганини кўчадами, бурчакдами отиб кетавермаймиз. Сенга партизанлар ҳукм чиқаради, сен уйларига қамаб ёндиртирган, дорга остирганларнинг ҳаммасини номидан...

Фашист ерга қаради. Жино ниқобни — соч-соқолини олиб ташлади. Фашист уни энди таниди.

— Армонда кетяпман,— деди у гижиниб.— Қўлимга тушганинда дорга ўзим осардим... Йўқ, терингни шилиб олардим.

— Мен терингни шилиб ўтирмайман, вақт кўп кетади, бунга арзимайсан. Биласанми, ёвузлар бировларга қазиган гўрларига ўзлари тушадилар... Қани вагонеткага чиқ!..

Эрталаб Аҳмаджон юз-қўл ювишга ташқарига чиққанида кўрди: Робертино қўлида тўппонча, фашистни эмаклатиб, думбасига тепиб, ҳайдаб юрарди. Отряд Советининг ҳукми шу: ота-онасининг хунини ўғли олади. Фашист тўхтаб қолса, ботинкасининг тумшуги билан тепади ёки тош билан уради.

Аҳмаджон бу манзарага қараб турди-да, кўнгли аллақандай бўлиб кетди: у ҳали она суги оғзидан кетмаган бола, маъсум. Ҳозирдан у одам қийнашни, ўлдиришни ўрганadi. Хўш, кейин-чи? Кейин, қонига беланган одамни кўрганда эти сесканмайдиган, ўлдиргиси келадиган бўладими?





Фашистлар бизни шунга мажбур қияпти. Кимнинг қасди йўқ буларда. Қайси юртга борма, хун талаб, аламдийда кўп: оталар болалари хунини, болалар оталари хунини олишяпти.

Бирдан тўппончадан ўқ узилди, яна ва яна... Аҳмаджон сесканиб қаради: семиз фашистнинг жасади қояда осилиб ётибди. Кўзи косасидан чиқиб кетган. Бошидан, кўкрагидан қуюқ қон оқяпти.

Робертинонинг эса ранги докадек оқариб кетганди.

## VI

Қирқ тўртинчи йилнинг декабри эди.

Аҳмаджон сайхонликда гулхан ёқиб қўйиб, ўзи бир туп анжир дарахти панасида осмонга қараб ўтирибди: америкаликлар самолёти ҳали замон пастлаб келиб, гулхан теварагига озиқ-овқат, қурол-яроғ, ўқ-дори ташлаб кетиши керак.

Ана самолёт кўринди, пастлади, юкларини ташлади. Аммо шу аснода осмону тоғлар бирданига гумбирлади: Аҳмаджоннинг назарида юлдузлар милт-милт этди-ю, кўзларини юмиб олишди, ҳеч нимани кўриб бўлмади қолди. Енғин ҳамма ёқни эгаллаб олди, катта-кичик чўғлар уча бошлади, бу атрофдаги тоғлар барабар ларзага келди.

Эҳтимол, Караранинг мармар тоғлар бино бўлганидан бери бунақанги чилпарчин бўлмагандир!

Аҳмаджоннинг қулоғи чип битиб қолди. У Қалич даштидаги ўша тўс-тўполонни эслади. Анжир дарахтини кифтлаб турган қоя тагига кирди-да, ерга қапишиб ётиб олди.

Тонг ёриша бошлагандагина снарядларнинг гумбирлаб ёрилиши, тоғлар тошини парчалаб ҳар тарафга отиши, милтиқ ва пулемётлар ўқининг чийиллаб ҳуштак чалиб учиши сийраклашди. Учраган кавакда жон сақлаганлар битта-битта туриб, судралиб чиқа бошлашди.

Аҳмаджондан юз қадамча наридаги қоя панасидан Турғун чиқиб келди.

— Занғарлар пойлаб турган эканми дейман — бизга овқат ва қурол ташлашини, — ҳазил қилиб дўстининг кўнглини ёритмоқчи бўлди Турғун, илжаймоқчи эди, ўхшатолмади, оғзи қийшайиб кетди. Афтидан ўзининг ҳам асаби таранг эди. Аҳмаджон унинг афтига қараб турди-да, бошини силкиди:

— Фашистлар катта ҳужум бошлашди. — У лабларида қотиб қолган қум-тупроқни қўлининг орқаси билан артиб, тупуриб ташлади.

— Кеча оқшомда Элвира айтувди-я, немислар пастки тоғларга артиллерия ўрнатибдилар деб. Қани, ука, бу овқатлик ва қуролларнинг бутун қолганларини йиғиштирайлик. Тирикларга шу асқотади...

Партизанлар ўликларни кўмишди. Отряд командири Марчелло касал эди, уни олиб кетишди. Командирликни Кикко ўз зиммасига олди. У бўйдор, серзарда киши эди.

Фашистлар бутун Италия бўйлаб партизанларга қарши ҳужум бошлаган эдилар.

Партизанларнинг Каррара ва Масса шаҳарларига бориб келадиган, атроф қишлоқлар билан боғланадиган йўлларини ҳам фашистлар кесиб қўйдилар.

— Биз қуршовдамиз, — деди Кикко ўйчан тусда. — Вазифа: озиқ-овқатни, ўқ-дорини эҳтиёт қилиш. Беҳуда ўқ отиб, душманга ўзингизни билдириб қўйманг. Душман кўрсатсин ўзини. Ўзингизни, ўртоқларингизни асранг. Биз жойни ўзгартиришимиз керак. Баланд тоғларга, илож топсак, Масса тоғларига ўтиб, бошқа отрядларга қўшилишимиз лозим.

Улар Масса тоғларига қараб жилишди. У ёқдан замбараклар ва миномётлар ўққа тутди, орқага чекиниб кўришди, ўқ ёмғири ичида қолишди. Душман отрядни шу оралиққа қамаб олган эди. Бунинг

устига озиқ-овқатлар тугаб қолди. Устида қуриган анжир ва бошқа хил мевалар овқат ўрнига ўтмас экан.

— Шунн ҳам олдиргани қўймади-я, итваччалар,— дейди Божн фнгони чиқиб,— қорин пиёзни пўсти бўлиб кетди. Анвар билан тамадди топишга уринган эдик, унинг қўдини мўлжалга олиб урди баттолнинг мерганлари.

Анварнинг қўли бинтланган, оғриққа чидамай у ёқдан-бу ёққа юрар, тишларини ғижирлатарди.

Аҳмаджон Неллини кутарди, икки кўзи йўлда. Уч кун олдин у отряддан Элвира билан бирга чиқиб кетган эди. Элвира Каррарадан кеча йўл топиб қайтиб келди, аммо Неллидан дарак йўқ. Немислар қўлига тушмаса: бўлгани, тирик қолса қайтиб келади. Қўлга тушса, уни тирик қўйишмайди. Мен борай, сен қол, деса унамади-я, ўжар қиз. Масса йўлларини яхши билармиш...

— Бир илож топиш керак-да,— деди Одоми, бошига уриб.— Ахир одамларимизнинг учдан бир қисми шу ерда ўлди! Бу жойни тарк этиш керак. Аммо йўл яхши разведка қилиниши зарур. Неллидан ҳамон дарак йўқ. Нима бўлди унга?— у чакагини уқалаб турди-да, Аҳмаджонни чақирди.— Чакалакзор жилғанинг чап томонига ўтиш имкони бормикан, аниқлаб кел. Бошқа илож қолмади. Масса отряди ҳам шу ёққа чекинган бўлса керак...

У йўлга тушганда зимистон тўн эди. Ён бағирга тирмашиб, чапга бурилди. Тоғнинг шу бағридаги яккаоёқ йўлга чиқиб олмоқчи эди. Ишқилиб оёқлари бирон тошни ўрнидан кўчириб юбормаса бўлди. Чиқ этган товуш хатар туғдиради: немислар ўқни аямайдилар, шубҳали нуқтага тўпу милтиқдан баравар ўқ ёғдирадилар. Тоғда кўп юрган одам яхши билади: катта бир тош юмаласа, орқасидан мингта майда тош чопқиллайди, тоғларда акс садо янграйди.

У ахийри яккаоёқ йўлни топди. Аммо қасд қилгандай, осмондаги булутлар йиртилиб-узилиб кўк бети кўринди, ой ярақлаб чиқди. У йўлга ётиб олишга зўрға улгурди. Немис пистирмачилари йўлни ўқ ёмғири билан беркитиб олишди. Қани энди бир қадам жилиб бўлса...

У тор йўлда ер қучганча аста эмаклаб силжи, тўхтаб, қулоқ солди. Довон устида одамлар гаплашишарди. Демак, чўққига соқни қўйишган. Демак, бу йўл ҳам берк. Пастда ҳаёти таҳликада турган партизанлар бор. Ҳозир дайди бир ўққа учиш хат. Бундан асраниш керак. Сенинг ўлиминг бошқаларнинг ҳалокати. Отряд омон ўтадиган йўлни топиш керак. Неллининг ҳоли нима кечди экан, тирикмикан у? Наҳотки шу жаҳаннамдан ўтган бўлса?! Ё немислар қийноғида инграб ётибдими?

Йўл ёқасида жарликдан ўсиб чиққандай, улкан қоя чўққайиб турарди. У қоя панасига эмаклади. Пастда, қоя оёғида, текис жой, худди супага ўхшайди... Ҳа, ёзда эди шекилли, Божн, Нелли учаласи чўққи йўлини разведка қилишга келганларида, шу жойдан жилғага тушиб сув ичган эдилар. У суюниб, энгил тортиб кетди. Қояни бир қўли билан ушлаб туриб супага сакради. Супа тош эмасми, оёғининг таги зирқираб кетди. Супада бирпас ўтирди. Кейин қояга тиралиб ўсган тут дарахтига осилиб пастга, дарахтзор жилғага тушди. Оёқ остида хазон шитирлайди. Қизик, куз кириб дарахтлар барг ташлаганига ҳам эътибор қилмабди. У қаттиқ чанқганини, оғзи қуруқшаганини энди, сой лабига келганда сезди. Утирди-да, қўлини ювиб, ҳовучлаб сув ичди, қандайдир роҳатбахш салқинлик вужудини аста камрай бошлади, сув уни тетиклантириб юборди... Ҳа, ўшанда, ёзда ҳам бу сув унга жуда ширин, жуда роҳатбахш туюлган эди. Бугунгидай эсида: Нелли қоядан унинг кучоғига сакраган эди...

У атрофга аланглади. Ҳамма ёқ жимжит, фақат сой шовиллайди. Олисида, эҳтимол, жилға бошида ҳаққуш каккулайди.

Ёнгинасида, уч-тўрт қадам наридаги буталар ичида аллакимнинг пишиллаши қулоғига чалинди. Унинг вужуди қулоққа айланди. Ҳа, кимдир ухлаб ётибди. Ҳатто уйқудаги ингроқ ҳам эшитилди. Аҳмад-

жон даст ўрнидан турди, оёқ учиди хазонларни шитирлатмай, шу ёққа юрди. Унинг борлиги Неллининг нафасини туйди. У яқин борди. Аёл киши, ўнг қўлини бошига ёстиқ қилиб, чап қўли билан юзини беркитиб ётибди. Нелли! У қизни дарҳол кўтариб олгиси келди, лекин ўзини тийди: уни безовта қилмади, ҳолдан кетиб ухлаб қолган. «Майли, ётаверсин, оромини бузма». Лекин қиз шарпага сесканди, уй-қусираб бетигади қўлини кўтариб, ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлди.

— Нелли! Қўрқма, менман.

Қиз қўрқиб кетган, ҳайратдан қотиб қолган эди, ахийри ҳушини йиғиб олди: аммо ҳайрат қамровидан чиқолмасди.

— Сандро, сенмисан? Вой худойим. Қаердан келиб қолдинг, ё осмондан тушдингми, худо юбордим сени менга?

— Қачон келиб қолдинг, бу ерга, қандай ўтиб олдинг бу жаҳаннам ўтидан? Қандай даҳшатли хаёллар келмади бошимга!..

— Мени қўявер, Сандро. Минг балодан омон қолдим, мени худо асради!.. Биласанми, ажалнинг шундоққина оғзидан қочиб қутулдим. Шундоқ чарчадим, шундоқ чарчадимки, ўрнимдан туришга ҳам мажолим йўқ.

Иккаласи бир-бирига тикилганча хийла вақт жим туришди. Кейин Нелли:

— Вой, нима қилиб турибмиз бу ерда, — деб юборди, — кетайлик, бизни тутиб олишади.

— Ким? — сўради Аҳмаджон унинг фикрини аниқлаб олиш учун.

— Фашистлар, мени ана шу тепаликдаги йўлда кўздан йўқотишди. Улар мотоциклларда эдилар, мен анови тош панасига беркиниб олдим, кейин пастга сурилиб тушдим. Бунга қара, сурилиб тушганимда бўлди. — Унинг кўйлаги йиртилган, тиззалари, кўкраги шилинган эди. Рўмолини йиртиб тизза ва кўкрагини боғлаб олибди.

Нелли, бу ердан тез қочайлик, дейдию аммо ўзи юролмасди. Аҳмаджон уни опичлаб сойдан ўтказди. Холи бир майдончага қўйиб:

— Энди бир оз дам ол, мен йўл кўриб келай, — деди. У чангалзор оралаб юқорига қараб юрди. Бу овлоқ чангалзорга немис ёки итальян фашисти юрак ютиб келмасди. Демак, шу сойнинг чап ёқаси бўйлаб орқа тоққа шовқинсиз ўтиб кетса бўлади.

У Нелли турган жойга қайтиб келди. Қиз энди ўзини анча ўнглаб олган эди. Соё сувида бет-қўлини ювиб, таъби ҳуш тортиб ўтирарди, ҳатто тўрт-беш дона печеньени рўмолчаси устига териб қўйибди.

— Дастурхонга марҳамат қилинг, синьор, — деди у қўлини кўксига қўйиб. — Сизнинг ризқингиз экан. Қани, олинг, синьор, бу сизнинг тегишингиз.

Ҳозиргина минг азобни бошидан кечирган қизнинг бу ҳушфёллигидан Аҳмаджон қушдай енгил тортиб кетди. У Неллининг ёнига ўтириб, печеньелардан биттасини қўлига олиб қараб турди. Ахир неча кундирки, бундай тансиқ таомни кўрганни йўқ.

— Буни қайдан топа қолдинг?

— Худо етказди, сени менга, буни сенга.

Аҳмаджон унинг оғзига қараб турарди: «ҳаёти жар ёқасидаю, ҳазилнинг нозиклигини... жасур ва ҳаёли қиз».

— Сени етказган худодан айланай, — деди хушбўй печеньени чайнар экан Аҳмаджон.

— Келиб қолмаганимда нима қилардим, Сандро? Тонг отарди. Немислар мени ушлаб кетардилар. Кейин қаёқдан излаб топардинг? Энди сенга айтсам, Масса тоғлари томон ўтиб бўлмайди. Немислар ҳаммаёқни ўраб олибдилар. Отрядга тезроқ етиб олишимиз керак.

Аҳмаджон унинг бошини кўкрагига босиб жим турди. Қиз ҳам бошини йигит бағридан тортиб олмади. Улар чўққига қараганларича, сўзсиз ана шундай ўтиришди. Чўққида эса фашистлар хатар солиб туришибди. Аммо жамики хатарни, снарядлар портлаши ва ўқлар визиллашини улар шу дамда гўё эшитишмас, қўрқмас эдилар, улар ўзларидан ўзга ҳеч кимни кўрмасдилар...

Нелли бир қўли билан рўмолча устидаги печеньени олиб, Аҳмаджоннинг оғзига тутди:

— Мана бунга ҳам еб олгин, Сандро. Куч бўлади. Балки, йўлда мен юк бўларман сенга. Оёғим лат еган.

— Кичкинагина, енгилгина қизсан. Сенинг оғирлигинг нима юк бўларди. Қара, бунинг устига хатарли йўлларда юравериб озиб кетибсан.

Нелли Аҳмаджоннинг соқоли ўсиб кетган бетига ўзининг ипакдай юмшоқ бетини маҳкам босди:

— Кани, мени қўлтиқла, юрайлик.

Отряд тик жарли сойнинг чап соҳили ёқалаб қатор тизилганча чакалакзор орасида ўрлаб боряпти. Олдинда Кикко, Жино, унинг кетида Турғун билан Аҳмаджон, унинг чап қўли бинт билан боғланган. Олдинги кунни жангда душман ўқи бошини ялаб ўтган, чап қўлини ҳам енгил яралаган эди.

Бугун сафда Нелли, Элвира ва бошқа аёллар йўқ, уларни чекиниш олдидан бехатар жойларга — қишлоқлардаги таниш-билишларнинг уйларига жойлаштиришди. Хайрлашаётганларида Нелли Аҳмаджонга қўл силкиди ва:

«Кўзимга қара, сеҳри сени асрайди», дея шўх кулиб қолди. Аҳмаджон чиндан ҳам йўлакай уни ўйлаб, суратини кўз олдига келтириб борарди...

Фашистлар бу жойларга ҳам пистирма қўйишган экан, ногаҳон автомат ва қўл пулемётларидан ўқ узиб, партизанлар йўлини кесиб қўйдилар. Партизанлар «Ура!» деб улар устига ташландилар, ўзга чора йўқ эди.

Отряд пистирмадаги фашистларни қириб ташладию, ўзи ҳам талафот кўрди.

Довон йўлига чиқиб олинганда очлик, чарчоқлик партизанларни ҳолдан тайдирган, уларнинг юришга ҳам мадори қолмаганди.

Кикконинг фиғони чиққан, ҳар нима қилиб бўлса-да, соғ қолган партизанларни асраш, бирон отрядга қўшилиб олиш иложини изларди. Қаёққа қараб юрилса, йўл тўсиқ. Душман ўқ ёғдиради. У бошини ушлаб якка ўзи жим юрди. Отряд дам олар, нафас ростларди. У ногаҳон қўлини баланд кўтариб, осмонга қараганича: «Dio cane!»<sup>1</sup> деб бақирди.

Партизанлар индамай келаётган сипо командирнинг бирданига туюқиб, фиғони чиққанидан ҳайратда унга тикилиб қолишди. Кикко эса, осмонга қараб хитоб қиларди: нега инсонларнинг тенг-тотув яшашини раво кўрмайсан, уларнинг ит-мушук бўлиб урушганини, бир-бирларини ўлдирганликларини томоша қилиб ўтириш учунми?

Кейин у нажотсизлик ва жаҳл устидаги бу жазавасини ўзи ожизликка йўйди шекилли, ўзини тутиб, отряднинг омон қолган қисмини сақлаш йўлларини яна ўйлай бошлади. Яшаш керак... Курашни давом эттириш, душманни таслим қиладиган куч керак. У нимагадир қўл силтади-да, отряд совети аъзоларини ўз ёнига чақирди. Улар гоҳ юриб, гоҳ бир жойга чўккалаб олиб узоқ гаплашишди.

Кикко қўлини паҳса қилган ҳолда товушини баланд кўтариб уқтира бошлади:

— Айб ўзимизда, дўстлар. Бизни йўқ қилишга қасд қилган душмандан шафқат кутиб бўладими?! Бизнинг хатойимиз шуки, вазиятни, теварак атрофимизда ўрмалашиб юрган хатарни, шу ажал даҳшатини эртароқ ҳисобга ололмадик. Шу хато туфайли кўп ўртоқларимиз ўққа учди. Бу жавобгарлик бизнинг гарданзимизда. Агар олдинроқ ва чаққонроқ ҳаракат қилган бўлсак, ҳалок бўлганлар жонини сақлаб қолган, отрядни бехатар жойга етказиб олган бўлардик.

<sup>1</sup> Dio cane — ит экансан-ку, э худо! (итальянча)

У бошини эгиб, хийла жим қолди. Ҳамманинг кўзи командирда эди. У бармоқларини қирсиллатар, бош чайқар, негадир гапиролмасди. Ниҳоят, пастроқ, лекин таъсирчан товушда давом этди:

— Куянганими, хатони тан олганими сизларга билдириб қўйиш учунгина шундай деяётганим йўқ. Душман ўқига учганларнинг оналарига, хотин-болаларига партизан урушида, жанг майдонида мардонавор ҳалок бўлди, деб қорахат ёзишнинг нақадар оғирлигини ҳам айтмоқчиман. Бу хатони тан олиш, буни кўнгилга ёзиб қўйиш демакдир. Энди охириги хулосани айтишим зарур.— У шерикларига ғамгин тикилди: — Биласизларми, буниси яна ҳам оғир. Отряднинг жанг қилишга қодир қисмини асраш, ярадорларни чўққидан омон олиб ўтиш учун фашистларни алдаш, бир неча ўртоқнинг қўл-оёғини боғлаб, улар йўлига ташлаб кетиш керак!

— Уларни кўриниб турган ажал оғзига ўзимиз улоқтирамизми?

— Бу бағри тошлик-ку?— тик савол берди Жино.

— Ҳа, бағри тошлик,— деди Кикко.— Бутун отряд қирилиб битса, қолган-қутгани майиб-мажруҳ бўлиб фашистлар қўлига тушса-чи, хўш, унда нима бўлади?!

— Бари бир, бошқа бир илож топиш лозим.

— Топ, нима қилиб бошингни уқалаб ўтирибсан, — Кикко жаҳл билан ўрнидан турди. — Қани топ! — У яна ўтирганларга синчков тикилди.— Сизларга маслаҳат соляпман-ку, бир нима денглар?

Катта Бруно аста ўрнидан турди:

— Фикринг маъқул. Тушунтир.

— Неллининг келтирган маълумотлари орасида бир гап бор. Немислар, афтидан, Масса шаҳрида муқим ўрнашиб қолмоқчилар: туннелларни хоналарга бўлиб, штабга мослаётибди, истеҳкомлар ва бошқа хил қурилишлар қилаётибди экан. Уларга ишчи кучи жудаям зарур. Чунки массаликларнинг кўпчилиги бошқа жойларга кетиб қолган, аёл-ушқоқ, чол-кампиб қолган. Демак, немислар биз қолдириб кетадиган кишиларни отиб ўлдиришдан кўра, қурилишда ишлатишлари эҳтимолга яқин. Хўш, нима дейсизлар? Сен нима дейсан?— деди у Жинога тикилиб.

— Қалтис-у дуруст.

Командир олдин Аҳмаджонни, яна беш партизани чақириб кенгаш фикрини уларга айтди. Улар отрядни сақлаб қолиш, курашни давом эттириш учун аниқ ўлимга рози бўлдилар.

Олдин Жино югуриб келиб, Аҳмаджонни анча вақт сўзсиз бағрига босиб турди. Кейин ўпди:

— Сени соғ-омон кўришни жуда-жуда истайман, бардошингга ишонаман, кўришгунча!..

— Неллига айтиб қўй: мен уни севаман.

Кикко: Божини ва бошқа партизанлар уларни бир-бир бағриларига босиб хайрлашдилар. Турғуннинг кўзлари жиққа ёш.

— Биз кўришамиз, шунга аминман, ука!— дея Аҳмаджонни қучоқлади.

Аҳмаджон ҳам ўз навбатида уни бир чеккага тортиб деди:

— Ака, сизга битта илтимосим бор: бордию мени ўлдиришса, қабрим шу ёқларда қолса, дадамга бор гапни айтинг, ҳаммасини гапириб беринг. Уғлингиз сизни ерга қаратадиган иш қилмади денг.

Партизанлар уларни боғлаб, ҳар йигирма-ўттиз қадамга биттадан чўзилтириб кетишди.

## VII

— Партизанлар қаёққа кетди? Сеники рост гапуради, озод бўлади. Рост айтмайди, отилади.

— Қаёққа кетганларини кўрмай қолдим...

— Ёлгон гапурди.

Рост, ишонмади улар. Бошқа юртдан келгансан деб. Қўл-оёғимиз боғлиқ эди, одамларингиз кўришди...

— Рост гапурмади, сен рус кучук!..

— Рост, жаноб капитан. Ҳа, америкаликларга қўшилиб оламиз деганларини эшитиб қолувдим.

Капитан нималарнидир ўйлаб, жим қолди. Бандиларни тоғдан ҳайдаб келган лейтенант унинг ёнида эди.

— Қайси томонга кетишди?— сўради у.

— Довон ошиб кетишди.

Аҳмаджон немисларнинг пистирмалари қирилиб битган томонни кўзда тутган эди. Лейтенант қовоқ уйди. Капитан яна сўради:

— Сен партизанга қачон қочган?

— Қочганим йўқ. Беда ўраётган эдим, тўрт киши келиб, пешонамга тўппонча тираб, оғзимни беркитиб олиб кетишди. Уларнинг машинаси бор эди.

— Сеники ёлгон, бизники ишонмаган,— капитан тиржайиб келиб, Аҳмаджоннинг қулоғидан қаттиқ тортиди, хиёл кўтарилувди башарасига мушт туширди. Аҳмаджон орқасига ағдарилди, капитан этигининг тумшуги билан унинг елкасига нуқди: — Рус кучук ёлган гапурди...

Бу сўроқнинг олтинчи ё еттинчи куни эди. Ҳар куни шу: сўроқ бир хил, жавоб бир хил, аммо қийноқ бир хил эмас. Капитан уриб чарчайди, Украинадан эргаштириб келган «кити»—полицайга буюради. У ўлгудай семиз, барзангига ўхшайди, хоин. Уларни тоғдан олиб келишаётганларида шу барзанги лейтенантнинг ёнида эди. Йўлакай сўкиб, тепиб келди...

Аҳмаджон илгари Массага бир-икки бор келган, шаҳарни сал-пал биларди.

Шаҳарга дастлаб келганида алоқачи билан майдоннинг чап бурчида, зайтун дарахти тагидаги скамейкада учрашган эди. Тим қора, шахло кўзлари кулиб гапирадиган қиз эди. Ҳозир қаердайкин? Кўрса ҳам Аҳмаджонни танимас балки.

Немислар асирларни шу майдонга олиб келишди, майдоннинг чор атрофида апельсин тиралиб ўсган, яшил барглар орасида сапсарик мевалари гўё мўралаб туради. Майдоннинг тўрт бурчагида пастга тушадиган зиналар бўлиб, тагида хоналар кўп, девори, поли мармар. Қизиқ, нимагадир уларни пастга кўзларини боғлаб олиб тушишди.

Аҳмаджон бу янги йилни — бир минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилни шу муздай мармар устида чўзилиб ётиб қарши олди.

Унинг оғзи-бурни қонга тўлгунча урдилар, орқасидан тепиб, хонага итариб юбордилар. Полицай зинапоядан суяб туширганда кўйлагига қон бўлибди. Кейин унинг бошида ўтириб, флягасидан ароқ хўплаб, газлагига чўнтагидан алланима олиб еди. Аҳмаджон ҳам бенихтиёр тамшанди. Луижида, томоғида қон қотиб қолган экан, ютиб юборди. Полицай кунжарага ўхшаш бир бурда нон ташлаб кетди:

— Ма, еб ёт...

Бугун ундан баттар сулайтириб ташлаб кетишди. Одамнинг жони тошдан қаттиқ дейишса Аҳмаджон куларди, хўп гапларни топишадиди, мана энди билди. Бугун биринчи январь. Эрталаб олиб кетишди. Капитан билан полицай навбатлашиб тўпдай тепишди... Мушталари, оёқлари чарчади шекилли, дам олишди. Кейин яна уришди. Янги йил совғаси эмиш унга... Унинг қулоғига маст капитаннинг хохлаб кулгани, сўкингани эшитиларди, холос.

Ҳозир подвалда кўзини маҳкам юмиб ётиб, ўзимизнинг аскарларимизни ўйларди: Берлинга етай деб қолишгандир. Фашистни ўз инида ўлдиришсин. Капитан қаёққа қочаркин? Ул-а, юртига қочиб боролмайди. Шунинг учун ҳам ҳаммаси қутурган итга ўхшайди... Аҳмаджон бир оз ухлабди. Аллақандай гунг оғриқдан уйғониб кетди. Кўзини очай деса, қовоғи шишиб кетган, очилмайди. Нимани ҳам

кўради шу зимистонда. Вужуди огрир, бошида алланима портлаб отилгудай эди. Соқчи билан полицай келадиган вақт ҳам ўтди, дараги йўқ итваччаларнинг. Тепадан қопқоқ кўтарилмаса, ёруғ тушмайди бу зиндонга. Аҳмаджон зиндонлар тўғрисида кўп эшитган, эртақларда кўп ўқиган, зиндон бандиларини у ҳеч нарсадан қўрқмайдиган; мард кишилар деб ўйларди. Мана энди тақдирнинг ўйинига қарангки, ўзи зиндон бандиси, фашистлар тутқини...

У ўзини масхара қилди ичида: ётавер, мард... Бўйнингга олдингми, ё ўласан, ё тирик чиқасан, суякларинг бутун қолса бас, чидайсан. Хўп дея қолмаганингда бу кўргулик йўқ эди, ўла, торт азобини энди. Ҳа, чидайсан, қўлингни қайириб синдирсалар ҳам сирни сиртинга чиқармайсан. Ахир, немислар асирга тушиб қолган қизил аскарлар ва партизанларнинг пешоналари, кўкракларига лаҳча чўғ темирни босиб, жазиллатиб куйдирганларида ҳам сир айтмаганлар-ку!.. Немис сени қаерда қийнайди, қаерда ўлдиради, бари бир эмасми?..

Ана, зинадан қадам товуши эшитилди, эшикка калит солинди. Полицай кирди, истехзоли кулиб, деди:

— Тирикмисан? Аммо, жонга ҳам тегдинг-да... Ҳар куни келишда ўйлайман: оёғингни узатиб ўлиб ётгандирсан деб. Йўқ, калтак зарбидан нафасинг ичингга тушиб кетадию... Ахир, сени тамом ҳушсиз ташлаб кетаман шу музхонага, сўроқ бошланадиган вақтгача яна жонланиб қолаверасан. Одамзоднинг жони ҳам шунчалар қаттиқ бўладими? Бу қўллардан (у гўладай қўлларини кўрсатди), биласанми, қанчаси ўтган? Эҳ-е... икки муштдаёқ ўрнидан туролмай ўлганлари қанчаю! Биласанми, ҳайвонларнинг жони қаттиги ит билан мушук. Мушукни терак бошидан ташлаб юборсанг оёқчаларини ерга қўядию югургилаб кетаверади, қувиб етолмайсан. Аммо, сенинг жонингга ҳайронман...

Аҳмаджоннинг ўзи ҳам ҳайрон. Полицай гапиряпти, унинг афт-башарасини эслаб қолмоқчи бўлдим, нимага, ўзи ҳам билмайди. Аҳмаджон тепадан тушиб турган хира ёруғда унга ер тагидан синчков қараб турди: унинг катта тақир боши, йўғон, калта бўйни, осилиб кетган бақбақаси уни аллақандай махлуққа ўхшатиб кўрсатади. Аҳмаджон нимагадир бош чайқаб кулимсиради. Рост, одамга ўхшамайди.

Аҳмаджоннинг ўзи ҳам ҳайрон: нимага ўлиб қолмаяпти? Унинг яшагиси, жуда ҳам яшагиси келади, балки, шунинг учундир. У Неллини кўп эслайди. Қизнинг ёниб турувчи сеҳрли кўзлари кўп талпинтиради. Сўнгги кунларда Аҳмаджон ота-онасини кўп ўйляпти. Бугун тушида дадаси ёнидамиш, белбоғи билан унинг оғзидаги қонни артиб ўтирганмиш. «Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан, ўғлим» дермиш. Дадасининг овози Аҳмаджоннинг қулоғида, ҳалиям эшитилиб тургандай...

— Бугун ўладиган кўнинг,— деди полицай сўроққа олиб кетаётганларида Аҳмаджонга.— Олдин калтакланасан, сен энди бунга ўрганиб қолгансан. Кейин, биласанми нима қилишади? Баданингга электр токи юборишади. Агар шунда ҳам шерикларинг яширинган ё кетган жойни аниқ айтиб бермасанг, отиб ташлашади. Кўрганмисан. ССчилар қанақа отишади?— У соқчи қўлидаги милтиққа ишора қилди: — Айтайлик, тўппончани пешонангга тираб туришади, афтингга қараб кулишади, кейин беш ўқ кетма-кет узилади. («Миянинг қатигини чиқариш» — бирдан Аҳмаджоннинг эсига Шульц келди.) Қаллангнинг тит-питини чиқариб юборса керак-а? Аммо сен аҳмоқ экансан, нима қиласан, ўзингни калтаклатиб, ўлимга рўпара қилиб? Еки ўлиб кетсанг жаннатда яшайсанми? Ё у дунёда қаҳрамон бўласанми? Э, сенга гапириб нима қилдим...

«Ҳамма хоиннинг гапи шу, — деб ўйлади Аҳмаджон. — Ҳамманг фақат ўзингни биласан. Сенлар учун на ота-она, на ватан керак? Ифлос!» Аммо нимагадир у ҳозир ўлимини кўз олдига келтириб, вужуди музлаб кетди. Пешонасига тўппонча тираб, тепкини босаётган

капитаннинг совуқ башараси кўринди кўзига. Лекин ҳолатини полицайга кўрсатмаслик учун ундан юз ўгирди: сотқин!..

— Шу италянлар сенга шунчалик азизми, айтиб бера қол, — деди полицай.

— Нимани?

— Нимани бўларди, партизанларнинг қаёқдалигини-да...

— ...

Бугун сўроқхонада капитан йўқ эди. Урнида ўрта бўйли, кулча юз, тўлади келган, бурни устига пенсне таққан полковник аллақандай қоғозларни ўқиб, стол орқасида тик турарди. Аҳмаджон у ёқ-бу ёққа алаңлади. Полковник хатдан кўзини олмай, бир қўли билан унга рўпарасидаги стулни кўрсатди.

Аҳмаджоннинг қўли орқасига боғлиқ эди. Утириш ноқулай бўлди. Полковник хатдан кўзини олиб:

— Қўлини ечиб қўйинг,— дея буюрди полицайга. — Маданий дунёда бандининг қўлини боғлаб сўроқ қилмайдилар.

«Қўлни боғлаб қўйиб урадилар...» Аҳмаджоннинг мийиғига кулги югурди. Унинг қовоқлари, қаншари ҳам шишган эди.

Полковник кумушсимон чекка сочини силаб, унга қараб турди-да:

— О, сизни уришибди-да, бу тошбағирлар,— деди. Унинг чехраси жуда жиддий эди. Кейин полицай билан соқчига қаради:

— Сизлар чиқиб тураверинглар. Даркор бўлиб қолсаларинг чақиртираман, — сўнг Аҳмаджонга юзланди, — сиз рус эмассиз, шундоқми?

— Ҳа,— жавоб берди Аҳмаджон. Унинг қовоғи, қаншари қизиб, қичишарди, ерга қараб силаб қўйди.

— Оғрияптими? — сўради полковник. — Уларнинг адабларини бериб қўйиш керак. — Сиз ўзбексиз. Топдимми?

— Топдингиз,— деди Аҳмаджон энди унинг кўзига қараб.

— Қайси шаҳардансиз?

— Андижондан.

— Андижонни биламан. Тошкентда бўлганман. Айтингни, нимага партизанга қочиб ўтдингиз?

— Қочиб ўтганим йўқ, зўрлаб олиб кетишди. Тўппончалари бор эди. Биттаси пешонамга тираб турди, биттаси оғзимни қўли билан беркитди. Мен отларга беда ўраётган эдим, туйқусдан орқамдан келиб қолишди. ,

Полковник бошини сарак-сарак қилиб, илжайди.

— Хотиранингиз маҳкам экан. Тоғларда тўсилмаган йўл йўқ. Хўш, партизанлар қаёққа зим бўлишди?

— Довондан...

Полковник елкасини қисди:

— Уч қатор пистирма. У ёқданмас.

— Бизнинг қўл-оёғимизни боғлаб, йўлга чўзилтириб кетишди...

— Фараз қилайлик, биттасидан, иккинчи тўсиқдан ҳам ўтишди, Учинчисида ўзлари ҳам тугайди-ку?..— У бош чайқади.— Йўқ! Улар қаергадир яширинган. Сиз шу жойни бизга айтишингиз, уларни топшида бизга ёрдам беришингиз керак. Қўрқманг, сизни уларга кўрсатмаймиз.

— Америкаликларга қўшиламиз, деганлари қулоғимга кирган эди...

Полковник яна кулимсиради.

— Илгариги сўроқда ҳам шундай дегансиз. Бу эҳтимолдан узоқ. Йўл олис, америкаликларнинг бунга эҳтиёжлари йўқ, балки рўйхуш бермаслар. Биз партизанларни қанча тез қириб ташласак, улар шунча мамнун бўладилар.

— Улар жойни яхши билишади. Тоғларда сакраб юришади.

— Сиз ҳам,— деди полковник Аҳмаджонга тикилиб туриб. Кейин гоҳ елкасини қисиб, гоҳ лабини чўччайтириб, у ёқдан-бу ёққа секин юрди.





— Ҳайронман,— деди у юришдан тўхтамай,— айтайлик, сизни зўрлаб олиб кетишди. Хўш, нимага қочиб келмадингиз? Ахир лагер-дагидан бу ер эркин эди-ку?

— Қочишга илож бўлмади...

— Эҳ, алданган азиатлар, русларга алдандингиз, мана энди итальянларга алданяпсиз,— деди полковник, юзига алланечук ачиниш тусини бериб.— Хўш, итальянлар сизларни нимага ташлаб кетишди?

— Ишонишмади.

— Нимага боғлаб кетишди?

— Орқамиздан эргашишмасин дегандирлар-да...

— Сизга яна бир савол,— деди полковник ўйланиб туриб:— менга айтинг-чи, дастлаб сизларни шу Массага олиб келишганмиди?

— Ҳа, шу ерга.— «Агар, йўқ, Қаррарага десам, тилимдан илинаман, ўламан» деб ўйлади Аҳмаджон.

— Бошқа шаҳарларда бўлганингиз йўқми?

— Йўқ.

— Биласизми, гап бундай; партизанлар сизга ишонишмаган экан, биз ишонч билдирамиз. Ҳозирча, қурилишда ишлайсиз. Иш давомида синаб, текшириб кўрамиз. Яхши ишласангиз, садоқат кўрсатсангиз, каттароқ хизмат бераман.

— Раҳмдиллигингиз учун раҳмат, жаноб полковник.

Аҳмаджон руҳи кўтарилиб, айни вақтда сирли жилмайиб коридорга чиқди.

— Илжайиб чиқдинг, умринг чўзилибди-да,— деди полицаи унга тикилиб.

— Ухшайдими?

— Аммо буниси қармоқни чуқур ташлайди.

## VIII

Масса шаҳрида, умуман Италия тоғларида туннель кўп. Аҳмаджон қамалган жойдан икки километрча нарида, тоғ этагида, катта, ичи жуда кенг туннель бор эди. Немислар туннель ичини хоналарга бўлиб, штаб қура бошладилар. Ғишт йўқ, заводни ишлатолмабдилар. Балки, осон йўлни тутганларми, ҳар қалай, эгалари ташлаб қочган уйларни бузиб, ғишт-ёғочини ташиб келтирар эдилар.

Аҳмаджон шу туннельга ғишт орқалаб кирадиган бўлди. Ичи ғовак, катта-катта ғиштлирнинг унинг орқасига териб тахлардилар, у энгашиб кўтариб кирарди. Туннель шифтида бир-икки жойда лампочкалар ёниб турарди. Одамлар унинг орқасидаги ғиштни битталаб олишарди. У мабодо ғиштга қоқилиб мункиса, ғишт тушиб кетса, кекса немис ефрейтори уни говрон билан урар, яна йиқилса, масхара қилиб куларди: сеники рус кучук, ғишт кўтариш билмайди!

Туннельда массалик кишилар, асир партизанлар кўп эди. Бири ғишт кўтариб кирар, бири ғишт терар, бири лой олиб берар, бошқалари дурадгорлик ишлари билан банд эди. Партизанлар бир-бирлари билан учрашиб қолса, соқчилар кўзини шамғалат қилиб, имо-ишора билан гаплашардилар.

Бу орада фашистлар партизанлар кетидан тоғма-тоғ тентирайвериб чарчадиларми ёки ҳеч иш чиқаролмай ҳафсалалари пир бўлдими, ҳар қалай, жимиб қолдилар, партизанлар ҳақидаги баландпарвоз гаплари ҳам эшитилмай қолди.

Аҳмаджоннинг ётоқхонасини ўзгартиришди. Подвалдан олиб чиқиб, ефрейтор чол, тағин иккита солдат ётадиган уйга киритиб қўйишди. Полковник унга, эркинсан деди-ю, бу сассиқ чолни назоратчи қилиб қўйди. Демак, энди биров билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак.

Солдатлар ҳар куни кечаси уни якка ташлаб чиқиб кетишади. Катта-катта бўҳчаларни кўтариб, алламаҳалда ҳарсиллашиб кириб

келадилар. Кейин бўхчаларни очиб қимматбаҳо кийимлик ва тайёр кийимларни уйларига посилка қиладилар, ўзлари киядилар, қолган-кутганини, ҳотамликлари тутса, Аҳмаджонга ирғитишади:

— Ма, ол!

Нимага олмасин. У ўзига лойиқ келган кийимлардан кийиб юрди. Немислар ўғирликдан бўшаб, ичишга ўтишади. Кўпинча аёлларни бошлаб келиб, маишатбозлик қиладилар. Аҳмаджон дарҳон: қаёққа боради, қачон келиб ётади, солдатлар парвойи фалак. Эрталаб ишда ҳозир бўлса, гишт кўтарса бас. Аммо бировга юрак ёриб гапириш хатар. Ҳамма бир-биридан хавфсирайди. Кўчада ўтиб бораётган одамнинг очиқ чеҳрасини кўриш маҳол. Ҳа, у кўнгил очиб гаплашишга, кулиб боққан чеҳрага зор бўлди.

Уша шўх, гўзал Аннета қаердайкин? Уни топиш учун бу жулдурвақи аҳволда кўча-кўйда юриб бўлмаса. Агар изи топилса, майор ё подполковникними кийим-бошини Аннета иложини қиларди...

Туннель биқинида икки қаватли мўъжазгина уй бор. Аҳмаджон эрталаб ва кечқурун чиқиб кетаётганда шу уйга қараб-қараб ўтади. Уй бекаси — қирқлардан ошган аёл эшиги олдига стулча қўйиб, эрталабдан кечгача пайпоқ тўқиб ўтиради. Бу аёлнинг осойишта оромига Аҳмаджоннинг ҳаваси келади. У ер-бу ерда тентираб юрмайди, ғийбатдан ҳоли, тинч кунини кўради.

Бир куни Аҳмаджон ишдан қайтаётиб унинг ёнида сал тўхтаб қолди. Аёл сезиб бош кўтарди. У илжайиб салом берди. Аёл ҳам илжайди. У йўлида давом этди, уйга кўнгли очилиб қайтди, немислар олдига беихтиёр жилмайиб кириб борди. Солдатлар ҳам унинг вақти хуш торганига эътибор беришди.

Шундан сўнг у аёлнинг ёнидан, салом синьорина, деб ўтадиган бўлди. Бу уйда синьоринадан бошқа мункиллаган чол ҳам бўлиб, у ташқарига камдан-кам чиқар эди. Аҳмаджон кейинчалик немис солдатлари бир четга улоқтириб ташлаган бутун кийим ва чойшаблардан аёлга келтириб бериб турди. Аёл бу совгадан жуда мамнун бўлар, ҳатто беғараз ҳиммат учун уни алқарди. Баъзан немислар ташлаб юборадиган нонлардан ҳам ўтиб кетаётганда ёки кечалари махсус олиб келарди. Шундай қилиб, аёл уни кўрганда илжайиб ўрнидан турадиган, ундан ҳол-аҳвол сўрайдиган бўлди.

Шундай кунларнинг бирида массалик бир киши Аҳмаджоннинг орқасига гишт тахлаётиб, шивирлади:

— Бугун оқшомда немислар ичиб-маишат қиладиган чоғда дорихона ёнига кел. Сени бир қиз кутади.

Аҳмаджон суюнганидан қичқириб юбораёзди. Ҳамсуҳбати оғзини бармоқлари билан беркитганча нари кетди...

Тим қоронғи кечада Аҳмаджон дорихона ёнига келди. Башанг кийинган қиз ўзини девор панасига олиб кўча томонга кўз тикиб туради. Аҳмаджон уни таниди:

— Аннета!

— Жим. Айғоқчини зўрға аллахситтим. Қулоқ сол: сенга ўртоқлардан салом. Топшириқ шу: бу ердаги совет кишиларидан отрядга жўнатиб тур. Қурол-яроғ, ўқ-дорини қўлга тушириш йўлини изла. Павел шу ерда, Масса партизанлари орасида. Ўз отрядинга — эски йўл, эски жой...

Аннета деворга суяниб турарди. Аҳмаджон унга жуда яқин келиб, қизни ўз панасига олди. Аннета унинг усти-бошига тикилиб турди-да:

— Бечорагина. Не азобларни кўрмадинг-а, яна хатар ичидасан, — деди.

— Сен-чи? Тагин қиз бошинг билан. Биз эркакларнинг йўриғимиз бошқа, сен ўзингни эҳтиёт қил.

— Карлотти учунми?

— Ҳа-да!

— Уни танийсанми?

Аҳмаджон бош чайқади.

— Урни келса танишиб оласизлар. Кийимларингни қара, жулдур бўп кетибди. Топиб келайми?

— Ҳожати йўқ, немис солдатлар тунаб келганларидан менга ҳам улоқтириб туришади.

У маъюсланиб жилмайди.

— Эртага Жаннетанинг уйига кийим-бош келтириб қўяман, немис майорининг формаси. Ҳужжатлари чўнтагида.

Аҳмаджон ҳайрон бўлди:

— Жаннета ким?

Қиз оғзини беркитиб кулди:

— Ҳар куни салом бериб ўтасан-ку. Нимага ўзингни соддаликка оласан?

Аҳмаджоннинг ҳайрати ошди:

— Тавба!

Аннета хайрлашди.

Аҳмаджоннинг назарида сўниб қолган чироқ қайта ёнди.

Бир куни, туннелда иш тугагандан кейин, аста қадам босиб борарди. Ётоқхонага, ўша латга ўғрилари, бунинг устига, такаббур немислар ёнига боргиси, уларнинг хотинларига қанақа иштон юборганлари тўғрисида бир-бирларига мақтанишларини эшитиб ётгиси келмасди. Тубанлашган инсон тўғрисидаги бу нохуш фикрдан ерга қараб борарди. Шу аснода орқасида аёл кишининг паст товуши эшитилди:

— Синьор, сизни бир минутга мумкинми?

Аҳмаджон тез ўгирилиб қаради, аёл аллақачон уйига қараб борарди. Аҳмаджон унга эргашди. Аёл уни хонага киритиб юборди-да, эшикни ташқаридан ёпди. Ичкарида, деразадан ташқарини кузатиб Нелли турарди. Аҳмаджон югуриб бориб унинг бошини кўксига босди:

— Бу қандай мўъжиза?

— Шунақа мўъжиза. Жаннетадан сўра, уни. — Нелли бошини унинг бағридан олди. Бетларини силади:

— Вой ўлмасам, соч-соқолингга сира устара тегмабди-ку. Попга ўхшаб кетибсан, Сандро. Қўчада ногоҳ кўриб қолсамми, сира танимасдим. — Кейин ўзбекчалаб: — Озиб кетибсан, бечорагинам! — деди.

— Суяк бутун бўлса, эт битади,— деди Аҳмаджон ва унинг тиниқ кўзларидан ўпди.— Энди сени ҳеч қаёққа юбормайман. Зерикиш ва соғинишдан юрагим узилгудай бўлади, оҳ, билсанг эди!

— Биламан, ҳаммасини сўраб-билиб турдим,— деди Нелли ҳам унга ачиниш, ҳам ўзига хос нозик эркаланиш билан. — Соғинишлар одамни узоққа етаклайди. Сенинг сўзларинг-а бу? Ҳа, вақт зиқ, ҳозирги машинада кетишим керак. Биласанми, сенга қанақа хабар келтирганман? Эшит: совет қуролли кучлари немис ерларида жанг қилаётибди, Қизил Армия шаҳар кетидан шаҳар олаётибди. Икки-уч ойга бормамай, Берлинга киради, деб айтди Кикко. Каррарада немислар безовта: «Гитлер капут» дейишяпти...

— Ура, ура! — деб юборди Аҳмаджон.— Ажойиб хабар учун!— у Неллини даст кўтариб, уй ичида гир айлантирди.

— Айтдим-ку, фурсатим йўқ деб... телба бўлмагин-да. Энди гапнинг бу ёғини эшит: қурол-яроғ, ўқ-дори кўп керак. Одамлар зарур. Катта, ҳал қилувчи жангга тайёргарлик боряпти. — У соатига қаради.— Вақтим тугади, Сандро. Ўзингни эҳтиёт қил! Юр, сени шофёр билан таништириб қўяман.

Улар кўчага чиқишди. Қоронғи тушиб қолган эди. Кабинага чиқиб ўтирганда Нелли:

— Э, эсим қурсин.— деди. Сўнг сумкасини титкилаб бир пачка тиг олди:

— Соқолингни олиб юр.

Неллини кузатиб қайтаётганда Аҳмаджон жуда бахтиёр эди.

Кўрагини кериб, йўлакай уни ўйларди. Мард қиз, омон бўлсам, уни Андижонга олиб кетаман. Шу дам хаёлига ўспиринлигида айтадиган кўшиқ келди:

Дарёларнинг ул ёгинда уйларингиз.  
Оқаришиб кўринади бўйларингиз.  
Ипмиди, ипакмиди кийганингиз,  
Виздан ҳам ортиқмиди севганингиз.

## IX

Бугун кун найзага келганда америкаликлар шаҳарни бомбардирмон қилишди. Ҳамма кавак-кавакка уриб кетди. Немислар орқа-олдиларига қарамай, подвалга қараб югуришди. Аҳмаджон туннелнинг бир бурчагига қисиниб олганича қунишиб ўтирди.

Немислар қоронғи тушай деганда подвалдан чиқишди, аммо туннелга қайтиб киришмади: уй-уйларига тарқалиб кетишди.

Аҳмаджон туннелдан чиққанида ғира-шира эди. У кўча ёқалаб борарди. Қаердадир, олдинда от пишқиргандай бўлди. У аланглаб қаради: келаётган ё кетаётган от кўринмасди. У яна бир неча қадам босиб, синчиклаб тикилди: кўчанинг нариги бетида катта бир от чўзилиб ётибди. Нарироқда арава, анжомлар, қоплар оғзидан отилиб кетган буханка нонлар, қанд-қурс... Демак, ҳали ҳеч ким, ҳеч нима ўтмабди. У от ёнига борди: икки олдинги оёғи бомба осколкиси тегиб синибди. Кўп қон кетганидан от жуда мажолсизланган эди. Аҳмаджон кейинги вақтларда доим этигининг кўнжисидан олиб юрадиган узун пичоқни суғуриб олди-да, ўйлаб-негиб турмай, отни бўғизлади. Кейин нондан икки буханка олиб, Жаннетанинг уйига югурди. Ундан болтача сўраб олди-да, келиб отнинг икки сонини чошиб, кўча юзидаги дори-хона ёнига келтириб қўйди. Ҳар эҳтимолга қарши, қоплардан иккитасини шу ерга судраб келди. Агар кўнса буларни Жаннетанинг уйига қўйишни кўнглидан ўтказди.

У уст-бошини қоқиб, кўчада бемалол юрган одамдай бораётган эди, орқасидан биров италян тилида:

— Stop! — Тўхта! — деди.

У тўхтаб орқасига ўгирилди-ю, тахтадай қотиб қолди. Италия-фашист майори формасидаги ғўлабир киши яқин келиб қолган эди. У Аҳмаджонга ўқрайиб қараганича:

— Орқамдан юр! — деб буюрди.

«Немис қолиб, энди буниси бормиди, ўйлади Аҳмаджон, ноилож унга эргашаркан. Қочай деса орқасидан отади, қочмай деса... шу аснода у орқасига ўгирилди ва:

— Қочишни хаёл қилма, ўғри, отиб ташлайман, — деди-да, йўлида давом этаверди.

«Фашистан шафқат кутиб бўлмайди. Отгиси келса одам нима унга? Вақти хушликка ҳам отаверади». Аҳмаджоннинг эти жунжиди, отилса бояги отдай оёғини узатиб ўлади, кўмиб қўйишга одам топилмайди ҳозир бу ерда. Ҳа, итларга ем бўлади. Таваккал...

— Тезроқ! — деди бояги товуш яна. Аммо ўгирилиб қарамади.

Аҳмаджон қадамини тезлатишга шунча уриндики, қани энди йўли кўпайса, худди оёқларидан жон қолмагандай... Бу орада майор дори-хона эшиги олдига бориб тўхтади, ёнидан калит олиб, уни очди-да, ичкари кириб кетди. «Нима бўляпти ўзи, аптекада нима қилади фашист?», кўнглидан ўтказди Аҳмаджон. Ё жуфтакни ростла-самикин? Йўқ. Таваккал. Нима бўлса бўлди энди... У ҳам дори-хонага, кирди. Аммо майор йўқ эди, у ичкари хонада бўлса керак.

— Бу ёққа кир! — деган товуш ичкариги хонадан эшитилди. Аҳмаджон кирди. У киши энди шапкасини бошидан олиб столга қўйди ва унга қараб илжайди. Аҳмаджон уни таниди. Утган ҳафтада Нел-

лини кузатганида, кабинага қўл узатиб, у билан сўрашган, унинг шу лўппи юзи ва йирик қора кўзларига бир лаҳза тикилган эди.

— Таниёлмадим кўчада,— тан олди Аҳмаджон.

— Қўрқдинг-а?— илжайиб сўради у.

— Қалтис, қарийб таваккал қилиб иш тутувдём.

— Қаёққа жойламоқчи эдинг?

— Шу ерда бир аёл бор.

— Жаннеттами?

Аҳмаджон ҳайрон бўлди. «Уша қобил аёл ҳам ичидан пишган кўринади».

— У ғариба қари қиз. Унга ишонсанг бўлади. Аммо буларни яширишнинг уддасидан чиқолмас. Яхшиси қопларни, гўшти бу ёққа киритиб қўяйлик.

Иккаласи қопларни, гўшти аптекага кўтариб киришди. Аҳмаджон болтани кўтариб чиқиб, от биқинидан чошиб олди-да, ҳарсиллаб кўтариб келди.

— Юрагингга балли, Сандро. Бу ишга менинг юрагим ҳам бетламас эди.—Билиб қўйганинг яхши: мени бу ерда немислар ҳам, италянлар ҳам шофёр дейишади, асли отим Карлотте,— дея нимагадир, чакагини қашиб илжайди. — У Аҳмаджонни подвалга эргацтириб тушди. У ҳайрон қолди: яшиқларда ўқ ва гранаталар тахланиб турибди. Автомат ва милтиқлар ҳам кўп.

— Партизанларнинг қурол омбори. Немисларникидан келиб қўшилиб туради. Олиб кетаверамиз, яна оқиб келаверади. Энди сенинг ҳиссанг ҳам шу омборга келади... Ана шунақа оғайни...

У оғзи қулоғига етгудай илжайди. Иккаласи бирпас гаплашиб ўтирди, қелгуси ишларни планлаштиришди. Карлотте чой дамлади, печенье қўйди.

— Биласанми, Сандро, энди нима қиламиз?— деди у кейин: — яна бир ишга таваккал қиламиз: мана буларни машинага ортамик, устига қоп ва гўштарни қўямиз, устидан ғишт терамик, қарабанки, ғиштар йўл ёқасидаги жарликда қолади, юкларни эса, партизанлар тонг отмай юқорига кўтариб кетадилар... Хўш, қалай бўлади? Энди бу ёғини ҳам билиб қўй: дорихона меники, отамдан қолган — Карлоттелар дорихонаси.

Аҳмаджон тонг ёришмай уйга кириб борди. Немислар донг қотиб ётишибди. Ичкиликнинг қўланса ҳиди димоғига гупиллаб урилди.

## Х

Полковник «ишонч» баҳонасида синовни давом эттирар. Аҳмаджон ўз иборасига кўра, «садоқат билан ҳалола» хизмат қиларди.

Шаҳар четидаги ғарамлардан отларга беда юклатиш, ҳатто бошқа шаҳарларга бориб, катта омборхоналардан арава, машиналарга юк орттириб келиш... Хуллас, у ишбоши. Гоҳо тунелда одам ҳам ишлаб туради. Бир кун, февраль бошида эди шекилли, массалик Карлотте машинадан ғишт тушираркан, уни имлаб чақирди, бошқалар кўзини шамғалат қилиб унинг чўнтагига хат ташлаб қўйди. У бурилиб кетганди, орқасидан одамларга эшиттириб: «Сотқин, немисларнинг ялоқхўри» деб сўкди.

Кечаси дорихонага бориб ўқиса: «Ишинг жуда суст. Ҳозирги шароитдан кўпроқ фойдалан...» деб ёзибди. Тағин нима қилсин: олдинги кун Карлотте икки поляк билан Андрейни олиб кетди. Аммо бу ишлар хамирдан қил суғургандай силлиққина бўлаётгани йўқ. Олдин уларни таниш, кўнглига кириш, ўзларида қочишга мойиллик туғдириш лозим. Биронтаси билдириб қўйсани, бутун иш пачава бўлади.

Кеча уни ўша ССчи капитан яна чақирди. Мийиғида масхараомуз кулиб, унга қараб турди-да:

— Сеники айёр, алдайди,— деди. Кейин:— Сеники партизанга шпион. Меники ҳаммасини билайт. Алехсандро Михайло йўқ — деди, қўл силтаб.— Сеники оти Акмат! — деб бақирди.

Аҳмаджон унга қарамасликка, ўзини тутишга тиришди.

Ичкаридан, ўз хонасидан полковник чиқиб келди.

— Ким бақирди?

Капитан асабидан титраган лабини тишлади.

Аҳмаджон ерга қараб турарди. Полковник уни чақириб юборди-да, капитанга ўгирилди.

— Гитлер армияси офицерига ярашмайди бунақа бақириш, капитан,— деди у енгил кулиб.— Арқонни узун ташланг. Тортаверсангиз узилади...

Капитан ҳамон асабий ҳолда қўлидаги турмакланган қоғозни беихтиёр полковникка кўрсатди:

— Агар жаноб полковникнинг билгилари келса, бу қочоқ Италияга олиб келинган асирларнинг кўпини партизанларга олиб кетган, бу ерда, бизнинг қарамоғимизда ишлаб турган асирларнинг ғойиб бўлишида ҳам унинг қўли бор.

— Қизиққонсиз, капитан, — деди полковник юмшоқ товушда. — Ана кўрдингизми, бу хавfli одам. Сиздаги ҳужжатлар шуни исботлар балки. Бу маълумотлар менда ҳам бор. Бизга уни қамаш, ўлдиришнинг ўзи етмайди. Унга доирани кенгроқ очиб бошқаларини, армиямиз учун катта хавф келтирадиган партизан отрядини бошлиқлари билан қўлга олишни ўйлаш керак. Сиз бўлсангиз нуқул шошиласиз.

— Унгача сизга панд бериб кетмаса деб қўрқаман.

— Қўрқманг...

— Каррарада ҳам Шульцга панд бериб кетган бу. Сизнинг унга билдирган ишончингиз натижасида немис армиясининг қуроли ўзига қарши отилмаса деб қўрқаман.

— Шульц ҳам сизга ўхшаб қизиққон, оёғи тагидан нарига назари етмайдиган одам. Шунинг учун панд еган. Буюк Германия армиясининг офицери пашшадан фил ясамаслиги керак. Сиз айтган шу «хавfli» одам воситасида партизанларнинг қолганларини тузоққа илинтириш керак, капитан.

Капитан елкасини қисди:

— Омад тилайман, жаноб полковник.

## XI

Аҳмаджон олти арава билан Каррарага жўнади.

«Ё мен унинг бошига етаман ё у менинг бошимга етади,— деб ўйлади у капитанни хаёлидан қуволмай.— Эндиликда иш шундай бўлиб қолдики, агар мен уни олдин йўқ қилолмасам, у мени таги йўқ жарга итариб юборади. Полковник ҳам ўз ниятлари билан аттанг деб қолиши мумкин. Отиб ўлдиришми? Хатарли. Ўзи омон қолмайди. Ўртоқларига ҳам касри тегади. Бошқа илож топиш керак. Хўш, қанақа илож? Унинг заиф томони нима?..»

Араваларни юк ортишга рўпара қилганда Аҳмаджон ўз кўзига ишонмай, ҳайрон туриб қолди:

— Ё тавбангдан кетай, ўзингизмисиз, Бурхон ака?

— Ўзим, ука, ўзим, — деди Бурхон уни маҳкам бағрига босиб.— Хайрият, тирик экансиз. Ноехаммер лагерида ўлибди, деб бир эшитдик, гапга кирмагани учун Туркистон легионининг офицери отиб ташлабди деб бир эшитдик...

— Бекдан қарзим бор, ака. Очдан ўлай деб турганимда у киши оқ нон, товуқ гўшти едириб мени зиёфат қилдилар. Эҳтимол, ҳозир омон юришимда у киши қилган зиёфатнинг ўрни бордир. Аммо гаплаганига кирмаганим тўғри. Йўлимиз, эътиқодимиз айри чиқди. У киши мендан хафа бўлдилар. Аммо мен у кишидан қарздорман... Ҳолироқ жой борми гаплашсак?

— Араваларни тикилинчданмана бу ёққа олиб, отларни хашак-лантиришин. Сиз менинг орқамдан юринг.

Аҳмаджон унинг ётоғига кирди. Бурхон бир буханка нон, колбаса ва катта графиндаги винони ташқарига кўтариб чиқди:

— Обед вақти, мана буларни еб, ичиб олинглар,— деди у соқчилар билан аравакашларга. Ҳаммаси хурсанд бўлишди, немислар, ишпасибо, деб винони стаканларга қуя бошлашди. Бурхон ётоққа қайтиб кирди.

— Энди гап шуки, ука,— деди Бурхон стаканларга чой қуяркан. — Шаҳар комендант сизни тутишга қидирув эълон қилган. Тутиб берсам мукофотга анча пул оламан. Ҳатто Россияда немис оёғи етган жойгача бехатар элтиб қўйишмоқчи. Самарани ҳам олдик, деб керилиб келди бугун Шульцнинг адъютанти.

— Нима бало, шу ердан ташқарига чиққанингиз йўқми ҳеч? — у Бурхонга, Бурхон унга тикилиб қолди.

— Қаёққа ҳам чиқай. Ундан кейин мен фақат кечалари бўшман.

— Тўғри, сизга осонмас...

— Йўқ, ука, — деди Бурхон. — Агар юрагимни ёрай деб турган ғамни демасангиз, мен тинчман, каламушга ўхшаб омборни кемириб ётибман. Йўқ, сизга...

Аҳмаджон қаттиқ кулди.

— Қулай жой. Энди чинакамига кемирасиз.

Бурхон сўзини улади:

— Сизга қийин. Бир шаҳарда немислар сизни қидиради, иккинчи бир шаҳарда сиз немисларга эътиборлисиз.

— Ақлга сигмайди-а?— синчков тикилиб, жиддий сўради Аҳмаджон.

— Нимага энди. Билиб-билмай ўзингизни чўғга ураверманг, демоқчиман. Кўза ҳар куни синмайди, Аҳмаджон.

— Раҳмат.

— Раҳматни кейин айтасиз.

— Насияга тобим йўқ, ака.

Бурхон меҳмониغا кулимсираб қараб қолди.

— Хатар, тўғрироғи, даҳшат ичида юрибсиз... тағин куласиз.

— Қулмай нима қилай. Ҳалол гап шуки, туйқисдан сизни кўрган-нимдан хурсанд бўлиб кетдим. Ҳазирни кўргандай бўлдим. Бугун менинг хурсанд бўладиган куним экан.

— Сизни омон кўрганимдан мен ҳам хурсандман.

— Хурсандликнинг зўр боисини айтсам, ака, қўшинларимиз Германия пойтахтига яқинлашди. Массада немислар типирчилаб қолишди.

Бурхон: «А! Рости?» — деди-ю жимиб ўйга толди.

— Нимага жимиб қолдингиз, сизни хурсанд қиладиган гапни айтмадимми дейман?

— Гитлерчилар томири қирқилади, Ватаним озод бўлади-ю хурсанд бўлмайинми, ука. Мени домига тортган хаёл сабаби бошқа...

— Бу ерларда ҳам қурийдиларнинг томири. Ҳадемай йўқ қиламиз уларни,— деди Аҳмаджон. — Ватанга, ота-оналар бағрига, ёр-биродарлар олдига қайтамиз. Еруғ юз билан қайтиб борамиз, ака. Сиз билан биз ватан учун йўқ бўлган одамлар эдик, энди бор бўлиб, кўкрак кериб борамиз, — ўзи ҳам сезмай жўшиб гапирди Аҳмаджон.

Бурхон ҳамшаҳарининг сўзини ерга қараб эшитди, оғир тин олди:

— Ким ёруғ юз билан, ким бош эгиб боради.

— Мана бу ҳақ гап,— деди Аҳмаджон унинг сўзини олиб.

— Мени мана шу ҳақ гап қийнапти. Бир кунмас-бир кун уйга кириб бораман. Сизга ўхшаб кўкрак кериб эмас. Қамоқдан қочгандай, писиб, ёр-биродарлардан кўзимни олиб қочиб. Нима дейман: урушга кетувдим. Асир тушдим. Кейин немисларнинг ажал лагерларида қорувул бўлдим, кейин Италияга ҳайдалдим. Немис-фашистларнинг омборида ишладим. Мана энди сизларнинг ҳузурингизга жонимни омон



олиб келдим дейманми?.. Кўтар ўша жонингни, бу пок тупроқни бо-  
сишга ҳаққинг йўқ, дейишса нима дейман?..

Аҳмаджон унинг гапини бўлмади. Унга қараганча, графиндаги  
винодан стаканга қуйди-да, хўплаб-хўплаб ўтирди. Бурхон винони  
симириб ичди-да, стаканни улоқтириб ташлади:

— Биласизми, Аҳмаджон, немислар қочаётганларида мени ана  
шундай улоқтириб ташлайдилар. Кейин тўрт томоним қибла... Юртга  
мени олиб боришга пулнинг кучи етмайди... Ҳеч ниманинг... Тушуна-  
ман: мен руҳий қашшоқ бўлиб қолганман. Буларни ўйлаганимда  
вужудим қақшаб кетади: нимага оламга келдим, шунинг учунми? —  
деб сўрайман ўзимдан. — Фашистлар тутқинлигидан қочиб, парти-  
занларга қўшилган ва мозори шу ерда қолган кишининг ҳам ўрни  
бошқа. Ота-онасига, болаларига ундан яхши хотира етади...

Бурхон графинни кўтариб вино симира бошлади. Аҳмаджон гра-  
финни унинг қўлидан олиб қўйди.

— Биласизми, ука, гоҳо алаимини винодан оламан.

— Бу ожизлик. Сиз билан менга ярашмайди, — деди Аҳмаджон. —  
Биласизми, Бурхон ака, мен сизни шу ташвишдан, шу руҳий қийноқ-  
дан халос қилай деб келдим. Ватанга кўкракни кериб, ёруғ юз билан  
борасиз.

— А! — ҳайрон бўлди Бурхон. — Бирон немисни ўлдирибми?

— Немисни ўлдириш ҳеч гапмас, Бурхон ака, — деди Аҳмаджон  
жиддий тус олиб. — Виждонингиз амрига қулоқ солинг, у нима дейди.

— Қулоқ соляпман, амрини эшитиб турибман, — деди Бурхон.

— Жуда соз.

— Нима қилай, айтинг? Ё партизан отрядига кетайми? Адрес  
берсангиз иккита милтиқни елкамга осиб боришим мумкин.

— Йўқ. Биз учун сизнинг бу ерда бўлганингиз яхши. Бизга қурол-  
яроғ, ўқ-дори юбориб турасиз, вакилларимиз келиб туради. Ўзингиз  
бориб турасиз. Қалтис, хатарли, албатта. Лекин бу ташвиш, ўйлай-  
манки, сизни кўтариб юради, руҳий азобдан қутқазади.

— Бориб турадиган жойни билиб қўйсам...

— Турғун акам от боққан ҳовлини биласиз-а?

— Биламан. Ҳа, айтгандай. Турғун тирикми?

— Тирик. Кўришасиз, балким... Ўша, ҳовлидан уч уй нарида.

— Тўғри айтдингиз, қалтис иш, — деди Бурхон ўйчан ҳолда. —  
Амин бўлаверинг. Партизанга боришни жудаям хоҳлайман.

— Йўқ, ака. Душманнинг ичида бўлган яхши. Сиз биз учун энг  
зарур жойдасиз. Аммо ўзингизни партизан ҳисоблайверинг. Керак  
вақтда одамимиз келиб айтади.

— Тушундим.

— Вақт тугади. Кейин арава юки устига икки яшик ўқ, икки  
яшик граната ташлаб қўйинг, ўлда қолади.

— Хўп.

Аҳмаджон Бурхонга илиқ жилмайиб қаради:

— Бу биринчи партизанлик починингиз бўлади.

## XII

Қоронғи кеча. У битта-битта сипоҳона юриб ресторан олдига кел-  
ди. Ресторанда одам кўп. Қулоқни қоматга келтирадиган музыка ча-  
линди. Ёшлар жазаваси тутиб танца тушади. Эшик олдида жазман ку-  
тиб турган қизлар орасида башанг қийинган, қора қош, қора кўз, хип-  
чагина қиз қўл кўтариб унга салом берди:

— Салют, хер майор!

— Салют, Аннетта! — алик олди майор ҳам қўл кўтариб. — Бугун  
жазманинг келмаса, ресторанга олиб кирай, хоҳласанг кинога.

— Сиз билан кинога кирсам хурсанд бўлардим, афсуски ҳозир ке-  
лади, — қиз соатига қаради.

-- Афсуски, кечикибман. На чора,— деди майор жилмайиб, тескари бурлиб ва сигарет тутатди-да, нарироқ бориб турди.

Бу орада қизнинг жазмани — капитан машинадан тушди, уни қўлтиқлаб ресторанга бошлади. Қиз:

— Сизни кутавериб зерикиб кетдим. Бошқа кавалер билан кирай дедиму, тагин сизни аядим,— деди капитанга қия қараганича ноз қилиб.

— О, узр сўрайман фрау.

Майор мийиғида кулиб, битта-битта қадам босганча изига қайтди. Кинотеатр олдида хароб кийинган икки киши унга эргашди. У гўё буларни пайқамас. бамайлихотир, аста қадам босиб йўлида давом этарди. Орқасидан эргашганларни у кинотеатр олдидаёқ таниган, лекин уларга эътибор қилмаган эди. Уларнинг бири Назиржон, иккинчиси Ёқубжон. Гитлер лагерларида, Италияга олиб келинганда улар бирга эдилар... Ушандан бери уларни энди кўриб турибди. Аммо улар нима қилиб юришибди шу бемаҳалда? Фашистлар қўлида ишлаётган бўлса, бу тахлитда ўз майли ўзларида, сандироқлаб юрмасдилар.

Орқасидан, жуда яқиндан ўзбекча сўзлар қулоғига кирди:

— Агар ўша бўлмаса, яна фашистлар қўлига тушамиз, кунимиз баттар бўлади, шу ердаёқ отиб ташлайди...

— Кўзимга жуда иссиқ кўринди. Биласизми, қош-кўзи худди ўша. Эътибор қилдингизми, товушига? Агар ўша бўлса, фашист қавмига кирганда ҳам бизга ёрдам беради.

— Ишонмайман, Аҳмаджон фашист либосида...

— Жуда мумкин...

— Ҳар қалай, орқага қайтайлик.

Аҳмаджоннинг вужуди ағдар-тўнтар бўлиб кетди. У ўз она тилида гаплашишга зор эди... Мана энди, туйқисдан... у қучоқ очиб югургиси келди, ўзини тутди.

Эшик олдида тўхтаб дорихонани очди. Келаётганларни кутди. Улар ўзларини қоронғига олишди. Майор уларга яқин бориб:

— Таваккал қилдиларингми, орқага тисарилиш йўқ,— деди. Уларни аптекага бошлади.

— Наҳотки сиз фашист бўлсангиз — деди Ёқубжон жойлашиб ўтириб олгач.— Ишонгим келмайди.

— Нимага ишонмайсиз, фашист суратда одамга ўхшамайдими, шох-муғизи борми?— Хўш, нимага дам урмайсиз, Ёқубжон ака?

— Аҳмаджон ким бўпти, қўрққандир, таслим бўлса бўлгандир, ёки ниқобдир, буниси бизга сир,— Назиржон истеҳзоли кулиб қўйди. Аҳмаджонга ҳийла тикилиб турди-да, сўради:— Ахири мажбур бўлибсиз-ку, ука? Бизни шунча қийнадингиз-а...

— Менинг кўнглим бошқани айтиб турибди, Аҳмаджон фашист билан бир қавм бўлолмайди. Агар кўнглида бўлса, шунча яхшилиқ қилган Холдорбекнинг гапига кириб, легион аскарлари қисмига бош бўлиб қоларди.

Аҳмаджон ечиниб, ўз кийимларини кийди. Меҳмонлар олдида нон, яхна от гўшти қўйди, вино келтириб стаканларга қуйди:

— Ишонмаганингиз учун, Ёқубжон ака, соғ-саломат кўришганимиз учун!

Улар винони ичиб, бир-бирларига сўзсиз қараб қолишди, меҳмонлар гўё ундан сўрадилар: айтинг, кимсиз, бизнинг тақдиримиз нима бўлади?

Аҳмаджон уларнинг безовта қарашларидан фаҳмлади: улар қочоқ, саргардон бўлиб юришибди.

— Хўп ажойиб учрашув бўлдими, акалар?— деди у ҳамон улардан назарини узмай.— Ўзларинг ҳам ўйламаган, ҳеч кутмаган бўлсаларинг керак-а?

— Тўғри, сизни бу тусда кўрамиз, деб сира ўйламаган эдик,— деди Назиржон.— Ҳалиям кўзимга ишонмаяпман.

— Кимимиз ким бўлсак ҳам,— деди Ёқубжон жилмайиб,— аммо кўзимга ўтдай кўриндингиз.

— Мен сизларни кўп ўйладим, ҳалиям ўйлайман. Массага ҳайдаб келинганингиздан тамом беҳабар, Қаррарада ва ўша атрофда ким немис офицерида от боқар бўлса, одамларимиз орқали суриштирдим...

— Аммо ўша қочганингиздан кейин сизни қаерда бўлмасин кўриб қолсам, ўзим бўғиб ўлдирардим. Биласизми, кейин немислар бизга не кўргуликларни кўрсатмадилар! Сиз бўлсангиз бизни қийноққа ташлаб ўзингиз мана бундай тўра бўлиб юрибсиз...

— Олдин Аҳмаджондан эшитайлик, гина-кудуратимиз бўлса, кейин айтармиз, Назиржон,— деди Ёқубжон ҳамон мулоим жилмайиб.

— Биз ҳам осон кун кўрганимиз йўқ,— деди Аҳмаджон босиқ ҳолатда.— Аммо бировнинг юртида таянч топиш, фашизмга қарши курашмоқ ўзи бўлмайди, Назиржон ака. Шунини яхши биламанки, қаттиқ азобларга сизнинг тузумингиз етмасди. Ҳа, буни билардим. Мана энди немис хизматидан қочишга журъат қилибсиз, демак, курашга отланибсиз...

Назиржон қўллари қалтираб вино ичди-да, Аҳмаджонга кўзини лўқ қилиб қараб қолди.

— Бўлари бўлиб ўтди, акалар,— деди Ёқубжон.— Бу ерда нажот излаш ўрнига, бу гапларга на ҳожат — кейин Аҳмаджонга ўгирилди, вазиятни юмшатиш учунми, ҳар қалай деди:— Сиз ҳам бу мартабага асал ялаб етишмагандирсиз, оғайни?

Аҳмаджон маъюс жилмайди.

— Ҳа, асални кўп яладим. Ҳар ким улишини яларкан бу дунёда. Бу гапларни қўяйлик,— деди Аҳмаджон, ҳамюртларининг эътиборини ўзига қаратди:— бошқа гаплар бор. Бизнинг тақдиримиз ҳам, жаҳон халқларининг тақдирини ҳам ўша ҳал қилади. Бу гап шуки, фашизмнинг санокли кунлари қолди. Бизнинг қўшинларимиз ўз юртимизни улардан тозалаб бўлди. Европанинг кўп мамлакатларини озод қилди, урушни Германия ерларига кўчирди, Берлинни ҳам олишга санокли кунлар қолди. Энди немис фашистларини итальян фашистлари билан қўшиб, шу ерда йўқ қилиш лозим. Биз шу ишга кўпроқ ҳисса қўшсак, юртимизга қайтиш осонлашади.

— Чиройли гап,— деди Назиржон истеҳзоли жилмайиб,— оғизда ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйса бўлаверади. Қочамиз деб, лагерда ҳам бошимизни кўп айлантирган эдингиз. Кийимингиз фашистники, гапингиз қизилники...

— Мени ёмон кўриб қолгансиз, қийинчиликни кўп кўрсатгандирман, балки. Аммо қочибсиз-ку, немиснинг ўша «тинч» меҳнатидан? Қочибсизу, сизга ҳам жасорат юқибди. Бўлмаса, сувга тушган кесакдай немиснинг охурида бўкиб ётармидингиз.

— Немиснинг калтаги, хўрлик жондан ўтди. Хотинидан ёмонроқ хат олса ҳам, бировдан озор еса ҳам аламини мендан олади...

— Жондан ўтган бўлса курашинг, жонни шу асрайди,— Аҳмаджон унга кулиб қаради.

— Курашинг, қаерда?

— Итальян партизанлари қаторида.

— Нима! Партизанлар?— Назиржон истеҳзоли кулди.— Немислар қийма-қийма қилибди-ку ҳаммасини.

— Қиймалаб битириш шунчалик осон экан-да,— кулимсиради Аҳмаджон.

— Бу ерда қўлингиз узунга ўхшайди. Икки онани эмган тойдек юрибсиз чамамда. Ёрдам беринг, биз юртга бориб олайлик.

— Юртга ким бўлиб ўтасиз, фашистларнинг қули сифатидами? Асирликка кўниб, жон асраган киши сифатидами? Юртдагилар, кеккайиб кетувдингиз, бошингиз эгилиб келдингизми дейишса, нима деб жавоб берасиз? У ерда ҳам ҳисоб-китоб бор.

— Хўп, бу ерда партизанларга қўшилиб жанг ҳам қилай. Хўш, юртда буни инобатга оладими?

Аҳмаджон тикилиб ўтирди-да, нимагадир қўл силтади:

— Ё жуда гўлсиз ёки ўта қўрқоқсиз, Назиржон ака, Назаримда кўзингизга фақат ўз жонингиз кўринади.

— Гап бундамас, ука. Юртни, бола-чақани жуда соғиндим.

— Йўл битта,— деди Аҳмаджон,— жон олиб жон берасизу етасиз.

— Назиржоннинг гапи қўрқоқликдан эмас, Аҳмаджон,— жим вино хўплаб ўтирган Екубжон гапга аралашди.— Қаноти бўлса бола-чақалари ёнига учиб борса. Жуда соғинган, аммо бу айрилиққа биров чидайди, биров йўқ... Бу ёғдан курашиб борсангу у ёғда тан олмаса...

— Битта нарсани биламан, акалар,— деди Аҳмаджон жиддий йўсинда.— Бордию райондами, шаҳардами бирон амалдор тан олмади дейлик...

— У ёғда ҳам курашамиз денг?

— Ҳа, лозим бўлса, курашамиз, ҳақиқатни тан олдириш учун. Аммо бошқа улуғ амалдор бор. Бу — виждон. Мени шу ерда, немислар орасида ҳам виждоним кўтариб юрибди, унинг гапига қулоқ соламан. Мен ҳозир, юртга қайтиб борсам, мени тан олишадими-йўқми, уни ўйлаётганим йўқ, қаерда курашам, фашизмни йўқ қилаётганлар қатоарида бўл. Виждон амри шу, акалар.

— Одамга вазифа ортишга жуда устасиз,— деди Назиржон бўшашиб.— Муаллимсиз-да, муаллим.

— Хўш, йўллариңг қаёққа бўлди: тутқинликками, партизанларгами?

Иккаласи унга жилмайиб қарашди.

### XIII

Эрталаб немислар югур-югур бўлиб қолишди. Қама-қама бошланди. Анвар, Ҳайдар ва бошқа асирларни ҳам яна қамашибди. Боёқишлар: немислар қаерда ишлаётган экан, уларни,— кўнглидан ўтказди Аҳмаджон.

Капитан ишга чиқмабди. Эшиги берк эмиш. Қулфни бузиб киришибди. Креслода суянганича қотиб ётганмиш. Столдаги бир шиша коньякдан тагида озгина қолибди. Икки рюмкадаги коньякнинг биттаси тўла, биттасининг тагида бир қултум қолган.

Врачлар аниқлашибди: коньякка заҳар солинган. Ёнидан чиққан кундаликда: «Акмат Мамажанофф»—«шпион» деб ёзилганмиш.

«Аннеттани қочиришдимикан? Бордию қочишга улгуролмади. Қиз бола. Ҳали ҳеч нима кўрмаган. Қийноққа бардош берадими? У палид капитан фақат Аннеттани уйига олиб борибдими?»— Аҳмаджоннинг фикри сочилиб кетди, қанча уринса ҳам йиғиб ололмади.

Уни хавотир қамраб олди. Капитан унинг устидан тўплаган ҳужжатлар энди полковникнинг қўлига ўтади. У энди «арқонни узун» ташламайди. «Капитанни сен йўлингдан олиб ташлагансан. Биласанми, бир немис офицериға сендақадан нечтасининг калласини олиш керак?...» Аҳмаджон сўроқларни таҳмин қилиб кўрди.

Хавотири борган сари кучайди. Анави барзанги сотқин унинг кўз олдида гавдаланди. У устига миниб олиб, хаёлида, томоғидан бўғар, ҳолинг шу экан-ку, энди сени ана шундай ўлдираман, дерди.

Кун бўйи массалик ғишт терувчи чолнинг уйда беркиниб ётди. Кечаси қоронғида дорихонага қараб югурди. Эшикни очиб кирди-ю, кўзи стол устидаги хатга тушди:

«Сандро! Дарҳол яширин. Полковникка йўлиқа кўрма. Сўроқсиз отиб ташлайди...»

У Қаррарага юк олишга борадиган сўнгги машинага илинди.

У ҳеч ёққа қарамас, кўзи оёғида. Кўз олдида Аннетта келди:— Оҳ бечора қиз, нима бўлди экан, унинг тақдири,— деб юборди беихтиёр.

Шофёр унга ён томондан синчков тикилиб турди. Кейин:

— Уша қизга қойилман, мард экан,— деди у, товушини ўзгартириб.

— Аҳмаджон сесканиб тушди:-- нахот қўлга тушса!..

Уни полковникнинг ўзи сўроқ қилибди. «Капитанни рашкчи қизлардан биттаси ўлдиргандир, мен унинг уйи қаердалигини ҳам билмайман. Ресторанда бирга бўлганим тўғри» дебди, Аннетта.

Аҳмаджон кўзини ишқалаб, шоферга тикилди.

— Машинага чиққанингиздаёқ таниган эдим, майор тўра. Аммо йўлда тушиб, тоғ томон буриларсиз, деган хаёлда индамадим.

— Нимага ўзингизни танитмадингиз?

— Юрагинг ёрилиб кетмасин, деб танитмадим. Айт-чи, нимага тушиб қолмадинг? Ёки Жаннеттаникида тунамадинг?

— Томоғи тагида-ку.

— Томоғи тагини титкиламайди. Хатар бу ёқда кўп.

— Бу ёққа ўйламай келиб қолдим. Биласизми, булар мени неча ажалнинг чангалидан тортиб олишган.

— У-ки сенинг жонингни асрар экан, сен унинг жонини эҳтиётла!

Аҳмаджон индамади. Лекин ёмоғ хато қилганини сезди.

— Отряддагиларга айт, Аннетта қасамга содиқ қолди.

— А! Қочиришга улгуришолмаганмидилар?

Орага оғир жимлик чўкди.

Тонг ёришай деганда улар Каррарага келишди.

Аҳмаджон Неллилар уйига кирди. Ташқари ва ичкари эшик ҳам очиқ эди. Катта уйда Нелли нимагадир деразадан кўчага қараганича хомуш ўтирибди. Бошқа ҳеч ким йўқ, афтидан, чол билан кампир ўз хоналарида ухлаб ётган бўлсалар керак. У оёқ учида бориб, Неллининг қўлтиғи тагидан қўлларини ўтказиб кўкси устига қўйди. Қиз сесканиб бошини ўгирдию, ҳайрат ва севинч қамровида:

— Вой худойим, сенмисан, Сандро!-- деб юборди. Лекин унинг қўлини кўксидан олиб ташламади, аксинча, ўз қўлларини унинг қўллари устига қўйиб, маҳкам босиб турди. Хийла фурсатдан кейин:— Вой, эсим қурсин,— деди-да, унинг қучоғидан чиқиб, дастурхон тузаш ва чой қайнатишга тутинди.

Аҳмаджоннинг кўзи Неллида: у елиб-югуриб, ҳали нон, ҳали турли хил қиём келтириб столга қўяди, ҳали олча мураббосини чойга қўйиб:

— Ичгин-а, жуда ширин, ойм пиширган,— дейди.

Аҳмаджон чой хўплаб уни кузатди: унинг ҳаракатларидан нимадир хавотирлик бор, сиртига чиқармасликка уриндию, бари бир, Нелли табиатига хос бўлмаган аллақандай безовталиқ сезилади.

— Нима гап, Нелли?

— Ҳеч гап йўқ. Вой ҳалиям чойни ичганинг йўқми?

— Ниманидир мендан яширяпсан, шекилли?

— Сенга шундай туюлаётгандир.

— Бўлмаса, нимага эл уйқудаю сен бедор, дераза олдида кўчага қараб ўтирибсан?

Нелли жилмайди. Лекин табний чиқмади.

— Сени кутиб ўтирувдим. Биласанми, кечаси ғалати туш кўрдим, уйқум қочиб кетди: Мана сен келдинг...

Аҳмаджон маъюс жилмайиб, бош чайқади:

— Йўқ, бир гап бор. Мендан яширяпсан.

Уларнинг баҳслари давомида чол билан кампир чиқиб ҳайрон бўлишди, лекин хавотирларини қизларидек яширмадилар.

Немислар сени қидириб, ҳамма ёқни тит-пит қилаётбдилару, сен бу ерда ўзингни гирдобнинг оғзига отай деб юрибсанми? Жонинг иккитами, болам?

— Ваҳма қилишяпти, — деди Нелли ерга қараб.

Чол билан кампир бир-бирларига қарашди.

— Югур, вақтни ўтказма, — деди кампир қизига. — Элвирани чақир. Анави отинг ўчкур қароқчилар тингунларича, бунини бирон беҳа-

тар жойга яширинглар, — кейин чолга ўгирилди: — Бунинг бошида ажал учиб юрибдию, эси қарор топмаган қиз, унга маҳлиё бўлиб ўтирибди. Шуни айтадилар-да, ёшлик даҳшатхонада ҳам ширмон ейди деб.

Чол жилмайиб турди-да:

— Кўнглиннга олма, Александро, кампирнинг куйингани тўғри: сизларни кўз қорачиғимиздай асрашимиз керак. Қим билади дейсан, балки сени кўчада бирон айғоқчи кўргандир. Пайингда изғишиб юрибди-ку, итваччалар.

— Раҳмат, ота,— деди Аҳмаджон.— Айб менда. Бу ёққа келмаслигим керак эди. Беихтиёр...

— Йўқ, ундай дема,— деди чол паст товушда. Хиёл тин олиб дона-дона гапира бошлади.— Сени кўрсак хурсанд бўламиз. Аммо сен доим анави касофатларнинг тумшуқлари тагида юрибсан. Шундан кўрқамиз. Бугун бир эмас, уч бор келиб уйни пайҳон қилиб кетишди. Агар Жино билан уни шу ерда ушласак, уйингга ўт қўямиз, сени ҳам иккаласи билан бирга дорга осамизмиш. Улар ҳалигина кетишди. Уйқу илинмади кўзимга... Тақдирни қара, дейман ўзимга ўзим: дунёнинг ҳар томонидан гўзал санъатни кўрай деб Италияга одамлар келади. Кўриб ором олади, кўнглига ёруғлик қуйилади. Шу ёруғ хотирот билан қайтиб кетади, умрбод унинг ижодкорларига тасанно ўқийди. Неча асрлардан бери шундай эди... Энди тақдирнинг мана бу ўйинига қара: шу гўзаллик ижодкорларини берган Италия Муссолинини туғди. Тубанлик ижодкорларидан бирини. Ёруғлик жарчиси, янги дунё ижодкори Марксни берган Германия Гитлерни туғди. Шу иккита инсон қуйқаси бирлашиб, жаҳоннинг оромини бузаяпти, одамларни тубанликка тортаяпти, қирғинни ўрта аср жаҳолатидан ўтказиб юборишди икки баттол.

Чол хиёл жим қолди, кейин нимагадир қадини жаҳл билан кўтарди:

— Қара-чи,— деди кўрсаткич бармоғини шифтга бигиз қилиб:— ўзининг талагани, қийратгани етмагандай Муссолини итальянлар бошига Гитлернинг таланчиларини келтирди... Худо шуларни ўз қаҳрига олмади. Нимага?— деб хитоб қилди у, қўлини ҳамон шифтга бигиз қилиб.— Тун бўйи мижжа қоқмадим, шулар кўз олдимдан кетмади. Худо илтижоларингни жавобсиз қолдирса, эзгулик топталиб жаҳолат устун турса, куфр бўлиб кетасан киши... Ана улар ҳам келишди.

Чол қизларга тайинлади:

— Катта кўчанинг нариги бетигаги эгасиз уйнинг пиллапояси тагига бошлаб боринглар.

Кампир дарҳол орага от солди:

— Ҳамманинг ақли бошидаю сизники доғон ошиб кетганми, чол? У ёққамас, товуқ катагига...

— Менинг эсим-ку жойида турибди, онаси. Аммо сеники аллақачон доғон ошганга ўхшайди: у балохўрлар келса товуқ катагини кавлашади. Қара-чи, нечта тухуму, нечта товуқ қолди экан? Аммо улар зиналардан югуриб чиқишади-ю, тагини қараш эсларига келмайди.

Қариянинг гапи Аҳмаджонга нашъа қилиб, илжайиб автомат ва тўппончасининг ўқларини кўздан кечириб, икки ёнига биттадан гранатани қистириб, кенг плаш-палатани елкасига ташлаб олди-да, қизларга эргашди.

Кўчада Элвира хайрлашиб, уйлари томон югурди, нарироққа бориб ўгирилди-да, Аҳмаджонга: «Отрядга мендан олдин етсанг, Туранга салом айтиб қўй» деб қичқирди. Нелли Аҳмаджонни кўчанинг нариги юзидаги икки қаватли катта уйнинг зинапоясига қараб етаклади. Зинапоя тагининг ёни тахта эшикча эди. Нелли уни очиб, олдин ўзи кирди. Аҳмаджон бу янги «хандаққа» жойлашиб олди, бу жой қоронғи, тирқишдан ташқари — кўчадаги ҳаракат кўриниб туради. Аҳмаджон автомат қўндоғи билан уриб-уриб тирқишни хиёл катталаштирди. Кейин пинжига қисилганча жим ўтирган Неллига қаради:

— Қани, энди сен ҳам жўнаб қол, мени ҳоли қўй!

Қиз миқ этмай, ундан кўзини олиб қочмай ўтираверди. Аҳмаджон бўғилди, уни туртди, аста ва жиддий товушда буюрди:

— Тур, бор энди! Якка отишганим яхши. Сен халақит берасан.

Қиз унга жиққа ёш кўзларини қадади:

— Буюрма, командир. Мени биласан, сени якка ташлаб кетмайман.

Иигитнинг кўнгли юмшаб кетди, қўл силтади-да, назари ташқарида, жим ўтирди, ким билсин, қанча фурсат ўтди; кўчанинг нариги бетидagi зайтунни тонг қуёшининг олтин шуъласи қучиб олди; Аҳмаджон қизнинг бошини кўксидан олиб нари суриб қўйди, гимнастёркасининг кўкраги ҳўл бўлиб кетган эди.

— Ужар қизсан, балки шунинг учун яхши кўрарман,— деди.

У кўчани безовта кузата бошлади: Нелли ғолиб келганидан мамнун, унинг тўппончаси бир қўлида, иккинчи қўлида граната,— у ҳам кўчадан назар ўзмай турарди. Аҳмаджон унинг елкасига аста уриб қўйди:

Ҳар бир командирнинг ҳам сендек адъютанти бўлса-ку...

Кўчада мотоциклнинг тариллаган товуши эшитилди. Улар биринкетин ўта бошлашди. Ҳаммаёқ кажавали мотоциклга тўлиб кетди. Немис солдатлари бақириб-чақириб уйма-уй югуришар, пижамали кишиларни қўлларидан судраб тортишарди.

— Гаровга олиб кетишяпти,— деб пичирлади Нелли, унинг тишлари гичирлаб кетди.

Шу аснода кўча юзига енгил машина келиб тўхтади, унинг қора бўёғи эрталабки қуёш нурида ялтиларди. Машинадан новча, такаббур, юзи қаҳрли Шульц тушди. У кўча бетига ўтиб, таёқчасини ўйнатиб турди-да, бир неча солдатни кўчанинг бу бетидagi уйларга йўллади.

Нелли солдатлардан бирини нишонга олган эди, Аҳмаджон унинг қўлини босди:— шошилма! Аммо Нелли тўғри бу уйга келаётган икки солдатни биринкетин оёқдан йиқитди. Ола-тўполон, отишма бошланиб кетди, немис солдатлар уйларнинг деразаларига, тўғри келган томонга автоматлардан бетиним тариллатар, бақирешарди. Нелли узган икки ўқ ҳаммаёқни ваҳимага солди.

Шульц зайтун панасига ўтиб олиб команда берарди. Ҳайбатли шапкасининг баланд қирраси гўё бошида чўччайиб турарди. Аҳмаджон шу диккайиб турган қиррани мўлжалга олиб урди, шапка эгасининг бошидан учиб ерга тушди. Аҳмаджон мамнун жилмайди:— ҳозирча шу етади, «миянинг қатигини чиқариш»га шошмаймиз. Акс ҳолда ўзимиз ўққа учамиз,— деди ва Неллига:— «Менинг собиқ хўжам шу» деди.

Немислар зинапоядан югуришиб, уйга чиқар, ҳувиллаган эгасиз уйни тит-питини чиқариб, югурганча яна пастга тушардилар. Шульцнинг аҳволини кузатишга ҳам Аҳмаджонда фурсат қолмади. Зинапоя тагида подвалга тушадиган йўлка бор эди. Иккаласи отиша-отиша подвалга сурилиб тушдилар, ундан қўшни ҳовлига ўтиб, тошдевор тағлариди эмаклашиб, торкўча бўйлаб қоча бошлашди. Улар тез ва узоқ югуришди, дўнгликлар келганда Аҳмаджон Неллининг қўлидан тортиб олға интилар, иккаласи ҳам девор паналаб энгашиб борар, чарчоқдан тиллари осилиб кетган, қаттиқ ҳансирардилар.

Кун найзага келганда улар дўнгликдан пастга тушдилар, одам бўйидан сал баланд бир боғ-уй деворига суяниб, иккаласи ёнма-ён қолишди. Нелли тамом ҳолдан кетган, сочлари паришон, рангида ранг қолмаган эди. Аҳмаджон унинг сочларини силади. Олида автоматларнинг ўқтин-ўқтин тариллагани, итларнинг вовулагани, немисларнинг бақирини элас-элас қулоққа чалинарди. Нелли буларни эшитмас, боши Аҳмаджоннинг тиззасида, ухлаб қолган эди. «Итлари ис олса ҳам немис солдатлари бу ёқларга қувиб келмас деб ўйлади Аҳмаджон. У ёқ-бу ёққа қулоқ соғди. Нариди, жарликда сув шовулларди.— Жилға, ундан ўтилса тоғ, зайтунзор. Агар бу ёққа яқинлашсалар Неллини кўтариб оладию, зайтунлар орасига кириб кетади. Итлар ҳам ис йўқотади.

Аҳмаджон ўйларди: бечора қиз, уйдаги тўс-тўполонда ухлаёлмаган, бунинг устига, мана бу ҳолатда... Қорни жуда оч эканлигини энди сезди, лаблари қуруқшаб кетган, томоғи гўё қотиб қолган эди. У ёқ-бу ёққа аланглади; девордек юксалиб турган узун қоя қиррасига ён-бошлаб ётган апельсиннинг сап-сарик мевалари яшил барглар ораси-дан осилиб турибди. Оғзининг суви келиб, тамшанди.

Сал нарида қояга тирмашган ток новдаларида узум майиз бў-либ қолибди.

Аҳмаджоннинг кўз олдида Андижон чорбоғлари кўчаларидаги деворлар бўғотида осилиб турадиган шафтолилар, узумлар гавдаланди.

Аҳмаджон Неллини беозоргина кўтариб плаш-палаткага ётқизди-да, апельсинлардан бир нечасини узиб олиб, Нелли «кўрпаси» устига қўйди, кейин бориб майизларни шингиллари билан юлиб, сойда ювиб келди. Буларни тахлаб, дастурхонни тузаб, кейин Неллини уйғотди.

— Туринг, бекач, овқат сизга маҳтал.

Нелли кўзини зўрға очди. Олдидаги неъматларни кўриб ҳайрон қолди:

— Қаердан топдинг?

— Худо етказди сенга.

Иккаласи бир-бирини меҳмон қилиб ўтиришди. Аммо немислар-нинг бақирғи, итларнинг вовуллаши энди эшитилмасди.

Улар бир-бирини суяб ўринларидан турдилар, жилғадан кечи-б ўтиб, зайтунзорда ғойиб бўлдилар.

## XIV

Тақдир тақозоси билан Аҳмаджоннинг Италияга келиб қолганига бир йилдан ошди.

Бугун Аҳмаджон Мамажоновнинг таржимаи ҳолига энг улуғ ўзга-риш кирди. У энди коммунист...

Бу серзие мамлакатда у ҳозирча Каррара ва Масса шаҳарларини, буларнинг бошқа оламдан буюк девордек иҳоталаб турган тоғлару Лигурия денгизини кўрди холос.

Бу жойларда текис ер деярли йўқ. Соҳил тоғлар оёғини ўпади. Об-ҳавоси юмшоқ, мулойим, қарийб қиш бўлмайди.

Аҳоли денгиз, тоғ ва жилғалардан яхши фойдаланиш йўлини топ-ган. Пастки тоғлар сийнаси қатор-қатор пиллапоя қилинган. Токлар, биздаги ўрик-олма дарахтлари қаби ўсган анжирлар, зайтун дарахт-лари, лимон ва апельсинлар бу жойларни яшнатиб туради.

Уруш бу гўзалликни вайрон қилди: тўплардан отилган снарядлар, самолётлар ёғдириб турган бомбалар портлаб, ток сўриларини мажақ-лаб пиллапояларни ҳайдаб ташлади. Тевараги доим гавжум, ўйин-кул-гили бўлган бу мевазорлар ҳозир вайрона, уйда етим қолгандай бук-чайиб ётибди. Буларга қараб юриб Аҳмаджон ногаҳон тўлқинланиб кетди:

— Ҳадемай уруш тугайди, эгаларинг қайтиб келишади, сизларни тиклашади, яна яшнаб ўсасиз, ўз меваларинг билан ҳаммани хушнуд қиласиз.— У атрофга қаради. Ҳаммаёқ жимжит.— Ҳа, қушлар қайтиб келади, бутоқларингизга қўниб сизнинг мадҳингизни куйлашади, ин қуриб бола очишади.

У снарядлар ҳар жой-ҳар жойини бузиб-ўйиб ташлаган узун пил-лапояда аста борарди. Ток новдаси анжирга чирмашибди, тагида ям-яшил майса ўсибди. Унинг қадами жилмай қолди, майсага беихтиёр яс-танди. Осмон баланд, ғубори йўқ. Оппоқ юпқа булутлар ялқовланиб сузиб юрибди. Парчалари орқасида узилиб қолади-да, олдингиларига етиб олишга шошилмайди, кичрайиб-кичрайиб кўздан йўқолади.

Таажжуб: кўрмабди-я!.. Унинг шундоққина боши устида анжир шохида осилиб турган ток новдаси барг ёзибди, кўкиш-сарғиш. Бу



баргчалар унинг кўзини ўйнатиб юборди. Қаддини кўтариб юлиб олди-да, оғзига солиб чайнай бошлади. Бирам нордон, бирам яхши! Тўғри, олдин эт жунжийди, аммо сал ўтмай яна талаб қилади. Болаликдан шу: Андижонда ҳам ҳовлидаги сўридан осилиб турган ток новдасини узиб оларди-да, йўлакай чайнаб, сувини шимиб борарди.

Баҳор кезлари бошландими, онасини қистарди:— токкабоб қилиб беринг, ойи. Ачаби хола ёш-ёш ток баргларини юлиб келар, унга гўшт қиймани ўраб, ипга шодаларди-да, паловга босиб пишириб берарди. Ачаби хола тилаб-тилаб топган ёлғизининг лунжини тўлғазиб иштаҳа билан овқат чайнашига маҳлиё, тиззасига иягини тираганча жилмайиб ўтирарди... Аҳмаджон кечаси текшириб қўйган болалар дафтарларини шоша-пиша портфелига солиб, мактабга кетаётганида, орқасидан:— мулла болам, худо бошингни омон сақласин,— деб қоларди.

Ушанда Аҳмаджон мудир ҳам ўзи, ўқитувчи ҳам ўзи эди. Кўпчилик фронтда, қадди букилмаган муаллимлар ҳаммаси кетган. Уруш бошланганига бир йилдан ошди, охири кўринмайди, йигитлар кетяпти, омон қайтаётганлар мажруҳ, кўпининг ё қўли, ё оёғи йўқ.

Шаҳар комсомол комитетидан телефон қилиб, уни чақиришди. Комсомол ишига ўтасан, брон қилдирамиз, дейишди. У, майли-ю олдин болаларни ўқитиб келай, деди. Мактабга келса, горвоенком чақирибди.

— Фронтдан юлқиниб қолмоқчи бўлибсан-да?— деб ўшқирди, военком унга.— Бориб кўзёш қилдингми?

Аҳмаджон титраб кетди:

— Олдин болаларни кимгадир топширай, кейин юборавер,— деди у.— Юлқиниб қолиш сенинг қўлингдан келади. Менга повесткани чўз, бугуноқ жўнайман!

Аҳмаджон шу куниеқ жўнади. Мамажон ака ўзини тайёрлаб юрган экан шекилли, индамай ўғлига эргашди. Аммо Ачаби хола ўғлининг бўйнига осилди, фиғон тортиб йиғлади. Товуш солиб, урушни, урушни чиқарганларни қарғади.

— Йўқ, юбормайман сени, худоё ўша уруш ўлсинки, кўзи менинг ёлғизини кўрган бўлса!..

Аҳмаджон онаси йиғлаб чарчагунча индамай турди. Ахийри:

— Эшитгар қулоққа хунук, ойижон, йиғлаб кузатманг,— деди.

— Йиғи ўрнига дуо қил, онаси, мустажоб бўлади,— деди Мамажон ака.

Аҳмаджон ойисининг кўксига бирпас бош қўйиб турди-да, ҳовлидан югуриб чиқиб кетди. Назарида, у шу кундан, ота-она бағрини тарк этган кундан бошлаб улғайди. Таржимаи ҳоли ҳам шу кундан бошлаб мазмун олгандай. Бунгача ҳаммаси икки оғиз сўз эди:— 1922 йил январда, Андижон шаҳрида Мамажон тандирчи оиласида туғилдим. Мактабда ўқидим, муаллимлик қилдим... Ҳа, у вагонга чиқаётганида дадаси уни маҳкам қучоқлаган, ёлғиз ўғлимсан, мени ерга қаратадиган иш қилма, дёб қўл силкиб қолган эди. Аҳмаджон умр мазмуни энди бошланганини, кўп нарсалар энди юз беришини сезган эди...

Ушанда ҳали унинг бет тукларига устара тегмаган эди... Қизиқ, мактабда ўқиб юрганда, у бир қизни яхши кўриб қолди, кейин у қиз билан бир мактабда ўқитувчилик қилди, фронтга жўнашида уни ўрнига қолдирди. Сени яхши кўраман, деган сўзни юзига айтолмай юрарди. Уша куни мактабдан чиқиб кетаётганда айтди. Поезд юриб кетаётганиди, у ҳам перронда қўл силкиб қолди. Ушанда Аҳмаджон вагон деразасидан аниқ кўрди: қизнинг чарос кўзлари жиққа ёш эди.

Мана энди унинг босиб ўтган йўлидек узун таржимаи ҳоли, мириқиб гапириб бергулик ўтмиши бор. Аммо қанақа ўтмиш?..

У асирликда кўп ўйларди: бир кун эмас, бир кун юртга қайтиб бориш nasib бўлса, хўш, дадасининг юзига қандай қарайди? Фашистларга асир тушиб қолдим, ёзмишим шу экан дедиму кўндим, дейдими?.. Қочиб удда қилолмадим, қулликка кўндим дейдими?.. Ҳозир ўша қочиб чигишга уриниш ҳодисаларидан бири эсига тушиб кулиб қўйди.

Силезияда эди шекилли. Улар бир ойча тайёрландилар. Поляк партизанлари билан алоқа боғланди. Лагерь омборидан олдирилган этик ва ботинкалар, кийим-бошларни навбатчилар ўз одамларидан қўйилган кечалари, тиканли сим тагидан партизанларга узатдилар. Қочиладиган куни ўз ораларидан хиёнатчи чиқди. Бир лўли йигит уларни сотди. Немислар бир неча кишини лагер ўртасидаги дорга осиди, қолганларини подвалга ташладилар.

Кейин қиш бошида уларни бу ерга олиб келишди...

## XV

Партия мажлисига бригада командарми Мемд билан комиссар Гарчелли ҳам келишди.

Отряд бошлиғи Кикко, ака-ука Брунолар, Божини ва бошқа коммунистлар туннелдаги қароргоҳнинг кенг хонасида автоматларини тик тутиб кўкракларига тираганларича қатор-қатор тизилиб ўтирибдилар; ҳамма қандайдир сўзга илҳақ, тантанавор жимлик ҳукмрон эди.

— Йиғилиш кун тартибдаги масала, — деди ҳайъат раиси Жино. — Икки партизан ўртоқни — Александро Микаила билан Туран Микаилани — Аҳмад Мамажонов билан Турғун Қўчқоровни Италия коммунистлар партияси сафига қабул қилиш...

Хона бирдан жонланиб кетди, ҳамма Аҳмаджон билан Турғунга қаради, ҳатто орқада кимдир бир-икки қарсак урди.

— Ўртоқларимизнинг хизматини санаб ўтирмайман, шундай ҳам сизларга маълум, — деди Жино. — Улар биз билан биргаликда Италиянинг шу қадимий тоғларида партизан отрядини улғайтиришди. Биз билан бир сафда туриб жанг қилишди, энг оғир дамларда бизга бакор келишди. Биз булардан инсоннинг энг яхши фазилатларини, жасорат ва матонатни, дўстга садоқатни ўргандик. Партия ташкилоти бу ўртоқларни коммунистликка лойиқ топиб, сизларнинг муҳокамаларингизга қўйди. Ўртоқларимиз тўғрисида, буларнинг лойиқ, эҳтимол нолюйиқ феъл-атворлари тўғрисида, марҳамат — кимнинг кўнглида нима бўлса гапирсин.

Хона сув сепгандай жимиб қолди, аммо одамлар юзидаги табассум ўчмади.

Аҳмаджонни ҳаяжон қамраб олди, унда ҳануз юз бермаган ички тўнтариш содир бўлди. Турғун акасининг руҳий ҳолатига назар ташламоқни ихтиёр қилдию бироқ ўзини ошкор қилиб қўйишдан тортинди, ерга қараб олди. Ҳаяжон уни кўтариб ташлайдигандай, у ўзи сира кутмаган, хаёлига келтирмаган, тақдири нима бўлишини билмай ўтирган судланувчи ҳолида эди. Ахир бу хонада ўтирган кишиларнинг бир қисми билан таниш-билиш бўлганига бир йилдан энди ошди. Бир қисмини кўргани ва таниганига ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Ахир булар унинг ўтмишини, асирликда бошидан кечирган кечаги ўтмишини билмайдилар-ку! Буларнинг ҳеч бири уни суриштирмади, гўё булар, асирликдаги у кунларни қўй, эслама, бизга сенинг билан ҳамдам бўлган, хурсандликни ҳам бирга ўтказган кунларинг, сенинг бугунинг керак, ўзинг кераксан, дейишарди...

Мемо ўрнидан турди. Унинг баланд ва йўғон гавдаси азамат чинордай, боши шифтга тегай деб турарди.

Аҳмаджон беихтиёр унга тикилди: гўё босиқ, айни вақтда ерни гурсиллатиб одимлайдиган бу киши ҳозир бир нима дейдию ҳаммаёқни гулдиратиб юборади. Бу борада у ҳозир адашди. Мемо, аксинча оҳиста гап бошлади: товуши йўғону гулдирак солмайди. Салмоқлаб айтилган дона-дона сўзлар Аҳмаджоннинг хаёлини ўзига тортиб олди. Бу сўзлар унинг ўзига эмас, бошқа кишилар шаънига айтилаётгандай ағрайиб қолди.

— Дўстлар! — деди у, ўтирганларни кўздан кечириб, — бугун сиз билан биз икки партизанни, бизнинг сафимизда фашистларга, гитлер-

чи басқинчиларга қарши жанг қилаётган икки совет гражданини Италия коммунистик партиясига қабул қиламиз. Бу ўртоқлар бизнинг юртимизда, бизнинг сафимизда умумий душманга қарши курашда ҳаммага ибрат кўрсатдилар, мардликлари ва дўстга садоқатлари билан, бағриларининг кенглиги ва душманга беомонликлари билан, сўзда собитликлари ва қийинчиликка чидамлари билан... Бутун одам бўлиш қийин дўстлар. Отряд танг аҳволда қолганда, партизан дўстларининг қирилиб битиш хавфи туғилганда Аҳмад Мамажонов бошлиқ ватанпарварлар кўриниб турган ўлимдан қайтмадилар.

Ҳамма қарсақ чалди. Аҳмаджон жим, негадир елкасини қисиб олди. Хиёл қийшайиб ёнига — Турғунга қаради: унинг миждалари жиққа ёш, дув тўкилай деб турибди. Унга қараб ўтириб Аҳмаджоннинг ўзи ҳам унинг ҳолатига тушди.

— Фашистларнинг қийноқлари ҳам бу ўртоқларнинг иродасини буколмади,— Мемо сўзини улади.— Аксинча, қийноқлар уларнинг озодликка, курашга бўлган интилишларини кучайтирди. Лагерма-лагерь судралиб юриб уларнинг фашизмга бўлган нафратлари сўнмади, аксинча, вулқондек енгилмас кучга айландики, бу совет кишиларига хос ватанга садоқат, баҳодирликдир.

Бу ўртоқларни Италия компартияси сафига қабул қилайлик деб таклиф киритсам ҳаммаларингизнинг кўнглингиздаги фикрни айтган бўламан деб ўйлайман. Масалан, шахсан мен Аҳмаджонга ҳам, Турғунга ҳам бажонидил овоз бераман.

Қарсақлар анча вақт тинмади.

Божи ўрнидан қалқиб турди-да, қўл кўтарди:

— Мен гапирсам майлими?

Мажлис аҳли кулиб юборди.

Жино мийиғида кулиб:

— Сабр қил,— деди.— Кўриб турибсан-ку нотик ҳали ўрнидан кўзгалгани йўқ, яна нимадир демоқчи.

Мемо қўл кўтариб кулгини босди.

— Сизларга битта хушxabар айтиб қўяй дедим.— У одамларга қаради. Ҳамма жим бўлди, унга тикилди:— Отряд ҳаётида, эҳтимолки, энг муҳим хабар. Эшитгандирсизлар, немис фашистлари қўлларида чамадон, жуфтакни ростлаяптилар. Италиян фашистлари оёғи куйган товукдай типирчилаб юришибди. Агар ҳаракат қилмасак икки қўлимизни бурнимизга тиқиб қоламиз. Тўғри, гап шуки, фашист немисми, итальянми — қутурган ит. Уни ўлдириш керак, токи, у Италия тупроғидан тирик чиқиб кетмасин, биласизми биттаси ўнтадан одамни қопганда ҳам қанча одам қутуриши мумкин...

Кулги хонани бошига кўтариб юборди. Мемо ўз жойига қараб жилди. Савол уни ярим йўлда тўхтатди.

— Синъор Мемо, агар қаттиқ сир бўлмаса, айтингиз, қачон бошланади, қутурган итларни ялпи қириш?

— Йўқ, буни мен ҳам билмайман. Мен шуни биламанки, фашизмнинг санокли кунни қолди. Фашист итальянми, немисми, бари бир, ўзларини умумхалқ қаҳридан асраб қололмайдилар. Улар, агар жон керак бўлса, ё таслим бўладилар, ёки қириб ташланадилар. Буйруқ шу, дўстлар. Формациянгиз, ҳар бир партизан шай турсин.— У мажлисни давом эттир, дегандай Жинога имо қилди. Жино қўл кўтариб, ўзаро шивирлашаётган одамларни тартибга чақирди:

— Диққат, ўртоқлар! Қани кимда қандай фикр бор?

Божи қўл кўтарди:

— Мен тик турибман-ку?

— Марҳамат.

Александр билан Туран бахтли йигитлар экан,— деди Божи тантановор бир оҳангда.— Қаранги, булар улуг айём арафасида бизнинг партиямиз сафига киряптилар. Катта жанг нафаси ҳаммамизни шижоатга йўллаб турган шу буюк дамларда. Ўртоқларнинг сўзларига тўла қўшиламан, уларнинг иккэласи ҳам асл йигитлар!

Катта Бруно сўз олди:

— Бронемашинани портлатишда ҳалок бўлган навқирон йигит эсларингдами? Унинг жасадини Турғун неча километр жойдан тоққа кўтариб келган эди. Аҳмаджонни таърифлаб турмайман, унинг жасорати ҳаммага аён. Фашистлар уни тузоқларига илинтиролмамай армонда кетаяптилар...

— Қаёққа кетаяптилар?

— У дунёга.

— Яхши, ёрдамлашамиз,— деди Жино.

Аҳмаджон билан Турғунга ҳамма коммунист овоз берди...

Ҳозир шу овлоқда, майса устида якка ётганида ўртоқлари сўзининг таъсири унинг вужудини қамраб, кучли ҳаяжон кўзгалди. У осмон рангини, боши устида шабадага тебраниб турган ток навдасининг кўк-сарғиш баргларини ҳам ажратолмай қолди. Унинг кўзлари жиққа ёш, қотиб қолган дийдаси бирдан бўшашиб кетган эди.

Йўлкада оёқ шарпаси қулоғига чалинди. Бошини кўтармади. Турғун ёки Жино келаётгандир деб ўйлади. Шарпа эса, енгил, гўё оёқ учидан юриб келарди. Ҳаял ўтмай ширадор товуш келди. У сергакланди. Йўлкадай гапириб Нелли келарди:

— Йигитлар маъшуқаларининг йўлига поёндоз солиб юрибди, мен бўлсам синъоримни излаб сарсонман. Бу пиллапояларни тепкилай-вериб оёқларимда оёқ қолмади. О, у кишининг кўкракларини захга тутиб ётишларига ўлайми. Афсуски, гувоҳ йўқ, Турғун билан Элвирани бошлаб келсам бўларкан. Ким ситам ўтказдийкин менинг синъоримга. Салют, синъор!

Аҳмаджон қаддини тез кўтарди.

Нелли сумкасини елкасига осиб олган, қўлида қандайдир тугунча, гул-гул очилиб келаётибди. Синъор бўлса ўрнидан турмади, унга тикилганича ўтираверди. Нелли югуриб келиб, қўлидаги нарсани ерга қўйди-да, унинг чакакларидан ушлаб, кўзига тикилди:

— Муо!— деди у кулиб.— Вой ўлмасам, мен бўлсам ундан ўп-калаб юрибман, синъорим бўлса бу ерда хун. Ким ситам ўтказди сизга, айтинг, синъор, бориб юзларини юлиб ташлайман, ўша ярамасни!— Нелли гапдан тўхтамай, унинг бошини силаб кўксига босди.— Айта қол энди, вой нима бўлди ахир?

Аҳмаджон жилмайди:

— Ҳеч нима. Мени хафа қилишга бировнинг ҳадди сиғмайди...

— Ҳа, билдим, билдим,— деди Нелли ҳамон ярим ҳазил, ярим чин тарзда.— Ўша қизни соғингансан. Оти нима эди... Айтиб берақол... Вой, нима кипти ахир! Бориб бетини юлиб ташламайман-ку.

— Фаридани... Мен ахир...

— Ҳа, ўша Фаридани соғиндингми?— Унинг кўзига тик боқиб сўради Нелли.— Ростингни айт, унинг ҳам кўзида сеҳри бормиди?

Аҳмаджон Неллининг кўзига қараганича ҳийла жим ўтирди. Нелли ҳам киприк қоқмади. Ахийри Аҳмаджоннинг тоқати етмади: бу майин жозибадор кўзлар унинг борлигини қамрарди. Ё ўзига боғлаб олувчи сеҳр шуми? У бош тебратиб жилмайди.

— Эҳ, Сандро, Сандро!— дея хитоб қилди Нелли, ҳамон ундан кўз узмай. Бу кўзлардан Аҳмаджонга учқун, кўринар-кўринмас ўт сачрарди. Аҳмаджоннинг кўзлари пиррираб кетди. Нелли чақчақлаб кулиб юборди...— Айтдим-ку соғингансан деб...

Аҳмаджон бош чайқаб, унинг сўзини бўлди:

— Йўқ, топмадинг, менинг синъоринам...

— Айт бўлмаса... Ё қаттиқ сирми?

— Сендан яширадиган сирим йўқ. Бу бир кўнгил тўлқини. Биласанми, партия мажлисида менинг шаънимга шундай сўзлар айтдиларки, мен бунақа мақтовни эшитишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ эди. Биласанми, ҳаяжонимни босиб ўтиришга кучим етмайди деб қўрқдим... Кейин мажлис ёпилгач, партизан дўстлар мени ўртага олиб, бири-кетини қучоқлаб ўпавердилар. Мендан кўра улар хурсанд, эдилар.

Омон-эсон отрядга, ўз сафимизга қайтиб келганинг учун, ҳаётингда юз берган бугунги ўзгариш учун деб, мени қўлларида кўтариб роса ирғитдилар. Биласанми, аллақандай ички тутқаноқ вужудимни қамраб олди, улар бағридан бир амаллаб чиқдимۇ ўзимни бу ёққа урдим. Буни ё бақириб йиғлаш ёки якка ўтириб ўйлаш билан енгиш мумкин эди, холос. Шу дамда сенинг шарпангни эшитдим...

— Аҳ,— деб қўл силтади Нелли фироқ қилиб.— Эшитибсану ерни кучиб ётаверибсан-да. Мен тентак бўлсам, тезроқ етиб борай, табриклай деб, бу ёққа югурибман. Майли ўзинг билан ўзинг гаплашиб ётавер, мен қайтай. Мана буларни сенга ойим пишириб юбордилар, лимонли пирог ва печенелар, еб ўтир, мен кетдим...

Аҳмаджон типирчилаб қолди ва Неллининг қўлларидан маҳкам ушлаб, ёнига ўтқазди.

— Тушунмадинг, йўқ, тушунтиролмадим, менинг аразчи синъоринам. Ахир ҳолатим шунақа эди. Кечир мени.— Аҳмаджон унинг бошини икки қўллаб ушлаганича тикилиб турди-да, икки кўздан ўпиб сўради:— кечирасан-а?

Нелли бошини унинг қўлларидан аста тортиб олди-да, сарак-сарак қилганича чақчақлаб кулди:

— О, менинг кўнгил олишга уста синъорим, мунчалар айёр бўлмасанг.

— Менда айёрлик нима қилсин, олис элдан адашиб келган бир ошиқман.

— Адашиб бирон жойда йўқолиб қолмабсан, худо яна қайтарибди...

— Сен қайтариб келдинг...

Нелли бундай ҳолатларда кўпинча ноз ва ибо билан унинг туғёнини кишанларди. Аҳмаджон сўзини гўё оғзидан тушириб юборар, унга термилиб қоларди. Ҳозир эса Нелли уни ноз ўтида ёндирмас, аксинча «кишандан» озод қилган эди.

— Бу ажойиб юртда «йўқолиб қолмай» (Аҳмаджон унинг сўзи шу ўринда ўнг келиб қолганидан мамнун жилмайиб қўйди) сени, топганимдан жуда ҳам хурсандман. Сен покиза қалб эгасисан. Кўнглинг шу Лигурия денгизидек кенг, сокин ва жўшқин. Оғир ҳолатларда, ҳаётим таҳликада қолган дамларда сени ўйлайман. Кўнглим ёришади, хатарга чап бергим, яшагим келади...

Нелли иягини муштларига тираб олганча киприк қоқмай унга қараб ўтирарди. Аҳмаджон Нелли кўтариб келган тугундан бир пачка сигаретани олди-да, бир донасини тутатди, бир-икки бор тортиб, тутунини бурнидан чиқарди-да, ҳавода буралиб-буралиб кетишига разм солиб турди.

— Жонингда қасдинг борми, Сандро— деди Нелли кулиб.

Аҳмаджон индамади. Кўкиш тутунинг ҳалқасимон буралиб кўтарилишига қараб ўтираверди. У анчадан бери кўнглида сақланиб юрган гапни бугун, шу топда Неллига айтиш керакми-йўқми, деб ўйларди. Бу гапни ўша чекиниш олдида, разведкадан қайтиб келаётганларида айтишга оғиз жуфтлаган эдию бироқ: «Жинни бўлдингми, ҳозир-а?» дер балки, деб кейинга сурган эди. Дарҳақиқат, Аҳмаджон ўшанда Неллини бунчалик билмасди. Энди уларнинг ишқи синовлардан ўтди.

Аҳмаджон бу сўзни унга ҳозир айтишга, ақалли унинг кўнглини билишга аҳд қилди. Кейин шундай қулай, маврид келадими-йўқми?

Нелли унга сузилиб боқар, ҳамон киприк қоқмасди.

— Нелли,— деди Аҳмаджон. Нелли ҳамон ундан кўз узмасди. У сўзини улади:— Сенга айтолмай юрган бир гапим бор...

Нелли ўтирган ўрнида сергакланди, ҳатто сесканди.

— Бу гапни ҳозир айтаман. Агар...

Неллининг ранги хиёл оқариб, орқага тисарилди ва бош чайқади.

— Бизнинг муносабатимизни отрядда билмаган одам йўқ. Ота-

онанг, аканг Жино ҳам яхши билади, улар бир-бирини севади, деб юришибди.

Қиз ҳамон бош чайқарди, у тез ҳаракат қилиб, қўлининг орқаси билан Аҳмаджоннинг оғзини беркитди:

— Айтма...

— Гапни бошладимми, тугатишим керак,— деди Аҳмаджон,— қулоқ сол: сени қаттиқ севаман, менга турмушга чиқ.

Нелли: «А» деб юборди ва ўтирган ўрнида ирғиб тушди. Кейин худди шундай шахд билан турди-да, тез юриб кетди.

Аҳмаджон қўлидаги қушини учуриб юборган боладай ағрайиб қолди... Ўрнидан туриб унинг кетидан югурмоқчи бўлди, аммо Неллининг қораси аллақачон кўринмай кетган эди.

У отрядга маъюс, ҳатто ғамгин ҳолда кириб келди. Турғун билан Элвира шу ерда эдилар. Элвира унинг ҳолини кўриб кулди.

— Қиз болани чўчитиб юборибсан-да, йигит,— деди Элвира кулишдан тўхтамай.— Хафа бўлма. Бу ёғи яхши бўлади.

Орадан икки-уч кун ўтгач Аҳмаджон хат олди: «Қийин жумбоқ бердинг менга, синъор. Уни ечиш осонмас... Кўришгунча хайр. Нелли».

## XVI

Баҳор фасли ўз ҳуқуқини тўла эгаллаган эди. Оппоқ булутлар чўққида ғужғон ўйнашарди, гўё қатор туялар карвофи аста лапанглашиб борарди. Уқтин-ўқтин ёмғир савалаб, қояларни топ-тоза қилиб ювиб кетарди.

Ҳаммаёқ жимжит. Агар немисларнинг пастки тоғлардаги артиллерияларини америкаликларнинг осмонда туйқусдан пайдо бўлаган самолётлари ҳар замонда бомбардимон қилиб кетишларини инобатга олмаганда, бу ерларда уруш йўқдай эди. Отряд командирини шу «соейишталик»дан фойдаланди. Бўлинмаларни ҳужум бошлаш нуқта-ларига жойлаштирди.

— Буйруқ шу. Таслим бўлмаган фашистни отиб ўлдириш керак!— хитоб қилди Кикко.

Партизан-қўпоровчилар темир йўлни бир неча жойдан бузиб ташлашди. Денгиз ёқасида — Каррара билан бошқа шаҳар ва қишлоқларни боғлайдиган ягона катта йўлни ҳам ҳар жой, ҳар жойдан кесиб, ўзларига плацдарм очиб олдилар.

Аҳмаджон хизмат қилаётган Luccetto<sup>1</sup> отряди вилоят пойтахти Каррара марказини эгаллаши керак эди. Энг қаттиқ жанглар борарди. Отряд фашистларни анча пастга суриб ташлади. Икки қанотидан ҳам сиқиб бориб, ўзи Дарма тоғининг кунчиқар томонига ўрнашиб олди. Кун ботиш томондаги пастликда эса, фашистлар истеҳком қурган эдилар.

Божи билан Аҳмаджон ёнма-ён ётарди, ҳали тонг ёришгани йўқ. Осмоннинг у ер-бу ерида яккам-дуккам юлдузлар кўз юмар эди. Рўпарада денгиз ел уриб турибди.

Неча кундирки, Аҳмаджон мижджа қоққани йўқ. Кўзи юмилиб, мудраб кетаверди.

— Хиёл мизғиб ол, тетик тортасан,— деди Божи.

У ёнбошлаган эди, ёнидаги каттагина тош халақит берди. Кўчириб ёнбошига қўйди. Мундоқ қараса, тош тагида кўкимтир илон кул-

<sup>1</sup> Luccetto — 1921 йилда Муссолинига суиқасд қилган, бироқ граната портламай қолган. Кейин у Францияга қочган, 1940 йилда Италияга қайтиб келиб, Муссолинига тўпончадан ўқ узган, аммо ўқ тегмаган. Фашистлар тутиб олиб ўлдиришган.

ча бўлиб ётибди. Бошини аста кўтардию айри тилини чиқариб вишиллай бошлади, гўё нега инимни буздинг, деб дўқ урарди. Аҳмаджон ҳаялламай милтиқ қўндоғи билан илоннинг бошини янчди-да, думидан ушлаб пастга, фашистлар ўрнашган томонга улоқтирди:

— Сенларга совға!

— Бу жангда омон қолдинг, йигит,— деди Божи.

— Бу жанг,— деди Аҳмаджон ўйчан ҳолда.— Ким билади дейсан...

— Газанданинг бошини янчдинг, укам... Заҳарли илон эди. Ухлаб қолганингда ёнбошингдаги тош сурилса чақарди.

Аҳмаджон тошга ёнбошини қўйиб, ўйлаб ётди. Кейин Божига аста деди:

— Мени қассоскорлик руҳи сақлаб юрибди шекилли, бўлмаса ўлигим одам топиб келолмайдиган жойларда қолиб кетармиди.

Божи индамади. Рўпарасига кўз тикиб жимиб қолди. Аҳмаджонни ҳам ҳаёл ўз оғушига олди.

...У уйдан чиққанида — уруш унинг учун душманни ватан тупроғидан қувиш эди. Аммо жанггоҳ манзарасини ўз кўзи билан кўргандан кейин, у душманни қувишнинг ўзи етмаслигини, уни йўқ қилиш зарурлигини билди. Бошқа солдатлар қатори у ҳам кўринганини отди, душман тутдай тўкиляптию ўлигини босиб кириб келяпти. Танклар бостириб, самолётлари снаряд ёғдириб... «Емон қовуннинг уруғи кўп деганлари шуми ё?» — кўнглидан ўтказди Аҳмаджон. Шунча яшаб, шунча ўқиб фашист деган сўзнинг маъносини шу жанггоҳда билди:

— Жирқанч, одамхўр... Йўқ, эҳтимол одамзод ҳали бу қаттолликни ифодалайдиган сўз топмагандир. Топади!..

Бу жойда, Италиянинг мрамор тоғлари оралиғида ҳам у итальянлар билан биргаликда фашизмни йўқ қилиш учун уруш олиб борапти. Мана энди Аҳмаджон билган дастлабки уруш тушунчаси ҳам теранлашди, ҳам кенгайди. Демак, фашизм дунёнинг қаерида бўлмасин, жаҳаннамга кўмиб ташлаш керак, токи у қайта униб чиқмасин. У қайта унмаса олам гулистон бўларди-я!

Аҳмаджон ҳозир ўзини Берлин бўсағаларида ҳаёт-мамот жанглари олиб бораётган буюк Озодлик аскарлари қаторида кўриб илжайди..

Андижонда, катта томоша жойда эмиш. Атрофи одамга тирбанд. Бир-бирига тираб ташланган аравалар устида хотин-халаж, бола-чақа араваларнинг шотиларига миниб олишган. Патнисларда ҳолва, обидандон, тешик кулча ва хўроз қанд сотиб юрганлар кўпмиш.

Уртада отлиқлар. Ҳар отлар, ҳар чавандозлар. Уч яшар новвос танасини маъракабошининг рўпарасига ағдариб ташлашди. Отлиқлар шу ерда тўдаланишди... Шу топда Аҳмаджоннинг амакиси бир оқ отни етаклаб келди: бўйни, оёқлари узун от, ер тепиниб гижинглайди, тўдага интилади, амакиси уни Аҳмаджонга рўпара қилди. У ирғиб минди-да, қамчинни тишлаб, отнинг жоловини тортди, от олдинги оёқларини кўтариб кишнади. Ачаби хола арава устидан: эҳтиёт бўл, болам, олиб қочмасин, деб қичқирди, дадаси омад ёр бўлсин, деб дуо қилди. Оқ от ўзини тўдага урди...

Аҳмаджон сапчиб қаддини кўтарди, ёнбошидаги тош пастга юмалади. Тош кетидан пастга тош сапчиди. Икки томондан баравар ўқ узилди, пулемётлар ва миномётлар ишга тушди, тўплар гумбирлади. Партизанлар қийқариб, ҳайқариб пастга сурилишди. Аҳмаджон немисларнинг орқа-олдиларига қарамай, ҳатто милтиқларини ташлаб қочишларини энди кўрди. У ҳайқариқ солиб суриляётганда бир-икки умбаллоқ ошиб тушди. Пастга тушганида сезді: орқаси жизиллаб ачишарди, шағал кўйлагининг орқасини илма-тешик қилиб юборибди. Қурақларидан қон оқарди. Оёғида бирпой ботинкаси йўқ, аллақерда қолиб кетибди, бир пойи оёғидаю тумшуғи очилиб ётибди. Аммо ҳозир на оғриққа, на оёққа парво қилади, фашистни қувиш, отишдан ўзга ҳеч нима кўзга кўринмайди.

Пастқамликдаги бир қоровулхона олдида уч кишининг қораси

кўринди. Аҳмаджон, Божига ва Жино уччаласи шу ёққа югуришди. Келишса ўрта ёшлардаги солдат энгашиб водопроводдан сув ичарди. Жино унинг думбасига тепди, боши дўқиллаб кранга урилди. У ўгирилиб қарадию қалт-қалт титраб қўл кўтарди. Божига унинг елкасидаги милтиқ билан ёнидаги тўппончасини олди.

— Шерикларинг қани?— деб сўради Жино солдатдан, у уйга ишора қилди.

Қоровулхона эшиги ичкаридан берк эди. Жино эшикни тепса ҳам очилмади. Аҳмаджон:

— Уй қуршаб олинган, қуролларингни ташлаб, қўл кўтариб чиқинглар, акс ҳолда уй портлатилади,— деб қичқирди.

Салдан кейин эшик очилиб олдин майор, кетидан кўйлакчан, ялангбош, ялангоёқ киши чиқди. Уйда қоровул чол шошиб кийимларини киярди. Унинг гапидан маълум бўлдики, бу киши немис-фашист қисмларининг командири экан, чолнинг кийимларини кийиб қочибга шошилибди.

Аҳмаджон майор Гансни таниди.

— Айтингчи майор, Шульц қаерда?— деб сўради ундан.

Майор Ганс Аҳмаджонни танимади: гоҳ унинг афтига, жулдур уст-бошига, гоҳ оёғига қараб турди-да, истехзоли жилмайиб, бош чайқади. Ганс-ку уни бор-йўғи бир марта, Шульц ялтироқ таёқчаси билан уриб, югуртираётганда, «қулликка» тайёрлаш машқини ўтказаетганда кўрган эди, холос. Лекин ҳозир Аҳмаджонни танишлари кўрганларида ҳам танишлари гумон эди. «Мен сизни танимайман», деди-ю, лекин мийиғидан ҳамон истехзоли кулги аримай, жавоб қилди:

— Шу ерда, учрашиб қолсангиз ажаб эмас.

Икки партизан асирларни тоғ устига, штабга олиб кетди.

Аҳмаджоннинг юришига мажолли йўқ эди. Қоровулхонада қолди.

Партизанлар ҳужумни тўхтатмай, фашистларни тоғма-тоғ пастга суриб кетдилар. Орадан кўп ўтмай Турғун қоровулхонага Элвира билан Неллини бошлаб келди. Қизлар дарров Аҳмаджоннинг яра-чақаларини ювиб, дори суриб, бинтлаб қўйдилар.

— Қара-я,— деди Нелли унинг ҳолига ачиниб,— билганимда уйдан уст-бош олиб келган бўлардим. Бориб кела қолайми, бу аҳволда юролмайсан-ку?

— Бу отишмалар ичида қандай ўтиб боришни ўйлаб кўрдингми?— Элвира эътироз билдирди.— Бунинг устига немислар ҳамма йўлни беркитиб олганлар. Бу ёқдан ўтадиган одамни эса, ҳеч суриштирмай отадилар.

— Сандро шу ҳолида жанг қиладими? Ўзимизнинг йўлимиз бор-ку!

— У ҳам берк.

Аҳмаджон қизларнинг баҳсига жим қулоқ солиб турди-да:

— Раҳмат, Нелли, ҳожати йўқ, шу ердан топилади,— деди.

— Бировни ечинтирасанми? Кимни— кулди Нелли.— Элвира иккимизни ечинтирмасан деб умид қиламан. Ахир, уят-ку. Ё отани ечинтирасанми? Ҳилвираб турибди унинг усти-боши, яна бир сурилсанг тамом. Ё ўлик тунайсанми?

— Йўқ,— деди Аҳмаджон, чолга кўз қисиб илжайди.— Улик тунашни фашистларга буюрсин. Биз янгисини киямиз.— Бурчакка бордида, усти ёпиб қўйилган кийимларни тез олиб кийди, этикни оёғига тортиб, шапкани бошига илди.— Ҳўш, қалай, ярашдим?

Ҳамма баравар: «Оҳ-о!» деб юборишди.

— Қаердан олақолдинг бунинг?— сўради Турғун.

Чол полковник билан майор уйга қочиб кирганини, ранги ўчиб кетган полковник ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, ўз уст-бошини ечиб, уни қистаб ечинтира бошлаганда партизанлар бостириб кирганларини сўзлаб берди.





Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

Хужум давом этарди, жанглар жилғаларда, умумзор, пиллапояларда ва дарахтзорларда борарди. Партизанлар бутун Дарма тоғида фашистларнинг нафас олишига имкон бермай, қадам-бақадам қувардилар. Аҳмаджоннинг ёнида Турғун, Жино, Божи ва ака-ука Брунолар бор эди. Ҳамма ҳужумкорлик руҳида эди. Аҳмаджон Турғунга Шульцни гапириб:

— Наҳот, ўз қулларини бир кўришни хоҳламасалар,— деди.

— Ҳали жанг давом этипти, бир жойда биқиниб ётгандир.— Шошма, учраб қолар,— деди Турғун.

Аҳмаджон узумзор супада, боғбон майда-чўйдаларини кўядиган ҳужра ёнида теварак-атрофга разм ташлаб турарди. Ногоҳ пастда бировнинг новча гавдаси кўринди. У хиёл энгашиб югурар, пастки жилғага тушиб олишга шошилларди. Аҳмаджон унинг кетидан қувлаб кетди. Анча яқинлашгач, югура бора туриб унинг орқасидан ўқ узди. Уқ Шульцнинг оёғига тегди, у оқсоқланиб бориб йиқилди, Аҳмаджон беихтиёр орқасидан келаётган Турғунга ўгирилиб қаради, шу аснода иккинчи ўқ Шульцнинг тўппонча ушлаган қўлининг бўғинини тешиб ўтди. Аммо буниси Аҳмаджоннинг ўқи эмас, у ҳайрон бўлди. Қайси мерганнинг иши бу? Турғун ака отдими? Ё...

— Олдин қурол тутган қўлини ишдан чиқармай, оёғига уриб нима қилардинг, ё қочади деб қўрқдингми?— деди Турғун жиддий тарзда.

— Миянгнинг қатигини чиқарса, мен дардимни кимга айтиб йиғлардим, синъор.— Нелли унга кулиб аллақандай ўтли қаради.— Ё менга ўқ тегмайди деб ўйлайсанми?

— Сен борсан-ку, кўнглим тўқ эди.— Жавоб Неллига жуда ёқди.

— Нелли бўлмаганида миянгнинг қатиги чиқувди, укам,— Турғун кулди бу сафар.

Аҳмаджон ўнғайсиз ҳолдан чиқиш учун ёнбағрида яраланиб ётган Шульц томон бурилди:

— Хўжамнинг ҳолларидан хабар олай, тагин жаҳллари чиқиб бошимга таёқ туширмасинлар,— деб истеҳзоли кулди.

— Шунча уруш кўриб ақлнинг кирмабди, деб таёқ туширсалар арзийди,— кулиб унинг кетидан эргашиди Турғун.

Қон кўп кетганидан Шульцнинг ранги докадек оқариб кетган эди.

Аҳмаджоннинг буйруғи билан унинг қўл-оёғини дорилаб, бинтлаб қўйдилар. Қон кетиш тўхтади. У тинчиб беҳолликдан кўзини юмиб олди, шу куйи хийла ётди. Кейин кўзини очди, аммо Аҳмаджонни таниёлмади. Тикилиб ётиб ёжинди: рўпарасида ўзининг қочоқ қули, калтаклаб лаббайғўй қилиб олмоқчи, тишларини қоқиб ташламоқчи бўлган, кейин уни топишга қидирув буюрган ўша «иркит», ўша «болсавик» турибди. У кўзларини маҳкам юмиб, тишини ёжирлатди:

— Отиб ташла, қийнама, номард!

— Отиб ташлаш ҳеч гапмас. На армон қолади сизда, на буюк Германияда энг катта қулдор бўлиш умиди қолади,— деди Аҳмаджон ва унинг юзига қаради, у ҳамон кўз очиб қарамас, оғриқдан буришган ранги докадек оқ, ҳатто кўкиш эди.— Мана шу тоғда этингизни қузғунлар ейди, суягингизни итлар ғажийди...

— Отиб ташла, номард, жоним қийналиб кетди.

Аҳмаджоннинг кулгиси қистади.

— Жон ширин эканми?— сўради у кулгисини босиб. Шульцнинг афтига тикилиб давом этди:— Каррарада мени қул қилмоқчи бўлган кунингиз қаерда кўрганлигингизни эслаёлмаган эдингиз. Ноехаммер, Мохавец, Силезия эсингиздадир? Темирни ўтда қиздириб, асирлар пешонасига, кўкрагига бостирганингизда улар оғриқдан фарёд чеккан, сиз маза қилиб кулган, юлдуз тамғаси солдирган эдингиз. Сизни номард, одамхўр деб сўккан асирнинг тилини тилдирдингиз. Агар эсингизда бўлса, менинг гапирадиган тилимни кестириб, қочадиган оёғимни чоптириб ташламоқчи эдингиз...

Шульцнинг қўл-оёғига зирқироқ югурди шекилли, соғ оёғини ерга уриб додлади.

— Мени отиб ташланглар, яхшилик қилинглар,— деб йиғлади Шульц.

— Кўрдингизми, жаноб,— деди Аҳмаджон,— жон оғриси, «яхшилик» деган сўзни тилга олар экансиз. Сиз умрингизда ҳеч кимга яхшилик қилганмисиз? Йўқ, сизнинг имонингиз бўлган фашизм эзгуликнинг душмани. Эзгулик эса ҳаром жойга сиғмайди.

— Фрау, сиздан ўтинаман.— Шульц Неллига мурожаат қилди.

— Йўқ,— деди Аҳмаджон.— Миянгишнинг қатиғини чиқармаганимнинг сабаби сизга яхшилик қилмоқчиман. Отиб ташламаймиз. Сиз ўзларингиз чиқарган урушдан экспонат бўлиб қоласиз. Германияга қайтиб борасиз. Ҳарбий марш олдига тушиб эмас, йўқ, бу парвоз қилган вақтингиздаги хом хаёлларингиз эди. Энди сиз Германияга қўлсиз, оёқсиз борасиз. Фашизм чиқарган уруш даҳшатини эслатиб юрасиз. Токи немислар бундан буён фашист уруғини тарқатмасинлар.

— Ҳалол урушмайсиз,— деди Шульц.— Ҳалол урушганингизда кўрардингиз.

— Сиз Қаррара комендант Шульцсиз,— деди гапга қулоқ солиб, жим турган Жино.— Қишлоқлардан озиқ-овқатлик олиб, гилдирак араваларда тортиб кетаётган юз чоғли аёл-кампири саройга қамаб, ёндиртириб юборган қаттол сиз-ку, тагин ҳалоллик даъво қиласиз. Афсуски, ярадор ҳолатда кўзимга кўриндингиз, бўлмаса, ҳалол урушни кўрсатиб кўярдим. Бизда йиқилганининг устига чиқиб тепмайдилар. Қани кетдик, оғайнилар.

Улар олдинлаб кетган партизанларга етиб олиш учун катта-катта қадам ташлаб юрдилар.

— Биласизларми, дўстлар,— деди Аҳмаджон йўлакай, қадамини суслатиб.— Баъзан кечалари уйқум қочиб кетади, хаёл сураман: олам фашизмдан қаттиқ вайрон бўлди. Фашистларнинг инсониятга қилган ваҳшийликларини таърифлашга сўз тополмайман: «душман», «баттол», «қаттол», «одамхўр»,— йўқ, буларнинг ҳеч бири буни тўла ифодаламайди. Афтидан, инсониятнинг ўзи бу тушунчани тўла ифодалайдиган сўзни ҳали топгани йўқ...

— Топади!— деб хитоб қилди Жино дўстининг сўзини бўлиб.

— Топади. Олдин ўзини йўқ қилиб олайлик,— деди Турғун,— у ёғи кейин...

Кеч кирган, шаҳарнинг у ер-бу ерида отилган милтиқ товуши эшитиларди. Кейин, тун ярмидан оғганда ҳаммаёқ жимиб қолди.

## XVII

Урушнинг нафаси ўчди. Ҳаммаёқ бирдан жимиб қолди.

Партизанлар тўппа-тўғри Лигурия ёқасига келишди. Заҳматкаш денгиз сокин, қирғоққа аста урилиб шовқинсиз тисарилади, майда силлиқ шағал шув этиб сувга эргашади, денгиз уни яна суриб қирғоққа келади-да, уҳ дейди-ю аста қайтади. Улар бир-бирларига қараб туришдилар-да, қаҳ-қаҳ отиб юбордилар.

— Наҳот уруш тугади?— деди Турғун бу ғайри табиий жимликдан ҳайрон бўлиб.

— Тугади!— деди атрофга қулоқ солиб турган Жино.— Ахийри, бугун куни битган экан.

— Қулоқларимга ишонмаяпман,— деди Аҳмаджон.— Наҳот... жанглар орасидаги сукунатга ўхшайди. Ғалати бўлар экан.

— Бу умр боқий сокинлик, укам Сандро, қулоқларингга ишонавер.

— Тортган машаққатларимиз, берган қурбонларимиз эвазига. Денгизни қара, қурбонларни хотирлагандай аста, улуғвор тебранаяпти,— деди Божи ўйчан ҳолда.

Улар автоматларининг сумбасини ерга қаратиб, елкаларига осган-ларича бир-бирларини қўлтиқлаб шаҳар марказига қараб юрдилар.

Тоғлар сукутда, гўё оғир ўй сурадди. Инсон болалари бир-бирини ўлдириб, тўккан қонлар унинг бағрини буюк ғамга тўлдириб ётибди. Ахир мрамар қоялардаги кўлмак-кўлмак қонлар ҳавога учиб кетгунча қанча вақт қуйилиб ётди! Эҳтимол, шу дардни, инсон фожиаси дардини у бағрида узоқ сақлар, келгуси авлодларга эслатиб ётар...

Тонгдан шаҳар жонлана бошлади. Сўнгги ой давомида инларидан бош чиқаришга ҳад қилолмаган кишилар у ёқ-бу ёққа аланглаб, кўчага аста чиқишди. Отишмалардан қочиб, олис овлоқларда жон сақлаганлар туркум-туркум қайтиб келишди. Дўкондорлар дўконларини очди, қассоблар қанорларига гўшт осиди.

Инсон паноҳида яшайдиган қушлар гала-гала келишди, мусичалар, каптарлар дарахтларга, пирамонларга чўп ташиб, ин қуришга тутиндилар...

Шаҳарга қайтиш давом этарди. Тўда-тўда, оила-оила бўлиб, аравачаларини гилдиратиб, гўдакларини кўтариб, ё лаш-луш устига ўтказиб қайтишарди. Бир оила орқасида елкасига узун кул ранг рўмол ташлаб, ҳассасини дўқиллатиб, оёғини аранг судраб бораётган озғин чол кўча бошида тўхтади. Кейин у ёқ-бу ёққа аланглади, ўзи чўмилиб катта бўлган денгизу шу кўчани энди кўраётгандай эди. У титроқ қўлини кўтариб, ҳеч кимга, ҳеч нимага эътибор бермай гапира кетди:

— Битта тирроқи бузоқ бутун подани булғатади. Биз итальянлар зотидан чиққан битта Муссолини ҳукмдор бўлиб, итальянлар номини бутун жаҳонга бўлғади. Қанча йиллар юртнинг ҳаловатини ўғирлади. Озмунча гўдак отасиз қолдимиз? Мана буларнинг отасини осиб ўлдиришди ўша одамхўрлар. Улган-ку кетди, унга ҳеч нима керакмас бу дунёда. Мана бу гўдакларни ким боқади энди?... Партизанлар ўзини ушлаб дорга осидибди, хўп иш қилишибди...

Чолнинг гапига қизиқиб қулоқ солиб турган бир йигит кулимсираб деди:

— Доклад жуда узун бўлиб кетди, отахон. Ҳеч кимнинг қулоғига кирмайди. Қоронғи тушмай уйга етиб олганингиз ғанимат.

Чол йигитнинг кетидан қараб турди-да, деди:

— Тўғри айтасан, болам, ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ менинг гапимга.

Шаҳар тобора гавжумлашар, ғовур кўчани тўлдирарди. Трамвайлар атрофига қийқириқ солиб юра бошлади.

Жимиб, қарийб тўхтаб қолган ҳаёт оқими кўзғалиб кетди.

Орадан уч кун ўтгандан кейин, ўнинчи апрелда шаҳарга америкаликлар кириб келдилар: тартиб ўрнатувчи ғолиб сифатида.

Итальянлар кулишди:

— Тайёр ошга баковул!

Кўча ёқасида бу манзарани кузатиб турган Аҳмаджон билан Турғуннинг мийиқларига кулги югурди.

— Қани биз ҳам ўз қўшхонамизга кетдик, ака,— деди Аҳмаджон.

## XVIII

Кунлар гўё пойгадаги учқур отлардек бир-бирини қувиб ўтарди.

Аҳмаджон шу кунларда радиоприёмник олдидан қарийб жилмади. Совет мамлакатадаги воқеалар билан бирга яшади. Қўшинларимиз эса, жанг ҳаракатларини Берлинга кўчирган, энди фашистларни ўз инига қамаб янчар эди. Бутун жаҳоннинг кўз-қулоғи урушнинг сўнгги нафаси ўкириб турган Берлин кўчаларида эди. Рейхстагга ғолиб Қизил байроқ тикилди. «Ура!» садоларини эшитганда Аҳмаджоннинг асаб томирлари бирдан бўшашиб, ўзини стул суйанчигига ташлади. У қанча вақт шу ҳолатда ётди, ўзи билмайди, лекин кўзини очиб ёнига қара-

ганда Турғун, Павел ва бошқа партизанлар донг қотиб ухлаб ётишар, ҳали тонг отмаган эди.

— Ғалаба! — деди у, кўзларини ишқалаб. — Ғалаба, дўстлар, Рейх-стагга Ғалаба байроғи тикилди. Ура! — дея ҳайқириб юборди.

Ҳамма баробар сакраб турди. Бошқа хоналардаги партизанлар ҳам чиқиб келишди: Ҳаммалари қучоқлашиб ўпишар, бир неча партизан Аҳмаджонни, Турғун билан Павелни қўллариди кўтариб ирғишар, «Ура!» «Вива Совет!» — Яшасин Совет Иттифоқи! — деб қичқиринишарди.

Севинчининг ҳадди йўқ. Жино билан катта Бруно Аҳмаджоннинг елкасидан тортқилаб судрашарди:

— Эшиқдингми, Гитлери ушлашибдимми-йўқми? Уша қаттол бир ёққа қочиб қолмас бас! Уни ўлдириш оз. Бўйнига лаънат тамғасини ёсиб, юзига қора суртиб ҳамма мамлакатларни айлантириб юриш керак, токи унинг юзига ҳамма тупурсин.

— Э,— деди Божи кулиб,— шунча вақт сарфлаб юрадимми. Берлиннинг ўртасига баланд дор қуриб уни осиб қўйиш керак, токи немисларнинг ўзлари фашистдан жирканадиган бўлсинлар.

Тонг ёришиб, кун чиқа бошлаганда партизанлар қароргоҳи бўлган мактабга Нелли билан Элвира югуриб келишди. Иккиси шод-хуррам, Аҳмаджон билан Турғунни, ҳамма партизанларни совет қўшинларининг Германия фашистлари устидан эришган буюк ғалабаси билан табрикладилар.

Улар кетидан чолу кампир Круделлилар келишди. Мўйсафид ҳаяжони кўксига тикилиб зўрға юрарди. Йўлакай ҳансираб гапирар, совет халқи шаънига, ғолиб совет қўшинлари шаънига бисотидаги жамики яхши сўзларни айтиб хитоб қилиб келарди. Кампир эса, кўзларида севинч ёши, бирон сўз айтолмас, ҳамма раҳматлари шу севинч ёшига фарқ эди. Улар иккаласи Аҳмаджон билан Турғунни, Павел билан Андрейни ўпиб, бағирларига босдилар. Мўйсафид ҳаяжонини хиёл босиб олгач: *Liberozioue!* Озодлик! — деб хитоб қилди. — Ҳаммамиз орзиқиб кутган шу кун ниҳоят келди, болаларим. Шу кунга етказгани узун худонинг ўзига шукр. Ана кўринглар-а, қуёш ҳам Ғалабани табриклаб ярқираб чиқди. Бу кунни катта байрам қилиб, қўшиқ айтиб ўтказиш керак. Келинлар, шу байрамни бизнинг ҳовлида ўтказайлик. Ие, — деди у, қизларга кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб. — Ҳалиям шу ердасизлар, мен сизларни аллақачон уйга етган, дастурхон тузатаётган десам! Эҳ, қизлар! — чол қўл силтади. Қизлар учиб кетишди. Кампир кулди:

— Кечикдинг, чол. Дастурхон энди эсингга келдимми?

Чол кулар, хотинига қараб, боши чайқаб дерди:

— Ростми? Биз ерни гурсиллатиб босиб юрган вақтлар ўтиб кетди. Буниси тўғри, тан олиш керак, на чора. Ёнимда ётган хотин қачон туриб кетганини пайқамабману, — у ҳамон бош чайқаб ва куларди. — Қарилик ўз ишини қилади, буниси ҳам тўғри. Аммо шу кунни кўрдим, беҳад миннатдорман. — У йўл-йўлакай яна тўлқинлана бошлади.

Аҳмаджон чолнинг кетидан борар ва ўйларди: «Мана бир ярим йилдирки, у Италиянинг ана шу бурчагида, донм жўшиб, тошиб юрадиган қўшиқчи халқ вакиллари билан ҳамдам, ҳамдард. Улар билан елкама-елка туриб жанг қилди, бир бурда нонни бўлиб ейишди. Бугун Нелли жуда шод. Хўш, нима деркин, нима жавоб айтаркин? Росиман, Сандро, деса бу севинч унинг кўксига сиғармикин?...»

— Болаларим, — деди мўйсафид қўлини баланд кўтариб. — Бугун ёмонлик патарат топиб, эзгулик ғолиб келган кун, инсоният ҳаётида энг улуғ кун, қақчақлашиб, яйрашиб ўтиринглар.

Дастурхон ҳовлидаги узун столга тузалган эди. Икки томондаги тик сўрида ток барглари яшнаб турибди. Ҳовли боғчага уланади. Лимон, апельсинлар... Анжирлар дарахт бўлиб ўсган. Бу яшил чорбоғ этаги денгизга туташган. Круделлиларнинг ҳовлиси шу.

Аҳмаджон ўзини меҳмон ҳис қилиб ўтирмади. У меҳмонларни тўрага ўтказди. Ўзи этакка, мўйсафиднинг ёнига ўтирмоқчи эди, Элвира мулойим жилмайиб келди-да, бу жой эгалик, сенинг жойинг мана бу деб Турғуннинг ёнига ўтказди.

Қадаҳлар тўлдирилди. Мўйсафид Круделлининг ўзи солган қўлбола мусаллас бўйи гупура бошлади. Нелли келиб Аҳмаджоннинг ёнидан жой олди, Элвира Турғуннинг ёнига ўтирди.

Павел ўрнидан турди. Ҳаяжондан унинг қадаҳ ушлаган қўли титраб-титраб кетар, ёноқлари хиёл учарди. Ҳамманинг кўзи унда, у эса, гапини бошлаёлмасди. Ахийри, лабини ялаб-ялаб деди:

— Кечирасизлар, кўнглингдагини дарров айтолмайдиган дамлар ҳам бўларкан. Ҳозир шу ҳолатда қолдим.... Ҳа, бу ёққа келаётганимизда отахоним, бугун энг улуғ кўн дедилар. Яшасин Советлар, дедилар. Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Чиндан ҳам бугун ёвузлик емирилган кўн. Ёвузликдан жабрдийда бўлган ҳамма халқлар. Яшасин Советлар, деяпти. Биз совет кишиларимиз. Фашизм асоратидан қочиб, сизларга қўшилдик. Сизларнинг ёнингизда жанг қилиб, шу ғалабага оз-моз ҳисса қўшдик. Италия халқининг равнақ топиши учун, тинчлик учун!

Ҳамма қадаҳ кўтарди. Мўйсафид Круделли қадаҳни бир симиришда бўшатди-да, газлагига ҳеч нима тотмади, бир бўлак оқ қоғозга лабини артди-да:

— Баракалла, оламда тинчлик бўлсин,— деди. У ҳамон меҳмонларга қараб жилмаярди. Умуман, у серзавқ, нотик одамларни яхши кўрарди. Бир вақтлари унинг ўзи ҳам Павелга ўхшаш навқирон, нотик йигит эди. Ҳа, кампири ўшанда, ўн саккизни энди босиб ўтган қиз, унинг серзавқлиги, нотиклигини яхши кўриб теккан эди.

## XIX

Бугун халойиқ денгиз бўйига кўчиб чиққандай эди. Тик турганлардан илиқ кум устида ётиб, ўзларини офтоб нурига тобланаётганлар кўп. Денгиз ичида сузиб юрганлар, шўнғиётганлар, елканли, елкансиз қайиқларда сайр қилаётганлар ундан кўп. Хуллас, соҳил ва денгиз гавжум. Аравачаларда эскимо, мороженое, ҳар хил пирожнилар сотиб юрганларнинг ўз таомларини мақтаб, харидор чақирган товушлари умумий шовқинга сингиб йўқоларди.

Соҳилдан анча ичкарида якка қайиқ тебраниб, гоҳо қалқиб юрибди. Қайиқ ичидаги резина тўшак устида трусичан бир йигит чўзилиб ётибди. Қайиқдан нарироқда, сув бетида бир қиз чалқанча ётибди. Денгиз гўё унинг ҳад-ҳудудсиз парку тўшаги. Бу тўшак уни тебратиб аллалайди.

Кўкка тикилиб, ҳаракатсиз ётаверишдан унинг ичи пишди шекилли, бирдан қўлларини эшкак қилиб сув шапиллатганича қайиқ олдига сузиб келди-да, балиқдай сакраб чиқиб олди, қайиқ лапанглаб қийшайди, ичига сув кирди.

— Нима бало, ухлаб қолдингми, Сандро, қўлимдан тортиб олай ҳам демайсан? — чақчақлаб кулди қиз.

— Хўп шўхликларинг бор-да, Нелли, қайиқ ағдарилса, иккимиз ҳам денгизга кетамизу.

— Балиқ бўлиб яшаймиз.

— Йўқ, балиқларга ем бўлаемиз.

Нелли кулиб, қайиқни қаттиқроқ қимирлатди. Сандро чўчиб, ирғиб турди.

— Шундай чаққон, абжир йигит, битта қизни сувдан кўтариб чиқолмайсанми?

— Сени кўтариб чиқиш ҳеч гапмас, аммо бехосдан...

У кафти билан Аҳмаджоннинг оғзини беркитди:

— Баҳона қидирмай қўя қол, ундан кўра, ҳа, ухлаб қолувдим дегин. Нима шўхлигим ёқмайдимми?

— Нимага энди,— Аҳмаджон унинг кўзларига тикилиб қолди.— Жуда ёқади.

— Биласанми, Сандро, нимагадир бугун ўзимни қўйгани жой тополмаяпман, юрагим тошиб кетяпти.

— Нимага?

— Кўзимга кўп тикилма. сеҳрланиб қоласан.

— Сеҳрланиб бўлдим.

— А? — Неллининг юз-кўзи ял-ял ёнарди.

— Ёруғ, ёниқ экан кўзларинг...

— Ана шу чайкалардек учиб кетгим келяпти... Уларнинг парвозини қара, денгизга тўш уриб учинини қара. Уларнинг армони бормикин? — у қулочини кенг очди, балетчи қизлардек оёғи учида олисларга кўз тикиб турди.

— Бўлса бордир...

— Аниқ жавоб эмас бу... — у қайиқни оёқлари учи билан бир силтадию қанотларини қоқиб кўтарилди. Қайиқ қаттиқ тебраниб шалоплаганича анча жойга сурилиб борди. Аҳмаджон ўтириб қолди, шошилганидан эшкак ҳам эсига келмасди. Икки қўллаб қайиқ қиррасига ёпишиб олди. Қайиқ тебранишдан тингунча бош кўтаролмади. Кейин у ёқ-бу ёққа аланглади. Нелли ҳеч жойда кўзга чалинмасди. Бу ҳол шундай туйқусдан рўй бердики, қаёққа қарашга унинг ақли шошди... Бир маҳал Нелли анча нарида, денгиз ичкарисиди сувдан бош кўтариб чиқди-да, қўл кўтариб қичқирди:

— Сандро! Қани мени қувиб ет-чи.— Чиндан ҳам у денгизда оққушдек тўш уриб борарди.

Аҳмаджон қайиқни зўрға тиндирди. Эшкакларни тез эшиб ҳайдади. Нелли ўқтин-ўқтин орқасига бир қараб оларди-да, сув бетида сузиб эмас, учиб борарди. Аҳмаджон ҳеч ёққа қарамай бор кучи билан эшкакларни эшиб, қайиқни унинг кетидан учирди. Бир маҳал қараса, «оққуш»нинг қанотлари қимирламас, мадори кетиб, денгиз сиртида шалпайиб ётибди. Кучсиз тўлқинлар унинг бошини гўё кўкраклариди кўтариб турибдилар.

Аҳмаджон дарҳол уни қайиққа олди-да, қирғоққа ҳайдади. Одамлардан ҳоли жойга келтириб, қумлоққа чалқанча ётқизди. Унинг оёқ-қўлларини уқалай бошлади. Анчадан кейин Нелли кўзини очиб, беҳол жилмайди.

— Шаддод қиз, денгиз тагига кетардинг-ку! — Аҳмаджон уни коийди.

Нелли яна жилмайди. Унинг кўкариб кетган юзи ва лабига қон қайта бошлади.

— Нега қутқаздинг, денгиз тагида балиқлар билан юардим. Денгиз тагига тушганмисан?

Аҳмаджоннинг ҳайрати баттар ошди: бу шаддод нималар деяпти? Нелли гапираётганда тишлари шақиллаб кетди.

Аҳмаджоннинг эсига энди келди: ресторанга югурди, бир шиша вино билан газак олиб келди-да, стаканга қўйиб Неллига узатди:

— Ич!

Винодан қизнинг вужудига иссиқ югуриб, ранг кирди.

— Кечир мени, Сандро. Жиннилик қилдим. Ўзим ҳам сезмай... тутиб қолди-да. Ҳеч бунақа бўлмаган эдим. Кечирасан-а?

Асаб, ҳаяжон Аҳмаджонни энди анча бўшаштирган эди. У илжайиб бош ирғитди. Нелли винодан ҳўплаб, стаканни ёнига қўйди. Бир тишлам колбасани оғзига солиб, эринчоқлик билан чайнаб ўтирди.

Аҳмаджон бир симириб стаканни бўшатди, газак олмади. Қизнинг қўлидан ушлаб, юзига тикилди:

— Кундай ёруғ экан кўзларинг...

Нелли ундан кўзини олиб қочмади. Бу кўзлар жуда осойишта, сокин эди.

«Бу қиз кўнглимга қачон кирган эди? — ўйларди Аҳмаджон.— Дастлаб разведкага жўнаган тундами? Ҳаётимга қасд қилган ажал

хавфини даф қилганидами?... Аммо унинг бугунги жинниликлари ўзгача. Уни аллақандай безовталиқ қийнапти. Ҳеч кимга ошқор қилмайди. Наҳот, Элвира билмаса?...»

— Қара, қўлларинг ҳалиям исигани йўқ,— деди Аҳмаджон унинг кичкина, ипақдай қўлини силаб.— Мард, оқилад қизсану эси кирмаган боланинг қилиқларини қиласан...

Нелли туйқисдан юзини Аҳмаджоннинг кўксига буркади.

— Ана холос,— деди Аҳмаджон унинг бошини силаб.— Ҳали йиғлаб ҳам берарсан.

У бошини кўтарди. Энди кўзлари гўё учқун сочарди:

— Йўқ, йиғламайман. Кўкрагинг жуда иссиқ экан, бирам қизиб кетдим.

Орага жимлик чўкди. Аҳмаджон ўйлаб ўйига етмасди:— Нима бўлди бунга?

Нелли унинг кўкрагига бетини буркаб тутиб келаётган йиғисини қайтарди: «Жавоб кутяпти, нимага сўрамайди?»

— Сенга ишонаман. Биласанми, ёнимда бўлсанг, кўнглим тўқ, бамайлихотир юраман.

— Аммо мени яхши кўрмайсан...

— Jo, tio amore<sup>1</sup> — деди Нелли.

— Жуда яхши кўраман дейсану менга турмушга чиққин десам қочиб кетасан, жумбоқ бу дейсан. Хўш, мен берган жумбоқни ечингми?

У ерга қараб жавоб берди:

— Ечдим,— юзлари ял-ял ёнарди.— Dio mio — вой худойим, айтдим-ку ахир?...»

— Anche tio amore<sup>2</sup>— Аммо менинг саволим бошқача эди,— деди Аҳмаджон.— Ё қайтарайми?

Нелли бош ирғитди:— Қайтар...

— Менга турмушга чиқ.

— Майли, сенга турмушга чиқаман. Энди хурсандмисан?

Аҳмаджон уни маҳкам бағрига босди. Кейин ирғиб турди-да, уни иккала қўлига қўйиб кўтарди:

— Биласанми, сени ана шундай икки қўллаб кўтариб юраман.

— Йўқ, ерга қўй мени.

У Неллини аста ерга қўйди.

— Раҳмат,— деди Нелли,— қўлингда кўтариб юрсанг менга жуда хуш ёқади. Аммо орада биз италян аёллари қонига сингиб кетган одат бор. Аёл-уй хизматида. Эркак бир челақ сув кўтарса аёл иснодга қолади...

Аҳмаджон Неллининг гапларини эшитмасди. У ҳозир хаёлан Андижонда. Ҳовли тўла одам... Қўйлар сўйилган. Ҳовлини кабоб буғи, иси тутиб кетган, катта қозонларда шўрва пишяпти, палов дамланган. Болалар томларга, дарахтларга чиқиб олишган, ҳамма италян келини кўришга тиришади. Кўча эшикдан тўр уйгача поёндоз тўшалган. Аҳмаджон билан Нелли никоҳ либосида. Неллининг ял-ял ёнган юзларига оппоқ тўр тутилган. Аҳмаджон уни қўлтиқлаб боряпти. Мамажон бува билан Ачаби хола уларга пешвоз келиб, навбатлаб келин билан куёвнинг пешоналаридан ўпиб, дуо қилишди. Чол билан кампирнинг кўзларида севинч ёши. Ҳамма, хусусан, том ва дарахтлардаги болалар, қарсак уриб қийқириб юборишди. Музыка чалиниб қўшиқ бошланди — Тўйлар муборак... Ер-ёр...

...— Оҳо,— деб юборди Турғун уларни кўриб. — Ешлар хилват жойни топиб, дилроз айтишиб ўтиришибди, биз бўлсак буларни қидиравериб оёқларимизда оёқ қолмади. Буларнинг ўтиришларига қара, Эльвира, олдиларида бир шиша виною бир тишлам колбаса. Очдан ўлай десалар ҳам розлари тугамайди.— Турғун Эльвирага ер тагидан кўз

<sup>1</sup> Jo, tio amore — (итальянча)— Сени жуда яхши кўраман.

<sup>2</sup> Anche tio amore — Мен ҳам сени жуда яхши кўраман.



қисди-да, уларга қовоқ уйиб қаради:— Биз бўлсак, ресторанга жой за-  
каз қилиб, буларни кутиб ўтирибмиз-а...

Аҳмаджон ўрнидан туриб, уларга бош эгди:

— Айб бизда, кечиринглар.

Нелли кўзларида севинч нури ялтираб, уларга қаради:

— Бизни табрикланглар...

— Нелли менга турмушга чиқишга рози бўлди,— деди Аҳмаджон.

Элвира билан Турғун уларни қучиб табрикладилар.

— Вой,— деди у, бир нимаси эсидан чиққан одамдай: — Юринг-  
лар! Уйга — дадаси билан холам ҳузурларига...

## XX

Кун оғиб оқшом яқинлашаётган бўлса-да, иссиқ қайтмаган, осмон  
шиша ранг эди.

Улар иккаласи Римнинг катта кўчасида, йўлакда бамайлихотир ке-  
лаётибди. Иккаласи костюмини қўлга ташлаб олган, галстуклари ҳа-  
вол боғланган, кўйлақларининг ёқаси бўш. Улар қадимий Римни ба-  
фуржа юриб кўрдилар, қасрларни, ажойибхона ва суратхоналарни, қа-  
димий колизейни ва кўприкларни томоша қилдилар. Таассурот хилма-  
хил, ичларига сиғмайди. Иккаласи ҳам жим, ҳар ким ўз хаёли билан  
банд эди.

Муюлишдан айланишса катта майдон, баланд-баланд фаввора-  
лар отилиб туради. Майдоннинг бу ёнида, ресторан, шошмай, овқатла-  
ниб қўшхонага — партизанлар уйига бориб роса дам олишади. Турғун  
қадамни яна ҳам секинлатиб, Аҳмаджонга ўйчан тикилди:

— Биласанми, ука,— деди у.— Ашатда кўрганларимиздан кўнглим  
ғалати бўлиб кетди.

— Нимага? — Аҳмаджон тўхтаб деворга орқасини суяди.

— Тарих китобларининг бирида ўқиган эдим; — у ҳам шеригининг  
рўпарасида тўхтади.— Румо давлати у ёғи Сурияни, бу ёғи Шимолий  
Африқо билан Кичик Осиёни, яна устига Греklarни, Македонияни,  
Болқон ярим оролини эгаллаган, қўйингки жаҳоннинг ярмидан кўпи-  
га ҳокимлик қилган... жаҳондори бўлган... Кўнглим ғалати бўлганининг  
сабаби шуки, одамзод оламга келиб, ақл танибдию бир-бирини ўлдир-  
бошлабди, яъни, зўравонлар кучсизларни эзгилаб, жаҳондорликни даъ-  
во қилибди, кейин бу даъвогарни бошқа бир зўравон йиқитибди, бош-  
қасини яна бошқаси ағдарибди. Эътибор қилгин-а бунга...— У Аҳмад-  
жонга савол назарини тикди: — Хўш, борлиқ маҳлуқотлар тожи фақат  
шунинг учун яшайдими бу оламда?

Аҳмаджон шарақлаб кулиб юборди:

— Файласуф бўлиб кетинг-е, ака. Икки орада иккала калтакнинг  
учи келиб тегадиган қашшоқларга, камбағалларга қийин, ака.— Аҳ-  
маджон муюлишдан уч-тўрт қадам ўтди. Майдон ўртасидаги фаввора-  
га тикилиб турди. Фаввора атрофида одамлар гавжум эди.— Ҳа, шун-  
доқ бўлган, ака. Ҳамма замону даврларда зўравонларнинг қамчисидан  
қон томган. Бизларни шу Италиянинг бир бурчига нима келтириб таш-  
лади? Ахир, фашизм бўлмаса, Гитлер бўлмаса, жаҳондорликни даъво  
қилмаса, уруш чиқмасди. Одамларни қийратди, ўз юртидан, бола-чақа-  
си, ота-онаси бағридан юлиб олиб дунёнинг ҳамма ёғига сочиб юбор-  
ди-ку, бу уруш. Жаҳондорлик даъвогарлари Гитлер билан Муссолини  
ва шерикларининг очкўзлиги сабаб бўлди шунга. Аммо бари бир ёвуз-  
ликнинг оёғи калта, узоққа югуролмайди, узоққа фақат эзгулик ета-  
ди. Аммо бу ёдгорликларни кўрганда бир нарсага эътибор қилдингиз-  
ми, ака?

— Нимага? — Турғун унга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Улар тарихни сиз кўрган қасрлар беағида, ажойиб расмлар

ва ҳайкалларда қолдиришган. Ҳали-ҳали жонли гувоҳ бўлиб турибди. Хўш, ўша даврларда бизнинг жойларда ҳам инсон яшаган, ҳокимлари ҳукм юргизган, улар ҳам кучсизларга босқин қилган, ўзларидан зўрлар уларни босқин қилган. Македониялик Искандардан тортиб, эронийлар, араблару Чингиз ва бошқа жаҳонгирлардан қанчаси келиб у муқаддас тупроқни топтамаган? Хўш, айтинг-чи, ака, у юртда нималар бор эдию, улардан нималар қолди? Қайси баҳодир, қайси шоиру қайси олимнинг қадимда бунёд қилинган ҳайкали, кўриб кўз қувонадиган расми қолган сизга?

— Диний эътиқод бунга имкон бермагандир...

— Тўғри,— Аҳмаджон Турғуннинг сўзини бўлди.— Тўғри, имкон бермаган, аммо бу кейинчалик. Имоним комилки, исломгача бўлган даврдаги маънавий бойликларни, санъат ёдгорликларини босқинчилар кунпаякун қилиб ташлаганлар. Улар ҳануз ер тагида. Номлари «Кўҳна», «Эски» тарзида оғиздан-оғизга кўчиб юрибди. Кўҳна Урганч, эски Термиз, эски Тошкент...

— Топиб очишармикин, Аҳмаджон?

— Очишади. Илм ўз билганини қилади. Эски Самарқанд ер тагида қолиб кетмайди. Эски Термиз ва Кўҳна Урганч ҳам. Не-не синоатлар бордир у «эскиликда». Биласизми, Турғун ака, араблар зулмига қарши Бухоро халқини кўтарган Муқаннанинг бастини, рўйини кўргим келади. Қани энди Бухорода унинг буюк ҳайкали қад кўтарган, атрофида халқ тиралиб турган бўлса, қўлларида машъала кўтарган ҳолда.

— Тўғри, Искандару Чингизлар ҳам тўппа-тўғри кириб келавермагандир,— гап қистирди Турғун.

— Алам қилади кишига, шундай улкан, адолатли давлат эгасимизу бу борада ўша эски лоқайдлик дардидан ҳануз тозаланганимиз йўқ. Тўғри, бошқа юртлардан келган кишилар, олдин Самарқандни зиёрат қиладилар. Лекин Темур ҳарбий саркарда, жаҳондор бўлса-да, оқил, кўнглига тушган ишни бажо қиладиган киши бўлганлигидан келгуси авлодларга Самарқандни ёдгорлик қилиб қолдирган.— У фаввора томон бўйинини чўзиб тикилиб қолди.— Ие! — деб юборди ногаҳон Турғуннинг елкасига қўл ташлаб.— Анави келаётган кишини танийсизми?

Турғун унга тикилиб турди-да. Аҳмаджонга ўгирилди:

— Йўқ, таниёлмадим.

— Ҳа, дарвоқе, сиз кўрмагансиз у кишини. Аммо сизга бу одамнинг кимлигини гапириб берган эдим. Эсингиздами, Туркистон легионининг майори мени йўқлаб касалхонага ташриф буюрганини айтудим. Ўзим ҳам зўрга танияпман. Жуда озиб кетибдилар...

Бу орада у киши майдоннинг улар турган бетига ўтиб, ресторан томонга юрди. Ҳарбий формада эмас, граждан кийимида. Илгариги кўнғиз нусха мўйлови ҳам йўқ. Булар унга пешвоз боришди. У қарамади. Аҳмаджон унинг номини айтиб чақирди:

— Холдорбек ака!

У дарров ўгирилди, хавфсирагандай атрофга аланглади.

— Танимадингизми мени, Бек ака?— Кўзига тикилиб, самимий илжайиб сўради Аҳмаджон.

У Аҳмаджонга бирпас қараб турди-да, илжайди:

— Қаранг-а, таниёлмадим.

— Аммо мен танидим сизни.

— Сиз, тўлишиб кетибсиз,— Холдорбек илжайган эди лаблари титраб қийшайди, ёноқ суяклари дўнғайиб афти аллақандай бўлиб кетди. Асабини зўрга босиб олди.

— Ие, нима қилиб турибмиз бу ерда, акалар,— деди Аҳмаджон қувнаб ва уларни ресторанга бошлади. Улар холи бир стол теварагига жойлашдилар. Аҳмаджон турли хил таомлар ва ичкиликлар буюрди.— Отамлашиб бир ўтирайлик, Бек ака, тагин бу ерларда учрашганимизни қаранг.— Холдорбек Турғундан ётсираб турган эди, Аҳмаджон ора-

даги иштибоҳни бир сўз билан кўтариб ташлади: — Кўнгилни ёзиб бемалол ўтираверинг, Бек ака, Турғун акам ўзимизнинг ашоҳдан.— Андижондан. Ҳамма жафони бирга тортганмиз, бирга жанг қилганмиз, сўнги ўқни ҳам бирга узганмиз.

Бек буларнинг партизанликларини билмаса-да, ҳар қалай, ранг-рўйлари, эғни-бошлари яхши бўлганидан, иши ўнгланиб, серпул бўлиб олишган бўлса керак, деб тушунди. Аҳмаджондан узр сўрагандай, яхши бўлиб кетганингизни кўриб, мамнун бўлдим, деб қўйди.

Аҳмаджон кулимсираб деди:

— Агар ўша ҳолатимда сиз йўқлаб турмасангиз, балки, ўлиб кетармидим. Сиздан бир умр қарздорман, Бек ака.

Холдорбек қизариб кетди, Турғунга ўгирилди:

— Сиз билан ҳам танишиб олдик. Жуда хурсандман...

Турғун бу янги танишга нима деб жавоб қилишни ўйлаб топгунча, Бек қадаҳни қўлига олиб оғиз очди:

— Қаттиқ бўрон бўлди бу жаҳонда, жудаям қаттиқ,— деди у.— Нимагадир қаддини кўтариб, бўйинини чўзди. Турғун чакагини силаб унга тикилиб қолди: унинг кулранг костюми эғнида шалвираб турибди, қизил галстуги кўйлагининг ингичка тортган бўйнига катта ёқасини бужмайтириб юборибди. У бўғилаётгандай, галстукни яна бўшатди:

— Мени у ёққа, сизларни бу ёққа отиб юборди... Ҳа, адашганлар қайтиб йўлини тополмай қолди... Энди бунақа бўрон бўлмасин, шунинг учун ичайлик.

Аҳмаджон қадаҳларни яна тўлдирди:

— Тўғри, Бек ака, бундан буёқ инсоният бошига бундай кулфат тушмасин, бўронда адашганлар ҳам йўлларини топиб, юртларига етиб олишсин, шунинг учун ичайлик.

Бек қадаҳни лабига олиб борганича Аҳмаджонга синчков тикилди: «Тавба,— деб ўйлади у.— Шу болага доим гапимни олдириб қўяман-а! Нимага?..»

— Ичиш биздан қочмайди, ука,— у қадаҳни бўшатиб, Аҳмаджонга узатди.— Қўйинг, майли, ўтирсак ўтирибмиз-да.— У чўнтагини ковлди.— Пул кўп, ташвиш қилманг, ука...

— Йўқ, ака,— деди Аҳмаджон.— Биламан, пулингиз кўп. Аммо бу зиёфат мендан. Пул чиқарсангиз хафа бўламан.

— Майли,— деди Бек.— Чиқармайман.— У қадаҳни бўшатди, овқатга қарамади, ҳатто газак тишламади.

— Мана бу таомлардан олиб ўтиринг, Бек,— деди Турғун.

У Турғунга қараб, илжайди:

— Раҳмат. Ичсам... ўзи кетаверадию овқат егизмайди. Майли, гаплашиб ўтирамиз. Юрак ёришга ташна бўлиб кетган эдим. Қаранг, сизларни учратиб қолдим.

«Шунчалик озиб кетибдики, чиндан ҳам дарров таниб олиш маҳол. Қани энди ўша эт, ўша гавда, ўша ҳаво, ўша савлату шахд. Сочлари оқарибди...» — кўнглидан ўтказди Аҳмаджон. Аммо у Бекдан қардан келаётисиз, нима ишнинг бошини тутиб юрибсиз, деб сўрамади.

Бек кайфланиб қолди. У гоҳ панжасини гажак қилиб жағини сидиради, гоҳ лабини ялаб, ҳамшаҳарига тикилганича кўкрагини стол зийига тираб ўтиради. У аллақандай асабий бир ҳолатда эди.

— Қисилманг, Бек ака, ёзилиб, яйраб ўтираверинг,— деди унинг ҳолатини зимдан кузатиб ўтирган Аҳмаджон.— Ўша кўришганимизга ҳам маъна учинчи йил ўтяпти. Дийдор ғанимат...

— Тўғри айтасиз,— деди Бек панжаларини қирсиллатиб, тилини чапиллатиб,— дийдор ғанимат. Аммо бунини тушунмоқ керак... Вақтида...— У жимиб қолди, афтидан, сўзини йўқотган эди.— Масалан, мен адашган эдим... жуда қаттиқ. Одам ғаниматлиги эрдан чиққан эди... Ақлни ўғирлатган эдим. Бунини кейинчалик фаҳмладим. Уни қайтиб топгунча қийин бўлди. Аммо қўлга бутун киритолмадим... Биласизларми, энди тушимда аллақандай даҳшатли маҳлуқлар, шохдор ҳўкизга ўхшаган нарсалар мени қувлайди, йўлбарслар оғизларини катта очиб

мени ейман дейдилар. Терлаб-пишиб, нафасим тиқилиб уйғониб кетаман. Боннда ҳам, Германиянинг бошқа жойларида ҳам пана тополмадим. Тамом яшаб қоламан деб Лондонга келдим. Қаерда юрмайин, қайси ресторанга кирмайин одамлар менга қўлларини бигиз қилаётганга ўхшаб кўринаверади. Назаримда, полициячилар мени тутиб олиб, қўлимни орқамга боғлаб ҳайдаб кетаётгандай... Ҳамма менга қовоқ уйиб қарайди. Мен бу даҳшатдан қочаман, у мени изма-из қувади...

Шу қочганча Афинага келдим. Энди бу шаҳарда ўрнашиб қоларман деб ўйладим, ҳатто бир грек жувонга уйландим, жуда чиройли эди. Унинг чиройига маҳлиё бўлиб ўтмишимни унутарман деган умидда эдим. Бир неча кун ҳеч нимани ўйламай, ҳеч нима кўзимга кўринмай яхши яшадим. Вақтида тинч ухлаб, вақтида овқатланиб, ранг-рўйимга қон югурди. Ойнага қараб суйиндим. Йўқ, худо бунга ҳам кўп кўрди менга, ўн ё ўн биринчи куни кечаси тонгни каравотда чўнқайиб ўтириб оттирдим, кўзим илинса гўё хотиним мени бўғади, бақириб туриб кетавераман. Эрталаб у нарсаларини йиғиштириб жўнаб қолди. Хонада якка ўзим. Уриндан туриш, бет ювиш, бирон пиёла кофе ё чой қайда... Икки кўзим эшикда, полициячини кутаман, ҳозир кириб келади, мени олиб чиқиб кетади... Биласизларми, бир кун юз кундай, бир кеча минг кечадай ўтяпти. Гўзал Афинада, гўзал хотиним бағрида яшаш насиб қилмади менга. У ерда туrolмадим. Қочдим. Ҳа, сўзнинг чин маъноси — уйимдан қочдим. Энг бехатар жой хавфли кўринаверди. Энди мен бу ерда, Римдаман.

— Анча бўлдим бу ерга келганингизга?

— Қайда,— бош чайқади Бек.— Бир неча кун ўтдим келганимга. Биринчи кун тинч ухладим. Кеча бошқа меҳмонхонага кўчдим. Одам кам борадиган, чет бир меҳмонхона экан... Энди қаёққа кўчаман, ундан қаёққа йўл оламан, ким билсин қаёққа... Уша сиз билан гаплашганимиздан кейин,— деди Бек Аҳмаджонга қараб,— биласизми нима бўлди?

Аҳмаджон елкасини қисди.

— Фашизмнинг ишонган тоғлари битта-битта қулай бошлади...

— Улим лагерига шу хабарлар кира бошлаган эди,— гап қўшди Аҳмаджон.

— Ҳа, мен ишонмовдим гапингизга,— жавоб қилди Бек аста товушда.— Кейин Совет қўшинлари Берлинга яқинлашганда ҳаммаёқни ваҳм босди, омон қолганлар шу ола-тўполон ичида қўлига нима илинса кўтариб, оёғи етган томонга қочди... Мен ўша биринчи тўдада эдим...

— Сизни қанотида учириб юрган шуҳрат қаерда қолди? — луқма ташлади Аҳмаджон.

Бек яна жағини сидирди. Тилини ялаб, Аҳмаджонга ер тагидан қаради:

— Уша катта ёнғин ичида қолди,— деди Бек. Хийла жим, лабини ялаб ўтирди, кейин давом этди:— Мен одамни пул кўтариб юради деб билардим, ундан пулни устун қўярдим. Йўқ, дур-гавҳар зарра бакор келмай қолди...

— Балки сизни бир жойга қўндирмаётган шу дур-гавҳардир?

— Қайдам,— деди у, ароқдан бир ҳўплаб ичиб тилини чапиллатди.— Йўқдир, пулга бир жойда бамайлихотир кўниб бўлса, жон дердим...

Аҳмаджоннинг мийиғига кулги югурди: «ўғри кети қувиш» демоқчи бўлдию, тилини тийди, ким бўлмасин, унинг меҳмони, у қарзини узиб олиши керак.

— Энди қаёққа бормоқчисиз, Бек ака? — сўради у.

— Қайдам... Бу ерда туrolмасам, Парижга, унда ҳам бўлмаса, бирон овлоқда...

— Бек ака,— деди Аҳмаджон унинг кўзига тикилиб,— шу дейман, юрак ютиб юртга қайтсангиз, чин кўнғилдан чиқариб тавба қилсангиз, ахир, астойдил йиғласанг сўқир кўздан ёш чиқар дейдилар... Жазоласа ҳам ўз юртингиз, тинч ухлайсиз, ақалли ота-онангизни кўрасиз-ку...

— Йўқ, боролмайман... Ҳаддим сиғмайди.

— Туркистон легионида хизмат қилган бир полковник эшитишимча қайтиб бориб тавба қилибди-ку!

— Ҳа, борган,— унинг афти буришди: — У бизнинг ичимизга ташланган воқеанавис экан. Кейин маълум бўлди. Уша полковник дадамга, «ўғлингиз фашист бўлиб кетди» дебди. Дадам мени қарғабдилар: «Фашист қавмида кетсин, ўлиги ўшоғларда қолсин!» Биласизми, ўзимни қўйгани жой тополмай қолдим. Агар ўша полковник кўзимга кўринсами, нима қилишимни ўзим биламан. Ахир сўнгги умидимни кесдия, ит-вачча.

— Ҳар қалай дадангизнинг оёғига бош қўйиб, ёлворсангиз...

Бек хийла вақт чакагини эзгилаб, жим ўтирди. Кейин инграниб тўнғиллади. Аҳмаджонга қараб бош чайқади:

— Кўнгли эрийди дейсизми? У кишининг кўнглини яхши биламан. Йўқ, эрмайди. Менинг ўз имоним бор, уни жаҳондаги ҳеч бир имонга алиштирмайман, деганлар-ку. Ҳа, мени кечирмайдилар. Ёишт қолипдан кўчган. Ундан кейин қўлим қон. Шу қувиб юрибди мени....— у ёнверига безовта қаради: ўрнидан сапчиб турди-да, тез юриб ташқарига чиқиб кетди.

## XXI

Одам ҳаётида бир умр эсда қоладиган дақиқалар бўлади.

Аҳмаджон йигирма бир ярим ёшида уйдан чиқиб кетди, йигирма тўрт ярим ёшида мана уйга қайтиш тараддудида юрибди. Унинг шу уч йиллик вақти муттасил жангларда, асирлик қийиноқлари ва яна жангларда ўтди. Шу вақт ичида у яхши, ғамхўр кишилар қатори баттоллар билан қаттолларни ҳам кўп кўрди. Лекин бугунги учрашув сира-сира эсдан чиқмайди.

Улар — Турғун иккаласи қисиниб, тортиниб остонадан қадам қўйдилар. У киши юз-кўзи кулиб, эшик олдида уларни кутиб олди. Худди эски қадрдонлардай, иккаласини қўлтиқлаб олганча кабинет ўртасидаги узун стол ёнидаги стулларга ўтқазди. Улуғ кишию кичик феъл, камтар: Орадан бир лаҳза ўтмай улардаги тортинчоқлик қаёққа кетганини ўзлари сезмай қолишди. Бутун Италия коммунистларининг раҳбари — Компартия Марказий Комитетининг Бош секретари Палмиро Тольятти ҳузурида улар очилиб — кўнгилларидагини унга бемалол ҳикоя қилиб бердилар. У киши гоҳ кулиб, гоҳ ўйчан тус олиб, бош ирғатганича тиззасига аста уриб, уларни гапга солиб ўтирди. Аҳмаджон немисларга қандай панд бериб қочганини, Қаррарада энди тузила бошлаган партизан отряди сафига қандай қўшилиб қолганини — кейин дўстларини немис офицерлари қўлидан қандай олиб кетганини, Турғунни олиб кетаётганларида немислар қуршовида қолиб уйма-уй қочганлари, қизлар уларни товуқ катакларига беркитиб асраганларини ҳам гапириб берди. Тольятти энди сонларига шапиллатиб урганча шарақлаб кулди: «Оббо, абжир, чечан қизлар-э, катакка яшириб қўйди денглар?!» Кейин партизан отрядига ҳам ўшалар элтиб қўйгандир сизларни, деб сўради ҳамон кулиб.

— Ҳа, ўшалар сабабчи бўлдилар, меҳрибон қизлар, кейин билсак денг, отряднинг шаҳардаги алоқачилари экан.

Тольятти уларга меҳр кўзини тикиб турди-да:

— Қарангларки тақдир сизларни Италиянинг бир бурчига келтириб ташлабдию немислардан қочиб итальян қизларига — партизанкаларга асир тушибсизлар-а. Жуда яхши... соз! Ўзлари ҳам дейман чиройлидир, сизлар ҳам севиб қолгандирсизлар?

Аҳмаджон қизариб кетди. Тольятти энди шарақлаб кулмади. Йирик кўзлари кўзойнак орқасидан унга кулиб боқарди. Ҳа, у русча мукамал, беғубор гапирардики, йигитлар ҳавас билан қулоқ солардилар.

— Ҳа, укаларим,— деди у, вужуди сўзига куч бергандай жўшиб гап бошлади:— Тақдир сизларга узоқ йўл бостирди, мана бу ерда, бизнинг Италияда қўлларингизга қурол туттирди, немис ва устига устак

итальян фашистига қарши қўйди. Советлар мамлакатини, Ленин диёри-ни асрагандек аёвсиз, мардонавор жанг қилдиларинг. Ака-укадек елка-ма-елка туриб олишдиларинг, бу ленинча дўстлик овози кечаю кундуз ҳайқирӣқ солиб турди. Ҳа, у сизларни олға ундади, душманни талваса-га солди.

У хаёлга толиб жим қолди. Кейин кўзойнагини шошмай тақиб олди, энди кўз олди, фикри ёришгандай, сўзида давом этди:

— Фашизм янчиб ташланди. Бу аждаҳонинг бошини совет аскарлари ўз ўрдасидан суриб олиб янчилар. Тасанно уларга,— у яна жим қолди. Тебраниб, кўзини хиёл қисиб, сўзини улади:— Сизларга билдириб қўйгим келади: Италия коммунистлари фашизмга қарши курашнинг узоқ ва машаққатли йўлини босиб ўтдилар. Қизиқ, халқнинг бировга чоҳ қазима, ўзинг тушиб ўласан, деган доно мақоли бор. Муссолини бошқалар юртини босиб олишни кўзлаб: «Италия ё кенгайди ёки ёрилиб кетади» деган эди. Қасофати унинг ўзига урди, ўзи ёрилиб ўлди. Уша вақтларда Антонио Грамши,— сизлар Грамшини билсаларинг, ёки унинг тўғрисида эшитган бўлсаларинг керак, у Италия компартиясининг асосчиларидан бири, ҳормас-толмас курашчи эди,— Муссолинига жавоб ўрнида айтган эдики, ҳарбий асосга қурилган ҳамма диктатуралар ўзи чиқарган урушда ҳалок бўлади!.. Ҳа, у Муссолинига яна айтган эдики: «Сиз Италияни ҳалокат ёқасига келтириб қўясиз, уни бу ҳалокатдан биз — коммунистлар сақлаб қоламиз».

Жуда тўғри ва олдиндан кўриб айтилган гап-а? Шунинг ҳам айтиб қўйгани, фашизмга қарши курашда ўтган йигирма йилдан ошиқ вақт ичида фашист трибунали барча антифашистларни 28 минг йил турмада ётишга ҳукм қилган бўлса, шундан 23 минг йили коммунистлар улушига тушди. Турмалар, қийноқлар, отиб ўлдириш ва дорга осиллар коммунистларнинг иродасини буколмади, аксинча, бу курашда улар тобландилар, қаршилиқ кўрсатиш кучлари маҳкамроқ жипслашди.

Сизлар иштирок қилган озодлик курашида коммунистлар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Биласизларми, қўлига қурол олиб жанг қилганлар неча киши эди? Икки юзу эллик олти минг ватанпарвар Италия тупроғини топтаган гитлерчиларга ва италиялик фашист сотқинларга қарши бир ярим йилдан ортиқ урушди. Шулардан бир юзу уч минг олти юз киши коммунистлар эди. Қирқ икки минг беш юз эллик саккиз коммунист жон фидо қилди.

Лекин ҳақиқатни айтиб қўйишимиз керак: инглиз-америкалик иттифоқчилар учун ватанпарварлар уларнинг кўзларига тушган чўп бўлди. Улар кўзларини бу чўпдан тозалашга уриндилар: Маршал Александр партизанларга: қуролларингни ташлаб, уй-уйларингга тарқалинлар, деб буйруқ берди, бу буйруқни ҳатто фашистларнинг радиолари қайта-қайта ўқиб эшиттирди. Мана энди партизанлар шаҳар ва қишлоқларни озод қилгач, улар тайёр ошга баковул бўлиб келдилар.

Бу гап ана шундай, оғайнилар. Сизлар жангдан чиқдиларинг, энди тинч ҳаёт йўлига тушасиз,— деди уларга илжайиб қараркан.— Хўш, нима иш тутасизлар, қаерда?

— Юртга қайтсак. Сизни зиёрат қилиш, ижозатингизни олиш учун келдик,— деди Турғун.

Тольятти уларга қараганча анча жим ўтирди, кейин деди:

— На чора. Аммо қизлар нима бўлади, қизлар?

Аҳмаджон қизаринқираб жавоб қилди:

— Тўй қилмоқчимиз. Нелли мен билан Совет Иттифоқига кетишга рози...

— Яхши, жуда соз бўлади! — деб хитоб қилди Тольятти, унинг чеҳраси очилиб кетди.— Сизларни итальянлар одати бўйича иззат билан кузашиб қоламиз. Чунки, сизлар Италиядан саёҳатчи ёки меҳмон бўлиб кетаётганингиз йўқ. Бизнинг ватанимизни немис ва итальян фашистларидан озод қилишдаги партизан жангларида совет мамлакатининг, Ленин мамлакатининг граждандарига хос матонат, мардлик кўрсатдингиз, жанг санъатида ибрат бўлдингиз. Шунинг учун сизлардан, сизларни

тарбиялаган халқингиздан миннатдормиз. Менинг бу сўзларим Италия партизанлари қаторида жанг қилган барча совет кишиларига тегишлидир.— У кабинетда у ёқдан-бу ёққа аста юриб, чаккалари оқариб кетган қуюқ сочини силар, пешонасини очарди.— Сизлардан яна шунинг учун миннатдормизки, сизлар дўстлик ва интернационалистликда ҳам партизанларга ибрат бўлдиларингиз. Бу халқларнинг меҳр-оқибатини бир-бирига боғлайдиган буюк кучдир. Ватанингизга етиб олганларингизда совет халқига бизнинг миннатдорлигимизни етказинглар ва айтинглarki, Италия халқи, коммунистлари бу дўстликнинг қадрига етдилар; яна айтинглarki, Италия коммунистлари социализм қуриш йўлида тинмай кураш олиб бораётибдилар...

Тольятти яна уларнинг рўпарасига келиб ўтирди. Аҳмаджон унинг осойишта ва ишонч барқ уриб турган чеҳрасига қараб кўнглидан ўтказди: «Халқ ўз фикрида собит, мард раҳбарга эргашади».

Аҳмаджон Италия халқи учун энг оғир бўлган ўша оловли йилларда коммунистларнинг халқ курашидаги тутган ҳал қилувчи ўрнини яхши билар, ватанпарварлар Тольяттининг сўзларини ғоят қадрлаганларига шоҳид эди.

— Биласизларми, азизларим,— деди Тольятти иккала қўлини бир мушт қилиб иягига тираганича уларга тикилиб: — Нақадар бағри кенг, шафқатли халқингиз, ҳукуматингиз бор! Немис фашистлари бошлаган бу урушда Совет мамлакати ҳаммадан кўп зарар кўрди, энг кўп қурбон бердию бугун Германияда ўзига қарашли зонадаги немисларни боқиш учун жуда кўп озиқ-овқат маҳсулотлари, дон ажратди. Компартия органлари бу ҳужжатни тўла эълон қилди. Уқигандирсизлар. Аммо ўзларини «халоскор» атаб Италияга кириб келган америкаликлар бизнинг халқимизга бундай яхшилиқни раво кўрмадилар. «Халоскорман» деб кўкрагига урсаю милтиқ кўтариб дўқ қилса, бу сидқидиллик эмас... Дўқнинг умри қисқа, узоққа етмайди... Демак, немислар Совет давлатидан умрбод миннатдор бўлишлари керак. Бу халқлар тақдирига Ленинча қараш намунасидир. Биз Ленин тутумига эргашган коммунистларданмиз. Бунга ҳеч кимдан ҳеч қачон яширмаймиз.— У жимиб қолди.

Йигитлар қўзғалишди.

— Ҳа, нимага безовталаняпсизлар?

— Сизга катта раҳмат, ўртоқ Тольятти, шундоғам бизга бўлган эътиборингизни сунистеъмол қилдик, қабулингизга маҳтал кишилар кутиб қолишди. Бизга ижозат берсангиз,— деди Аҳмаджон.

— Gratsio<sup>1</sup> — Тольятти ҳам ўрнидан турди.— Хайрлашгани келганингиз учун раҳмат.— У яна иккала йигитни қўлтиқлаб олди.— Советлар мамлакатига қайтиб борганларингизда, Москва остонасига қадам қўйганингизда совет халқига итальян халқидан, мендан қизгин салом айтинглар. Жаҳонда инсон биринчи бор кўкрак кўтариб сарбаст қадам ташлаган у диёрни жуда яхши кўраман.— У тўхтаб иккала йигитга тикилиб турди:— Аммо, йигитлар, сизларга яна шуни айтиб қўяйки, бу сизлар билан сўнги учрашувимиз бўлиб қолмасин, Италияга келиб туринглар, бемалол, ўз юртингизга келгандай...— Тольятти уларнинг елкаларига қоқиб қўйди.

— Buon viaggio<sup>2</sup>,

— Раҳмат,— деди йигитлар бир оғиздан.

— Buonandore—Хайр,— Тольятти қўлини баланд кўтарди.

— Хайр,— дейишди йигитлар.

## XXII

Кампир сўнги кунларда хомуш, гавҳарини йўқотгандай ерга қараб жим юрадиган бўлиб қолди. Унинг бу ҳолатидан уйдагилар, хусусан, чол безовталаниб сўради:

<sup>1</sup> Gratsio—Раҳмат (итальянча).

<sup>2</sup> Buon viaggio—Оқ йўл! (итальянча).

— Нимага ўз қобигинга ўралиб олдинг, онаси, ё тобинг қочдими? Кампир кўпинча саволни жавобсиз қолдирар, ёки калта-култа жавоб қиларди:

— Узим...— яна жим юриб, бирон нима билан куйманган бўларди.

— Йўқ, онаси,— дерди чол,— кўнглингда бир тугун бор, ечай дейсану ўзингнинг қурбинг етмайди, бировга эса, ишонмайсан.

Кампир қараб ўтирдию индамади, чол сўзини улади:

— Неча кундирки, ўз ёғинга ўзинг қовурилсан... Бунақа эмас эдинг...

Кампир эрига яна хомуш тикилиб, бош чайқади.

— Ҳеч нима деяпман-ку.

Чол елкасини қисди:

— Айтмасанг айтма, ўзингга қийин.

У диванга ёнбошлаб, хаёлга толди: «Ҳеч нимадан-ҳеч нима йўқ нимага эзилиб юрибди? Ё болаларидан бири озор етказдими кўнглига? Йўқдир, шукрки оналарини оғринтирмайдилар. Қоронғида тиззасига иягини тираб ўтиришни қаранг. Якка қолган ғарибага ўхшайди...»

Кампир ўрнидан турди. Қаловланиб бориб қизининг хонасига кириб кетди. Хотинининг гунг бўлиб қолганлиги сабаби чолнинг ақлига энди келди.

«Э, дарди бу ёқда экан,— деб ўйлади у.— Шошманглар, шошилишда хато бор деганимда, кўйинг дадаси, қизингиз уни яхши кўради, бу одамларга аён, буларнинг муҳаббатига зомин бўлмайлик, деб ўзи розилик берган эди-ку. Хўш, нимага энди...» Круделли фикрининг у ёғини ютди.

Кампир Нелли хонасига кириб, унинг қаравоти ёнидаги стулга ўтирди. Нелли қандайдир бир роман ўқиб ётарди, ёнига онаси кирганини билдию кўзини дарров хатдан узмади. Кампир унга қўл узатди. Нелли китобни ёнига қўйиб, унга қаради, онасининг узатиғлиқ қўли қалтирар, кўзлари жиққа ёш эди. Нелли кўнгли аллақандай бўлиб, бу тасодифдан нима дейишини билмай қолди: «Нима бўлди унга, нимага кўзларида ёш?»

У қалқиб қаддини кўтарди-да, онасининг бўйнидан қучди, кампирнинг вужуди титради, иккаласи шу ҳолатда хийла ўтирди.

— Нега бунчалик титрайсан, тобинг қочдими?— сўради Нелли.

— Йўқ, йўқ, ўзим... Сени жуда яхши кўраман, болам. Пешонамда биттаю битта қизимсан...— гапи бўғзида қолиб, ҳиқиллаб йиғлай бошлади.

Неллининг ҳайрати ошди:

— Нима гап ўзи, тушунтириб айтсанг-чи, мама?

— Мени яхши кўрасанми?...

Нелли онасини маҳкам қучди, кўз ёши ювган бетларини чапиллатиб ўпди. Кейин рўмолчасини олиб унинг бетларини, қовоқларини артиб қўйди. Она-бола Нелли катта бўлгандан бери бундай қучоқлашмаган эди. «Тўй яқин, шунга ҳаяжонланган, тўлиқиб кетгандир» деб ўйлади қиз.

— Сени жуда-жуда яхши кўраман...

— Агар мени яхши кўрсанг, никоҳдан олдин у билан яхшилаб гаплаш. Шу ерда, Қаррарада қолсин Сандро. Аммо сени унинг юртига юбормайман.

«Гап мана бу ёғда экан» — дилидан ўтказди Нелли.

— Ғалати гапларни айтяпсан-ку, мама. Нималар деяпсан? Олдинроқ, мен севиб қолмасдан, унга сўз бермасимдан олдин қайда эдинг?

Кампир тебраниб ўтирди. Нимагадир ўрнидан туриб бориб, тунги лампочкани ёқиб қўйди. Еруғда кўриб гаплашмаса, қизини кўнганини кўрмай қоладигандай. Ё кўзини кўрсатиб, унинг раҳмини келтирмоқчи бўлдими, ҳар қалай, нимагалигини ўзи ҳам, Нелли ҳам тушунмади.

— Йўқ, бу гапинг жуда ғалати, мамажон,— деди Нелли бош чайқаб.— Ақлга сиғмайдиган гап. Эсингдами, мен унга сенинг изминг билан розилик берган куним нималар деганингни бир эсла-чи?



— Эсладим, эсладим...

— Йўқ, мама, шошма, ўша куни: Сандро, энди болам бўлдинг, икки ўғлим уч бўлди, десам бўлади, қизимни хафа қилмасанг, яхши кўриб яшасаларинг бас, қайда яшасаларинг ҳам майли, демовмидинг? Ё бошқа хотинмиди? Энди унга, мамам айниб қолибдилар, дейинми? Қайси юз билан?

— Кечалари тонг отгунча мижжа қоқмай чиқаман: ота-онаси яхши одамлар бўлса ҳай-ҳай, мабодо эшигидан кириб борганингда, очиқ чех-ра билан бағрига босиш ўрнига сенга юзларини тескари ўгириб, терс-йиб ўтирсалар, худо кўрсатмасин, бегона юрtdа, бегона одамлар орасида қайси кўчада сандирақлаб юрасан. Мен ўйлаб ўйимга етолмайман, қилиб қўйган хатойим олдида бошимни чангаллаб ўтириб тонг оттир-япман...

— Вой, мама, ўзинг кўрмаган, танимаган одамлар тўғрисида бундай ёмон фикрда бўлиш гуноҳ эмасми? Мен-ку улар ҳақида кўп эшитганман, Сандро уларнинг яккаю ягона боласи, улар ўзлари содда, ўз меҳнатлари билан тирикчилик қиладиган одамлар. Бой ҳам, руҳоний ҳам эмас, Сандронинг ўзига ўхшаш меҳнаткаш, ҳалол кишилар. Умуман, совет кишилари тўғрисида бўлмағур фикрларни бу шаҳарнинг бойсавдогари тарқатишади. Сенга, сувоқчи — ишчи хотинга бундай гапни офизга олиш уят...

Она-бола жимиб қолишди. Кампир ҳамон титрар, ўқтин-ўқтин ҳиқиллар, қизининг рўмолчасини олиб, қўллари қалтираб кўз ёшини артди.

— Балки, уятдир, балки, мен ноҳақ, сизлар ҳақдирсиз, аммо нимагадир кўнглим ғаш, тинчимни йўқотдим... — У бошини чангаллаб жим қолди.

«Ҳа, ҳозир унга осон тутиб бўлмайди. Юз машаққат билан катта қилган қизи ўйлаб кўз олдига келтиролмайдиган олис мамлакатга, тағин бутунлаю юраги ачишмайдами? Йиғламайдими? Нимага юрагим тинч эмас деяпти...»

— Тўғриси айт, қизим, — деди кампир унга ёшли кўзларини тикиб, — уни жуда яхши кўрасанми?

— Усмоқчилаб сўраяпсанми, мама, биласан-ку: жудаям яхши кўраман. Унинг қандайлигини, мен учун нималигини сенга кўп марталаб гапириб берганман, ўзинг ҳам уни мендан кам билмайсан-ку. У кирса, назаримда, уйимиз тўлади, деб айтардинг-ку... Билиб қўй, орамиз бузилса, ҳамма нарса чил-чил синади, қайтиб йиғиштириб бўлмайди.

— Ундоғ бўлса, Сандрони кўндир, биз билан қолсин. Аммо сени юбормайман.

— Мен унга, сен билан кетаман, деб ваъда берганман. Ўша куни сенга маслаҳат солганимда, эсингдами, эркак — дарахтнинг танаси, хотин — шох-бутоғи девдинг шекилли, ё мен нотўғри тушунибманми?

— Ҳаётда шундай дамлар бўладики, булар ҳали сенга аён эмас. Бу фикрлар кейин ҳаёлимга келди, ўкинчим зўр...

— Кейин таниш-билишларинг узун қулоқ гапларни сенга уқтиришган, сени ваҳимага солишган, шундайми?

Кампир индамади.

— Энди уйингга чиқ, ухла, мени ўз ҳолимга қўй... Ўзим ҳал қилай...

— Қолишга кўнмаса, дилини оғритма, юшоқ бўл.

Нелли асабий кулди. Чиқиб кетаётган кампир ўгирилиб қаради. Қизи ёстиққа бурканиб йиғларди.

У эшикни аста ёпди.

### XXIII

Эрталаб қуёш ҳали тиг урмасдан уйга Аҳмаджон билан Турғун кириб келди. Вақтлари чоғ. Ташқарида ивирсиб юрган чол уларга бир нафас қараб турди. Кейин юзи жонланиб, уларга пешвоз юрди.

Аҳмаджон ток салқинига қўйилган стол теварагидаги стуллардан бирига ўтириб, кекса Круделлига Рим саёҳатидан олган таассуротини, хусусан, Тольятти билан бўлган учрашувни батафсил ҳикоя қилиб берди. Охирида, Тольятти юртимизга кетишда бизга ёрдам бермоқчи бўлди, деб қўшиб қўйди.

— Энди бу ёғи сиз билан мамага, тўйни тезлатишга қолди.

Чол унга қараганича маъюс жилмайиб, нимагадир бош ирғитди.

— Чамамда, уйдагилар ҳам сенга дастурхон тайёрлаб туришибди. Нелли ўз ётоғида хун бўлиб ётибди, ёнига кир, гаплаш, нима қарорга келдйкин.

Бу гапдан Аҳмаджоннинг юраги музлаб кетди. Боши гир айланиб, ўрнидан туролмай қолди.

Чол Турғунга қараб, бош чайқаб турди-да:

— Ана шунақа, бу дунёнинг ишлари, Туран. Сизлар кетгандан бери кампир ҳеч ким билан гаплашмайди, йиғлайди. Қизини хун қилди. Хотинлар шунақа, оғайни, бугун яйрайди, эртага йиғлайди.— Чол қўлини силтади.— Э, қўй, уларни, ўзлари бир гап қилар. Менга қолса Неллига Сандродан ортиқ эр йўқ... Бор ёнига, нимага қараб турибсан болам, ишингни тўғрилласанг-чи,— деди чол Аҳмаджонга.

Аҳмаджон кирганда Нелли ҳамон ёстиқни қучоқлаб, йиғлаб ётган эди. У Аҳмаджон кирганини туйди, тўғрироғи, қадам босишдан, нафас олишидан билди. Лекин бош кўтариб қарамади. Дув-дув тўкилаётган кўз ёшини кўрсатишдан, кўксини тўлдириб ҳалқумига тикилаётган йиғининг отилиб чиқишидан қўрқди. Фақат:

— Нимага кирдинг?... Нима деб!...— дедию яна ҳалқумига алланима тикилди:

Аҳмаджон унинг тепасида турар, фақат йиғлаётганини елкаси участканидан биларди.

— Нима бўлди сенга, бунақа иродаси бўш қиз эмас эдинг-ку,— деди. Овози беихтиёр қалтираб кетганини сезиб, бир нафас жим қолди. Кейин ўзини босиб, давом этди:— Биз Римдан қайтиб келдик. Сен билан гаплашиб олишим керак, Тольяттидан илтимос қилдим. Совет Иттифоқига кетишга бизга ёрдам бермоқчи бўлди.

Нелли бошини кўтариб унга қаради. Аҳмаджон довдираб қолди: қизнинг юз-кўзлари шишиб кетган, кўзларини қалин ёш пардаси қоплаб олган эди.

— Ёрдам берса, кетаверасан, менга энди на Тольяттининг ёрдами, на сен кераксан... Бу дунёда ҳеч ким, ҳеч нима!... билдингми?! Тамом, ҳамма нарса чилпарчин бўлди. Энди мени тинч қўйинглар,— у яна бетини ёстиққа буркаб ётиб олди. Унинг бутун вужуди силкинарди.

— Бу ўзингнинг гапларинг эмас. Сенга ёт, бегона...— Аҳмаджон гапининг бу ёғини айтолмади. Кўкраги қисилиб жим қолди. Хийладан кейин сўзини улади: — Демак, кимдир орага суқилибди, қалбингга алам ўтказибди...

Нелли бошини кўтардию қарамади, бош чайқади:

— Ҳеч ким ўтказмади, ўзим ўтказдим, ўзим ўт қўйдим бошланаётган ҳаётимга. Ҳеч кимдан гумон қилма... Энди тушунгандирсан?...

Аҳмаджон индамай ерга қараганича уйдан чиқди. Ташқарида ўтирган Турғун билан чол унинг рангига қараб индашмади. Турғун унга эргашди, иккаласи кўчага, ундан денгиз бўйига кетишди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди ҳамки, Нелли ҳеч ким билан гаплашмади, вақтни ўз хонасида якка ўтказди.

Аҳмаджон йўл тараддудига тушди.

## XXIV

У қоронғи уйда якка йиғлаб ётибди. Ташқарида, кўчада шовқин, одамлар қичқиришади, музика чалинади.

Уйга ҳаяжонланиб Неллининг онаси кирди. Қизининг ҳолатига қараб турди-да, кампир тебраниди:

— Ҳо, эсингни едингми? Ўзингниям, бизниям адои тамом қила-сан-ку?— Қизи унинг гапини гўё эшитмади...— Қўрқма, йўлингга ётиб олмайман.

Қиз қаддини ростлади. Унинг қизариб кетган кўзларида ҳайрат ва таъна бор эди:

— Сенинг раъйингга қараб...— сўзининг у ёғи бўғзида қолди. Мушт-лари билан чаккаларига уриб-уриб тебраниб ўтирди.— Юрагимни қан-дай дард эгаллаб олганини билардим. Чангаллаб узиб ташлашга кучим етади деб ўйлабман. Айт-чи, нима қилай, мама?

— Айтдим-ку, бор, розиман деб.

— Нима, розимисиз?

— Ҳа, розиман, чиқ!

— Йўқ, мама,— у бошини чангаллаб, кейин бармоқларини қирсил-латиб, каравотда тебраниб ўтирди: — Энди вақт ўтди,— деди у товуши-ни хиёл кўтариб.— Кечикдим... Энди бу ярани тузатадиган ҳеч қандай дори йўқ...

— Алаҳсима, ўзингни қўлга ол. Кўча тўла одам, ҳамма уларни ку-затяпти, чиқ, эл билан бирга кузат... кўзига кўрин, ўзингга ҳам, унга ҳам яхши, кейин ўқиниб юрмайсан. Ақалли, деразадан қара!

Онаси бориб деразани очиб қўйди.

Ташқаридан муздек шабада билан бирга халойиқнинг қувноқ то-вуши кириб келди. Ёш-қари — ҳамма гўё кўчага қўчиб чиққан эди.

Кўча ёқасида юк машинаси турибди, устида бир неча киши, қўлла-ри кўксиларида, ҳаммага таъзим қилади: — Нон-туз учун, ҳамма яхши-ликларингиз учун раҳмат!

Одамлар машинага нон, карзиналарда озиқ-овқат, мевалар узата-ди, анвойи хил гуллар отишади...

Шу топда унинг қулоғига: «Сандро!» деб қақирган таниш, азиз то-вуш эшитилди. У вужуди қулоқ бўлиб туриб қолди. Товуш гўё жуда олисдан келарди. У ҳам «Нелли, мен бу ёқдаман!» деб товуш берди. Би-роқ унинг товуши халойиқнинг: «Яшасин Советлар, яшасин Совет Итти-фоқи коммунистлар партияси!» — деб устма-уст кўтарилаётган садола-ри тўлқинига фарқ бўлиб кетди.

Машина туйқусдан жилди. У сакрашга интилганича тик туриб қолди.

### СУНГИ СЎЗ УРНИДА

Бу китоб қаҳрамонлари муаллиф ўйлаб топган, ҳаракатга солган кишилар эмас, улар ўз номлари, ўз ихтиёрлари билан жанггоҳга кирган, ҳаёт-мамот жангида эъти-қодга, дўстга содиқ қолган Ватан солдатларидир. Улар ақл-идроқларини, ўзларини Ва-таннинг бутунлигига, унинг тинч меҳнатида барқарор қилишга тиккан бедор ёшлар эдилар. Ҳа, ўша оловли қирқинчи йилларда, фашизм оламга ажал уруғини ёйган ўша даҳшатли йилларда қалби жанггоҳни ловуллаётган йигит эдилар.

Тақдир ўйини уларни фашистларга асир қилиб қўйди. Улар фашистлар ўйлаб чиқарган жамики қийноқларга бардош бердилар; лагерма-лагерь мол сингари ҳайдал-дилар, қасос куни келишини орзиқиб кутдилар; ахири, улар Италияга (Гитлер ўша кезларда бу ерларга ҳам ҳукмрон эди) — немис-фашист офицерлари хизматкорли-гига олиб келиндилар. Тақдир тақозоси йўл кўрсатди, ҳар қалай, улар — Советлар, мамлакатининг ташна қасоскорлари — Италиянинг Каррара тоғларида ажалга панд бер-дилар; улар бу ерда, итальянлар орасида ўзларига чин дўст, ёрқин севги топдилар.

Асар қаҳрамонлари бор одамлар дедим. Аҳмаджон Мамажанов тирик: хотини, ўғиллари, қизи, неваралари бор. Италиядан қайтиб келгач, у Самарқанд Давлат уни-верситетини битирди, ўшандан бери институтда олий математикадан дарс беради. Бурхон Андижонда, колхозда ишлайди, Ёқубжон ва Назиржонлар ҳам бор, хабарла-шиб туришади. Турғун Қўчқоров туғилиб ўсган жойи Ойимқишлоқда вафот этди. Бо-лалари бор. Ҳамқишлоқлари унинг хотирасини банд хўрматайдилар.

Аҳмаджон уч-тўрт йил олдин Италия Компартияси Марказий Комитетининг орга-ни «Унита» газетасига хат ёзиб, партизан дўстларидан хабар топди: шу кунларда у Жино билан хат ёзишиб туради. Партизан бригадасининг командири Мемо унга са-лом йўллайди. Нелли вафот этибди. Аҳмаджоннинг иш столи ғаладониде италиялик дўстларидан келган хат-хабарлар, фотосуратлар даста-даста. Ёр-биродарлари кўриб-ўқиб, унинг ажойиб тақдир йўли билан танишадилар.

Қисса бу ажойиб тақдирнинг тўла тасвири бўлмайди, унинг бир лавҳаси ўқув-чига оз-моз бўлса-да маънавий озиқ беролса, муаллиф ўзини бахтиёр деб билади.

МУАДЛИФ.

«Ҳамроҳ» девонидан

Ғазаллар

*Сел бўлиб...*

**С**ел бўлиб куйлар ҳамон шоир Ватан орзусини,  
Ором истар тун қаламдан, тарк этиб уйқусини.

Оқ қоғозга тўкмаса ҳар кун муҳаббат нашъасин,  
Сигдиrolмас қалбига завқлар тўла туйғусини.

Сўз ҳунарлик ким, таманно, дид билан сайқал бериб,  
Элни утрусига қўйгай ўз ҳаёт кўзгусини.

Шоир умри бу — саноқли мисра, билмас қанча у,  
Ҳар ҳижога жойлар интиқ ҳар юрак урғусини.

Ҳар нафас парвонадек ижодига ўзни уриб,  
Шеър билан айлантирар шодликка бор қайғусини.

Айланар битганда шеър боши, вале сархуш эмас,  
Хуш кўрар илҳомни бундай сеҳр ила жодусини.

Гулхан — ижод ичраким, Восит самандардек ҳамон,  
Бор хаёл, фикри билан излаб яшар оҳусини.

*Жонон, сенга*

Ошиқу шайдо эрурман бир умр, жонон, сенга,  
Интилурман, ихтиёрим ўзда йўқ, ҳар он сенга.

Кўзларим равшан бўлур кўрган замон завқингда ёр,  
Кўрмаган кунлар кўнгилсиздир менга, жавлон сенга.

Қизга хос нозик ҳаё, андишаларким йўл тўсар,  
«Борма — деб ёнига» бергай буйруғу фармон сенга.

Ғамни қўй, яйраб қувон, фасли баҳоринг дилбарим,  
Тут ғаниматким бу ёшинг, давр ила даврон сенга.

Ибрат ол доим вафолик дилраболардан, кўриб,  
Бўлмаким енгил табиат, келтирур армон сенга.

Олмасанг дард олдиниким, сўнгра малҳам фойдасиз,  
Кўз, ақл, иффат берар танлашда ёр, имкон сенга.

Аҳди елдек бетайин парвоналардан қоч, гўзал,  
«Кўйдим-ўлдимлар» бари вақтинчалик ёлғон, сенга.

Ургилай, Восит, демай, ишқига содиқлик билан  
Бўлмоқ истар бир умр қурбон эмас, жонон сенга.

## Келдику

Қанча кун келмай юриб, ёнимга дилдор келдику,  
Сигдиrolмай ўзни бу оламга гулёр келдику.

Соғиниш тугёнлари гина, араздан зўр келиб,  
Сертабассум чеҳра бирла худди гулзор келдику.

Тошса ҳам дилдан севинчим босдим ўзни мен атай,  
Кўзга кўз тушгач қувончим юзга ошкор келдику.

Таклиф этдим ўзда йўқ яйраб, хиёбон сайрига,  
Очмайин девдим кўнгил сўз тилга бисёр келдику.

Қийнама дилбарни кўнглин чўктириб, очгил кўнгил.  
Дер менга имон, мана, ишқига иқрор келдику.

Ташла пойига бу дам ошиқ эсанг чиндан ўзинг,  
Бўлса ҳам қиз қалбига бу ҳоли душвор келдику.

Бир умр, Восит, қувон ёринг вафосидан, не бахт,  
Интизорлик кетди, сенга вақти дийдор келдику.

## Гўзал

Жилва айлаб чеҳра кўргиз, кўзларим ёндир, гўзал,  
Мен билан чақчақлашиб, бир меҳрингга қондир, гўзал.

Қайга борсам яйрамас сенсиз, нетай, кўнглим менинг,  
Қайфиятсиз, туйғусиз ҳар ерда вайрондир, гўзал.

Рухим ороми ўшал, жононаси мен нотавон,  
Жон эмас жоним тўлиқ, тан ичра нимжондир, гўзал.

Севдиму тинчим йўқотдим, энди кўнглим ҳар нафас,  
Қон юришмасдан равон кўксимда ларзондир, гўзал.

Кўрсам очгайман кўнгил дерман, вале келганда ёр,  
Лол бўлиб тил, кўзларим ҳайратда ҳайрондир гўзал.

Қанча дарду изтироб чекдим, кушойишлар қани,  
Менга дийдоринг кўриш, ёр, ўтли армондир гўзал.

Мендамас, Восит, бу қийноқ, сенда ҳам бор, севгилим,  
Икки дилни айла шод, бу сенга осондир, гўзал.

## Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза

Соғинч ортар сенга мен кўз тутиб ҳар лаҳза, ҳар лаҳза,  
Яна муштоқлигим жондин ўтиб ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Хабарсиз бу жаҳондир шунчалар беҳуд, паришонман,  
Хаёлингдан бу беҳушлик етиб ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Танимда ўрмалар ғашлик, юриш, сўзлашга хоҳиш йўқ,  
Фикрлашдан йироқ бошим қотиб ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Хаёлим тўзғиган қушлар каби йўқ бир қўнар жойи,  
Урар ҳар ёна ўзни патратиб ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Кутишдан йўқ ёмон нарса, эгар қаддимни ҳам, дилбар,  
Йўқотдим ўзлигим ҳатто, кутиб ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Келиб сўрмайди ҳолим бир, нетай аксинча кўрганда,  
Қочар мендан йироққа ноз этиб ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Бу ишва, бу карашма, нозни, Восит, ҳаддини сўрма,  
Муҳаббат ҳадди йўқ олам, латиф ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

## Севги куртак ёзмаса...

Севгимас ўткинчи ҳис гар юрмасанг шайдо бўлиб,  
Севганинг ҳам сендан ортиқ севмаса лайло бўлиб.

Сир тутиб кўйида куймоқликни ҳам ўз ҳадди бор,  
Кўнглинг оч ёринга сен юргунча вовайло бўлиб.

Қилса ким шайдойилик маҳбубга гар чин қалбидан,  
Ном чиқаргай элда у минг шармисор, расво бўлиб.

Кўнгли бор деб ич-ичингдан, ўксимай, яйраб қувон,  
Ўтса кўрганда сени лоқайду бепарво бўлиб.

Севги куртак ёзмаса, тарк айламас шўхликни қиз,  
Кирмагай ҳам давраларга гулдайн зебо бўлиб,

Солма доғ, жон чекмасанг, жонона кўнглин куйдириб,  
Сен-ла у орзуларин кўрмоқ тилар жоно бўлиб.

Қиз келинлик даврини, Восит, кутар орзу билан,  
Кўрсин у завқли ҳаётким бағри бир дунё бўлиб.

## Самандарман

Ўт ичра ҳаёт менга, парвона самандарман,  
Ҳар учқуни парвозим, ишқона самандарман.

Жоним мени ўтдан ўзиким, кўнглим — аланга,  
Йўқ менга ажал мангу, афсона самандарман.

Билдимки, ҳаёт ҳам ўт, ҳар ерда ҳарорат зўр,  
Доим шу ҳароратдан мардона самандарман.

Ўтсиз яшаган етмас олам қадрига асло,  
Қадрига етиб топган дурдона самандарман.

Бир лаҳза совуқлик гар кўнглимга тушар бўлса,  
Жонсиздек сезиб ўзни ҳайрона самандарман.

Солмайди не савдолар умр ичра ҳаёт бошга,  
Енгмоққа уриб ўзни ҳарёна самандарман.

Дўстлик-ла мулоқотлар нисбий эканин билдим,  
Армонга, нетай, Восит, ҳамхона самандарман.



Жуманиёз Жабборов

# Кўйдан олдин ТОМОША

ИККИ ПАРДА, БЕШ КЎРИНИШЛИ

КОМЕДИЯ

ҚАТНАШАДИЛАР:

**ИЛҲОМ** — 26—27 ёшларда;  
**ИКРОМ** — Илҳомнинг акаси, 35 ёшда;  
**РАЙХОН** — Келинойиси, 30 ёшда;  
**ИҚБОЛ АЯ** — онаси, 50 ёшда;  
**НОРЖОН БУВИ** — аммаси, 65 ёшда;  
**ТОЖИ ХОЛА** — холаси, 60 ёшда;  
**ФЕРУЗА (ЛАЪЛИХОН)** — 23—24 ёшларда;  
**ЭРГАШ** — ирригатор йигит, 24—25 ёшларда;  
**МАЛИКА** — учувчи қиз; 23—24 ёшларда;  
**СУБҲОНҚУЛ СУХРОВИЧ** — Ферузанинг отаси, 50 ёшда;  
**САЙҚАЛХОН** ва бошқалар.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

Ҳовли. Қиз билан учрашувдан яна муваффақиятсиз қайтган йигитни хонадон аҳли қийин-қистов билан «имтиҳон» қияпти.

**Иқбол.** Токайгача сен бизларни кўйдирасан,

На ўзингча бирор қизни кўндирасан.

**Икром.** На кўнглингни бизга ошкор айтасану,

На ўзингча қойил қилиб дўндирасан.

**Норжон буви.** Болагинам, инсофга кел, бўлма ўжар,

Бахт қушини қачон қўлга қўндирасан?

И к р о м. Ешинг ўтиб кетаверса шу зайлда,

Ўз бахтингни қачон ўзинг ундирасан?

И қ б о л. Наҳот, ўғлим, менинг орзум чироғини

Шафқат қилмай, бир умрга сўндирасан.

И л ҳ о м. «Йўқ» деяганим йўқ-ку!

И қ б о л. «Ҳа»ям демаяпсан. Мана, акангниям адлақайси тоғу тошлар бағридан чақиртириб олдик. Ҳаммани безовта қилдинг.

И к р о м. Ешинг йигирма еттига бориб қолди, бола. Уйлайсанми ҳеч? Токай бўйдоқ юрасан, уйланмасдан.

Р ай х о н. Қўйинглар, қийнаманглар қайним бечорани. Кандидатликларини ёқлаб олсинлар аввал.

И қ б о л. Маҳалладагилардан уялавериб бўларим бўлди. Елғиз ўзинг узун кириб, узун чиқиб юргани уялмайсанми дарвозадан?

И л ҳ о м.. Дарвозанинг нимасидан уялишим керак?

И к р о м. Яна ҳазилга олмоқчи бўлади-я, тақасалтанг. Ман-ман деган бир йигитчалик сохт-сумбатинг бор; кимсан бир обрўли институтнинг илмий ходимсан, яна нима керак сенга? Наҳотки, шу пайтгача бирорта қиз юрагингни жизиллатмаган бўлса?

И қ б о л. Шу вақтгача олтита қизни кўрсатдик, окаси. Қирмаган эшигимиз, чиқмаган тешигимиз қолмади. Бирортаси билан элакишиб кетмаяпти-да, бунинг.

И к р о м. Нима дейди ўша олтита қиз ҳақида?

И қ б о л. Бирини ўпоқ, бирини сўпоқ, хулласи калом — гапи қовушмади.

Р ай ҳ о н. Лолахон жудаям яхши қиз эди, жудаям мос келарди оиламизга.

И л ҳ о м. Мендан бир қарич новчароқ экан. Баланддан келиб гаплашди.

Р ай х о н. Анави, Манзураҳон-чи? Мундоғ овсинни икки дунёда тополмасман.

И л ҳ о м. Учрашувга ўн минут кеч қолиб борувдим, тескари қараб, жўнаб қолди.

И қ б о л. Магазинчи Салимаҳон-чи? Ун қўли ўн ҳунар, оғзи тўла тилло тиш, қошлари қундуздай, кўзлари чироқдеккина эди, унияма қўлдан чиқариб юборди. Билмадим, бунга қанақаси керак экан...

И к р о м. Маҳалланинг адоғидаги Тойир трамвайчининг қизигаям оғиз солган экансизлар, ўша гап нима бўлди? Ундан ҳам бир гап чиқмадимми?

И л ҳ о м. У қиз жудаям чиройли экан, юзига тик қараб гаплашиб бўлмади. Уялиб кетдим, юрагим ўйнади.

И к р о м. Юрак ўйнайди-да, учрашгандан кейин. «Юлдуз» фирмасида ишласа, ақлли-хушли, келишган бўлса, яна нима керак сенга?

Н ор ж о н б у в и. Ақалари ҳам катта-катта жойларда ишлашар экан, бинойидек...

И к р о м. Қўйсангиз-чи, шу майда-чуйда гапларни. Гап қиз ҳақида боряпти, амма.

Н ор ж о н б у в и. Қариндошу авлод ҳам керакми, ахир? Таги-тахти тоза бўлиши керакми, ахир?!

И л ҳ о м. Вой-бў, бунча энди халқаро фожиага айлантириб юбормасаларингиз бу савдон.

И қ б о л. (тушунмай). Ҳожия дейдими? Қайси Ҳожия? Анави кўчанинг бошига чиқиб олиб, уззукун ўтган-кетгани гап қиладиган шаллақининг эрка тантиғими? Елкамнинг чуқури кўрсин!

И к р о м. Ойи, амма! Отни қамчилаш керак. Бу йилдан ҳам қолса бу қари бўйдоққа биров қўтир эчкисини ҳам бермайди.

И л ҳ о м. (файласуфона). Улуғ одамларнинг кўпчилиги қирқ ёш атрофида уйланишган. Қирқда — қирчиллайди, деган халқ мақоли ҳам бор. Нисбийлик назарияси ҳам шуни тақозо этади. Демак, ҳали фурсат бепоеён... Келажак ёрқин...



Райҳон. Сал пастроқ тушинг, қайнижон... Вой ўлмасам, ошим тагига олиб кетган бўлмасин (*югургилаб чиқади*).

Икром. Фалсафа сўқишини қаранглар. Биз боғдан келсак, у тоғдан келади-я.

Илҳом. Узи туғилмаган муҳаббат ҳам бўладими дунёда, ака? Муҳаббатни ўртада одам туриб, воситачилик билан ҳам яратиб бўладими?

Икром. Бўлади. Ҳаётда юзлаб мисоллар бор бунга. Тўйдан кейин ҳам ҳаққоний севги юзага келиши мумкин.

Илҳом. Мана буни илмий кашфиёт деса бўлади. Ё тавбангдан кетай! Биз ўқиган китобларда, биз кўрган киноларда бунақаси учрамаган эди.

Икром (*қатъий*). Бўлади. Яна бир марта айтаман: бўлади! Юлдузи юлдузига тўғри келса, бас, чинакам муҳаббат барқ ураверади.

Илҳом. Муҳаббат назариячиси бўлиб кетинг-ей...

Икром. Ҳа, муҳаббатнинг кўриниши ранг-баранг, хилма-хил. Эшитганмисан шундай шеърни:

Ишққа бериб бўлмас яхлит қўлланма,  
Ечишлар, туйғулар бўлар ранг-баранг.  
Шу сабаб севгимдан, о қиз, ўйланма,  
Учрашганда ногоҳ ҳолим бўлса танг.

Иқбол. Ана, акангинг гапларини қара, қандоқ маънолик.

Илҳом. Хўш, нима қил дейсизлар?

Норжон буви. Энди битта жойда — битта қизда қўним топининг керак. Бизларни қийнама, онангни азоблама, бўталоғим. Отанг раҳматлик бўлганда сени шу аҳволга солиб қўярмиди... (*йиғлаб*) Акажоним, кечиринг, шаккок фарзандингизни... Гапни олсангчи, бўталоғим.

Икром. Бўталоқ эмиш, сўлахмондай эркагу...

Иқбол. Унақа дема, акаси. Энди айтганингни қилади. Вой, айланайлар-ей, қачон «Тўйлар муборак!» бўлади бу ҳовлида?

Илҳом. Бунча шошилмасангиз, ойи.

Иқбол. Уйласанг-чи, ахир. Мана, Саврихонлар бир йўла қўша-қўша келин тушириб, яйраб-яшнаб ўтирибди. Тўрт келин бўлди, бири-биридан зиёда, бири-биридан озода: бири ҳовлини супурган, бири ҳамир қорган, бири нон ёпган, бири помидор тузлаган...

Райҳон (*кириб-чиқиб, юрган бўлади*). Ойи, ўша Саврихон ўртоғингиз чўкиб қолди-да, ўнғарилмайдиган бўлиб.

Иқбол. Нимаси чўқади?! Қайси кун келинларини кўриб, ҳавасим келиб кетди. Атлас лозимлари ярашиб, товусдек товланиб, сочлари думбада селкиллаб, ҳаммаёқни ойнадай саришта қилиб юришибди.

Икром. Келин туширишдан муддао фақат шу эмас-ку, ойи, тушунсангиз-чи?

Иқбол. Вақт кетиб қоляпти, оинг ўргилсин, эрта-индин қиш келади қиличини кўтариб, яна келаси йилга қолиб кетадими бу корхайр.

Икром. У ёқ-бу ёғини қўйинглар. Кечаги — энг кейинги учрашув нима билан тугади? Нима дединг қизга?

Илҳом. Нима дер эдим. У билан энди биринчи марта учрашувим бўлса... Шаҳарнинг қайси томонида туришларини сўрадим.

Норжон буви. Бундоқ кўнглига қўл солиб кўрмадингни?

Илҳом. Кўрдим. Яна уч йил ўқиши керак экан... Медицина.

Иқбол. Йўлинг очилмади, очилмади, ҳа. Акангдеккина бўлақолсанг нима қиларди, сен ҳам бундоқ...

Райҳон (*кирган бўлади*). Акалари нима каромат кўрсатган эканларки, ўшандоқ бўладилар?

Норжон буви. Бошингизни айлантириб ташлаганмиди,

ишлиб. Олиб чиқиб ўқиб берсинми ёзган хатларингизни? Оҳ-воҳларингиздан қоғозлар қорайиб кетган-ку.

Райҳон. Қўйсангиз-чи, амма. Бу кишингиз ҳам роса лапашанг эдилар, ўзим инсоф қилганман.

Икром. Ҳозир шу гапнинг хонаси эмас-ку! Райҳон буви!

Илҳом. Хўш, бу бозор тамом бўладими ўзи? Нима қил дейсизлар?

Икром. Гап бундай, ука, тоғларда геолог бўлиб ишласак ҳам, баланд-пастни биладиган одамлармиз. Бу таклифларнинг ҳаммаси — сени азбаройи севганимиздан, нима десак экан, сенинг тақдирингга бепарқ қарамаганимиздан...

Илҳом. Раҳмат, қариндошлар. Биламан, ҳамма гапларингиз юракдан, самимий. Аммо бу гапларнинг битта лекини бор...

Иқбол. Айт, эшитайлик ўша лекинини.

Илҳом. Ҳозир жаҳон ядро фанида энг долзарб проблемалардан бири...

Икром. Яна илм...

Норжон буви (тутоқиб). Ядронгни бошимга урамани, қанақа боласан ўзинг. Эру хотин деган гаплар бор-ку дунёда. Отабувадан қолган...

Илҳом. Бор. Лекин одам уйлангунга қадар кимдир бўла олиши керакми? Биров бир ҳунар бошини тутати, биров бир касбга интилади, биров фан ёки санъатда... Маркс айтиб қўйибди-ку, ахир, фан чўққисига машаққатсиз чиқиб бўлмайди, деб.

Иқбол. Очингдан ўлиб кетмассан, бола, шу маъмурчилик замонада.

Илҳом. Маъмурчилик замонни кемириб ётиб, бемалол яшаш бахт эмас. Бахт ана шу фаровонлик оқимига ўз ҳиссангни қўша билишда.

Норжон буви. Ана сенга гап... Айланторма, аммаси тасаддиқ, ё бирорта кўз тагига олиб қўйганинг борми, уялма, айтавер.

Иқбол. Бўлса айтарди-да. Гап чиқмайди-ку бунингиздан.

Икром. Гап-ку чиқади-я, амал йўқ.

Илҳом. Нега йўқ! Бор! Лекин қачон, қаерда, қандай қилиб? Бу муаммо. Вақт-соати етганда муҳаббат ўзи вулқондай отилади-чиқади... (хаёл суриб). У менинг бағримда яширин... Кўнглимдаги гўзал... Кўнглим осмонида парвоз этган бахт...

Не учун ёнимда йўқсан, эй гўзал,  
Сен юракда лағча чўғсан, эй гўзал.  
Бунча ҳижрон имтиҳони не учун,  
Жисмим ичра сен тўлиқсан, эй гўзал,  
Мен учун мангу кўшиқсан, эй гўзал.

Ким тушунгай дилда севгим розини,  
Ким кўтаргай менча тақдир нозини.  
Бир эшитсангчи бу кўнгил созини,  
Менга жондан ҳам улўғсан, эй гўзал,  
Мен учун мангу кўшиқсан, эй гўзал.

Райҳон. Сал пастроқ тушинг, Илҳомжон. Яна гапни чалғитяписиз.

Иқбол. Қани ўша гўзалинг! Бўлса айт, бўлмаса айтганимизга кўн. Бирорта жибилажибон буни жинни қилиб кетган. Қулоғига гап кирмайди.

Икром. Ким экан у?

Иқбол. Э, ота-онасиниям тайини йўқ, бирорта расвойи радди бало бўлса керак-да. Очигини айтолмаяпти-ку.

Райҳон. Билмасдан ёмонламанг бировни, ойи.

Икром. Яхши бўлса олақолсин.

Иқбол. Йўқ! Бу гапни бир айтдинг, иккинчи айтма. Мен тирик эканман, бу гап бўлмайди.

Икром. Нега?

И қ бол. Нега-нега!.. Уй-жойнинг тайини йўқ, кўчада юрганми, қаровсизми бир нарса бўлса... Тўй юбораман десанг, кимникига юборишни билмасанг. Бундан ортиқ шармандалик борми?

И л ҳ о м (*ўзига келиб*). Ана, шунақа гаплар, ака... Азиз онажоним, аммажоним, холажоним, келинойигинам, қандоқ яхши одамлар-сизлар. Меҳрибонларим, жигарларим...

(Ширин бир энтикиш билан шеър ўқийди).

Менинг вафоли ёрим  
Жононаликда машхур,  
Қалбим ўшал санамга  
Кошоналикда машхур.  
Зулфин домига маҳкам,  
Илинди мурғи кўнгил,  
Лаб узра холи ёрнинг.  
Яқдоналикда машхур...

И қ бол. Бу гапинг бошқа гап, болагинам. Тўйни шу ёздан қолдирсам кўзим очиқ кетади, бунням билиб қўй.

И л ҳ о м. Биламан, ойи. Хаёлингиз чиройлик. Тўй! Менинг тўйим, менинг бахтим.

Н ор ж он бу ви. Ҳа-да, қоқиндиқ. Орзу-ҳавас, ҳовли тўла одам, карнай-сурнай...

И к р о м. Қуда-анда, келин чарлар. Куёв чақиріқ... ўзи бўладими, акаси.

Н ор ж он бу ви. •Бир йил ўтар-ўтмас бешик тўйи... Инга-инга... Аллаё-алла...

И қ бол. Қачон етаман ўша кунга, қачон бирим икки бўлади, ёронлар-эй!..

(ўзича тасаввур қилиб куйлайди).

Келингинам, хуш келибсан,  
Қадамларингдан ўргилай.  
Узун сочингдан, қошлари —  
Қаламларингдан ўргилай.  
Нақш олмадек юзи тарам —  
Тарамларингдан ўргилай.  
Иzzатларинг, ҳурматларинг,  
Карамларингдан ўргилай.  
Таъзим қилиб юришларинг,  
Бўйларингдан ўргилайин.  
Ҳовли-жойимга зеб берган —  
Тўйларингдан ўргилайин.  
«Ойижон» деган тилларингдан  
ўргилайин!..

И л ҳ о м (*хуноби ошиб*). Уйланадиган сизларми, менми?

И к р о м. Сен... нодон...

И л ҳ о м. Унда ўзимга қўйиб беринглар... Фақат бу йил эмас.

И қ бол. Қачон?! Ё маҳаллага чиқиб айтақол: уйланадиган ҳолатим йўқ деб! Вой, мен ўлмасам!.. Қўшниларнинг кўзига кўринмайдиган бўлиб кетганман. Чиқдим, аридай талашади: «Ўғлингизни нега уйламаяпсиз?, «Ҳеч ким қизини бермаяптими?» деб...

И л ҳ о м. Парво қилманг, ойи. Муҳаббат олами бепоён. Унинг чексиз самовотида катта-кичик юлдузлар изма-из, муттасил ёнаверади.

И қ бол. Нима деяпти ўзи?

Р ай ҳ он. Салгина пастроқ тушинг, қайнижон.

Н ор ж он бу ви. Юлдузи юлдузимга тўғри келадигани керак деяпти-да, аммаси ўргилсин.

Телефон жиринглайди, Илҳом тез бориб трубкини олади.

Алло... Ҳа, мен. Роҳатой... Салом. Қаердан билдингиз телефонимиз номерини? Нима деяпсиз? Нега? Кимдан чиқди бу гап?!

Трубкини шахд билан жойига қўяди.

Лаборанткамиз... Мен бориб келишим керак.

И қ бол. Ана, айтмадимми, бунинг бошини биронтаси айлантирган деб. Роҳатой бўлмайд ўлгур, шайтон. Уялмай-нетмай телефон қилишини қаранг-а.

Н о р ж о н б у в и. Ҳиринг-ҳиринг кулгандай ҳам бўлди жувонмарг. Р а й ҳ о н. Нега бировнинг боласини бекордан-бекорга қарғайсизлар. Инсоф борми ўзи сизларда?

И қ б о л. Қарғаш кам. Баттар қилиш керак.

Р а й ҳ о н. Мен ошдан хабар олай. Илҳомжон, қаёққа отланяпсиз, мунча чопқиллаб?

И л ҳ о м. Мен... Ҳозир.

Апил-тапил чиқмоқчи бўлганида, эшикдан ўзида йўқ хурсанд қиёфада шошган-ҳовлиққан Тожи хола кириб келади.

Т о ж и х о л а. Чарчадим-эй, сув беринглар. Ҳозир кўриб келаётган қизим ҳаммасидан аъло. Агар шуниям кўндирилмасанг, ўзингдан кўр, бола. Оёғимда оёқ қолмади.

Илҳом кескин тўхтаб қолади.

И қ б о л. Нима тўхтамагга келдингиз, опа?

Т о ж и х о л а. Эртага анҳор бўйидаги хиёбонга олиб чиқадиган бўлишди қизларини.

И к р о м. Ким экан, қанақа одамлар экан?

Т о ж и х о л а. Қизмисан, қиз. Суқсурдай. Ҳусни бир дунё, ақли бир жаҳон. Вой, шарму ҳаё билан боқишлари... Кулганда кулгичлари, қошлари қийғочлари!..

(Ниҳоятда мамнунлик билан ўз хурсандлигини ифодалаб куйлайди).

Толма беллик,  
Олма юзлик  
Гўзал қизни кўриб келдим.  
Қоши қийғоч,  
Кўзи сузук,  
Ёнида ўлтириб келдим.  
Боғда пишган анормидир,  
Тўлиб оққан анҳормидир,  
Бундан ортиқ ёр бормидир,  
Ширин суҳбат қуриб келдим.  
Барно ўзи, раъно ўзи,  
Сарвқомат, доно ўзи.  
Бошдан-оёқ маъно ўзи,  
Дунё завқин суриб келдим.  
Жиянгинам, кулди бахтинг,  
Шу қиз билан бўлур аҳдинг,  
Қўлинггадир ушбу нақдинг,  
Уйингни тўлдириб келдим.

И қ б о л. Мана шуниси охиригиси бўлади, бола.

Т о ж и х о л а. Институтни битираётган экан. Битиргандан кейин газета ёзадиган идорада мухбир бўлиб ишлар эмиш.

И к р о м. Журналист денг?

Т о ж и х о л а. Ҳа, ҳа, ана ўшандан, тилим келишмаяпти.

И к р о м. Умри командировкада ўтиб кетадиган келин бўлар экан-да, ойи, майлими?

Т о ж и х о л а (тушунолмай). Йўқ, командир эмас, идорада ишлайдиган.

И қ б о л. Менга деса ернинг тагида ишламайдими, келин бўлса бўлгани. Фақат кўчадан келадигани керак эмас.

И к р о м. Раҳмат, ойи. Мана буни ҳақиқий юксак онг деса бўлади.

И л ҳ о м. Демак, эртага энг сўнги бор учрашув! (ўзича) Жонга тегиб кетди. Йўлини қилиб бундан ҳам қутула олсам, вақтни яна бир йилгина чўзиб тура олсам эди... Яна галва, яна азоб, яна ташвиш...

(Бир оз хаёлга толиб, кейин мойиллик билан).

Бўлди... Айтганларингизга юраман (ўзича). Буниси энг сўнгигиси бўлади... Қутулдимми энди. Бир озгина тинч қўйинглар, илтимос.

Иқбол (*хурсанд*). Ана энди ишинг юришади, насиб бўлса.  
Юракдан чиқариб гапиряпсан, болагинам.

Норжон хола. Майли, яна бир марта чамалаб кўрсин ўзича.  
Тиқилинч қилаверманглар. Уфф, димиқиб кетдим.

Райҳон (*кириб*). Ош айвонда мунтазир, марҳамат қилинглар... Илҳомжон.

Ҳамма чиқа бошлайди.

Илҳом (*Икромга*). Ака, сиз қолинг, маслаҳат бор...

Ака-ука қолишади.

## ПАРДА

### Иккинчи кўриниш

Анҳор бўйидаги хиёбон. Илҳом қизни кутмоқда. Қиз билан йигит томондан келган қариндошлар ҳам шу атрофда. Улар ҳар жой-ҳар жойга беркинишиб бу ғалати учрашувни кузатишмоқчи.

Илҳом. Ҳозир яна биттаси келади бу қулбола учрашувга. Мендан ҳам ана буларга (*теваракка ишора қилиб*) зарурроқ бўлиб қоляпти бу уйланиш. Фақат онамни кўзим қиймайди-да, ранжитгим келмайди. Орзу-ҳавас деб жонини фидо қилади меҳрибоним. Лекин бугун бу заҳматларга нуқта қўймоқ керак! Бечора соддадил қизлар... Учрашув деса келаверишади. Қим билан? Нима учун? Бу томони қизиқтирмайди уларни. Орзу-ҳавас қурбонлари. Келиб қолса, яна нима дейман бегона бу одамга? Яна нимадан бошлайман гапни? Гапирариб, гаплар ҳам тамом бўлиб кетди.

Уйнатиб қош-кўзларини,  
Уйлаб айтар сўзларини,  
Кўз-кўз қилиб ўзларини,  
Келар ҳозир яна бири.

Ё уялиб ҳаё билан,  
Кўз қирида имо билан,  
Қўлларида хино билан  
Келар ҳозир яна бири.

Ё кулиб, ё қовоқ солиб,  
Турли ҳаёл, ўйга толиб,  
Балки бўлмоқ учун ғолиб,  
Келар ҳозир яна бири.

Очиқ кўнгил яхши қизлар,  
Ҳасодифдан севги излар.  
Наҳот, бунча соддасизлар...  
Келар ҳозир яна бири.

Келаётир, ана, бири!..

(Қиз кўринади. Уялиб, бир-бир босиб, соч учларини ўйнаб, гўё нима қиларини билмай, қилпиллаб).

Илҳом. Салом...

Қиз. Кутаётган киши сизмисиз? Салом.

Илҳом. Кечирасиз, исмингиз?

Қиз (*қўлини узатиб*). Лаълихон.

Илҳом. Лаълихон? (*Ўзича.*) Мен бошқачароқ эшитган эдим, шекилли. Утиринг, марҳамат.

Лаълихон. Раҳмат. (*Утиради*). Уф, ёндираман дейди-я.

Илҳом. Лаббай?

Лаълихон. Иссиқни айтаман.

Илҳом. Ҳа, офтобда тухум пиширса бўлади. Неча градус бор, сизнингча?

Лаълихон. Уттиз беш бўлса борки, кам эмас. Исмингиз нимаиди?

Илҳом. Мен.. Илҳомман.. Илҳом..

Лаълихон. Эшитдим. Бошқасиз деяётганим йўқ-ку.

Илҳом (*гап тополмай*). Ҳиндистондан келтирилган қуш роса сайрайди-да, жонивор, эшитганмисиз?

Лаълихон. Эшитганман, ҳунари шу бўлгандан кейин сайрайди-да.

Илҳом. «Пахтакор»га тушиб турасизми?

Лаълихон. Телевизорда кўрамиз.

Илҳом. Яхши. Зериктириб қўймайманми сизни?

Лаълихон. Қизиқсиз-а, энди келдиму.

Илҳом. Мен эсам бир йилдан буён шу ерда ўтиргандайман.

Лаълихон. Унда роса қийналибсиз-да.

Илҳом. Йўқ, йўқ, унақа ўйламанг. Кутишнинг ҳар бир дақиқаси бир йилдай бўлди, демоқчи эдим. Айтмоқчи..

Пауза.

Лаълихон. Гапиринг, жимиб қолдингиз?

Илҳом (*гап тополмай*). Сизларнинг маҳалла кўчасидан эски трамвай изи олиб ташландими? Шунақароқ эшитган эдим.

Лаълихон. Билар экансиз-да? Кўчамиздан ўтганларда мени кўрармидингиз?

Илҳом. Ўша томонларда битта ўртоғим туради. Ғалати йигит. Ош деса ўзини томдан ташлайди. Биз уни масхара қилиб, агар текин бўлса михниям капалаб ейшдан қайтмайди, деб ҳазиллашамиз.

Кулишади.

Тожи хола (*дарахт панасидан, қизиқиш билан*). Хайрият, гаплари қовушяпти, келин.

Райҳон. Насиб бўлса илинади, хола.

Бир аёл (*панадан*). *Ландавурроқми* дейман, анави йигит. Ланжлигини..

Иккинчи аёл. Вой, қизлик вақтларим эсимга тушиб, баданим жимирлаб кетяпти.

Биринчи аёл. Ул, ҳалигача қитиғинг босилмай.

Лаълихон (*уларни эшитмай*). Сизларнинг маҳалладаям бордир ўшанақаси. Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ, бўлмасин тагин.

Илҳом. Эҳ, гапга нўноқроқман-да. Сизни хафа қилиб қўйдим шекилли.. Кечкида ўқийсиз деб, эшитдим.

Лаълихон. Йўқ, сиртдан. Кечалари ёлғиз юришни ёқтирмайман, гап қилишади.

Илҳом. Чиройли экансиз.. Мевали дарахтга тош отишади-да.

Лаълихон. Маҳалламизда Сайфи сўтак деган хўппасемиз бир йигит бор — фақат ўша ўтган-қайтганимда тиним бермайдиган. Жинимдан ҳам ёмон кўраман.

Илҳом. Севиб қолган бўлса, нега йўқ дейсиз. Қийнамангда, бечорани.

Лаълихон. Вой, ановиларни.. Севадиган бўлса одам қўйсин-да, сизга ўхшаб.

Илҳом. Жинимдан ҳам ёмон кўраман дейсизу, яна одам қўйсин дейсиз. Бу қанақаси бўлди?

Лаълихон. Э-э, ҳозир кўпчилик шунга ружу қилган.. Рўзғор тутса, маълумоти бўлса бўлгани. У ёғи бир гап бўлар-кетар..

Илҳом. Маълумот денг?

Лаълихон. Ҳа, маълумот.. Нима ёмонми?

Аёл. (*Қиз томондан*). Ана, маълумотини суриштиряпти, қизимиз бало.

Иккинчи аёл. Сал сўхтаси совуқроқми дейман ановининг..

Биринчи аёл. Сўхтасини бошга урасизми, эгачи, топар-тутарликкина бўлса — ўша керак-да, қиз маънога.

Илҳом: Нега ёмон бўлсин! Мана мен олий маълумотликман. Яқинда кандидатликни ҳимоя қилмоқчиман...

Лаълихон. Кандидат? Амакимнинг катта ўғиллариям яқинда кандидат бўлдилар. Ҳозир гастрономда мудир бўлиб ишлаяптилар.

Илҳом. Мана буниси жуда ғалати гап! Омад деганлари шу бўлса керак. Нима дейсиз, Лаълихон?

Лаълихон. Ҳамма ишда омад керак, дейдилар амаким. Омад-ли одам деворни минса девор от бўлиб чопар эмиш, омадсиз одам отга минса ҳам оти девор бўлиб қотиб тураверармиш.

Илҳом. Тўғри айтасиз, Лаълихон, кеча бир илмий мақолани ўқиган эдим... (чеккароққа ўтиб, ўзича). Ҳозир бир мужмал илмий гап билан бошини ғовлатиб юбораман... Ҳафсаласи пир бўлиб жўнаб қолади.

Лаълихон. Хўш, хўш, нима дейилган экан ўша илмий мақолада?

Тожи хола (панадан). Гапни лағмондай чўзиб ўтирган билан бўладими?... Мундоғ соч-почини силайди-да, йигит деган. Намунча бўшашади бу бола, товба.

Райҳон. Биринчи кундан-а? Кейин, сочи бўлса силайди-да.

Илҳом. Агар осмондан туриб ернинг маълум бир районини, дейлик, тоғлиқ бир заминни кино-фотога олинса ва шу ерни ўша нуқтадан туриб яна ўн йилдан кейин суратга олинса ва бу иш шу зайлда йигирма миллион йил муттасил давом эттирилса — бир суткалик кинофильм пайдо бўлиб, ер шари юзасининг худди океан сатҳидай жуда тез ҳаракатланиб туриш манзарасини кўрар эдик: яъни тоғлар нураётган, дарёлар йўлини ўзгартираётган, денгизлар қуриётган ёки пайдо бўлаётган ва бошқа-бошқа... Чунки, йигирма миллион йиллик ҳаёт ихчамлашган бўлади, дейилади ўша илмий мақолада.

Илҳомнинг бирдан жўшқинланиб гапиришидан икки томон вакиллари ҳам ҳайратга тушади, Лаълихон ҳам диққат билан тинглайди.

Аёл. (Қиз томондан). Епирай, шоир-поирми дейман, тўғри одамга ўхшамайди.

Иккинчи аёл. Шу туришида жиндаккина мўйлови бўлса, Чарли Чаплин деган қизиқчининг ўзгинаси бўлиб қолар экан.

Тожи хола. Бопла, жиян, бопла. Оғзи очилиб қолди қиз ўл-гирнинг.

Райҳон (мамнун). Аста-аста-да, хола.

Лаълихон. Йигирма миллион йил дейсизми, унда тирик жон қолар эканми?

Илҳом. Ушанда ҳам одамзод бўлиши мумкин.. Бўлмаганда ҳам ўша гап ўша гаплигича қолаверади.

Лаълихон. Майли, қолса-қолаверсин... Мени чақиртирган экансиз? Қулоғим сизда.

Илҳом. Чақиртирганим йўқ. Биз учраштириляпмиз, холос. Уч-раш-ти-рил-яп-миз. Муддао сизга аниқми?

Лаълихон (ўзини гўлликка солиб). Ўзингиз биласиз, нима десангиз шу... Қайдам...

Илҳом. Мен сизга маъқул келдимми?

Лаълихон. Вой, гапингизни... Энди кўряпман-у...

Илҳом. Мен ўртада катта муҳаббат бўлмагунча, икки тақдирнинг бир-бирига чамбарчас боғланиши қийин, деб ҳисоблайман. Сиз-чи?

Лаълихон. Нима десангиз шу.

Илҳом. Фикрингизни билмоқчиман?

Лаълихон. Фикрим... Ота-оналаримиз, биз, ношуд гўдакчаларига нотўғри йўл кўрсатмасалар керак, деб ўйлайман.

Илҳом. Мен муҳаббат масаласини қўяпман, муҳаббат масаласини!

Тожи хола (панадан). Ана энди бир-бири билан очилиб-сочилиб гаплашяпти.

Райҳон (*қувнаб*). Тўйнинг масаласига ўтиб кетди буларингиз. Жон деб туришган экан.

Тожи хола. Райҳон, келиннинг бўй-бастига нечанчи пальто тўғри келар экан? Бир чамалаб кўр-чи.

Райҳон. Шу иссиқда пальтога бало борми, хола.

Тожи хола. Магазинчини ака, эчкисини така деб, прилавканинг тагидан муносибини топтиргунча вақт ўтади-да, келин.

Райҳон. Ака-такангизни бошига урадим, «шапкаси» билан тўлашингиз керак.

Аёл. (*Қиз томондан*). Мунча қўлини паҳса қилиб гапирмаса. Иккинчи аёл. Еру кўкка ишонмаяпти.

Шу аснода йигит билан қиз кўп фикрларни ўзлари учун ойдинлаштириб олишган бўлади. Лекин уларнинг суҳбати томошабинга эшитилмайди.

Лаълихон. Вой, шундай гапирясизки, гўё мен сизни мажбур қиялпман, товба...

Илҳом. Ҳамма фожиа мана шунда, Лаълихон. Сиз учун ҳамма нарса баробар, Сайфи сўтак чақиртирсаям кетаверасиз, мен чақиртирсам ҳам келаверасиз. Севибми-севилмайми турмуш қурилса бўлгани... Бошқаси аҳамиятсиз.

Лаълихон. Худди шу гапларни ўн баробар қилиб мен сизга қайтаришим мумкин.

Илҳом. Сиз ё ўта соддасиз, ёки думбулсиз.

Лаълихон. Хўш, ўзингиз нега келдингиз бу ерга?

Илҳом. Онамни қиёлмадим. Юраклари чатоқ.

Лаълихон. Эркатоё. Тантиқ.

Илҳом. Мен-ку галга солиш учун — шу ишни қилишга мажбурман... Сиз бўлсангиз, юр, биров билан учраштирамиз, десалар, йўр-галаб келаверасизми?

Қиз ногаҳонда сапчиб ўрнидан туради, йиғлаб юборади, югуриб чиқади.

Илҳом. Лаълихон, қаёққа?! (*орқасидан югуради*).

Бу можародан ҳайратга тушган икки томон вакиллари пана-панадан чиқиб, бир-бирларига рўбарў бўладилар. Ноқулай бир ҳолат. Нимадан гап бошлашини билмай, бир-бирларига дарғазаб тикилишади.

Аёл. (*Қиз томондан*). Нима қилиб қўйди арзандангиз, қиз болани қон қақшатиб?

Тожи хола. Айланай, олдин билинг, кейин гапиринг. Қиз болада, ноз қилаётгандир.

Иккинчи аёл. Йўқ, номаъқул гап айтди унингиз. Пешонаси тиришиб, кўзлари бежо бўлиб туришидан билувдим.

Биринчи аёл. Нимасини уйлантирасиз ўша латтангизни... Шалвираган.

Тожи хола. Оғзингизга қараб гапиринг, айланай. Менинг жияним ядрога ўқийди. Ҳар қизларки, орқасидан эргашади...

Иккинчи аёл. Қўлидан келмаса нима қилади йиғлатиб?

Тожи хола. Нима қўлидан келмас экан?

Биринчи аёл. Гапларининг музлигини... Саратонда этни жунжиктиради.

Тожи хола. Уша сочи сичқоннинг думидай қизингизни ҳадеб фаришта қилаберманг. Совуқлик ўзидан ўтди.

Иккинчи аёл. Алам қилмай ўлсин, ўша дум-думалоғингиз нима бўпти?

Райҳон. Нега дум-думалоқ бўлар экан. Дўмбоқ денг.

Биринчи аёл. Дўмбоқ эмиш... Йигирма еттига кирибди-ю уйланмаган. Ҳеч ким қизини бермаган, одамлар ҳам билади.

Тожи хола. Одамлар қизингизнинг опасиниям билади. Бегона бир йигитнинг этағидан тутиб қайси бир шаҳарга қочиб кетганини.

Иккинчи аёл. Қочса қочибди-да, яхши кўргандан кейин. Бир йилдан кейин меҳмон бўлиб келди-ку. қўчқордай ўғилчаси билан.



Райҳон. Вой, мақтанишларини... Бир йил қочиб юргандан кейин, қўчқордай ўғил бўлмай, сичқондай бола билан келсинми?

Тожи хола. Қўйинг бемаъни гапларингизни. Ора очик сизлар билан...

Биринчи аёл. Эшитганмиз, етти эшикка бош уриб борганингизни, бизаниям кўзимиз учиб тургани йўқ эди.

Райҳон. Истасангиз шу: танлаб оламиз. Дарахтни силкитсангиз ёғилади. Кўча тўла қиз...

Иккинчи аёл. Олинг, ташлаб қўйибди.

Тожи хола. Кўча тўла алвон қиз,

Бир-биридан полвон қиз.

Райҳон. Бир-биридан шўх, барно,

Бир-биридан чаққон қиз.

Биринчи аёл. Кечикмай тез боринглар,

Бир-биридан арзон қиз.

Иккинчи аёл. Уғлингизни танлагай

Балки бирон нодон қиз.

Тожи хола. Кетдик. Райҳон, садқайи гап кетсин булар.

Биринчи аёл. Оғзингиздан чиқиб, ёқангизга ёпишсин. Иккинчи тилга олманг бизларни.

Тожи хола. Зор қолувдик. Елкамизнинг чуқури кўрсин!

Голибона юриш билан икки томонга чиқа бошлайдилар. Шу пайт Лаълихоннинг кўлидан етаклаб, хандон уриб кулишиб, Илҳом киради. Булар яна ўзларини четга, ўз ўринларига олишади. Йигит билан қиз қотиб-қотиб кулишади.

Лаълихон. Шу гапни барвақтроқ, очик-ойдин айтсангиз бир нарса бўлармиди?

Илҳом. Ўзингиз-чи, ўзингиз дангал айта қолсангиз нима бўларди, Лаълихон?

Қиз. Феруза денг. Ўз отим бор. Жавобингизни бериб юбориш учун шунақа қилган эдим.

Илҳом. Лаълихон, кечирасиз, Ферузахон, демак, келишдикми?

Феруза. Келишдик. Ранжитган бўлсам кечирасиз.

Илҳом. Сиз кечиринг.

Феруза. Ҳечқиси йўқ. Иккаламиз ҳам бир хил ўйлаган эканмиз.

Илҳом. Дардимиз бир хил экану...

#### ИЛҲОМ БИЛАН ФЕРУЗА ДУЭТИ

Илҳом

Бир хил экан дардимиз,

Ухшар экан шартимиз.

Билмай бир-биримизни,

Уйлаб тақдиримизни,

Қаранг, қанча ёндик биз,

... Ахийри қувондик биз,

Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

Феруза.

Биз тил топишдик аранг,

Гап-сўз ўтди ранг-баранг.

Бир-биримиз синадик,

Гоҳ жеркиб, гоҳ сийладик,

Ҳақ ўрнини топгунча,

Уртандик анча-мунча,

Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

Илҳом.

Чин муҳаббат бор бўлсин,

Севганингиз ёр бўлсин.

Ғоят қувноқ экансиз,

Қалби қайноқ экансиз.

Бир хил чикди режамиз,

Шод бўлмайлик нега биз?

Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа,

Феруза. Нега шу гапларни бошданоқ ҳал қилиб қўяқолмаймиз.

Илҳом. Демак, келаси сафар учрашувимиз яна шу ерда.

Феруза. Истасангиз шу ерда, бошқа ер десагиз ўша ерда.

Илҳом. Раҳмат, яхшиси шу ерда.

Феруза. Келишдик. Қўлни беринг.

Илҳом (қўлини маҳкам қисиб). Кечикмайсиз, илтимос.

Қувноқ бир кайфиятда бирга чиқадилар. Бу гаплардан ҳайратга тушган икки томон вакиллари икки ёндан чиқиб, бир-бирларига таъзим қилиб, ҳижолат билан эгиладилар.

Тожи хола. Кечирасизлар, айланайлар, биздан ўтди.

Райҳон. Шошқалоқлик қилиб қўйдик.

Биринчи аёл. Биздан ўтди, эгачи, валдирамай тилим кесилсин.  
Иккинчи аёл. Бир-бирига муносиблигини. Оқ гулга қизил гул пайваста бўлиб кетгандай.

Тожи хола. Бирам ширин, бирам чиройли гаплашдиларки, худди Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун.

Райҳон. Қудажон, чарчаб қолдингизлар, мана бу ергинага ўтиринглар.

Биринчи аёл. Раҳмат. Ўзингиз ҳам тик оёқда қолдингиз-а.

Тожи хола. Қанча хурсанд бўлсак ярашади, айланайлар. Бир давра тузсанглар, ўйнаворишдан ҳам тоймайман.

Иккинчи аёл. Бу хурсандчиликка ўйнайсиз энди. Ўзи бўладими.

Тожи хола. Хижолатдан ҳалиям терлаб кетяпман. Яна бир марта кечирим сўраймиз, айланайлар.

Райҳон. Шундай ажойиб қудаларни хафа қилиб ўтирибсиз-да, Тожи хола.

Тожи хола. Асли сен ўлгурдан ўтди, ҳадеб тилимни қичита-вердинг.

Райҳон. Менга ағдаришларини қаранг, шошмайлик, аста-аста дедим-ку.

Биринчи аёл. Дилхираликни қўйинглар.

Бир-бирларини даврага, тортадилар.

Тожи хола (даврага тушиб, рақс бошлаб).

Ҳай, қудажон, ялқов бўлманг,  
Бўшанг бўлманг, анқов бўлманг.  
Қўшиқ айтинг, соқов бўлманг,  
Бир йўрғаланг даврамизда.

Биринчи аёл.  
(даврага кириб).

Ойна кўлнинг ғози бўлар,  
Ғозининг овози бўлар.  
Қизи борнинг нози бўлар,  
Сиз йўрғаланг даврамизда.

Тожи хола.

Менинг ўғлим чаққон бола,  
Кўксига гул таққан бола.  
Қизингизга ёққан бола,  
Сиз йўрғаланг даврамизда.

Иккинчи аёл.

Менинг қизим — барно қизим,  
Не йигитлар шайдо қизим,  
Уйингизда аъло қизим,  
Сиз йўрғаланг даврамизда.

Райҳон. Ўлманглар. Бор экансизлар-ку.

Хурсанд бир кайфиятда бир-бирларига меҳрибонликлар кўрсатишади.

## ПАРДА

### Учинчи кўриниш

Гўзал ўрмон, ям-яшил ўтлоқ манзараси. Гуллар ҳидидан муаттар, қушлар садосидан янграган мусиқий олам. Тиниқ кўкда оппоқ булутлар. Ҳарир ҳавой либосларда Малика ва унга интила-интила Илҳом кўринадилар.

Малика. Қаранг, қандоқ олам мусаффо!

Илҳом. Сиздандир бу гўзаллик, сафо!

Малика. Қулоқ солинг булбул куйига!

Илҳом. Булбул чорлар севги тўйига!

Малика. Гуллар юзин бежамиш ханда!

Илҳом. Улар сизга бўлмишлар банда!

Малика. Сочларимни силайди шамол!

Илҳом. Шамол сизга тилайди камол!

Малика. Ирмоқларда ажиб тарона!

Илҳом. Ташрифингиз бўлмиш баҳона!

Малика. Бунча тиниқ ва мовийдир сув!

Илҳом. Ҳуснингизга бўлмоқчи кўзгу!

Малика. Кўм-кўк само кўркига қаранг!

Илҳом. Либосингиз бермиш унга ранг!

Малика. Эй, димоғим, гул ҳидига тўй!

И л х о м. Зулфингиздан бунчалик хушбўй!  
М а л и к а. Сўзларингиз наҳот бўлса рост?  
И л х о м. Бир шеър айтай, тингланг, илтимос!  
М а л и к а. Майли, айтинг, эшитай, майли,  
Едда қолсин бу ўрмон сайли!  
И л х о м (шеър ўқийди).

Мен сенга оламнинг чиройин берай, Фалакнинг юлдузин ва ойин берай. Шу улкан коинот саройин берай, Жаҳондаги етти мўъжизани ҳам, Жонфизо жамийки мусиқани ҳам, Сенга ҳада этай; Само юлдузларин маржон этиб, Йўлларингга терай, Туннинг қора мушкин Сочларингга қўшиб ўрай; Офтобни эритиб	Еноғинга сурай, Тоғлардаги виқор, Дарёдаги шўхлик, Дунёдаги бор гўзаллик ва улуғлик, Сенга бўлсин! Ҳар неки буюрсанг, Қўл кўксимда — хизматингда турай. Бунинг эвазига Биттагина кулиб боқсанг бас, Бошқа ҳеч нарса керак эмас!
---	--

Улар бир-бирларига мафтун боқиб, севги тўла кўзлар билан тикиладилар.  
Икки ёш кўнглидан муҳаббат таронаси янграйди.

### ИЛҲОМ БИЛАН МАЛИКА ДУЭТИ

И л х о м.

Дилимда нурли орзулар  
Ўзингдандир, ўзингдандир,  
Баҳорий сирли туйғулар,  
Сенинг ширин сўзингдандир.

М а л и к а

Сенинг бирла саботим бор,  
Учар бўлсам қанотим бор,  
Сенинг бирла ҳаётим бор,  
Кўзим нури кўзингдандир.

И л х о м.

Дилим меҳринг билан равшан,  
Дилим сеҳринг билан гулшан.  
Ҳаётим бўлса гар шўх, шан,  
Шарафли кундузингдандир.

М а л и к а

Муҳаббат, эркимиз эзгу,  
Кўнгил кўнгилгадир кўзгу,  
Дилимга тушган ул ёғду,  
Сенинг бахт юлдузингдандир.

И л х о м.

Қалбим Маликаси, барно гўзалим.  
Гўзаллар ичинда танҳо гўзалим.  
Сени бир кўрдиму ўшал лаҳзадан,  
Қалбим тўлқинланур ширин ларзадан

Мен ўшал лаҳзани унутмам асло,  
Ўнгиму тушимда ўзингсан пайдо.

Ешлик, севинч, севги тўла муҳаббат дақиқалари. Чироқ аста-аста хиралашиб ўчади.  
Янги саҳна намоён бўлади. Таниш анҳор бўйидаги хиёбоннинг бир чеккасида  
Илҳом, Феруза ва Эргаш учрашуви.

И л х о м. Гап ана шундай, азизлар. Менинг ўз севган қизим, ўз юлдузим бор. Фақат ҳозир бу ерда эмас.

Э р г а ш. Қаерда?

И л х о м. У само лочини. Халқаро линияда улкан самолётларни бсшқаради... Менинг қалб тасаввуримда у ана шундай тиниқ, абадий бир нур... Лекин унинг менга муносабати ҳали равшан эмас.

Ф е р у з а. Хойнаҳой, дастлаб самолётда танишган бўлсаларингиз керак-да, ё бирор аэропортда?

И л х о м. Йўқ, Лаълихон, кечирасиз... Ферузахон, йўқ... Москвада, Ленин кутубхонасида бўлажак диссертациямга оид материаллар билан танишар эдим. Бир кун ҳурматли домлам уйларига таклиф қилиб қолдилар. Бордим. Домланинг қизлари эшикни очди. Қирдим. Қай кўз билан кўрайки, бу хонадонда бир гўзал меҳмон қиз ҳам ўлтирар эди. «Ўзбекистонлик юртдошинг, учувчи қиз», деб таништирдилар.

Устида атлас кўйлак, шўх қарашлар билан лов-лов ёниб ўрндан турди. «Малика» деб қўл узатди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўша пайтда мен нима деб саломлашдим, қайси стулга бориб ўтирдим, ўша оқшом нималар ҳақида гап борди ҳали-ҳамон, ўлай агар, эслай олмайман. Ҳа, мен сеҳрланиб қолган эдим... Қисқаси, шоирлар айтганидай: «Ўша учрашувдан бошланди бу ҳол».

Э р г а ш. Ферузахон, аслида, биз ҳам ўша учрашувга олисдан бўлсаям қатнашсак бўлар экан.

Ф е р у з а (кулиб). Унда сиз ҳам сеҳрланиб қолиб...

И л ҳ о м. Эргашжон, менга сиз ҳақингизда Лаълихон... Э кечи-расиз, Ферузахон ажиб бир завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб берганлар.

Э р г а ш. Нима можаролар бўляпти, ўзи?

И л ҳ о м. Можаро шундаки, Эргашжон, биз бундан бир оз олдинроқ худди мана шу ерда Лаълихон билан учрашган эдик.

Ф е р у з а. Феруза денг. Анави ясама исмини ўзим ўйлаб топганман.

Э р г а ш. Ҳа, қисман хабарим бор. Феруза бир нарсалар деган эдилар.

И л ҳ о м. Қизишманг. Бу ўринда совуққонлик ва бир-биримизга холис хизматимиз керак бўлади, дўстлар. Шундай қилайликки, сиз ҳам, кабоб ҳам куймасин.

Ф е р у з а. Мен ўша учрашувга Лаълихон бўлиб келиб, йўқ ердаги таманноларни қилишга мажбур бўлганман. (*Ҳаракат қилиб кўрсатади*).

И л ҳ о м. Кулиб юбормаганингизга ҳалиям ҳайронман.

Ф е р у з а. Кейин кулдим-ку.

И л ҳ о м. Ҳақиқат қанча аччиқ бўлсаям, ошкора айтишим керакки, дўстлар, онамнинг юраклари бир оз чатоқ. Ранжитиб қўйишдан қўрқаман. Маликахон номзодларига қарши туришларига бир неча кулгили баҳоналари бор. У кишича, келин ҳамиша осмонда, сафарда бўлса — ҳеч қанақа орзу-ҳавасли оила бўлиши мумкин эмас: неварачевара, меҳмон-излом, кийим-кечак, борди-келди, иссиқ-совуқ... дегандай.

Ф е р у з а. Бизнинг ишимиз бундан ҳам бешбаттар. Эргаш акам ирригация институтини бу йил тамомлаб Қарши чўлларига, туғилган юртларига жўнайдилар. Мен ҳам, албатта, боришим керак. Лекин отам билан онам... айниқса адам... Худо кўрсатмасин... Чунки мен яккаю ёлғиз қиз эмишман, Етмиш яшар чолга бажонидил узатишса узатишар-ку... алҳазар... аллақайси бир саҳро бағрига жўнатишлари мутлақо мумкин эмас... у кишича.

Э р г а ш. Баъзан ўйлаб-ўйлаб бу фикрларни ҳазм қилиб бўлмайди. Атом, электроника, космос асри бўлсаю, одамлар ҳамон ўрта аср исканжасида.

И л ҳ о м. Жудаям умумлаштириб юборманг, Эргашжон. Одамлар эмас, айрим кишилар, холос.

Э р г а ш. Бу — алоҳида муаммо. Хўш, буёғи нима бўлади?

Ф е р у з а. Буёғи? Дадам бўлажак куёвларини кўрмоқчилар.

И л ҳ о м. Ажабланманг, Эргашжон. Бу орада мен вақтдан ютаман. Калькутта сафаридан Маликахон қайтишлари керак. Зора хатим етган бўлса...

Э р г а ш. Шундан кўра очиқчасини дангал айтиб қўяқолсак, биров бизни осармиди, отармиди?

Ф е р у з а. Ҳамма гап шунда, ланжлигимизда, қатъият етишмайди.

И л ҳ о м. Йўқ, биз бу билан севги тантанасини, севишган қалбларга ҳеч қандай тўсиқ халақит беролмаслигини яна бир марта намойиш қиламиз. Хайр. Кўришгунча!

(Феруза ва Эргаш бир-бирларига жўшқин муҳаббат туйғуси билан боқишади.

Ҳаё, ибо, меҳр ҳолати).

Ф е р у з а. Кўрдингизми, қандай самимий севги, қандай вафодорлик!

Эргаш. Нима, менинг севгим бундан кам деб ўйлайсизми?  
Асло! Бу шундай бир уммонки, ифодасига сўз тополмайман.

Эргаш билан Феруза куйлайди.

Севгилим, қалбимдаги орзу ўзинг, Бахт ўзинг, иқбол ўзинг, ёғду ўзинг.	Тоғ мисол кўксим баланддир сен билан, Унда шўх жавлон этар оҳу ўзинг.
Мен учун олам аро танҳо санам, Ой ўзинг, кундуз ўзинг, гулру ўзинг.	Сен ҳаётим, эътиборим, шухратим, Бахт умидим, дилрабо туйғу ўзинг.
Зийнати оламни акс этган асил, Чашмадек шаффоф, тиниқ кўзгу ўзинг.	Севгилим, қалбимдаги орзу ўзинг, Бахт ўзинг, иқбол ўзинг, ёғду ўзинг.

## ПАРДА

# ИККИНЧИ ПАРДА

## Тўртинчи кўриниш

Ферузалар хонадони. Субҳонқул Сухробович ширин бир кайфиятда хотини Сайқалхон билан зиёфат тараддудига берилган. Улар кимнидир кутишяпти. Дастурхонда ранго-ранг ноз-неъматлар. Вазаларда гуллар, музика, куй...

Субҳонқул қувноқ, стол атрофидан мамнун айланиб хотинига ҳазиллашиб куйлайди.

Ул дилбари ширин забон,  
Дўндиққина, ғоздеккина.  
Қилсам фидо йўлида жон,  
Ул шўх учун оздеккина.

Кўзда ёнар қуш юлдузи,  
Чинни кабутардек ўзи.

Маст айлаган ҳар бир сўзи,  
Жон бахш этур создеккина.

Ёниб турар худди олов,  
Бунча гўзал, бунча асов.  
Жонларига жоним гаров —  
Кўхликкина, нозликкина.

Сайқалхон. Вой-бў, ошириб юбордингиз-ку.

Субҳонқул. Бу — юрагимда ётган гапларнинг мингдан бири!

Сайқалхон. Раҳмат... Шишадагилардан ҳам қуяйми, адаси?

Субҳонқул. Қуйганда қандоқ. Чехнинг биллурин қадаҳида арман коньяги ял-ял ёниб турса, таассурот ўзгача бўлади, жонидан.

Сайқалхон. Бир оғиз сўзингиз, адажони.

Стол устида узун—қисқа, оқ—қизил, шишалар тизилади. Субҳонқул бирини очиб, икки қадаҳга куйиб, қадаҳларни кўтариб, бирини ўзи, бирини Сайқалхонга узатиб такаллуф кўрсатади.

Сайқалхон. Ҳай, адаси, меҳмонлар келмасдан-а.

Субҳонқул. Ўзимиз ҳам бир хилватгина сирлашмаганимизга анча бўлди-да, олинг энди, ойиси.

Сайқалхон. Йўқ, йўқ, мен кейин.

Субҳонқул. Унда (қадаҳлардан бирини кўрсатиб), буни нима қиламан?

Сайқалхон. Қуйдингизми, ичиб юборақолинг. Аслида ичмай сипо ўтирганингиз маъқул эди-я.

Субҳонқул (қадаҳларни бир-бирига уриштириб, ниманидир эслаб хохолаб кулиб). Мана буни эшитинг, хоним. Бир киши ресторанда ҳам, тўй-хашамда ҳам, зиёфату ўтиришларда ҳам бир йўла икки қадаҳга май тўлатиб ичаркан. Ҳайратланиб юрган одамлар ахийри сўрашибди: — Ҳар ичганда устма-уст икки қадаҳдан кўтаришингизнинг сабаби нимада?

— Биттаси ўзим учун, биттаси олис бир шаҳардаги қадрдон оғайним учун, биз у билан умрбод шундай аҳдлашганмиз,— дебди. Икки йилча кейинроқ ўша одам бир қадаҳдан ичишга тушиб қолибди. Ҳайратланган кишилар яна сабабини сўрашибди:

— Нега бир қадаҳдан ичиб қолдингиз, анави оғайнингиз оламдан ўтдиларми?

— Йўқ,— дебди ҳалиги одам, — оғайним соғ-саломат юрибди. Фақат мен ўзим ичишни ташлаб юборганман.

С ай қ а л х о н. Латифангиз ҳам бор бўлсин. Ҳозир ичиш модадан қолган.

С у б ҳ о н қ у л. Э, модангдан ўргилдим. Мен буни сал қизишиб олай, деган нозик бир маъно билан қиялман. Мени, яъни Субҳонқул Сухробович Тойлоқовни бирор одам бирон вақт мастона қийшайиб юрган қиёфада кўрган эканми? Агар ўшанақа чакки ишга берилганда, бу молу мулк, бу обрў-эътибор қаерда эди? Уйламасдан гапирасиз-да, ойиси.

С ай қ а л х о н. Бунча энди кўнглингизга олақолмасангиз. Узр.

С у б ҳ о н қ у л. Мен бўлажак куёвимиз билан сирлашиб кўрай, кўнглига қўл солай, майлини, даражасини аниқлай, гап ана шунда.

С ай қ а л х о н. Ферузангиз уялиб олиб келмаса-чи, қиз бола-да, ҳар қалай.

С у б ҳ о н қ у л. Уялмайди. Мен ўзим илтимос қилдим.

С ай қ а л х о н. Салобатингиз босиб, йигит бечорани доводиратиб қўйманг тагин.

С у б ҳ о н қ у л. Ҳозирги болалар доводирамайди, онаси. У сен билан биз эдик. Қалай, дурустроқ эканми йигит? Аёллар нима дейишди, қизинг нима дейди?

С ай қ а л х о н. Нима дерди. Ёмон эмас...

С у б ҳ о н қ у л. Ёмон эмас деганинг нимаси. Ферузани биз ҳарқанақасига узатмаймиз-ку. Фақат сўққабош кампирнинг ўғли эканлиги сал чатоқроқ экан-да, ўзимизга баробар келадиган бўлганда-ку...

С ай қ а л х о н. Ҳаммаям бир одам, нега ундоқ дейсиз?

С у б ҳ о н қ у л. Вижиллашингни қара-ю... Катта бир тахта складиинг директори қаёқдаю сассиқ бир кампир қаёқда.

С ай қ а л х о н. Бунча ўзингизга бино қўяверманг. Аслида, хато қиялпсиз, Ферузангизни ўз севган йигитидан ажратиб, чакки қиялпсиз.

С у б ҳ о н қ у л. Анави, ирригацияни битириб, Қарши даштига кетадиганини айтасанми? У бўлмайди. Унда қизимиздан ажралиб қолардик.

С ай қ а л х о н. Нега ажралиб қолар эканмиз, элга эл қўшилади, қариндош-уруғ ортади, ёмонми?

С у б ҳ о н қ у л. Ёмон! Қалта ўйлайсан. Унда қизни нобуд қилар эдик. Қуриб кетмайдими ўша чўлу биёбони. Уни-буни қўй, бу йигит ким экан?

С ай қ а л х о н. Химик эмиш.

С у б ҳ о н қ у л. Химик! Бу катта гап, онаси. Сен бу сўзнинг асл маъносини яхши тушунмайсан. Ҳозирги дунёнинг қоқ ярим муаммоси ана шу фан асосида тараққий этмоғи керак ва шундай бўляпти, десак ҳам бўлаверади.

С ай қ а л х о н. Сиз тушуна қолинг. Менга қизим бахтли бўлиб кетса шуниси кифоя.

С у б ҳ о н қ у л. Бахт — бу чексиз тушунча. Уни ҳар ким ўзича талқин қилади. Ҳалиги даштга бориб, чўлни бўстон қиламан деб санқиб юрадиган ҳам ўз ишини бахт деб билади...

Эшик кўнғироғи жиринглайди.

С ай қ а л х о н. Келишди шекилли. Сиполик билан гаплашинг. Тахта складиингизни пеш қилиб кариллайверманг ҳадеб. Элбурутдан ичиб олдингиз, энди буёвига эҳтиёт бўлинг. Мен эшикни очай.

Олдин Феруза, изма-из Илҳом ва Эргаш кўринадилар.

С у б ҳ о н қ у л (ўзича). О, бир йўла бир жуфт-ку. Шайтон қиз-эй. Феруза. Салом, ада.

Э р г а ш. Ассалому алайкум.

И л ҳ о м. Ассалому алайкум.

С у б ҳ о н қ у л. Во алайкум ассалом, мулло бўлинглар. Қани, қани марҳамат. Бемалол. Сиз мана буёққа, сиз — буёққа. Уялманг-

лар, нега уяласизлар? Ким айтади сизларни илм кишиси деб. Янглишмасам (*Эргашни кўрсатиб*). Сиз Илҳомжон бўлсангиз керак.

Илҳом. Илҳом демишлари мен бўламан.

Субҳонқул. О, узр. (*Эргашни кўрсатиб*). Бу йигит?

Эргаш. Эргаш. Биз дўстмиз. Илҳомжон энг яқин дўстим.

Субҳонқул. Баракалло, баракалло. Хўш, соғлиқлар, уйлар, кампир, қариндош-уруғ дегандай?

Илҳом. Барчалари саломат, ишлари аломат. Салом дейишди.

Субҳонқул. Э, э... буёққа келишингизни билишадими? Ана, холос. Қонун-қонидани бузган бўлмаймизми ишқилиб?

Феруза. Ада, мен оймга қарашай.

Субҳонқул. Бемалол, қизим, бемалол. Биз ўзимиз. Қани чойдан.

Илҳом. Овора бўлинмасин. Мен ўзим қуяман.

Субҳонқул. Илҳомжон, бу йигитни ҳам химиклардан десак бўладими?

Илҳом. Йўқ. Даштларни сероб, саробларни хароб қилиш масаласи.

Эргаш. Ирригатор.

Субҳонқул. О, ирригатор. Саҳройи! Қалтакесаклар билан жанг. Қуюнлар, янтоқлар...

Илҳом. Топдингиз. Қирқ даражали аёз, эллик даражали саратон. Бўрилар уввоси, тулкилар чуввоси. Ит ётиш, мирза туриш...

Субҳонқул. Ҳа, бу ҳам қаҳрамонлик. Нима деймиз, омад тилашдан бўлак имконимиз йўқ. Ҳазил, хафа бўлманг, ука.

Эргаш. Раҳмат.

Субҳонқул (*Илҳомга*). Хўш, кимё оламида нима гаплар? Бир олим ўртоғим бор, қилни қирқ ёрган билимдон. Ўзи жуда ғариб яшайди. Китобга кўмилиб, кутубхоналардан чиқмайди. Уша айтадики, келажакда инсониятнинг ризқу рўзи ҳам кимёдан бўлармиш. Бу жуда даҳшат-ку, яхшиям шу замонда яшаётганимиз. Юз йилдан кейин турилсак дейман, алақандай дорилар билан куң ўтказиб бўлармиди.

Илҳом. Бу — фан тараққийсини қинғир тушунишдан бошқа нарса эмас.

Субҳонқул. Унда нега роса ўқийди. Ё мияси айнаганмикин, а?

Эргаш. Йўғ-е, бу фақат хаёлотга берилиб кетиш бўлса керак.

Субҳонқул. Э, хаёли ҳам қуриб кетсин. Қани, мен билан мана шу қадаҳдан биттадан оласизлар. Олинг, олинг, уялманг. Гап қовушади. (*Эргашга*). Сиз тортиняпсиз. Бунақа эмас-да, йигит. Умарий Ҳайём ҳам айтганлар-ку «Оқилу доно билан ич» деб. Бу ҳақиқий шароб. Ичимликнинг хўрози десак ҳам бўлаверади. Кимё аралашган эмас. Ҳа-ҳа-ҳа...

Илҳом (*қадаҳга ижирғаниб қараб*). Арманий коньяк экан-да, афсус, менга негадир бу ўтиришмайди. Ўзимизнинг беш юлдузни аълороқ кўраман.

Субҳонқул. Ундан ҳам топилади. (*Сервантга йўналади, ўзича*). Олифталигингдан ўргилдим, ўзи жўжахўрозу коньяк танлайди. Ношукр банда. Мана, марҳамат.

Илҳом. Раҳмат. Қибрай шарбатлари бунда жамулжам!

Субҳонқул (*баландроқ келиб*). Хўш, кандидатлик қай ақволда? Ёқлаш арафасида эмишсиз, деб эшитгандайроқ бўлувдим.

Илҳом. Насиб бўлса, шу йил ичи ё келаси йил боши. Ёқлаймиз, бурчимизни оқлаймиз.

Субҳонқул. Яхши. Олим бўлсанг — олам сеники, деган экан машойихлар. Бу ҳам ҳозир бир мода.

Илҳом. Мен келажакда кўнглим истаганча бахтиёр яшай олишим учун ана шу таг-заминни ҳозирдан мустаҳкамлаб олишим керак. Одам дунёга бир марта келади.

Субҳонқул. Гапнинг пўсткалласиям шу, аслини олганда.

С ай қ а л х о н (кириб). Олиб ўтиринглар, айланайлар. Адаси, эсим қурсин, Турлибеков деган ўртоғингиз ойимчалари билан келиб, тўйга айтиб кетдилар. Келаси отдиққа. Мана қоғози.

С у б ҳ о н қ у л. Яхши, яхши. Бахтли бўлишсин. Нима ҳам дер эдик. Биз ёшларга қўша қаринглар деймиз, бахт тилаймиз... Дуоғўйлик, дегандай.

С ай қ а л х о н. Меҳмонларга ухаживат қилиб ўтиринг, адаси. (Чиқади).

С у б ҳ о н қ у л. Қани, яна бир қадаҳдан, олинглар, ҳамма нарсанинг жуфт бўлгани яхши. Шу Турлибеков деганимиз антиқа одам. Отням қизик. Нурлибек. Турлибеков Нурлибек! Бечоранинг қизи БАМда ишлайдиган бир йигит билан тил топишиб қолган экан, ўша билан тўйини қилишмоқчи, шекилли. Тақдир-да, тақдир. Ота-онасини куйдириб кетяпти.

Э р г а ш. Сиз ҳозиргина уларга бахт тиладингиз, демак, ҳеч ким куймайди.

С у б ҳ о н қ у л. Да, бу гап, албатта, бир оз китобийроқ. Лекин начора, орзу-ҳавасиям ўзига ярашароқ бўлади, инчунин бахтиям ўрта бўйликкина... Қани, қадаҳдан...

И л ҳ о м (қизишиб). Куяди! Бу кўра-била туриб, қийинчиликларга рўпара бориш, деган довдир бир гап.

С у б ҳ о н қ у л. Баракалло, бу оғриманган бошга йўқ ердаги галвани сотиб олиш, аслини олганда.

Э р г а ш. Мен тушунмаяпман. Тўй бўлса, кўнгил кўнгилга уланса — шу эмасми қиз билан йигитнинг бокира бахти? Ортиқча дабдаба шартми?

С у б ҳ о н қ у л. Сиз, ука, гапни қалтис жойидан бошлаяпсиз, Ортиқча дабдаба! Аввал мен бундай деганим йўқ. Лекин тўй дегани тўйдай бўлиши керакми, ахир. Умрда бир бор бўлади-я! Шахсан мен учун тўй, одатий бир маросимгина эмас, балки обрў, номус, ҳурмат, ана қўйингки, доврўғ масаласи ҳам.

Э р г а ш (ҳайрон). Довруғ?

С у б ҳ о н қ у л. Ҳа, доврўғ. Бу гапнинг нимасидан уялишимиз керак. Замонамиз бизга шу шароитларни яратиб берибдими, нега энди қисиниб-қимтиниб яшашимиз керак? Яширмайлик, ўша яхши кунга етказса бор бисотимни ана шу доврўғ учун сарф қилишга тайёрман. Азиз дўстларим, жонажон биродарларим йигилади. Топган-тутганимни тўкиб солишим керакми, ахир? Керак! Бир министр ўринбосари ўртоғим бор. Гапга чечан, дилкаш, файзли, нуктадон одам. Тўйни, насиб бўлса, ўша очади. У гапирганда боғда булбуллар ҳам таққа тинади. Сиз нима деяпсиз, йигитча. Улар дунёда бир афсона бўлгулик иш ҳам қилиш керакми, ахир? Керак! Қани, қадаҳдан олинглар, мени қизитиб қўйдинглар.

И л ҳ о м. Кечирасиз, ада... менда бошқачароқ бир таклиф бор эди.

С у б ҳ о н қ у л. Марҳамат.

И л ҳ о м. Ҳали тўйни министр ўринбосари очади, дегандай қилдингиз. Менга қолса, бу ишни энг камида СССР халқ артисти бажарса бадий томони ҳам юксакроқ бўлармиди...

С у б ҳ о н қ у л. Уйлаб кўрамиз. Лекин артистлардан оғайним камроқ (ўзича). Олифтагарчилигини қараю... Сичқон сибмас инига, галвир боғлар думига.

Э р г а ш. Сиз айтганча бўлса, унда менга ўхшаганларнинг бахтга эришуви умуман мумкин эмас экан-да.

С у б ҳ о н қ у л. Нега?

Э р г а ш. Мен, ёшлар ўз бахтини ўз қўллари билан яратишлари керак, ота-она бўйнига юк бўлмай, турмушнинг барча аччиқ-чучукларини ўзлари ҳис этиб, улғайишлари керак, деб ўйлайман.

И л ҳ о м. Сохта камтарлик! Нега энди биз ота-она имкониятларидан фойдаланмаслигимиз керак? Қаерда ёзилган? Агар насибам мана шу қутлуг хонадонга қўшилар экан, бу уй-жойлар, мана бу



гўзал боғчаю гулзор, бу тўйинлигу баракат — албатта менга ҳам тегишли бўлади. Нега бунча имкониятдан воз кечишим керак?!

Субҳонқул (*ўзича, жаҳлини билдирмай*). Сурбетликни қаранг, ҳозирдан елкага чиқяпти... Умуман тўғри гап. Хўш, сиз бахтни; шахсан, қандай тушунасиз?

Эргаш. Бахт — одамларга, Ватанга хизмат қилиш, кўпчилик манфаатига ўзини бағишлаш, дунёда яхшиликдан из қолдириш...

Субҳонқул. Бу гаплар тўғри, албатта, лекин мен шахсий бахтни кўзда тутяман.

Эргаш. Шахсий бахт. Бу ўша катта бахтнинг инсонга берадиган улкан завқи, кўнгилдаги эзгу муддаоларнинг ўрин топиши, ҳаётда, муҳаббатда собитлик, яшашдан қаноат ҳосил қилиш, ҳамиша олға интилоқ...

Субҳонқул. О, бу санашда юз хил балони устма-уст қалаб ташлаш мумкин. Сиз масаланинг туб негизидан қочяпсиз. Қани, қадаҳни олинг, ўша сиз айтмоқчи бахт учун ҳам биттадан қуритайлик!

Илҳом (*қаҳ-қаҳ уриб, кулиб*). Жуда бошлаб айтдингиз. Қуритайлик! Қадимда бир жулдургина кийинган болакай қаттиқ жалада қолиб, уст-боши шалоббо, дилдираб келаётган экан, бир одам кўриб қолиб, раҳми келиб, уйига олиб кириб, ўзини иситиб, кийим-кечагини қуритиб, яхшилик қилибди. Бола чиқиб кетаётиб, «Раҳмат, амакжон, сиз мени қуритдингиз, худо сизни қуритсин» деб алқаган экан. Бола-да, сўзнинг маънисига бормаган.

Субҳонқул (*кулиб*). Вой, зумраша-ей, лекин фикри тоза бўлган. Бир хил ярамагса яхшилик қилсанг, раҳмат ўрнига қуритаман деб дангал айтаверади. Қани, олдик.

Эргаш. Сизнинг вақтингизни олиб, ишдан қолдириб...

Субҳонқул. Ундай деманг, хафа бўламан. Вақт сиз билан биз учун яратилган. Мана шу бир нафас бирга бўлишимизнинг ўзи катта бахт, давлати сулаймон. Кечирасиз, исмингиз нимаиди?

Эргаш. Эргаш.

Субҳонқул. Да, да, халқимизда чиройли ирим бор: орқасидан эргашмачоқ бўлсин деб. Гап чалғиб кетди... Хулласи калом, Илҳомжон, ўша Турлибековнинг қизи БАМга кетадиган бўлди. Балки тўғридир, балки бахтдир, балки муҳаббатдир...

Эргаш. Албатта, муҳаббат.

Илҳом. Ол-ла. Ўн беш-йигирмасини кўриб, битта оилабопроғини танлай олсанг — ўша муҳаббат. Бақувватроқ оилага илашсанг — ўша муҳаббат. Қуруқ гап қулоққа ёқмайди ҳозирги замонда.

Субҳонқул. Муҳаббат... Аслини олганда, бор гап-а. Лекин ҳамма вақт, ҳамма жойда, ҳамма ҳолатда ҳам бўлавермайди.

Эргаш. Нега? Сабаб?

Субҳонқул. Сабаб? Дунёда ўн минглаб, юз минглаб, балки ундан ҳам юз чандон кўпроқ йигит-қизлар бор. Шуларнинг ҳаёти ҳамма вақт ҳам муҳаббат асосига қурилиши керакми? Шуларнинг ҳаммаси Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун, Вомиқу Узро бўлиши шартми? Бу юз минглардан битта чиқадиган гап эмасми, аслини олганда?

Илҳом. Тўғри айтасиз, Субҳонқул ака, хялват хиёбонларда ўпишиб юрадиганлар... Муҳаббат эмас.

Эргаш. Ешларнинг мусаффо туйғулари устидан кулманг, Илҳомжон.

Илҳом. Хўш, инсофданми ўша гаплар?

Эргаш. Муҳаббат — бу икки ёш ўртасидаги нозик, пок, юксак маънавий туйғу. Агар у одамлар кўзига барча сирли томони билан кўр-кўрона намоиш қилинадиган нарса бўлса қадрини, олижаноблигини йўқотади... Лекин ёшларни хиёбонда сайр қилиб юришда айблаб бўлмайди.

Илҳом. Бари бир. Шахсан мен қизларини куёв танлаш учун

ўнлаб учрашувларга юборадиган ота-оналарни ёқтираман. Улар тўғри қилишади. Бу умр савдоси, дўстим.

Субҳонқул (*Ўзича*). Нимага шама қияпти бу ярамас. Гапининг совуқлигини...

Эргаш. Қатъий фикрим шу: ҳар бир икки қалб фақат чин инсоний муҳаббат негизидагина ўз бахтини топади.

Субҳонқул. Мен сизга турмушдан, шунинг аксича, юзлаб мисоллар келтирсам-чи?

Эргаш. Гапингизга тушунмаяпман. Ҳамма Лайлию Мажнун, Фарҳоду Ширин бўлавермайди, дейсиз. Тўғри. Сиз айтган қаҳрамонлар ўз тимсолида севгининг фажеий томонларини акс эттирганлар. Беҳад турмуш ғовларини енгиб ўтишга мажбур бўлганлар, қурбон бўлганлар. Лекин замона зайли чинакам севгини тан олади.

Субҳонқул. Халқнинг қадимий удумлари ҳам бор-ку дунёда, йигитча? Бу — оила тузилишига бефарқ қарамаслик. Аллақандай муҳаббат жазава қилишини кутмасдан, бўй етган ёшларни қовуштириш, нима деймиз, яъни, масалан, оилани ташкил қилиш, демак...

Эргаш. Муҳаббатни ташкил қилиш?

Субҳонқул. Ҳа-да! Ана боринг шундай ҳам дейлик: муҳаббат ташкил қилинади. Турмушда мисоллар жуда кўп бунга. Бу — удум масаласи. Урф-одат масаласи.

Эргаш. Урф-одат, удум — бари тўғри гап. Лекин биз унинг энг илғор, энг яхшиларини қабул қилишимиз керак. Кўча тўлдириб, сурнай варанглатиб, бешик тўйи қидиб юришлар, менимча, энг ирkit нарса.

Субҳонқул. Ана ўлманг. Яқинда сизга ўхшаган бир комсомол йигит менга айтадики, гўё наҳорги ошга тўда-тўда бўлиб бориб, ҳовлини тўлдириб, даҳага кирган пилла қуртдай вишиллаб, қатор-қатор тизилиб овқатланиб ўтириш — охурдан ем еяётгандай хунук, қўпол, ибтидий нарса эмиш. Бу энди, шаккоклик, халқимизнинг мўътабар одатини менсимаслик...

Эргаш. Аслини олганда-ку, бу гапдаям жон бор. Шуюм эскирди, чамада.

Субҳонқул. Ана, холос! Ана, холос! Ана, холос! Роса учрашибмиз-ку! Ҳо, ойиси, Сайқалхон!

Ошхонадан овоз.

Сайқалхон. Лаббай.

Субҳонқул. Қиринг, ойиси.

Сайқалхон (*кириб*). Яхши ўтирибсизларми, меҳмонлар.

Илҳом (*кайфда*). Яхши ўтиришга ўтирибмиз-ку лекин ўзимизнинг тўйнинг ҳаракатидан гап бўлмапти, ойи. Тўйни мана шу ҳовлида ўтказамизми ёки ресторандами? Менга қолса — ресторанда. «Зарафшон»нинг катта залида.

Субҳонқул. Ёпирай, ёпирай...

Илҳом (*қайнаб*). Ҳовлида бўлса, ойим толиқиб қолишлари мумкин. Яна ҳовлининг озодалигига путур етади. Дарахтларни, гулларни кесишга тўғри келади. Яхшиси «Зарафшон!»

Субҳонқул. Йигитчанинг кайфи ошганга ўхшайди, ойиси. Хафа бўлма.

Илҳом. Кейин, биз дунё саёҳатига чиқишни ҳам мўлжаллаганмиз. Улкан теплоход! Денгизлар, океанлар! Сизга антиқа марваридлар, ойи, сизга Дамашқ пўлатидан ясалган исфаҳоний қиличлар келтирамиз, ада!

Сайқалхон! Вой, бетамизлигини.

Илҳом (*ҳамон ўша даражада*). Мана бу қуёшга қараган хонани менга кабинет қилиб берасиз, ойи. Бу ерга олимлар, шоирлар келиб туришади. Улар оғзи очилиб, ҳайрон бўлиб кетишлари керак. Диссертация тўйини эса шу ерда, данғиллама хонадонимизда ўтказамиз. Меҳмонларни Лаълихон билан бирга кутамиз.

куйлаб

Лаълихоннинг боғи бор, боғбони йўқ,  
Лаълихоннинг дарди бор, дармони  
йўқ.

Лаълихон, боғингга боғбонинг бўлай,  
Лаълихон, дардингга дармонинг  
бўлай.

С ай қ а л х о н. Лаълихонингиз ким?  
Э р г а ш. Нималар деяпсиз, Илҳомжон?  
С у б ҳ о н қ у л. Лаълихонинг ким?  
И л ҳ о м. Қизингиз Ферузахонни биз Лаълихон деймиз.  
С у б ҳ о н қ у л. Э, Лаълихонинг бошингда қолсин. Бў маст бў-  
либ қолди. Қани, тур ўрнингдан. Роса одамига учраган эканмиз-ку.  
Э р г а ш. Илҳомжон!  
И л ҳ о м. Эргаш, тўйни СССР халқ артисти эмас, сен олиб бора-  
сан! Ирригатор! Мироб! Саҳройи! Давангир!  
С ай қ а л х о н. Феруз, бунинг нима бало эди?  
Ф е р у з а (кириб). Вой, ўлмасам.  
С у б ҳ о н қ у л. Қир ичкарига, топган матойингдан ўргилдим.  
Яна менинг олдимга келиб ўтирибди уялмай.  
Ф е р у з а. Ўзларингиз топгансиз.  
С у б ҳ о н қ у л (Эргашга). Сизга ҳам рухсат, йигитча. (Илҳомга).  
Қани, туёғингни шиқиллат, акаси.

Илҳом Эргашга суяниб «Лаълихон» ашуласини айта-айта чиқади.

С у б ҳ о н қ у л. Уфф... Лўттибоз. Бир балодан қутулдим. Ўзи  
асради. (Хотинига бақариб). Менга қолса эрсиз ўтиб кетмайдими  
қизинг.

С ай қ а л х о н. Сувни лойқалатган асли ўзингиз-ку.

С у б ҳ о н қ у л. Мени ҳам йўлдан сен урдинг!

С ай қ а л х о н. Менга қолса, ўша ўзи танлагани маъқул эди.

С у б ҳ о н қ у л. Анави ёнидагисини қара, қандай бамаъни. Бу  
учди-қолди.

С ай қ а л х о н. Лақмасиз. Ёш болани ичиртириб, сайратиб ўти-  
рибсиз.

С у б ҳ о н қ у л (Ферузани кўрсатиб). Асли мана, бунинг ишни  
пишиқ қилмаган.

Ф е р у з а. Мен эр деяётганим йўқ эди.

С ай қ а л х о н. Бари бир кимгадир тегишинг керакмиди, ахир?

Ф е р у з а (истеҳзо билан). Кимгадир...

С ай қ а л х о н. Энди нима қиламиз?

С у б ҳ о н қ у л. Жўнат ашқол-дашқолини!

П А Р Д А

## Бешинчи кўриниш

Илҳомнинг уйи. Хонадонда тўй олди тараддуди. Айвонда Иқбол ая, ҳовлида  
Райҳон ва бошқалар ҳар хил ишлар билан ивирсиб юришибди.

И қ б о л. Аёл бошим билан битта келиннинг ўн йилга етадиган  
сарпосини қотириб қўйганимга қойилмисан, Райҳон?

Р ай ҳ о н. Қойилман, ойи. Лекин менга қолганда хасислик қил-  
гансиз, ўшанда.

И қ б о л. Уйламай гапирма, келин. Унда замон бошқачароқ эди,  
қўлим қалталиқ қилган.

Р ай ҳ о н. Артелга раис эдингиз ўшандаям. Истамагансиз-да,  
ўзи.

И қ б о л. Ҳадеб «ўшанда-ўшанда» деяверасанми. Ҳозир замон  
ўзгариб кетди. Орзу-ҳавасни қанча қиёмига етказсанг, шунча ярашади.

Р ай ҳ о н. Телевизор билан радио: «Исрофгарчилик, исрофгарчи-  
лик» деб, мияни қоқиб, қўлга берадиган... Сиз бўлсангиз...

И қ б о л. Қўйсанг-чи, ўша телевизорингда гапирётганларни...  
Ўзлариям етти маҳаллага етказиб тўй беришяпти.

Р а й ҳ о н. Кечаси уйқум қочиб, алламаҳалгача қулоқ солиб ёт-  
дим. Санасам саккиз жойдан тўй овози келяпти.

И қ б о л. Мен ҳам эшитдим. Биттаси роса гапирди-да. «Азиз ва  
муҳтарам жамоа» дейдими-ей, яна аллабало... қулоғимга ўтириб  
қолибди.

Р а й ҳ о н. Биттасининг ашулачиси ахийри хириллаб қолди, арра  
тортгандай.

И қ б о л. Бирорта дайди отарчидир-да!

Р а й ҳ о н. Отарчи қаёқда. Ҳозир бир хил артистлар ҳам тўйма-  
тўй юрадиган бўлиб кетган.

И к р о м (*кириб*). Роса оёғимда оёқ қолмади. Бозорининг пада-  
рига минг лаънат. Битта қўйни аранг беш юзга кўндирдик-да, ойи.

И қ б о л. Қалай, барвастами?

И к р о м. Секинроқ айтасизми? Қадди-қомати кетворган...

(Шўх куйлайди).

Нархи қиммат, эмас арзон,  
Туришлари чиройли.  
Юрар бўлса ларзон-ларзон,  
Юришлари чиройлик.  
Келишгандир қад-қомати,  
Овозлари жон ўртар.

Олганнинг ҳам бор омади,  
Гоҳ йўрғалар, гоҳ йўртар.  
Йилтиллади лаққа гўшт-мой,  
Сигмас бели кучоққа.  
Ҳам гавдалик, ҳам ёқимтой,  
Кўзи ўхшар мунчоққа.

Т о ж и х о л а (*кириб*). Вой, келинингни кўрдингми, Икромжон?  
Қадди-қоматларидан ўргилай, самбит толдай навқиронки. ...Иқболай,  
баржом сувинг борми, юрагим куйиб кетди...

Р а й ҳ о н. Ҳозир хола (*Холодильникдан сув олиб, пиёлага қуюди*).  
Марҳамат.

Т о ж и х о л а. Шу сувни ҳар ичганда жаннатга тушгандай бў-  
ламан.

И к р о м. Унда жаннатнинг кўчасиниям чуқур қилиб юборибсиз-  
да, хола. Хўш, бошқа ишлар қандай кетяпти, ойи.

И қ б о л. Новвой билан ошпазни ҳам ҳозирдан гаплашиб қўй-  
масаларинг бўлмайди.

Р а й ҳ о н. ЗАГСдан кейинги ўтиришни ҳам ўйладингизми, Ик-  
ром ака.

И к р о м. Уни жиянимиз бўйнига олди. Арақ-шарағиниям ўзи  
бажаради. Лекин яна минг сўмча қарз кўтармасак бўлмайди.

И қ б о л. Майли. Қарз узилар, хотин ёнга қолар... Одамлар ҳам  
қуруқ келишмас. Олганлар тўёнасини қайтарар...

И к р о м. Қуда томондан дарак йўқми?

И қ б о л. Қуда томон «баланд жой» экан, болам, ҳеч бўлмаган-  
да уларга қиялаб бормасак бўлмайди, уят — ўлимдан қаттиқ.

И к р о м. Қиялаб борамиз деб, ўзимиз қия бўлиб кетмасак гўрга  
эди.

Т о ж и х о л а. Ҳафасингни иссиқ қил, бизам кўчада қолганлар-  
дан эмасмиз.

И к р о м. Маҳалладаги анави кекса ўқитувчи кўриб қолиб роса  
гап билан адабимни берди-да, қайдан ҳам бир арзи-қол қилиб қо-  
лувдим...

Т о ж и х о л а. Нима дейди?

И к р о м. Агар ҳамма тўй қилаётган саккиз қопдан гуруч, саккиз  
қопдан ун, халта-халта шакару конфет, кўчқору новвос, тўп-тўп газ-  
мол, яна қанчадан-қанча молу матони тўплаб исроф қилаверса, кўп-  
чиликнинг ризқи қирқилади, ҳукуматнинг хазинасига зарар етади,  
дейди нокас.

Р а й ҳ о н. Аслини олганда рост-да, бир маҳалланинг ўзида ку-  
нига етти-саккизтадан тўй бўлиб турса, шаҳарда нима кўп маҳалла  
кўп... Тағинам магазинлар шип-шийдон бўлиб қолмаганига шукр  
қилинг.

И қ б о л. Ўша муаллим отанг бўлсаям бунча бидиллама, келин.

Тўй кунда бўлмайди. Одам дунёга орзу-ҳавас учун келади... Таги кўрмаган.

Райҳон (*жаҳли чиқиб*). Нимага қарғайсиз мени! Рост гапирган ўша муаллим.

Иқбол. Нимаси рост экан. Уша муаллимнинг, маҳалланинг ош-нонини еб, биттаю битта неварасининг тўйини эл-юртдан бекитиб, аллақайси ошхонанинг бурчагида ўтказди.

Райҳон. Тушунган одам-да, тўғри қилган.

Икром. Тушунмай ўлсин, ҳалигача элнинг оғзида гап.

Тожи хола. Тўғли билан кийим-кечакни ҳам қўшниларникидан қарзга олиб чиқиб турган.

Икром. Қарзга эмас, ижарага денг.

Райҳон. Ҳамма кўрпасига қараб оёқ узатади. Сизларга ўхшаб чираниб, шапалоқ билан юз қизартириб юргандай ўшайм маъқул.

Иқбол. Бу куйиб ўляпти. Кундош эмас, овсин келади-ку, қақилдоқ.

Райҳон. Нега куяр эканман. Ўзингиз қарғадингиз, ўшанга тўғриси айтаяпман.

Иқбол. Қачондан бери тўғри гапирадиган бўлиб қолдинг?

Икром. Бўлди энди, ярашинглар. Қор-хайрни жиртак отиб бошлаш яхши эмас.

Иқбол. Ўлсин ўша муаллимнинг, ҳамманинг юрагига гулув солмай.

Норжон буви (*кириб*). Ҳай, нима гап, чеварга юборадиган нарсаларингни юборинглар, одам келди.

Иқбол. Одам келган бўлса, ҳаммаси тайёр, айланайлар. Хонатласдан, кристалондан, кремплиндан, ҳинд шойиси, япон шойисидан, хуллас истаганидан ўзига ярашиқлик қилиб тиктирсин. Бўйларига қоқиндиқ келингинамнинг.

(Райҳон, Иқбол ая, Тожи хола, Норжон буви тугун-тугун матоларни олиб чиқиш билан куймаланадилар, уларнинг бу ҳаракати қувноқ лапар билан жўрликда давом этади).

Иқбол.

Хонатласлар ярашгайдир,  
Келингинам қоматига.  
Ҳавас билан қарашгай эл,  
Ўғлимнинг бу омадига.

Райҳон.

Юрганда сочлар тўлғаниб  
Ҳиром билан, ҳаё билан.  
Райҳон ҳиди, жамбил ҳиди,  
Таралгай хуш ҳаво билан.

Иқбол.

Тўлин ойдек юзлари бор,  
Сер ишваю сер ноз бўлсин.  
Кимхобларим, шойиларим,  
Йўлига поёндоз бўлсин.

Тожи хола.

Келингинам уйлар курса,  
Ҳар тоши мармардан бўлсин.  
Остонаси олтиндану  
Эшиклари зардан бўлсин.

Норжон буви.

Ёнбошласа роҳат қилиб,  
Болишлари пардан бўлсин.  
Тақинчоғи марвариду  
Ёқуту гавҳардан бўлсин.

Тожи хола. Мунча матойим бор деб мақтанаверма, Иқбол, қуда томонникини олдида бунинг урвоқ ҳам бўлмайди.

Норжон буви. Келиннинг ота-онаси таги кўрган, орзу-ҳавасли одамлар экан, бир ажойиб гарнитурлар олган дейди, ялтир-юлтур. Арабистонми, бир балоникмиш.

Райҳон. Парчадан саккиз кўрпа, духобадан саккиз кўрпа,

хонатласдан саккиз кўрпа! Шифтга тегиб лов-лов ёнади. Узим кўрдим.

Иқбол. Қуёв керак бўлгандан кейин қилади-да, айланайлар.  
Норжон буви. Уни-бунни қўю, пианинасини айтмайсанми.  
Қоп-қора! ялтиллайди. Уйнинг ярмини эгаллайди.

Тожи хола. Иқбол, уйда ёлғиз қолганингда даранглатиб чалиб, неварангни аллалаб ётасан-да (*куйлайди*).

Алла, жоним аллаё,  
Кўзим қароғи, аллаё.

Райҳон. Дод! Наргиз Бойхонова бўлиб қетинг-э... Туркман гиламининг ўзидан икки жуфт! Кўриб, кўзим қамашди. Уларда бриллианту хрустал ҳам кўп. Сенга қўшади.

Иқбол. У сен эдинг сўппайиб кириб келган.

Райҳон. Сўппайиб келсам ҳам кунингизга яраяпманми?

Иқбол. Сенга гап бўлса.

Шу орада гўзал, хушқомат бир қиз кирган бўлади. Бу даҳмазаларни кўриб, бир оз қизиқсиниб кузатиб туради.

Қиз. Ассалому алайкум.

Иқбол (*хайрон*). Во алайкум... Келинг, айланай, келинг. (*Райҳонга*). Налогчимикин? Тўлаган эдик, шекилли.

Қиз. Мен.. ўзим.

Райҳон. Электрларни текшириб юрган бўлсалар керак-да. Марҳамат, ўтиринг.

Иқбол. Бизники ҳаммаси парадка, айланай. Меҳмонга доим эшигимиз очиқ. Истасанг сўрига чиқ, бўлмаса мана, курси.

Қиз. Сизларни ишдан қўяр эканман-да... Кечирасизлар.

Иқбол. Ҳечқиси йўқ, айланай, ҳечқиси. Мени эскича, уят қиладиган кампирлардан деб ўйлама. Райҳон, чойинг борми, келин?

Қиз. Раҳмат, овора бўлманг. Ишларингиз кўпайиб кетганга ўхшайди, аслида қарашиб юборсам бўлар экан.

Иқбол. Қари келса — ошга, ёш келса — ишга, дейдилар. Қарашсанг қараша қол. Отинг нимаиди, қизим?

Қиз. Малика. Илҳомжоннинг ойилари бўлсангиз керак? У кишига айтадиган жиндаккина гапим бор эди.

Иқбол. Ҳали замон келиб қодар. Хойнаҳой, бирга ишласаларинг керак-да?

Малика (*вазиятни тушуниб*). Ҳа.

Малика фартук боғлаб, ишни нимадан бошлашни билмай туради.

Иқбол. Озгина сабзи тўғрашиб юборсанг, бир чимдимгина ош қилиб, бирга кўк чой хўплашамиз. Ошхона мана буёқда. Пичоқлар ҳам ўтқиргина, қўлнинг эҳтиёт қил. Ё хамир қоришга қалайсан?

Малика. Нима десангиз ўша. Майли, ош бўлса ош. Узим ҳам соғинганман.

Ошхонага кириб, сабзи олиб чиқиб, чаққонлик билан тўғрай бошлайди. Идишларни саранжом қилади. Хонтахта атрофида кўрпачалар ёзиб, супурги билан уёқ-буёқни ораста қилади ва умуман, бу хонадонда бўлаётган ишларга аралашиб кетади.

Иқбол (*ҳавас билан боқиб*). Исминг жисминга монанд экан. Мингга кир, қизим. Яхши жойлардан ато қилсин. Мен ҳам яхшигина келин қияпман. Ана, уйлариңи чўғдай ясатиб қўйибман. Данғиллаган қизил тўй қилиб, яшнатиб юбораман, насиб бўлса.

Малика. Ниятингизга етинг.

Иқбол. Бизларни роса куйдирди аввалига бу шумтака. Уни десак йўқ дейди, буни десак йўқ дейди. Билмадим, осмондаги ой керак эканми бунга.

Райҳон. Осмонда учадиганидан оламан дедилар Илҳомжон. Уша ой деганлари-да, ойи!

Иқбол. Э, осмонда учмай ўлсин. Бошимга урамани уйимда

бўлмайдиган нарсани. Мана, ахийри, ўзимизга муносибини топдик, насиб бўлса.

Р ай ҳ о н. Нега қарғайсиз бировнинг боласини, нима, арпангизни хом ўрибдими у?

И қ б о л. Вой, ўлмагир-эй, тилинг мунча югурик. Бировнинг боласи дейсан, ота-онаси йўқ нарсани?

М а л и к а. Осмонда учса ёмонми, опоқи.

И қ б о л (*ҳавас билан тикилиб*). Ўзи билан ишлайдиган сенга ўхшаган ойдайд қизлар бор экан-ку, нега ҳадеб оёғини бир этикка тикади у ўзбошимча.

Р ай ҳ о н. Уйланадиган — Илҳомжон, оёи. Сиз билан мен эмас-ку. Нима қилардингиз ошиқ-маъшуқларнинг ишини бузиб?

И қ б о л. Вой, маҳмадона-эй, гапиртирмайман дейди-я! Чойингга қара, келин, ҳар гапга аралашвермайди одам деган.

М а л и к а (*саволини такрорлаб*). Осмонда учса ёмонми, опоқи?

И қ б о л. Ёмонликка ёмон эмасу, лекин ҳалигидай тиззасидан баланд кийиб... болдирини оппоқ қилиб очиб... Эркакларнинг кўзини бақрайтириб...

М а л и к а. Тиззасидан баланд кийиш учун фақат самолётда ишлаш керак эканми... истаса... Бу — баҳона эмас, опоқи.

И қ б о л. Ҳафталаб алламбало шаҳарларга учиб юрса, боласини ким боқади?

Р ай ҳ о н. Ҳозир ҳамманинг боласиям магазиннинг сути билан катта бўлаяпти.

И қ б о л. Бордию, ўша самолёти, худо кўрсатмасин, осмони фалакнинг бир бурчагида қалқиб кетса, нима бўлади, маҳмадона? (*Сесканиб, кўйлаги ёқасини очиб, ичига туфлайди*). Айтишга одамнинг тилиям бормайди.

Р ай ҳ о н. Бир нарса бўламан деса, ерда ҳам бўлаверади... Қўшнимизнинг хотини метронинг мармаридан тойиб кетибди-ку шошганидан...

М а л и к а. Бошқа сабабингиз бўлгандир? Бир-бирини севишса, қўйиб бериш керак эди.

И қ б о л. Айтишга осон, қизим. Уйнинг файзи аёл билан.

М а л и к а. Ёмонми, келинингиз қанот қоқиб, мамлакатнинг ранго-ранг шаҳарларига учиб, одамларга, ҳукуматга хизмат қилса?

И қ б о л (*заҳарханда билан*). Ҳо, савил-э. Эри уйда ўтирсин, кир ювиб, уй супуриб, бола боқиб, овқат пишириб, пайпоқ ямаб-а?..

М а л и к а. Боғча бор, ясли бор, дегандай...

И қ б о л. Йўқ! Айтдимми — гап битта. Мен борман, бу хонадонга унақаси қадам босолмайди, вассалом!

М а л и к а. Босса-чи?

И қ б о л. Қадамини қирқиб ташлайман унақа манжалақининг... Қирилиб кетсин.

Р ай ҳ о н. Нега қарғайсиз бировнинг қизини.

И қ б о л. Аралашма. (*Маликага*). Мана сен бошқача экансан, қизим. Бирга ишлар экансизлар, сен билан тил топилмабдиям ландовур бола. Ё бошинг боғлиқми?

М а л и к а. Келинингиз чиройлими, сизга ёқадими, опоқи?

И қ б о л. Чиройли бўлиб, нима мен унинг хуснига нон ботириб еримдим. Ақлли-хушли, покдомон бўлса бўлгани.

М а л и к а. Илҳомжон нима дейди?

И қ б о л. Ҳа, аранг ўшанга кўндирдик. Бунга қолса, ҳалиям, ўша учадигани керак, дейди.

Р ай ҳ о н. Ана, Илҳомжон ҳам келдилар.

Илҳом кириб, ногаҳонда Маликани кўриб, тошдай қотиб қолади.

И л ҳ о м. Малика! Салом.

М а л и к а. Салом.

И л ҳ о м. Қайси шамол учирди?

М а л и к а. Хатингизни олган эдим.

И л ҳ о м. Раҳмат.

М а л и к а. Тўйлар муборак!

И л ҳ о м. Раҳмат. Кейин тушунтираман сизга.

М а л и к а. Тушуниб турибман. Яна бир марта табриклайман.

И л ҳ о м. Шу келишда?..

М а л и к а. Калькуттадан. Меҳмонхонага кўндиму, сизни кўрай деб...

И л ҳ о м. Нега меҳмонхона?

М а л и к а. Қоидаси шундай.

И қ б о л (*Райҳонга*). Калькуттаси нимаси?

И л ҳ о м. Ҳиндистондан келяптилар, ойи.

И қ б о л. Вой, айланай-ей, шундай ерлардан тўйга етиб келай дебсизда-а? Ҳай, Илҳом, манави қиз менинг кўнглимдаги қиз экан-ку... Гапларини эшитсанг... Сен бўлсанг қайси қавакдаги нарсаларни гапириб юрибсан. Тўйга айтасан буни. Тайин, келасан, хўпми? Сенга ҳам яхши жойлардан ато қилсин.

М а л и к а. Раҳмат. Албатта. Узим хизматда бўламан.

И қ б о л. Хизматинг нимаси? Тўрга ўтказиб қўяман. Келиннинг ёнгинасига. Гаплашиб ўтирасизлар.

Т о ж и х о л а. Ҳиндистондан келган бўлсангиз, ҳиндча қўшиғу ўйинлар билан тўйни қизитиб берасиз-да, «Бавжу-бавра» қилиб, қоқиндиқ.

И қ б о л. Ўғлим, сен меҳмон билан икковларинг чой-пой ичиб ўтиринглар, мен ишларни юриштириб юборай. Райҳон, сен монтер укангни ҳозирдан тайинлаб қўй, чироқларини, варанглатиб гапирадиганини — ҳаммасини ўтказиб, тайёрлаб қўйсин.

Р а й ҳ о н. Хўп бўлади. Кеча бир бўлагини ташлаб кетди.

Чиқишади.

И л ҳ о м. Маликахон, кечирасиз, жиндай англашмовчилик бўлиб гурибди. Кампир қисталангга олиб қолди.

М а л и к а. Хайрли иш. Омад тилайман. Хатингизни олган эдим...

И л ҳ о м (*гап тополмай*). У ёқда об-ҳаволар?

М а л и к а. Иссиқ.

И л ҳ о м. Ҳмм... Кейинги режалар?

М а л и к а. Москва. Яна ўн кунча у ерда бўлишим керак.

И л ҳ о м. Мен... фақат сизни деганман. Бу қатъий аҳдимни бузадиган қудрат йўқ дунёда!

М а л и к а. Тўйингизга таклиф қилган экансиз.

И л ҳ о м. Нималар деяпсиз, Маликахон? Қанақа тўй?

М а л и к а. Мана бу гаплар... Қўша қаринглар.

И л ҳ о м. Хатда ёзганман-ку... Сиз мени тушунмаяпсиз... Мен сизга тушунтираман.

И л ҳ о м.

Маликахон, тингланг юрак сўзимни,  
Кўнгил ўша, аҳд ила паймон ўша.  
Бахш этганман сизга буткул ўзимни,  
Мақсад ўша, орзую армон ўша.  
Мард сўзидан, арслон изидан

Дилдан чиқмай, йигит бир сўзни  
қайтмас,  
айтмас.

Сиз менга бахт, эзгу орзу, хур  
нафас,

Севги ўша, фукру ҳаяжон ўша.

М а л и к а.

Бу келишим синов ё гумон эмас,  
Сиз ўйлаган ёхуд имтиҳон эмас.  
Менинг қалбим сиз учун ниҳон эмас,  
Аввал қандай бўлса гар, ҳамон ўша.

Сизни ҳеч ким мажбур, қистов  
этолмас,  
Эрк сизники, ҳеч ким синов этолмас,  
Қуруқ ваъда юракни овутолмас,  
Бўлмаса гар виждону имон ўша.

И л ҳ о м. Маликахон, мен сизни деганман, тушунинг, сизни?! Сиз-чи?

М а л и к а. Мен ҳам.

И л ҳ о м. Маликам!



Иқбол. Худого шукр, кийимликларни ҳам жўнатдик. Гаплашиб ўтирибсизларми, болаларим.

Илҳом. Ҳа, бир илмий масалада...

Иқбол. Илмий масала ҳам қуриб кетсин, ҳовли рўяда гаплашиладиган бўлса.

Райҳон. Нима, хилватда гаплашишлари керакми?

Шу аснода ташқи ҳовлида ғала-ғовур, хотин-халажнинг бақириб гаплашгани, кимларнингдир жаҳолат билан келаётгани эшитилади. Райҳон, Иқбол ая, Норжонбуви, Тожи хола ташқарига отиладилар, бир нафасдан кейин яна чекиниб ичкарига кирадилар.

Орқаларидан қуда томонинг икки аёли дарғазаб қиёфада киради.

Биринчи аёл. Ол, юборган латта-луттангни.

Иккинчи аёл. Ол, лаш-лушингни.

Тугунларни иргитадилар.

Иқбол. Нима гап, айланайлар?

Иккинчи аёл. Э, айланмай ўлиб кет, ўғлингни тиёлмасанг нима қиласан уйлантириб?

Малика (қўрқиб). Мен кетай.

Илҳом. Кетмайсиз.

Биринчи аёл. (Илҳомни кўрсатиб). Ана, шалвироқнинг ўзиям шу ерда экан.

Иккинчи аёл. Уялмадингми, опуси, катта бир обрўли одамни масхара қилиб... Пияниста!

Тожи хола. Хой, айланай, нега пияниста дейсиз? Ичкилик деса етти маҳалла наридан юрадия! У ичмайди!

Иккинчи аёл. Ичмайдия, ичмайди. Хурмачаси кўтармаса нима қилади ликонглаб.

Биринчи аёл. Тенг тенги билан, тезак қопи билан. Ўзларингга ярашароғини топсаларинг бўлмасмиди? Нокасталар!

Иқбол. Нимадан камлигимиз бор экан?

Иккинчи аёл. Эшитдик. Телевизорларингиз бўлатуриб, томоша қилмас экансизлар, ишдан чиқиб қолади деб.

Райҳон. Баҳонани қаранг... (қизишиб). Ўзларинг-чи? Сигиримиз бор деб, ҳали-ҳалигача таппи ёпар эмишсизлар-ку, бутун маҳаллани саситиб...

Биринчи аёл. Гўштниям қўшнининг холодильникнигига чиқариб қўяр экансизлар. Ўзимизники ҳидланиб қолмасин деб.

Райҳон (бўш келмай). Эшитганмиз, кир ўраларинг бўла туриб, мағзавани кўчага септириб, гап-сўз бўлганларингни...

Иқбол. Вой ўлмасам, бу қандай шармандалик!

Норжон буви. Ўзларинг ким бўлдиларинг? Тахта искалатини кемириб, семириб ётган каламушлар!

Иккинчи аёл. Тахта складиани тилга олмаг, уям буюрганга буюради.

Иқбол. Буюрмай ордона қолсин!

Биринчи аёл. Ҳамма эшикдан тепки еб қайтгансизлар...

Иқбол. Тепки эмас, чертиб-чертиб танлаяпмиз.

Иккинчи аёл. Танлаб-танлаб тозисини топасизлар бир кун.

Иқбол. Топамиз, дарахтни силкитса қиз ёғилади. Мана, Ҳиндистондай жойдан ҳам паризод қизлар (Маликани кўрсатиб) ўз оёғи билан кириб келяпти.

Ҳамма унга тикилади.

Малика (уялиб). Йўқ, унақа деманг, мен ўзим...

Иқбол. Сен жим туравер, йўлини қилаяпман.

Шу пайт Эргаш билан Феруза кирадилар.

Тожи хола (ҳайрада). Буниси қизиқ бўлди-ку, Райҳон. Келиннинг ўзи кириб келди йўрғалаб, вой ўлмасам.

Биринчи аёл. Феруза! Сен нима қилиб юрибсан бу ерда? (Эргашни кўрсатиб). Бу ким?

Иккинчи аёл. Шармандамиз чиқмасдан жўнаб қолайлик, эгачи. Уша — оналарининг ўзлари ҳал қилишсин.

Феруза (Иқболга). Ассалому алайкум.

Тожи хола. Иқбол! Келинингга қарасанг-чи.

Феруза. Сиз янглишяпсиз, хола. (Иқболга). Ая, келинингиз мана булар! Салом, Маликахон! Янглишмадимми?

Илҳом. Йўқ, Ферузахон, янглишмадингиз. Ойи (Маликани кўрсатиб) келинингиз... Қалбимдаги гўзал!

Иқбол. Вой, ёронлар, ҳеч балога ақлим етмаяпти. Икром! (Райҳонга) Эринг қаёқда, қақилдоқ?

Икром. Мен шу ердаман ойи.

Иқбол. Кел, болам. Бир эмас, бир йўла икки келин бўлиб қолди. Қай бирисини олай?

Икром. Ўзи хоҳлаганини-да, ойи (Илҳомга). Нима бўлаяпти ўзи?

Илҳом. Танишинг, ака. Мен сизга айтган Малика шу қиз.

Икром. Салом, хурсандман. Хуш келибсиз. Бор экансан-ку, яша, ука! Дидингга қойилман!

Илҳом. Булар—Эргаш билан Ферузахон. Сизга гапирган эдим.

Икром. Раҳмат, синглим. Сизга ҳам, Эргаш.

Норжон буви (тушунолмай). Нима деяпти Икром, уришяптими?!

Тожи хола. Жим ўтир, кар қулоқ, юрагим ёрилиб кетаман деяпти.

Иқбол. Войдод, ёронлар, мени алдашди... Райҳон! Қақилдоқ, эринг ҳаммасини билиб юрган экан.

Райҳон. Узингизнинг болангиз. Бир қарганг энди маза қилиб.

Иқбол. Уйимга ўт кетди, тўйимга кўз тегди. Қандоқ қилиб маҳаллага чиқаман!

Икром. Ойи, сиз тушунган аёлсиз. Ахир, келин мана-ку. Нега тўй бўлмас экан.

Райҳон (Иқболга тақлидан). Ҳиндистондай жойдан ўз оёғи билан келиб турибди-ку, ойи.

Малика. Наҳотки мен сизга ёқмаётган бўлсам. Ҳозиргина яхши жойдан ато этсин дедингиз-ку, ойижон.

Иқбол (эриб кетиб). Вой, ойижон деган тилларингдан ўргилай, келингинам. (Фонда «Ер-ёр» музыкаси). Ҳой, Икром, қўй нима бўлади қўй? Юборадиган жой йўқ-ку, болам?

Тожи хола. Қўй Ҳиндистонга юборилади-да.

Норжон буви. Бо, Ҳиндистон пошшоси қўйингни кўзга илар эканми...

Икром. Ташвишланманглар, ойи... Қўйни ижарага олиб келган эдим бир ўртоғимдан. Яна ўрнига қайтади-қўяди.

Тожи хола. Вой муғомбир Икромжон-эй, нималар қилиб қўйдиларинг.

Шўх музыка янграйди, қўшиқ ва рақс бир-бирига уланади.

Давронимиз зебо, гулгун,  
Дилларда қолмагай тугун.  
Шўх-шўх босиб, дуркун-дуркун,  
Уйнанг бугун, уйнанг бугун.  
Тўй сизники, барно ёшлар,  
Тўй сизники, қариндошлар.  
Чилвир сочлар, қалам қошлар,  
Уйнанг бугун, уйнанг бугун.

Қайнотадир, қайнонадир,  
Ёшларга ота-онадир.  
Тўй севгидан нишонадир,  
Уйнанг бугун, уйнанг бугун.  
Сўзи кўнгилни аллалар  
Яхши ниятли аммалар.  
Уйингга тўлғир ғаллалар,  
Уйнанг бугун, уйнанг бугун.

Илҳом } — (залга мурожат этиб). Бизларни муборакбод қи-  
Малика } линглар, меҳмонлар, меҳрибонлар.

Феруза } — Бизларни ҳам. Илтимос қиламиз. Тўйимизга мар-  
Эргаш } ҳамат.



Икром Отамуротов

## Қалбимнинг поёнсиз кенгликлари

□

Қалбимнинг поёнсиз кенгликлари  
ранго-ранг,

Кўз илғамас уфқларнинг қанча-қанчаси  
сийнасига бош қўяр унинг.

Бунда очилган

қўзигуллар,

лолақизғалдоқлар,

чучмомалар

волидаси эркалаган гўдаклар мисол,

оҳишта-оҳишта тебранар шаббода ўйинида...

Кенгликларга тўш уриб

вижир-вижир сайрар тўрғайлар;

қўшиқлари — шудринг томчилари сингари

мавжланар

қўзигуллар,

лолақизғалдоқлар,

чучмомалар яноғида...

Қалбимнинг поёнсиз кенгликлари

ранго-ранг...

□

Зангори-зангори даштлар қўйнида

хаёллари ширин-ширин,

орзулари тиниқ-тиниқ

бир бола

кўм-кўк майсалар бағрида,

қўлларини боши қстига қўйиб,

термилади осмонга.

Осмон мовий рангдан,

мовий ранг — боланинг жони.

Термилади бутун вужуди кўзга айланиб,

қорачиқлари сиғмай қабоқларига

термилади!..

Тиниқлашиб боради осмон кўзи ўнгида

боққани сайин,

чексизлашиб боради осмон кўзи ўнгида

боққани сайин,

йироқлашиб боради осмон кўзи ўнгида

боққани сайин,

Мовий осмон ва бир бола  
сирлашади,  
сирлашади  
ҳамон бир-бирига термилиб-тўймай  
зангори-зангори даштлар қўйнида.



Даштлар — қуёшнинг юрти...  
Бунда — дашт дарёсида  
қуёш нурлари  
қирғоқларига сиғмай тошган тўлқинлар янглиғ  
кўпирар...  
Ҳув, бўзда икки бола,  
чиллак ўйнар берилиб.  
Қим кўп эгаллар марра,  
ким кўп бўлади ғолиб;  
бири отар чиллакни қулочларини кериб,  
рақсга тушади чиллак, тўрғай мисол, осмонда;  
чарчоққа бўйин бермай, иккинчиси югуриб  
кўкка кўзини тиккан — тутолмаса армон-да...

Қайси бири енгилса  
мўлжалга келтиролмай,  
белгиланар масофа,  
сира-сира ён бермай,

қўлда чиллакни ушлаб, маррани бир нафасда —  
кўкда учган юлдузнинг тезлигида зувиллаб —  
босиб ўтиши керак.  
Сиғмай кўкрак қафасга  
юрак тепар дук-дуклаб.  
Йўл ярмида салгина бўшашиб қолса борми,  
қадамларнинг зарбида ҳансираши билинса  
ёки овозда бирров жўрланмаган торнинг  
ҳолатини эслатиб, секинлиги сезилса,

шарт қайтадан бошланар,  
марра чўзилар узоқ,  
шунда кўзга ташланар,  
даштнинг чеки... кўп йироқ...  
Шахт билан югурар бола:  
«Зув-в-в! Зув-в-в!..»



Норжон момо яшади кутиб,  
Кўзларида йўллар сурати.  
Шамолларга сирини айтиб,  
Шамоллардан мадад сўрарди.  
Шамолларнинг сарғайиб ранги,  
Шамолларнинг тили бўлди дол.  
Сувга тушган тош каби жимиб  
кетар ҳар гал у — бир савол.  
«Келадими?»—  
умрининг ярмидан кўпи  
Ватан муҳаббатга айланган тонгда,  
Ватан садоқатга айланган тонгда,  
Ватан жон-имонга айланган тонгда,  
Вужудида туғилди бир ҳужайра сингари Норжон момонинг...  
Норжон момонинг кўнглида яшарди ўшандан бери:  
«Одамлар бир-бирига меҳрибон эди-я, қандай!»

«Бир-бирин дийдорига қараб тўйишмасди ҳеч!..»  
Қишлоқ томон бурилиб қаради қайта-қайта  
кўринмай кетгунича ўша тонг...  
Ўша тонг ёзилган  
сўзлар билан луғатида ёнма-ён.  
Ёнма-ён оламда совуқ ва иссиқ,  
Совуғи қаттиқдир айниқса даштнинг.  
Офтоб тиғи тик тушиб,  
олов сели кўпирган

жазирамасига  
куч-бардош топди,  
топди куч-бардош.  
Кочмади иссиқдан кўрқиб салқинга,  
Совуқнинг захрини кўтаролди тик,  
кўтаролди тик —

қалбида ҳарорат баланд.  
Бир нарсдан кўрқарди фақат —  
«Келмайди»ни эшитиш ўлимдир унга.  
Энг ёмон душманидир унинг

шу сўзни айтганлар  
(Душманларнинг нияти бир хил,  
бир хил,

ранг-рўйи бошқа-бошқа бўлса ҳам).  
Норжон момо яшади кутиб,  
Кўзларида йўллар сурати.  
Шамолларга сирини айтиб,  
Шамоллардан мадад сўрарди...  
Сўнгги марта кўрдим:

шамолларга юзма-юз  
борарди қалқиб-қалқиб,  
«Келадими?» сўзин қолдириб,  
«келмайди»ни олиб кетар эди у  
узоқ-узоқларга...



Панжи бобонинг қизиқ феъли бор:  
давраларни хуш кўрмас унча,  
гурунглари қилмас ихтиёр...  
«Гап билмас, гунг» дедилар уни,  
«Одам иси ёқмас» дедилар уни.

У эса  
шамоллар тошқинида  
ялпиллаб-ялпиллаб тўлқинланган  
қўзигуллар қўйнига  
уради ўзин.  
Чўмиб кетади,  
чўмиб кетади қўзигуллар

тўлқинига.  
«Бўйларингдан ўргилай ўзим!..»  
Кўзларига суртиб-суртиб  
қўзигулларни  
суйиб-суйиб силайди...

Тўрғай қўшиғини тинглар  
берилиб,

тўрғайга айтади кўнглида  
йиғилганларни  
ҳеч қолдирмасдан,  
очилиб-сочилиб.  
«Сен ҳам ахир, бир дам тин олгин  
томир-томирингдан ўтиб кетди-ку  
офтобнинг тиғи!..»

Сўнг қийқиради,  
қийқиради:  
«Э-ҳе-ҳей-ҳей!..»  
даштларнинг бурч-бурчларига  
урилиб-урилиб,  
акс-садо беради  
саси  
момақалди роқдай,  
бундан қандайдир олади ҳузур

...Найча палак каби —  
янги ой

кўринган оқшом,  
узоқ-узоқ термулар ҳар гал.  
Утган умри тушар хотирга,  
ёлғизлиги тушар хотирга,  
хотирига тушар яна...  
Хўрсиниб-хўрсиниб қўяди ич-ичдан,

оғир бир нарса босади  
кўксини,  
шунда, нима учундир, унинг  
тўрғайга ҳаваси келади,  
ҳаваси келади қўзигулларга.

## Тўриқ балладаси

*Ҳамқишлоғим Асадулло Ботиров хотирасига*

Тўриқни ҳеч бўлмас кўндириб,  
кўзлари қон қуйилгандай, бежо.  
Арқонига қат-қат тоб солиб,  
яккамихни айланар роса.

Гир айланар, гир айланар  
метин ернинг чиқариб чангин.  
Метин ерни тупроққа қорар,  
аламларин чизганча рангин.

Укириб-ўкириб кишнайди,  
юлқиниб-юлқиниб отилар.  
Ортган сайин тўриқнинг дарди,  
арқон таранг тортилар.

Қимирламас яккамих ҳеч бир.  
Арқонни у чайнар алам-ла,  
яккамихни алам-ла ғажир  
олов ичра...

...Чавандози ўққа учгандай  
кутилмаганда!..  
Бунга чидаб бўлади қандай,  
ётар тобутда?!

Одамлар айланиб ўтади,  
айланиб ўтади  
тобутни бир-бир.  
Марҳум бирдай ётади,  
унга энди бари бир.

Ўтади сел бўлганлар ҳам,  
ўтади бағри кул бўлганлар ҳам,  
ўтади сўкишганлар ҳам,

ўтади тенишганлар ҳам,  
қўлтиғига тиғ яширганлар ҳам  
ўтади,  
бўйидан баланд гапирганлар ҳам  
ўтади

тобут ёнидан.

Барини,  
барини туради кўриб  
марҳум билан  
бутун умр  
даштлар бағрида  
бирга-бирга уруғ —

излар сочган тўриқ,  
чеккада қолиб.  
Ахир, у ҳайвон,  
унга йўл бўлсин тобут ёнидан  
ўтмоқ,  
сўнгги марта марҳумга розилик  
айтмоқ,  
йўл бўлсин...

Садоқатнинг ранги бўлсайди,  
битилсайди унга рақамлар.  
Тўриқ бўлар эди биринчи,  
орқадан турарди одамлар.  
Кўзларини қоплайди туман,  
туман ичра кетган йўл узун.  
Узоқлашган тобут ортидан  
ҳавога пичоқдай урганча ўзин  
депсинади — алам,  
кишнайди — алам,  
пишқиради — алам,  
юлқинади — алам!..

□

Шитир-шитири бошланар  
ёмғирнинг  
муаттар ҳидлар-ла тўлишар дунё.  
Томчилар,  
томчилар замин сатҳига  
томчилаб-томчилаб,  
нақш солар турфа ранглар суратин.  
Олисда,  
уфқлар ортида

қувона-қувона югурар,  
югурар бир бола  
ёмғирнинг остида,  
ўзи номин билмаган,  
нотаниш-нотаниш кенгликлар  
сари югурар  
заминга интилган томчилар янглиғ  
ва ёмғир ҳақида қўшиқлар айтиб:

«Ёмғир ёғар шитир-шитир,  
мовий рангга тўлиб олам,  
товланади жимир-жимир...»  
Осмон кунгураси аро янгра

қўшиғи.  
Тўрғайлар навоси каби жарангдор,  
ёмғирга чайилган лаҳза қадар  
мусаффо,  
ял-ял ёнган долақизғалдоқлар  
сингари хушбўй —  
бир қўшиқ,

бир қўшиқ...  
Югуради у овози билан баробар,  
кўринмай кетади ниҳоят.

Бола сингиган нуқтада уфқлар,  
биламан, бирлашар абад.  
Шундан-да туғилар мовийлик,  
мовийлик — дунёнинг болалиғи.  
Садоланиб туради қўшиқ жаранги:  
«Ёмғир ёғар шитир-шитир,  
мовий рангга тўлиб олам,  
товланади жимир-жимир...»  
Термиламан,

термиламан мовийликка,  
излайман унинг бағридан  
эзгу бир нималар,  
эзгу бир нималар!..



1

Лайлаклар келмади бу баҳор...  
Термилади йўлга мунгайиб —  
Султон Мирҳайдар гумбази<sup>1</sup> зор  
Пештоқлари турар саргайиб.  
Бир жуфт лайлак «какирлаб»,  
қани,

Кўнса эди қуббаларига.  
Даштларга сочарди баҳорни,  
Баҳорни берарди болаларга.  
Бир баҳона бўлса, топилар  
Гуноҳларни оқламоқ учун.  
«Ини турса, булғар лайлаклар  
Гумбазларни, бу керак нечун!..»

Лайлаклар келмади бу баҳор...

Қоғоз қўлга олинди яна,  
Қоғоз кирди ҳар хил шаклга.  
Кўкда лайлак учмоқда ана.  
Қанот қоқиб гумбаз томонга.  
Қийқириб чопади болалар,  
«Мен биринчи кўрдим, биринчи!..»  
Бир-бирдан қолмай югурар.  
Баравар елади қувончи.

Кизик, қайга йўқолди бирдан,  
Бир лаҳзада бўлди зим-зиё.  
Турар уч-тўрт ҳовли нарида,  
Гумбаз. Лайлак кўринмас,  
аммо...

Болалар танг бу синоатга,  
Ҳайронликнинг йўқ эди чеки.  
Терга ботиб, маъюс аҳволда,  
Утирарди бир одам чекиб...

Болаларни алдаймиз бугун,  
Эртага ҳам ишонар улар.  
Алданганин англагач бир кун  
Ишонч қора билан ёзилар.

2

Гумбаз томон қарайман орзиқиб,  
орзиқиб.

Кўраман унда сукунатни  
сукунат,  
сукунат тўрт томондан қисиб борар,  
қисиб борар гумбазни...  
Еру кўкка сиғмай парвози,  
ёмғирларнинг остида учган.  
Шамолларга кериб бағрини,  
жазирама офтобни қучган.  
Оппоқ,

оппоқ лайлаклар чарх урсайди,  
чарх урсайди бир бора,  
йўллариди кўзи тўрт гумбаз устида  
парчаларга айланарди сукунат...  
Тушган катта шаҳарга йўлим,  
шовқинларда кечади тақдир...  
Сукунатдан зирқирар кўнглим,  
эсга тушса гумбаз негадир.  
Негадир,  
гумбаз,  
сукунат,  
оппоқ лайлаклар  
кўз ўнгимга келар  
овозлар ўрмони ортидан.  
...Ҳайқираман,

ҳайқираман:  
раҳмим келади сизга  
бир умр,  
бир умр қушлар инидан қўрқиб,  
уни бузганлар!

<sup>1</sup> Ульянов район Касби қишлоғидаги тарихий обида.



Абдулқосим Мамарасулов

## ЙЎЛОВЧИ

**Х** аёт гўзал.  
Яшаш яхши!

Яхши яшаш янаям яхши!!

Озодликда нафас олишнинг гашти қанчалар лаззатли-я! Наҳотки у энди доим озод? Наҳотки энди уни ҳар қадамда милиционерлар пойлаб юришмайди? Наҳотки эрки қўлида?

Одамнинг ишонгиси келмайди. Бу дунёнинг ишлари... Одам бола-си қанақа ҳолларга тушмас экан.

Тўлқин қамоқхонага тушганда етти йил сира ўтмайдигандай туюлганди. Мана, ҳозиргина дарвоза олдида ҳужжатларини қўлига тутқазиб, қайтиб келма, деб чиқариб юборишди. Қўлига уч сўм пул тутқазишди. У озодликка чиққанига ҳеч ишонгиси келмасди. «Наҳотки... наҳотки... наҳотки...» дерди, холос.

Автобусга ўтириб, катта шаҳарга жўнади. У одамларга қувонч билан қарар: «Энди мен ҳам сизлардек озодман», дегиси келар, лекин дилидаги шодлик юзига аянчли ҳаяжон бўлиб чиқаётганидан беҳабар эди. Унинг юзи, ҳолати, қилиқлари, чуқур ички кечинмалари туфайли галати кўриниб, йўловчилар диққатини жалб қиларди.

Тўлқин ҳозир вокзалга борадию поездга ўтириб, тўғри уйига жўнайди. Ота-онасидан қолган ажойиб ҳовли бор. Ким билади, нима бўлган? Тақдиридан кўради. Нима, уни етти йилгача кутиб ўтирармиди? Эрини кутгиси келмабдими — кутмасин. Ўйнаб-кулгиси келибдими — ўйнаб-кулсин. Ким бору ким йўқ бу орада. Ёшлигини хазон қилсинми? Ҳойнаҳой кейингисидан ҳам икки-учта бола туғиб олгандир.

Тўлқин ўзининг шунчалик қувончли онларида ҳеч кимни ёмон демас, ҳаммани оқларди. Ҳаммани яхши кўргиси келар, ҳаммага меҳр билан тикилишга ҳаракат қиларди.

Қандай бахтли одамлар! Ҳаммаси озод. Қаёққадир ўз иши, турмуш ташвишлари сабабли шошиляптилар. Биров уларни қайтармайди. Ҳар қадамда йўлини тўсмайди. Бошида хўмрайиб турмайди. Қандай яхши. Тўлқин ҳам ўз уйига шошиляпти. Энг аввал уйига киради. Онаси ётган хоналарни зиёрат қилади. Онаси Тўлқинга атаб тиккан буюмларни бир бошдан кўздан кечиради, ўпади.

Қанчалик қадрдон буюмлар-а!

Қанчалик қадрдон уй!

Шунчалар соғиниб, кетдики, шунчалар соғиниб кетдики! Эҳ! Тезроқ етиб борсайди. Ҳовлисини кўрсайди. Уйини кўрсайди. Одам йўқлигидан деворлари бузилиб, кетмадимикан? Қариндошлари бор-ку...

Икки туп ҳусайни узум бўларди. Пишар-пишмас тагига ўтириб



олиб, битталаб териб ерди. Онаси буни билмасди. Фикри ёди узумни бозорга чиқариб сотиш эди. Тўлқин эса 'еб қўйган бўларди. Онаси уни олдига солиб қуварди. Кейин: «Сотиб сенга кийим-бош қилмоқчи эдим, пулини гўримга орқалаб кетармидим», деб ўтириб йиғларди. Тўлқин эса эътибор бермасди — бебош эди...

Эҳ! Қанчалар аҳмоқ бўлган экан-а!

Энди онаси йўқ, онаизори йўқ.

Вақтида қадрига етмаган, энди онаси ўлиб кетган. Қамоққа тушганининг биринчи йилиёқ.

Онасини хотини кўмган. Буни ҳам кейинчалик эшитган эди. Шунинг учун у хотинидан норози бўла олмайди. Тўлқин энг аввал қабристонга боради. Онасининг қабрини зиёрат қилади. Йиғлайди, бўзлайди, кўнглини бўшатади. Уша вақтлари ўйламаган-да, ўйламаган. Енгилтак бўлган. Ҳа, бу темир панжаралар одамни кўп нарсага ўргатади, ҳаётни тушунтиради, ҳаётни! Онаси ўлганда бошида туролмади-я! Онасининг яккаю-ягонаси эди. Балки умрининг охири дақиқаларида ҳам «ўғлим» деб, йўлига кўз тикиб, ўтиб кетгандир. Уғил деган онасининг кўзига нур, белига мадор бўлмайдими? Мотамда қўлига таёқ ушлаб, белини боғлаб турмайдими? «Онажоним» деб йиғламайдими? Ҳеч бўлмаса, қабрига бир чимдим тупроқ ташламайдими?..

Қанақа қилиб қўйишган экан? Онамлайдиган зот йўқ, тўртта одам кўтариб, гўрга кўмгану қайтиб келаверган. На худойиси бўлган, на еттиси, на йигирмаси, на қирқи. Ким билсин, йилиям бўлмагандир. Тўлқиннинг дастидан хор-зор яшаб, хор-зор ўлиб кетди-я!

Йўқ, у энг аввал қабристонга боради. Уй бир гап бўлар. Қочиб кетмайди. Улгуради. Судда унга ҳукм чиқаришаётганда ҳам онаси зор-зор йиғлаб қолганди. Тўлқин эса қилмишидан эмас, онасининг йиғисидан эзилиб кетганди! Қанчалар аҳмоқлик.

Уша пайтлари ичгани-ичган эди. Ҳар куни ичарди. «Ярим йил ичидан онам мени кўчадан соғ кутиб олмаган», деб дўстларига мақтанарди. Яқинда уйланган хотинини сочидан тортиб, додлатиб ураётганда орага тушмоқчи бўлган онасини қандай итариб юборганини билмайди, зарбдан чалқанча йиқилиб, онасининг оғзи-бурни қон бўлганларини дўстларига мақтанарди-я? Узича бу ишларни қаҳрамонлик деб ўйларди-да. Ушанда ҳозирги ақлининг учқули ҳам бўлмаган. Онасининг эрка ўғли эди. Айтган гапи қонун эди, ўзидан-ўзи киссасига пул тушиб турарди. Фақат хоҳиш керак. Шундай бўлгандан кейин у ичмай ким ичсин. Ўзини дунёнинг устун деб биларди. Гўё итаса, ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб юборадигандай. Кейин уйига келарди-да, тўлиб-тошиб, кучини қаерга сарф қилишини билмай... ёшгина хотинига мушт кўтарарди. Уйланишда ҳам Тўлқин заррача жон куйдирмади. Ҳаммасини онаси елиб-югуриб тўғрилаган. Истаганинг шай бўлиб турса, атрофиндагилардан қийиқ ахтаравераркансан. Фақат баҳона керак. Кейин тайёр жанжал. Келганини кўриб, хотини чаппа қараса ҳам, тамом — айбдор саналардию қийноқли-қистоқли саволларга тутарди. Албатта, жавобининг бирон ерида унга ёқмайдиган гап чиқиб қоларди... жанжал бошланарди. Ундай эмас — бундай, бундай эмас — ундай. Шунчалар ҳам пасткаш бўлган экан-а? Хотинининг сочидан судраб додлатарди. Онасини йиғлатарди. Қаршисида икковининг зор-зор йиғлаб турганини кўриб, роҳатланарди. Ҳа, у зўр эди. Уни кўрганда олдида қалтираб туришарди. Бир имо қилса бас, айтгани амалга ошарди. Зўрлигидан ғурурланарди. Онаси йиғларди: «Болагинам, нега мени зорлатасан? Ота кўрмай ўсдинг, кўнгли ўксимасин деб, айтганингни қилиб, хоҳлаганингни едириб, сени катта қилиб, уйлантириб, энди орзу ҳавас қиламан деганда, кўрган кўргулигим шумиди? Катта бўлса эси кирар дедим. Уйланса босилар дедим. Сен бошқача бўлдинг. Баттар бўлдинг. Онабозори бўлдинг. Эсингни йиғ, болам. Ичишингни қўйгин, қўйгин, қўйгин?..», деб ялинарди. Тўлқин эса онасини силтарди. «Сен кампир менга ақл ўргатадиган бўлдингми?» деб, «сен ақлли, мен аҳмоқми» деб, мазах қиладиган

бўлди. Қасдма-қасдига, фақат «кампир»нинг айтганлари амалга ошмаслиги учун янада кўпроқ ичадиган бўлди. Илгари хотинини уйда урадиган бўлса, кейин кўчага чиқариб урадиган бўлди. Қишлоқ аёллари: «Феодал қолдиги, хотинбезори», деб, орқаваротдан гап қилишар, хотинини: «Ун гулингдан бир гулинг очилмаган, эр қуриб кетибдими сенга, кет ундан», деб йўл ўргатишарди. Ҳали-ҳали ҳайрон қолади: ўшандай хотиннинг чидамига ҳам балли-е! На отасининг уйига арз қилиб борибди, на судга. Тўлқин яхши билади: Хотини онаси билан жуда қалин эди. Бундан жаҳли чиқарди. «Икковинг бирикиб, менга қарши фитна уюштираяпсанлар», деб, баттар дилозорлик қиларди. Йўқ ердан баҳона топиб: «Биламан, отангникига кетиб қолмоқчисан, сен мени судга бермоқчисан, агар шунақа сассиқ ишларингни шарпасини сезсам, сўйиб ташлайман», деб хотинини қон қиларди. «Ўйнаш орттиргансан, биламан, мен йўғимда фалон иш қилиб юрибсан, писмадон иш қилиб юрибсан, менга ўша ўйнашингни қаердан бўлса ҳам топиб берасан», деб бўғзига пичоқ тираганча неча марта қон йиғлатарди. Э, ўзиям, хотинининг тоғдай юраги бор экан. Пичоқни бўғзига тираса ҳам чидабди-я! «Эси кириб қолар» деган, «эр» деган, «онасининг арз-додларидан бир хулосага келар», деган. «Минг қилса ҳам бир ёстиққа бош қўйдим, кетиб қолсам яхши бўлмас», деган, «енгилтқлик қилмайин», деган. Ҳа, кўп нарсаларни ўйлаган. У бўлса... баттар бўлди. Пичоқ тираганда ҳам индашмагандан кейин ўзи хон, кўланкаси майдон бўлди. Ҳаддидан ошди.

Ҳар нарсанинг чеки бўлади: яхшилигу-ёмонликнинг ҳам.

У тагин бир куни хотинини кўчага сочидан судраб чиқди. Орқасидан онаси дод-войлаб келди. Иккисининг йиғисидан кўча ларзага келди. Аммо Тўлқиннинг бир туки қилт этмади. У ичган эди. У зўр эди. Зўрлигини намойиш қилаётганди. Кўзлари қонга тўлганди. Хотинини урар, топтар, сўкар, кет, деб ҳайдар эди. «Ўйнашингни топиб бер», деб, дўқ қиларди.

Қўшнилари унинг хотинига ён босишдан чўчирдилар. «Пичоқ солиб юборишдан қайтмайди бу газанда» деб, ўзларини четроқ олардилар. Буни Тўлқин биларди. Шунинг учун шер эди. Онасини писанд қилмасди. Хотинини писанд қилмасди.

Қанчалар чиройли жувон эди-я хотини!

Қанчалар маъсума эди!

Ушанинг сочларидан тортарди!

Момиққина, майин сочлари бор эди. Уларни тортишмас, силаш керак эди. Уни ардоқлаш керак эди. Лаззатларга ботиб ўпиш керак эди. Упиш керак эди! Упиш керак эди-я!!

Қани энди, ҳозирги ақлидан заррачаси ўшанда бўлганда эди, онасининг пойига йиқилиб, зор йиғларди-ку! Хотинининг кўзларидан бир томчи ёш оқмаган бўларди. Урмасди... Ҳатто хўмрайиб ҳам қарамасди.

Эҳ, ҳаёт! Шунақа қилиб яшаган экан-да! Яшаш мумкин экан. Зўр эди. Шер эди. Қайридилар. Йўлга солдилар... Эсини киргиздилар. Аммо кеч, жуда кеч. Эҳ-ҳе!

Уша куни зўравонлиги бурнидан чиқди. Қўшнилари тоқат қилиб туришолмади. Элликларга кириб қолган Файзулла ака келиб, елкасидан ушлади: «Қўй», деди, «уял» деди, «бу томошангни йиғиштир, бўлмаса ўзим судга бораман», деди. Тўлқиннинг кўзлари олайиб кетди. «Судга берадиган насиҳатгўйни» қулочкашлаб солиб юборди. «Менинг хотинимни ҳимоя қиляпсан, балки сен ўйнашидирсанки, жонинг ачи-япти, йўқол тез!», деб вишиллади. Зўрлигини яна бир карра намойиш қилди. Қўрқиб, кетар деб ўйлади. Файзулла ака бирдан: «Сендақа зўрни...» деб, ерга ётқизиб, қўлини орқасига қайириб олмоқчи бўлди.

Қайси зўр ўзини урганларида қараб турган? Қайси шер ўзига занжир солаётганларида ваҳима билан ўкирмаган? Шер ҳеч қачон осонликча занжирбанд бўлмаган. Уни мажбур қилишган. Тўлқинни

ҳам мажбур қилишмоқчи эдилар. Қанақаси бу? Э йўқ, бе йўқ, ётқи-  
зиб олиб, ураверса, одамга алам қиларкан. Нима ҳаққи бор? Ҳали  
Тўлқиннинг қўлини қайирадиган ондан туғилган эмас. Ҳозир кўрса-  
тиб қўяди. Уни ураяптиларми? Таҳқирлаяптиларми?

«Зўр» жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатди. Куч билан ётган  
ерида қўлини озод қилдию личогини шартта суғуриб, Файзулла ака-  
нинг қорнига солиб юборди. Устидаги «тоғ» ағдарилиб тушди. «Шер»  
занжирдан халос бўлди. У яна озодликка чиқди. Чиқдию қотиб қолди.  
Шунча вақтдан бери зўрлик, шерлик деб юргани аҳмоқлик, аблаҳлик  
эканлигини бирдан билиб қолди.

Қўшниси қонга беланиб ётар. Қон! Тўлқин қўлига қаради —  
қонли пичоқ! Вужуди бўшашиб, мастлигидан ном-нишон қолмади.  
Қонли пичоқни отиб юборди. Қўллари қон! Ҳаммаёқ қон! У қанчалар  
аҳмоқ эканлигини ўша заҳотиёқ тушунди. Онаси, хотини, ҳамма ҳай-  
калдай қотиб қолганди.

Бирдан юракни эзиб юборгудек қичқириқ эшитилди. Сочларини  
юлганча Файзулла аканинг хотини югуриб келарди. Тўлқин уйга ки-  
риб кетди. Чалқанчасига ётиб олди. Унинг телкалари силкина бошла-  
ди: йиғларди. Қилган ишининг нималарга олиб келишини аниқ-таниқ  
сезиб турарди. Ҳозир ҳамма қўшнилариининг ёпирилиб киришини, ўзи-  
ни ўртага олиб ўлгудай дўппослашларини истарди, ўлдириб ташлашса  
ҳам майли. Ҳаммасига рози. Ушанда ҳақ жойида қарор топади.

Кўчада шовқин-суроқ кучайди, лекин биттаси ҳам Тўлқиннинг  
олдига кира олмади: қўрқишди. Пичоқ солиб юборади, деб ўйлашди.  
У сезиб турарди. Ҳаммаси ўзини ўйлайди. Ҳаммасига жони ширин.  
Шунча вақтдан бери бирортаси келиб, қўй энди, эсингни йиғ, Тўлқин,  
демади. Мана, охири иш одам сўйиш билан якунланди. Шунчалик ҳам  
осон экан: шартта пичоқни тикиб олди, вассалом. Ушанда фикри ёди  
бор-йўғи ўзини ҳимоя қилиш эди, холос.

Кейин... кейин уни қамашди. Яхшиям пичоқ қорнига кириб, унча-  
лик зарар етказмаган экан. Файзулла ака кўп ўтмай, касалхонадан  
чиқди. Бўлмаса, ким билади, отиб юборишармиди? Бор-йўғи етти йил  
беришди. Онаси судга ҳам йиғлаб келди. Эй-й, бу оналар! Қачон қа-  
расанг йиғлаб юришади. Туғса, катта қилса, кейин яна куйса...

Мана энди онаси йўқ. Олти йил бурун ўлиб кетган. Суяқларига-  
ча чириб кетгандир. Тўлқин эса соппа-соғ. Етти йилни ўтказиб қай-  
таяпти. У тўппа-тўғри қабристонга боради. Онасининг мазорини топа-  
ди. Йиғлайди, бўзлайди, аммо онаси кечирармикан? Йўқ, кечирмаса  
керак. Ўзи она бўлганда ҳеч қачон кечирмаган бўларди. Кечирмага-  
ни маъқул. Ҳа-а, Тўлқин она қарғишига қолган. Она қарғишига!  
Жабрини тортиб келаяпти.

У қамоққа тушгандан кейин кўп ўтмай, хотини ўғил туққан. Қи-  
зиқ, шунча азобдан кейин бола қандай тирик қолганига ҳайрон.  
Ҳозир етти ёшга кирган. Қанақа экан? Мактабга бораётган бўлса  
керак. Портфель кўтариб югуриб юрган бўлса керак. Отасини танир-  
микин? Уни танирмикан? Тўлқин эмас, бошқа кимдир унга оталик қи-  
лаяпти. Уша ким «дада» деб чақиради. Ўғли ҳақиқий дадаси қа-  
моқда ётганини, бир вақтлар қип-қизил безори эканини билмаса ке-  
рак. Тўлқин оталик ҳуқуқидан ҳам маҳрум. Қанчалар шафқатсизлик.  
Ўғли қай тахлит ўқиётган экан? Ўзига ўхшармикан? Агар энди қўли-  
га қайтариб беришса, бошқача қилиб тарбияларди. Ҳақиқий одам қи-  
либ етиштирарди. Ўзи безори бўлди, кўргуликларни кўрди, иккиси учун  
етарли. Бўйи ҳам ўсиб қолгандир. Исмини нима қўйишди экан? Чирой-  
лисидан танлай олдилармикан? Тўлқиннинг ўзи бўлганда-ку, зўр исм-  
лардан бирини қўярди-я! Шавкатми, Шуҳратми? Эҳ-ҳе, қанчасини би-  
лади. Хотини-чи? Қанақа экан? Уша маъсумалигича турганмикан?  
Эндиги эри, ишқилиб, яхшимикан? Яхши бўлсин-да! Тўлқиннинг дав-  
рида рўшнолик кўрмади, иккинчисининг даврида сал кўкрагини ёзиб  
нафас олсин. Ахир, у ҳам яшаши керак. Ахир у Тўлқиннинг пушти  
камаридан бўлган ўғилнинг онаси. Жигарғўшасининг онаси. Майли,

Ўғли бир умр отасининг кимлигини билмасин, бошқа бировларни «дада» деб чақирсин, бошқа бировларнинг номида юрсин, бари бир Тўлқиннинг пушти камаридан бўлган. Уғлида унинг қони бор. Йўқ, йўқ, ҳеч ким уни ўғлидан ажратолмайди. Ўзиникими, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Борадию: «Кетдик, ўғлим» деб, қўлидан етаклаб кетаверади. Қўлларидан келганини қилишсин. У ахир ота, ҳали ўлгани йўқ. Битта ўғлини боқишга кучи етади. Хотини иккинчи эри билан қоладими, у билан кетадими, иши йўқ, ўзи билади. Бунинг устига яна икки-учта туғиб олган бўлса, ўшалари ҳам икковига етади. Уғлини эса қайтариб берсин. Ҳа, қайтариб берсин. Ҳозир тўғри ўғлининг олдига боради. Балки мактабда ўқиётгандир. Шартта синфига кирадию: «Кетдик, ўғлим», деб, қўлидан етаклаб кетаверади. Қўлларидан келганини қилишсин. У ахир ота-ку! Бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ. Бир кўрсайди, ўғилчасини бир кўрсайди! Ҳа, у энг аввал ўғлига боради. Уйи қочиб кетмайди. Ҳаммасига улгуради. Энг аввал эса ўғлини хотинидан ажратиб олади.

Вокзалга етиб келишди. Тўлқин кассага бориб, поезд икки соатдан сўнг жўнашини билиб, қайтиб кўчага чиқди. Одам ғиж-ғиж. Ҳар ким ҳар қаёққа шошади. Нимагадир шошади, фақат угина аланглаб, бир унга қарайди, бир бунга қарайди. Қарашлари ғалати. Бир кўрсанг кулаяпти дейсан, бир қарасанг йиғлаётганга ўхшайди. Бетлари, кўзларининг атрофи буришган-тиришган, кичкина кўзларидан нимани ўйлаётганини билиб олиш қийин. У талмовсираб қадам ташларди. Димоғига кабобнинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди урилди. Енгинасида сихга терилган қатор кабоблар қизариб пишаётганди. Сўлаги оққанча илжайиб кабобпазга қаради, сўнг кабобга, яна кабобпазга. Бирдан қорни очганини сезди. Қачонлардан буён бундай ширин таом тоғиб кўрмаган. Жуда егиси келди. Аммо чўнтагидан бор-йўғи икки сўму тўқсон тийин пули қолган. Ун тийин автобусга кетди. Уйигача йўлга икки сўм кетади. Тўқсон тийин овқатга. Шуни мўлжаллаб, уч сўм беришган. Бироқ савил кабоб жуда ширин нарса-да. Олдида турса-ю, қандай қилиб, эмасдан кетади. Шуям ишми? Кабобни қаранг-а: қип-қизил, қип-қизил. Одам кўзини узгиси келмайди. Сихи билан олсанг, битта-битта тишлаб еяверсанг. Лекин пули ҳисобли. Э, нима бўлса бўлар, олдин қорнини тўйдириб олсин. Озод қуш ахир, хоҳлаган ишини қилади. Тепасида қоровул тургани йўқ.

Тўлқин бир кишилик кабоб олиб, четдаги столга ўтирди. Енида тўрт йигит, олдиларидаги баркаш тўла кабоб, бирининг қўлида шиша, хохолашиб ўтиришарди. Косагул дўстларига ароқ қуйди: «Олинг-олинг, сиз ичинг, мен ичмайман, йўқ, мен бўлдим!..»

Уларнинг ҳаракатини кўриб, Тўлқин завқланиб кетди. Қандай бахтиёр одамлар! У ҳам энди бахтиёр бўлади. Уғлига боради. Кейин онасининг қабрини зиёрат қилади. Бугун озодликка чиқди. Худди улардай, хоҳлаган ишини қила олади. Кабобни олишга-ку, олди, лекин қуруқ ейиш қандай бўларкан? Юз грамм ароқ билан зўр кетади-да. Юз грамм бўлсайди, кўп керак эмас. Айтгандай, бугун қамоқдан чиқиб келаяпти, буни ювиш керак. Аммо бор-йўғи, бир сўму йигирма тийин пул қолган. Уйига кетишга ҳам етмайди. «Айнан юз граммлик қолибди». Тўлқин ўз кашфиётидан қувониб кетди.

Уйга кетишга бари бир етмайди. Бугун қамоқдан чиқди. Ўзи учун шундай қувончли кунда юз грамм ичса ичбди, айб эмас. Эрки ўз қўлида. Мана, тўртталаси ичиб ўтирибди. Тўлқиннинг улардан қаери кам? Кўп эмас, фақат юз грамм ичади. Бари бир, бошқа пули йўқ... Бир зумда истаги рўёбга чиқиб, столида ароқли стакан пайдо бўлди.

Овқатни еб бўлгандан кейин Тўлқин яна ичгиси келаётганини пайқаб қолди. Жуда қаттиқ ичгиси келарди. Йўқ, ичмайди. У ҳали кетиши керак. Уғлини кўриши керак. Эҳ-ҳе, ишлари бир талай. Яхшиси, уйга кетишнинг йўлини қилиш керак. Қандай қилиб? Ҳеч нарсаи борми? У чўнтақларини кўра бошлади. Қуп-қуруқ. Ўз ишларидан қулиб, билагини ушлади. Қўлига соатнинг занжири тушди. Мия-

сига ялт этиб бир фикр келди-ю, қувониб кетди. Соатни сотиш керак. Эскироғу, ҳар ҳолда юряпти. Олишар... Тўлқин четдан йўловчиларни кузата бошлади. Харидор топиш керак. Сотса, кетишига ҳам пул бўлади, ёнида ҳам ортиб қолади.

Урта ёшлардаги, мўйловли, йўғон, қишлоқилиги кийимидан билиниб турган бир кишини тўхтатди. Йўловчи ҳайрон бўлди.

— Юраверинг, ака, хурсанд бўласиз,— дея Тўлқин эҳтиёт бўлиб, уни четга чиқарди.

— Менда нима ишингиз бор?

— Мана!— Тўлқин қўлидаги соатни чиқариб, унинг қўлига тутди.— Сотмоқчиман. Қанча берасиз?

Йўловчи баттар ҳайрон бўлиб, бир унинг ғалати башарасига, бир соатга қаради.

— Қўрқманг, ака, ўғирлаганим йўқ, ўзимники,— деди Тўлқин, унинг кўнглидан кечаётган фикрларни пайқаб.— Тўғрисини айтсам, икки соат бурун қамоқдан чиқдим. Уйга кетишим керак. Йўлга пул йўқ, шунинг учун соатимни сотаяпман.

— Ҳа-а,— деди йўловчи, бир оз таскин топиб ва соатни кўра бошлади.— Қанча сўрайсиз?

— Узингиз қанча берасиз?

— Мол сизники, нархини сиз айтинг.

— Тўғрисини айтсам, ўттиз саккиз сўмга олганман, менга йигирма сўм берсангиз бўлади.

— Эҳ-ҳе, иштаҳангиз карнай-ку! Юравериб тамом бўлган бу матоҳингиз. Ким билади, уйга олиб боргунимча юрадим, бузилиб қоладими. Олинг, ўзингизга сийлов, йигирма сўмга яхшиси, магазиндан янгисини оламан,— дея йўловчи икки қадам босганда, Тўлқин ушлаб қайтарди.

— Ака, бу савдо, сиз ҳам ҳеч бўлмаса, оладиган нархингизни айтинг.

— Хоҳласанг,— деди йўловчи чўзиб, сенсирашга ўтаркан,— уч сўм бераман, нархи шу, бўлмаса, ўзинг биласан!

— Ака, сал инсоф қилинг, ўттиз саккиз сўмлик нарса, мен ҳали овқатланишим керак, йўлга кетади, уч сўмингиз нима бўлади?

— Унда қанча сўрайсан?

— Сал кўпайтиринг.

— Беш сўм.

— Ака!..

— Энди ўзинг биласан, мен кетдим.

— Тўхтанг, тўхтанг, майли, олинг, жуда қаттиқ одам экансиз.

Тўлқиннинг кўнгли анча ёришди. Икки сўм йўлга кетса, яна уч сўм ортиқча пули қолади. Эҳ-ҳе, уч сўмга нималар олиш мумкин. Аммо ичмайди. Ичишни йиғиштириш керак. Ўғлига совға олса-чи? Ажойиб фикр!

У қаторлашган магазинлардан бирига кириб, бир сўмлик шапкача танлади. Роса қувонса керак. Мактабдан чақириб олади-да:

«— Топчи, нима олиб келдим?— дейди.

— Машина,— дейди ўғли.

— Йўқ.

— Танк!— ўғли атрофида ирғишлай бошлайди.

— Йўқ.

— Тўппонча!— ўғли эркаланиб бўйнига осилади».

Эриб кетган Тўлқин ўғлини маҳкам қучади. Упади. Юзини юзига ишқалайди. Кейин билдирмасдан бошига шапкачани кийгизиб қўяди.

«—Ий-е», дейди ўғли ҳайрон бўлиб. Кейин бошидаги шапкасини олиб, айлантириб кўради. Қувонади. «Раҳмат, дадажон!», деб эркаланади. Юзидан ўпади. Кейин питиллаб ерга тушганча шапкасини қўлида гижимлаб: «Ура! Менинг орқамдан фашистнинг устига олға!», деганча югуриб кетади. Тўлқин меҳр билан орқасидан қараб қолади...

Тўлқин яна кассага борди. Поезд кетишига ҳали бир соат вақт

бор. Вақт бунча имилламаса. Билет олиб қўйиш керакмикан? Э, кетишга ҳали анча бор, кейинроқ ҳам улгуради. Нима керак шошиб? Поезд бари бир бир соатдан кейин келади.

У қайтиб чиқди. Яна юз грамм бўлганда кайфияти жойига тушарди, лекин у ичмайди. Ичкилик туфайли кўрган шунча кўргуликлари етиб ортади. Бошқа керак эмас.

Тўлқин ҳали қорни тўймаганини сезиб қолди. Яна кабоб еса-чи? Бир сўму етмиш тийинга олади. Икки сўм билетга етади. Ушанда яна ўттиз тийин пули ортиқча бўлиб қолади. Ҳа-ҳа, шундай қилиш керак, аммо ичмайди. Ичиш керак эмас. Иродасини тўплаб, бир грамм ҳам оғзига олмайди. Фақат қорнини тўйғазиш учун кабоб ейди. Худди шундай қилади.

Тўлқин кабобни олиб ўтиргандан кейин бирдан егиси келмай қолди. Узини ҳар хил баҳоналар билан ароққа яқин судраб келганини ҳам сезиб турарди. Уйлаб қараса, овқатни кўнгли тортмаяпти, аммо бир сўму етмиш тийинлик кабобни қолдириб кетиш яхшими? Юз грамм ташлаб олса, ҳаммасини ҳазм қилиб юборарди, аммо у ичмайди. Йўқ-йўқ, асло ичмайди. Керак эмас... Кабобни ташлаш яхши эмас. Уйлаб қараганда юз грамм олса жуда ароқхўр бўлиб кетмайди. Фақат кабобга кетган пул ҳайф бўлмаслиги керак. Бунинг учун юз грамм олса кифоя. Юз грамм! Кейин оғзига бир томчи ҳам олмайди. Кабобни қолдириш яхши эмас. Ароқ эса иштаҳасини очади. Қачонлардан бери бир қултум олмаган. Шундай бахтиёр кунда юз грамм олса олибди-да, ким уришарди... Кимнинг у билан иши бор? Қолаверса, ўз пулига ўзи хўжайин, истаганига сарфлайди. У озод, эрки қўлида, хоҳласа кабоб ейди, хоҳласа ичади. Ҳеч кимнинг қайтаришга ҳаққи йўқ. Тўғри-да, билганини қилади. Уйга кетиш бир гап бўлар.

Тўлқин буфетга бориб келди: томоғини ҳўллаб, сихга тутинди, аммо овқатлангиси келмасди. Узини зўрлаб, ярмисини еди. У тарелкада қолган овқатга қараб, кўнгли бузилди. Шу кабобнинг ўрнига бемалол яна юз грамм олса бўларди, эллик тийин ортиб ҳам қоларди. Мана, одамлар дўстлари билан ичишяпти. Бир-бирига соғлиқ тилашяпти. Бари хурсанд. Тўлқин эса якка-ёлғиз. Ҳеч ким соғлиқ тиламайди. Ҳеч кимнинг у билан иши йўқ. На дўсти бор, на ёру ошнолари. Онаси ўлиб кетган. Хотини эрга теккан. Елғизгина ўғли кимнидир «дада» деб чақиради. Тўлқиннинг ҳеч кими йўқ. У ҳеч кимга керак эмас. Уни ҳеч ким кутмайди. Уйда қучоқ очиб чиқадиган жонкуярининг аллақачон гўрда суяклари чириб тамом бўлган. Қишлоққа борганда нима бўларди. Одамлар яна ундан чўчишади. Четлаб ўтишади. Болаларгина: «Ана, Тўлқин безори келаяпти, қочинглар ундан» деб пичирлашади. Ҳаммаси уни ёмон кўради. Эҳ, бу шўр пешона! Лекин бари бир уйга бориши керак. Бошқа қаёққа ҳам борарди. Кимнинг кўзи учиб турибди унга?! Фақат уйга бориши мумкин. Тезроқ ўғлини кўради.

У туриб, кўчага йўналди. Кабоб қолди. Пул ҳайф кетди. Алвидо, юз грамм ароғу, яна эллик тийин. Эшикнинг олдида буфет. Тўлқин шашт билан ўтиб кетмоқчи эди-ю, қадами ўз-ўзидан секинлашиб, рўпара келганда тақа-тақ тўхтаб қолди. Нима бўлса бўлар. Кайфият расво бўлди. Ичиб аламидан чиқмаса, энди ўзига келмайди. У пулнинг ўн тийинини олиб, қолганини пештахтага қўйди.

Касса тарафга кетаркан, кетишга пули қолмаганини ўйларди. Энди сираям ичмайди. Узини шунча алдагани етар. Нима қилиш керак? Яна чўнтакларини кўрди. Кичкинагина қайирма пичоқчаси бор. Ўғлига атаб олган шапкача: Шапкачани сотса-чи? Ўғлига шундай ҳам бораверади. Совға ҳақида индамай қўя қолади. Нима, унга атаб шапкача олганини кўрибдими? Отаси омон-эсон борганига хурсанд бўлаверсин. «Ўғлим», деб боришнинг ўзи катта давлат, агар билса. Гўдак-ку, ниманинг фарқига борарди.

Тўлқин четга чиқиб, харидор излади. Одамларнинг у билан иши йўқ, ҳамма ўз йўлига шошади. Қариороқ бир кампир келаверди.

— Хола,— деди Тўлқин, унинг йўлини тўсиб.— Неварангизга шапкача олмайсизми?

«Хола» ҳайрон бўлиб, оғзидан ароқ ҳиди анқиб турган «савдогар» га тикилди.

— Сиз ҳайрон бўлманг, хола. Тўғриси айтсам, бугун етти йиллик қамоқдан озодликка чиқдим. Хурсандчилик, озроқ ичгандим. Уйга, ўғлимга совға-салом олдим. Қарасам, уйга кетишга пулим қолмабди. Шунинг учун сотишга тўғри келаяпти, аттанг.

— Етти йилдан бери дейсанми?— кампир унга ишонқирамай қарадию афти-ангоридан ўхшаб турганини кўриб, хотиржам бўлди, шекилли шапкачани кўра бошлади. Шапкача ҳақиқатан чиройли эди.

— Ҳа, етти йил,— деди Тўлқин жонланиб, чунки кампирнинг овозидан хайрихоҳлик билан гапираётганини сезганди.

— Унда ўғлим туғилмаганди. Ҳозир кап-катта бўлиб қолгандир. Ҳаёт шунақа экан, хола,— у чуқур уҳ тортди.— Тезроқ борсам дейман, ўғлимни кўрсам дейман...

— Бир сўм берсам бўладими?— кампир унинг орзуларга берилиб кетаётганини кўриб, шартта гапни кесди.

— Бир сўм?— Тўлқиннинг кўзлари ярақлаб кетди. Бу шапкачанинг нархи. Яна ўн тийин бўлса, киссасида ҳам ўн тийин бор, ҳаммаси бир сўму йигирма тийин бўлади — юз грамм ароқ. Йўқ, йўқ, бўлмайди, у ичмайди. Сираям ичмайди. Ҳозир фақат кетишига пул керак — йўл учун.

— Холажон, шапкачанинг нархини кам айтмадингиз, аммо билетга бир сўму ўн тийин етмай турганди. Нима қилсам экан-а? Яна ўн тийин қўшолмайсизми?

— Ма,— кампир айтган пулини чиқариб берди.— Тезроқ уйингга кет. Тагин ичиб, йўл-пўлда ағанаб қолма. Сенга пулни фақат билетга деганинг учун бераяпман.

Тўлқин пулни чўнтагига уриб, кампир узоқлашганча зўрға тоқат қилиб турдию, яна буфетга шошилди. Қайтиб чиққанида ҳали эс-ҳуши жойида, аммо оёғи қалтирай бошлаган эди.

Жуда кўп ичиб юборди. Бундай қилмаслик керак. Тамом. Энди ичмайди. Бу охирги ва ҳақиқий сўзи. Ҳали ўғлига бориши керак. Мактабига маст бўлиб кирса яхши бўлмайди. Кейин ҳаммаси ўғлининг устидан «отанг ароқхўр экан» деб кулишсинми? Тўлқин бундай бўлишини хошламайди. У ҳақиқий хурмагли оталардек янги костюмда галстук тақиб, шляпа кийиб, мактабга дадил киради-да, директорга учрайди. «Ўртоқ, фалончиев, мен шунақа-шунақа одамман, ўғлим қўлингизда ўқийди, марҳамат қилиб чақиртирсангиз, мен уни олиб кетишга келдим», дейди. Кейин портфелини қўлтиқлаб, отилганча ўғли кириб келганда у директор билан ҳар тўғрида гаплашиб ўтирган бўлади. Аммо ҳамма нарсани унутиб, чўккалаганча қучоғини очади. Ота-бола йиғлаб кўришади. Бир-бирини ўпади. Уларнинг ҳолатидан директор ҳам, ўғлини чақириб келган ўқитувчи ҳам таъсирланиб, кўзларига ёш олади.

«— Ўғлим, мен келдим!— дейди Тўлқин.— Сени олиб кетаман.

— Кетдик, дада. Бу ерда туришга бир минут ҳам тоқатим йўқ,— дейди ўғли.

— Мени наҳотки таниган бўлсанг? — деб сўрайди Тўлқин ажабланиб.

— Танидим, дада,— дейди ўғли.— Сизни доим тушларимда кўрардим. Доим сизнинг келишингизни кутдим».

Улар қўл ушлашиб, чиқиб кетишади. Директор орқаларидан ўйчан, ота-боланинг ҳолатини тушуниб, хайрихоҳлик билан қараб қолади. Кўчага чиққандан кейин ўғли билан овора бўлиб қолганини сезган Тўлқин қайрилиб:

— Раҳмат сизга, ўртоқ директор — дейди.

— Раҳмат сизга, ўқитувчим!— дейди ўғли ҳам.

...Тўлқин гандираклагудай бўлиб, кассага жўнади. Бирдан ниго-

ҳи кетиб бораётган пассажир поездига тушди. Югургилаб, перронга чиқди. Узининг поезди. Шунда кетиши керак эди. Алахсиб билмай қолибди-да, оббо! Энди нима қилади? Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ, бугун бўлмаса, эрта бор. Озод одам, хоҳлаган пайтида бораверади, биров ушламайди. Аммо киссаси бўшаб қолди. Пул йўқ. Бир чорасини топиш керак. Уғли уни кутса-я! Кўзлари тўрт бўлиб ўтиргандир. Яна дўстларига: «Дадам бугун келади», деб мақтаниб қўйган бўлса-я! Тўлқин бормаса. Уят бўлади. Жуда қаттиқ уят бўлади. Бориш керак, қандай бўлмасин бориш керак. У кассага яқинлашди. Навбатдаги поезд қирқ беш минутдан кейин келаркан. Пул топиш керак. Йиғлагудай бўлиб, йўлига тикилиб ўтирган ўглини кўз олдига келтирдию ҳаракатга тушди. Йўқ, у ўглини хафа қилиб қўймайди. Ҳақиқий ота эканлигини кўрсатади. Кейин икковлари қучоқлашиб боришганда ўгли дўстларига фахр билан: «Бу киши менинг дадам бўлади», деб кўрсатади. Тўлқин илжайиб, «шундай-шундай» маъносида бош қимирлатади. Меҳр билан ўглининг пешонасидан ўпиб қўяди. Кейин уйга боришади. Уғли югурганча кириб: «Ойи, дадам келди, дадам!», дейди. Хотини югуриб чиқади. Кейин... Кейин... Кейин нима бўлишини ўйлашни хоҳламади.

Тўлқин яна киссаларини кавлади. Кичкина пичоқчадан бошқа ҳеч вақо йўқ. Қанчага олишаркин? Бари бир эмасми? Қўлига пул тушса бўлди. Йўлга етгулик қиладию, жўнайди. Бир сўму йигирма тийинга олишармикан? Юз грамм ароқнинг пули. Йўқ, у асло ичмайди. Ичмоқчимас, шунчаки кўнглига келиб қолди. Энди қўлига пул тушди дегунча уйига жўнайди.

У яна харидор кутди. Бепарво келаётган бир ўспирин маъқул тушди. Бунақалар пичоқни яхши кўради. Узи ҳам шу ўспириндай вақтида доим пичоқ кўтариб юрарди.

— Ҳей, бу ёққа кел! — у қўли билан имлаб чақирди.

Йигитча ҳайрон бўлди. Гандираклаб турган мастнинг кўзлари кўрқинчли эди. Башараси бунча хунук бўлмаса.

— Кел деяпман сенга! — ярим дўқ, ярим ялинч аралаш чақирди яна.

Утакаси ёрилгудай бўлиб, орқасига қарай-қарай, лекин сир бой бергиси келмай, ўспирин секин ёнига келди.

— Менга қара,— деди Тўлқин, ҳар қандай такаллуфни йиғиштириб қўйиб (ёш болага ҳам такаллуфми?!). — Биласанми, мен кимман? Мени етти йилга қамашганди, бугун чиқиб келаяпман. Мана, — у киссасидан пичоқчани чиқариб, қайирмасини очди. Тўлқин энди: «Шуни ол, ўткир пичоқ, менга йўлга пул керак, қанча берсанг бер», демоқчи эди, аммо йигитча шаталоқ отиб, қочиб қолди.

Тўлқин ажабланиб турганди, ўспирин узоқда турган бир милиционернинг олдига бориб, уни кўрсатиб, алланималар деяётганини лайқаб қолди. Кейин икковлашиб, у тарафга кела бошлашди. Тўлқиннинг кайфи тарқалиб, мияси тез-тез ишлаб кетди. Аввалдан милиционерларни кўргани кўзи йўқ. Ҳозир, ушлашса, яна олиб бориб қамаб қўйишади. Ҳеч гапни тинглашмайди. Мана бу йигитчанинг арзи, пичоқ далил, тамом, яна турма. Аҳмоқ экан-ку бу йигитча! Эси бўлса милиционерга борадими? Йўқ, уни ўгли кутяпти. Уғлининг олдига бориши керак. Етти йил ётгани етади, аммо ўглини сира бу йигитчадай қилиб тарбияламайди.

Поезд йўлга чиқаётганди. Юк поезди. Бари бир эмасми? Тўлқин ўшанга қараб югурди. Оёқлари яхши бўйсунмас, гандираклаб олдинга интилиб бораркан, кўнглидан: «Аро йўлда қолиб кетмасам бўлгани?», деган гап ўтди.





Муҳаммад Солиҳ

Руҳимдаги кўтаринкилик

Р уҳимда нотаниш  
кўтаринкилик,

лаззатли очлик бор —  
бўлмайди чидаб —  
гаройиб бир очлик,  
қарасанг,  
Гурлан кўринади ичидан.

Бугун мен тозаман —  
Қуёш тафтсиз — қараши совуқ.  
Шунчалар тозаман,  
Ҳатто соям йўқ!

Азиз дарахтларим, севаман,  
севаман, севаман мен  
барингизни —  
Сиз учун, бу аччиқ январда  
оғзим гуллаяпти сирлариңгизни.

Душанба иш,  
сешанба,  
чоршанба,  
Пайшанба ҳам иш.  
Лекин шанба бизни кутиб олади  
Радиода «табассум» билан.

Кейин Яқшанбанинг устига чиқиб,  
Ойдин бир ҳафтага назар соламиз.  
Нафасимизни ростлаб,  
Яхши ният билан  
Калла ташлаймиз-ку бу кўлга.

Шу кетганча чиқамиз  
Шанбанинг ёнидан пишқириб,  
Ёки чиқмаймиз.

Байрамлар! Тантаналар!  
Мен Сизни қутлайман мана шу  
шоду хуррам одамлар билан  
чеҳраси ҳамиша кулгуга,  
табассумга тайёр одамлар билан.

Сизни чириётган хазонлар эмас,  
ёзда ўтиб кетган яшиллик билан  
қутламоқчиман.

Мен Сизни  
шоҳларда дийдираб ўтирган,  
байрам нелигини билмовчи  
қушлар билан қутламайман ҳеч.

Мен Сизни  
дераза олдида  
хўрсиниб, ойнанинг юзини  
музга айлантирган синиқ чеҳрали  
одамлар-ла табрикламайман:

Музлаган дераза,  
нақшли ойналар —  
ортига ёзилиб табрик сўзлари,  
жўнатилмай қолган номалар!

Уйқунг нотинч, тушларинг ёрти,  
ўзни ололмайсан бошқариб.  
Сен каттасан меъёрдан ортиқ,  
сен машҳурсан ҳаддан ташқари.

Тинч уйқунинг йўли ягона,  
сен биласан бунинг иложин.  
Лекин яна ечмай ётасан  
бошқа қаттиқ ботгучи тожни!

□  
Ягона бир йўл бор,  
унинг борлигин  
сир тутаман яқин дўстимдан.

Ягона бир йўлдир —  
у ҳақда  
хотинга айтишдан қўрқаман.

Шундай ягона-ки,  
ҳеч кимга  
Ҳеч кимга ишона олмайман.

Бир йўл бор — у содиқ илондай  
бўсагам остида кулча бўлиб,  
уйимни қўриқлар ҳар оқшом.

□  
Дўстларни дилхаста қилмаслик  
  учун,  
Сен фақат ўзингдан қиласан гина.  
Ўзгалар ҳолидан кулмаслик учун,  
Сен ўзингдан кулдинг жимгина.

Не бор бу дунёда сўздан  
  оғирроқ?  
Сен — ўша сўзларга абадий

  ҳаммол.  
Бармоғини бигиз қилмаслар, бироқ  
Сенга, келаяпти, дея қаҳрамон.

Кулсанг... йўқ, кулмадинг парда  
  ортида.  
Йиғласанг... маъқулдир танҳо  
  куйганинг.

Ўзингни севмайсан, етиб-ортади,  
Сени ўзгаларнинг суйгани.

□  
Дарахт шоир бўлса  
Нима ҳақда ёзган бўларди:  
Озгина қушлар ҳақда,  
Осмон,  
Қуёш,  
Кейин саёҳат ҳақда,  
Саёҳат, саёҳат, саёҳат  
Ҳақда тинмай ёзган бўларди.

□  
Тушида учиб юрган бола,  
Уйғонма!  
Ерга тушиб кетма дафъатан.  
Тушида учиб юрган бола,  
Сен фариштасан.  
Парвоз қилаётган эрка,  
Қарагин ерга,  
Мен унда ётурман  
Ёшим қирқ,  
Фаришта эмасман

аллақачонлар...

□  
Телеграф симлари,  
Қариндошлик иплари —  
Бор ришталар узилди.

Сўнгги шеър  
икки сўздан иборат бу шеър  
эшикка ёпиштирилган:  
«Мен — йўқман».

Томи йўқ бу уйнинг тепасида  
адашган қушларнинг галаси каби  
гир айланиб юрар мактублар.

□  
Келаяпти,  
Ана, келаяпти қара,  
Осмон келаяпти биз томон.  
Қушларнинг овози,  
Чечаклар ҳиди  
Сойларнинг шовқини келмоқда  
  шошиб.

Қорлар хотираси,  
Тоғлар салқини,  
Лолалар нидоси  
Оломон сингари келаяпти-ку.

Биз томон оқмоқда оломон,  
Қирғоқ йўқ, соҳил йўқ оқаяпти.  
Яна бир зум,  
Бир лаҳзадан сўнг  
Йўқ бўлиб кетади исмларимиз  
Гирдобга ташланган бир сурат  
  каби.

*Ёмғир ёғаяпти...*

Ёмғир ёғар юзларимга,  
сочларимга, кўзларимга.

Ёғар осмоннинг меҳру саҳовати, ихлоси бўлиб.

Ер зулфидай тирмашар бўйнимга,  
кирар бағримга.

Бир шифобахш ҳидларни таратар димоғимга.

Ёмғир ёғар муҳаббат бўлиб юрагимга!  
Қўшиқдай оқаётган ариқлар,  
сойлар қўйнига,

Майса-гиламлар узра,  
барра бугдойзорлар оғушига,  
Чигит қадалаётган ерларга,  
ҳали униб чиқмаган уруғлар узра

Ёғар ёмғир қут-барака бўлиб.

Ёмғир ёғар.  
ёмғир остида,  
Қишлоқдаги ўғилчам,  
Қўлчаларини кўкка чўзиб,  
«Ёмғир ёғалоқ,  
эчки соғалоқ» — дея  
Чучук тиллари билан  
осмонга қичқираётир,  
заминга сиғмаётир.  
Қувонч бўлиб  
ёмғир ёғаетир.

Ёмғир ёғар дарахтларга,  
гулларга,  
Денгиздай ҳайқираётган чўлларга,  
Уфққа бош қўйган йўлларга,  
Қуёшга бўй чўзган бойчечак,  
ўтларга,  
Чақалоқ — куртаклар узра,  
Ёғар марварид бўлиб,  
гўзаллик бўлиб  
Ўзбекистон ерларига!



Рутубатли тун...  
Совуқ ижара-хонада ёлғиз ўзим.  
Қалқиб-қалқиб сузади  
Хаёлларнинг тўлқинида вужудим.  
Нимадир юрагимга тиг бўлиб  
санчилар  
Ва қандайдир оғриқ кирар  
руҳимга.

Бирдан ўғлимнинг  
Чучук тили, қийқириқлари, йиғилари  
Ва куюнчак хотинимнинг: «Диван, холодильник,  
Гилям сотиб олиш керак, деган,  
Уйимиз бўлиши керак ўзимизнинг ҳам,  
Болани жойлаш керак боғчага,  
Тўлаш керак ижара ҳақини»  
Деган гап-сўзлари тушар ёдимга...

Мен эса буларнинг барини унутиб,  
Бағримга босганча Нозим Ҳикмат китобин,  
Олиб шеър дафтаримни,  
Уқдай отиламан ташқарига...

Оппоқ тонг оқаётган пайт,  
Кўксимда рангиң наволар,  
Кўлимда калит,  
Очаман дарвозани,  
Энтикиб қарши олар мени,  
Ўғлим, хотиним ва торгина ижара-хонам!



Кўнглим тоғларига суялиб,  
Оҳудай беозор юрасан.  
Кўзларингда ибо, уялиб  
Тонг каби хаёллар сурасан.

Кўзларимнинг оппоқ нурида  
Шабнамдай турасан сизилиб,  
Умримнинг серзавқ бир кунида  
Оламан қуёшдай симириб.



Юрак, сен-ла кетяпмиз  
Уфқ сари энтикиб,  
Ҳали олис йўлимиз,  
Бўлгил бардам ва тетик...

Типирчилаб кўксимда,  
Тулпордай кишнар юрак.  
Зафар бўлур измимда,  
Тор келиб қолди кўкрак.



# КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқидчилик ҳақида»ги қарорининг 10 йиллигига

## КПСС XXVI СЪЕЗДИ ВА ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ

ДОИРА СТОЛ АТРОФИДА СУҲБАТ

**Ҳафиз АБДУСАМАТОВ.** Қадрли дўстлар! Навбатдаги суҳбатимиз КПСС XXVI съезди ва қаҳрамон масаласи устидадир.

Маълумки, шонли Коммунистик партияимизнинг XXVI съезди қилинган улкан ишларга яқун ясади ва келгусида, XI беш йилликда халқ хўжалигининг барча соҳаларининг программасини Конкрет аниқлаб берди. Бу вазифаларнинг муҳимларидан бири адабиётнинг жамиятдаги масъулиятини, халқ олдидagi бурчини янада оширишдир. Совет адабиёти меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда. Ҳар бир яратилган пухта бадий асар халқ хўжалигидagi улкан ютуқ билан тенглаштирилиши адабиёт ва санъатга чексиз диққат-эътибор берилаётганидан далolat бериб турибди. Албатта, мамлакатимиздаги барча ютуқларда ёзувчиларнинг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Адиблар сўз санъати билан янги инсонни камол топтиришда роль ўйнадилар, онгига ва қалбига таъсир этдилар ва уни янги-янги меҳнат зафарларига чорладилар.

Меҳнаткашларни тарбиялаш ва ўстиришда ибратли намунанинг, ижобий қаҳрамоннинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

«Совет кишиси,— деб таъкидлаган эди Л. И. Брежнев,— бу ҳалол, меҳнаткаш, юксак сиёсий маданиятга эга инсон, ватанпарвар ва интернационалистдир. Уни партия, мамлакатимизнинг қаҳрамонона тарихи, бутун тузумимиз тарбиялаб етиштирди. У янги дунё бунёдкори сифатида ғайрат-шижоат билан яшамоқда». Замонамизнинг атоқли партия ва давлат арбобининг КПСС XXVI съезди минбаридан айтган сўзлари қанчалик ҳаққоний ва тўғридир.

Хўш, шундай йўсиндаги совет кишиси адабиётга кириб бордимиз? Адолат нуқтаи назаридан айтишимиз керакки, ўзбек совет адабиётида кейинги вақтларда пухта, тўлақонли, ибрат олишга арзийдиган образлар яратилдики, буни хурсандчилик билан қайд қиламиз. Мен бу ерда биринчи навбатда Шароф Рашидовнинг ижобий қаҳрамонларини бадий кашф этишдаги алоҳида ижодий хизматларини таъкидлашни истардим. Адиб яратган Ойқиз ва Олимжон («Ғолиблар»), Пўлат ва Баҳор («Удратли тўлқин») ҳақиқатан ҳам орзу қиладиган, таълим оладиган қаҳрамонлардир. Китобхонларни ижобий намуна заминда тарбиялаш соҳасида бу ажойиб қаҳрамонлар бир катта мактаб бўлди. Совет кишисининг жиддий образини Уйғун ва Яшиннинг пьесаларида, А. Мухтор, Мирмуҳсин, О. Еқубов, Ҳ. Ғулом, Р. Файзий, И. Раҳим, П. Қодировларнинг роман ва қиссаларида яққол кўрамиз. Зулфия, Рамз Бобожон, Э. Воҳидов, А. Орипов, О. Матжонларнинг поэма ва шеърларида поэтик, лирик қаҳрамон мана деб ҳайқиради турибди. Қуйидаги сўзларни айтган Л. И. Брежнев тўла равишда ҳақ эди: «Замондошларимизнинг ёрқин образларини яратишда ижодий ходимлар, шубҳасиз, ютуқларга эришдилар. Бу образлар одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундамоқда».

Ўзбек санъаткорлари томонидан яратилган ижобий қаҳрамонлар совет адабиётидаги замондошларимиз образи галереясида муносиб ўрин олдилар ва уни бойитдилар.

Шу билан бирга, очик айтишимиз керакки, юқорида тилга олинган пухта образлар кам яратилган. Шу сабабдан ҳам КПСС XXVI съезди ҳамда яқинда бўлиб ўтган СССР Ёзувчиларининг VII съезди ҳам ижобий қаҳрамон масаласини бутун моҳияти ва кўлами билан қўйди. Чунки давримизнинг бош тенденцияларини ўзида гавдалантирган, замонамизнинг руҳини берадиган, жамиятнинг муаммоларини ҳал қиладиганлар ҳам ижобий шахслардир.

Адабиётнинг бутун тарихида ижобий қаҳрамон асосий масала бўлиб келиши ҳам бежиз эмас. Замондошларимизни рўй-рост ёритиш, унинг баркамол образини яратиш бадий асарнинг савиясини аниқлайди, унинг умри боқийлигини таъминлайди. Бошқача қилиб айтсак, ижобий қаҳрамон — бадий асарнинг сифатини белгилайдиган мезон.

Тарихдан маълумки, барча йриқ санъаткорлар ўз идеали бўлган ижобий қаҳра-

монга жуда катта этибор берганлар, унинг баркамоллиги учун талант ва истеъдодларини, куч ва ғайратларини аямаганлар.

Китобхонлар ёзувчилардан катта қалбли, улкан фикр-ўйларнинг соҳиби бўлган, меҳнатда жонбозлик кўрсатган, мамлакатнинг дарди ва ташвишлари билан яшайдиган замондошларимизнинг ранг-баранг тўлақонли образларини ҳақли равишда кутади.

Халқ хўжалиги жабҳасидаги кўп азамат кишилар, ҳали адабиёт оламига олиб килинмади. Пахтакорлар, чорвадорлар, геологлар, ўқитувчилар ва олимларимиз ўзларининг образларини бадиий асарларда етарлича кўрганлари йўқ. Баъзи соҳадаги мутахассислар эса адабиётда деярли кўринмаётирлар. Айрим замондошларимизнинг юксак, бой ички дунёси, улкан хизматлари очилмай қолмоқда. Унинг ўрнига қаҳрамонларимиз баъзан майда-чуйда ишлар билан ўраллашиб қолмоқдалар, улар кечинмалар ва орзу-ўйлардан маҳрум бўлган заиф, юзаки кишиларга ўхшайдилар.

Айрим раҳбар ходимларнинг образларини ҳам бирёқлама чизиб берган асарларга чек қўяолмаётирмиз.

Бу асарларда раҳбар ходимлар ишлаб чиқаришдагина кўрсатилиб, улар оиладан, муҳаббатдан, шахсий ҳаётдан узиб олиб ифодаланадилар. Айрим қаламкашлар ва танқидчиларнинг фикрича, раҳбар кишининг шахсий турмуши берилса, унинг обрўйига шикаст етар эмиш. Оқибатда юзакичиликка, схематизмга олиб борилди, қаҳрамонларни ҳар томонлама тасвирлашни, жонли, жўшқин, ҳаётий образини яратишни талаб қилган социалистик реализм методига зид иш қилиб қўйилди.

Ижобий қаҳрамонга юзаки, бир томонлама ёндашиш умумий адабий жараёнга салбий таъсир қилганлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Тўғри, замондошимиз образи мамлакатнинг ташвиши билан яшаши, у билан бирга қувониши, у билан бирга азоб чекиши, даврнинг асосий руҳини ўзида гавдалантириши лозим.

Лекин барча ижобий қаҳрамонларга шундай ўлчов билан ёндашиб бўлмайди.

Ижобий қаҳрамон масаласини аниқлашда, қаҳрамон ҳаракат қилган замонни, шароитни, вазиятни, воқеа-ҳодисалар юз берган муҳитни, унинг табиати ва характерини назарга олишимиз даркор. Акс ҳолда шаблонга йўл қўямиз, масалага ижодий қарай олмаган бўламиз.

Гап шундаки, баъзан ўтмишда ўтган қаҳрамонлардан, капиталистик дунёда яшган оддий кишилардан коммунистик идеалларни ҳамма вақт қидириш ўринсиздир, албатта.

Ҳамзанинг «Паранжи сирларидан бир лавҳа...» пьесасидаги Холисхонни ижобий фазилатлардан холи бўлган салбий тип қаторига киритганлар ҳам топилиб қолмоқда. Уларнинг хулосаларича, Холисхон фоҳишахонага тушган, бузуқ хотин эмиш. Тўғри, у ярамас муҳитга тушиб қолган. Аммо қандай вазиятда, қандай қилиб бундай ачинарли аҳволга дуч келганлигининг сабабларини аниқлашимиз керак. Шундагина ҳақиқат юзага қалқиб чиқиб, Холисхонни тўла оқлаймиз, унга нисбатан самийни туйғуларимиз пайдо бўлади, чин муҳаббатга тасанно деймиз. Шунга ўхшаб Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» драмасидаги Муяссар ва Ақиқа образларига ёндашсак, улардан фазилатлар топган бўламиз. Ҳар икки қаҳрамон ҳам капиталистик оламда туғилган ва ҳаёт кечирган. Уша муҳит уларнинг онгини, ақлини кемиради. Лекин катта ҳақиқат — Совет Иттифоқи аста-секин уларнинг кўзини очади, ўзлари яшаган дунёга нафрати уйғониб, юзларини ҳақиқат томонига бурадилар. Бу нарса қаҳрамонлар фаолиятидаги ижобий ҳодиса-ку? Бу фазилат уларни жирканч муҳитдаги шахслардан — ватангадолардан ажратиб туради-ку? Ахир бу хусусият тахсинга сазовор эмасми? Шуларни назарга олиб, барча ижобий қаҳрамонлар ҳамиша ҳужумкор, жанговар, ўта фаол, нуқсонсиз бўлишини талаб қилиш ҳам реалликдан бизни маҳрум қилади. Воқелигимизда турли хил кишилар мавжуд. Улар ўз характерлари ва табиатлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладилар. Айримлари меҳнатда илгор бўлса-да, характерлари бўш, ишонувчан, шахсий ҳаётда ношуд бўлишлари мумкин! Баъзилари эса меҳнатда пасивроқ бўлса-да, шахсий ҳаётда чаққон. Характери жиҳатдан нодон, лекин ўзи зўр бўлган олимлар ҳам учрайди. Ишда илгор, оилада эса золимлик қилганлар ҳам йўқ эмас. Адиб шундай ранг-барангликдан айримларини олиб, ижобий қаҳрамоннинг баъзи масалаларда лоқайдлигини ёки пасивлигини кўрсатса, буни воқеалар оқимидан, уларнинг табиатидан келиб чиқиб, исботласа, бунинг учун муаллифни айблашни асоссиз деб биламиз.

Биз кўпинча мусбат билан манфийнинг курашини ифодалаганимизда бирининг иккинчи устидан қозонган тўла ғалабасини кўрсатамиз. Тўғри, кўп ўринларда бу ҳол ўзининг ҳаққоний аксини толган. Лекин шундай ҳолатларга ҳам дуч келамизки, бунда салбий типни зўрма-зўраки ижобий қаҳрамонга таслим қилдирамиз. Акс ҳолда, ижобий қаҳрамон заиф чиқиб қолар эмиш. Бундай фикр бизни ҳақиқатдан чалғитади. Воқеликда тарбияга берилмаган, тўғри йўлдан, ҳалолликдан воз кечган, ўзларининг ярамас, жирканч қилмишларини онгли равишда давом эттириб юрган разиллар йўқ дейсизми? Шу сабабдан ҳам барча ҳолларда салбий типларни тузатиш йўли билан асарларни яқунлаш шарт эмас, албатта.

Лекин барча ҳолларда ҳам ижобий қаҳрамонларнинг фаолияти, дунёқарашини, ғоявий позициясини аниқ билиниш туриши, улар қандай одамлар эканлиги китобхонларга аён бўлиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, ғоясизлик кўринишлари, дунёқарашини белгилашда лоқайдлик, воқеа-ҳодисаларга ва шахсларга баҳо беришда аниқ синфий позициядан чекинмиш ҳоллари юз беради.

Бизнинг назаримизда, замондошларимиз образларини яратишдаги яна бир нуқсон интернационалистик ва миллийлик тарафларини гавдалантиришда сезилади. Баъзи қаҳрамонларимиз интернационалист сифатида яхши кўрсатилса-да, лекин улар миллий заминдан узилган, миллий хусусиятлардан холи ҳолда ифода этиладилар. Айрим адиб-

ларимиз эса қаҳрамонларини миллий хусусиятларга буркаб ташлаб, уларга интернационализм руҳини сингдиришда оқсаб қоладилар. Ҳар икки чекланиш ҳам замондошимизнинг тўлақонли, пухта образини яратишга путур етказди, адабиётимиз равнақиға ҳалақит беради.

Ўзбек совет адабиётида кейинги йилларда пайдо бўлган ажойиб қаҳрамонлар билан, бу соҳадаги нуқсонларни аниқлашимиз, шонли партиямизнинг оламшумул қарорларидан келиб чиқиб, вазифаларимизни белгилаб олишимиз лозим.

Ҳомил Ёқубов

## ИЗЧИЛ ГУМАНИЗМ УЧУН

Етук социализм даврининг ҳозирги босқичида кишилик муносабатларининг янада гуманистлашгани, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида совет кишиси граждандлик бурчи, онглилиги, масъулияти ва ташаббускорлиги бениҳоят ортганини КПСС XXIV—XXVI съездларида таъкидлаб кўрсатилди. Адабиётда бу жараённинг ўзига хос бадий формаларда акс этиши янги инсонни камол топтиришда айниқса муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳозирги ўзбек совет прозаси ривождаги энг яхши асарларнинг ижобий қаҳрамонлари қиёфасида ҳам совет кишиси характерининг ажойиб фазилатлари барқ уриб турганини, Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида таъкидлаганидек, «Одамларнинг ишлаб чиқаришда ва турмушдаги муносабатлари, шахснинг мураккаб ички дунёси, унинг нотинч планетамиздаги ўрни» ифодаланаётганини кузатиш мумкин. Прозада совет кишисининг илғор социал-синфий, маънавий-эстетик идеалларига уйғун ҳолда юксак гуманистик ғоялар алоҳида шахслар образи ва тақдири орқали тасвирлана бошляди. Инсон ва замон, инсон ва шароит, инсон ва воқеалар силсиласи проблемаларининг ўзаро-диалектик муносабати «шахснинг мураккаб ички дунёси»ни ёритишга қаратилган.

Асқад Мухтор «Бўронларда бордек ҳаловат» повестида Қумтов қурилиши воқеаларини Мардонқул Заргаров шахси, унинг тақдири, оилавий фожиаси ва драмаларини акс эттириш билан ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлайди ва саҳронинг хунук, мудҳиш, манзаралари билан инсоннинг гўзаллик, эгзулик бунёд этиш орзулари ўртасида бўлган дисгармонияга барҳам бериб, табиат ва жамият ҳодисалари ўртасида гармония барпо этиш идеалига уйғун ҳолда ривожлантиради. Заргаров «...саҳро билан қасдлашиб қолгандек: «Ё сен енгасан, ё мен! Саҳро унинг тинч яшаши учун ҳалақит берад, унинг оромини ўғирлагандек эди. Жаҳонда шундай қутсиз жойларнинг борлиги ғашига тегарди, ўзи эса ҳамон саҳрога интилган. Қизиқ-да: Шундай баҳаво яланг майдонлар инсонга бегона! Қўшнинг ёвғон ичиб ўтирганида, ёвғон палов еяётгандексан... Йўқ, Заргаровнинг егани ичиға тушмайди, худди томоғида тургандек, ош эмас, гўё саҳро томоғиға тикилаётгандек».

Адиб бош ижобий қаҳрамоннинг «мудҳиш чўли малик»ни ўзлаштириш, Қумтов қурилишини бепоен саҳродаги бошқа ишлаб чиқаришлар билан комплекс равишда амалға ошириш ва ҳал қилишда кўрсатган қаҳрамонлиги, кураш ва интилишларида ташкилий-маъмурий маҳдудлик, оилавий-маиший мешчанлик, шахсий худбинлик, маънавий-ахлоқий тубанлик характеридаги тўсиқларға дуч келганини ҳам рўй-рост қаламға олади. Ижобий қаҳрамон улуғ мақсадларни амалға ошириш, тўсиқ ва қийинчиликларни бартараф этиш жараёнида келиб чиққан фожиали ҳолатлар, азоб-уқубатлар оламини ҳам, бунёдкорлик завқу шавқи ва лаззатларини ҳам бошдан кечиради, маънавий-ахлоқий жиҳатдан улғаяди, чин инсоний фазилатларнинг кўлами кенгаяди; айни замонда унинг кечинмалари китобхон қалбини ларзалантиради, унинг кўнглидаги инсонпарварлик туйғуларини активлаштиради.

Атоқли ёзувчимиз, хурматли Шароф Рашидов «Ғолиблар» романининг асосий ижобий қаҳрамони Ойқиз образида инсонни «ичдан» кўрсатиш орқали психологик таҳлил принципларини чуқурлаштирди, реалистик ифода усулларини лирик ва публицистик жўшқинлик билан бойитди, образнинг ички маънавий камолотини ёрқин ифодалашға эришди. Ижобий қаҳрамон образини яратишда лиризм эпик баён усуллари тўқимасиға чирмашиб киради, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати, феъл-атвори, тинимсиз ва мухталиф интилишларини ички аспектда ёритиб бориш имкониятини кенгайтиради.

Ойқиз образи роман сюжетининг тугунидан то ечимиға қадар ҳамма воқеалар силсиласи ривожида илиқ лиризм билан йўғрилади. Романнинг биринчи саҳифасидаёқ баён Ойқизнинг Бойчибар деб аталган отда тоққа отланишидан бошланган ва бобмабоб қизнинг ўз ёшлик хотираларини эслаши, унда жасорат кўрсатиш орзуларининг тугилиши ҳикоя қилинади, унинг ҳаётдан олган илк сабоқларининг ижобий ва салбий жиҳатлари, мурак эзгу-ниятлари ва мўрт хомхаёллари бадий тадқиқ этилади.

Муаллиф қаҳрамонға ўзини жуда яқин тутади, мавриди келгудай бўлса, дарҳол

лирик чекиниш ясаб, у билан донишманд дўстдай суҳбат қуради. Баъзан қаҳрамон билан адибнинг ўй-мулоҳазалари узвий чапишиб кетади. Бундай ҳолда Ойқиздаги жасорат кўрсатиш орзусининг реал заминдан келиб чиқиши зарурлиги, орзунинг амалга ошириш ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик бурчини онгли равишда, муттасил ва ҳалол адо этишга боғлиқлиги алоҳида уқтирилади. Булар барчаси Ойқиз фаолиятини ва маънавий оламини китобхонга таъсирли ва ҳаяжонли қилиб етказишга, инсоний-гуманистик руҳини, пок севги, эзгуликларини эҳтирос билан улғулашга хизмат этади. Ойқиз образи билан боғлиқ лирик монолог ва диалоглар, хатосига иқрор бўлишдан тортиб, ҳужжатсимон фактларга қадар лирик ва публицистик тўлқинланишлар эпик бутунлиқни тўлиштиради.

Хуллас, «Ғолиблар» романида Ойқиз образини яратиш принципларида лирик ва публицистик моментлар эпик объект мазмунини тўлдирди, қаҳрамоннинг бунёдкорлик, фидокорона меҳнат жасоратини қабартиб кўрсатишга, унинг инсон бахти-саодати йўлида, маънавий мўл-кўлликни вужудга келтириш, нури келажакни яқинлаштириш йўлида тинимсиз курашини содиқ ишонч билан тасдиқлашга, қаҳрамоннинг маънавий камолоти жараёнини кузатишга хизмат этди.

Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» романи ижобий қаҳрамонлари — ёш Азизхон ва Лутфиниса образларида уллардаги стихияли жасоратнинг Катта Фарғона канали қурилишида онгли маъно касб этгани, миллий-маиший, маънавий покиза дурдоналар буюк ижтимоий-тарихий ҳодисалар мазмунини бойитгани тасвирланди. Оғзаки халқ поэтик ижодининг руҳи, унинг бадийи тафаккури формаларининг обдан пиширилиши, миллий-маиший яшаш шароитида таркиб топган халқчил инсоний фазилатлар икки ёшнинг маънавий-ахлоқий камолотга кўтарилиш йўллариин пардоз-андозсиз улғайишнинг барча, эгри-бугриликлари, баланд-пастликлари, майинлик ва дағалликлари билан рўй-рост кўрсатишга, севишгувчиларнинг олам-олам ҳаяжон, эҳтирос, қувонч ва изтиробларини тасвирлашга имкон берди. Бунинг учун хушчақчақ дўстлик кулгисининг табассумдан тортиб, нозик ва ўткир турларигача фавқулодда жасорат ва чинакам севги латофатини ифодаловчи кўтаринки-қаҳрамонлик, романтик ва лирик бўёқларгача бемалол қўлланилаверади.

Азизхоннинг илк дафъа ишқ ўтида қоврилиши, севган қизи Лутфинисани олиб қочиш ниятида тунда қиз ётоғига кириб, унинг акаси Акбарали кўлига тушиб, ўлгудек калтакланиши; нобоб никоҳ тўйи маросимини бузиб, тўс-тўполонини чиқариб, бегона кувёга унашилган севгилини Лутфинисани тутқинликдан ҳалос этиши, ёр васлига етиш кувёга унашилган севгилини Лутфинисани тутқинликдан ҳалос этиши, ёр васлига етиш кувончи, канал қурилишида шахсий бахтини топши наъшаси, ижтимоий меҳнатда фикр дойилик кўрсатиш сурури ва завқини суриш; уведаси чиққан бидъат ва удумларни асраб қолиш қон-қонига сингиб кетган, ғаразгўй қотил Акбаралининг разолати ва қабоҳатиға қарши инсонийлик, нафосат ва яхшилик учун муросасиз олишувлари; чиройли аёл Вазиранинг беҳаё, нолойиқ муҳаббатини рад этиб, инсоний севги идеалини пок сақлаши; Лутфиниса акаси томонидан пичоқлаб ўлдирилгандан сўнг Азизхон руҳига чўккан маъсуслик ва умидсизлик ҳолатини матонат билан енгиб, синовлардан ўтган ҳаётбахшликка қайта эришиши — йигитнинг маънавий-ахлоқий улғайишини, мустаҳкам гуманистик этиқодини ичдан нурлантириб туради.

Пиримқул Қодиров «Олмос камар» романида ижобий қаҳрамон — Аброр Аъзамовни архитекторлар муҳитидан танлади, унинг характери ва тақдирини Тошкент шаҳар маъмурий бойликларига бойлик қўшиш ва Бўзсув манбаларидан илмий ва гўзаллик қонунияти асосида фойдаланиш лойиҳасини тузиш ва амалга ошириш жараёнида кўрсатди. Аброр ҳамкасби Шерзодга қарама-қарши қўйилиб тасвирланади. Тошкент архитектура ансамбллариини тузиш ва тиклашда Аброр бунёдкор халқ ва келажак авлодларнинг соғломлиги, дид-фаросати, маънавий улғайиши, шунингдек тарихий ва табиий аъёналар, «нафосат қонунияти»га таянса, Шерзод тор эгоистик манфаатларни, шахсий шуҳратни, тарихий-табиий ёдгорликларга, сув бойликларига лоқайдликни, ҳатто йиртқич муносабатни акс эттиради.

Аброр В. И. Леин номли майдонлар қайта қуришда энг одилона, архитектура ютуқларига, табиий ва тарихий аъёналар билан янги ижтимоий гўзалликларнинг гармониясига асосланади, табиат муҳофазасига, баланд ва кўркем дарахтларни мумкин қадар сақлаб қолишга алоҳида эътибор беради.

Аброрнинг психологик ҳолатига кириб, ўқувчини ҳаяжонлантириш роман сюжети ва конфликтнинг шохобча чиқиқларида яна таранглаштирилади. Унинг оилавий-маиший турмуш ташвишлари шу чиқиқларда тасвирланади. Бундай қўшимча қартиналар тафсилоти баъзан меъёридан ортиб кетади, бош ижобий қаҳрамоннинг маънавий-ахлоқий фазилатларини бойитишга жиддий янгиллик қўшмайди, бадийи психологик тадиққ жараёнининг тағ оқимиға эмас, устки мавжларига, воқеаларга эътиборни тортади. Аброрнинг маънавий камолоти ичдан эмас, кўпроқ юзада содир бўлади.

Улуғ рус революцион-демократ ёзувчиси Н. Г. Чернишевский гениал санъаткор Л. Н. Толстой асарларидаги психологизмнинг хусусиятлари ҳақида гапириб, психологик таҳлилнинг турларини қуйидагича кўрсатиб ўтган эди: «Психологик таҳлил турли йўналишларда бориши мумкин: бир шоир (ёзувчи маъносига — Х. Е.) характерларни чиқиб ўтиш билан энг кўп шуғулланса; бошқаси — ижтимоий муносабатлар ва ҳаётий тўқнашувларнинг характерга таъсири билан; учинчиси — ҳис-туйғуларнинг ҳаракат ва фаолиятга боғлиқлигини кўрсатиш билан; тўртинчиси — эҳтирослар таҳлили билан машғул бўлади; граф Толстойни ҳаммасидан кўп — психологик жараёнининг худди ўзи, унинг формалари, қонунлари, руҳий диалектика, банд этади».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Н. Г. Чернишевский, Собрание сочинений в пяти томах, Т. 3. Издательство «Правда». М.—1974, стр. 334.



Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, Н. Г. Чернишевский психологик таҳлилниг ҳеч қайсисини камситмайди, ҳамма турларидан ижодий фойдаланишни маъқул кўради, лекин толстойча психологизм усулининг ҳамма турлардан афзаллигига тан беради.

Кейинги ўн йил ичида яратилган ўзбек прозаси асарлари, айниқса романларда ижобий қаҳрамон типини яратишда психологизм традициялари ва бадий тажрибаларнинг новаторлик йўли билан ижодий давом эттирилаётган ва чуқурлашиб бораётгани очик кўзга ташланиб турибди.

Асар хотимасида баҳор пайти осмонда арғамчисини солиб учиб кетаётган турналар образида романнинг ғоявий мағизи ижобий қаҳрамон Аброр тасаввурида унинг ўз тажрибаси билан боғлиқ ҳолда чизиб берилади. Турналар шивалаб ёққан ёмғирдан қанотлари оғирлашиб, пастлаб учадилар. Уларнинг асл ўзани сақлашиб қолган Бўзсув қирғоғига қараб ўз йўлларини топиб олишларида Аброр тарихан таркиб топган табиий традициянинг аҳамиятини ҳис қилгандай; табиий ва ижтимоий ривожланиш ўртасида аллақандай гармония (уйғунлик) мавжудлигига қаноат ҳосил қилгандай бўлади; турналарнинг ҳам, одамларнинг ҳам машаққатли йўл босиб, марра сари янги-янги довоқ олишларида ўхшашлик кўради; «ҳар йили узоқ сафарга» отланадиган турналарнинг ҳам, мўлжалланган ишларни «қилмасе туролмайдиган» одам болаларининг «белида олмос камари» маҳкам боғлоқлик эканига қўйил қолади, Аброр «Сўнги йилларда уларнинг (Аброр ва Вазиранинг — Ҳ. Ё.) ҳаётлари шу турналарнинг қитъадан-қитъага бориб келишидек чидам ва ғайрат талаб қиладиган бир босқичдан ўтганини... ич-ичидан сезиб турарди».

Ҳамид Фулом «Мангулик» романининг ижобий қаҳрамони Масъуд совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бутун ирода йўналиши, ақл-заковати, шижоатини узоқ қишлоқ — Хўжакентда маданий инқилобни амалга оширишга сарф этган жанговар курашчидир. Масъуд Хўжакентда мактаб ташкил этиш ва болаларни ўқитиш ишини содир бўлган излари тамомила яширилган қони жиноятларни очишдек масъулиятли ва таҳликали кураш билан қўшиб олиб боради. Масъуд бошидан кечирган воқеалар тасвири унинг ички туйғулари коллизиясини кўрсатиш, психологик таҳлилга қараганда кенг планда бўртиб кўринади. Йигитнинг қаҳрамонлик хусусиятлари ва диққатга сазовор жасорати душманга ёлланган Нормат жиноятининг изини топишда; шайх Салоҳиддин қорининг риёкорлик, мунофиқлик, ҳийла-найранг ва алдамчиликларини фош этишда, Қобил қарвон тегирмонини қамал қилиб, душманлар уясини тормор келтиришда; қотил бойвачча Шерхўжанинг узундан-узоқ жинойи саргузаштларини таъқиб этиб, пировардида Масъуднинг Шерхўжа билан ҳаёт-мамонт олишувиде ўз ифодасини топди.

Масъуд билан бой қизи Дилдор ўртасида илиқ ва самимий муҳаббатнинг туғилиши ва ривожли психологик кечинмаларга бой тарзда ифодаланган.

Қалблари меҳр-муҳаббат туйғулари билан лиммо-лим тўлган Масъуд ва Дилдорнинг учрашувлари, госпиталда ўлим тўшағида ётган Дилдорни кўришга борган Масъудни у билан арз-роз айтишлари ҳам йигит тасавурида лирик тонда, куюқ романтик бўёқлар билан чизилади.

Асар охирида Масъуд билан Шерхўжанинг отишмаси ҳар икки тарафнинг ҳалокати билан тугайди. Икки хил ўлим икки хил маънога эга. Шерхўжанинг ўлими барча тирговчилари қулаган эксплуататор синфларининг инқироzi, заволини, зулм-ҳақсизликларнинг емирилишини акс эттирсе, Масъуд фоживаси авлодлар бахт-саодатга эл-тадиган, ҳаётбахш, нурафшон мазмунга эгадир.

Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси» романининг бош ижобий қаҳрамони Қоражон Мингбоев ўзига хос кўп қирралидир. Унинг характери улкан Чорвоқ тўғони қурилиши жараёнида тобланда. Унинг урушда кўрсатган жасорати, қаҳрамонлиги, меҳнат жабҳасидаги фидойилиги, жонбозликлари, шахсий севги драмаси маънавий ҳаётининг бойлигини, инсоний қалбининг олжаноблигини, халққа, одамларга яхшилик қилиш туйғуларини ифодалайди. Ижобий қаҳрамоннинг бу хусусиятлари роман ғоявий-эстетик йўналишига мувофиқ равишда кўрсатилади. Автор китобхон билан мулоқотида гўё бунга ишора қилгандек, инсон сермаздум, тўлиқ ҳаёт кечириб, фаолиятини бутунича одамларга яхшилик қилишга бағишлаши граждонлик бурчи эканлигини махсус уқдиради: «Муҳими шуки, сен жаҳият учун иш қилиб, одамлар қорига ярай олдингми?... Ёшингни яшаб, ошингни ошаб, пилла қўртдек вақти етгач, ўзингни турмушнинг ипак иплари билан ўраб, бу ҳаётни ёш авлодга қолдириб кетаётганинда, кечмиш-кечирмишларингни бир лаҳза бўлса ҳам хаёлингдан ўтказасан. Қилган меҳнатинг, яхшиликларинг, садоқату олижанобликларинг учун одамлар сенга ташаккур айтишаётгандек бўлади. Қувонасан...» Қоражон турмушдаги, меҳнатдаги барча жасонатинг, яхшиликларинг, садоқату олижанобликларинг учун одамлар сенга ташаккур айтса» арзийдиган ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг фаолияти жараёнида, хулқ-атвори, маънавий дунёси ва тақдирининг таркиб топишида социал синфий ва гуманитар мотивлар бўртиб ва қалқиб кўринади.

Қоражоннинг барча хатти-ҳаракатлари социал ахлоқий мазмунга эга. Унинг фронтда кўрсатган жасорати, жонини таҳлика остида қолдириб, Милтиқбой акани ўлимдан сақлаб қолганлиги, танк жангида афти-башарасини куйдириб, ҳуснидан маҳрум бўлишига қарамай, руҳан теткилиги, табиат гўзаллигига муштоқлиги, Гулгунга самимий муҳаббати, меҳрибонлиги, яхшиликлар қилиб танишлар ва дўстлар (олими Музаффаров, шоир Амир Равнақ) кўнглига йўл топиши, жаҳолат ва тухмат балосига йўлиқиб, вақтинча ишдан четлатилганига қарамай, иродасининг қатъийлиги — кенг феъли, маънавий поклиги, одамшавандаллиги, ахлоқий саҳоватидан далолат беради. Қаҳрамоннинг мазкур ички психологик хусусиятларини кўрсатиш унинг воқеалардаги иштирокини,

ташки хатти-ҳаракатларни гавдалантириш орқали мустаҳкамланади. Чунончи, Қоражон хунук, бадбашара. Бунинг сабаблари бор. Қоражон ўзи кўрсатган қаҳрамонликларининг улуғ, олижаноб инсоний маъносини, уларни «ичдан»тепиб турган гуманистик ғурурини чуқур ҳис қилган сари хунуклигининг алам-изтиробларини аста-секин бартараф эта боради. У Гулгунни севади. Гулгун эса ҳали уни ёқтирмайди. Қиз Қоражоннинг фронтдаги жасорати, отаси Милтиқбойни ўлим чангалидан халос этгани, жамиятга, одамларга яхшилик қилиш руҳига сингиб кетганлиги ва ҳоказо одамийлик хусусиятлари кўнглини ром этганлиги туфайли унда муҳаббат куртаклари барг ёзади ва тобора гуркирайди.

Демак, «Чотқол йўлбарси» романида ижобий қаҳрамон психологиясини тасвирлаш, характерици таърифлаш «ҳис ва туйғуларини воқеалар билан боғлаш» усулида амалга оширилади, психологик таҳлил тегишли воқеалар билан асосланади. Шу равишда ижобий образнинг руҳий ҳолати таҳлилинн воқеалар билан боғлаб тасвирлаш жараёнида ижобий қаҳрамон ички дунёсининг маънавий гуманистик бойлиги ва гўзаллиги ўз бадий ифодасини топти.

Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романида ижобий қаҳрамон характерици ичдан ёритиш, психологик аспектда таҳлил қилиш мураккаб бадий усуллар билан амалга оширилди. Асарнинг асосий ғоявий эстетик концепцияси (кишиларнинг ўзаро ҳаётий, оилавий, иқтисодий ва ишлаб чиқаришдаги муносабатларида социалистик маънавий ахлоқий фазилатлар — диёнат, ҳалоллик, поклик ва ҳоказо инсоний яхшиликларнинг тобора кучайиши ва тантанаси) бош қаҳрамонлар образида ифодаланиши билан асосан, ҳар бир персонаж тақдири Нормурод Шомуродов характерициг катта зиддиятлар, оғир кечинмалар ва изтироблар билан ривожланишига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади, унинг гуманистик табиатининг бойишига асқотади. Нормурод Шомуродовнинг жонли одам сифатида камол топиши фақат ўз бошидан кечирган воқеалари, ҳаёт йўли, тақдири, шиддатли драма ва кечинмалари билангина эмас, балки деярли ҳамма персонажлар (биринчи галда ва энг сўнг унинг жияни, пешқадам колхоз раиси Отақўзи образи)нинг хатти-ҳаракати, тақдири, драма ва фожиялари туфайли, буларга узвий боғлиқ ҳолда вужудга келади ва шу равишда ҳаётдаги ҳодисаларнинг гуманистлашиши жараёнини акс эттиради. Персонажларнинг маълум даражада мустақил бадий таҳлили бевосита ёки бавосита усуллар ва воситалар билан бош қаҳрамонга улаиб, унинг партиявий гуманистик эътиқодини мустаҳкамлаб ривожлантиради. Отақўзининг пок ва нопок, ҳалол ва ҳаром йўллар билан ўзи бошқарган колхознинг моддий фаровонлигини оширишга, ўз шахсий шухратига шухрат қўшишга уриниши, тоғаси Шомуродовнинг қариндошлиги ва ижтимоий обрўсидан фойдаланишга жон-жаҳди билан киришиши, ўғил-қизи, бўлғуси куёв-келини, яқин ошналари ва ҳомийларига фаровонлик яратишга интилиши, ўзидан юқори; «раҳбар» ходимларга лаганбардорлик, ўзига тобе кишиларга шафқатсиз муносабати, табиий бойликларга лоқайд қараши ва ҳоказо нопокликлари; Жамол Бўрибоевнинг нопок қилмиш-қидирмишлари, кўрсатган виждонсизликлари; ҳақиқатни, илмни оёқ ости қилиб, ўз эгоистик манфаатларини кўзлаган, тилёғлама «олим» Воҳид Мирсбидовнинг разилликлари; энгил машинасида одам бостириб; жиноятни ёпишга дадаси Отақўзини тортган Қодиржоннинг ифлос ишлари ва ҳоказолар Шомуродов дилини пайдарпай шиддат билан ларзалантирса-да, унинг коммунистик ва гуманистик эътиқодини тобора мустаҳкамлайди ва гуманизм руҳининг диёнатсизликлар устидан тантана қилишидан далолат беради.

«Диёнат» романининг автори ўзбек прозасида ижобий қаҳрамон маънавий оламици ичдан ёритиш, мураккаб психологик таҳлиллар аспектида типик шароит билан боғлиқ ҳолда акс эттириш, замонавийликни теран бадий тушунишда катта маҳоратга эришган.

Шундай қилиб, сўнгги йиллар ўзбек прозасида совет кишиларининг камол топиши жараёнини хилма-хил психологик таҳлил аспектида тасвирлаган талай асарлар ва тўлақонли ижобий образлар яратилди.

Пирмат Шермухамедов

## ҚАҲРАМОННИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

Буюк рус танқидчиси В. Г. Белинский «1846 йил рус адабиётига бир қараш» номли мақоласида «санъат асари жамият тараққиёти ички ривожланиш қонуниятлари билан боғлансин деб талаб қилиш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди, негаки, санъат асарининг табиати шуни талаб қилади, воқеаларни эзмалик билан қайд қилувчи адиблардан худонинг ўзи асрасин» деб ёзган эди.

Халқ ҳаёти билан ҳамнафаслик, жамиятнинг ўткир муаммоларини қаламга олиш, ростгўйлик — адабиётнинг ҳаммаша бош вазифаси бўлиб келган.

Биз нима ҳақда сўз юритмайлик — очерклар ёки ҳикояларми, қиссалар ёки романларми — бари бир адабиётнинг ҳаёт билан алоқаси, бинобарин, даврнинг долзарб

муаммолари, кишилар тақдири, воқеликнинг теран, бир қарашда кўзга чалинмайдиган ички қатламларини тадқиқ қилиши зарурлигини унутиб бўлмайди. Лекин нима учундир сўнгги йилларда асарнинг қон томири, муаллифнинг илгари сураётган ғоясини ташувчи сюжетни унутиб қўйдик. Сюжет адабиётшунос Е. Добиннинг образли ибораси билан айтганда, «воқеликни ҳар томонлама ва чуқур ифода қилишнинг, тўлақонли, ҳаётий қаҳрамонлар яратишнинг энг асосий воситаларидан бири». Ҳаммамизнинг эсимизда, СССР Ёзувчилар союзининг ўзбек адабиёти проблемаларига бағишланган II Пленумида Ю. Суrowцев қиссаларимиз, романларимизда сюжет қуриш маҳоратининг анча сусайиб қолгани, ҳаётнинг юзида кўпириб турган тўлқинлар тилга олиниб, унинг ички қонуниятлари назар-эътибордан четда қолаётганини ачиниб гапирган эди. Максим Горький ҳам сюжетни «қаҳрамон характерининг шаклланиш тарихи» деб атаганида тўлақонли қаҳрамон образини кўзда тутган эди.

Бу айтилаётган фикрларнинг ҳикоячиликка ҳам бевосита дахли бор. Ростини айтиш керак, сўнгги тўрт-беш йил мобайнида танилган ва тажрибали адибларимиз қисса ва романлар ёзиш билан банд бўдиллар. Танқидчиларимиз ҳам ҳикоячиликнинг тақдири билан қизиқмай қўйдилар. Нима учун ҳикояларга шу қадар эътибор қамайиб кетди? «Литературная Россия» газетаси саҳифаларида бугунги ҳикоячилик проблемаларига бағишланган мунозара давом қилмоқда. Юрий Нагибин ўзининг «Жанрнинг имкониятлари» номли мақоласида «Яхши ҳикоя ёзишдан кўра ўртамеъна роман ёзиш ўнғай, ҳикоячилик бутунлай ёшлар зиммасига тушиб қолди» деб ёзганида мутлақо ҳақ эди. Мунаққид А. Ланшиков ҳам мунозарага қатнашиб, «ҳикоянинг даври ўтди, қалин жилдли романлар, кўп серияли телефильмлар замони келди» деб қайд қилади. Ҳикоячиликнинг бугуни ва келажаги хусусида Чингиз Айтматов, Виктор Астафьев, Василь Биковлар ҳам бир оз ташвишли фикр юритдилар.

Виктор Астафьев ибораси билан айтганда «кичик роман» ҳисобланган ҳикояда ҳам ижтимоий, маънавий-ахлоқий проблемаларни бемалол тадқиқ қилиш мумкин. Бу фикрга мисол тариқасида Хайриддин Султоновнинг «Ҳаёт эртаги», Қамчибек Кенжанин «Балиқ ови», Нортўхта Қиличевнинг «Тонг», «Энг оғир кун», Нурали Қобулнинг «Хужжат», Маҳкам Маҳмудовнинг «Тескари кўзликлар сайёраси» ҳикояларини келтириш мумкин.

Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичик шаҳзода» деб номланган эртақ қиссаси бор. Бу қисса инсон туйғулларининг чексиз бойлиги, хаёлларининг учқурлиги, кенглиги ҳақида тўқилган симфонияга ўхшайди.

Ҳамма даврларда ҳам инсоният ўзининг беғубор болалик йилларини кўмсаб, турфа эртақлар тўқиб келган. Улар ҳаётийлиги, инсоний жозибаси билан болаларни ҳам, катталарни ҳам ўз оғушида аллалаб келмоқда.

Ҳаётнинг эртақларини тинглаш, эшитиш завқли. Сент-Экзюпери қиссасидаги шаҳзода ҳам сеҳрли эртақлар оғушида яшайди. Ҳар қандай гўзаллик олдида лол қолади, хунуқлик уни сергаклантиради, газабини қўзғайди, кичик шаҳзоданинг қаҳида ўта нозик. У гуллар, шамоллар, бепоён ва чексиз уфқлар, қум бўронлари ҳақида эртақлар тўқийди. Биз ҳам хаёлан кичик шаҳзодага эргашгимиз, ундан ўрнэк олгимиз келади.

Хайриддин Султоновнинг «Ҳаёт эртаги» деб номланган ҳикоясини ўқий бошлашингиз билан кўз олдингизда кичик шаҳзоданинг ёрқин образи яна бир бор рўйи-рост гавдаланади. Диққат қилинг ҳикоянинг сюжети жудаям содда. Аммо унинг қатқатлари замирига яширинган маъно ҳар куни рўй бериб турувчи воқеаларни, одамларни ўз қиёфаси, ўз баҳоси билан ўлчашга ундайди.

Бир ғуруҳ боғча болалари ҳайвонот боғини томоша қилиб юришади. Улар ҳар қадамда янги-янги ҳаёт эртақлари билан юзма-юз бўладилар. Бир жойда қафас ичига ётган баҳайбат анакондалар тирик жўжаларни маза қилиб ейишгаётган бўлади. Шу бир кичик манзара кичкинтойлар руҳига қаттиқ таъсир қилади. Ҳайвонот боғини тинчгина томоша қилаётган болакайлар янги бир нотаниш олам ичига кириб қоладилар. Улар учқур хаёллари кучи билан тўқилган эртақ қаршисига янги шафқатсиз ҳаёт эртаги билан юзма-юз бўладилар.

Хайриддин Султонов шу ҳикояси билан кичкинтойлар қалбида чўкиб ётган буюк кучни нозик тебранишлари билан илғай олган. Дидро айтдики, «қулиб турган одам портретида эзгулик яққол намоён бўлмайди. Кулги ўткинчи ҳолат, ваҳоланки ўй суриш, қайғу, мушоҳидага берилиш онларида теранлик бор».

«Ҳаёт эртаги» ҳикояси Хайриддин Султоновнинг келгусида нозик дидли, ўткир кўз-ли, гражданин адиб бўлишига ишонч уйғотади. Хайриддин умумий ёзмайди, одамларини ҳам умумий таништирмайди. Мен ҳали бу истеъдодли ёзувчининг ўткир кўзи билан дедим. Бу фикрни атайлаб айтётганимнинг сабаби бор: бошқалар илғай олмайборан деталларни, чизгиларни топа олади ва шу деталлар замирида яширинган поэзияни ифода этади. Ва бу поэтик тасвирлар ўқувчини қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига олиб қиради.

Қамчибек Кенжанин «Балиқ ови» ҳикоясида ҳам муҳим ижтимоий-ахлоқий масалалар кўтарилган. Бир қараганда ҳикояда тилга олинган сюжет йўналиши аҳамиятсиз, жўн бўлиб кўринади. Лекин адибнинг қалами орқали ана шу жўн бўлиб туюлган воқеа ўткир ижтимоий-эстетик маънога айланган. Ҳикоя қаҳрамони Бўрон ака уйига меҳмон бўлиб келган бошлиқларини балиқ билан сийламоқчи бўлади. Ҳаво совуқ бўлишига қарамай ўғли Комилни балиқ тутиб келишга юборади. Дадасининг хушomadгўйлиги қурбони бўлган Комил касалга чалиниб, орадан кўп вақт ўтмай ўлади. Лаганбардорлик, хушomadгўйлик кишиларни қандай фожиаларга олиб келиши ишонарли кўрсатилган.

Бизнинг кўпгина ҳикояларимизда ҳаёт ҳақиқатини санъат ҳақиқатига айлантириш,

ҳаётнинг кичик бир парчаси орқали ўткир ижтимоий масалаларни кўтариб чиқиш ўрнига кўпинча натуралистик тасвирлар ҳаётнинг ички қатламларини кўрсатиш ўрнига мадҳиябозлик, баёнчилик аломатлари тобора кўпайиб бормоқда.

Бу, масаланинг биринчи томони, масаланинг иккинчи томони шундаки, сўнгги пайтларда қаҳрамоннинг фаоллиги тушунчаси бир томонлама талқин қилинмоқда. Яқинда «Литературная газета»да СССР Ёзувчилар союзи ва Озарбайжон Ёзувчилар союзининг ташаббуси билан «Бугунги адабиётда ижобий қаҳрамон проблемаси» мавзуда уюштирилган ижодий гуруннинг ҳисоботи эълон қилинди. Грузин танқидчиси Г. Гвердцители ўзининг сўзида «қаҳрамон ҳамisha фаол, актив бўлиши керак, пасивлик бугунги кун қаҳрамонига мутлақо ярашмайди» деган фикрни илгари сурди. Мен бу фикрни инкор қилмоқчи эмасман, аммо масаланинг бир томонлама қўйилганини айтиб ўтмоқчиман.

Шу ўринда Оқилжон Ҳусановнинг «Давжон» деб номланган қиссасини тилга олиб ўтиш ўринли.

Оқилжон Ҳусанов ўз қаҳрамони Давжонни китобхон назарида ўта ижобий қилиб кўрсатиш мақсадида бор бўёқларини аямайди. «Бир куни у бешта эшакни ёнмаён қилиб устидан сакради. Уртоқлари уни қўлларига кўтариб эркалатди. Эртасига Давжон ўз чаққонлиги ва кучини синаб кўрмоқчи бўлди-да, иккита тўқлини қўлтиқлаб йўртиб кетди. Ун чоқли ўспирин унинг ортидан қувди, фақат Менгнор унга етиб олди...

Яна бир куни Давжон ўз кучини синаб кўриш мақсадида қишлоқ оқсоқолининг дарвозаси яқинида ўтлаб юрган йирик ҳанги эшакни пуштонидан ушлаб елкасига кўгарди-да, юз қадамча йўл босди. Тўрт оёғи юқорига кўтарилган бояқиш эшак йигитнинг елкасида жимгина турарди».

Қисса шу хилдаги ноўрин ўхшатишлар ва ортиқча тафсилотларга кўмилиб кетган. Қаҳрамоннинг руҳий оламини чуқур ва ҳаққоний очиб бермаслик яна ўша биз тилга олган схематизм касаллигини келтириб чиқаради. Агар адиб ўз қаҳрамонининг инсоний қиёфаси ва унинг фаоллигини тасвирлаб беришга қизиқиб кетса-ю, аммо у яшаган ва нафас олаётган шароитни бутун мураккаблиги билан кўрсатишни унутса, китобхоннинг асарга нисбатан бўлган ишончи йусаяди.

«Давжон» қиссасида яна бир эпизод бор. Босмачилар Давжоннинг кетига тушиб, уни ўлдирмоқчи бўладилар. Шу ният билан олти босмачи кечаси Давжон яшаб турган Махсум бойнинг уйини таппа босади. Босмачилардан бири «Бегим сўпоқ миллиқни бир қўлига олиб иккинчи қўли билан бойнинг ёқасига қўл чўзади. Шу пайт бордон томондан ўқ узилди. Бу ўқни яшириниб ўтирган Давжон узган эди. Махсум бой чўчиб, ўтириб қолди. У, босмачилар мени отишди деб ўзидан хавотирда эди. Аммо ўпарасидаги сердағдага қимсанинг шилқ этиб йиқилганини кўриб, ўзининг тирик эканига имон келтирди. У ўтирган кўйи бир-икки қадам орқага тисланди. Босмачилар таҳликага тушиб қолишди. Лекин улар Бегим сўпоқнинг жасадини ташлаб кетишмади. Йигитлардан иккитаси югура келиб, жасадини кўтариб, ташқари ҳовлига ўтишди. Махсум бой анчагача ўрнидан туролмади. Унинг оёқлари мажолсиз эди».

Келтирилган ушбу парча икки жиҳати билан диққатимизни тортади. Биринчиси, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг нотабиийлиги. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг. Олти давванг босмачи суворийлар излаган одамни топсалару, ўқ овозини эшитишлари ҳамано жимгина ўзларининг қароргоҳига қайтиб кетсалар. Иккинчиси, уйдан икки қадам нарида асаби кўзиган, жаҳли чиққан босмачилар узоклашмай туриб, Махсум бой Давжонни тинчитиб: «уйга кириб бемалол ухлайверинг» дейди. Бунақа ўлим билан юзма-юз турганда тинчгина ухлаб бўлар эканми?

Сўнгги йиллар эълон қилинган қиссаларда тасвирланган қаҳрамонлар фаоллиги хусусида сўз юртилганида Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Чоллардан бири», Солим Исҳоқовнинг «Сиртдан тинч дарё», Эркин Ўзамовнинг «Отойининг туғилган куни», Темур Пўлатовнинг «Абжири» асарларини тилга олмасдан ўтиб бўлмайди.

Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Чоллардан бири» қиссаси яхши маънода адабий жамоатчилик орасида қизиқиш уйғотди. Айниқса, қисса қаҳрамони Мустафонинг тинчгина кечираётган турмуш тарзи, одамларга муомаласи турли хил мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бировлар Мустафони ўзини-ўзи ҳимоя қила олмасликда, теварак атрофида рўй бераётган воқеаларга лоқайдликда айблamoқдалар. Мен бу хилдаги бир томонлама фикрларга мутлақо қўшилмайман. Қаҳрамоннинг фаоллиги фақат юзма-юз туриб олишувлардагина намоён бўлади, деб ўйлаш кулгили бўлар эди. Негаки, ҳар бир инсон ҳаёти ўзига яраша мураккаб. Ахир, Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасидаги Мўмин чол ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқи учун талашиб-тортишмайди. Лекин унинг ёвуз одамларга нисбатан нафрати, ҳалоллиги, мустаҳкам эътиқодининг ўзи ўзига яраша фаоллик эмасми? Мен Мустафо Мўмин чолга айнан ўхшаб қолган деган фикрни айтмоқчи эмасман. Мурод Мустафо образи орқали айрим ҳаётий муаммоларни кўтариб чиққан. Мустафо шундай бир тоза, беғубор инсонки, у бировни ранжитмайди, бировнинг мол-мулкига кўз олайтирмайди, бировнинг туриш-турмушига ҳасад қилмайди, тинч ўтаётган ҳаётдан ҳеч қачон нолимайди. Шу хусусиятларига қараб Мустафони пассив қаҳрамон деб бўладими? Мунаққид Ёқуб Яқвалхўжаев «Уч қисса — уч олам» мақола-сарида («Ўзбекистон» маданияти, 16 октябрь, 1979 йил) Мустафо образи ҳақида фикр юрита туриб шундай ёзади: «...унинг характерида иккинчи бир томон — бизни ранжитган, уни таҳқирлаган шахсларга қарши исёнкорлик йўқ. Йўққина эмас, бу хусусият Мустафо учун тамомила ёт. Шу ўринда шубҳасиз, жиддий, мунозарали фикр туғилади. Албатта, инсон бўлгандан кейин унга озми-кўлими исёнкорлик керак. Агар у кимларнингдир ҳақоратидан, таҳқиридан ўзини ҳимоя қилолмаса, у нимаси билан ва ким учун намуна бўла олади».

Биз бу фикрларга мутлақо қўшилмаймиз. Агар ҳар бир қаҳрамонга унинг исёнкор бўлиши ёки бўлмаслиги нуқтаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, Василий Шукшин ҳикоялари ва Грант Матевосян қиссаларида тасвирланган чоллар ва Болалар оёқларнинг ижтимоий эстетик қиммати инкор қилинган бўлур эди. Фикримча, Мурод Муҳаммад Дўст тўлақонли ҳаётий образ яратган. Мустафо образи талқини муносабати билан бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчимиз. У ҳам бўлса давр ва қаҳрамон деган мавзудир. «Чоллардан бири» қиссасида Мустафонинг ҳаёт йўли батафсил ва қизиқарли ҳикоя қилинган. Давр, шомолларнинг Мустафо ҳаётига таъсири хусусида фикрлар айтилган, лекин шунга қарамай биз давр билан Мустафо орасида боғланган ипларни аниқроқ кўраолмаймиз. Умуман олганда Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Чоллардан бири» қиссаси яхши маънода адабиётимиз учун ҳусусида шу хилдаги ижобий фикрларни айтиб қўвнинг «Сиртдан тинч дарё» повести хусусида шу хилдаги ижобий фикрларни айтиб бўлмайди. Қиссада Улуғ Ватан уруши йилларидаги халқимиз ҳаётининг айрим манзаралари тилга олинади. Бу мавзуда Саид Аҳмад, Анвар Эшонваларнинг анча бақувват ҳикоялари, қиссалари, романилари эълон қилинган. Афсуски, «Сиртдан тинч дарё» қиссаси бирин-бир жиҳати билан янгилик бўлаолмайди. Тўғри, қиссада айрим таъсирли эпизодлар бор. Лекин шунга қарамай қаҳрамонларнинг бир-биридан ажралиб турадиган ўзига хос руҳий олами чизилмайди, воқеалар пала-партиш ҳикоя қилиниб кетилaverиллади. Масалан, қиссанинг қаҳрамонларидан бири болакай билан бобосининг гап сўзлари айнан бир-бирига ўхшайди. Бобоси неварасини соъчиликка олиб бораётганида улар орасида қуйидагича суҳбат бўлиб ўтади:

«—Э-э, болам, «онасини кўр-у, қизини ол» депти машойхлар. Онаси яхши аёл-да бу қизнинг.

— Онаси мақтаган қизни олма, чечаси мақтаган қиздан қолма,— деганмасми машойхлар. Афсуски, қиссадан шу хилдаги диалогларни қаҳрамон характерини очишга ёрдам бермайдиган сўзлар, деталлар, эпизодларни кўплаб келтиравериш мумкин.

Эркин Аъзамовнинг «Отонининг туғилган кун» ва Темур Пўлатовнинг «Абжир» қиссаларида кундалик ҳаётимизда юз бериб турадиган сохталик, лаганбардорлик, кўзбўямачиликка қарши кураш ғояси илгари сурилади. Биринчи қиссада Аскар Шодибековнинг хатти-ҳаракатлари, кишиларга муомиласи — инсоний қиёфаси тасвири орқали ҳаммамизни ўйлантириб юрган кўпгина ҳаётий муаммолар қаламга олинган. Иккинчи қисса қаҳрамони пул, мол-дунё кетидан қувиш билан банд бўлган юлғичлар муҳитига тушиб қолган. Адиб ўз қаҳрамонининг тасодифлар ва қийинчиликлар билан тўлиб тошган хатарли ҳаётини бор мураккаблиги билан тасвирлашга интилади. Лекин бизнинг иккала авторга ҳам битта истагимиз бор. Ғоҳо улар қаҳрамонлари қийинчиликлар билан юзма-юз келиб қолганларида дарров аралашиб, уларнинг шижоатини хийла сусайтириб қўядилар, ғоҳо ўринли-ўринсиз китобхонларнинг ғашига тегадилар.

Шу ўринда икки оғиз сўз аёллар образи ҳақида. Бундан икки йил муқаддам Узбекистон Ёзувчилар союзида Уктам Усмоновнинг янги романи «Гирдоб» муҳокама қилинди. Фикрлар ҳар хил бўлди: кимдир мақтади, кимдир ўз танқидий мулоҳазаларини оғир ботмайдиган бир тарзда айтди. Лекин гап романининг бош қаҳрамони Салтанат билан боғлиқ йўналишига бориб тақалиши билан зерикарли, қизиқарсиз давом этаётган суҳбат бирдан жонлиб кетди.

Гап шундаки, бошида эри бўла туриб бу қаҳрамон, Салтанат, солиқ мактабдоши билан дон олишиб қолади. Худди мана шу ерда баҳс жуда қизишиб кетди. Баъзи танқидчилар эр-хотинлик шънига доғ туширгани учун Салтанатни сира аямай қаттиқ қораладилар. Бошқалар бундан ҳам қатъийлик билан муҳокама юритиб, Салтанатни, демак, авторни ҳам оқладилар: давр аёлларига ўз таъсирини ўтказмоқда, уларга эрк бериб, мустақил қилиб, замонавий амазонкаларга айлантириб қўймоқда, дедилар.

Баҳс ўз йўлига, лекин бу гапларни эшитиш ғалати эди: баайни уй жанжали ёки бировнинг ишқий саргузаштлари ҳақида сўз бораётганга ўхшар эди!

Ҳолбуки, роман авторни айни ҳолатда классик реалистик проза аъналарига амал қилган: хусусан ўз қаҳрамонининг ахлоқий фазилатларини унинг аёлга муносабати воситасида очиб беришга интилган. Маълумки, классик реалистик прозанинг энг яхши намуналарида қаҳрамон образи аёл қаҳрамоннинг миқёсли, кучли образига ё мутаносиб тарзда, ё қарама-қарши тарзда ривожланади. Замонавий ёзувчиларнинг энг етук асарларида ҳам шу ҳолни кўрамай-ку! Мисол учун Валентин Распутиннинг «Яша ва унутма» асаридаги Настяни эслайлик. Бу руҳан кучли, чинакамига севучи аёл эрининг хиёлати ҳақида билгач ҳам уни қоралайди, ҳам кўтқизишга ҳаракат қилади. Лекин вазият Настядан кучли чиқади, оқибатда маънан ва жисман ҳалок бўлади. Шундай бўлса ҳам, бу воқеа бизга бачкана мелодрама сифатида эмас, катта инсоний фожие сифатида таъсир этади.

Аmmo афсуски, кўпинча, асарларимиздаги аёллар образи бундай ҳиссий ва руҳий теранликдан маҳрумдирлар.

Аёл характери лирик шеърийнинг, прозанинг эътиборидан четда қолган эмас. Лекин унинг мавқеи ҳамиша ҳам классик адабиётдаги юксак ахлоқий идеаллар даражасига мос келаётирми?

Ҳолис бўлиш ниятида аёл кишини гувоҳликка қақирамиз. «Литературное обозрение» муҳбири билан суҳбатда, актриса Алиса Фрейдлих шундай деганди: «...Ҳозирги адабиётга, кинога, театрда аёл «шокул» учун керак ҳолос. Уткинчи, стандарт образлар бир талай. Улар бинойидек, ҳатто кучли образлар бўлиши мумкин эди, лекин... Авбир талай. Улар бинойидек, ҳатто кучли образлар бўлиши мумкин эди, лекин... Авбир талай чинакамига ҳаяжонга солган аёл образи асар ғояси асосида бўлмаган, фақатгина қаҳрамон кимдир севиши, қандайдир ўз шахсий ҳаётига эга бўлиши зарур деб ўйланган ҳолос». Баъзан кўпгина асарлар мана шу қаҳрамон севиши «керак» деган принцип асосида ёзилади. Мирмуҳсиннинг янги романи — «Илдизлар ва япроқлар»нинг

қаҳрамони Онахон жуда ҳам гўзал, юмор туйғусига ҳам эга, бунинг устига, шундай самимий куладик, кулгиси бошқаларга ҳам юқади, Аини пайтда у жиддий қиз — орзу қилишни севади, Валентина Терешковага ўхшаб космонавт бўлгиси келади. Биз романни ўқиганда, Онахоннинг қандай кийинишини, қандай тушлар кўришини, бу қиз ва унинг севгилиси бир-бирларисиз зерикиб қолганларини, қандай рашк қилишларини ва ҳоказоларни билиб оламиз. Бир сўз билан айтганда, характернинг ва муҳаббатнинг кўпгина ташқи белгилари мавжуду, лекин уларнинг теран мазмуни тасвирланмаган. Буни кўриб, ҳатто «умуман бу ерда муҳаббат линиясининг зарурати бор эдими ўзи?» деган шубҳага боради киши.

Драматург А. Гельман ўз пьесаларидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш муаммоларини бадий тадқиқ қилиш учун муҳаббат зарурий эмаслигини, шунинг учун бу мавзуну четлаб ўтишини айтган эди. Ваҳоланки, А. Гельман пьесалари ўнлаб театрларнинг сахналарида муваффақият билан ижро этилмоқда, томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ибратли мисол: автор мақсадида муҳаббат мотиви бўлмаган, ва у, баъзи драматург ва адиблардан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш конфликтини қизиқарлироқ қилиш ниятида асарга ўрлаб севги тасвирини олиб кирмаган.

Аён бўладик, муҳаббат мураккаб ижтимоий ва ахлоқий муаммоларни бадий тадқиқ қилиш жараёнидаги муҳим кўзанақдир: бугунги кишининг руҳий изланишлари қатламида шахсни юксалтирувчи ва унга жозиба бағишловчи бу ҳиссиёт салмоқли аҳамият касб этади, албатта. Бинобарин, уни камбағаллаштириш ва жўнлаштириш мумкин эмас. Ваҳоланки, бундай ҳодисалар баъзи тажрибали ёзувчилар ижодида ҳам учрайди. Масалан, А. Медниковнинг ўткир масалани кўтарган, қизиқарли «Айни қурайдиган вақт» романини олайлик. Бош қаҳрамон Петр Шубенковнинг хотини Катя эрига: «Бошқармага бошлиқ бўлиб ўтма» деб маслаҳат беради ва ўз фикрини шундай изоҳлайди: «Сен менга донгдор ишчи сифатида ёқасан. Ҳамма нарсани ўз қўли билан ярата оладиган кучли одам сифатида. Аёллар шундай кишиларни севадилар...» Наҳотки, эр-хотинни фақат шу нарса бир-биринга боғлаб турса?

Регин Эзернинг «Оққушлар учиб кетадилар» повестидаги Визма деган қизни примитивизмда айблай олмаймиз. Аксинча, бу нозик ва сезгир, балки, ҳатто психологик жиҳатдан «бойитилган» характер. У ёшига хос равишда, бошқаларга ўхшаб эмас, ўзича севишни ва яшашни орзу қилади. Лекин реал ҳаёт билан биринчи учрашувлароқ унга жиддий сабоқ беради, психологик жиҳатдан буларнинг бари тўғри тасвир этилган. Лекин, менинг назаримда, ўз орзулар оламидагина яшайдиган бу қаҳрамонга автор ҳаддан ташқари хайрихоҳлик қилиши конфликтнинг объектив моҳиятини анчагина жўнлаштиради.

Кейинги йилларда Урта Осиё ва Қозоғистон адабиётларида чамаси, баъзи адабий образларнинг таъсири остида, — ғайратли, ўзига қаттиқ ишонган раҳбар аёл — жуда ҳам шаддо аёл образини яратишга интилиш сезилмоқда. Албатта, бундай характерлар ҳаётда учрайди, лекин, менинг фикримча, уларни идеал даражасига кўтариш зарурияти йўқ. Эркакча хатти-ҳаракатлар, одатлар аёлни кўполлаштиради, уни жозибадан маҳрум этади.

Павел Загребельнийнинг «Жадаллик» романидаги ёш журналист Анастасияни олайлик. У кескир, жасур, мағрур қиз: ҳамиша масалани мустақил тарзда ҳал қилади ва хатти-ҳаракатлари учун ўзи жавоб бера олади. Унинг мулоҳазалари баъзан жуда ҳам кескин бўлади, лекин у ҳамиша ўзига ҳам, бошқа одамларга ҳам бирдек талабчан. Анастасия образи замондошларимиз эндиликда сира ҳам заифа деб ҳисоблаб бўлмайдиган хотин-қизларнинг энг ёрқин фазилатларини ўзида мужассам этади. Лекин, кутилмаганда, унинг нигоҳи, хатти-ҳаракати, бурилиб қараши (бу адиб кўзининг ўткирлигидан далолат) ундаги аёллик фазилатларини — руҳий нозиклик, ҳиссиёт, қизгин сева олиш, ҳатто ўзини фидо қилиш қобилиятини намоиш этади. Худди қўшиқда қуйилганидек: «Аёл аёл бўлар ҳамиша...».

Мен асло замонавий авторларни аёлларнинг образларини идеаллаштиришга чақирмоқчи эмасман. Дарвоқе, классик адабиёт дўстларига Жульеттанигина эмас, балки Макбет ва Кабанихани ҳам мерос қилиб қолдирган... Албатта, тарихан бу образлар биз аллақачон рад этган дунё ахлоқидан шаҳодат беришларини таъкидлашимизга эҳтиёж йўқ.

Социализм шароитидаги аёл ёрқин индивидуал шахс, жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзосигина эмас, номусл-оримиз мужассами, меҳрибон ёримиз ва умр йўлдошимиздир. Шундай бўлса ҳам, замондош аёлларимизнинг адабий портретини чизар экан, авторлар уларга бўлган эҳтиромларни билдириш мақсадида яшил рангни аямайдилар. Айтайлик, истеъдодли украин адиби В. Яворивскийнинг «Занжирсимон реакция» романидаги ҳар уч бош қаҳрамон қиз — Василина, Соломия, Надия бир-биридан чиройли, бир-биридан ақлли, қобилиятли, меҳрибон, дунёқарашлари кенг... Ҳар уч қизнинг ишқ-муҳаббатлари, туйғулари, бу қадар романтик ва кўтаринки эканлигини кўриб, улар ерда яшамаслиги, балки осмонда учиб юришлари керак экан, деб ўйлаб қолади киши.

Бугунги кишининг бой руҳий ҳаётини, фикрлар ва туйғулар дунёсини тўла қамраб олиш осон эмас. Меҳнатда, оилада ўз зиммаларига тушган масъулият юкини эру аёл баравар тортмоқда, мураккаб вазиятларда бир-бирини қўлламоқда, бир-бирини но-тўғри қадамлардан асраб қолмоқда. Адиб Сарвар Азимов «Кўзлари чўлпон» деб рамзий номланган повестида айнан шундай қаҳрамонларни тасвирлайди. Чет элда ишлайдиган халқаро журналист Умид ва унинг севгилиси Қалдирғоч узоқ ойлар мобайнида ҳижрон азобларини чекадилар. Лекин улар бир-бирларига вафо, садоқат кўрсатадилар. Автор ўз қаҳрамонлари муносабатларини катта инсонийлик ва одоб билан тадқиқ этади. Танқидчилик Ш. Рашидов диалогиясидаги Ойқиз ва Олимжоннинг кўтарин-

ки, юксак идеаллар йўлида курашишга ва яшашга ёрдам берадиган муҳаббати ҳақида кўп ва ҳўп ёзган. Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Биринчи бўса» пьесаси, Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърлий романига ҳам мавзуга худди шундай ёндашиш хосдир.

Аммо ҳамиша ҳам асарларимиз шундай муваффақиятли чиқаврадимиз? Бундан икки йил аввал Москвада, СССР Ёзувчилар союзида ўзбек тарихий романи хусусида бўлиб ўтган муҳокама бот-бот эсимга тушади. Унда ўртага ташланган муаммолар бизнинг мавзуимиздан зоҳқа ўхшайди. Лекин муҳокама иштирокчилари ўзбек тарихий прозасида кўпгина хотин-қизлар образлари идеаллаштирилган ва етарли даражада «ижтимоий юкка эга бўлмаган ҳолда тасвирланаётганига, сентименталлик, психологик мўртлик уларни хиралаштириб қўяётганига эътиборни қаратдилар. Ушанда бизнинг ёзувчиларимиз бу танқидни сидқидилдан қабул қилдилар ва кўпинча хотин-қизлар образларига эътиборни кучайтириш, ўқувчини қизиқтириш мақсадидагина мурожаат этишларини, бу эса схематизмга олиб келаётганини тан олдилар.

Ваҳоланки, ўқувчи эса, ҳам ҳуснда, ҳам қалбан баркамол замондош хотин-қизларнинг чинакам ва муайян мақсад билан яратилган реалистик образларини кутади. Зеро, яқинда «Литературная газета»да И. Г. Грекова таъкидлаган аёлликнинг янги типини адабиётда ёзувчилардан бошқа ким ҳам таҳлил ва мужассас этади. Муҳаббат — ишлаб чиқариш конфликтлари учун «шокул» эмас. Бу, гарчи баъзан қийин бир тарзда намоён бўлса ҳам, энг яхши ҳаётдир. Шунинг учун ҳам аёллар образларининг ҳаққонийлиги ва теранлиги автор маҳоратини, асарнинг ижтимоий-ахлоқий чуқурлигини кўрсатувчи асослардан бири ҳисобланади.

Ғулум Каримов

## МЕРОС — ЗАМОН ХИЗМАТИГА

Партияимизнинг ҳар бир съезди жамиятимиз тарихий тараққиётининг янги босқичини ташкил этади. XXVI съезд ҳам ривожланган социализм даврининг бемисл улкан ишларига яқин ясади, ижтимоий-иқтисодий ва моданий-адабий ҳаётимизнинг бундан кейинги беш йиллик ва яқин ўн йиллик даври учун улугвор режаларни белгилаб берди.

Ривожланган социализм даври кишиларининг дунёқарашларини шакллантиришда, уларнинг маънавий оламини бойитиш ва гўзаллаштиришда санъат-адабиётнинг тобора ўсиб бораётган аҳамияти тўғрисидаги концепция бевосита маданий-адабий мерос масалаларига ҳам тааллуқлидир. Чунки совет кишии дунёдаги энг илғор жамиятнинг граждани сифатида кишилик жамияти томонидан ўтмишда яратилган маънавий бойлик дурдоналарининг мероскўри ҳисобланади. Марксизм-ленинизм таълимотида мукаммал системага солинган, айниқса, В. И. Лениннинг 1913 йилда ёзган «Миллий масала юзасидан танқидий мулоҳазалар» асари, Л. Н. Толстой ҳақидаги туркум мақолалари, шунингдек, «Ёшлар союзининг вазифалари» ҳақидаги нутқи ва бошқа кўп мақолалари, нутқлари, мактубларида равшан баён қилинган маданий-адабий мерос ҳақидаги таълимот партияимизнинг XXVI съезди томонидан давом эттирилди, янги тарихий шароитнинг янги мазмуни билан бойитилди.

Ҳозирги замон адабиётимиз тараққиётининг характерли белгиларидан бири шуки, у синфий ва умумбашарий проблемаларни кун тартибига қўйиб, улар ўртасидаги диалектик боғланиш ва тафовутни ёритишга ҳаракат қилаётган.

Ҳозир энди адабиёт учун умумхалқ, умумбашарий тушунчалар билан синфийлик бир-бирига зид, қарама-қарши тушунчалар бўлмай, маълум яқинликка эга бўлган, ҳам-оҳанглик ташкил қиладиган тушунчалар бўлиб қолди. Жамиятимизнинг ижтимоий қуррилмаси, борган сари такомиллашиб келаётган синфсиз жамиятнинг тантанаси адабий ҳаётда шундай янги мотив ва ғояларни туғилишига олиб келмоқда. Синфий ва умумбашарий тушунчалар диалектиказини адабиётимизнинг марказий ижобий қаҳрамони ҳисобланган ишчилар мавзун масолида ҳам кўриш мумкин. Тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида ишчилар синфи шундай фазилатларга, хислатларга эга бўлиб қолдики, у энди адабиёт учун умумбашарий аҳамиятга эга бўлган мазмунни, идея ва мотивларни бериши мумкин. Зероки «Унинг революцион идеологияси ва ахлоқи, коллективчилик психологияси, манфаатлари ва идеаллари, — деб таъкидлайди Л. И. Брежнев XXVI съездда қилган ҳисобот докладыда, — ҳозир совет жамиятидаги барча қатламларнинг мулкига айланиб бормоқда» (КПСС XXVI съезди материаллари, Тошкент, 1981, 74-бет). Жамиятимизда ва адабиётимизда рўй бераётган бу тенденциялар реал, айни замонда истиқболли порлоқ тенденциялардир. Бу тенденциялар бир томондан, замонавий тематикага, биринчи навбатда ишчилар мавзуга эътиборни ошириш заруриятини туғдирса, иккинчи томондан ўтмишга, тарихий мавзуга қизиқишни кучайтиради, унга янгича ёндашиш имкониятини яратади. Чунки бугуннинг энг яхши тенденциялари элемент тарзида ўтмиш қўйнида туғилган, парвариш топган. Кейинги йилларда совет адабиётида тарихий мавзуга қизиқишни кучайиши, унинг ҳамма жанрларида ҳам ўтмиш темасида кўплаб асарларни майдонга келиши шундан келиб чиқади.

Бундан бир неча ой муқаддам бутуниттифоқ ёзувчиларининг бўлиб ўтган VII съездида бу ҳақда атрофлича сўз юритилиб, ҳозирда умумиттифоқ адабиётимизда тўла маънодаги кўп миллатли тарихий роман жанри яратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Г. Марков VII съездда қилган докладда бу масалага тўхтаб шундай характерли ва таъсирли фикрни илғари сурди: «Кейинги йилларда Ватанимиз тарихига — узоқ ва яқин ўтмишига, ёзувчиларнинг, шу жумладан ўқувчиларнинг ҳам катта қизиқиш билан қараётганликлари кўзга ташланиб туради. Халқларимиз тақдири, она юртимиз тақдири ёзувчиларимиз, ижодий эътиборини борган сари ўзига кўпроқ жалб этмоқда. Ҳақиқатан ҳам биз ўз уруғ-аймоғини танимайдиган иванлар эмасмиз, шу билан бирга биз фақат ўтмишни танқид қилувчилар бўлиб қолмай, айни замонда, ўтмишнинг муносиб жонқуярлари, унинг меросхўрлари ва давом эттирувчилари ҳам ҳисобланамиз» (Г. Марков. Советская литература в борьбе за коммунизм и ее задачи в свете решений XXVI съезда КПСС. Журнал «Вопросы литературы», 1981, № 8, стр. 29).

Умумиттифоқ адабиётида содир бўлаётган бу ўзгаришлар ўзбек совет адабиётида ҳам аён кўриниб туради.

Ўзбек совет адабиётида 70-йилларда сезиларли даражада кучайган ва ҳозир давом этаётган тарихий романчиликдаги жонланиш ҳаммага маълум. Бу соҳадаги Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодировларнинг ижодий жасоратлари ўзбек совет адабиётининг фахрига айланди. Кекса шоиримиз Уйғуннинг Алишер Навоий, Беруний, Ибн Сино ҳақидаги драматик асарлари, Миркарим Осимнинг тарихий повестлари ва ҳикоялари, Назир Сафаровнинг тарихий-инқилобий мавзудаги романи ва бошқалар ўзбек совет адабиётида содир бўлаётган шу ижодий мавжлардан дарак бериб туради. Умумсовет адабиётида, шу жумладан ўзбек совет адабиётида рўй бераётган бу ҳодисалар совет адабиётининг ғоявий асосларидан бўлган гуманизмнинг янада чуқурлашиб, кенгайиб бораётганидан далолат беради. Бу асарларда ёзувчи, шоирларимиз ўтмишнинг улуг зотларига хос бўлган энг илғор башарий идеалларни гавдалантириб, улардаги яхши, олижаноб хислатлар воситасида совет кишиларини юксак, ахлоқий пок ва гўзал қилиб тарбиялашга интиладилар. Шу тариқа ўтмиш билан ҳозирги замон ўртасида алоқа, ҳамкорлик майдонга келади. Утмиш авлод ўзининг энг яхши фазилатлари, хислатлари билан ҳозирги замон авлоди хизматига отланади, ўз улуг ниятлари, фидойий курашлари, ажойиб интилишлари билан янги авлодга куч-ғайрат бағишлайди, буюк галабаларга илҳомлантиради.

Ҳақиқий маданият умумбашарий характерга эга бўлади. Утмишнинг улуг сиймолари яратган маънавий бойликлар, олижаноб ғоя-мақсадлар бизнинг замонамизда ҳам қадрли-қийматли бўлгани каби бизнинг улуг давримизда яратилган ва яратилаётган моддий ва маънавий маданият ёдгорликлари келгуси насл учун яшаш ва кураш намунаси бўлиб қолади.

Шундай қилиб ўтмиш, ҳозирги замон ва келгуси — инсоният тарихида бир бутун заنجир ҳалқаларини ташкил қилади. Уртоқ Л. И. Брежнев Киевда ёдгорлик комплексини очилиш маросимида сўзлаган нутқида энг яхши тарихий анъаналарнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб шундай деган эди: «Ўз тарихи билан доимо жонли алоқада бўлган, ўзининг тарихий традицияларидан энг яхши хислатларни ола билан ва уни бугунги кун хизматларига қўя билган халқ — улуг халқдир. Бундай ажойиб фазилатлар Совет халқига хосдир».

Совет адабиёти қаҳрамон совет халқидаги ана шу фазилатни ўзида ифода этиб, Ватанимизнинг ўтмишига, улуг тарихий сиймоларга, бебаҳо адабий ёдгорликларга мурожаат қилар экан, ижодда фалсафий теранлик билан инсон маънавий дунёсини чуқур ўрганишга, улуг зотлар ҳаётига хос бўлган асл инсоний фазилатларни мадҳ этиш орқали ҳозирги замон кишиларида олижаноб хулқ ахлоқларни тарбиялашга алоҳида аҳамият бермоқда. Бу тенденцияни ўзида яққол ифода этган умумсовет адабиётидаги кўп асарлар қаторида ўзбек совет адабиёти ҳам анча яхши натижаларга эришаётганлигини мамнуният билан қайд қилиш лозим. Адабиётдаги тарихийликни давом эттириб, кейинги вақтларда шоир Абдулла Орипов томонидан Ибн Синога бағишлаб «Ҳақим ва ажал», ҳинд исёнкор шоири Назрул Ислом фаолиятига бағишлаб Эркин Воҳидов томонидан «Рухлар исёни» поэмаларининг ёзилиши адабиётимиз бойлигига қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Ўзбек совет адабиётидаги ўтмиш мавзунинг ижобий ҳодисаси сифатида Барот Бойқобиловнинг «Шуқуҳли қарвон», Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» номли шеърый романларини, Миркарим Осимнинг «Нур ва зулмат» номли Нодиранинг замондоши Жаҳон отин ҳаётига бағишланган тарихий ҳикояларини ва ниҳоят ёзувчи Ҳамид Фуломнинг исёнкор шоир Машраб ҳаётига бағишланган шу номли романини эслаб ўтиш керак. Бу турли жанрларда ёзилган хилма-хил асарларда ўтмиш ҳодисалари бадий тадқиқ қилинади, тарихий воқеалар, маданият арбоблари, алоҳида шахслар фаолияти мураккаб ижтимоий шароитда ўрганилади, баҳоланади.

Тарих билан танишиш, унинг ҳодисаларини эътиёткорлик ва муҳаббат билан ўрганиш совет адабиётида кейинги вақтларда анча ривож топди. Идеология ишимизнинг бу муҳим соҳасига, табиийки, партия доимо эътибор билан қарайди ва оталарча ғам-хўрлик қилади. Партия съездида таъкидланганидек: «Партия санъатимизнинг ғоявий йўналишига бефарқ қарамайди ва қараёлмайди ҳам». Уртоқ Л. И. Брежневнинг XXVI съезддаги ҳисобот докладда айтган куйидаги сўзлари тарихий мавзуда ишловчи санъат аҳллари учун ижодий программавий роль ўйнамоғи лозим. «Ғоясизлик кўринишлари, дунёқарашни белгилашдаги лоқайдлик, айрим тарихий воқеаларга ва шахсларга баҳо беришда аниқ синфий позициядан чекинишлик ҳатто истеъдодли кишиларнинг ижодига ҳам зарар етказиши мумкин» (КПСС XXVI съезди материаллари, Тошкент — 1981, 87-бет). Бу сўزلардан чиқазиладиган хулоса шуки, тарихий ҳодисаларни тасвир



қилишда, маданий-адабий меросга муносабат масаласида энди, илгаригига қараганда анча талабчанлик билан жиддий ёндашиш зарур. Санъат — адабиётнинг жамият ҳаётидаги ролини борган сари кенгайиб бориши, унинг специфик табиатини тушунишдаги социализм тараққиёти билан боғлиқ бўлган янгилликлар — гуманистик йўналишдаги чуқурлик ва кенглик шуни тақозо қилади. Ҳозир энди санъат ва адабиётда борган сари кучга кирётган умумбашарий мотивлардан, ахлоқий принциплардан кўз юммаган ҳолда ижодда синфийлик ва партиявийлик принципларига изчил амал қилиш, уни янги талаблар даражасига кўтариш зарур бўлиб қолади. Масаланинг бу жиҳатида алоҳида диққатни жалб қилиб, Л. И. Брежнев XXVI партия съездидаги ҳисобот докладыда улўф доқийларимиз ва оташин революционерлар образини яратиш санъаткорларимиз учун муқаддас, айни замонда улўф самарали иш эканини кўрсатиб берди: «Санъаткорларимиз ижодида юксак революцион мотивлар ҳамон янграб келмоқда. Маркс, Энгельс, Ленин образлари, кўплаб оташин революционерларнинг образлари, Ватанимизнинг қаҳрамонона тарихи уларни санъатнинг жуда хилма-хил соҳаларида янги-янги қизиқарли асарлар яратишга илҳомлантирмоқда» (КПСС XXVI съезди материаллари, Тошкент 1981, 86-бет).

Л. И. Брежневнинг тарихий мавзунинг аҳамияти тўғрисидаги бу ҳароратли сўзлари муносабати билан ўзбек адабиётининг ўзига ҳос бир хусусиятига диққатни жалб қилиб ўтмоқчиман. Бизнинг адабиётимизда тарихий мавзу анча кенг ишланди, унинг жамоатчиликка манзур бўлган яхши намуналари ҳам бор. Лекин биз бу ўринда Ўзбек адабиётидаги бу темани маълум даражада чекланганлигини айтмоқчимиз. Адабиётимизда узоқ ўтмиш ҳаётдан XIV—XV, ҳатто XI—XII асрлар давридан олиб ёзилган тарихий мавзудаги асарлар бор. Лекин кейинги даврлар ҳаётдан, айниқса революцион курашлар даври, бу курашларда қаҳрамонлик кўрсатган инқилобчилар ҳаётини тасвир қилувчи асарлар жуда кам. Эҳтимол бу масалада маданий ҳаётимизда амалга оширилаётган муҳим тадбирлар — Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби улўф зотларга бағишлаб ўтказилган юбилей тантаналари роль ўйнагандир. Лекин шунга қарамай яқин тарихимиздаги революцион ўтмиш, Ватанимизнинг озодлиги йўлида айрим тарихий шахсларнинг олиб борган қаҳрамонона курашлари, уларнинг халқ бахти-саодати йўлида кўрсатган жонбозликлари ҳамма вақт адабиётимиз диққат марказида туриши керак. Шу жиҳатдан Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» драмаси ва кейинги вақтларда яратилган Худойберди Тўхтабоевнинг 1905 йил воқеалари қаҳрамони Намоз Пиримқул ўгани курашлари бағишланган «Қасоскорнинг олтин боши» сарлавҳали саргузашт романи диққатга сазовор.

Ватанимизнинг шонли ва шарафли революцион ўтмиши ва халқ озодлиги йўлида қаҳрамонона кураш олиб борган унинг азиз фарзандлари феолияти бундан кейин ҳам адабиётимизнинг биринчи сафдаги жанговар мавзуларидан бўлиб туриши керак.

Ўзбек адабиётида ўтмиш мавзуи устида гап борганда яна бир нуқтага тўхтаб ўтиш фойдадан холи эмас. Бу ўринда гап бадий асарларда ижтимоий-синфий мазмун билан умумбашарий мотивларнинг, ахлоқ масалаларининг нисбати устида бўлиши керак. Бу масала ҳамма ёзувчилар ижодида ҳам, ҳамма конкрет асарларда ҳам бир турли муваффақият билан ҳал қилинаётир, деб бўлмайти. Айрим асарларда умуминсоний ахлоқ категориялари таъсирига берилиб, асарда ижтимоий-синфий мазмунни хиралаштириш ҳоллари кўриниб қолади. Етакчи ва талантли ёзувчиларимиз тарихий материалга ёндашиш ва баҳолашда социалистик реализм принципларига тўлиқ риоя қилиб, синфий партиявий йўлни изчил давом эттирганлари ҳолда, айрим ёзувчилар ижодида ҳодисаларни баҳолашда ёки алоҳида шахслар характери яратишда ахлоқий категориялар билан чекланиб қолиш сезилади. Бадий ижодда рўй бераётган бундай камчиликларни ўзбек адабиётида ҳам учратиш мумкин.

Маданий меросга марксистик муносабат масаласи адабиётшунослик соҳасини ҳам танқидий кўздан кечиришни тақозо қилади. Утмиш адабиётнинг алоҳида намоёндаларини ёки алоҳида намуналарни баҳолаш масаласида адабиётшуносликда йўл қўйилган хатоликлар ёки ноаниқликлар, очигини айтиш керакки, ҳозир барҳам топмади, балки улар кўпайди. Масалан, биргина 1905 йилдан кейинги адабий ҳаётни баҳолаш масаласини эслаш етарли. Бу даврда майдонга келган адабий ҳаётни бутунисича баҳолашдаги давом этиб келаётган қарама-қарши нуқтаи назарлардан ташқари, бу даврда етишиб ижод этган айрим ёзувчи ва шoirларни қайси адабий лагерга мансуб эканлиги тўғрисида ҳам хилма-хиллик давом этиб келадики, булар адабиётшунослик илми мерос масалаларини ҳал қилишда жиддий қийинчиликларга дуч келаётганидан дарак беради.

Партияимизнинг XXVI съезди Ватанимизнинг халқаро ва ички ҳаётига оид жуда муҳим масалаларни муҳокама қилиб, зўр донолик билан уларни ҳал қилиб берди. Жамиятимизнинг ривожланган социализм давридаги маънавий ҳаёти, маданий тараққиёти учун партияимиз белгилаб берган режалари ҳамма маданий фронт заҳматқашлари учун, шу жумладан санъат-адабиёт аҳллари учун жанговар программа ҳисобланади.

## ҲАЁТИЙЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Кузатишимизча, кейинги йилларда «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси ўзининг бир қатор ижодий ташаббуслари билан чиқиб, адабиётшунослигимизнинг кўпгина ҳал этилмаган тарихий-назарий ва амалий муаммоларини ечиб беришга кўмаклашаётир. Айни бир пайтда республикаimizдаги етакчи адабиётшунос ва танқидчилар армиясини маълум бир мақсад ва вазифалар атрофида бирлаштириб, умумиадабиётшунослигимиз тараққиётига сезиларли таъсир кучини ўтказиб келмоқда. Бугунги «КПСС XXVI съезди ва адабиётда ижобий қаҳрамон проблемаси» мавзудидаги суҳбат-баҳс ҳам худди ана шу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Масаланинг бу тахлитда қўйилиши эса, бизнинг назаримизда «Партия ва адабиёт», «КПСС XXVI съезди ва адабиётимизнинг тараққиёт проблемалари» каби бир қатор кардиналь масалаларни ҳал этишга замин ҳам ҳозирлайди. Яна ҳам муҳими, адабиётимизнинг сиёсий-ижтимоий, бадий-эстетик ва таълим-тарбиявий қимматини баҳолаш, адабиётимиз камолотини кўрсатиш имконини беради.

Ҳап адабиётимизда ижобий қаҳрамон яратиш муаммолари ва тажрибалари ҳақида борар экан, аввало ижобий қаҳрамон мазмунини тўлдирётган ва бойитаётган манбанинг ўзи—ҳаёт оқимининг, давр довури ва нафасининг бой, ранго-ранг ва чуқурлигидан деб қаралмоғи лозим бўлади. Негаки, ҳамма даврнинг ўз ижобий қаҳрамонлари бўлган, улар ўз қиёфаси, характери ва ҳаракати орқали давр нафасини ўзида умумлаштириб келган. Шунинг учун ҳам ижобий қаҳрамон номи ва тушунчаси ҳар даврда сақлангани ҳолда, унинг моҳияти ва мазмунида силжиш, ўзгариш ва янгиланиш ҳолатлари давом этади. Лекин бу деган сўз масалан 20 ёки 30-йиллар адабиёти яратган ижобий қаҳрамон образини ёки бошқа бирор бир давр қаҳрамонини камситишига асло олиб бормаёди. Аксинча, бу ёрада орттирилган тажрибалар келажак мақсадлар учун хизмат қилишини тақозо этади. Шу маънода ҳозирги ривожланган социализм даври ижобий қаҳрамонлари қиёфаси, маънавий олами, характери ва интилишида маълум ўзгаришларнинг; фарқ ва кўтарилишнинг бўлиши ҳам табиийдир. Негаки, мана шу сўнги 60—70-йилларнинг ўзида босиб ўтилган йиллар ва йўллар қолдирган тарихга назар солсак, унда мамлакатимиз тараққиётида ва халқларимиз қиёфасида нақадар катта ва мислсиз ўзгаришлар, ривожланишлар бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу—фақат мамлакат ҳаёт-дағина эмас, коинотни ўзлаштириш борасида, халқаро ҳаёт оқимида ҳам буюк силжишлар кечмоқда. Хусусан, совет кишилари олиб бораётган умумбашарий ишлар, яратувчилик ва бунёдкорлик фаолиятидаги зўр кўтаринкилик ва активлик, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини адо этиш ташаббуслари, маънавий-ахлоқий оламида камол топаётган коммунистик эътиқод замондошларимизнинг мазмунига мазмун қўшмоқда. Мана шу ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий юксалиш бугунги кун адабиётидаги ижобий қаҳрамон қиёфасини ҳам белгилаб бераётир. Бу ўз навбатида партия ва халқ, адабиёт ва ҳаёт ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг янги босқичга кўтарилаётганлигини далolat ҳамдир.

Кузатишлардан маълум бўлишича, ҳеч қайси бир даврда адабиёт иши бунчалик умумхалқ, умумпартия ишига айланмаган, ҳаётга бунчалик актив аралашмаган эди, дейилса хато бўлмас. Чунки, бугунги ижодкор давр олдида турган барча мураккаб ҳаётий муаммоларни ҳал этишда партия ва халқ билан ёнма-ён туриб, улуг коммунистик қўрилишда актив фаолият кўрсатаётир. Ҳаёт олға сурган қаҳрамонлар орқали жамиятнинг сиёсий-бадий юксалишига таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳол ўз навбатида партия ва адабиёт, халқ мақсадларининг бир-бири билан узвий бирлигида, манфаатлар бирлигида эканлигини ҳам исботлайди. «Халқ манфаатлари билан яшаш,— деб кўрсатади Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган ҳисобот докладиди,— унинг қувонч ва қайғусига шерик бўлиш, ҳаёт ҳақиқатини, инсонпарвар идеалларимизни қарор топтириш, коммунистик қўрилишнинг актив иштирокчиси бўлиш—санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат».<sup>1</sup>

Бинобарин, адабиётимизга хос бундай ардоқли сифат ва белгиларни рўёбга чиқаришда ижодкорнинг ғоявий нияти ва у яратган ижобий қаҳрамони етакчи роль ўйнайди.

Ҳап бу ўринда адабиётимизда яратилган ва яратиладиган ижобий қаҳрамон образи масаласида борар экан, бизнингча, масалага киришишдан олдин баъзи тушунча ва терминларнинг ўзини аниқлаб олиш фойдадан холи бўлмайди.

Бу аввало одам, инсон деган ном ва тушунчаларнинг ўзига аниқлик киритиш, критериясини белгилашдан иборатдир. Бизнингча, одам, инсон тушунчалари ҳозирги вақтда адабиётимиздаги конкрет тушунчалардан, ижобий баҳолашдан кўра анча кенг маънода қўлланиладиган бўлиб кетаётир. Жумладан, улуг пролетар ёзувчиси Максим Горький бизнинг замонамизда «Инсон номи мағрур жаранглайди», деганида ўша янги дунё яратаётган, буюк ўзгаришлар қилаётган бунёдкор инсонни кўзда тутганли-

<sup>1</sup> КПСС XXVI съезди материаллари, «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1981, 88-бет.

гига ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас. Ҳозирда ҳам биз шундай ва бундан ҳам кенгрок тушунамиз, аниқроғи илғор инсониятни, жаҳонда социализм ва коммунизм қураётганлар авангарди — совет халқини тушунамиз. Одам номи ва тушунчасига келганда ҳар қандай одам, умуман инсон зотиға тааллуқли барча шахс асар қаҳрамони бўлиш даъвосига эғаи, деган савол туғилади. Ҳар қандай одам асар бош ижобий қаҳрамони бўлиши шарт эмас. Гап бу ерда ишчи, деҳқон, интеллигент ёки коммунист, раҳбар ўртасидаги ёки лавозим, мансаб, даражасидаги фарқлар ва устунликларда эмас. Аксинча, у кимлигидан қатъи назар актив фаолият кишиси, лозим бўлса ижобий маънодаги тиниб-тинчимас «исёнкор», яратувчи, бунёдкор, катта ҳаёт, катта бахт кишиси, аниқроғи коммунистик идеал эғаси бўлмағи лозим. Шу ҳолдагина у адабиёт олдиға қўйилган ғоявий мақсадни амалға ошира олади. Яъни жамиятға ҳам эркин, ҳам ихтиёрий таъсир кўрсатади, воқелик билан, узвий бирликда ўқувчини эстетик тарбиялашға хизмат этади. Шундагина инсон за одам деган тушунчалар ўз яхлитлигини, бутунлигини сақлайди, майдalaniшиға имкон туғилмайди...

Бу жиҳатдан совет адабиёти ва у яратган тўлақонли ижобий қаҳрамонлар жаҳон адабиёти тараққиётиға, жаҳон китобхони онғиға сезиларли таъсир кўрсатаётганлиги, намуналилик ролини бажараётганлиги бежиз эмас. Албатта бундай катта маънавий бойлик заминида ўша буюк совет кишиси туради, совет характери, бунёдкор совет халқи туради.

Социалистик тузумимизнинг ўзиға хос хусусият ва белгиларидан бири ҳам ана шу буюк совет халқи тушунчаси қанотида ишчи, колхозчи деҳқон, интеллигенция синфини бирлаштириб туришидадир. Бунға совет кишисининг коммунистик ва раҳбар типи қўшилса, адабиётимиз мавзуи ва қаҳрамонларининг нақадар ранг-баранг, бойлиги келиб чиқади. Аммо гап қайси йўсинда, баҳс қайси тахлит ва доирада бормасин, бизнингча муҳими, адабиёт, халқ, партия ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашға, совет кишиси, совет турмуш тарзиға хос энг ардоқли сифатларни умумлаштиришға, унинг таълим-тарбиявий активлигини оширишға, бир сўз билан айтганда коммунистик келажакни бунёд этишға қаратилмоғи лозим. Шундагина адабиётимиз яратадиган қаҳрамонлар ҳаётийлик мансабиға кўтарилади, жозибадорлиги, таъсир кучи ортади.

Ўрни келганда шуни ҳам қайд этиш керакки, ҳаётийлик мезонининг ўзи анча кенг тушунча бўлиб, ҳосағ тирик, жонли, фаолиятли ва актив ҳаракатдаги, буюк мақсадли қаҳрамонларни тушунса ҳам бўлади. Албатта унинг яқна шахс (мен) ҳолатида ҳам, коллектив (биз) ҳаёт тарзида ҳам умуминсоний, умумбашарий мақсадлар, ўз халқи, партияси манфаатлари ўз нафси, ўз оромидан юксак туриши зарур. Шундагина бундай кишилар ва қаҳрамонлар коммунистик идеалли деган тушунчани ўзида ифодалай оладилар.

Агар биз КПСС XXVI съезди ва Ўзкомпартиянинг XX съезди материалларини, шунингдек СССР Ёзувчилари, Ўзбекистон ёзувчиларининг бўлиб ўтган навбатдаги съездлари руҳи билан яқиндан танишсак ҳозирги адабиётнинг, замонавий қаҳрамонларнинг ҳислатлари ҳаётға актив аралашувдан, коммунистик қурилишнинг зарбдори даражасиға кўтарилишдан иборат эканлигиға яна бир бор иқроор бўламиз. Бас, шундай экан, бизнинг адабиётимиз қаҳрамонлари ана шу коммунистик ғояларға амал қиладиған, уни ҳаётға тадбиқ эта олишни уددасидан чиқадиған, ҳа уддалай оладиган актив фаолият кишиси бўлмағи керак. Шу жиҳатдан қараганда Ойбек яратган Уқтам ва Комила, А. Қаҳҳор яратган Саида, Ш. Рашидов яратган Ойқиз, Олимжон, Пўлат ва Баҳорлари, ёки Н. Сафаров, Ҳ. Фулом, А. Мухтор, Мирмуҳсин, Р. Раҳим, С. Аҳмад, Шухрат, П. Қодиров, О. Ёқубов, У. Умарбеков, У. Усмонов каби романистлар яратган ижобий образлар ҳар жиҳатдан эътирофға лойиқ эканлигиға қониқиш ҳосил қиламиз.

Саида образини кўз олдимизға келтирайлик. У дастлаб оддий, бўш-баёвдек кўринадди. Пироварди, ҳаётға актив аралашуви оқибатида йўлидаги ман-ман деган ғовларни кўпориб ташлайди. Оқибатда маълум даврда сидир бўлган ҳаётдаги қоқоқликларни кўпориб, янги шароитни юзаға келишида жонбозлик кўрсатади. Шароит билан бирға ўзи ҳам актив, бунёдкор даражасиға, коммунист — раҳбар даражасиға кўтарилади. Аммо бунгача у анча машаққат, меҳнат, чидам, сабот, кураш деган тушунчалар билан рўбарў келди, пировардиға ғолиб чиқди. Чунки у бошданоқ халқ билан, партия билан ҳамфикр, ҳамғоя, ҳаммақсад эди. Мақсади элга — юртға, она-Ватанға, жонажонни ёки Баҳор ва Пўлат образларини олиб кўрайлик. Мана уруш даврининг оғир жонли ёки Баҳор ва Пўлат образларини олиб кўрайлик. Мана уруш даврининг оғир дамлари, ҳамма фронтға кетган. Бир томонда оғир жанг, иккинчи томонда очлиқ, етишмовчиликлар, қисқаси, олам-олам ҳаётий қийинчилик ва ташвишлар. Ана шундай шароитда Пўлат каби ёшлар мураккаб ҳаёт домиға кириб келадилар. Ҳаёт зарблари бешафқат: ҳар хил қийинчиликлардан ташқари Пўлатнинг ҳаёт саломатлиги ҳам яқши эмас. Бунинг устиға ҳаётда тўрахоновчилик касали ҳам ғов бўлиб туради. Буларни енгиш, ғолиб келиш унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди. Фақат ундаги Ленин комсомоли воёға етказган, партия қуроллантирган коммунистик ғояларғина қўл келади. Унға ирода, ишонч, куч ва ғолибкорлик бахш этади. Ёйинки А. Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат...» қиссасидаги Мардонқул Заргаров образини эслайлик. Ёзувчи бу образ орқали совет кишиларининг саҳроларни ўзлаштиришдаги жонбозлигини, шиддаткор характерини, коммунистик қурилишдаги фиойиллигини умумлаштиришни кўзда тутди. Асарда ўз «зиммасида бир дунё юк, бир дойилигини умумлаштиришни кўзда тутди. Асарда ўз «зиммасида бир дунё юк, бир дунё масъулия» кўтара олган, асрий уйқудаги саҳро оромиға чек қўйиб, унға «ҳаёт бундини» етаклаб келган бехаловат, бунёдкор замондошларимиз образи намён бўлади. Мардонқул образи мисолида катта ҳаёт, катта бахт, катта муҳаббат ғояси илғари сурилиб, у сон-саноксиз ҳаётий қарама-қаршиликлар гирдобида товляниб боради. Бу аввало, саҳро табиий шароитининг мураккаблиги, ташқи дунёдан узоқдалигида бўлса,

қолаверса ҳамма идора ва раҳбарларнинг ҳам бу ишга бирдек хайрихоҳ эмаслигида кўринади. Айниқса, область ижроия комитетининг раиси Шоаҳмад Аббосов каби «на яхшилик, на ёмонлик» қўлидан келадиган бевурд шахслар қаршилигига дуч келишида бу аниқроқ кўзга ташланади. Бунинг устига саҳрода маҳбуслар билан ишлаш қийинчилиги ва оиласи Фотиманинг беқарорлиги асар конфликтини бой ва таранг қилиб туради. Мухими Заргаровнинг ана шу кенг кўламли кураш ва тўқнашувда, меҳнат ва яратиш майдонида ёлғиз эмаслиги эди. Яъни, унинг атрофидаги ажойиб кишилар, партия ва ҳуқуқат органлари, уларнинг чинакам вакиллари Заргаров ташаббусини ҳаммиша қўллаб-қувватлайдилар. Унинг буюк яратиш ғоясига қанот бағишлайдилар. Натижада у буюк инсон деган, одамларнинг одами, одмиси даражасига кўтарилади, кўринадики, ижобий қаҳрамон учун юқорида қайд этилган сифатлар билан бирга **одамийлик**, **одмилик** каби хислатлар ҳам муҳим фазилат бағишлайди. Чунки, ҳамма ҳам одам бўлгани билан, ҳатто коммунист саналгани ёки раҳбар бўлгани билан у **одамларнинг одами** ва **одмиси** бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Бу жиҳатдан ўша Заргаровнинг Ш. Аббосов ҳақидаги фикри характерли кўринади: «Менинг дўстим жуда кўп турли амалларда юриб кўрди, фақат инсонлик (таъкид бизники С. М.) мартабаси насиб қилмади унга!» Мана шу инсонлик мартабаси ҳаётдаги каби адабиётдаги ижобий қаҳрамонларимизда ҳам ҳаммиша етишавермайди. Шунинг оқибаотида ўша биз орзу қилган ва ёқламоқчи бўлган ҳаётийлик маъноси тўлмай қолади.

Хўш, инсонлик ёки одмилик деган сифатлар билан, ана шу ҳаётийлик тушунчалари ўртасида қандай алоқа ва яқинлик бор? Бизнингча, инсонийлик, одмилик, камтарлик, виждонлилик, инсофлилик, ҳалоллик каби қатор ижобий хислатларнинг ҳаммаси ана шу ҳаётийликнинг конкрет кўриниши ёки конкрет ифодаси деса хато бўлмас. Мен бу ўринда адабиётимиз оқсоқолларидан бири ёзувчи Ш. Рашидовнинг ўтган йили «Правда» газетаси мухбирлари билан олиб борган «Раҳбарнинг камтарлиги» мавзусидаги суҳбатда камтарлик бу инсоннинг зийнати эканлиги ҳақидаги хулосаларини тўла-тўқис қувватлашни истардим. Суҳбатда келтирилган қатор конкрет ҳаётий мисолларнинг ўзи ва унинг таҳлили бу масалада ортиқча баҳсларга ўрин қолдирмайди. Айниқса буюк пролетар доҳийлари К. Маркс ва В. И. Ленин сиймолари мисолида келтирилган ва ёқланган одмилик, оддийлик сифатлари кенг халқ оммасини тарбиялашга даъват этилган адабиётимиз қаҳрамонларининг асосий мартабаси бўлиб қолишини истардим. Шу жиҳатдан машҳур совет ёзувчиси Ч. Айтматовнинг «Асрларга татигулик кун» романидаги Бўронли Едигей образи айниқса диққатни тортади. У гарчи оддий, камтарин, аниқроқ айтганда одми бўлиб кўринса ҳам, аммо ҳаётда жуда катта мавқега эга бўлади. Ёзувчининг маҳорати ҳам шундаки, у ўз қаҳрамони орқали авлод-аждодларнигина эмас, оламини, коинотни бир-бирига узвий боғлиқлиги масаласини яхлит, бир бутунликда ўртага қўяди. Бўронли Едигей ана шу ҳаётий доиранинг ўқ-ёйи даражасига кўтарилди. Шундай ҳолда ҳам у ўша оддий, одамларнинг одами, инсон деган мартабадан баландлаб кетмайди. Шунинг учун у китобхон учун ҳам ёқимли, жожибадор ва ҳаётий бўлиб туюлади, туюлади эмас, шундай гавдаланиб туради.

Ёки КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев яратган «Тикланиш», «Киичи ер», «Кўрик» трилогияси қаҳрамонларини олиб кўринг. Ўша машҳур «Кўрик» асаридаги тракторчи Д. П. Нестеренкони қаранг. Ахир у ҳалокатга учраб, ёнидан ҳужжати топилмагунча кўпчилик уни Совет Иттифоқи Қаҳрамони эканлигини пайқамган, аниқроқ уни ўзи сездирмаган. Яна ўша асардаги студент-прораб Василий Рагузевни кўз олдингизга келтиринг. «Бизнинг халқимиз бой ва фаровон яшасин деб мен чўлга отландим, мен бошлаган ишни сизлар давом эттиришингизни истар эдим. Энг муҳими, ҳаётда чинакам инсон (таъкид бизники — С. М.) бўлишдир». Ана ўша чўл бўрониди адашиб, ҳалокатга учраётган ёш бир совет кишининг қалби. У оддий, босиқ, ҳар қандай баландларвоғ гаплардан ёшли, дод-фарёддан йироқ. У вақт, шароит тақозоси билан тақдирдан қўрқмайди, аксинча камтарин, босиқ, оддий совет кишилари каби ўша буюк инсон деган мансабга содиқ қолади.

Кўринадики, санаб ўтилган ва келтирилган мисолларнинг ўзи яратилган ижобий қаҳрамонларимиз ҳар қандай сохта сифатлардан йироқ бўлиб, совет кишиси деган тушунчанинг нақадар чуқурлашиб, бойиб, фойзли бўлиб бораётганлигини тушуниш имконини беради, уларга хос ҳаётийлик мезонининг тўла маънога кираётганлигини кўрсатади. Масала ва баҳс адабиётимиздаги ижобий қаҳрамонлар образининг яратилиши ҳақида борар экан, унинг меҳнат фаолияти, сифати ва критерияси ҳақида ҳам қисман бўлса-да тўхталишни тақозо этади.

Маълумки, бизнинг социалистик жамиятимизда ҳамма меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу совет Конституциясида олтин ҳарфлар билан битиб кўйилган. Яна эркин, ўз қобилияти, ўз иқтидорига кўра меҳнат турини танлайди. Булардан 80 миллиони ишчи, яъни иш билан банд бўлган аҳолининг учдан икки қисми, 60% ўрта ва олий маълумотли колхозчи-деҳқон, шунингдек, ҳар тўрт ходимнинг бири ақлий меҳнат кишиси ҳисобланади. Бинобарин, совет кишиси тушунчасининг бу тарздаги социал сифатининг ўзгариши ривожланган социализм шароитида меҳнат мазмунини, формаси ва мундарижасидаги янгиланиш, ўзгаришни тушуниш имконини беради. Айни чоқда меҳнат кишиси онги, характери, ҳаракатида, билими, психологияси ва дунёқарашда кечаётган интеллектуал юксалишдан далолат ҳамдир. Пировард натижада, қишлоқ билан шаҳар, ақлий меҳнат билан jisмоний меҳнат ўртасидаги фарқ ва тафовутларнинг емирилиб бораётганлиги белгиси ҳамдир. Албатта, фан-техника тараққиёти оқибаотида деҳқон билан зиёлини, ишчи билан деҳқонни бир-бирдан расмий, тор маънода ажратиб

олишни ҳам мураккаблаштиради. Чунки маълумотсиз, билимсиз на деҳқончилик, на ишчи касби камолотга кўтарила олади. Шу боисдан ишчи, деҳқон, интеллигент тушунчалари ҳам синтезлашиб бормоқда. Шундай бўлгач, бугунги замондошимиз образи ҳам ана шу жараёнларни, сифат ўзгаришларини ва кўтарилишларни ўзида ифодаламоғи лозим бўлади. Бунинг устига халқро воқеаларнинг бориши, икки система ўртасидаги муносабат ва курашларни мураккаб жараёнга кириши замондошимиз елкасидаги масъулият юкини ва ҳиссини яна ҳам оғирлаштиради, жамият оядидаги бурчи ва вазифасини мураккаблаштирмоқда. Табиат, коинот ва келажак олдидаги буюк инсоний жавобгарлик ҳиссини, масъулиятни оширади. Модомики, масала мураккаб экан, биз яратаётган қаҳрамонлар ҳозирги кун талаблари даражасида қолмай, келгуси имкониятларни ҳам ўзида сиғдирмоғи лозим. Шундай бўлгач, қаҳрамонимиз гармоник — ривожланган, ҳам ақлий, ҳам жисмоний, ҳам интеллектуал жиҳатдан юксалган, маънавий-ахлоқий пок катта масштабли шахс бўлмоғини тақозо этади. Шу ўринда инсонга хос яна бир жиддий масалани ҳам эслатиб ўтишни лозим деб биламиз. Яъни инсон сифатида фақат буюк тарихий шахсларгина бенуқсон, кам-кустсиз бўлиши мумкин. Аммо кўпчилик инсон шахс сифатида ҳам, раҳбар ёки коллектив аъзоси сифатида эса баъзи табиий нуқсон ва камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Демокчимизки, адабиётда яратиладиган ижобий қаҳрамонларда ҳам шундай ҳол кечиши маълум маънода уларнинг ҳаётий, табчийлигини ҳам сақлаб қолишга имкон беради. Айни чоғда ижобий қаҳрамонларнинг ҳар қандай йўсинда, ҳар қандай камчиликлардан холи тарзда идеаллаштиришдан ҳам асрайди. Шу жиҳатдан Пўлатнинг ногиронлиги («Қудратли тўлқин»), Нормурод Шомуродовнинг («Диёнат») ўжар ва чўрткесарлиги, Маҳамат бригадир («Гирдоб»)нинг «чатоқлиги» каби «камчилик» ва «нуқсон»лар уларга хос ижобий хислатларни заррача камситмаган ҳолда, аксинча ҳаётийлигини, тирик, жонли одам тарзидаги қиёфасини тўлдириб туради.

Бинобарин, яратиладиган ижобий қаҳрамонларимиз мақсади, ғояси, фаолияти, ақтивлиги, кенг масштаблиги билан бирга айрим инсонга хос табиий камчиликлардан ҳам холи бўлмагани маъқул. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам табиийликдан, ҳаётийликдан четдаги сохта бўёқлардан сақланиш лозимдир.

Хуллас, инсон ҳақида, адабиётимизда ижобий қаҳрамон образини яратиш ҳақида баҳс борар экан, ҳамиша унга кенг кўламда, ҳар томонлама чуқур ёндашиш зарур. Аниқроқ айтганда унинг ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий, оилавий ва ижтимоий ҳолатларни узвий бирликда, яхлитликда ва синтез тарзда яратиш лозим бўлади. Камол топган шахс-инсоннинг бундай ҳолатдаги тасвири ҳам жамиятни янги босқичга етаклайди, ҳам бадий таракқиётга кўтаради. Бу ўз навбати билан адабиётимиз ва у яратган тўла маънода ижобий қаҳрамонлар образининг тарбиявий-эстетик қимматини тайин этади. Бунинг учун яратиладиган қаҳрамонларимиз тўла маънода ҳаётий бўлмоғи лозим.

## Салоҳиддин Мамажонов

### ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОНДА ДАВР РУҲИ, ЁЗУВЧИ ИДЕАЛИ БЎЛСИН

Ҳаётда бирор кимса топилармикан, у фақат ўтмиши, кечаги куни оғушида яшаса ёки фақат бугунги ишлари, ташвишлари ва ютуқлари билан овора бўлса, кифояланса, ё бўлмасам, фақат хаёл-орзу билан банд бўлса-да, на ўтмишини хотирлайди, на бугунги куни билан қизиқади. Асло бундай одам йўқ. Бадий адабиётдаги ижобий қаҳрамон ҳам қандайдир ҳавойи нарса ёки кўғирчоқ эмас, у ҳаётда мавжуд бўлган ёки яшаб ўтган одамларнинг ёрқин, жонли, қабариқли, монументаль типик образидир. Шунинг учун ҳам унда инсоннинг, халқнинг босиб ўтган мураккаб йўлининг аниқ муҳри, излари ётади, у яшаётган даврнинг энг илғор белгилари, тенденциялари мужасамлашади ва бу ҳар томонлама мукамал, гўзал, бош ҳарф билан ёзилувчи инсонда келажак куртаги бўлади. Бошқача айтганда ижодкор уни — ўз қаҳрамонини идеал нури билан ёритиб, орзу бўёғи билан чизади. Шу туфайли ижобий қаҳрамонда ёзувчининг ҳам ҳаётга, воқеликка яхлит бир бугунлигича қарashi, инсон ва дунёни ўзаро бирликда идрок этиши, ҳам инсонни тушуниш даражаси ифодаланади. Ёзувчининг маҳорати, кашфиёти ўзига хослиги ҳам унинг фикрлари, орзу-идеалларини ўзида мужасамлаштирган янги қаҳрамонни, образни (ижодкор салбий образлар орқали ҳам ўз идеалини олға суради) ярата олишида кўринади. Ижобий қаҳрамоннинг фаол, қурашчан ва кўп қиррали бўлишининг — мураккаб ҳаёт йўли, кураш майдонини босиб ўтиб, ўз мақсадига етишининг илдизи ҳам шу ерда. Ҳар бир ёзувчи, ҳар бир даврнинг ёзув-

чисининг бош мақсади — вазифаси ижобий қаҳрамон образини яратиш бўлган. Шунинг учун ҳам бугунги ўзбек романчилигига баҳо берганда ижобий қаҳрамон маселаси бош мезон бўлиши керак.

Бир дўстим, ўзбек адабиёти доаруғини қайси адабий жанр билан боғлай оласиз ёки соддароқ айтганда унга шеърят катта шухрат келтирадими ёки романми, деган саволни бериб қолди. Шеърятимиз шухратининг катталигига шубҳа йўқ. Унинг устига айтайлик Ғафур Ғулом ёки Абдулла Ориповнинг рус тилига қилинган таржималари ҳеч бўлмаса оригиналига ярим даража яқинлашганда эди, шеърятимиз шухрати бундан ҳам узоқроққа кетган бўлурди. Ўзбек шеърятининг қудрати, гўзаллигининг ўзга халқларга тўлароқ етиб боришини орзу қилардим. Бу деган сўз, ўзбек романчилиги жаҳон миқёсига парвоз этолмаяпти демак эмас. «Ўтган кунлар» романи совет тарихий романчилигидаги илк намуналардан (иккинчи тарихий роман) эди. У чет элларга етиб борди. «Навой» романи тарихий-биографик жанрда яратилган энг яхши совет романларидан деб тан олинди, қўшни халқларга намуна — ижодий мактаблардан бири бўлиб хизмат этди. У ҳам жаҳон майдонига чиқди. «Бўрондан кучли», «Опа-сингиллар», «Ҳазрати инсон», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунларчи!» Бу романлар ютуғи романчилигимизнинг бундан кейинги ривожига катта умид билан қараш туйғусини уйғотади. Мазкур асарлар ютуғи заминида ҳам уларда жозибали, ёрқин янги ижобий қаҳрамонларнинг яратилиши ётибди. Тўғри, шеърятимиз парвози замини асрий бэй шеърый традициянинг кучлилигига бориб тақалади. Романчилигимиз учун классик адабиётимизнинг ҳаётбахш традицияси йўқ деб айта олмаيمиз. Агар ҳозирги совет романчилиги ва умуман дунё романчилигига разм солинса, унда учта бош фазилат-тенденцияни кўриш мумкин. Бу эпикликка, лиризмга ва драматизмга мойиллик. Бизнинг Шарқ дostonчилигимизда мазкур санаб ўтилган учта белгининг дастлабки икkitаси мавжуд эди. Навой «Ҳамса»сидаги «Фарҳод ва Ширин» ёки «Садди Искандарий» дostonларида («Шоҳнома» ёки Низомий дostonлари каби) ҳаётни кенг кўламда тасвирлашга мойиллик, воқивайиллик, эпик қаҳрамонларнинг кўплиги ва уларнинг қабарик, монументаль шаклда беришга мойиллик бизнинг Ўрта Осиё республикалари ромаңчилигининг қонқонига сингиб кетган. Бизнинг романларимизда романтиканиннг кучлилиги ҳам шунга ёсриб тақалади. Шарқ шеърятининг кучли таъсири бизнинг романларимизда (Абдулла Қодирий, Ойбек, Шароф Рашидов) лиризмнинг чуқурлигида ёрқин кўринади. Қаҳрамоннинг ички дунёсига чуқур кириш ва ундаги ранг-баранг ҳолатларни ифодалаш тенденцияси кучли. Бекорга Ойбекни шеърятда прозажу, прозада шоир деб, айтишмайди. Шароф Рашидов романларидаги кўтаринки услубини таъминлашда шу шеърятнинг роли катта бўлди. Қизиги шундаки, бизнинг романнависларнинг аксарияти (айниқса кекса авлод) адабиётга шеърят даргоҳидан кириб келганлар. Кўплари ҳозир ҳам параллел равишда ижод қиладилар (Асқад Мухтэр, Ҳамид Ғулом ва бошқалар). Аммо классик адабиётимиз анъанасидан фойдаланишда (эпиклик ва шеърятдан) камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу ташқи эпиклик кетидан қувишда, воқеанависликка, қаҳрамон саргузаштини чизишда — географик майдонни ва вақт чегарасини кенг олишга мойилликда кўринади. Бизда дилогия ва трилогиянинг кўплаб яратилиши, булар орасида худди шу ўзини оқламаган ташқи монументаллик иллати борлигини айтиш керак. Тўрт китобдан иборат бўлган «Хоразм» романида шу ҳолни сезиш мумкин. Ёки Мирмуҳсиннинг «Илдишлар ва япроқлар» романининг бадий қувватига (ижобий фазилати хусусида биз аввал матбуотда фикр билдирган эдик) ташқи монументаллик қусури ҳолақит бериб турибди. Бош қаҳрамонлардан бири Онаҳон бошидан жуда кўп саргузаштлар ўтади, бироқ баъзилари мантикий, психологик жиҳатдан ишонтирмайди. Онаҳоннинг Яхшибек тузоғига осонликча илиниб қолишида сунъийлик ётади. Жўрабоявни ёзувчи бирданга райком секретарлигидан олади, унғача уни обкомда ҳам мақтайди, Марказий Комитетидан келган раҳбар ҳам мақтайди. Муаллиф бу ерда сунъий йўл билан драматизмни кучайтирмоқчи бўлади. Роман ҳали битмаган, у эҳтимол, яна бир неча китобдан кейин якунига етар. Ёзувчи уларда ҳали бор бўйича гавдаланмаган образларни қиёмга етказар, икки хил қарашдаги одамлар очиқ майдонга чиқиб (ҳали улар очиқ тўқнашганлари йўқ), ўз ғояларини кескин ҳимоя қилар, камроқ далилланган ўринлар, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати мантикий психологик ниҳоясига етказилар, тасвир ва бўёқда ортиқчаликларга барҳам берилиб, тиниқлик ва мутоносбликка эришиллар.

Схематизм мавзу танлашда, қаҳрамон танлашда ва уни бадий талқин қилишда кўринмоқда. Ўз йўлини топаётган инсон, қайта тарбияланаётган инсонни тасвирлаш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ конфликтлар атрофида айлланиш иллати (илғор раис, қолоқ раис ёки раҳбар) йўқ эмас. Ҳақиқат учун фаол курашувчи руҳий, маънавий бэй, давлат ва жаҳон миқёсида фикрлайдиган монументаль қаҳрамон яратиш ўрнига нур-сиз, сунт ва майда ташвишлар билан овора схематик образлар тўқнишга берилиш бор. «Сайли» романи Улуғ Ватан уруши давридаги халқ ҳаёти, одамлар руҳи, ахолқи ва уларнинг жасоратини акс эттиришга бағишланган. Лекин бу умумий гаплар. Уруш мавзусига бағишланишнинг ўзи ёзувчиға шон-шухрат келтирмайди. Ёзувчи уруш мавзусининг қайси очилмаган саҳифасини очди, қандай ижтимоий, ахлоқий масалани кўтариб чиқди ва бадий хал қилди, қандай янги қаҳрамон яратди — ҳамма гап шунда. Мазкур романда ана шу саволларга жавоб йўқ. Унда уруш бўлганлиги, одамларнинг урушга кетганлиги, фронт орқасидагиларнинг ишлари, кўпроқ оилавий ташвишлари, эвакуация қилинганларни кўтиб олиш, жойлаштириш, болаларини боқиб олиш, фронтга ёрдам йиғиш, пул, тилла тақинчоқлар тўплаш, фронтга бормаи маънавий-ахлоқий бузуқликлар қилувчилар, душман томонга умид билан қараганлар, фронтдаги жанг эпизодлари... Булар қанчадан-қанча асарларда, киноларда тасвирланган. Ёзувчи унинг ўрнига бирор-та ахлоқий масалани ўзбек тарҳли қилиш орқали, яхши одамларни ҳам, ёмонларини

ҳам кўрсатиб бериши мумкин эди. Энг муҳими асарнинг бош қаҳрамони деб кўрсатишмоқчи бўлган Сайли образи жуда хом. Унда жозоба йўқ. У қайси тилҳати билан китобхонни мафтун этади, тарбиялайди, унга намуна бўлади? Унда бир-икки эпизодни эътиборга олмаганда (Насибуллани фош этиш ёки депутатликка номзод кўрсатиш йўғинидаги) фаоллик, дадиллик йўқ. Ёзувчи Сайли ва бошқа қаҳрамонларнинг ижтимоий сиймосини, жамият ичидаги фаолиятини очишга эътибор бермайди. Образлар чала-чулпа бўлиб қолган. Маҳмадшерни бошдан қора бўёқ билан тасвирлайди. Бироқ қамалиб келиб яна яхши ерларда ишлайди, эътиборли одам сифатида юради. Аммо бунга ўқувчи ишонмайди. Сотти актриса бўлмоқчи, ёзувчи бу кэсбни нафрат билан тасвирлайди аввал. Ваҳсолани ёзувчи диққатини артистликни қоралашга эмас (ўзи истамагани холда), балки Соттининг хулқини фош қилишга қаратиш керак эди. Хўш, пойтахтдаги курултой иштирокчиларига берилган катта концертда Сотти «Муножот»га ўйнайди. Демак у тўғри йўлдан борган экан-да! Зулфизар — Анди ҳам йўл-йўлакай кўриниб йўқ бўлиб кетади, ашулани Султон Муродов ҳам. Шуни айтиш керакки, битта бош қаҳрамоннинг ўзи роман тақдирини ҳал этмайди. Ёзувчи гоҳини ўтказишда ва айни чоқда бош қаҳрамоннинг тўлақонли, етук, жозибали чиқишида «иккинчи» даражали қаҳрамонлар — барча характерлар системаси ҳал қилувчи роллардан бирини ўйнайди. Бизнинг романларимизда бош қаҳрамоннинг етук чиқмаслиги ва характерлар системасининг яратилмаслиги, яъни «иккинчи» даражали қаҳрамонларнинг схематик, нурсиз бўлиб қолиш иллати ҳам шу ерда бўлса керак. «Сайли»даги Тўлақон опа Шоҳмонова ҳам схематик, чала образ. Унинг устига аввал уни биринчи паранжи ташлаган, биринчи гомсомолга кирган, Крупская билан расмга тушган деб тоза мақтайди. Кейин уни Маҳмадшер, Давлатовлар билан бир кампаниядаги одам сифатида қоралайди, танқид қилади. Агар шундай илғор одам кейин иккирозга учраган бўлса (бундай ҳодиса ҳаётда бор), буни психологик далиллар билан асослаш керак эди. Сайлининг биринчи эридан қолган ўғли Уктам тақдирини, унинг биров томонидан тарбияланиб олиниши, онасининг уни кўгани бориб танимагани (радиодан товушини эшитиб таниган эди аввал), кейин боқиб олган хотин ўлими олдидан сирни очиши кишини ишонтирмайди ва булар ҳинд фильмларига тақлиддан бошқа нарса эмас. Миллиционер Эсонбоев образи ҳам схематик (ҳатто жинқятчини қамоқдан чиқариб, ўрнига уни киритиб қўйилиши эпизоди ҳам аввал киноларда қўлланилган). Кўриниб турибдики, ёзувчининг инсон, ижобий қаҳрамон тўғрисидаги қарашлари, идеалларида саёзлик бор.

Ўзбек романларида психологизмнинг чуқурлашувида шеърятимиз таъсирининг борлиги ҳақиқат. Қаҳрамоннинг ички монологини шоирона пардада берилишида («Қудратли тўлкин»даги Пўлат, «Улуғбек хазинаси»даги Улуғбек каби) ва ёзувчи тасвири, нутқидаги кўтаринкиликда (юқоридаги романларда, Ойбек романларида, «Мешъ-алда», «Гирдоб», «Нур борки, соя бор»да каби) лиризмни ҳис этиш мумкин. Айниқса шоирларга бағишланган тарихий-биографик романларда шеърят вазнининг ошиши табиий. «Навоий», «Ҳамза», «Юлдузли тунлар» каби асарлардаги Навоий, Ҳамза, Бобир руҳий олами, психологик ҳолатини беришда лирика фаол иштирок этади. Бироқ романчиликимизда уни парвозга шеърятдан — шеърый тилдан фойдаланишда икки иллат ҳалақит бераётгандек. Бу баён ва тасвирда конкретлик, манзаралилик, образлилик ўрнини публицистик нутқ, баландпарвоз ва сийқа сўзлар эгаллаш ҳоллари борлигида кўринади. Романчиликимизда қуймаликка, пухта тасвирийликка эришиш бош вазифалардан деб ўйлайман. Иккинчи иллат, шоирлар ҳақидаги романларнинг баъзиларида ўринли-ўринсиз шеърый парчаларни келтиришга йўл қўйилмоқда. Роман шоир тўғрисида экан, ўз-ўзидан унинг шеърый мероси роман учун асосий материал, пойдевор бўлиб хизмат этади. Бу табиий, қонуний ҳол. Лекин романнавис унинг шеърларини парчама-парча бериш йўлидан бормаслиги керак. Аксинча бундан қочиб, шоирнинг шеърый меросидан унинг юрагини топиб олиши, унинг қалбини ларзага келтирган нарсаларни, унинг дардлари, ташвишлари, орзу-армонлари, идеалларини илғаб, йиғиб олиши керак ва шоирнинг шу руҳий оламини ўз романи характерига сингдириши лозим бўлади. Назаримда, Ҳамид Ғуломнинг Машраб ҳақидаги романида худди шу нарсага диққат қилинмаган.

Демак, ўзбек романчилигининг жаҳон романчилиги билан туташтирадиган иплар, унга яқинлаштирадиган имкониятлар ўзида мавжуд: бу ундаги эпиклик ва лиризм бобидаги асрий аънананинг кучлилигида ётади. Ҳамма гап ички эпикликка — ҳалқ тақдирини кўрсатишга, унинг ҳаётидаги ўткир, бурилиш нуқтани таҳлил этишда, даврнинг ўткир ижтимоий, сиёсий, ахлоқий масалаларини бадиий талқин қилишда, ижобий қаҳрамонни давр билан, ҳалқ билан бир бутунликда ёрқин, монументаль тарзда гавдалантиришда, характерлар коллективини яратишда, воқеликни бутун мураккаблиги билан акс этдиришга эришишда ётади. Ҳақиқий реалистик лиризм эса инсоннинг катта дунё билан жипс боғланган руҳий оламини, унинг ҳақиқат, адолат, келажақ, буюк идеаллар, учун фаол кураши жараёнида қалбида юз берган хилма-хил туйғу, кечинмаларни ҳаққоний ифодалашда юзага келади.

Жаҳон романчилигидаги бош, етакчи тенденциялардан бири уларда драмага хос фазилятнинг кучайишидир. Ҳозирги оғизга тушган совет романларида фаол курашувчи ижобий қаҳрамон образи яратилди. Буларда ёзувчи диққатида инсон ва замон, инсон ва воқеа, инсон ва табиат, инсн ва шарт-шароит каби бош масалалар туради, шу масалалар баҳонасида инсонни чуқур ўрганишга интилиммоқда. Шу тўғрисида улар марказида, қарашлар, гоғлар, фикрлар тўқнашуви, позициялар тўқнашуви, характерлар, тақдирлар тўқнашуви турибди. Бу романларда драмага хос фазилятнинг — характернинг кўплиги, фикрий тўқнашувнинг — жангнинг кучлилиги, драматизмнинг таранглиги шундан, психологизмнинг чуқурлашуви шундан. Кейинги йилларда ўзбек адабиётида ҳам худди шунга интилиш тенденцияси кучайди. Бунинг бош сабаби романнависларимиз

воқелики бутун зиддиятлари билан кўрсатишга ва инсонни мураккаб йўли, хилма-хил ҳолати, ҳақиқат учун фаол интилиш-кураши жараёнида тасвирлашга ҳаракат қилганлигида ётибди. «Диёнат», «Нур борки, соя бор», «Гирдэб», «Ужар бухароликнинг таржимаи ҳоли» (Т. Пўлатов) каби романларда шу фазилатни кўрамиз. Бу романларнинг аксарияти тел-фильм қилинди. Сабаби ижобий қаҳрамонлар ҳам, қолган образлар ҳам шиддатли ҳаракат майдонига тортилган, улар характери кескин тўқнашув жараёнида очилади, улар ўз позицияси ва қарашини фаол ҳимоя қилади.

Ўзбек романчилиги бу йўлни — драмага хос фазилатдан фойдаланиш йўлини ривожлантириши, камол топтириши керак. Шунда романларимизнинг реалистик қудрати янада ошади, аини чокда унинг диалог ва монологлари теранроқ, таъсирлироқ бўлади ва фалсафий чуқурлик касб этади. Ижобий қаҳрамон яратишда классик адабиётимиз, айниқса халқ ижодидаги сатира ва юмор традициясидан жуда кам фойдаланмоқдамиз. Грузин ёзувчилари ва кино ходимлари грузин юморини роман ва кино санъатига сингдира олмади. Бизнинг прозамизда баъзи ижобий интилишлар бор («Бўрондан кучли», «Уфқ»), лекин доно, ўткир, теран, чақдаст ўзбек ҳаживиёги монументаль миллий ижобий қаҳрамон образини гавдалантиришда жуда-жуда қўл келган бўлурди. Чунки ижобий қаҳрамонда ёзувчи ўз қарашларигина эмас, балки халқнинг асрий орзусини ҳам, ҳаётбахш одат — анъаналарини ҳам, эстетик тафаккурини ҳам ифодалайди. Миллийлик ҳар бир халқнинг нарсас-ҳодисаларни тушуниш ва тушунтириш тарзида, эстетик идеалида ётар экан, бу нарсас энг аввало ижобий қаҳрамонда зуҳур этилади. Миллий ўзига хос ижобий қаҳрамон кўп миллатли совет адабиётини бойитади, демак романнинг узоққа парвоз этишига йўл очади. Бизнинг романларимиздаги ижобий қаҳрамонда миллий белгилар ҳам, шунингдек ягона совет халқига ҳам муносабат ўрин тутмоқда. Ҳам уйғунликда акс этиши керак. Ҳаётни ва инсонни яхлит, бутун мураккаблиги, кечаги, бугунги ва эртаси билан бирликда идрок этиб, чуқур, ҳаққоний бадиий таҳлил қилганимиздагина жозибали, ёрқин, ҳаётбахш, етук ва ўрнак бўладиган ижобий қаҳрамон образини яратишимиз мумкин бўлади.

## Умарали Норматов

### ОДДИЙ ОДАМНИНГ УЛКАН ҚАЛБИ

Социалистик реализм адабиёти шакллар, услублар ранг-баранглиги билангина эмас, ундаги қаҳрамонлар образининг хилма-хиллиги билан ҳам бой ва қудратлидир. Сўнги йилларда адабий аҳолимиз состави тобора хилма-хил бўлиб бораётганлиги қувончли бир ҳолдир. Бизда талайгина улкан тарихий сиймолар, халқ ҳаётида чуқур из қолдирган, миллатнинг ифтихори бўлиб қолган донгдор кишилар, катта ишлар бошида турган ташкилотчи раҳбар ходимлар образи яратилди; аини пайтда адабиётимизда жуда оддий, камсўқум, ҳоқсор одамлар образи ҳам муносиб ўрин тутмоқда.

Шуниси характерлики, социалистик реализм адабиётида оддий кишилар ҳеч қачон тарихий сиймолар, раҳнамолар, донгдор кишиларга қарама-қарши қилиб қўйилган эмас, аксинча, оддий, одми одамлар ижтимоий жараёнда тўтган ўрни, ақл-заковати жиҳатидан ҳамisha улкан сиймолар билан бир қаторга қўйиб тасвирланади; бу анъана сўнги йилларда янгича тарзда, ўзгача бир куч билан намоён бўлмоқда. Бу жиҳатдан Чингиз Айтматовнинг «Асрларга татигулик кун» романи принципиал аҳамиятга эга. Роман қаҳрамони Бўронли Едигей ниҳоятда оддий меҳнат кишиси, камтарона касб эгаси — кичик бир темир йўл разъезди ишчиси, аммо ёзувчи шу оддий одамнинг—камтарона касб эгасининг тақдири, меҳнати, ўй-кечинмалари орқали асримизнинг улкан ҳақиқатини ифода этади, давримизнинг ҳаёт-мамот масалаларини кўтаради; қаҳрамоннинг ҳаёт йўли китобхонни ларзага солади, унинг ҳаёлини банд этган муаммолар ўқувчи қалбини ўзига асир этади. Шу тариқа оддий шахс Едигей чиндан ҳам асримизнинг улкан одамига, давримизнинг етук қаҳрамонига айланади. Ч. Айтматов романи қаҳрамони социалистик реализм адабиётининг демократизми ва гуманизмини, оддий меҳнаткаш инсонга чексиз ҳурмат ва унинг имкониятларига бениҳоя катта ишончини бутун дунё олдида яна бир бор намоёиш этди.

Бугунги ўзбек адабиётида ҳам аини шу йўлдан бориб яратилган қатор жозибадор образлар бор. Биз бу ерда аини шу хил образлар тоифасига кирувчи фаройиб одамлар деб аталмиш персонажлар устида тўхталмоқчимиз.

Академик Д. С. Лихачев «Руслар ҳақида мулоҳозалар» деган асариде рус адабиётида яратилган фаройиб кишилар тўғрисида сўз юритиб, бу тоифа образлар рус халқи характерининг маълум бир қиррасини ташкил этади деб уқтиради. Дарҳақиқат, Н. Гоголь, Н. Некрасов; Л. Толстой, Ф. Достоевский, А. Чехов каби улкан реалистлар асарларида қад кўтарган, М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романидаги Шукур бебо, А. Твардовскийнинг машҳур поэмасидаги Василий Тёркинлар тимсолида янгидан ҳаёт бошлаган, 60—70-йилларда қатор атоқли адиблар, жумладан, В. Шукшин асарларида



кенг ўрин олган жуда оддий, ғаройиб табиатли, ўта самимий, олижаноб одамлар образи яхлит ҳолда рус халқи табиати ҳақида маълум тасаввур беради.

Ҳайлаб қаралса, бу хил кишилар деярли ҳамма халқларда ва барча миллий адабиётларда учрайди. Ўзбек адабиётидаги ғаройиб кишилар образининг манбалари халқ оғзаки ижоди сарчашмаларига, биринчи галда халқ даҳоси яратган ҳамма ерда ҳозир у нозир ёқимтой шахс Насриддин Афандига бориб тақалади. Бир қарасангиз ўта содда, гул, тўлори, айни пайтда ниҳоятда қув, топқир, донишманд, бутун вужуди билан меҳнаткаш халқ томонида турувчи, халқ ичидан чиққан, унинг асл фарзанди саналмиш Афанди табиатига хос хислатлар адабиётимизнинг турли босқичларида пайдо бўлган ғаройиб кишилар деб аталмиш образларнинг барчасида озми-кўпми намоён. Ўзбек совет адабиётида бу хил образнинг илк намуналарини Ҳамза билан Абдулла Қодирий яратди. «Майсаранинг иши» комедиясидаги Мулладўст адабиётимизда ўзига хос кашфиёт бўлди. «Меҳробдан чаён» романидаги қизиқчилар маълум жиҳатлари билан Мулладўстга яқин туради. «Ўтган кунлар» муаллифи Ҳасанали, Уста Олимлар тилсолида ўта камсуқум, хокисор одамларнинг улкан қалбини очади. Кейинроқ Абдулла Қодирий совет даври ҳаётидан олиб ёзган «Обид кетмон» повестида ҳатто ташкилотчи, раҳбар ходимлар — Обид ва Берди татарлар характери ниҳонда адабиётдаги ғаройиб кишилар портретига хос бўёқлардан баракали фойдаланади. Ғаройиб кишиларнинг хилма-хил вакиллари биз Ғафур Ғулومнинг қатор ҳикояларида, «Шум бола» қиссасида, Абдулла Қаҳҳор прозасида, «Шоҳи сўзана» комедиясида учратамиз. Адабиётимизнинг «ўрта авлоди» отряди орасида хусусан Саид Аҳмад бу борада устозлар аънасанини изчил давом эттирди, ғаройиб кишилар образининг бутун бир галереясини яратди; унинг қувноқ юмористик ҳикояларидаги талай персонажлар — Синовчи ичувчи, Қўли қичган чол, Қизлар бригадасининг табелчиси, «Чўл ҳикоялари»даги Урик домла, «Ҳукм» қиссасидаги Турсунбой ота, «Уфқ» трилогиясидаги Азизхон, Асрора, «Келинлар кўз-ғолони»даги Фармонбиби ҳамда унинг азамат ўғлонлари, аломат келинлари — буларнинг барчаси китобхонларнинг ёқимтой ҳамроҳларига айланган қолди.

Кейинги адабий бўғин ижодида ҳам ғаройиб одамлар образини кўплаб учратиш мумкин. Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповнинг талай воқеабанд шеърлари қаҳрамонлари, Худойберди Тўхтабоев романларидаги, Шукр Холмирзаев, Темур Пўлатов, Учқун Назаров, Нурали Қобул, Мурод Муҳаммад Дўст қисса ва ҳикояларидаги қатор персонажлар бизда бу борадаги аънана изчил давом этиб келаятганлигини тасдиқлаб турибди.

Шуниси муҳимки, ҳозир яратилаётган ғаройиб кишилар образида аънавий белгилар билан баробар айрим янги хусусиятлар ҳам пайдо бўлмоқда. Умуман шахс концепциясида бўлгани каби ғаройиб одамлар талқинида ҳам концептуаллик, фалсафийликка, персонаж характери ва тақдири баҳонасида гап айтишга мойиллик кучаймоқда.

Одатдагидек, бугунги адабиётимиздаги ғаройиб кишилар ҳам табиатан бир оз зиддиятли одамлар; улар нимаси биландир ғаройиб, ғайритабиий. Эҳтимол, улар табиатидаги оддийлик, одмилик билан танидаги юксак маънавий бисот, ҳаётдаги камтарона мавқеи билан фаолиятидаги, ҳатти-ҳаракатидаги ижтимоий кўлам орасидаги номувофиқлик туйғайли улар кўзимизга ғайритабиий, ғаройиб бўлиб кўринар. Бунинг устига бу тоифа одамлар табиатидаги юксак инсоний фазилатлар жуда оддий тарзда намоён бўлади. Улар характери айрим ожизликлардан ҳам холи эмас, аммо улар табиатига хос асл фазилатлар — самимийлик, саҳий қалб, мустаҳкам эътиқод олдида ожизликлар узрли бўлиб қолади. Бу хил одамлар қандай касбда, қайси ёшда бўлишларидан қатъи назар гўдакдек содда, беғубор; уларнинг қалби адолат, эл-юрт олдидаги масъулият, инсон боласига мурувват, шафқат туйғувси билан лиммо-лим. Уларнинг аксарияти чигал, мураккаб тақдир эгалари; аммо улар бошга тушган қийинчилик ва ташвишларни назар-писанд қилмайдиган, ҳаётдаги чигаллик ва мушкулликларни бир ҳамла билан бартараф этиб кетаверадиган омади келишган, беҳис «темир одамлар» тоифасидан эмас, улар ҳам гоҳо омади келишмай ҳаёт гирдобига тушиб қолганида ташвиш ва мусибатлардан ўртанадилар, лекин ҳеч қачон ўз дарди қобиғида ўралашиб қолмайдилар, ўзгалар, эл-юрт ташвиши, ўзгалар ҳолатини чиқариш туйғувси улар учун ҳамма нарсадан муқаддас, бу муқаддас туйғулар эса, боя айтилганидек, ҳар қандай дабдаба, расмиятлардан холи, ниҳоятда табиий, осойишта бир тарзда зухур топади.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча» романидаги Пакана бувани эслайлик. Кўз олдимизда кўримсизгина ночор бир одам. У урушда ҳалок бўлган фарзанди доғида савдоий бўлиб қолган, сал нарсага йўғлайверади. Садоқатли умр йўлдошидан жудо бўлиб дажжол бир кампирга йўлиққан, кампир зуғуми чолни жуда эзиб ташлаган; қария кампири билан олишиш керак бўлганда ўзининг қурби келмай мункиллаб қолган опасини ёрдамга тортади... Мана шундай «ночор» одам уруш тўзони туйғайли саргардон юрган норасидаларга дуч келганида уларга ҳиммат қўлини чўзади; дажжол кампир зуғумига қарамай етимларга уйдан бошлана, ош-нон беради, адашган етимлар кўнглини кўтариб уларни тўғри йўлга солиб юборади. Шу тариқа анчайин кўримсиз, ночор, жабрдийда бир кимса олижаноб, саҳий қалб эгаси, нажоткор одам бўлиб чиқади.

Учқун Назаровнинг «Қаҳратон» ҳикояси қаҳрамони Зикир чол — оддий гўрков. Баъзи такаббур кимсалар касби туйғайли қарияни камситадилар, у билан борди-келди қилишга, қуда бўлишга ор қиладилар, ҳатто ўзининг зиёли фарзандлари ўша камтарона касби туйғайли отага бошқачароқ қарайдиган бўлиб қоладилар. Қария, бу касбдан дадил воз кечиб бошқа бир ишнинг бошини тутуши мумкин. Бироқ ҳозирча унинг қўлидан ишини оладиган тайинли одам йўқ. Чол жуда камтарона бўлса-да одам зоти учун зарур, савоб ишни адо этаётганлигини билади; шу туйғайли баъзи такаббур зот-

лардан руҳан ўзини устун қўяди, шу туйғуни эрта-индин институтни тугатиб инженерлик дипломини олиш олдида турган ўғлига ҳам юқтиради. Хуллас, оддий камсуқум одамда, ўта камтарона бир касб эгасида ана шундай улкан қалб, олижаноб туйғу! Шуниси билан у ғаройиб, ёқимтой кўринади кўзимизга.

Шукур Холмирзаевнинг «Кекса ғижжақчи» ҳикоясидаги Фани ака ҳозирда оддий новвой; табиатан ўта хокисор бир одам; бир замонлар театрда ишлаган, у тушган давра гуллар, айгана ашулалари, чалган қўйлари билан одамларни ром этарди. Фани ака давр ўтиши билан санъатда орқада қолаётганини сезади, санъат даргоҳини қўйиб, ота касби новвойликка ўтади, лекин санъатни — машқ чалишни сира қанда қилмайди; афсус, радио ва телевидение замонида, замонвий энгил ашулалар айтадиган ҳаваскорлар кўпайиб кетган бир даврда Фани ака ғижжақча чаладиган қадимий куйларнинг, айтадиган эски ашулаларнинг қадрига ҳамма ҳам етавермайди. Теварак-атрофдагилар у ёлган нонлар учун миннатдору, санъатига эса бепарво; бундан у гоҳо хўрлиги келади; аммо билганидан қолмайди, санъатдан асло воз кечолмайди, бўш вақтини куй чалиш билан ўтказади, ўзи чалган куйдан ўзи завоқ олади; шу завоқни ўзгаларга юқтира олмаганидан ўкинади. Фани ака нонвойлик касби билан одамлар ҳолатини чиқараётганлигидан мамнун, кези келиб ёш ҳаваскорлар топилмай қолган кунда санъати орқали бир тўйни обод қилганида ўзини умрида биринчи марта тўла бахтиёр сезади. Шундай қилиб, барча оддий ва ғаройиб кишиларда бўлгани каби Шукур Холмирзаев ҳикояси қаҳрамони учун ҳам одамлар ҳолатини чиқариш, эл-юртга керак одам эканлигини ҳис этиш катта бахт!

Кўриб ўтганимиздек, авторлар талқинида ғаройиб одамлар ўта камсуқум, хокисор, айни пайтда олижаноб, ҳолатбардор кишилар. Авторларимиз бу камтар шахсларда камтарона тарзда зуҳур топган олижаноб туйғуларнинг ҳаётбахш таъсир кучини ҳам кўрсатишга эришадилар. Юқорида тилга олинган образлар талқинида ҳам буни сезиш мумкин. Яна баъзи асарлар қаҳрамонларини шу жиҳатдан эсга олайлик. Эркин Воҳидовнинг «Тандир ҳақида эртас» шеъридаги оддий чархчи — кичкина бир чолнинг ҳимматидан бутун бошли «дом»даги барча катта-кичининг дили чароғон. Абдулла Ориповнинг «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси»даги оддий фаррош кампирнинг меҳри, қалби саховати туфайли зукко донишманд олимлар қалбига йўл тополмаган, қўлга ололмаган самовий меҳмон тирилиб, тилга кириб кетади. Баъзи асарларда ғаройиб кишилар фақуллодда вазиятга тушиб қоладилар, шу хил вазиятларда фақуллодда матонат кўрсатадилар, аммо, одатдагидек, ўша фақуллодда вазиятлардаги фақуллодда матонат ҳам оддийгина бир ҳодиса тарзида рўй беради. Шукур Холмирзаевнинг «Қария» ҳикоясидаги ўлим тушагида ўлимга рози бўлиб ётган кимсасиз бозор ишчиси Қўзибой чол ўлимлиги учун асраб қўйган жамғармасини еб кетган хиёнаткор, қаллоб бир махлуқ қилмишидан сўнг мабодо ўлиб қолгудай бўлса ўзгаларга оғирлиги тушишини ўйлаб, ўлимни енгади. Ҳаётда ҳеч кимга оғирлиги тушмаган, аксинча бутун умри камтарона ҳалол меҳнати билан баҳоли-қудрат ўзгаларнинг ҳолатини чиқариш билан ўтган бу қария ўлгандан кейин ҳам бировларга юк бўлишни ўзига катта ор деб билади. Оддий, хокисор бир кимсанинг бу иши теварак-атрофдаги баъзи бир худбин кимсаларнинг кўзини очгандай бўлади... Айрим жиҳатлари билан Қўзибой чолни эслатувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Бир тойчоқнинг хуни» ҳикоясидаги бесар ит қопиб қутуриб қолиш эҳтимоли бўлган Ғуччи чол одамларга озор етказмаслик ниятида оиласидан, қишлоғидан тинчгина бош олиб кетади, ҳеч қанақа таҳликага тушмай даҳшатли ўлим хавфини енгиб ўтади!

Оддий, камсуқум ғаройиб кишилар образи талқинида доир шу хилдаги фазилатни қўллаб-қувватлаган ҳолда бу хил образлар кўлами янада кенгроқ, улар елкасидаги ғоявий юк, ижтимоий маъно салмоқдорроқ, бу хил шахслар билан улар яшаб турган шароит, муҳит орасидаги муносабат кўп қирралироқ бўлишини истар эдик. Кейинги авлод ғаройиб кишилар образини яратишда адабиётимизга маълум янгилик олиб кирди, уларда концептуаллик, аналитик таҳлил хийла чуқурлашди; шу билан баробар улар ижодиде бу хил кишилар образини талқин этишда маълум доирада айланиб қолиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрмоқ зарур. Чунки ғаройиб кишилар образини яратиш бобидаги мавжуд тажрибалар адабиётга эндигина кириб келаётган ёшларни ўзига айрича мафтун этмоқда; улар адабиётдаги устозлари, акаларига эргашиб соддадил, хокисор, олижаноб чолу кампирлар образини яратишга астойдил уринмоқдалар; қизиғи шундаки, ғаройиб кишилар образини яратиш билан боғлиқ мавжуд баъзи ожиз томонлар ёшлар ижодиде хийла бўртиб кўринмоқда; бир ерда депсиниш юз бермоқда, ёшларда бир-бирига ниҳоятда ўхшаб кетадиган қариялар образи кўпайиб кетмоқда, образнинг социал вазни энгиллашиб қолмоқда, мана шу анъанавий образга қутилмаган янги томонлардан ёндашиш, мавжуд адабий инерцияни дадил енгиб ўтиш етишмаяпти. Мавриди келиб бу хусусда батафсилроқ тўхталишга тўғри келади. Бу ерда шунини айтмоқчимизки, бир ерда депсиниш, тақлид ва такрор адабиётнинг заволи; ҳатто тақлид ва такрорийлик туфайли аввал қўлга киритилган кашфиётларнинг ҳам қадри тушиб кетиши мумкин. Ёшлар буни унутмасликлари лозим.

## УМРИ УЗОҚ БЎЛСИН

Социалистик реализмни бадий тафаккур тараққиётидаги янги, юқори босқич сифатида таърифлаб, унинг ҳаёт ва замон тақозосига кўра ҳамиша ўсиб, ўзгариб туриши ҳақида жуда тўғри гапираемиз. Чунки, кўп миллатли совет адабиётининг ижодий методи ижтимоий-маънавий тараққиётнинг барча ҳодисалари сингари муттасил ривожланиш жараёнидан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Аммо унинг қайси хусусиятлари равнақ топиб, бойиб, мустаҳкамланиб, теранлашиб бораёпти, қайси жиҳатлари янгиланиб, ғоятда оригинал, салмоқли мазмун касб этмоқда, нималари марксча-ленинча диалектика қонунларига кўра ўз вазифасини муваффақиятли ўтаб бўлиб, истеъмолдан чиқиб кетаяпти, деган жуда муҳим муаммолар илмий асосда чуқур ёритилмаса, социалистик реализмнинг бадий тараққиётдаги бундан кейинги ривожига яқиндан кўмаклашимиз мураккаблашади. Тўғри, уни ўсиш-ўрганишдан тўхтатиб қўядиган куч йўқ, деб баралла айтаемизки, бунинг етарли замини мавжуд: социалистик реализм реал воқеликнинг ўзида туғилиб, ўзида камол топаёпти, унинг ривожланишини айрим шахслар белгиланмайди, белгиланиши мумкин эмас. Масаланинг шу жиҳатини доимо эътиборга олиб келаётган адабиётшунос олимларимиз, мунаққидларимиз социалистик реализмнинг қандай хусусиятлари ўсиб, ўзгариб тараққий этаётганини етук, ҳаққоний таҳлил орқали кўрсатишга киришганлар. Жумладан, Иззат Султон ўзининг 1980 йилда чоп этилган «Адабиёт назарияси» китобида ўша муаммога тўхталиб, унинг ўзбек совет адабиётида қандай хусусиятлари ўсиб, ўзгариб тараққий этаётганини таъкидлаб, 20-йилларда ва 30-йилларнинг бошларида ёзилган қатор асарларда ҳаётни кўтаринки руҳда тасвирлаш, ўтмиш сарқитларини фош этиш жуда катта ўрин тутганлигини, замондош совет кишиларининг образларини яратиш, инсон характерини барча зиддиятлари, мураккабликлари билан тадқиқ этишга эришилмаганини ишонarli кўрсатади ва «Фақат Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда, айниқса, 60—70-йилларда ўзбек адабиёти бу соҳада жиддий ютуқларга эришди» деган хулосага келади. Иззат Султон ўзининг «Дружба народов» журнаlining 1975 йилдаги март сонидида босилиб чиққан бошқа бир мақоласида 20-йилларда ёзилган бирқанча асарларда, масалан, «Бой ила хизматчи»да қаҳрамонлар асосан «дўст-душман, ижобий-салбий, оқ-қора» тарзида тасвирланиб, рангларнинг ўта қуюқлаштирилиб берилганини, фақат 30-йиллардан бошлаб образларнинг ранг-баранглиги, хилма хиллиги таъминлана бошланганини қайд қилади.

Иззат Султоннинг бу фикрлари, кузатишлари, ҳукм-хулосалари Ю. Кузьменконинг совет адабиёт тарихини 20—40- ва 60—80-йиллар қилиб икки даврга ажратиб текшириш, ўрганиш керак, деган мулоҳазаларига ҳамроҳандир: таниқли рус адабиётшуноси ҳам социалистик реализм адабиётининг тараққиёт йўлларини белгилашда қаҳрамонлар характерларини бутун мураккабликлари, зиддиятлари, барча тўзал, соф инсоний хусусиятлари билан гавдалантириш, тасвирлар, образларнинг ранг-баранглиги, хилма-хиллигини таъминлаш ҳал қилувчи омиллардан бири бўлади, деб ҳисоблайди ва конкрет асарлар, ҳаётий фактларни шунга мувофиқ таҳлилдан ўтказди. Англашилаётгани, социалистик реализм қай даражада равнақ этиб, қандай юксакликларга кўтарилгани биринчи навбатда ёзувчининг инсон ҳаёти, унинг шахсий-интим ва ижтимоий фаолиятини бадий таҳлилдан ўтказиб, давр руҳи, замон ҳақиқатини қандай ёритгани билан белгиланади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Ғофир, Жамила, Йўлчи, Гулнор, Отабек ва Кумушбибиларни, 60—70-йилларда дунёга келган «Ғолиблар» романидаги Ойқиз ва Олимжон, «Диёнат»даги Нормурод Шомуродов ва Отақўзи каби образларга таққослаб кўришнинг ўзи кифоядир. Табиийки, Ҳамза, Ойбек ва Абдулла Қодирий яратган образларнинг ҳар бири ўзига хос характерларга эга бўлиб, улар ўз даври, замонининг маҳсулидир. Айни чоқда бу образлар кўпроқ ёзувчиларнинг орзу-умидлари, эзгу тилакларини ўзларида мужассамлаштириб, фақат ижобий хусусиятлари билан ажралаб туради ва уларнинг барча хатти-ҳаракатлари, фикрлари, тўғулари улуғланиб, мадҳ этилиб, тасдиқланади, қўллаб-қувватланади. Шунинг учун Ғофир ва Жамила, Йўлчи ва Гулнор, Отабек ва Кумушбиби характерларида ҳаёт мураккабликлари, зиддиятлари фақат қисман акс этирилади, холос. Уларнинг муҳолифлари Солиҳбой, Мирзакаримбой, Ҳомидлар эса қандай ишларни амалга оширмасин, нималар тўғрисида мулоҳаза юритмасин, барча-барчаси инкор қилинади, рад этилади. Ахир, бу образларнинг асосан қора ранг воситасида гавдалантирилгани бежиз эмас-ку.

Характерлардаги хилма-хилликлар, мураккабликлар, зиддиятлар қанчалик ҳаётий бўлса, образларнинг ранг-баранглигига эришилса, социалистик реализмнинг маъқеи мустаҳкамланиб, унинг равнақ топиши учун қулай имкониятлар туғдирилади. Аслида бундай имкониятлар реал воқеликнинг ўзида мавжудки, улардан Ҳамза ҳам, Ойбек ҳам, Абдулла Қодирий ҳам қисман фойдаланганини «Бой ила хизматчи»даги Холмат, «Қутлуғ қон»даги Ермат, «Утган кунлар»даги Ўзбегойим образларида кўраемиз. Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романидаги Саидий характерида эса ҳаёт зиддиятлари, мурак-

кабликлари кенг кўламда олиниб тадқиқ этилади. Қаранг-а, тадқиқ этилади, ижтимоий тараққиётни таъминлайдиган кучларни тасдиқлаш, қўллаб-қувватлаш мақсадида тадқиқ этилади, ammo тадқиқ этилиш даражаси, салмоғи, кўлами жуда юксак бўлган деб айтишга романнинг бир қанча ўринларида учрайдиган баёнчилик, юзакилик имкон бермайди.

Социалистик реализм қайси бир адабиётда юзага келиб, қачон илдиз отмасин, ғоявий чалкашликлар, ноаниқликлар билан бирга баёнчилик, юзакилик, схематизмнинг турли хил кўринишлари, зарарли оқибатларига қарши курашда ўсиб, улғайиб мустақамланадими, буни ўзбек адабиётида ҳам аниқ кўраемиз. Борди-ю эллигинчи йилларнинг охирида ва олтинчинчи йилларнинг бошларида босилиб чиққан «Синчак», «Қудратли тўлқин», «Уч илдиз»лар билан 70—80-йилларда яратилган «Ғолиблар», «Диёнат», «Улғубек хазинаси», «Гирдоб»ларни эсласак, ғоявийлик билан бадиийлик бирлиги, яхлитлигини таъминлашга қанчалик муҳим аҳамият берилганини ўқиб оласиз.

Халқимизнинг маънавий камолатига хизмат қиладиган илгор, прогрессив кучларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий тараққиётга зарар етказадиган ҳар хил маразлар, сарқитлар, қабиҳликларни инкор қилиш билан чекланиб қолмасдан ҳам ижобий, ҳам салбий ҳодисаларнинг моҳиятини мавжуд мураккабликлари билан ёритишга қаратилган бу асарлар социалистик реализмнинг ҳаётбахш, жанговар қудратини яна бир бор кўз-кўз қилиб, унинг реал воқеликни тадқиқ этиш ва тасвирлашда жуда кўп имкониятга эга эканлигини кўрсатди. Энг муҳими, кўп миллатли совет адабиётининг ижодий методи адабий қаҳрамонлар кескин тўқнашувлар, аёвсиз курашлар, муросасиз олишувлар жараёнида туғилса, камол топса, уларнинг инсоний жозибаси, маънавий софлиги, ҳаққоний ифодаланса, узоқ муддат мобайнида, асрлар мобайнида китобхонлар оммасига завқ-шавқ, руҳий мадад, салмоқли озуқа бахш этадиган тўлақонли образлар дунёга келади, деган фикр тасдиқланади. Лекин кўп миллатли совет адабиётининг ижодий методи ўз қудратини фақат курашчи, жанговар қаҳрамонлардагина намоён қилиб, фақат ижобий образларнинг узоқ яшашини талаб қиладими? Салбий типлар-чи? Лоқайд, бепарво, мураккаб тақдирли кишиларнинг образлари-чи? Уларнинг яхшилигини ҳам, ёмонлигини ҳам англаб ололмасдан аросатда қолиб кетган шахслар-чи?

Ҳаммага аёнки, ҳар бир даврнинг ўз Фарҳоду Ширинлари, Гамлету Отеллолари бўлади. Буни ҳаёт ҳам, адабиёт ҳам тақозо қилади. Чунки, уларда инсоннинг эзгу ўйлари, юксак эътиқодлари, улғувор ишлари, ажойиб фазилатлари ўз аксини топади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Негаки, ўсиш-ўзгариш, тараққиёт фақат яхшилик, эзгулик, инсонийлик, адолат тантанасига қаратилмаса, ўз моҳияти, кадр-қимматини йўқотди. Бизнинг замонида, социалистик жамиятда инсонийлик, яхшилик, эзгулик кадр-қиммати янада ортадики, биринчи нэзбатда курашчан, жанговар, мард, баҳодир меҳнаткашлар ҳамда зиёлилар фаолиятида намоён бўлади. Айтмоқчимизки, совет даврининг ўз Корчагинлари, ўз Фофору Йўлчилари, ўз Ойқизу Саидалари бўлиб, улар моддий ва маънавий бойликларни яратиш учун курашнинг олдинги сафларида борадилар ва бу ёзувчиларимиз фаолияти изланиш — интилишларидаги бош, ҳал қилувчи йўналиш хилма-хил воситалар, ранг-баранг шакллар орқали юзага чиқариладими, социалистик реализм шу хилма-хиллик, ранг-баранглик билан тирик эканлигини сўзда эътироф этамизу, амалда эса баъзан эсдан чиқариб қўямиз. Масалан, филология фанлари доктори Маҳмудали Юнусов «Гирдоб» романида қатор мулоҳазалар уйғотадиган ўринлар кўп деб қуйидагиларни ёзди: «Бу — дастлаб Азиз характериға оид. Маълумки, бош қаҳрамон автор концепциясини ифодалайдиган серҳаракат, ташаббускор шахс бўлиши керак. Азиз эса асарнинг бошидан деярли охиригача иродасиз, анча пассив бўлиб гавдаланади. Маҳамат ака айтганидек «мусича увол», хоксор. Узи ҳақ бўлган чоқларда ҳам тилининг учиде турган гапларини айтолмайди-да, кейин пушаймон қилиб юради» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1981 йил, 21 август).

Аввало шуки, автор концепциясини фақат серҳаракат, ташаббускор курашчан қаҳрамон ифодалайди-ю, иродасиз, пассив, хоксор, бўш-баёв шахс ёзувчи нуқтаи назари, эътиқодини ўзида акс эттирмайди, деб қараш тўғри эмас. Ҳар қандай етук, ҳаққоний асарда иштирок этувчи барча қаҳрамонлар — ижобий ва салбий образлар, иккинчи-учинчи даражали персонажлар, ҳатто деталлар, ҳар бир сўз автор концепциясини ёритади, ёзувчи ғоясини ифодалайдики, бу эъди ҳақиқатни алоҳида уқтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Иккинчидан, асарнинг асосий қаҳрамони ҳамма вақт ташаббускор, серҳаракат, фаол бўлиши керак, деган талаб социалистик реализм уфқларини торайтириб, имкониятларини чеклаб қўяди. Ахир, совет ёзувчиси замоннинг муҳим ижобий хусусиятлари, салмоқли фазилатлари, гузалликларини ўзида мужассамлаштирган яратувчи, кашф этувчи қаҳрамонларни ҳам, хилма-хил моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида мана шундай қаҳрамонларга муҳолифлар бўлиб майдонга чиқадиган салбий типларни ҳам, яхшилик билан ёмонликни ўз хатти-ҳаракатлари, фаолиятларида намоён қилувчи мураккаб, зиддиятли тақдир эгаларини ҳам, турмушдаги хилма-хил чигал жумбоқларни ҳам бадиий таҳлилдан ўтказиб ўзининг нуқтаи назари, эътиқодини юзага чиқаради-ку! Яна шуниси борки, у ҳар бир асарда ўзига хос гакрорланмас, салмоқли, муҳим ва ўткир ғоявий мақсадни ифодалайдиган оригинал, янги, ҳаққоний образлар яратишга интилади ва буни эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Чунончи, Уктам Усмонов «Гирдоб»да ғоятда истеъдодли ёш олим Азизнинг пахта-нинг янги навини кашф этишдаги матонати, жасоратини самимий муҳаббат билан тасвирлайди, айни чоқда унинг ўз эътиқоди, мақсади, кашфиётини юзага чиқариш учун муттасил кураш олиб боролмаганлигини, ўз муҳолифлари олдида довдираб қолганини, улар билан юзма-юз олишув, тўқнашувда жанговар, мард, ташаббускор бўлолмаганини ачинаш билан сўзлайди ва шу билан баъзан истеъдод соҳибий ўзини-ўзи ҳимоя қилмай қолиши ҳам мумкинлигини кўрсатади. Қисқаси, Азиз «Гирдоб» романига

жанговар, курашчан, ташаббускор, серҳаракат қаҳрамон сифатида олиб кирилмаган, у ўшандай фазилатларга эга бўлмагани учун жуда кўп ғам-ғуссалар чекади, оғир маънавий фожиаларни бошидан кечиради, ёзувчи мана шу фожиалар, ғам-аламларнинг инсоний туйғулар, илғор кучлар билан қўшилиб, бирлашиб ҳосил қилган гирдоблар моҳиятини ёритиш орқали курашчанлик, мардлик, матонатни улуғлашга интилади. Танқидчи бу интилишнинг қандай яқунлангани, Азизнинг тўлақонли, ёрқин, ҳаққоний образга айлангани айланмагани тўғрисида мулоҳаза юритиши зарур эди. Ҳолбуки, у ёзувчи Азиз образида деярли ўз аксини топмаган, деган нотўғри хулосага келади. Борди-ю, Маҳмудали Юнусов Азиз характери ҳам ўз мантиқиға, ҳам ҳаёт мантиқиға мувофиқ чуқур тадқиқ этилиб, тўлақонли, ҳаққоний образ даражасига кўтарилдими, узоқ йиллар яшаб, ўқувчиларнинг бадиий-эстетик эҳтиёжини қондириб турадими, деган нуқтаи назардан мулоҳаза юритганда, ёзувчи билан баҳсга киришганда мақсадга мувофиқ бўларди. Аслида Уктам Усмонов социалистик реализм принципларини чуқур идрок этиб, романдаги асосий қаҳрамонларнинг шахсий-интим, ижтимоий фаолиятларини кўп ўринларда тадқиқот руҳи билан йўғрилган ҳаққоний, таъсирчан, жозибали тасвирлар орқали гавдалантиради. Шунинг учун Азиз, Салтанат ва Муҳиддин Жабборовичлар «Диёнат»даги Нормурод Шомуродов билан Отақўзигагина эмас, балки Чингиз Айтматовнинг «Асрларга татиғулик кун» асаридagi Едигей, Юрий Бондаревнинг «Соҳил» ҳамда «Йўл танлаш» романларидаги Никитин, Васильев сингари образларга яқин туради. Йўқ, мен ҳозирги ўзбек насрининг обрўсини қуёшли улкамизгина эмас, балки Бутуниттифоқ миқёсига кўтаришда жонбозлик кўрсатаётган Одил Ёқубов билан Уктам Усмонов яратган тўлақонли образларни машҳур қирғиз ва рус адабларининг кашфиётларига тенглаштирмақчимасман, уларнинг бундай юксакликларни забт этиши учун ҳали бир қанча довонларни босиб ўтиши зарур, аммо шуниси аниқки, Одил Ёқубов билан Уктам Усмонов каби чинакам истеъдод соҳиблари Чингиз Айтматов, Юрий Бондарев тажрибаларини, рус совет, жаҳон адабиёти классикларининг ўлмас анъаналарини ижодий ўрганиб, ўзлаштириб, миллий адабиётимизда социалистик реализмнинг равнақ топишига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳозирги ўзбек насрида кўзга кўринарли жиддий ўсиш-ўзгаришларнинг Бутуниттифоқ адабиётида мавж уриб турган янги тўлқинга бориб қўшилиётганлиги бежиз эмас.

Табийки, ўзбек насрининг кенг миқёсда ривожланишида фақат Одил Ёқубов билан Уктам Усмоновгина эмас, балки кўпгина тажрибали адабларимиз, ёш ёзувчиларимиз ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Бу ўринда бир-икки кун эмас, кўп вақтларгача умр кўриб, юксак дидли китобхонларнинг ҳаётга актив, онгли муносабатда бўлишини таъминлайдиган образлар яратиш ҳақидаги фикрларимизни ойдинлаштиришда «Диёнат» билан «Гирдоб» қўл келаяпти. Айни чоқда этиборингизни шунга жалб этмоқчиманки, Отақўзи, Азиз, Салтанат, Муҳиддин Жабборович каби қаҳрамонлар эзгулик билан қабиҳлик, яхшилик билан ёмонликнинг тўқнашувлари ҳозирги замонда жуда назик, мураккаб, зиддиятли шакллар, кўринишлар, воситаларда намоён бўлаётгани тўғрисида ёрқин, аниқ тасаввур туғдириш билан бирга етарли даражада фойдаланилмаган имкониятлар хусусида баҳслашишга туртки ва асос беради. Хусусан Отақўзи билан Азиз характерларидаги зиддиятлар, мураккабликлар ҳамма вақт изчил равишда муттасил таҳлилдан ўтказилмаганини айтиш керак. Жумладан, Азиз илмий кашфиёт устида иш олиб бораётган истеъдодли олим сифатида кўпроқ тавсифланади, Отақўзи табиат фарзанди, оддий инсон сифатида қандай қийинчиликларни учратиб, қандай чигалликларни бартараф этаётганлиги қисман очилади, холос. Тасаввур қилинг-а, Отақўзи раҳбарлик вазифаларини адо этаётган чоғларда, Азиз институтдаги лабораторияда, колхоздаги тажриба участкасида ишлаётган пайтларда кундузни кундуз, кечани кеча демасдан муттасил тер тўкади, одам ақли бовар қилмайдиган оғир ишларни бажаради, даҳшатли гирдоблардан омон чиқади, баъзан ғам-аламларга «ғарқ» бўлиб юради, бироқ «Диёнат»да ҳам, «Гирдоб»да, ҳам уларнинг ички дунёсида, психологиясида, рўй берадиган ҳар хил «ағдар-тўнтарлар», «портлашлар», олишувлар, тўқнашувлар етарли даражада тасвирланмайди. Айниқса, Отақўзининг интим дунёсидаги ўсиш-ўзгаришлар деярли қаламга олинмагани эътироз туғдиради... Одил Ёқубов билан Уктам Усмонов романларидаги Азизу Нормурод Шомуродовда, Салтанату Муҳиддин Жабборович ҳамда Отақўзи характерларида нималардир етишмай қолгани, нималардир ниҳоясига етказилмагани, нималардир чуқур ёритилмасдан юзаки ифодалангани ҳақида баҳслашимиз мумкин, аммо уларнинг жонли, тирик образлар сифатида ҳаракат қилиб, ҳаққоний, тўлақонли қаҳрамонлардай бўлиб гавдаланганини мамнуният билан эътироф этамиз. Негаки, образларда ифодаланадиган фикрлар, ғоялар қанчалик муҳим, салмоқли бўлмасин, улар тирик, жонли характерларга сингдириб юборилмаса, ҳеч кимга таъсир қилмайди. Партияимизнинг XXVI съездида ўртоқ Л. И. Брежнев социалистик реализм байроғи остида салмоқли муваффақиятларни қўлга киритаётган кўп миллатли совет адабиётининг бундан кейин янада барқ уриб ривожланиши учун замондошларимизнинг маънавий қудратини, инсоний жозибасини, уларнинг ҳар жабҳада кўрсатаётган қаҳрамонликларини ҳаққоний образларда гавдалантиришга даъват этгани қонуний ҳолдир. Айниқса, бирқанча қаламакшларнинг мавзуларининг актуаллигини рўқча қилиб, бадиий етуклики таъминламаётганликларий ўринли таъкидланади. Ахир, ғоявий жиҳатдан жиддий эътироз туғдирмаганга қарамастан бадиий жиҳатдан заиф бўлган кўпгина адабий қаҳрамонлар бугун адабиёт майдонига келиб, эртагаёқ изсиз йўқолиб кетаётгани тасодиф эмас-ку! Зотан ёзувчи нияти, ғоявий мақсади қанчалик аҳамият-ли, муҳим бўлмасин, агар у тўлақонли, ҳаққоний образларга сингдириб юборилмаса, ғоявийлик билан бадиийлик бир-бирларидан ажралмас бир бутунликка айланмаса, социалистик реализм қудрати намоён қилинмайди, намоён қилиниши мумкин эмас.

Ҳа, юксак маҳорат билан чуқур тадқиқ этилиб, ҳаққоний, тўлақонли образларда ифодаланмаган фикрлар кўп миллатли совет адабиётининг ижодий методига етиди. Шунинг учун танқидчилардан, адабиётшунос олимлардан бадий ижод жараёнида анча кенг тарқалган баёнчилик, юзакилик, схематизм каби иллатларга қарши аёвсиз, мурасасиз кураш олиб бориш талаб қилинади. Ахир, мана шундай иллатлар социалистик реализмнинг бойиб мустаҳкамланиб, ўсиб ўзгаришига монелик кўрсатаёпти-ку!

Барча ижодкорларимиз адабий қаҳрамонларнинг бадийликдан, образлиқдан ташқарида бир лаҳза яшай олмаслигини яхши биладилар, аммо социалистик реализмнинг мана шу талабини оғишмай амалга ошириш, унга қатъий риоя қилиш жараёнида анча нуқсонларга йўл қўйилмоқдаки, негадир бу ҳақда дадил мулоҳаза юритолмаяпмиз. Айниқса, совет адабиёти ижодий методининг принципларини назарий жиҳатдан яхши идрок этиб, ўз фаолиятларида кўрсатиш бораётиш тажрибалар тўплаган айрим ёзувчиларимиз реал, ҳаётий воқеаларни чуқур тадқиқ этиш ўрнига бирқанча ҳолларда уларни тавсифлаш, баён қилишга берилиб кетаётганлиги кўзга ташланиб туради. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Мирмуҳсиннинг «Илдизлар ва япроқлар» асарининг биринчи китобидаги бир қаҳрамон ҳамда Ҳамид Ғулум қаламига мансуб бўлган «Машраб» романидаги бир боб хусусидаги мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз. Нима учун бир қаҳрамон, бир боб? Чунки, ҳар иккала асарни яхлит ҳолда олиб тўла таҳлил қилишга бу ерда имкон йўқ. Лекин шуни айтиш мумкинки, «Илдизлар ва япроқлар»да ҳам, «Машраб»да ҳам хилма-хил, бой материал қамраб олинган, уларнинг муаллифлари яхши ният билан қалам тебратиб, ўқувчиларнинг бадий эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қиладилар ва булар ғоявийлик талабларига зид эмас. Аммо бадийлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, «Илдизлар ва япроқлар»даги Жўрақулов образи ҳамда Ҳамид Ғулумнинг тарихий романидаги Машраб характери яратишга қаратилган бир бобга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Жўрақулов райкомнинг биринчи секретари сифатида тақдим этилиб, унинг фазилатлари такрор-такрор қайд этилади. Чунончи, у мактаб ўқувчилари билан қўшилиб пахта теради, макарон шўрва ичади, ўқувчиларнинг қачонгача ҳашарчилан қиламиз, ахир, чуқур билим оломаяпмиз-ку, деган илтижоларига босиқлик билан жавоб қайтаради, инсон ҳаёти учун зарур бўлган даштлар, саҳроларни метёридан ташқари ўзлаштиришга қарши чиқади, ҳамма вақт принципиал, одил, адолатпарвар деб таърифланади, лекин уни жонли, тирик одам сифатида, ўз характериға, иродасига, тақдирига эга бўлган раҳбар сифатида тасаввур қилолмаймиз. Негаки, Жўрақуловнинг раҳбарлик ва инсоний хусусиятлари шунчаки баён этилиб, уларнинг моҳияти теран таҳлилдан ўтказилмайди. Оқибатда қаҳрамоннинг ички дунёсида қандай ўсиш-ўзгаришлар рўй бераётганлиги очилмай қолади, ҳатто Жўрақуловнинг нима учун райкомнинг биринчи секретарлигидан олиб ташлангани ҳам ишонарли ёритилмайди. Ҳаётда баъзан ишчан, софдил, истеъдодли, ходимнинг ўз вазифасидан четлатилиши мумкин, бироқ бунинг сабаблари, асослари бўладими, Мирмуҳсин масаланинг шу жиҳатини эътибордан соқит қилади. «Машраб» романидаги бирқанча ўринларда ҳам шунга ўхшаш вазиятни кўра-миз: «1705. Машраб билан Пирмат Сеторий Қашқарнинг қаландархонасида яшади. Лекин Машраб қаландарлар тўдасига қўшилиб, шаҳарга чиқмади, зикру саноларда қатнашмади, гўшанишиликни одат қилиб, фақат ижод билан машғул бўлди».

Қаҳрамоннинг бир йиллик умри шу тарзда жуда қисқа, лўнда қилиб тавсифланади ва бу тавсиф бадий асардан олинган парчани эмас, балки газета лавҳасини эслатади. Асардаги «Йигирма беш йил ҳикояти» деб номланган бир бобда (юқоридаги парча шу бобдан олинган) Машрабнинг йигирма беш йиллик ҳаёти тўғрисида сўзланади, бироқ бу ҳикоят қаҳрамоннинг ички кечинмалари, хатти-ҳаракатлари, орзу-умидларини гавдалантирмайди, жонли, тирик, ҳаққоний образ яратишга имкон бермайди. Ахир, Машрабнинг ўз дўстлари-ю мухолифлари билан қаерларга бориб, нималар билан шуғуллангани, уларнинг орасида қандай курашлар, тўқнашувлар бўлиб ўтгани умумий тарзда баён этилгандан кейин бошқача натижанинг юзага келиши мумкин эмас-ку!

Умид қиламизки, Ҳамид Ғулум ва Мирмуҳсиннинг янги романилари ҳали яхлит ҳолда олиниб, чуқур, етуқ ва ҳаққоний таҳлилдан ўтказилади. Ҳозирча уларнинг баъзи ўринларда қўлланган баёнчилик ҳаққоний, тўлақонли образ яратишга монелик қилгани тўғрисида сўз юритдик, холос. Аммо шунинг ўзиёқ социалистик реализм адабиётида бадийлик, бадий маҳоратнинг қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

## Сўнги сўз

**Ҳафиз АБДУСАМАТОВ.** Суҳбатимиз ҳам ниҳоясига етмоқда. Биз ўйлаймизки, суҳбат ўзининг ижобий натижаларини беради. Суҳбатда етакчи адабиётшунос олимларимиздан саккиз киши қатнашди. Улар КПСС XXVI съезди қарорларидан келиб чиқиб, ўзбек совет адабиётининг кейинги вақтлардаги ютуқ ва камчиликларини кўздан кечиридилар. Суҳбатимизнинг ютуқ томони шундаки, унда адабиётимиздаги нуқсонларни тугатиш, келгусида улардан қутулиш йўллари кўрсатиб берилди. Энг муҳими, бадий ижорийтадаги келгуси вазифалар аниқ қилиб айтиб ўтилди.

Ижобий қаҳрамон яратишда адибларимиз эришган ижодий ютуқлар фақат қайд қилинибгина қолмасдан, бундай ютуқларга олиб келган омиллар кўрсатиб берилиши кўзда тутилган мақсаднинг амалга ошишига ёрдам берди. Суҳбат адабиётимизнинг, айниқса, прозамизнинг кейинги давридаги панорамасини аниқлашга хизмат қилди. Ижобий қаҳрамон билан боғлиқ ҳолда, социалистик реализм, сатира ва юмор, сюжет, ин-

тернационаллик ва миллийлик, маҳорат масалаларига доир талай қизиқарли фикрлар айтилдики, булар адабиётимизга ва унинг ҳақидаги фанга ёрдам бериши, шубҳасиздир.

Шу ютуқлар билан бирга, ўзбек совет адабиётида кенг кўламли масалалар кам кўрсатилаётганлиги, замондошимизнинг бой ички олами, фидокорона меҳнати етарли очилмаётганлиги тўғри таъкидланди.

Доира стол атрофида олиб борилган суҳбатимизнинг характери баҳсли бўлганлиги учун ҳам, унинг ҳар бир қатнашчиси ўзининг шахсий ўйлари, мулоҳазаларини баён қилди. Шу сабабдан ҳам уларнинг ҳаммасини ҳаққоний, тўппа-тўғри деб қабул қилиб бўлмаслиги табиийдир. Тан олишимиз керакки, суҳбатда билдирилган жуда кўп фикрлар тўғри, мавжуд адабий вазиятни ҳаққоний гавдалантиради. Булар қаторида мунозарали мулоҳазалар ҳам, бизнингча хато баҳолар ҳам ўртага ташланди.

Масалан: адабиётшуносларимиздан бири Ҳамза, Ойбек, А. Қодирийнинг ижобий қаҳрамонлари устида тўхталиб: «Ғофир ва Жамила, Йўлчи ва Гулнор, Отабек ва Қумушбиби характерларида ҳаёт мураккабликлари, зиддиятлари фақат қисман акс эттирилади, холос» деди. Бу фикрга қўшилишимиз қийин.

Олимимиз бу қаҳрамонларни «фақат ижобий хусусиятлари билан ажралиб» турганлари учун уларда воқелик зиддиятлари кенг ифода этилмаганлигида айблади: Ғофир ҳам, Йўлчи ҳам даврларининг ёрқин босқичини ўзларида тўла гавдалантирган, замоннинг курашчан моҳиятини чуқур очиб берган пухта характерлардир. Ҳар икки муаллиф ҳам асарларининг жанр хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзларининг ғоявий ниётларини бу образлар орқали мукамал ҳолда амалга оширганлар. Шу сабабдан ҳам юқорида санаб ўтилган ҳар бир қаҳрамонни замон ҳайқириги, ҳаётни ўлчайдиган мезон, даврининг руҳиятини кўрсатадиган барометр деб аташни истардик. Нимагадир шу дўстимиз юқорида эсланган қаҳрамонларни А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романидаги Саидийга қарши кўяди-да, кейингисиде «ҳаёт зиддиятлари, мураккабликлари кенг кўламда (таъкид бизники — Ҳ. А.) олиниб тадқиқ этилади» деган хулосага келади. Бунга муаллиф Саидий образида «ранг-баранглик»ни кўрсатганлиги учун эришган эмиш. Юқоридаги образлар ҳаёт зиддиятлари ва мураккаблигини акс эттириш жиҳатдан ҳам, ранг-барангликни қўллаш жиҳатидан ҳам, бадий қуввати жиҳатидан ҳам Саидий образидан паст турмайди-ку!

Умуман олганда, доира стол атрофида ўтказган суҳбатимиз фойдали бўлди, бу суҳбатда қатнашган барча ўртоқларга ташаккур изҳор қиламиз, илмий-ижодий ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.



Назир Сафаров,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# НОН — РИЗҚ — РЎЗИМИЗ, ТЎЙ — ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

«Ғалланг бўлса, қўшиқ ҳам оғиздан тушмайди... шундай деб бежиз айтишмайди. Ғалла ҳамisha қимматли озиқ-овқат, барча неъматларнинг мезони бўлиб келган...»

Л. И. БРЕЖНЕВ. «Қўриқ» китобидан.

**Х**ақ гап. Барча ноз-неъмат муҳайё бўлса-ю, нон бўлмаса кун кечириш қийин. Нон ҳақида ёза туриб бир афсона эсимга тушиб қолди. Қизиқ, Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатда яшар эканлар эмиш. Жаннатда барча нозу неъматлар муҳайё. Кўрмоқ бору, емоқ йўқ эмйш. Пари-фаришталар ва худои-таоллонинг бошқа жаннати бандалари қатори шайтон ҳам жаннатда яшар эканмиш. Барча жаннатиларга қараганда Отам Ато билан Момо Ҳавонинг худои-таолло олдида обрў-эътибори зўр эканмиш. Бу ҳолни шайтон хуш кўрмай, ҳасад чўғи ўт олиб Одам Ато билан Момо Ҳавони бадном қилиш ва жаннатдан ҳайдатиш режасини тузганмиш. Уйлаб-уйлаб жаннат бугдойидан бир донасини олиб, бир тилим кесибди. Шу билан Одам Ато билан Момо Ҳавони меҳмон қилган эмиш. Кўп ўтмай, уларнинг ҳожати қистаб, зир югуришиб қолганмиш. Жаннатда ҳожатхона нима қилсин? Шайтон жаннатни бошига кўтариб:

— Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатни булғатди,— деб жар солган эмиш. Бу гап худонинг қулоғига етиб, Одам Ато билан Момо Ҳавони сўроққа тутиб қолганмиш. Шунда иккала гуноҳсиз гуноҳкорлар: — бизни шайтон йўлдан оздирди, бўлмаса биз ейиш, ичишни қаёқдан билардик,— деб айбни шайтонга ағдариб тураверганмиш. Шунда худонинг қаҳри келиб:— Шайтон! Мен сени бир умрга лаънатладим. Жаннатдан маҳрум қилиб, дўзахи қилдим деганмиш. Худонинг қаҳри юмшаб, Одам Ато билан Момо Ҳавога мулойим жилмайиб:

— Майли, сизларни жаннати қилиб қолдирдим, аммо ҳозирча иккалангизни жаннатдан ер юзига бадарға қиламан. У ерда тирикчилик қилиб ўзларингизни оқлагудек бўлсаларинг яна жаннатга қайтарсизлар, деганмиш.

Жаннатдан фоний дунё — ер юзига бадарға қилинган Одам Ато жаннатда бир тилими олинган бугдой донини олиб, ер юзига келганмиш. Бу донни ерга ташласа, бошоқ униб чиққанмиш. Бошоқ пишиб, дон ҳосил қилганмиш. Бу орада Момо Ҳаво билан Одам Ато фарзанд ҳам кўрганмиш. Доннинг бир қисмини фарзандлари билан баҳам кўрганмиш, бир қисмини ерга сочиб деҳқончилик қилганмиш. Донлар кўкариб яна бошоқ чиқазган эмиш. Дон Одам Ато оиласининг ризқи рўзи бўлиб, ортганини яна ерга сочиб, деҳқончиликни бошлаб юборган эмиш.

Бу бир афсона, албатта. Аммо ҳар қандай афсонада ҳам қандайдир халқ донишмандлиги ифодаланади:

Ер бино бўла бошлаган процессида неча хил бошоқли гиёҳлар пайдо бўлмаган дейсиз. Бугдой, арпа, гурунч, мош, тарик, кўноқ, макка, кунжут, зигир, кунгабоқар, нўхат ва турли-туман мева, нозу неъматлар бир вақтда пайдо бўлмаган-ку, ахир: Аммо барча ноз-неъматлар орасида энг тўйимлиси, кундалик хўрақ лаззатли нон бўлиб қолгани ҳам ҳақиқат. Қандай ноз-неъмат, таом бўлмасин нон билан тановул қилиш расм эканлиги ҳам ҳақиқат.

Биз яшаб турган замонда кундалик турмушимизда ноннинг кадр-қиммати ҳаётий зарурат, нонни ҳар қандай ноз-неъмат билан тенглаштириб бўлмаслиги ҳам ҳақиқат.



Дастурхонимиз тўла ноз-неъмат бўлса-ю нон бўлмаса, унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Агар бир кун рўзгордан нон узилиб қолса, ғўдаклар нон деб хархаша кўтариши турган гап. Шу боис тирикчилгимиз заруриятдан давлатимиз унни, нонни керагидан ҳам ортиқ етказиб бериб, маъмурчилик қилиб қўйибди. Бу яхши гап, албатта. Лекин нонни эъзоллаш ўрнига борган сари кадрсизлантириш, исроф қилиб юборилаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Умуман нон нобудгарчилигига қарши гап-сўз фақат бугун бўлаётгани йўқ. Мағбуотда, радиода, телевизорда озмунча гап-сўз гапириляпти-ми?! Нонни эъзоллаш, нон турмушимиз, кун кечиримиз, кун кечиримиз учун энг зарурдан ҳам зарурлиги тўғрисида, нонни, исроф қилиш гуноҳлиги тўғрисида қайта-қайта уқтирилишига қарамасдан номақбул бу хил одатда ҳамон чек қўйилмаётир.

Деҳқон меҳнати оғир. Донни экиб, йиғиштириб давлат омборига олиб бориб топширгунча деҳқон чеккен азоб-уқубатларни кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Партияимиз-хукуматимиз ҳар йили ғаллакорлар юмушини улуғлаб неча-неча бор кенгаш ўтказди. Деҳқонларга ўз вақтида техник ва бошқа жиҳатлардан ёрдамлар бериш билан муттасил ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Об-ҳаво қийинчилик туғдирмаган ерлар жуда кам. Совет Иттифоқи Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ёгин-сочин бўлган чоқларда ҳам ғаллакорлар билан ҳамдамлашиб, ҳатто мамлакатимизнинг узоқ Сибирь зонасидаги ғаллакорлар даласида бўлди. «Бир килограмм ҳам нобуд бўлмаслигини» уқтириб, унинг дала кезиб юрган пайтларини кадрлашимиз керак.

Улуғ Ватан урушидан сўнг туғилган, ёши қирққа етиб бораётган эркак, аёлларимиз очлик нима, қаҳатчилик нима, нон танқислиги нима — билмайдилар.

Октябрь инқилобига қаҳатчилик, очарчилик йиллари бўлиб турган. Биринчи жаҳон уруши оқибатида инқилобнинг дастлабки йилларида ҳам очарчилик бўлиб ўтган. Гражданлар уруши пайтларида ҳалок бўлганларга қараганда терлама касали ва очликдан ҳалок бўлганлар сони кўп бўлган дейишади.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки йилида мен ҳозирги Ворошилов номидаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида ташкил топган ишчи батальонида ҳарбий-сиёсий раҳбар бўлиб хизмат қилардим. Заводни қайта қуриб, қайта ускуналаб, айна бир вақтда миномёт снарядлари тайёрлаб фронтга жўнатиб турардик. Мен ҳар куни эрта-кеч Чорсудан заводгача, заводдан Чорсугача трамвайда қатнардим. Худди шу трамвайда Тошкент медицина институтининг студент йигит-қизлари ҳам қатнашарди. Студент ва йўловчилар орасида кунжара кавшаб кетаётганларни ўз кўзим билан кўрганман. Уларнинг ранглари заъфарон. Киприкларининг пастки қатлами ҳалқа-ҳалқа бўлиб шишган. Ғалаба умиди, ишончи билан ўз ризқларини қисиб фронтга мадад бериб келган авлодларимиз жасоратини эслаб ўтсак ўринли бўлуру, деб ўйлайман. Оғир дамлар орқада қолиб кетди. Утмиш сабоқларини уқмаган киши ҳаёт қадрини билмайди. Тарихни унутмаслик керак. Ҳа, нон қадри ана шундай эди.

Урушнинг оти ўчин. Уруш халқимиз бошига беҳад фалокатлар келтирди. Улуғ Ватан уруши йилларида ярим оч, устлари юпун, ёшлари бир ерга бориб қолган қари-қартанглар, аёл-эркаклар, эрларини фронтга узатган ишчи-колхозчи келинчақлар, фабрика, завод ишчилари, ёш ўсмирлар кунларни тунларга улаб меҳнат қилишарди.

Урни келиб қолди. Қурулдош ўртоқларим билан бошимдан кечирган бир воқеани эслатиб ўтсам ортиқча бўлмас, деб ўйлайман. Фронтга жўнаш олдида Қирғизистоннинг Уш области даласида ҳарбий таълим олаётган сиёсий ходим, офицерлар сафида мен ҳам бор эдим. Ҳар куни эртадан кечгача дала, тоғ ораларида ҳарбий машқ ўтказиларди. Гарчи офицер бўлсак ҳам қорнимиз тўйиб овқатланмасдик. Далада, бугдой ўриб олинган майдонларда ҳарбий машқ қилиб юрган кезларда ерга биқиниб, ўрмалаб бориш машини ҳам ўтардик. Шунда ҳаммамизнинг кўзимиз аланг-жалаңг. Ерда бирон дона бугдой кўрини, уша томонга ўрмалаб, қаҳқонлик билан донни олиб оғзимизга солардик. Очлик нелар едирмас, деган мақол ҳаётий эканлигини шунда пайқаган эдим.

Шонли Коммунистлар партияимиз раҳнамолигида халқларимиз қўлни-қўлга бериб бир ёқадан бош чиқариб, бир тан-бир жон бўлиб, йиртқич гитлерчи фашистлар устидан ғалаба қозондилар. Уруш жароҳатларига малҳам бўлдилар. Шукрлар бўлсинким, бизда катта-кичикнинг қорни тўқ, уст-боши башанг. Эркин меҳнат, маданий ҳаёт нашўу намосини сурмоқдалар. Аммо коммунистик ғоямиз душманлари Америка империалистлари бошчилигида социалистик жамият бунёдкорлари ютуқларини кўра олмай, социалистик жамиятни емириб ташлаш пайдалар. Ядро қуролини паноҳ қилиб, тинчлик ишларига, СССРга таҳдид қилмоқдалар. Фитна, бўҳтонлар уюштирмоқдалар. Совет Иттифоқи бошлиқ тинч-тотув яшаш тарафдорлари ғоявий душманларимизни ақл-идрок билан иш қилишга, жанжалли масалаларни кенгашиб ҳал қилишга, тарих сабоқларини унутмасликка даъват қилмоқдалар.

Л. И. Брежневнинг «Правда» мухбири билан қилган савол-жавобини эслайлик. «Умуман совет халқи каби совет раҳбарларининг ҳам фикри-зикри ва куч-ғайратлари,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев ўз жавобида,— ядро урушига мутлақо йўл қўймасликка, бундай уруш чиқиш хавфининг ўзини тугатишга қаратилган...»

Лекин душманларимиз тинчимаетирлар. Зўр бериб ядро урушига тайёрланмоқдалар.

Гапимиз мавзуи нонни тежаб-тергаб, нобуд қилмай истеъмол қилиш тўғрисида эди. Ҳа, зътироф қилмоғимиз керак, халқ бойлиги, ризқу рўзимиз нонни ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини кадрлаш муқаддас бурчимиз эканлигини унутиб қўйишдек ҳоллар содир бўлмоқда. Ўзбошимчалик билан иш тутиб, давлат ва жамоатчиликнинг фикрини назар-писанд қилмаётганлар пайдо бўлаётганидан кўз юмолмаймиз. Тўй-ҳашам керак. Гап тўйлардаги исрофгарчиликларни тугатиш тўғрисида ҳам борапти. Тўй—

ҳаётимиз зийнати, ота-оналар орзуси. Ҳеч ким тўй-ҳашамни тақиқ қилмоқчи эмас. Айниқса никоҳ тўйи киши умрида бир бор бўладиган висол айёми, севги-муҳаббат намойиши, ёш, навқирон оиланинг шаклланиши, бахтиёр, фаровон турмуш тарзимизнинг кўрки. Бу соҳада яхши тажрибани оммалаштирмоқ лозим. Республикаимиздаги бир қатор колхоз, совхозларда бахт уйлари мавжуд. Никоҳ тўйлари янгича, энгил, исрофгарчиликсиз, тўй комиссиялари назоратида ўтказилади. Ҳатто тўй дастурхони колхоз-совхоз ҳисобидан безатилади. Сарф-харажат келин-куёв имкониятлари ҳисобга олиниб, кейинчалик меҳнат даромадларидан чегириб қолинади. Мен бундай бахт уйлари, янгича тўйларини кўп кўрганман. Самарқанд областининг Пахтачи райониде Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаров раислик қилаётган гўзал «Хумор» посёлкасида ҳам бўлганман. Андижон областининг Избоскан райониде Шарофиддин Сайфиддинов раислик қилаётган Охунбоев колхозиде, Сирдарё районининг «Правда» колхозиде, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё областларида бўлганимда бахт уйларида ўтказилган тўйларда иштирок этганман.

Айниқса, Сирдарё область, Сирдарё районидеги «Ленинград» колхозининг барча ишлари ҳар жиҳатдан намуна ва ибратли. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, коллектив хўжаликнинг ажойиб омилкор сардори Қўзибоқар Синдоров раислик қилиб келаётган «Ленинград» колхози республикаимизда ҳақли равишда машъал хўжалик бўлиб қолган. Бу коллектив деҳқончилик, чорвачилик, пахтадан юқори ҳосил олишдан тортиб, замонавий социалистик қишлоқ бунёд қилишгача намуна. Ишлаб чиқариш соҳасиде илғор бўлган колхозчилар навбат кутмай янги посёлкаларда ички-ташқари ҳовли, хоналари мукамал жиҳозланган, газлаштирилган уйларида маданий ҳаёт кечирмоқдалар. Колхознинг уй-жой қурилиши 25 йиллик планга мўлжалланган. Курувчилар ҳам колхозчиларнинг ўзидан. Қишин-ёзин бир кун ҳам тўхтамасдан қурилиш ишлари давом этади. «Куёш» номли янги посёлка қурилиб, фойдаланишга топширилиш арафасиде. Посёлка уйлариининг хоналари тўла-тўқис жиҳозланган, ётоқхона, меҳмонхона, болалар уйи, ошхона керакли идиш-анжомлар билан таъминланган. Тўшалган гиламлар, лоладек яшнаб, зумрад майсадек қулф уриб, эгасини кутмоқда. Китоб жавони, стол-стуллар, ҳамма зарурати бут бу уйлар янги оила — ёш келин-куёвга интизор. Колхознинг бахт уйиде никоҳ тўйи намойиш қилиниб бўлгач, қиз-йигитлар куёв-келинини янги уйга кузатиб келадилар. Янги уй остонасида янги рўзгор соҳибларини колхоз раиси Қўзибоқар Синдоров кутиб олади ва бир қалитни келинга, иккинчи қалитни куёв болага топширади. «Ленинград» колхозиде илғор бўлиб ном чиқарган қиз-йигитнинг оилавий ҳаёти ана шу хилда шаклләнмоқда.

Лекин, бунга ўхшашлар ҳали оз. Кўп ерларда никоҳ тўйлари номига янгича. Эски расм-русмларнинг барчаси ҳануз амал қилинаётганидан ҳам кўз юммаслигимиз керак.

Яқинда, такси машинасида бора туриб, ёшгина бир шофёр йигитнинг ҳасратини эшитиб қолдим. У чуқур оҳ тортиб, «Эй, отахон, нимасини атай сизга» дейди.

— Айтаверинг, тортинманг,— дедим.

— Айтганим билан фойда чиқармиди?!

— Балки фойда чиқар, уйланиб ҳам оларсиз,— дея йигитни атайлаб сўхбатга тортдим.

Йигит бир неча фурсат жим қолди, сўнг:

— Ҳа, омон бўлсак, келаси ҳафта тўйимиз, — деди.

— Табриклайман. Қўша-қаринглр,— дедим мен.

— Қўша қарисак кошкийди-я, тўй ташвиши, элдан бурун қаритадиганга ўхшайди. Уйланиш бунча қиммат тушишини ўйламаган эканман

— Арзон — беиллат, қиммат — беҳикмат бўлмас. Келинини кўрганмидингиз ўзингиз?

— Кўрганман. Келинингиз ҳам бу савдога ҳайрон... Тўй ҳаражатини бундай хомчўт қилиб кўрсам, 8 минг сўм атрофида. Келинингизга: — Отангиз нархингизни ошириб юбордилар, жоним,— десам, нима дейдилар денг?

— Ҳўш-хўш!

— Эй, қўйинг отахон, у гап ўз орамизда сир бўлиб қолгани маъқул... Қалинининг ўзига 2 минг 880 сўм тўладики. Қиз борнинг нози бор деганлари шу экан-да. Қуда томон «карнай-сўрнайсиз — тўй-тўй эмас», дейиштипти. Бу ҳам қимматга тушди. 150 сўмни шарақлатиб санаб олди.

— Йўғ-эй!

— Йўқ эмас бор гап. Биласиз, тўй базмсиз бўлмайди. Отарчи деганига ҳам ўт кетсин. Сўроқлаб борсам:

— Окоси, минг сўмга закатат бериб кетганлар ҳам бор — дейди. Оғиз оча олмамай нафасим ичимга тушиб кетса бўладими? Минг сўм аҳмоқни оғзида. Менга ўхшаган шофёрнинг бир йиллик маоши...

Йигитга раҳмим келиб кетди. Қани энди менинг қўлимдан келадиган иш бўлса-ю йигитнинг мушкулини осон қила қолсам. Бир-бирларига кўнгил бериб, ихтиёрй равишда турмуш қуришга аҳду паймон қилишган йигит-қизининг олдида ана шу хил ўтиб бўлмас ғовлар бор. Қиз чиқариш, келин тушириш орзусида юрган ота-оналар ўзлари ўзларига жабр қилаётганлари, қиз-ўғилларининг бахтиёр ҳаётига раҳна солаётганларини тушунармикин?! Ҳолига қараб иш қилган ҳоримас, дейдилар. Кўрпангга қараб оёқ узат, деган ҳикматли мақол ҳам бор.

Ҳа, дарвоқе, бир муҳим гап эсимга тушиб қолди: Йигит-қизни унаштириш олдида «Нон синдириш» деган удум бор. Ҳар иккала томоннинг оталигини олиб, куёв томондан қизниқига борган оқсоқоллар унаштиришни дастурхонга қўйилган маҳсус нонни ушатиб, улашувдан бошлайдилар. Нон синдирилиб, улашилгач, келин-куёв ҳақида

неклик тилаб «Увалик-жувалик бўлишсин, туп қўйиб палак ёзин» деб муборакбод қиладилар.

Икки ёшни унаштиришда биринчи восита нон бўлишининг ўзида ҳам улугворликнинг рамзий маъноси бор. Қандай савоб бўлар эди, яхши ният билан нон ушатган шу кексаларнинг ўзлари ҳар иккала томон имкониятларини ҳисобга олиб тўй юкини энгил этсалар! Қиз узатувчи, келин туширувчи қудалар ҳам ораларидан қил ўтмас қуддағай бўлиб қолсалар!

Сўнги йилларда ЗАГСдан ўтиш ҳам тўй маросимига айланиб кетди. ЗАГСдан чиқиб ресторанда бериладиган зиёфат яна йигит ёлқасига оғир юк бўлиб тушди.

Никоҳ тўйи олдидан йигит-қизниқида тўй, эртасига базм, қозонда пишириладиган қуюқ-суюқлар, дастурхонга тортиладиган турли-туман ноз-неъмат, спиртли ичимликлар, парранда, қўй, мол гўшти, қазичарта, норин-манти, шашлик, палов... Эҳ-э, нималар қўйилмайди тўй дастурхонига. Дуруст, ноз-неъматсиз дастурхон дастурхон эмас, аммо бир киши икки-уч соат ичида қанча овқат истеъмол қилиши мумкин! Дастурхон атрофида 200 киши бўладиган бўлса, 400 кишига етиб-ортадиган ноз-неъмат тайёрланади. Натижада овқат, ноз-неъматнинг ярмидан кўпи исрофга чиқади. Давлатимиз, савоатли халқ меҳнати билан етиштирилган озиқ-овқат, нозу неъматга бунчалик ҳотамтойлик ҳеч қандай қолипга сифмайди. Тўйлар бўладими, махсус тандир қурилиб, нонвойлар ёллаб, ўн-ўн беш қоп ундан нон ёпилади. Оқибатда қоп-қоп бурда нонлар исрофга чиқади. Бугина эмас, тўйда ҳам, азада ҳам катта-кичikka тўрттадан нон рўмолчага тугиб, қўлларга тутқазилади. Аёлларнинг дастурхонларичи! Тўйга қелган аёлларга яна қўшимча нон солиб қайтариледи. Бу нонлар истеъмол қилинса майли эди-ю, моғорлайди, охири нест-нобуд бўлади. Азиз нонимиз шу тариқа ҳимоясиз, хору зор. Очла дастурхонларидаги парча-пурча нонлар-чи? Ошхона, шифохоналарда ахлатга қўшиб ташлаб юборилаётган нонлардан қандай қилиб кўз юмишяпти экан!?

Мана бу воқеа бир умр эсимдан чиқмайди. Ешлик чоғимда бир кунни менинг тенгдош ўртоғим нон кавшаб туриб, ушоғини ерга туширди. Шунда кўрпа қазиб ўтирган она:—Кўргина бўлмагур, нон ушоғини ерга туширдинг, кўр бўласан-ку,—дея ғадаблади ёш боласини. Ўртоғим дарҳол энгашиб ердаги ушоқни олиб, озига солди.

Нега энди ўша мунис оналаримизнинг имон-этиқодларини топтаб, ўғит-насихатларини унутиб қўйдик? Тўқликнинг шўхлиғими бу! Аччиқ бўлса ҳам айтай, ношукрлик, бетамизлик, нонкўрлик бу! Ер юзида оч, ярим очлар, очликдан ўлаётган одамлар оз эмас. Бурда нонга зор бўлган йилларни, «нон, нон!» деб очдан ўлган чоқларни унутмаслигимиз керак. Бу қуллар орақда қолди. Деҳқон меҳнатига ҳурмат, давлатимиз ғамхўрлигига биз ҳам ғамхўрлик билан жавоб қилайлик. Инсон меҳнатини шон-шарафга айлантирган совет кишиси шаънига, социалистик турмуш тарзимизга доғ туширмайлик.

Ўрни келиб қолди. Кечирим сўраб яна бир фикрни мулоҳаза тариқасида ўртага ташламоқчиман. Тўй — эзгулик, орзу-ҳавас. Улим, аза-чи? Улим бошга тушадиган оғир мусибат. Маҳалла-қўй, уруғ бу оғир жудоликка ҳамдард бўлади, узоқ-яқиндан етиб келади. Бу одамийлик, олижаноблик, инсон бурчи. Аммо аза, таъзия маросимлари тўйнинг сарф-харажатидан ошиб тушаётганидан ҳам кўз юммаслигимиз керак. Мен бу ерда қуюқ-суюқ тайёрланиб, таъзия дастурхони безатилишини кўзда тутяпман. Етти, йигирма, қирк, йил оши, мавлуд, ифтор ва бошқа икки-кичир, расм-русумлар озмунча сарф-харажат, исрофгарчиликка сабаб бўлаётирми?! Боласи ўлиб бағри куйган, эри ўлиб тул, болалари етим қолган оилага ташвиш, сарф-харажатлар дард устига чипқон бўлаётганини пайқамогимиз керак. Бу тариқа етим-есирнинг ризқига зомин бўлишнинг қай хил хайриятлик томонлари бор экан! Савоб деб гуноҳ иш қилаётганимизни қанча тезроқ тушуниб олсак, шунча хайрли иш қилган бўлур эдик. Узун гапнинг қисқаси — ҳозирги расм-русумларнинг қайсиларидан кечиби, нималарни қолдиришимиз, яна қандай урф-одатлар қабул қилмоғимиз керак? Фикримча, тўй-ҳашамларни ихчамлаш, ўринсиз сарф харажатларга мутлақо барҳам бериш, маъракаларда исрофгарчиликка асло йўл қўймаслик, айниқса тирикчилигимизнинг асосий омили бўлган нонни тежаб-тергаб сарф қилиш учун колхоз-совхозларда маросимларни ўтказиш комиссиялари тузилса, тўғри келган одамни эмас, колхоз раиси, совхоз директорини тўй комиссиясига масъул бошчи қилиб қўйилса мақбулроқ бўлурмиди.

Маҳалла комитетлари, домкомлар ҳайъати, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, жонкуяр зиёли ва ишчи-хизматчилардан танлаб-танлаб тузилса, шу маҳалла, шу домком раиси тўйбоши бўлса бу ҳол исрофгарчиликка чек қўйишда яхши омил бўла олади.

Ҳар қандай маросимда эркак-аёлга нон ва пул улашишга барҳам бериш пайти келди. Колхоз-совхоз раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари, депутатларимиз шу хусусда йўлаб ва тегишли чора кўрсалар.

Тўй завқ-шавқли, файзли ўтиши учун албатта созанда-хонандалар керак. Бунинг учун тўй-базмларга боп куй-қўшиқлар хушовоз хонанда, машҳур созандалар ижросида пластинкага ёзиб савдога чиқарилса, магнитофон ленталарига ёзиб магазинларда сотилса, шундай ленталар тўй комиссияларида сақланса. Колхоз-совхоздаги халқ талантилари санъатидан фойдаланиб, отарчиларни тўй оstonасига йўллатилмаса, пул қистиришдек шармандаликка мутлақо барҳам берилса.

Нонвойхона, нон заводларида пишириладиган нонларнинг сифатига алоҳида эътибор берилса, уларга давлат сифат белгилари олиш ҳуқуқи жорий қилинса, энг яхши нон заводлари билан завод коллективлари ўртасида социалистик мусобақа тузилса, сифатсиз нон камайган, бинобарин исрофгарчиликка ҳам чек қўйилган бўлур эди. Нонга ҳар хил шакл бериб, катта-кичик ҳажмда хушхўр қилиб пиширса харидор учун ўз эҳтиёжига яраша нон харид қилиш имконияти яратиларди.

Ноннинг ушоғи ҳам нон деган маънода нон исрофчилари ақлини пешлашга хизмат қилувчи яна бир далилни келтирмоқчиман. «Известия» газетасида эълон қилинган бир ҳужжатда шундай дейилади:

«Икки йил бурун мутахассислар ҳисоб-китоб қилиб кўрди. Агар бир оила (агар оила аъзоси 4 киши бўлса) кунига юз грамм нонни чиқиндига чиқарса, бир йилда 36 килограмм нон чиқиндига чиқади. Мамлакат бўйлаб шу хил ҳар бир оила учун қўшимча равишда яна 1,3 миллион гектар ерни ҳайдаб экиш, кўкартириш, ўриб янчиш, сўнг ҳар бир гектаридан 16 центнердан дон ундирилгандан жамулжами 2.078 минг тонна донни ташкил қилган бўлур эди. Шу миқдордаги донни сақлаш учун ҳар бири 20 минг тонна донни сиғдирадиган 104 элеватор керак бўлади. Бу ғаллани унга айлантириш учун йил бўйи бир неча улкан ун заводи — тегирмон ишламоғи керак. Тайёрланган бу ундан булка нон ва нон пиширмақ учун тахминан 18 минг тонна хамиртуруш, 30 минг тонна ош тузи, анчагина шакар, сут, тухум керак бўлади. Бунга сарф қилинган энергия ва ғаллани, булка, нон маҳсулотини ташиш ва тушириб олишга, савдодан бўладиган ҳар хил накладной, сарф-ҳаражатларни эътиборга олсак, ўйлаб кўринглар-а, юз грамм нонни чиқиндига чиқариб, ахлатга қўшиб юборган тақдирда, ҳазрати одамнинг қанчадан-қанча меҳнати соғурилган бўлади».

Маданиятсиз, маданий савияси паст, ҳис-туйғусиз кишигина азиз нонни шу хилда хўрлайди, исроф қилади, ўйламай-нетмай ахлатга қўшиб юборади.

Шундай бўлмаслик учун, менимча, шифохона, ошхона, ресторанларда, шунингдек пойтахт, область, шаҳар, районлардаги, кўп қаватли биноларда яшовчи хонадонлар дастурхонларидан ортиб қоладиган парча-буриш нон, озиқ-овқат сарқитларини йиғиб олишни марказлаштириб ёрдамчи хўжалик эҳтиёжларига ишлатиш тўғрисида ўйлаб кўрилса, мутасадди кишилар тайин қилинса исрофгарчилик, умуман озиқ-овқат исрофгарчилигига чек қўйган бўлурмидик.

Қуш уясида кўрганини қилади, деган ҳикматли гап бор. Сиз нима қилсангиз, фарзандларингиз ҳам шуни қилади. Шахсий намуна орқали фарзандларингизни танитиқ, эркатой, манфаатпараст, худбин эмас, одоб-ахлоқли, меҳнатсевар, маънавий дунёси бой, коммунистик жамиятимизга муносиб онгли, виждонли, чинакам ватанпарвар қиз-ўғиллар қилиб етиштирган бўласиз.

Муҳтарам «Шарқ юлдузи» журналининг ўқувчилари, мухлислари, партиямиз манфаатлари билан муштарак бўлган ҳар бирингиз бу даъват, бу чақириққа парвосиз қарамассиз, деб умид қиламан. Нонни эъзозлаш, исроф қилмаслик катта ижтимоий аҳамиятга молик иқтисодий, маънавий муаммодир. Ҳалол меҳнат билан кун кечирувчи виждонли пок чинакам совет кишиси ноннинг исроф бўлишига лоқайд қарамайди, деб умид қиламан.

Халқимизнинг, давлатимизнинг асосий бойлиги бўлган нонни, бошқа озуқа маҳсулотларини ҳам тежаб-тергаб сарф қилсангиз бу олижъноб ишингиз, феъли-атворингиз билан рўзгорингизга қут-барақа киритасиз, фарзандларингизга яхши ибрат кўрсатасиз, уларни одоб-ахлоқли, меҳнатни қадрлайдиган, жамиятимизга муносиб онгли чинакам ватанпарвар кишилар қилиб тарбиялаган бўласиз.



## НОЗИМ ҲИКМАТ ВА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ

**Н**озим Ҳикмат умрининг ҳар лаҳзаси кураш ва умиддан иборатдир. У ўз қаҳрамонлари каби оптимист ва ҳақиқатгўй эди. Аслзода турк оиласида туғилган шоир, ўсмирлик чоғиданоқ ўз юртидаги ноҳақликка, тенгсизликка, очликка қарши курашди ва шу кураш йўлида ўн етти йил маҳбуслик азобини тортди. У 1951 йилдан бошлаб умрининг охиригача (1963) совет инқилобий офтоби остида яшаб, миллий мустақиллик, озодлик йўлида яловбардор халқларни олқишлади. Бир умр турк халқининг уйғонишига интиқ ўтди.

Нозим Ҳикмат — инқилоб ва озодлик, тенглик ва ҳуррият шоири. Унинг барча асарлари — шеърлари, дostonлари, пьесалари, романи — замирига ҳуррият ришталари илдиз отган.

Шоирнинг асарлари тириклик чоғидаёқ дунёнинг қирқдан ортиқ тилларига таржима қилинган эди.

Ўзбек китобхонлари ўттизинчи йилларданоқ Нозим Ҳикмат шеърлари билан таниш бўлган. Биргина «Аланга» журнаlining 1929 йил 11-сонида Ҳамид Олимжон таржимасида «Қуёшни ичганлар қўшиғи», Иўқсул таржимасида «Нефтнинг жавоби» шеъри, шунингдек, Абдулла Алавийнинг «Бизда шакл масаласи ва Нозим Ҳикмат» номли каттагина мақоласи эълон қилинганди.

Эндиликда ўзбек китобхонлари Нозим Ҳикматнинг «Бир севги афсонаси», «Туркия ҳақида ҳикоя», «Унутилган одам», «Ажал шамшири» драмаларини, «Сурур» романини, икки шеърый тўплами, «Инсон манзаралари» эпопеясининг биринчи қисмини севиб ўқимоқда.

Биз бу кичкина мақолада Нозим Ҳикматнинг новаторлиги, ўзига хослиги, ритмик сарбаст вазни ҳамда ўзбек шеъриятида улғу шоир таъсирининг намоён бўлиши борасида имкон қадар тўхталиб ўтамиз. Реалистик тасвир бўёқлари Нозим Ҳикматнинг илк ижодидаёқ кўринган бўлса-да, (масалан, «Сервиликлар», «Мавлона», «Уйғон, Фоти-ма» сингари шеърлари) у турк шеъриятининг анъанавий бармоқ вазнида ифодаланган эди. Шоир ижодида сарбаст вазнининг шаклланишида турк реалистик адабиётининг дастлабки намо-

яндалари М. Эмин, Т. Фикрат, Я. Камоллар таъсири билан бирга Маяковский асарларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Нозим Ҳикматнинг илк сарбаст шеърларида кўпроқ шаклга эътибор сезилса-да, даврнинг шиддати, шоир руҳидаги галаён мисраларнинг сармаст оқими — санжир халқалари орқали берилади. Сарбаст вазнида шоир ўз фикрини эркин, ёйилма шаклида, зарблар замирига жо қилиб ифода этадики, қофия, бўғинларга зарурият сезилмайди. Айни пайтда сарбаст шеърда мавжуд бўлган ички ритм унинг мусиқадорлигини таъмин этиб, нурлантириб туради.

Ўзбек шеъриятидаги кўп асрлик тарихга эга сажда, халқ дostonларидagi насрий парчаларда ҳам сарбастга хос шеър кўринишлари бор. Чунки, сарбаст шеър фикрлар бўғинларга сизмаганда, ижодкор ўз туйғуларини жилонлай-ололмаганда ёзилади.

Ўзбек адабиётида сарбаст шеърнинг шаклланиш жараёнида Нозим Ҳикматнинг таъсири шубҳасиз каттадир. Чунки, турк ва ўзбек тилларининг яқинлиги, Нозим Ҳикмат ижодини ўрганишда ўзбек шоирларига ўттизинчи йилларда-



ёқ кўл келди. Айниқса, Нозим Ҳикматнинг биринчи китоби: «Кўёшни ичганлар қўшиғи»нинг Бокуда чоп қилиниши, шоир асарларини ўзбек китобхоналарига кенг тарқалиш омилларидадан бири бўлди.

Нозим Ҳикмат шеърларининг илк таржимонларидан бири, уни ўзига устоз деб билган Миртемирнинг қуйидаги хотираси бу жиҳатдан фикримизни ойдинлатирилади: «Ўетиш вақтида (Бокудан — Т. Ж.) китоб дўконидан Нозим Ҳикмат қаламига хос «Гунаши ичанлар туркуси» китобини, муқовасида ҳазрати Навоийнинг дарвишона сурати чизилган «Фарҳод ва Ширин» дostonини, Хусайн Бойқаро ғазалларини ҳам олдик. Бокуда нашр этилибди-да» (Миртемир. «Дўстлар даврасида», «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1980).

Нозим Ҳикмат ижодининг ўзбек шоирлари томонидан ана шундай севиб ўқилиши натижасида, адабиётимизда улуг шоир шеърлятига хос ритмик сарбаст вазнида бир қатор асарлар яратилди. Абдулла Алавий юқорида номли зикр этилган мақоласида ўзбек адабиётида сарбаст шеърнинг илк намуналарини яратаётган шоирларнинг ижодига назар ташлаб, Боту, Ҳамид Олимжон, Миртемирларнинг номини алоҳида тилга олади.

Ўзбек шоирларнинг ижодида Нозим Ҳикмат руҳининг туғенига, шабадасига назар солишдан олдин, сарбаст шеърнинг ўзига хос хислатлари ҳақида ҳам қисқача фикр юритишни лозим топдик.

Ботунинг шу даврда яратилган «Золимлар ўлкаларида», «Ғоя йўлида», «Уғит», «Каспий денгизга» сингари шеърларида ва «Биринчи хат», «Синфлар кураши» поэмаларида сарбастга хос тасвир белгиларини аниқ илғаш мумкин. Бу асарлар бармоқ вазни ва сарбаст шеърнинг синтети сифатида юзага келган. Уларда гоҳ бармоқ вазнидаги маълум системага солинган ўлчов бирлиги устун келса, баъзида сарбаст шеърга хос мисраларнинг тез-тез қайтарилиши, ички ритм, кучли ҳайқириқ, кенглик устун туради. Унинг «Каспий денгизга» номли шеъри кўздан кечирилса, шоир сарбаст шеър хусусиятларини нақадар кенг ўрганганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Менда сен каби шўх, сен каби  
магур,  
Мени «менликна» асир эта олмас бу  
гурур

Чунки мен,  
Олгаман,  
Бу гуруримни,  
Бу суруримни  
Шоғли вулқондан,  
Тенгсиз исёндан,  
Эски дунё қақшаган ондан,  
Менинг кўнглим-да пўртаналар,  
Пўртаналар!  
Чунки, пўртана мендир,  
мен-да пўртанаман  
Пўртанасиз ўртанаман!

Мазкур парчадан кўриниб турибдики, шоир сўзларни шакл учун ёхуд шунчаки ҳайқириқ учун қайтармайди, бал-

ки қайтариқ орқали ўз ғоясини, ўз фикрининг таъкид (кучини) оширади. Шеър сокин бошланиб, аста авж пардага кўтариллади ёхуд тўлқинларнинг бирдан асов ғалаёнга келишини эслатади. Маълумки, сарбаст шеърнинг ўзига хос хусусиятига кўра унда тасвирланаётган воқеа сатрларнинг зарби орқали бериллади. Сарбаст шеър ўзининг ҳозир жавоблиги, даврга ҳамоҳанг жанр эканлиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам инқилоб йилларидаёқ ўзбек адабиётида инқилобнинг катта кучини оммага тарғиб қилиш, зулматни ёрган момақалдироқдек гулдурсога эга сарбаст шеърнинг зарблари орқали фикр айтишга мойиллик кўрина бошлади. Ана шундай шоирлардан бири — Ҳамид Олимжон эди. «30-йилларга келиб Ҳамид Олимжоннинг овози Нозим Ҳикматнинг овози сингари, «минглаб от кучи билан сандонга урилайтган болгадек янграқ садқ касб эга бошлади» (Наим Каримов. «Ҳамид Олимжон», «Еш гвардия», Т. 1979).

Унинг «Қиш кўчасида», «Мудофаа кўнларида», «Виз енгдик», «Тарих кўрганми», «Нима бизга Америка», «Ўлка сафарбар», «Темир қонун», «Маҳорат», «Бахтлар водийси» сингари шеърлари сарбаст шеърнинг баркамол намуналаридандир. Ҳамид Олимжон Нозим Ҳикмат шеърлятининг илк таржимонларидан биридир. Шунинг учун унинг ижодида Нозим Ҳикматнинг кўрашчан, чорлов шеърларининг таъсири сезилиб туриши табиий. Бу ҳол Ҳамид Олимжоннинг агитацион — минбарнамо шеърларида яққол кўринади:

Уфқимизнинг ҳирсларини  
ўзига тортган,  
Елкасига тарих билмас  
ғалаба ортган.  
Улуг йўлда толиқмасдан  
тез кетаётган  
бахмал қирлар,  
кенг бўшлиқлар,  
пахтазор ерлар  
кўм-кўк.

Ҳамид Олимжоннинг сарбаст шеърлари даги Нозим Ҳикматга яқин хусусиятларидан бири ички ритмдир. Бундан ташқари янги образлар кашф этиш мисраларнинг зарбига, оҳангига алоҳида ургу бериш ҳар инкала шоир ижодида кучли жананглайди:

Тупроқ бақир,  
Кўк бақир!  
Ҳайқир,  
кўёшни ичганлар қўшигин  
Ҳайқир!  
Ҳайқирайлик!  
(Нозим Ҳикмат, «Кўёшни ичганлар қўшиғи» «Аланга» 1929 й. 11-сон).

Мана шундай пафос, шиддат Ҳамид Олимжоннинг шеърларида ҳам намоён бўлади:

Михлар каби  
қадаб кўзни  
душман ёқларга —  
Тўғонларни тупроқ қилиб  
утиб кета бер!

Умуман, ўттинчи йилларда Нозим Ҳикмат шеърининг таъсирини Ғафур Ғулум, Миртемир, Усмён Носир, Олтой, Элбек, Шокир Сулаймон сингари шоирлар ижодида ҳам сезиш мумкин.

Адабий таъсир бевосита ижодкор шахси, дунёқараши билан бирга давр талабига ҳам боғлиқ ҳодисадир. Чунки, ижодкор ўзи яшаб турган даврни қаламга олар экан, аввало, у мана шу даврнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда унинг долзарб масалаларини, инсоциятнинг шу кунги орзу-ўйларини очиб беришга ҳаракат қилади. Ўттинчи йилларда «инқилоб гимни» бўлиб янграган Нозим Ҳикматнинг «Шарқ ва СССР», «Кўёшни ичганлар қўшиғи», «Нефтнинг жавоби», «Масков — Токио — Масков», «Мажнунтоллар» каби бир қатор катта пафосга эга минбар шеърларини Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, Миртемир сингари шоирларимиз таржима қилдилар.

Мана шу даврда ўзбек адабиётида сарбаст шеърнинг агитацион, минбарнома, ижтимоий публицистик руҳ билан суғорилган намуналари, жумладан, Ғафур Ғулумнинг «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка», Ҳамид Олимжоннинг «Нима бизга Америка», «Темир қонун», «Қиш кўчасидан», «Мудофаа кунларида», «Биз енгдик», «Бахтлар водийси», Миртемирнинг «Кураш», «Бонг», «Сафарбар» каби шеърлари юзга келди.

Ўзбек совет адабиётида Нозим Ҳикмат ижоди руҳидан таъсирланиб, аини чоғда ўзига хос услуб яратган шоирлардан бири Мақсуд Шайхзодадир. Шайхзода шеърляти, айниқса унинг сарбаст шеърлари ўзбек адабиётида алоҳида ўринга эга. Биз юқорида Боту ва Ҳамид Олимжоннинг эркин шеърлари а хос агитацион, минбарнома, чақириқ, кучли ҳайқириқ хусусиятларини кўриб ўтгандик. Шайхзоданing бу типдаги шеърларида эса залворли босиқлик, кучли фалсафий мушоҳада, кутилмаган образлар, ташбеҳлар намоён бўлади. Шоир шеърларида кўпинча ўқувчи билан ёнма-ён туриб, унга ўз таассуротларини сўзлаб бераётгандек тасаввур қолдиради. Бундай ҳол Нозим Ҳикмат шеърлятининг, айниқса, элягинчи йиллардан кейинги ижодининг негизини ташкил қилади. Мана, унинг бир шеърдаги айрим мисралар:

Бир хил инсонлар бўлади,  
Гиёҳларнинг анвоини билади.  
Бир хил одамлар ҳам бор  
Балиқларнинг уругдан хабардор  
Мен бўлсам хўп ошманан.  
Ҳар турли ҳижронларга.  
Баъзилар ёддан санар,  
Юлдузларнинг отларин.  
Мен эсам санайман,  
Умримнинг ҳасратларин...

Энди Шайхзода яратган баъзи мисраларга разм солайлик:

...Кўп кўрганман,  
Кўп эшитганман.  
Кўплар билан учрашганман,  
Қанча дўстан ажрашганман.

Юрагим ўн саккиз яшар,  
Аммо ғалаги:  
Эллик учда эканимни ақлим билади.  
Инқилоблар арафаси  
Тугилганман...

Автобиографик хусусиятга эга бўлган бу икки шеърнинг тасвир воситалари бир-бирига ўхшамаса-да, уларнинг оҳанглири жуда яқин. Шайхзода Нозим Ҳикмат услубига — шеърнинг жарангдорлигига, оҳангига катта эътибор қилди. Шу боисдан унинг шеърларини ўқиган китобхоннинг кўз олдида шоирнинг салобатли қиёфаси гавдаланади.

«Шайхзода ижодида Нозим Ҳикматнинг таъсири — реминисценцияларда ҳам учрайди.

Масалан:

«Шоирим: бир йил ёққан ёмғир қадар  
шеър ёздим».  
(Н. Ҳикмат).  
«Дарахтларнинг сони қадар мисралар  
тиздим»  
(Шайхзода).

Баъзан шеър руҳида, сарбаст шеър оҳанглирида, сўзини энг зарбли нуқтага жойлашларда кўринади» (Иброҳим Ғафуров. «Ҳозирба». Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1970).

Нозим Ҳикмат шеърларидан ўрганиш уни таржима қилиш иштиғи ёш шоир ва таржимонлар — Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Муҳаммадали Қўшмоқовлар ижодида ҳам сезилади.

Улар устоз шоирнинг шеърларини тиниқ таржима қилиб, унинг анъаналарини изчил давом эттирмақдалар. Яхши таржима шеърга янги қудрат, янги умр беради. У илк бор ўз она тилида қандай мангуликка қадам қўйган бўлса, таржима қилинган иккинчи бир халқ тилида ҳам мангу қолади. Нозим Ҳикмат шеърлярининг севиб ўқилаётганлиги, ўзбек тилига таржима қилинганлиги, ёш ижодкорларнинг унинг йўлига мойиллиги шоирнинг ўлмаслигидан, шеърлятининг мангулигидан далолат беради.

Юқорида биз номларини тилга олган ёш таржимонлар кундалик матбуотда ўз таржималарини ёритиб келмоқдалар. Улар Нозим Ҳикмат шеърларини аниқ таржима қилиш билан бирга, ўзбек адабиётида сарбаст вазнининг бой имкониятларини янада намоён этиш учун ўз фаолиятларини бахш этмоқдалар. Рауф Парфининг «Инсон умри», «Шеърлят», Миразиз Аъзамнинг «Шеърлятдан ўтинч», «Қаршимда турар», Муҳаммадали Қўшмоқовнинг «Али Қамбар», «Учаётган даладар» сингари шеърларини ўзбек адабиётида кейинги йилларда шу сирада яратилган асарларнинг яхши намуналари сифатида келтириш мумкин. Бундан кўринадики, бадий таржима иккинчи бир ҳалққа маънавий озуқа бериб қолмай, балки у халқнинг адабиётига ҳам маълум таъсир кўрсатади, унинг ривожланиш омилларидан бири вазифасини бажаради.

Нозим Ҳикмат шеърлятининг ўзбек

адабиётида катта қизиқиш уйғотиш сабабларидан бири бу икки халқ урф-одатининг, тилининг, миллий манзараларининг бир-бирига яқинлигидир. Шунинг учун бўлса керакки, ўзбек шоирларига сарбаст шеър ижодкорларидан энг яқини Нозим Ҳикмат бўлиб қолди. Агар биз сарбаст шеърнинг шаклини, моҳиятини, қонун-қоидасини П. Неруда, Б. Брехт, П. Элюар, Ж. Превьер каби эркин шеър усталаридан ўрганмоқчи бўлсак, албатта, уларни рус тилига қилинган таржимаси орқали ўқишимиз мумкин. Ваҳоланки, таниқли таржимашунос олим В. Л. Россельс «Олтмишинчи йиллар таржима мактаби» номи мақоласида бу шоирларнинг асарлари рус тилига шаклан бузиб таржима қилинаётганлиги ҳақида ачиниб ёзади.

Чиндан ҳам Г. Лорка, П. Элюар, П. Неруда шеърларининг русча таржималарини ўқиш жараёнида сарбаст шеърда туйғудан кўра ақл устун туради деган фикрга келасиз. Эки сарбаст шеърда қофия, ритм, мусиқа бўлмасдан, у шунчаки, фикрлар йиғиндисидан иборат экан, деган мулоҳаза туғилади. Аслида бунинг акси, сарбаст шеърда бармоқ ва аруздаги каби фикр ва туйғу омухта бўлмоғи даркор. Шунинг учун ҳам Маяковскийнинг, Нозим Ҳикматнинг эркин шеърларини ўқиганда эҳтироснинг шиддатидан туғилган ларзани англаб олиш мумкин.

Нозим Ҳикмат ижоди ўзбек шеърлятида сюжетли асарлар яратишда ҳам катта аҳамият касб этди.

70-йилларнинг бошларида ўзбек шеърлятида, айниқса сарбаст вазнида баллада хусусиятини маълум маънода ўзида мужассамлаштирган, бир характери ёки тақдирни, воқеани ўзида гавдалантирадиган сюжетли шеърлар кўпроқ яратилди. Бу ҳол шеърлятни умумийликдан конкретликка: маълум шахс ёки ҳолат, ҳодиса орқали фикр юритишга олиб келди, шеърнинг таъсир кучини оширди.

Нозим Ҳикматнинг «Ёнмаган сизгара», «Гап мана шу, лазиз Исмоил», «Чиннигулли одам», «Юрвучи одам», «Сариқ

дев ва нозанин хотин», «Шубҳа», «Хат ташувчи» ва Ленин мавзудидаги бир қатор шеърларида маълум бир сюжет асосида фикр юритилади. Бундай хусусият Шайхзоданинг кўп шеърларида ҳам етакчилик қилади. Нозим Ҳикматнинг «Инсон манзаралари»даги уч мингдан ортиқ образ ва характерларнинг қиёфасини гавдалантиришда ҳам фикрни, туйғунини ана шундай маълум сюжетлар орқали лўнда ва ихчам, аниқ ва ойдин қилиб бериш ўзини оқлаган.

Бугунги ўзбек шеърлятида сарбаст вазнида қалам тебратётган ёшлар ижодига назар солсак, сюжетли шеър ёзишга мойиллик устун эканлигини англаш қийин эмас.

Бу хусусият Миразиз Аъзам, Рауф Парфи, М. Қўшмоқов шеърларида айрича назарга тушади. Айниқса, М. Аъзам бу вазнининг халқ дилига, тилига яқин томонларини топади, кундалик ҳаётда рўй бераётган реал воқеаларни поэтик образлар орқали, ортиқча жимжимасиз, содда, равон қилиб тасвирлайди.

Бу мисоллар Нозим Ҳикмат шеърляти кундан-кунга яшариб, янги-янги мазмун кашф қилаётганини кўрсатади. Шоирнинг умр боқийлиги, новаторлиги ҳам ана шундадир.

Нозим Ҳикмат «65 шеър» тўпламининг ўзбекча таржимасига ёзган сўз бошида шундай деганди: «Ўзбек ўқувчиси бутун дунё шеър хазинасидан энг қадрли асарларни ўқиган ва ўқимоқда. Унинг завқи юксакдир. Буларнинг барини биламан, билганим учун ҳам унинг қаршисига юрагимни ҳовучлаб чиқаётirman...»

Шоирнинг шиддатли товуши, оптимистик шеърлари аллақачон ўзбек китобхонлари қалбидан жой олган. Нозим Ҳикматнинг ўзи: «Мен учун шом эмас, фақат тонг бор» деб тўғри башорат қилган эди. Бугунги кунда унинг доғали шеърлятининг уфқи тобора кенгайиб, шоирнинг умрига умр қўшмоқда.

Тилак ЖУРА.

Ҳамид Ғуллом

## МАСЛАҚДОШ, ҚУРОЛДОШ

**Б**из у билан кўп марта учрашдик. Гоҳ Москвада, гоҳ Бокуда, гоҳ Тошкентда турли сабаблар билан кўришиб турдик. Бу кўришувлар 1951 йилнинг кўкламидан бошланди, чунки у вақтга қадар Нозим Ҳикмат умрининг энг навқирон, энг илҳомбахш йилларини қамоқхоналарда ўтказди.

Туркиядаги реакцион тузум ҳукмронлари оташнафас халқпарвар шоирни 1937 йилда 28 йиллик мuddатга ҳибсга ҳукм этган эдилар. Метин иродали шоир зиндону авахталарда 17 йил зулматда бўлди. У жаҳон афкор оммасининг қаттиқ талаби туфайли 1950 йилда озод этилди. Шунда ҳам маъмурлар



уни ўз ватанини тарқ этишга мажбур қилдилар. Нозим СССРни танлади ва Москвага келиб яшай бошлади.

У буюк интернационалист шоир, шонли коммунист инсон, ўз даврининг миллий қахрамони сифатида донг таратди. Владимир Маяковскийнинг сафдоши ва содиқ шоғирди бўлган Нозим Ҳикматни биз айни вақтда Николай Островский ва Матэ Залка, Юлиус Фучик ва Муса Жалил билан бир сафда тасаввур этамиз. Унинг ҳаётдаги ва ижоддаги жасорати шуни тақозо этади.

1958 йил сентябрь ойининг охирларида, Осие ва Африка ёзувчилари Тошкент конференцияси арафасида Нозим Ҳикмат шахримизга ташриф буюрди. Конференцияни ўтказувчи Халқаро тайёргарлик комитетининг раиси Шароф Рашидовч Рашидов уни қабул қилиб, узоқ суҳбатлашди. Шундан кейин Нозим ҳар кун Гафур Ғулوم, Ойбек, Мақсуд Шайхзода ва бошқа ўзбек дўстлари билан учрашиб турди. Унинг конференция ялпи мажлисида, ўша мўътабар минбарда туриб, чексиз инсоний ва ижодий фахру гурур билан сўзлаган янгроқ нутқи ҳамон ёдимизда.

«Биз халқларимизни, уларнинг ҳаётларини, қалбларини кашф қиламиз,— деди шоир ўша нутқида. — Ҳеч қандай тарих даврида, ҳеч бир қитъада ёзувчилар ҳеч қачон бундай улкан ва мураккаб материал устида ишлашган эмаслар. Шу сабабдан Осие ва Африканинг ҳозирги адабиёти (мен бу адабиётнинг ҳақиқий, асл қисмини назарда тутаман) озодлик адабиёти, халқ адабиёти, инсонпарварлик адабиёти, изланувчи революцион ва тарбияловчи адабиётдир».

Биз ўша кун Навоий театрининг муҳташам залида Нозим Ҳикматнинг жарангдор овозини тинглаб, у ифодалаётган чуқур мазмунли инқилобий фикрларнинг мағзини чақиб ўтирдик. Шоир ўз халқи адабиётини теран таҳлил қилди, синфлар, мафкуралар курашини ҳақиқат мезони билан ўлчаб таърифлади, уйғонаётган улуг қитъалар адабиёти ва санъатининг бундан кейинги ривожланиш йўллари башорат этиб кўрсата билди.

«Ҳақиқий ёзувчилар ўз халқларининг қалбларини ўз қўлларида тутиб турадилар,— деди Нозим Ҳикмат нутқининг охирида.— Биз Тошкент конференциясига шу қалбларни кўтариб келдик.

Кишининг қалби нафрат билдиришга ҳам, муҳаббат изҳор қилишга ҳам уста бўлади. Тошкент конференциясида беҳад нафрат ва беҳад меҳр-муҳаббат қалбларимизни бир-бирига боғлади: қўлликка, урушга, мустамлакачиликка ва қолақликка нафрат билан, озодликка, миллий мустақилликка, тараққиётга, ер юзида бахтли ва адолатли ҳаёт қуришга муҳаббат билан боғлади!»

Бундай ҳаётий ўткир сўзларни бундай олий минбардан аср юкнини елкасида кўтарган, ўтли курашларда иштирок этиб чиниққан Нозим Ҳикмат каби алломаларгина айтиши мумкин эди!

1963 йил куз фаслини ҳамон эслайман. Биз, бир гуруҳ ёзувчи ва санъат-

корлар Москвага бориб, Александр Фадеев номидаги Марказий адабиётчилар уйида Гафур Ғулум туғилган куннинг 60 йиллигига бағишланган тантанали кечада қатнашдик. Кечага Константин Федин раислик қилди. Гарчанд Нозим Ҳикмат Перedelкино қишлоғидаги боғида бир оз бетоб ётган бўлса ҳам, кечага иштирок этиш истагини билдирди. Мен Перedelкинога бориб, қардош шоирни Адабиётчилар уйига олиб келдим. Ўзбек адабиётига ва унинг атоқли шоири Гафур Ғулумга муҳаббати чексиз бўлган турк шоири кечада отагини нутқ сўзлади. Бинобарин, у Тошкентни, Ўзбекистонни эслаб, ўзбек халқи ва унинг социалистик маданияти ҳақида юрак сўзларини айтди.

Агар Нозим Ҳикмат ҳозир ҳаёт бўлса, биз уни 80 йиллик юбилейи кунларида албатта, республикамизга тақлиф этган, унинг иштирокида китобхонлар билан учрашувлар ўтказган бўлардик. Унинг ўзбек тилида нашр этилган тўплами аллақачон топиламас нодир асарлар қаторидан ўрин олган. Юбилейга шоирнинг «Инсон манзаралари» номли улкан шеърый эпопеясида биринчи қисми китоб ҳолида нашр этилди.

Нозим Ҳикмат шеър ва сахна мухлисларининг семимли ёзувчисидир. У эркин шеър ва романтик шеърый драма устасидир. Унинг чуқур инсоний муҳаббат ва садоқат туйғулари билан суғорилган асарлари Европа мамлакатларида, Шарқ ўлкаларида кенг тарқалган.

Ливандаги бундан йигирма йил аввалги бир учрашув ҳамон ёдимда. Даққош исмли лобар юрист йигит билан танишиб қолдим ва иккимиз қадимги ёдгорликлар макони — Баалбек шаҳрига сафарга чиқдик. Йўлда баланд тоғ тепасидаги бир манзилда тўхташга мажбур бўлдик — қуюқ туман доvon ошишга имкон бермади. Оддий бир чўпоннинг ўтовида тунадик. Чўпон ўқиётган китоб билан қизиқдик. Шеър шайдоси — тоғлик чўпон Нозимнинг «Сочилмиш шеърлари» номли мажмуасини ўқиётган экан!

Оташин шоир, адиб, драматург ва публицист Нозим Ҳикматни жаҳон халқлари тинчлик учун толмас курашчи сифатида ҳам яхши билдилар ва унинг муборак номини самимий эъзоз-эҳтиром билан тилга оладилар. Унинг бу олижаноб жабҳадаги хизматлари халқаро Ленин мукофоти билан тақдирланган.

Мовий кўзларининг боқиши сокин бўлса ҳам, юраги қайноқ, илҳами жўшқин буюк шоир энди орамизда йўқ. Аммо, унинг сўзи ва сози ҳамон янграб, одамларни зулм ва даҳшатга қарши курашга даъват этиб турибди. Вақт ўтган сари унинг асарлари янги маъно ва мазмун, ҳозиржавоблик ва долзарблик касб этиб борапти. Мен ўтган йили Туркияга борганимда Анқара ва Истамбулда илғор фикрли ноширлар унинг асарларига таъқиқни бекор қилиб, она тилида яна нашр эта бошлаганларини кўриб қувондим.

Башарни бахтга чорлагувчи ижоднинг умри боқийдир.

Ғоямнинг йўлчиларига

**Б**у бир қўшиқ:  
 Сопол кўзаларда  
 қуёшни ичганларнинг қўшиғи!  
 Бу — бир ўрим:—  
 ўтли сочлар ўрими;  
 тўлганмоқда;  
 яланг ва мис оёқли-қаҳрамонларнинг  
 қорачадан келган манглайларида  
 қонли-қизил бир машъала каби  
 ёнмоқда!

Мен ҳам кўрдим у қаҳрамонларни,  
 мен ҳам ўрдим ўша ўримни,  
 мен ҳам уларга йўлдош,  
 қуёшга борадиган  
 кўприкдан  
 ўтдим!

Мен ҳам ичдим сопол кўзаларда  
 қуёшни.

Мен ҳам куйладим у қўшиқни!  
 Юрагимиз тупроқдан олди кучини:  
 олтин ёлли арслонларнинг жағини  
 мажақлаб  
 керилдик!

Сакрадик  
 қоялардан,  
 яшинли шамолларни миндик.  
 Қоя билан қалққан шунқорлар  
 қоқади ёруғда ялтираган қанотларини.  
 Олов билакли суворийлар қамчилайди  
 қизишган отларини!  
 Хужум бор  
 қуёшга, боқинг!  
 Қуёшни фатҳ этгумиз,  
 қуёшнинг фатҳи яқин!

Чиқмасин биз билан йўлга:  
 уйида йиғлаганларнинг  
 кўз ёшини  
 бўйнида оғир бир  
 занжир каби ташиганлар!

Эргашмасин бизларга  
 ўз юрагинг қобиғида яшаганлар.  
 Мана:  
 шу қуёшдан  
 инган  
 оташга  
 миллионлаб қизил юрак туташган!

Сен ҳам чиқар  
 кўкрагингнинг қафасидан юрагингни;  
 шу қуёшдан  
 инган  
 алангага от!

Юрагингни юракларимизнинг ёнига ўрнат!

Хужум бор,  
қуёшга, боқинг!  
Қуёшни фатҳ этгумиз,  
қуёшнинг фатҳи яқин!

Биз тупроқдан, оловдан, сувдан, темирдан

туғилдик!

Хотинимиз эмизади қуёшдан

чақалоқ — боламизни,  
тупроқнинг ҳиди келар  
мис ранг соқолимиздан.

Нашъамиз иссиқ,

қон қадар иссиқ.

Йигитларнинг тушларида жилваланган

жонон қадар иссиқ!

Нарвонимиз чангагини юлдузларга иламит,

Уликларимиз устидан қалқиб

қуёшга юксаламит!

Улганлар

ёқалашиб ўлдилар;

қуёшга кўмилдилар.

Вақтимиз йўқ уларга аза-мотам тутмоққа!

Хужум бор,  
қуёшга, боқинг!  
Қуёшни фатҳ этгумиз,  
қуёшнинг фатҳи яқин!

Узумидан қонлар томган қизил боғлар тутайди,

қалин ғиштли бинолар тўлғанади,

инграйди!

Ҳайқирди энг олдиндаги

фармондор!

Бу товуш!

Бу товушнинг қуввати,

бу қувват,

ярадор оч бўриларнинг кўзларига

парда тортган,

уларни ўз жойларида

тўхтатган

қувват!

Буйруқ бер:

улайлик!

Буюргин!

Товушингда биз қуёшни

ичамиз!

Жўшмоқдамиз,

жўшмоқда!..

Ёнаётган уфқларнинг туманли пардасида

найзалари кўкни тешган суворилар

шошмоқда!

Хужум бор

қуёшга, боқинг!

Қуёшни фатҳ этгумиз,

қуёшнинг фатҳи яқин!

Тупроқ ҳам мис,

кўк ҳам мис.

Ҳайқир қуёшни ичганларнинг таронасини,

Ҳайқир!

Ҳайқирайлик!

1928.

Дунё, дўстларим,  
душманларим,  
сен ва тупроқ

Мен дунёга келганимга бағоят мамнунман.  
Тупроғини, ойдинини, жанжалини ва жонини севаман.  
Эни, бўйи, ҳар ёғини сантим-сантим биламан,  
У қуёш атрофида бир копток, холос.  
Буларни мен биламан, аммо, шунга қарамай,  
Дунё менинг назаримда ҳаддан зиёда улғ.  
Дунёни сайр этмоқ,  
Мен кўрмаган балиқларни, меваларни, юлдузларни

кўрмоқ истадим.  
Ҳолбуки, фақат ёзувларда ва расмларда қилдим  
Оврўпо сафарини.

Бутун умримда зангори маркаси Осиёда  
муҳрланган бирон мактуб  
олган банда эмасман.

Мен ва бизнинг маҳалла баққоли,  
ҳар иккимиз бутунлай мажҳулмиз Америкада.  
Бунга қарамай,  
Чиндан Испанияга, Умид бурнидан Аляскага  
ҳар денгиз милясида, ҳар километрда дўстим ва  
душманим ҳам бор.

Бирон марта у дўстлар-ла саломлашмадик,  
аммо айни нон ҳурмати, айни эрк учун,  
айни ҳасрат учун барча ўлмакка шаймиз.  
Душманларки, уларга мен қаршиман,  
қаршидурлар улар менга.

Менинг қудратим —  
шу буюк оламда ёлғиз бўлмаслигимдир.  
Дунё ва инсонлари юрагимда сир,  
илмимда муаммо эмаслар.  
Улуғ низода

очиқ ва андишасиз  
кирдим сафимга.  
Бу сафдан ташқарида  
тупроқ ва сен  
мени қондиrolмайсиз.

Ҳолбуки, сен, ҳаддан зиёд гўзалсан,  
иссиқ тупроқ ҳам гўзал!

1949.

Мақсуд ШАЙХЗОДА таржималари.

# ШОИРНИНГ МАРДОНА ОВОЗИ

МАКСИМ БОГДАНОВИЧ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

**У**лкан белорус шоирлари — Янка Купала ва Якуб Коласнинг номлари мамлакатимизда ва бутун дунёда маълум ва машҳурдир. Улар муайян тарихий даврда ўз халқининг анграқ овози бўла олдилар. Белорус мужигининг чор самодержавиеси тутқунлигидаги эркисиз ва оғир ҳаёти, унинг яхши турмуш учун кураши, социал қўйи табақаларнинг янги ҳаёт сари йўли, уни яратишдаги фаол иштироки уларнинг асарларида ўзининг чуқур ва ҳаққоний ифодасини топди.

Максим Богдановичнинг номи унчалик машҳур эмас, лекин у ижтимоий-адабий фаолиятининг йўналиши ва мазмуни, орзу-ўйлари ва интилишларига кўра, белорус халқининг маънавий маданияти арбобларидан бири эканлиги жиҳатидан халқ эрки ва озодлиги кўйчилари Янка Купала ва Якуб Коласларга сафдошдир. У белорус адабиётига асримизнинг бошларида, ижтимоий-сиёсий муҳит 1905—1907 йиллардаги революцион воқеалар тўғрисида ниҳоятда кескинлашган, синфий кураш аввал кўрилмаган даражада кучайган бир пайтда кириб келди.

М. Богдановичнинг кўп қиррали ижоди — белорус халқи маънавий ривожланиши ва унинг маданияти шаклланишининг қонуниятидир.

Унинг матбуотдаги биринчи чиқиши 1907 йилда «Наша нива» газетасида босилган романтик кўтаринкиликка тўла «Музикант» ҳикояси билан бошланди. Ҳикоя миллий тарих туйғулари билан йўғрилган. Белорус халқи ўзининг миллий ва инсоний ҳуқуқлари, ўз маънавий кучларининг эркин ривожланиши учун узоқ вақт қаҳрамонларча кураш олиб борди. Чор Россияси халқлар турмасини эслатган самодержавиенинг зулматли йилларда Белоруссиянинг меҳнаткаш оммаси икки томонлама социал ва миллий зулм остида эзилди. Аммо, ҳар қандай уқубатларга қарамасдан у ўзининг тили, кўшиқлари, афсоналарини асрлар оша олиб ўтди, яхши кунлар келиши ҳақидаги умид ҳамроҳи бўлди.

Ҳикояда яратилган ўз ҳаётини юксак ижтимоий идеалларга хизмат қилишга бағишлаган музикант — скрипкачи образи белорус адабиётидаги анъанавий образдир.

Бу ўринда Ф. Богушевич, Тетка, Я. Купала, Я. Колас яратган образларни эслаш мумкин. Бу образ орқали М. Богдановичнинг ўз она ерига бўлган ишончи мужассамланган. «Ўша халқдан, — деб ёзган эди у ҳикояни тугаллар экан, — ўнлаб янги музикантлар етишиб чиқади ва ўзларининг кўйи билан одамларни нурга, ҳақиқатга, қардошликка ва эркинликка чорлайди». Ун олти ёшли муаллиф ўз ҳикоясини «Наша нива»га Волга қирғоқларидан, Нижний Новгороддан йўллаган эди. Богдановичлар оиласи бу ерга 1896 йилда кўчиб боришган эди.

Максим Адамович Богданович 1891 йил 9 декабрда Минскда туғилди. Унинг отаси Адам Егорович таниқли белорус этнографи ва фольклорчиси, «Белорусларда қадимий дунёқарашнинг қолдиқлари» (Гродно, 1895) китобининг автори эди. Онаси Мария Афанасьевна Петербургдаги хотин-қизлар олий ўқитувчилар курсини тамомлаб, бир оз муддат ўқитувчилик билан шуғулланди. У А. Е. Богдановичнинг хотирлашча «жууда кўп ўқир», ўзининг ҳам бадий ижодга майли бор эди. Бўлғуси шоирнинг илк болалик йиллари Гроднода ўтди. Сўнгра Мария Афанасьевнанинг вафотидан кейин Адам Егорович Нижний Новгородда хизматга ўтказилади.

Максим Богданович болалик пайтидаёқ ўқишга жуда катта меҳр қўяди. Кейинчалик у ўзига «Максим Книжник» тахаллусини олганлиги ҳам бежиз эмас. Бўлажак шоирнинг ўқишини отаси кузатиб борди. Дастлаб мутолаа қилинган китоблар орасида Шейн, Романов, Афанасьев ва бошқалар томонидан тузилган белорус ва рус халқ эртаклари, турли халқларнинг қаҳрамонлик дostonлари, Пушкин, Гоголь, Мицкевич, Сервантес, Данте асарлари бор эди. 1902 йилда у гимназияга ўқишга киради. Ўз Ватанига, белорус халқининг тарихига, унинг маданияти, тили, турмуши ва шеърлятига қизиқиш унда жуда эрта уйғонди. У. В. Дунин-Марцинкевич, В. Сирокомли, Ф. Богушевич ҳамда ўзига замондош ёзувчилардан — Я. Купала, Я. Колас, К. Каганц, Тетка асарлари билан танишди.

Унда белорус халқи билан боғлиқ ҳамма нарсага қизиқиш кучаяди. У ватанидан



вий, ахлоқий маънода ҳам оғир: «Улар тикар каноп сурпини фарсча мақомда».

Шоир ҳамма нарсада ўз халқига таянади. «Бўтакўзининг беази» унинг учун халқнинг бадиий онги эстетик ўзига хослигининг, эстетик тушунчаларининг панлар ва жанобларнинг ёт дидларидан мустақил эканлигининг символика айланади.

М. Богданович ўз халқи ва ватанининг тақдири ҳақида чуқур ўйларга берилади: «меҳнаткаш оиладаги келин сингари сен ўзинг учун сеп тўпламадинг», — дейди Беларусия ҳақида шу номли шеърида. Уша давр белорус поэзияси ҳақидаги мақолалар автори, таникли адабиётчи А. Погодинга бағишланган машхур сонетида («Миср еридаги қумлар қўйнида...») ватанпарварлик мавзуси юксак даражада ўз такомиллини топган. Шоирнинг Ватанга муҳаббати 1916 йилда яратилган «Таъқиб» шеърида ажойиб тарзда умумлаштирилган. Ватан мавзуси уни бутун ҳаёти давомида ҳаяжонлантириб келди.

Шоир ижодида ижтимоий мотивлар чуқурлашиб борди. «Бир кишининг уфқи» «хамманинги уфқи» билан тобора маҳкамроқ ва узвийроқ туташиб борарди. Шоирнинг маънавий-биографик тажрибаси, шахсан ўз бошидан кечирганлари сингдирилган Богданович лирикаси ҳаёт нафасини ўзида тобора кўпроқ жамулжам этарди. Беларусияда бўлиш жонажон диёрининг нафақат ўтмишини, балки келажагини ҳам кўриш имконини берди.

1914 йилда у империализм ва пролетар революциялари даврига қадам қўйган буржуа жамиятининг қарама-қаршиликларини очиб берувчи «Муҳожирлик қўшиғи», «Оралик» сингари шеърлар яратади.

Шоирнинг ижтимоий-ахлоқий идеали юксак ва инсоний. Унинг эстетик қарашлари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Богданович ҳаётдаги, санъатдаги, кишиларнинг ўзаро муносабатидаги гўзаллик шайдоси. Ўз асарлари, шеърлари, ҳикоялари, мақолаларида бу ҳақда кўп ўйлаган. Чунки инсоннинг бадиий онгини уйғотиш, унинг дунёқарашини шакллантириш санъатнинг бурчи эканлигига у амин эди. Шу боис ҳаётнинг маъносини, муҳаббат, ўлим, ахлоқий масъулият тўғрисидаги ўйлар уни қамраб олади. Гўзаллик унинг учун — бу фойдали ва манфаатдан четдаги нарса — чинакам инсоний ҳаёт шаклидир.

Богдановичнинг шоир сифатида шаклланиши XIX ва XX асрлар чегарасида адабиёт ва санъатда анъанавий бадиий принципларининг барҳам топиши жараёни ва ашаддий индивидуализмни тарғиб қилувчи ҳар хил модернистик йўналишларнинг кучайиши билан бир вақтда кечди. Беларус адабиётининг демократизми ва халқчиллиги Богданович шеъриятини, ўша давр бутун белорус поэзиясини декадентчиликдан сақлади. Шоир инсон индивидуаллигини юксакка кўтаришга, унга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳиссини тарбиялашга интильди. Богданович ижодида киши ўз-ўзини маънавий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан англаб етади.

1914 йилда биринчи жаҳон урушининг ёнғини аланга олди. Унинг учқунлари жафокаш Беларусия территориясининг ҳам бир қисмига ёйилди. Шоир Ватанга томон интильди. 1916 йил октябрь ойида Ярослав юридик лицейини тамомлаб, Минскка келади. У ерда Губерна озиқ-овқат комитетида ҳамда уруш қўрбонларига ёрдам кўрсатувчи Беларусия жамиятида ишлайди. Шоир урушга нафрат билан қарар, у нарсаларнинг ғайри табиий ҳолати бўлиб туюлар эди. Кишиларнинг ўзаро бир-бирини тушунишини, қалбларнинг бир-бирига оҳангдош эканлигини тасдиқлаш унинг ижодининг асосий пафосини ташкил этарди. Бу ижод умуминсоний идеаллар билан руҳланган:

Сокин ва бегубор оқшом чоғи  
Мен сиз билан учрашмоқни истар  
эдим кўчада

Ва дедимки:  
«Сиз кўраётган ёрқин юлдузлар,  
Геркулеснинг ёрқин юлдузи  
Унга томон учаётир бизнинг қуёш,  
Еримиз ҳам бормоқдадир қуёш  
изидан...»

Биз кимлармиз?  
Фалак ичра саяҳатчи-ҳамроҳлар  
холос.

Агар, учарканмиз  
Юлдузлар томон.  
Ёр юзида нима керак  
Жанжал, низо, қайғу ва алам.

Бу мисралар гўё бугунги кунда ёзилгандай жаранглайди.

«Тинч оқар Дунайда» ва «Белорус беази шеърлари» М. Богдановичнинг сўнгги шеърий туркумларидир. У миллий поэтик образлиқни излайди, ўз халқининг маънавий дунёсига чуқурроқ кириб боришга интилади.

Шоирнинг соғлиги тобора ёмонлашади. 1917 йил февраль ойида дўстлари уни даволаниш учун Ялтага узатиб қўядилар. У бу ерда тиним билмай ишлани давом эттиради, шеърлар ёзади, янги тўплаларини нашр қилишни планлаштиради, белорус алифбосини тузади... Аммо касаллик кучаяди. Шоир сўнгги кунларини яшамоқда эди.

Максим Богданович 1917 йил 25 мэйда 26 ёшида вафот этди.

Максим Богданович ижодида белорус халқининг маънавий олами, шоир яшаган давр ўз аксини топди. Унинг асарларида «дунёни ҳис қилишнинг тонги софлигини» топган тадқиқотчилар ҳақдирлар. Ҳа, у аксар ҳолларда ҳаётни янгича ҳис қилди, Г. Уэллс бошқа бир муносабат билан айтган «ҳаётнинг мафтункор қўполлигини», яъни мураккабликларни, ранг-барангликларини четлаб ўтмади. У кундалик ҳаётнинг поэзиясини ҳис этди. Биз М. Богдановични ўз ижодида инсоннинг ички оламини чуқур ёритганлиги, руҳий изланишларининг самарадорлиги ва ахлоқий идеалининг юксаклиги учун қадрлаймиз.

У йиллар оша бизнинг замондошимиз бўлиб қолди.

**Владимир ГНИЛОМЕДОВ,**  
филология фанлари кандидати.

# ХУАН РАМОН ХИМЕНЕС

XX аср жаҳон шеърятининг илғор, тараққийпарвар намояндаларидан бири, машҳур испан шоири, Нобель мунофоти лауреати Хуан Рамон Хименес туғилганига 100 йил тўлди.

Хуан Рамон Хименес испан шеърятдаги реализм мактабига асос солган, унинг шаклланишига улкан ҳисса қўшган новатор ижодкорлардан бири. Унинг «Бинафша кўнгиллар», «Нилуфарлар» (1900), «Хазин оҳанглар» (1902), «Олис боғлар» (1903), «Чўпоннома» (1905), «Яшил япроқлар» (1906), «Баҳор балладалари» (1907), «Жарангдор танҳолик» (1908), «Қишлоқ тароналари» (1910), «Уйчан сиймо» (1911), «Кўнгил сонетлари» (1914), «Платеро ва мен» (1907—1916), «Шоир кундалиги ва денгиз» (1916), «Тош ва осмон» (1917), «Гўзаллик», «Шеърят» (1923) «Муштарак фасл» (дастлабки номланиши «Бешинчи фасл» — 1946) каби шеърӣ ва насрий китоблари ҳамон севилиб ўқилмоқда, жаҳон халқлари тилларига таржима қилинмоқда.

Шоирнинг асарлари совет китобхоналарига яхши таниш. Яқинда ижодкор таваллудининг 100 йиллигига атаб Москвадаги «Художественная литература» нашриёти унинг «Сайланма»сини чоп этди. Биз ана шу китобдан ўрин олган баъзи шеърларни журналхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

## Қўшиқ

Баланд шохда куйлайди бир қуш.  
Қамишзорда куйлайди булоқ.  
Баландлик, сув қўшиғи на хуш —  
жўшиб кетар кўнгил ҳам бу чоқ.

Юлдузларни аллалайди қуш,  
қамишзорни аллалар булоқ.  
Баландлик, сув мавжига оғуш —  
очиб, кўнгил мавж урар бу чоқ.

Оқшомги йўллар мени  
етақлар бир тун томон.  
Борурман излаб сени,  
борар йўлим ноаён.

Йироқлар ёғдусидек,  
шамолларнинг шовқини  
ва чечаклар исидек  
излаб борурман сени.

Бугунги ҳақиқат  
шу қадар ҳам ёлғон эдики,  
ишонмади унга ҳеч ҳилқат.

Шошилма, бари бир жамики йўллар  
сени ўз-ўзингга олиб келади.

Шошилма, аксинча, кеч бўлар,  
аксинча, сенинг ўз «ўзлигинг» —  
бир гўдак — абадий ёш бола:  
у етолмас сенга ҳеч қачон!





## Сўнги ўл

...Мен-да кетадурман. Рубьи маскунда  
қушлар аввалгидай сайрар, чарх урар,  
менинг оқ қудуғим қолади бунда,  
боғ қолар, боғдаги дарахтлар қолар.

Кун оғиб бораркан, осуда, шаффоф  
шафақ тош қотаркан, теваракдаги  
жомлар мени эслар занг уриб у тоб.

Қўчалар ўзгарар вақт ўтган сайин,  
мен севган зотлар ҳам ўтиб кетишар,  
боғимга оқланган девордан у кун  
соғинч-ла бўйлагай руҳим мукаддар...

Мен-да кетадурман; ҳеч кимсиз — танҳо,  
Мен билан кетмагай оқшомлар, тонглар,  
оппоқ қудуғим ҳам кетмагай асло....

Қушлар аввалгидай сайрар, чарх урар.



Етиб келди видоли оқшом,  
тезўтар бир умрдек айнан.  
Кундуз завол топди батамом...  
Оҳ, мен мангу яшасам дейман!

Қонга бўяб боғлар япроғин,  
қонли яра очиб қалбимдан,

ёнар мисранг оқшом шафағи...  
Оҳ, мен мангу яшасам дейман!

Оҳ, қанчалар гўзал бу жаҳон!  
Пуфламангиз шамларни бу дам...  
Мангу қолсин шоми ғарибон,  
мангу яшаб қолайин мен ҳам!



Торлар тинса агарда,  
куйнинг ҳоли не кечар,  
маёқ сўнса агарда,

ёғду қаёққа учар?  
Улим, иқрор бўлгин: сен —  
фақат зулмат, сукунат?!

## Лангароҳ

Биз ухлаймиз, жисмимиз — лангар,  
ҳаётнинг  
тубсиз бир зулмати узра  
жонимиз ташлаган оппоқ бир  
лангар.



Бугун кўкдай ёруғ кўнгил ҳам,  
осмон каби нурли, юлдуззор —  
ой оқариб ботаётган дам,  
бу субҳидам нечоғ фусункор.

Бутхоналар ухлар атрофда,  
чироқлар, шох-бутоқлар аро.  
Умримизга кимдир шу тобда

ёрқин қўлин чўзар нурнамо.


Тушида дард чекар дарахтлар,  
тунги сувлар шов-шув солар, бу —  
биз қачондир унутган дардлар  
ва қалбларга қондош, яқин куй.

Соялар ҳам гул очмиш чаман!  
Атиргуллар жим-жит барқ урар  
ҳамда фақат ойга аталган  
мовий, муздай нафас уфурар.

Порлаб учди бир юлдуз. Аён —  
энди йўқман, бўлмишман фидо.  
Шаҳар узра,  
узар экан жон,  
ой ёғдуси айтар алвидо.

Тоҳир ҚАҲҲОР таржималари

# Тўрқабачи



Бўлимга  
ҒАФУР ҒУЛОМ  
асос солган

Ориф Фармон

## Ҳиндуҷа танишув

### ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР

Ногаҳон бир гўзални учратдимۇ бутун фикр-хаёлим остин-устин бўлиб кетди. У шунчалик чиройли эдики, тасвирлашга ожизман. Лекин ҳикоямнинг ҳажмини катталаштириш учун тасвирлашга уриниб кўраман.

Хў-ўш, нимадан бошласам экан? Майли, телевизорда хонандаларни кўрсатиладигандай аввал бутун гавда, кейин белдан юқориси, кўксидан тепаси, юзини — олдиан, у ёндан, бу ёндан чиза қолай.

Қомати аллдай, елкалари кенг, бўйни оққушниги каби, кўзлари шахло, сеҳрли, қошлари қуюқ, қалам!

Лекин қиз билан танишишнинг сира иложини тополмасдим. Ҳар куни унинг кўчамиздан ўтишини орзиқиб кутиб, сўнгра то уйгача кузатиб борардим. Қиз эса орқасидан одам эмас, лайча эргашиб юргандай тутарди ўзини. Минг хил турланиб, товландим, минг хил кўйга кириб кўрдим. Бефойда. Уни шунчалик севиб қолгандимки, йигитлик иззат-нафсимни ҳам унутдим.

Ўзимни ерга уриб, оёғининг тагида сугурги бўлиб кетсам-да, ақалли бир оғиз аччиқ ёки ширин сўзини эшитиш, насиб этмади. У фақат икки марта «Сен ҳам одамми, фу» дегандай ижирғаниб назар ташлади холос. Муҳаббатим олови эса тобора гурилларди.

Мана, бугун ҳам кўксимни диванга бе-

риб ётибман. Ҳеч нарса ёқмайди. Ёнимга кулдон ўрнига тоғора қўйиб олганман. Лабимда сигарет, калламда эса «Нима қилиш керак?» деган савол. Нима қилиш керак? Ишлатмаган биронта ҳунарим қолмади. Агар қолган бўлса, ўйлаб ҳам ўтирмай дарров ишга солардим. Усиз дунё мен учун кўмир шахтаси, овқатлар бемаза, сигареталарнинг кучи йўқ, одамлар душман...

Шу пайт телевизорда ҳиндулар ҳақида фильм берилиб қолди. Дастлаб унча диққат қилмаган бўлсам-да, аста-секин қизиқа бордим.

Воқеа жуда ҳаяжонли эди:

Тадқиқотчилар чикао қабиласи тўғрисида эшитиб қоладилар ва уларни қидириб йўлга тушадилар. Ёввойи ўрмонда узоқ вақт изғиб юришади. Фақат саккизинчи кунигина одамлардан нишона — ташландиқ кулбалар, турли буюм синиқлари учрайди. Учинчи куни дарёдан оқиб келаётган бамбук камон ўқини, ўн биринчи куни эса жунглига кириб кетган тор сўқмоқни топадилар.

Тадқиқотчилар сўқмоқ оралаб йўлга тушадилар. Анча вақт ўтгач, ҳиндуларнинг қичқириқларини эшитиб қоладилар. Улар қишлоққа яқинлашиб, харида ўтирган бир қари ҳиндуни кўришади. Бошқа ҳинду эр-

каклар дам олиб ётардилар. Учай деб қолган гулхан тутуни тўлқинланиб кўкка ўрлар, атрофда эса кичкина сержило тўтилар дайдр эди. Тадқиқотчилардан бири қўлидаги ялтироқ мунчоқларни боши узра баланд кўтарганча чолга яқинлашади. Икки олам одами бир-бирига ваҳимали тикилганча қотиб қолишади. Лекин бу ҳол жуда оз вақт давом этади. Чол ёввойи қийқириқ билан сапчиб туради. Тўс-тўполон кўтарилади. Аёллар ва болалар жон ҳолатда қочиб қоладилар. Эркаклар эса камонларига ёпишади. Узун бамбук ўқлар визиллаб унади. Тадқиқотчилар мунчоқларни ерда қолдириб чекинадилар.

Улар ҳиндуларнинг тинчланишини узоқ вақт кутишади ва яна қайтиб келишади. Бироқ ҳиндулар баттар шовқин кўтаради-

лар. Тадқиқотчилар қўлларидаги мунчоқларни ярақлатиб ишонч билан олға юраверадилар. Кутилмаганда буталар орасидан учта ҳинду отилиб чиқади ва камонларини ерга ташлаб мунчоқларга ёпишади. Кейин дарҳол яширинишади. Урмон ичкарисидан чиқаоларнинг қийқириғи эшитилди. Тағин икки ҳинду мунчоқ олади ва аста-секин улар сони кўпая боради. Охири жуда катта тўда чиқиб келади. Бу гал совга олғач ҳеч ким қочмайди.

Шундай қилиб танишува бошланади...

Уҳ! Тўсатдан калламга бир фикр келдики, сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. Мана, танишишнинг йўли қанақа бўларкан! Апилтапил кийиндиму кўчага ўқдай отилдим. Ишқилиб заргарлик магазини ёпилиб қолмаган бўлса бас...

## Лекин севгилим...

Инсон табиати жуда ғалати-да. Нуқул «оламан» дейди. Мана, мен ҳам олти йилдан бери квартира оламан дейман. Бир қизни олти йилдан бери яхши кўраман, уни оламан, дейман. Лекин униси ҳам, буниси ҳам сира насиб этмаяпти. Ишхонада, аввал уйланнинг, кейин квартира берамиз, деган важ кўрсатишади. Севган қизим эса, аввал квартира олинг, кейин сизга тегаман, дейди. Унинг ғали ҳам тўғри, кўчага келин бўлиб тушмайди-ку!

Олти йилдан бери севгилим билан ширин-ширин хаёллар сураамиз, аччиқ-аччиқ баҳслашамиз.

— Турмуш қурайлик, ана унда кўрасиз. Ажойиб таомлар пишириб бераман, ҳамма ҳавас қилгудек кийинтираман. Сиз эса фақат ёзасиз,— дейди севгилим сирли шивирлаб.

— Сизни кафтимда кўтариб юраман. Менга ҳеч нарса керак эмас, шахло кўзларингизга кун бўйи тикилиб ўтирсам бас,— севгилимнинг елкасидан қучаман мен.

— Нега энди кун бўйи тикилиб ўтираркансиз? Ёзасиз, яна ёзасиз, тағин ёзасиз!

— Хўп, азизим.

— Биласизми, кеча-чи, янги қурилаётган уйларнинг деразасидаги пардаларни кузатдим. Гулдор парда ярашмас экан. Биз квартирамизнинг деразасига гулсиз, ҳаворанг парда тутамиз, хўпми?

— Йўқ, қора парда яхши. Чунки ўз номи билан «парда». Бегона кўзлардан яширишга хизмат қилади,— гўзалимнинг фикрига қўшилмайман мен.

— Нима? Қалла борми ўзи сизда? Қора парда ҳам тутаркан-да, ифвогарларнинг хонасига ўхшатиб!

— Ўргимчак тўридақа парда тутишдан нима фойда? Қаршидаги уйда яшовчилар хонамизда нима воқеа содир бўлаётганини кўриб туришлари учунми?

— Ҳечам кўринмайди!

— Дурбин билан шунақа ҳам кўринадики...

— Вуй, манови гиламларни қаранг! — хитоб қилди севгилим.— Квартирага гилам керак биринчи навбатда!

— Азизим, булар мукофотга берилади.

— Унда қандил оламмиз-а? Мана бунисини қаранг! Олти хил рангда товланаркан.

— Ранглиси яхши эмас,— эътироз билдираман мен.

— Оппоғининг нима кераги бор?

— Ранглиси киши диққатини бўлади, жоним.

— Шунинг учун ранглисидан оламиз, деяпман-да. Диққат бўлинса, миянинг чарчоғини ёзади.

— Хўп, паришам.

— Квартирани марказдан оламиз, хўпми? Узоқдан берса, кўниб ўтирманг тағин.

— Шаҳар чеккаси яхши эмасми? Ҳар ҳолда, ҳавоси тозароқ.

— Э-э, транспорт чағоқ бўлади.

— Квартира олсак...

— Квартира олсак...

Ҳа, ҳали олдимда қанча-қанча ишлар турибди. Мебель, қандил, гилам, палос, қозон-товоқ, вилкаю қошиқ, чойнак-пиёла олиш, квартирани шаҳар четидан берса кўнмаслик... Бунинг устига уйланишнинг ўзи бўлмайди, ахир! Келинга камида ўн беш сидра, ойиси, отаси, ака-ука, опа-сингил, яқин қариндош-уруғларига бир сидрадан сарпо олиш, тўй кунни қўй, ун, гуруч, сабзи, пиёз, қанд-қурс, мева-чева юбориш, никоҳ кунни йигирмадан ортиқ кишини ресторанда бўккунча боқиш, никоҳ кечасини ошхона, кафеда эмас, энг дабдабали ресторанда ўтказиш, номи чиққан хонандаларни таклиф қилиш...

Олти йилдан бери куну тун шуни ўйлайман. Лекин ҳеч ўйимнинг тағига етолмайман. Юз сўм маош билан нима ҳам қилиб бўларди. Ташвишлар ич-этимни мушукдек кемириб ташлади. Нима қилишга ҳайрон эдим. Охири фақат кимсасиз тоғу тошларга бош олиб чиқиб кетишгина бу ғамлардан қутқариши мумкин, деган фикрга келиб қолгандим. Ахир, севгилимни ҳисобга олмаганда нима илннжим бор? Лоқақл квартира бўлса ҳам майли эди. Тўғри, югурганимда чўнтагимдаги калитларнинг жаранг-журунги оламни бузади, лекин бу

калитлар қатор-қатор квартира хоналариники эмас, чамадонларники.

Ижарада турган яримта хонамга келган меҳмонларни кутиб оларканман, хижолат бўлганимдан салом-алик ўрнига «яқин кунларда квартира бериб қолади», дердим.

Сўнги умидим ишхона маблагидан қурилиб, яқинда фойдаланишга топширилган уйда эди. Унга ниҳоятда қаттиқ умид боғлагандим. Чунки, мендан кўра ночорроқ аҳволдаги одам йўқ бўлса керак, деб ўйлардим.

Ниҳоят, квартира тақсимланадиган кун ҳам етиб келди. Упкамни қўлтиқлаганча хўжалик бошқармасига югурдим... Лекин... мендан «ночорроқ» одамлар тиқилиб ётган экан... Аламдан бўғзимга олмадек нарса тиқилиб қолди гўё. Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари аҳволимни кўриб, илонхўр қурбақани томоша қилаётгандек афтимга бақрайди. Юзида масхараомуз кулгу пайдо бўлди.

Бўшашиб кўчага чиқдим. Олам кўзимга тангу тор эди. «Мана, ҳаммаси тугади! Ҳаммаси тамом!» дея ғазаб билан вишилладим.

Ие, вой тавба! Бирдан асабларим бўшашиб кетди. Узимни енгил ҳис қилдим. Ҳеч қандай ташвишим қолмагандай эди. Ростдан ҳам энди нима ташвишим қолди. Яшасин озодлик! Қувончдан овозимнинг борича бақиргим келарди.

Саноқсиз ғам-ташвишларимнинг жаззаси шугина экан-ку! Мен хомкалла бўлсам... Бармоқларимни «Воҳай бола» кўшиғи оҳангига монанд қирсиллатиб бир томонга йўл олдим. Мен юриб эмас, гўёки енгил пардек сузиб борардим.

Алвидо, мебель, ғилам, сарполар, қозонтовоқ, вилка-қошиқ, сабзи-пиёз, қанд-курс ва ҳоказолар! Алвидо, яна бошқа балою баттарлар! Алвидо! Яшасин озодлик! Яшасин директор ўринбосари! Лекин севгим...

## Ўртоқлик ҳазиллари



Ўзбекистон халқ шоири **УЙҒУН**га

У ижод боғида ҳамон заҳматкаш:  
Яратди «Беруний», «Зебунниссо»ни.  
Гарчи у шоирдир, табибмас, аммо  
Қайта тирилтирди Ибн Синони.




Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
**Назир САҒАРОВ**га

Қариган чоғ кўп сўзлар одам.  
Гўё бусиз ҳеч иш «пишмайди».  
Лекин Назир ота бошқача:  
Камроқ сўзлаб, кўпроқ ишлайди.




Ўзбекистон халқ ёзувачиси  
Туроб ТУЛАГА

Ишқий шеър битмайди, дея ўйламанг,  
Туроб акангиз ҳам ошиқ,  
У қўшиқни ёзиб ўтирмайди,  
Унинг ҳар бир сўзи — қўшиқ!



Ҳамза номидаги республика Давлат  
мукофоти лауреати Улмас УМАРБЕКОВГА

Богнинг асл узумидан вино бўлгай,  
Қасд айласам не-не асар бино бўлгай.  
Театрга бермоқчийдим, йўқ, бермадим,  
Навбатдаги бу пьесам ҳам кино бўлгай.



Ҳамза номидаги республика  
Давлат мукофоти лауреати  
Одил ЕҚУБОВГА

Инсон севар ўла-ўлгунча,  
Чунки ишқдир кўнгилнинг нақши...  
«Биллур қандил»ларинг бўлгунча,  
«Диёнат»инг бўлса, шу яхши!



Ҳамза мукофоти лауреати  
Абдулла ОРИПОВГА:

Бир «Митти юлдуз»ча чақнаган маҳал  
Одамлар кўксига тўлганди ҳайрат...  
Зеро, бошқа экан «Ҳаким ва ажал»,  
Зеро, бошқа экан «Сурат ва Сийрат»...



Сўзсиз суратлар.



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

## Мундарижа

Л. И. Брежнев. Эсдаликлар. . . . .	4
Э. Воҳидов. Ўзбекистон коммунистлари. Шеърлар. . . . .	31
Й. Шамшаров. Виждон амри. Қисса. . . . .	36
В. Саъдулла. Ғазаллар. . . . .	108
Ж. Жабборов. Тўйдан олдин томоша. Комедия . . . . .	111
И. Отамуродов. Қалбимнинг поёнсиз кенгликлари. Шеърлар. . . . .	139
А. Мамарасулов. Йўловчи. Ҳикоя. . . . .	144
М. Солиҳ. Рухимдаги кўтаринкилик. Шеърлар. . . . .	153
Т. Али. Ёмғир ёғяпти... Шеърлар. . . . .	155

### КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «АДАБИЙ-БАДИИЙ ТАНҚИДЧИЛИК ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ УН ЙИЛЛИГИГА КПСС XXVI СЪЕЗДИ ВА ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ

Ҳ. Абдусаматов. Кириш сўзи. . . . .	157
Ҳ. Ёқубов. Изчил гуманизм. . . . .	159
П. Шермухамедов. Қаҳрамоннинг маънавий олами. . . . .	162
Ғ. Каримов. Мерос — замон хизматиға . . . . .	167
С. Мирвалиев. Ҳаётийлик — асосий мезон . . . . .	170
С. Мамажонов. Ижодий қаҳрамонда давр руҳи, ёзувчи идеали бўлсин. . . . .	173
У. Норматов. Оддий одамнинг улкан қалби . . . . .	176
Н. Худойберганов. Умри узоқ бўлсин. . . . .	179
Ҳ. Абдусаматов. Сўнги сўз. . . . .	182

### ОЧЕРКЛАР

Н. Сафаров. Нон — ризқ-рўзимиз... . . . .	184
---	-----

### БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Т. Жўра. Нозим Хикмат ва ўзбек шеърляти . . . . .	189
Ҳ. Ғулом Маслакдош, қуролдош . . . . .	192
Нозим Хикмат. Янги шеърлар. . . . .	194
В. Гниломедов. Шоирнинг мардоновор овози . . . . .	197
Р. Хименес. 100 йиллигига . . . . .	200

### «ГУЛҚАЙЧИ»

О. Фармон. Ҳажвий ҳикоялар. . . . .	202
Уртоқлик ҳазиллари. . . . .	204

Бош редактор **Ҳ. АБДУСАМАТОВ.**

Редколлегия: **С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАББОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК** (масъул секретарь), **МИРМУҲСИН, Н. НАЗРУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЕЗОВ** (бош редактор ўринбосари), **У. НОРМАТОВ, А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ, Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ, Ҳ. ҒУЛОМ.**

Рассом **Э. Рўзибоев.**  
Техредактор **М. Мирражабов.**  
Корректор **А. Билолов.**

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 1

Орган Союза писателей Узбекистана  
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1982

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 6.11.81 й. Босишга рухсат этилди 16.01.82 й. P-02734. Қоғоз формати 70<sup>1</sup>/<sub>8</sub>×108<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. Қабариқ босма. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55+0,35 (вкл.). Нашриёт ҳисоб листи 20,2+03 (вкл.). Тиражи 215.000. Заказ № 1982.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока», кўчаси, 26-уй.

© Шарқ юлдузи» 1982.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:  
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР ЎРИНБОСАРИ — 330918.  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА  
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.